



Ҷумҳурии Ӣрдонистон

Ҷумҳурии Ӣрдонистон

Ҷумҳурии Ӣрдонистон

84
П-69

И. А. Гончаров




Замона
Зайли

84	2127/1
Г-69	И. А. Гончаров
Замона	
Замли	
2020	38.755

Китоб шу ерда кўрсатилган муддатдан кечиктирилмаган ҳолда топширилиши шарт

Илгариги берилмалар миқдори _____

24/xii 905 2001



84
1' 69

Рус адабиёти дурдоналари

ИВАН АЛЕКСАНДРОВИЧ ГОНЧАРОВ



Замона Зайли

Икки қисмдан иборат роман

ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2020

УЎК 821.161.1-31

КБК 84(2Рус)

Г 69

Хайрулла Эргашев
таржимаси

XIX асрнинг прогрессив рус адабиёти намояндаси И.А. Гончаров «Замона зайли» номли романида ўша давр рус жамияти ҳаётидаги кескин ўзгаришлар, оддий феодалистик турмуш тарзи ўрнига жадал капиталистик муносабатлар кириб келиши натижалари тасвирланган. Петербург ҳам бошқа ривожланаётган индустриал шаҳарлар сингари буржуа жамиятига айланиши асар қаҳрамонлари феъли-атворидаги янгича кўникмалар ҳосил қилгани кўрсатиб берилган.

ISBN 978-9943-25-940-9

© И. Гончаров, 2020

© «O'zbekiston» ИМИУ, 2020

ХУРАТ НА

2127/1

Занеелота АҚМ



МОҲИР РОМАННАВИС

Жихонга машхур рус реалистик романининг намояндаларидан бири Иван Александрович Гончаровнинг номи Пушкин ва Гоголь аъённаларини давом эттирган етук сўз устаси каторида фахрли ва ўзинга хос ўрин эгаллайди. Оташин революцион-демократлар Белинский ва Добролюбовлар эътиборига сазовор бўлган И. Гончаров ўзининг «Замона зайли», «Обломов», «Жар» романи билан прогрессив рус адабиётининг тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатди.

Пагариархал помешчиклар оиласида дунёга келган И. Гончаровнинг болалиги кейинчалик Добролюбов «обломовчилик» деб ном берган шароитда кечди. Табиатан таъсирчан, хаёл суришни яхши кўрадиган И. Гончаров болалигидан китоб мутолаасига ўч эди. Ломоносов ва Фонвизин, Державин ва Жуковский, Расин, Вольтер ва Руссоларнинг ажойиб асарлари уни 1831 йили Москва университетининг тил ва адабиёт факультетига бошлаб келди.

И. Гончаров университетда ўқир экан, ижтимоий-сиёсий ва фалсафий мунозаралардан, тортишувлардан ўзини четга тортар, адабиёт ва санъат масалалари билан кизиқар эди. Бу йиллари у улуғ Пушкин шеърятининг сеҳрли таъсири остида яшади.

Талабалик йиллари И. Гончаров ўша даврнинг машхур танқидчиларидан бири Г.И. Надеждиннинг эстетика бўйича ўқийдиган лекцияларини, айниқса, ёқтирар эди. Ёзувчи Надеждиннинг номига кейинчалик доим миннатдорлик билан эслайди. Унинг адабиёт соҳасидаги дастлабки машқлари ҳам ана шу Г. Надеждин номи билан боғлиқ. 1832 йили танқидчи томонидан нашр қилинадиган «Телескоп» журналида И. Гончаров таржимасида француз адиби Эжен Сюнинг «Аттор Гул» романидан парчалар босилган эди.

Москва университетини битиргандан сўнг кўп ўтмай бўлажак адиб молия министрлигига кичик амалдор бўлиб ишга кирди. Ми-

нистрликда кечган йилларини И. Гончаров кейинчалик фақат таасуф билан эсласа-да, бу давр бўлажак ёзувчига Петербург амалдорлари ва савдо-молия доиралари ҳаётини чуқур ўрганишига имкон берди.

И. Гончаровнинг проза соҳасидаги дастлабки машқлари ҳам шу даврга тўғри келади. Машҳур рассом Н. А. Майков томонидан уюштирилган адабиёт тўғрагига мансуб кўлёзма альманах саҳифаларида 1830 йилларнинг охирида унинг «Давосиз дард» ва «Бахтли тасодиф» номли кичик қиссалари босилиб чиқди. Бу асарларда оддий одамларнинг икир-чикир ташвишлари, камтарингина ички кечинмалари ва албатта, севги савдоси реалистик бўёқларда тасвирланган эди. Бу икки асар дастлабки машқ бўлишига карамасдан, уларда бўлғуси «Замона зайли» ва «Обломов»ларнинг муаллифи И. Гончаровнинг нафаси уфуриб туради.

Борган сари И. Гончаров адабиёт «чексиз ва тагсиз чуқур уммон» эканини, ижодкордан бутун борлигини, бутун ҳаётини талаб қилишини тушуна бошлади.

Катта рус адабиётига кириб келаётган адибнинг бахти ҳам, дарди ҳам шу ҳақиқатни англаб етганида эди.

1846 йил И. Гончаров улуг рус танқидчиси, революцион-демократ Виссарион Белинский билан танишади ва яқинлашади. Белинскийнинг ақл-заковати, шижоати, унинг бетакрор даҳоси ёш адибни ўзига мафтун этмаслиги мумкин эмас эди. Белинский ғоялари унинг крепостнойчилик истибдодига, онгсизлик ва «зулмат шохлигига» қарши оташин кураши Гончаров дунёкараши ва ижодида демократик тенденцияларнинг кучайиши ва ривожига чуқур таъсир кўрсатди. Бунини биз ёзувчининг дастлабки йирик реалистик романи – «Замона зайли»да яққол кўришимиз мумкин.

Крепостнойчилик ижтимоий воқелик сифатида ҳам, жамиятнинг маънавий ҳаётига таъсири жихатидан ҳам ёзувчининг нафратини кўзғайди. Бу унинг ижодида кучли танқидий руҳни, фош қилувчи тенденцияларни келтириб чиқарди.

1852 йили рус ҳарбий кемаларидан бири «Паллада» номли фрегат машҳур адмирал Путятин бошчилигида Япония сафарига чиқади. Кема аҳли орасида адмиралнинг котиби – И. Гончаров ҳам бор эди. Шу тарика унинг болаликдаги тилаги – узоқ ўлкалар табиати ва ҳаётини ўз кўзи билан кўриш орзуси амалга ошди. Саёҳат икки йилдан кўпроқ давом этди. Унинг натижаси сифатида икки

томдан иборат «Паллада фрегати» номли саёхатнома китоби ву-
қулга келди. И. Гончаровнинг бу асари рус адабиётида саёхатнома
жанрининг классик намунасига айланди.

Китобда Осиё халқлари ҳаётига бағишланган очерклар айниқса
диалектга сазовор. Ёзувчи патриархал муносабатларга асосланган
техника капитализмнинг кириб келаётганини, Англия ва аме-
риканлик буржуа корчалонлар савдо, ҳарбий куч ёрдамида қолоқ
халқларни қулга айлантираётганлигини тасвирлади. Очеркларда
ёзувчининг оддий одамларга меҳри, унинг улкан гуманизми яққол
кўринади туради.

Саёхатдан қайтиб келгач, 1856 йилда И. Гончаров цензор бўлиб
қилиб қиради. У цензор сифатида прогрессив адабиёт вакиллари
қаршида хайрихоҳлик билан қаради, уларга қўлидан келганча ёрдам
берилади. Гончаров ёрдамида И. Тургеневнинг бир неча йил давомида
таъкидланиб турган машҳур китоби – «Овчининг мактублари» боси-
либ чиқди. Некрасов шеърларининг, Писемский қаламига мансуб
«Мини жон» романининг босилиб чиқишида ҳам Гончаровнинг
қўли бори.

1859 йили рус адабиёти тарихидаги энг ажойиб асарлардан
бири «Обломов» романи босмадан чиқди. Узоқ ва машаққатли
меҳнат натижаси бўлмиш бу асар тез орада машҳур бўлиб кет-
ди. Ушунда даврдаги танқидчилардан бири роман «жамоатчиликни
қалбидан хайратга солгани», зиёлилар ўртасида «бомба портлагани
қалбидан таассурот» уйғотгани ҳақида ёзган эди. Лев Толстой романи
«қалбидан асар» деб атайди ва бундай асар анчадан бери ёзилмаган
эди, дейди.

II Гончаровнинг «Обломов» романи халқчилик ҳаракатининг
қўлидан бир даврида дунёга келди ва рус жамияти илғор доира-
ларининг крепостной ҳуқуққа қарши олиб борган курашида муҳим
роль ўйнади.

Ёзувчининг ўзи таъкидлашича, Обломовни Обломовга («бир
парча хамирга») айлантирган нарсаси – крепостнойчилик билан
бонувчи воқелик. Крепостной мулкка эгаллик «обломовчилик»ни
келтириб чиқарди. Н. Добролюбов ўзининг машҳур мақоласида
«обломовчилик»ни маънавий куллик деб таърифлайди.

Романда Обломовнинг ҳаёти инсон шахсиятининг руҳий ва маъ-
навий инкирози, тирик, жонли одамнинг ўлик жонга айланиш та-
риқи сифатида акс этади. Қизиғи шундаки, Иван Ильич Обломов –

аҳмоқ, калтабин одам эмас. Унинг табиатида қандайдир яхши хислатлар, олижаноблик бор. Лекин бировлар ҳисобига (крепостной деҳқонлар меҳнати эвазига) яшаш уни рухий ва маънавий мурдага, «тиригида ўликка» айлантиради.

«Обломовчилик»нинг асл моҳиятини Добролюбов ўзининг мазкур романга бағишланган мақоласида кўрсатиб беради. У обломовларни туғилиб келаётган янгиликнинг ашаддий душманлари, деб атайди.

1860 йиллар шароитида синфий курашнинг, ғоявий-сиёсий карама-қаршиликларнинг кучайиши И. Гончаров ижодида либерализмга, ҳатто консерватив позицияга чекинишни келтириб чиқаради. Ёзувчи Белинский ғояларидан қанчалик таъсирланган бўлмасин, революцион-демократлар ҳаракатига қарши позицияда турар эди. Ёзувчи дунёқарашига ҳос бўлган бу карама-қаршиликлар унинг сўнгги йирик асари – «Жар» романида намоён бўлди.

И. Гончаров бу романида ҳам рус жамиятининг ўзгаришлар даврига ҳос умумлашма картинасини чизиб беради. Ёзувчи эски тартибларнинг («обломовчилик»нинг) емирилиш шароитида Россия тақдирини тасвирлашга, мамлакатнинг келажак тараққиётини акс эттиришга ҳаракат қилади. Лекин бу романда ёзувчи эски ҳаётни бутунлай рад қилмайди, унинг баъзи томонларини оқлашга интилади.

Ҳаётга кириб келаётган янгиликлар Райский образида акс этган. Крепостнойчиликка қарши бўлмиш либерал Райский ёзувчининг ўз ибораси билан айтганда, «Обломовнинг фарзанди». У – уйқудан уйғонган Обломов: у «Нима қилишни билади, лекин... ҳеч нима қилмайди».

Гончаров романининг асосий қаҳрамонларидан бири Марк Волоховдир. Марк – 1860 йилларга ҳос демократик ёшлар вакили. Бу образ ёзувчининг ҳаётга кириб келаётган «янги одамларнинг» ният-мақсадларини тушунмаганлигини кўрсатади. Романда Марк Волоховнинг (демак, «янги одамлар»нинг) ҳаётий позицияси, сиёсий программаси акс эттирилмади, бу билан ёзувчи волоховларнинг келажаги йўқ, демокчи бўлди.

Иван Александрович Гончаров ижодининг шаклланиши ва ривожига унинг биринчи романи – «Замона зайли» (1847) муҳим ўрин тутади.

Роман воқеалари XIX асрнинг 30–40-йиллар оралиғини қамраб олади. Асарда шу даврда рус жамияти ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар ва уларнинг асосий омили – капиталистик муносабатларнинг кучайиб бораётганлиги акс этган. Шу сабабли икки хил шароитнинг – Адуевлар мулки бўлмиш Грачи қишлоғи ҳаёти билан пойтахт шаҳри воқелигининг карама-қарши қўйилиши бежиз эмас. Ёзувчининг таъкидлашича, қишлоқдан кечагина келган ҳаёлий-романтик кайфиятдаги Александр Адуев билан унинг амакиси ўртасидаги конфликт эски ақидалар, тушунчалар, кўхна маънавиятнинг емирила бошлаганини кўрсатади. И. Гончаров ўз асари орқали одамларнинг онгига янгича, ҳақиқий меҳнат қилиш зарурлигини сингдирмоқчи, уларни ишчанликка чақирмоқчи бўлди. Ёзувчи сохта романтизмга қарши Белинский бошлаган курашни қўллади, унга ёрдам берди.

Ёш Адуев образида адиб эски ақидаларнинг, патриархал муносабатларнинг чиркинлигини, келажаги йўқ, сароб эканлигини кўрсатди. Ёзувчи ўз қаҳрамонини «табиатан, тарбиясига кўра ва ҳаётий шароитидан келиб чиқиб, уч карра романтик», деб атайди.

Петербург ҳаёти қаҳрамоннинг романтик ҳаёлларига кескин зарба беради. И. Гончаров Александр Адуев образида сохта романтика эътиқод эмаслигини, унинг негизида худбинлик яширишиб ётганини кўрсатиб беради. Шу сабабли бўлса керак, кечаги «романтик» кайфиятдаги Адуев бора-бора амалпараст хизматчига, маънавий қашшоқ мешчанга айланади.

Адуевнинг амакиси – Пётр Ивановичга ўхшаш кимсаларни адиб молия министрлигидаги амалдорлар, пойтахт коммерсантлари орасида кўп учратган. И. Гончаров крепостнойчилик шароитида бу типдаги шахсларнинг маълум прогрессив роль ўйнашини тўғри тушунади. Пётр Адуев – ҳалол ва ўз ишига пухта одам. У – меҳнаткаш, ишнинг кўзини билади ва ўзига ўхшаган одамлар жамият учун зарурлигини тушунади. Лекин Белинский таъкидлаганидек, Пётр Адуев – «эгоист, табиатан совукмижоз, фидойилик қўлидан келмайдиган» одам. У ўзини маданиятли, санъатни тушунадиган ва севадиган одам ҳисоблайди. Лекин маданият ҳам, санъат ҳам унга амалий жиҳати билан қимматли. Ёзувчи амаки образида янги буржуача ҳаёт вакилининг интилишлари, ҳаётий фалсафаси накадар тор, чекланган эканини кўрсата билди.



«Замона зайли» рус реалистик адабиётида оддий одамларнинг оддий ҳаётини реал акс эттирган дастлабки романлардан бири сифатида муҳим аҳамиятга эга. Бу асарга улуғ танқидчи Белинский юксак баҳо берган. У Гончаров романини «рус адабиётининг энг ажойиб асарларидан бири», деб атаган.

И.А. Гончаров романлари рус реалистик адабиётининг тараққиётида муҳим ўрин тутди. Ёзувчининг энг яхши асарлари авлоддан-авлодга хизмат қилиб келмоқда.

Талъат Солиҳов
адабиётшунос





БИРИНЧИ ҚИСМ

I

Ёз кунларидан бири. Грачи қишлоғидаги ўртаҳол бойвучча Анна Павловна Адуева хонадонида яшовчи жами тирик жон: беканинг ўзидан тортиб занжирдаги ити Барбосгача тонг ёришганданок оёққа қалққан.

Фақат Анна Павловнанинг арзанда ўғли Александр Фёдоричгина йигирма ёшли йигит уйкуси билан донг қотиб ётарди. Қолганлар тиним билмай куйманишмоқда. Улар ёш барин уйғониб кетмаслиги учун оёқ учидагина одимлашар, пичирлашиб гапиришарди. Ким бирор нарсага ноҳос тегиб кетса ёки овозини кўтаргудек бўлса, Анна Павловна шу заҳоти безовталанган шердай етиб келарди-да, эҳтиётсизлик қилганни бўралаб қарғар, ҳақоратлар, баъзан жазавада аямай турткиларди ҳам.

Гарчи уй эгалари Анна Павловна билан Александр Фёдоричдангина иборат бўлишса ҳам ошхонада қўл-қўлга тегмай ўн кишига етарли таом ҳозирланаётганди. Бостирмада араванинг чанги артилиб, мойланияпти. Ҳамма нима биландир банд, елиб-югуриб хизмат қилмоқда. Ёлғиз Барбосгина бемалол, аммо у ҳам ўзига яраша маълум юмуш бажарарди. Ёнида малайми, кучерними кўриб қолса ёки бирорта аёл липиллаб ўтганига кўзи тушса, ит думини ликиллатган кўйи ўткинчини яхшилаб искаб чиққач: «Ховлимиздаги бугунги югур-югурнинг боиси нима ўзи?» – дегандай мўлтиллаб қўярди.

Ҳозирги куйди-пишдининг сабаби шуки, Анна Павловна ўғлини Петербург хизматига ёки унинг тили билан айтганда, одамларни кўриш ва ўзини кўрсатишга жўнатаётганди. Адуева хоним учун энг оғир кун бугун! Унинг маъюс ва асабийлиги ҳам мана шундан. Жонсарак бека дам-бадам бирор хизмат буюришга оғиз жуфтлар экан, туйкус гапи чала қолиб, овози ўзгарган кўйи четга буриларди-

да, баъзан кўзини артишга улгурар, улгурмаса, ёш катралари она-нинг ўзи Сашеньканинг кийимларини жойлаган жомадон устига томарди. Анчадан бери онанинг кўзёши кўксига келар, томоғини бўғиб, нафасини қисарди-да, хали-замон дув-дув тўкиладигандай туюларди. Аммо бека ёшларини видолашиш дамларига асраб, гоҳи-дагина пича дилхунлик қилиб кўярди.

Ҳижрон ташвишидаги Анна Павловнагина хасрат чекмай, Сашеньканинг хизматкори Евсей ҳам қаттиқ қайғуга тушиб қолганди. Хизматкор бойвачча билан Петербургга жўнапти. Демак, у ётоқхона ортига тушган, Анна Павловна хонадонининг бош оқсочи Аграфена кулбачасидаги ёқимли маскани, айникса, ҳаммадан ҳам беканинг ўша оқсочини ташлаб кетиши керак.

Ётоқхона ортидаги кулбачага икки стул, чой, қаҳва, таом тайёрланадиган стол сиғарди, холос. Евсей печка тўри ва Аграфена қалбини мустақкам эгаллаган, иккинчи стулда эса бош оқсочнинг ўзи ўтиргувчийди.

Аграфена билан Евсей ўртасидаги муносабат хонадонда кўпдан бери маълум бўлиб, бу ҳақда бошқа барча воқеалар тўғрисида гапирилгандай анчагина мишмишлар тарқалганди-ю, кейин эса бунга ҳеч ким эътибор бермай ҳам қўйганди. Беканинг ўзи уларни ёнма-ён кўришга ўрганиб қолиб, хизматкорлар ўн йил тинчгина кун кечиришди. Умри охирида ўн йил ҳаётим бахтли ўтди, дейдиган кимса қанча топиларкин? Аммо, мана энди, ажралиш дамлари ҳам етиб келди! Алвидо, ёқимли маскан, алвидо, Аграфена Ивановна, алвидо, карта ўйинлару қаҳва, ароқ-мусалласлар, ҳаммасига алвидо!

Евсей жимгина ўтириб чуқур хўрсинар, ковоғи солиқ Аграфена куйманиб юрарди. Унинг алами бошқачароқ намоён бўла бошлади. Оқсоч ўша куни зарда билан чой куйди-да, одат бўйича аччиқ чойдан дастлаб бекага узатиш ўрнига уни: «Ҳеч кимга на-сиб қилмасин», – дегандай, шартта нарига сепиб юборди. Бунинг учун бошлаб эшитадиганини эшитди. Қаҳвани тошириб, қаймоғини куйдириб юборди, идишлар қўлидан тушиб кетди. Патнисни столга аста қўймай, дўқ этиб қўйди, эшигу жавонларни тарақа-турук очиб-ёпа бошлади. Аммо Аграфена обидийда қилмас, ҳамма нарса ва барчадан жаҳли чиқарди. Аслида-ку, феъли шунақа эди. У доим норози бўлгани-бўлган: ҳеч нарса кўнглига ёқмас, қачон қараса, шанғиллаб шикоят қилгани-қилганди. Аммо ҳозирги аламли дам-

ларди фсэли янаям баттар айниб, ичидан захари қайнаб тошар ва чимаси айниқса, Евсейни кўргани кўзи йўқ эди.

Аграфена Ивановна!.. – зорланди Евсей барваста ва йўғон тиндисига ярашмаган мулойим овозда.

Нега бу ерга ўтириб олдинг, гўрсўхта! – жеркиди Аграфена гўё Евсейнинг доимий жойи шу ер эмасдай. – Йўл бер, сочикни олишим керак.

Эҳ, Аграфена Ивановна!.. – яна эринчоклик билан зорланишни такрорлади Евсей хўрсинаркан, курсидан туриб. Кейин у аёл сочикни олган заҳоти қайта жойига ўтирди.

– Нукул ҳиқиллагани ҳиқиллаган! Бунчаям тирғалмаса бу сўлокмон! Э, худойим, нима кўргилик бу ахир! Елимдай ёпишиб олди-я!

Оқсоч шундай деб, қошиқларни жомашовга тушириб юборди.

– Аграфена! – шанғиллади баногоҳ бошқа хонадан Анна Павловна. – Ҳа, ергина ютгур бетамиз! Нахотки Сашенька ухлаётганини билмасанг. Хушторинг билан хайрлашиш ўрнига юлишяпсанми нима бало?

– Қимирламай, кўмилиб ўтиришинг керак бу уйда! – ёзғириб қўйди Аграфена. У идишни чил-чил қилиб синдириб ташлагудай киёфада икки қўллаб тутиб турарди.

– Хайр, яхши қолинг! – деди ич-ичидан хўрсиниб Евсей. – Бир-галикдаги охирги кунимиз-а, Аграфена Ивановна!

– Худога минг қатла шукур! Тезроқ қоранглар ўчсин! Кулбаям кенг бўлиб қолади. Йиғиштириниброқ ўтирсанг-чи, оёгингни торт, ўтолмаяпман-ку!

Евсей суюклисининг кифтларидан тутмоқчи бўлганди, Аграфена уни жон ҳолатда қаттиқ силтаб ташлади! Хуштор бечора яна хўрсиниб қўйди-ю, лекин ўрнидан силжимади. Аслида тўғри ҳам қилди, чунки Аграфена унинг чикиб кетишини хоҳламас, Евсей буни билгани учун туртки еганини парвойига ҳам келтирмасди.

– Менинг ўрнимда бошқа бирортаси ўтирса керак-а? – деб қўйди Евсей ҳамон хўрсиниш аралаш.

– Алвасти ўтиради! – тутилиброқ жавоб қайтарди Аграфена.

– Айтганингиз келсин-э! Ишқилиб Прошка бўлмаса бас. Энди ким сиз билан қарта ўйнайди?

– Жиллақурса ўша Прошка ўйнай қолар, шу билан осмон узилиб ерга тушармиди? – жавоб қайтарди ғижиниб Аграфена.

Евсей ташвишда ўрнидан туриб кетиб, пўписали оҳангда:

– Прошка билан ўйнаманг, худо ҳақки, ўйнаманг у билан! – деди.

– Ким кўлимни боғлаб қўя олади? Ё сен, худо урган тасқара боғлаб қўясанми?

– Пошшагинам, Аграфена Ивановна! – Евсей ёлворган овозда суюқлисининг белидан кучди. Аслида шуни айтиш керакки, Аграфенада умуман бел деган нарсанинг ўзи йўқ эди, шунинг учун у кучоқлашга жавобан тирсаги билан Евсейнинг кўкрагига ниқтаб қўйди.

– Пошшагинам, Аграфена Ивановна! – олдинги сўзларини такрорлади Евсей, – ўша Прошка мен севганчалик сева олармикин сизни? Қанақа безорилигини ўзингиз биласиз-ку. Аёллар кўчага чиқишга зор унинг дастидан. Мен бўлса, мана, эҳҳ! Дунёда сиздан бўлак аёл йўқ мен учун. Агар бойвачча олиб кетмаганларида, шундаям... эҳ!..

Шундан сўнг бўғзига нимадир тикилган Евсей қўл силтаб қўйди. Аграфена ортиқ бардош бера олмай, ниҳоят унинг алам тўла кўзларида ҳам ёш ғилтиллади.

– Ўз ҳолимга қўясанми-йўқми, худо безор? – деди Аграфена йиғламсираб. – Оғзингга келганини валдирайвермасанг-чи! Прошка билан тенглаштиради-я мени! Ундан маънили гап чикмаслигини нахотки ўзинг билмасанг? Турган-битгани шилқимлик...

– Сизгаям шилқимлик қилдими? Вой, ярамас-эй! Бир оғиз менга айтмабсиз-да! Нақ уни...

– Шилқимлик қилиб кўрсин-чи менга! Ҳовлида бўлак аёл қуриб қолибдими? Бир камим Прошка билан бачканалашиш қолувди ўзиям! Топган гапини-чи! Ёнида ўтиришга ҳам ҳазар қиламан. Чўчка нима-ю, у нима! Бировни қақшатиш, бойвуччанинг сарқитини еб, жўнаб қолишдан бошқани билмайди.

– Аграфена Ивановна, борди-ю, шайтон йўлдан уриб, кулбага бировни киритгудек бўлсангиз, яхшиси, Гришкани кирита қолинг, ҳарқалай, у ювош, заҳматкаш йигит, валдирвос эмас...

– Тилгинангни қарға чўқисин! – ғазаби ошди Аграфенанинг. – Нега мени учраган нусхага тенглаштираверасан? Нахотки қаёқдаги суюқоёқ... Йўқол кўзимдан! Сенга ўхшаганлардан дуч келганининг бўйнига осилаверадиғанлардан эмасман, шуни билиб қўй! Нима

••••• урно, сен тўнкага илашиб қолганимдан ҳам афсусланаман...
тоғаним тапини-чи!

Илоийм кам бўлманг! Бошимни осмонга етказдингиз! – хитоб
килдн Евсей.

Суюн-а, суюн! – ғазабдан лаблари гезариб ўшқирди яна Агра-
фена. Ҳозир суюнадиган пайт ўзиям!!

Орага жимлик чўкди.

Аграфена Ивановна! – мурожаат килди қўрка-писа пичадан
келишн Евсей.

Хўш, тагин нима дейсан?

Ўсимданам чиқиб кетибди. Ахир эрталабдан бери туз ҳам
тоғаним йўқ-ку.

Ажаб бўпти!

Хафалигимдан-да, пошшагинам.

Аграфена Евсейнинг боши оша қўл узатиб, жавоннинг пастки
тоқчасидан бир стакан ароқ ва чўчка ёғи билан икки бурда нон
олди. Буларни у Евсей учун аллақачон ғамлаб қўйганди. Аёл хуш-
торининг оғзига апил-тапил нон ва ёғ тикиштирди. Бир тишлам
нон полга тушиб кетди.

Ма, е, захринга! Э, худо, қанийди-я сени... Ҳой, ҳаммага
интириб чапиллатмасанг-чи!

Аграфена гўё нафратлангандай юзини Евсейдан тескари ўгирди.
Хуштор боёқиш суюклисига ер остидан тикилганча бир қўли би-
лан оғзини тўсиб нон чайнай бошлади.

Шу пайт дарвоза остонасида уч нафар от етаклаган ямшчик
кўринди. Ўртадаги отга бўйинтуруқ урилган, эгарга боғлокли
кўнғироқ қўл-оёғи боғланиб қазноққа ташланган маст одам ғулди-
рашига ўхшаш бўғиқ ва базўр жирингларди. Ямшчик отларни
бостирма панасига боғлади-да, шляпасини ечгач, ундан искирт со-
чик олиб, юзидаги терни артди. Уни кўрган Анна Павловна гарчи
ямшчик келишини билса ҳам ранги бўзариб, оёқ-қўллари бўшашиб
кетди. Ўзини тутиб олгач, Аграфенани чақирди.

– Секин оёқ учида кириб қара-чи, Сашенька ухляптимикин? –
деди у. – Охирги кунни ҳам ухлаб қолиши мумкин болагинам. Дий-
лорига тўймай колмасам гўргайди. Йўқ, қўй, кирмай қўя қол! Молга
ўхшаб лапанглашинг қурсин! Яхшиси, ўзим...

Бека шундай дея ичкарига йўналди.

– Ўзинг мол! – тўнғиллади Аграфена изига қайтиб. – Сигирга ўхшармишман-а! Мендақа оксочни топа олармикансан?

Анна Павловнага пешвоз сочлари маллатоб, навқирон, соғлом ва куч-қувватга тўла Александр Фёдоровичнинг ўзи келарди. У онасига очиқ чехра билан салом берди, аммо бирдан жомадон ва тугунларга кўзи тушиб қолиб, хижолатли қиёфада индамайгина деразага яқинлашди-да, бармоғи билан ойнани сийпалай бошлади. Бир дақиқа ўтмаёқ яна онаси билан бепарво гаплашишда давом этди. У ҳатто йўлга тайёрланган анжомларни ҳам хурсанд бўлиб кўздан кечирарди.

– Мунча кўп ухламасанг, қароғим? – деди Анна Павловна, – юзларинггача кертиб кетибди-я. Ке, кўзингни артиб, юзингга атир суриб қўй.

– Қўйинг, ойижон, керак эмас.

– Нонуштага кўнглинг нимани тусайди? Олдин чой ича қола-санми ёки қахвами? Қийма гўшт қовуришни буюрувдим, қаймоқ билан ерсан. Ё кўнглинг бошқа нарсаси тусаяптими?

– Менга барибир, ойижон.

Анна Павловна жомадонга кийим жойлай бошлади. Кейин тўхтаб, ўғлига маъюс тикилиб қолди.

– Саша! – деди у пича ўтгач.

– Лаббай, ойижон?

Анна Павловна нимадандир ҳайиқаётгандай хиёл жим турди.

– Қаёққа кетяпсан, қароғим, нима учун? – сўради у ниҳоят шикаста овозда.

– Қаёққа, деганингиз нимаси, ойижон? Петербургга-да, шу... шунинг... учунки...

– Менга қара, Саша, – деди она ҳаяжон ичида қўлини ўғлининг елкасига ташларкан, уни сўнгги бор кўндириш мақсадида, – ҳали ҳам кеч эмас, яхшилаб ўйлаб кўргин-да, сафарингни тўхтат.

– Тўхтат! Қанақасига?! Ахир... йўл анжомлари тахт қилиб қўйилган бўлса, – жавоб қайтарди Саша нима дейишга гап тополмай.

– Анжомлар тахт эмиш! Мана, кўр... мана... мана... қарабсанки, тахт бўлмади-қўйди.

Анна Павловна чаққон ҳаракат қилиб, жомадондаги ҳамма нарсани ташқарига чиқариб ташлади.

Бу қанақаси бўлди, ойижон? Сафарга отлансаму жўна-
манми? Нима дейишлари мумкин...

Ўғил маъюсланиб қолди.

Мен ўзимга эмас, сенга ачинганимдан гапиряпман. Нимага
хотининг? Бахт излабми? Нима, бу ерда ёмон яшаяпсанми? Наҳотки
сени деб сув келса симириб, тош келса кемирмаётган бўлса?
Ўғил, ҳозир онангнинг ёлғиз силаб-сийпалашигина кифоя қила-
дими ёндан ўтиб қолгансан. Мен ҳам буни талаб қилаётганим йўқ.
Аммо бундай ён-верингга назар сол. Ҳамма сенга махлиё. Марья
Карповнанинг кизи Сонюшка-чи? Хўш... нега қизариб кетдинг?
Умрининг узок бўлгур, сени шунчалар ҳам севадики. Боёқиш уч
вечидан бери мижжа қоқолмаса-я!

Кўйсангиз-чи, ойижон! У шунчаки...

Ҳо, гўё мен билмаётгандай... Ҳа, эсимда борида айтай, Со-
нишка кўйлақларингни кашта тикиш учун олувди. «Мен ўзим,
ўшим кашталайман, ҳеч кимга бермайман, белги кўйиб қўяман»,
деди. Кўрдингми, яна бундан ортик нима керак сенга? Кўй, ўша
сифарингни!

Боши қуйи эгилган ўғил хонаки халатининг боғичларини ўйна-
гичча жимгина кулоқ солиб турарди.

Петербургда нима бор? – давом этди она. – У ерда ҳам уйим-
лиғидай яшайман, деб ўйласанг керак-да? Чучварани хом санабсан!
Худо билсин, бошингга не қийинчиликлар тушаркин. Агар бил-
санг, сени қишли-кировли, оч-наҳор кунлар кутяпти. Дунёда ёмон
одамлар кўп, яхшисини топишнинг ўзи бўлмайди. Фароғатда яша-
санг, қишлоқ нима-ю, шаҳар нима, фарқи йўқ. Петербургда яшаб
кўрмаганинг учун ҳам дунёда менга етадигани йўқ, деб ўйлаяпсан.
Аслидаям ўзи шунақа, паҳлавонгинам! Ахир тарбиянг яхши, эпчил,
одамшавандасан. Ёшим бир жойга бориб қолганда бўй-бастингга
қараб хурсанд бўлсам дейман. Уйланиб, бола-чака орттирсанг, мен
неварамни боксам. Қолган умримни ғам-ташвишсиз, беозоргина,
ҳеч кимга ҳасад қилмай ўтказа қолай. У ерда қийналиб қолгудай
бўлсанг, балки менинг сўзларимни эсларсан... Энди кетмассан-а,
Сашенька?

Александр йўталди-да, ҳеч нима демай, хўрсиниб қўя қолди.

– Манавиларни қара, – гапида давом этди Анна Павловна равон
ошигини очиб юбориб, – шуларни қандай кўзинг қийиб, ташлаб
кетяпсан?

Равондан ичкарига сарин ҳаво оқиб кирди. Уйдан кенг боғ тўригача кекса арғувон дарахтлар, зич наъматак, шумурт ва сирень буталари тизилиб кетганди. Дарахтлар орасида алвон ранг гуллар кўзга ташланиб, ҳар томонга йўлкалар чўзилган, нарироқдаги қўл суви қирғоққа майин уриларди. Қўлнинг бир томонини субҳидам қуёшининг заррин нурлари ёритган, аста чайқалувчи; тўк мовий томонида эса осмон акс этарди. Ундан кейин бошланувчи ранго-ранг буғдойзор пайкаллари бешик-бешик тебраниб, зимистон ўрмонга бориб тақаларди.

Бир қўли билан кўзини офтобдан пана қилган Анна Павловна иккинчи қўлида ўғлига дам-бадам теварак-атрофни кўрсата бошлади.

– Қарасанг-чи, пайкалларимиз чиройлилигини! Ҳув анави пайкалда жавдарнинг ўзидан беш юз ботмон ҳосил бор. Наригиси қайроқи, қора буғдой пайкали. Аммо бу йил қора буғдой бултургидай қўп ҳосил бермаса керак. Ўрмонни қара бутоклаб кетганини! Худонинг марҳамати кенг-да! Минг сўмлик ўтин пуллаймиз ундан. Паррандалар-чи, паррандаларни айт! Ахир шуларнинг ҳаммаси сеники-ку, ўғилгинам! Мен сенинг хизматингдаман, холос. Қўлга бир қарагин-а, қандай ажойиб! Оби кавсарнинг ўзи-я! Балиқ деганинг тўлиб ётибди. Осетранигина сотиб оламиз. Елимбалиқми, олабуға-ю, товонбалиқми, ғиж-ғиж. Ўзимизгаям, бошқаларгаям етади. Ана, сигиру йилкиларинг ўтлаб юрибди. Бу ерда ҳамма насага бир ўзинг хўжайинсан, уёқда бўлса, истаган одамдан хўрлик кўришинг мумкин. Шундай фароғатдан юз ўгириб, ўзинг билмаган қаёққадир, худо кўрсатмасин, бўйнингга бўйинтуруқ осишгами кетяпсан... Бу шаштингдан қайта қол!

Александр миқ этмади.

– Гапимга кулоқ ҳам солмаяпсан, – деди она, – қаёққа мунча тикилиб қолдинг?

Ўғил чурқ этмай, ўйчан қиёфада олисларга қўл чўзди. Анна Павловна ўғли қўл чўзган томонга қараб, ранги ўзгариб кетди. Олислардаги пайкаллар оралиғида илон изи бўлиб чўзилган йўл ўрмон орти сари, орзу қилинган манзил, Петербург томон йўналарди. Анна Павловна ўзига келиш учун бир неча дақиқа жим бўлиб қолди.

– Ҳа, ҳали шунақами! – деди у ниҳоят шикаста овозда. – Майли, ўғлим, ўзинг биласан! Уйингки торлик қилаётган экан, жўнайвер,

«Учиндан ушлаб турмайман! Онам ёшлигим, ҳаётимга рахна со-
чили, демасанг бас.

«Х муштипар онаизор! Бор меҳру муҳаббатинг мевасини қара!
Шунинг кутганмидинг сен? Нафсилам, оналар фарзандлардан ҳеч
нарсани тама қилишмайдиам асти! Она меҳри кўр ва қар. Марта-
бали, шунқор, кўркем, мағрурсиз, жигарпора фарзандлар, номин-
инг тилларда дoston бўлгуси, олам аро шуҳрат қозонгусидирсиз –
қимиршонинг боши қувончдан силкиниб, йиғлаб қуляпти, узоқ,
ич ичидан дуо қуляпти. Ўғил бўлса, аксари шон-шуҳратидан воли-
дин меҳрибонини баҳраманд этиш ҳаёлида ҳам йўқ. Агар сиз руҳан
ни иккан қашшоқ, табиатан нобакор экансиз, пироварди, дилингиз
ёқни жисмингиз лат еса, одамлар сизни ўзларидан нари итарадилар,
унинг орасида, айниқса, она қалбида сиз учун ўрин йўқ. Она мажруҳ,
нобон фарзандини кўксига қаттиқ босиб, янаям кўп, астойдил дуо
қилиш бошлайди.

Александр онасини ташлаб кетаётгани учун қандай қилиб уни
тоғимеҳр дейиш мумкин? Йигит йигирма ёшда. Турмуш унга чақа-
лиқлигиданоқ қулиб боккан. Она ўз арзандасини бошга қўйиб, эрка
ўстирди. Энага, беланчак устида зарга беланиб юрасан, ғам-алам
қўрмайсан, дея алла айтарди. Муаллимлар уни бир ердан чиқади,
дейишди. Сашенька мактабни тамомлаб, уйга қайтгач, қўшни қиз
унинг ишва билан қулиб қўйди. Васька лақабли қари мушук ҳам
қиммаси уйдаги бошқаларга нисбатан Сашенькага мулойимроқ суй-
қанарди.

Ғам-алам, кўз ёши ҳақида Александр ҳали рўйирост юз кўрсат-
маган, аммо одамлар орасида яшириниб ётган иллатни мишмишлар
орқалигина эшитарди холос. Шунинг учун ҳам унинг назарида ке-
лижак порлоқ бўлиб туюларди. Йигитни нимадир олисларга чорлар,
аммо худди ўша нарса нималигини Сашенька англаб етолмасди.
Истикболдаги мафтунқор шарпаларни илғаб ололмас, қулоғи ости-
да турли-туман дам шон-шуҳрат, дам севги садолари аралашига
қинараб қоларди. Булардан Александрнинг борлиғи ёқимли ўртана
бониларди.

Кўп ўтмай, уй унга торлик қилиб қолди. Одам ёши ўтганда
қандрига етувчи табиат қўйни, онанинг силаб-сийпалашлари, эна-
сини, барча хизматкорларнинг иззат-икром қилишларидан тортиб
қолишқоқ ўрин, лаззатли таом, Васьканинг хур-хуригача ҳамма-
қиммасини бутунлай номаълум, жозиба-тўла мавҳум лаззатга ал-



маштирди. Ҳатто Софьянинг илк, нозик, ажиб севгиси ҳам уни бу йўлдан қайтаролмади. Александр учун бу севги нима бўлибди? У улкан, ҳад-худудсиз, юксак жасорат билан йўғрилган эҳтирос орзусида ёнарди.

Софьяни у улкан муҳаббат арафасидаги ишқибозлик важданигина шунчаки яхши кўриб юрарди, холос. Унда Ватанни ҳурмат қилиш иштиёқи ҳам бор эди. Ҳафсала билан атрофлича билим эгаллар, аттестатига анча-муича фанлардан хабардорлиги, жуда кўп замонавий ва қадимий тилларни билишлиги қайд этиб қўйилганди. Айниқса, Александр ёзувчилик шуҳрати ҳақида орзу қиларди. Шеърлари оғайнилари қойил қолдирар, қаршисида кўп йўллар бўлиб, улар назарида бир-биридан порлоқдай туюларди. Барин ўзини қай соҳага уришни билмасди. Ҳақиқий келажакки панада қолиб кетган, агар Александр буни олдин сезса, балки сафарга отланмаслиги ҳам мумкин эди.

Қандай ҳам уйда қола олсин? Онанинг истаги бошқа, у шуни хоҳлаши табиий. Онанинг қалбида ўғлига нисбатан меҳрдан бошқа ҳамма туйғулар сўник, худди шу меҳр ҳисси ҳозирги сўнгги умидга маҳкам ёпишиб олган. Агар шу меҳр туйғуси бўлмаса она нима қилар эдийкин? Ўлимдан ҳам тоймасди. Аёл қалби меҳрсиз яшамаслиги азалдан маълум.

Александр уйда эрка ўсган бўлса-да, аммо ахлоқсиз эмасди. Табиат Сашенькани шундай ажойиб яратгандики, она меҳри, атрофдагиларнинг ҳурмат-эҳтиромлари унинг яхши томонларигагина таъсир кўрсатар, чунончи, муҳаббат туйғуларини барвақт ривожлантирган, ҳамма нарсаси меъёрдан ортиқ ишонаверарди. Эҳтимол худди мана шу жиҳат унда худбинлик уйғотган бўлса ҳам ажаб эмас. Дарҳақиқат, худбинлик шунчаки шаклигина холос. Ҳамма гап унга жойлаштирилувчи материалда.

Ҳамма бало шундаки, Сашеньканинг онаси ниҳоятда мулоийм бўлиш билан бирга, фарзандини турмушга росмана қарашга ўргатолмади, уни келгусида ҳар қандай одамни кутувчи нарсаларга қарши кураша оладиган қилиб тарбиялай билмади. Бунинг учун моҳирона қўл, нозик зеҳн ва тор қишлоқ шарт-шароити билангина чекланиб қолмаган улкан тажриба лозим эди. Ўғлига ҳатто камроқ меҳр қўйиш, дақиқа сайин у ҳақда ўйламаслик, ҳар бир ташвиши, қийинчиликларига балоғардон бўлиш, ўғлининг болалигида унинг учун йиғлаб азобланиши керак эмасди. Шундагина Сашень-

ва иккилашаётган фалокатни ўзи ҳис этиб, куч-қувватини чамалай олиб, тақдири тўғрисида қайғуларди, қисқаси, эркак эканлигини туйғурди. Буларни тушуниш ва айниқса бажариш Анна Павловнанин қасқдан ҳам қўлидан келарди дейсиз? Унинг қандай аёллигини китобхон билиб, ҳис этди. Аёлнинг қалбига яна бир бор нигоҳ ташланса бўлмасмикин?

Анна Павловна аллақачон ўғлининг худбинлигини унутиб қолган. Александр Фёдорич онаси иккинчи марта қийим-бошларини жойлаётгани устига келиб қолди. Юмушлару йўл тараддуди билан у ғам-ташвишни ҳам унутгандай эди.

Мана, Сашенька, нимани қаерга жойлаётганимни яхшилаб кўриб ол, – деди она. – Жомадоннинг энг тагида бир даста чойшаб. Қира-чи, шундай ёзилганми?

– Шундай, ойижон.

– Ҳаммасига исми-шарифингнинг бош ҳарфлари А. А. деб битилган. Ҳаммаси барака топкур Сонюшканинг иши! У бўлмаса, ҳили-бери ҳозирлай олмасдим буюмларингни. Энди нима қолди, ҳа, жилдлар. Бир, икки, уч, тўрт, ҳўш, ўн иккита, ҳаммаси жойида. Манави кўйлақлар, ўттиз олтита. Қандай ажойиб шойи-я! Голландияники. Ўзим фабрикага, Василь Васильичнинг олдида бордим, у энг яхши учта тўпни танлаб берди. Кирчидан қайтиб олаётганингда ҳар сафар рўйхат бўйича яхшилаб текшириб ол, қароғим. Ҳаммаси янги кўйлақлар-а. У ерда бунақа кўйлақларни тушингда ҳам кўрмайсан. Алмаштириб қўйишлари ҳам мумкин. Худодан кўркмайдиган нобакорлар ҳам бор-да, ахир. Пайпоқ йигирма икки жуфт... Биласанми, миямга нима келиб қолди? Пайпоқлардан бир пойига ҳамёнинг билан пулингни тиқиб қўяман. Сенга Петербург-гача керак бўлмайди бу пул. Титкилаб, топиб олишлардан худо сакласин! Амакингга ёзилган хатни ҳам ўша ерга жойлайман. Роса хурсанд бўлади-да! Ҳазил гапми, ўн етти йил дийдор кўришмаганимиз-а! Манави қийиқча, дастрўмоллар. Яна олтитаси Сонюшкада қолган. Дастрўмолларни йўқотма, бўйингга қоқай. Асл батистдан-а! Михеевдан анча қимматга олганман. Булар жойида. Энди кўйлақ... Ие, Евсей қани? Нега қараб турмаяпти у? Евсей!

Евсей бўшашибгина ичкарига кирди.

– Лаббай, бекам? – деди у янаям бўшаган овозда.

– Лаббай дейди-я! – ғазаби кўзиди Адуеванинг. – Нарса жойлаётганимга нега қараб турмаяпсан? Йўлда бирор нарса зарур

бўлиб қолса, жомадонни бошдан-оёқ ағдар-тўнтар қиласан йўқса! Топилмас суюклигингдан ажралолмаяпсан-да! Кун узоқ, улгурарсан! У ерда ҳам хўжайинингга шунақа қарайсанми? Таъзирингни бериб қўяман-а! Мана, кара: бу янги фрак, каёққа қўяётганимни кўрдингми? Сашенька, бу фракни авайлаб кий, ҳар куни эмас. Мовут-а, ўн олти сўмдан сотиб олинган. Тўралар даврасига борганингадагина кий. Холангга ўхшаб пала-партиш, дуч келган ерга ўтираверма. У жўрттага қилгандай, бўш стул ёки диван қолиб, биров тупурган жойгами, бирорта шляпа ё шунга ўхшаш нарса устига ўтириб олгани-олган. Бир сафар мурабболи тақсимча устига ҳам ўтириб олган. Жўнроқ одамлар орасига борсанг, манави фракни кий. Энди нимчалар: бир, икки, уч, тўртта. Бир жуфт шим. Э, бу кўйлақлар уч йилга етади! Уф, чарчадим! Ҳазил гапми, эрталабдан бери тинмайман-а! Евсей, сен чиқиб тур, Сашенька, бошқа нарсалар тўғрисида гаплашиб олайлик. Ҳали-замон меҳмонлар келиб қолишади, гаплашиш имконияти бўлмайди.

Бека диванга чўкиб, ўғлини ҳам ёнгинасига ўтказди.

– Хўш, Саша, – деди у хиёл жим тургандан кейин, – мана, мусофирликка ҳам жўнаб кетяпсан...

– Нима деяпсиз, ойи, «мусофирликка» эмас, Петербургга-ку ахир!

– Тўхта, сабр кил, буёғини ҳам эшитгин-да! Худо билади, ҳали у ерда нима савдолар тушаркин бошингга. Ёрлақагур отахоним пишитиб қўйса керак сени ҳойнаҳой; асти гапидан чикма унинг, болагинам. Шуни унутмаки, шаккокликнинг ҳамма жойда, ҳамма нарсада нукси уради. У ерда мартабага эришасан, тўралар қаторига қўшилсан – шукр, бошқалардан кам жойинг йўқ: даданг дворян, майор эди. Ҳар ҳолда, худони унутма, яхшиликда ҳам, ёмонликда ҳам тиловатни канда қилма. Бир хиллар омади юришиб турганида черковга киё ҳам бокмайди, бошига ташвиш тушди дегунча саждагоҳга келиб бир сўмлик шағамлар ёқади, тиланчиларга садақа ҳам улаша бошлайди – бу гуноҳи азим. Эсим борида айтай. Гадойларга худа-беҳуда садақа килаверма, кўп пул берма. Ҳожати йўқ уларни талтайтиришнинг, барибир кўзлари тўймайди, садақангдан ичишади-да, кейин ўзингни калака ҳам қилиб кетишади. Биламан, раҳмдилсан, тангаларинггача улашиб юборасан. Йўқ, ундай қилма, парвардигорнинг ўзи ато этади гадойларга ризқ-рўзларини! Черковга бориб турасан-а? Якшанба кунлари ибодатдан қолма, хўпми?

Оша хўрсинди.

Сўкут сақлаётган Александр университетда таҳсил кўриб, гу-
берини шаҳрида яшаган пайтлари черковга ахён-ахёндагина кириб
турганини эслади. Қишлоқда бўлса у ибодатга онасининг кўнгли
учунигина биргалашиб борарди. Александр ҳозир ёлгон гапиришдан
ўқиниб, чурк этмаётганди. Кампир ўғлининг жим тургани боисини
тўнўшиб, яна хўрсинди.

Тагин ихтиёринг, – гапида давом этди у, – ёш йигитсан,
кўнглининг қаерни тусаса, ўша жойда бўласан-да, биз кексалар
сандағохдан бўлак қаерга ҳам бор дердик? Эҳтимол хизматдан
кўнглининг тегмас ёки тўралар даврасида алламаҳалгача ўтирганинг
учун орталаб туrolмай ухлаб қоларсан. Ёшлигингни инобатга олар
ахир парвардигор. Кўп куюнаверма, мен онаизоринг борман. Асло
ўхлаб қолмайман. Токи танамда жоним бор экан, ҳали кўзим тирик,
ҳали яратганнинг ўзи мени марҳаматидан дариғ тутмас экан, мабодо
юринишга қурбим келмаса, ўрмалаб бўлса ҳам етиб бораман черков
остонасига. Жонимни, охирги томчи кўз ёшимни ҳам аямайман сен-
дин, болагинам. Парвардигордан сен тасаддуққа сиҳатлик, мартаба,
инъомлар беришини, у дунё-бу дунё роҳат-фароғат ато этишини
илтижо қиламан. Отахоним дуойи-фотиҳасини аямас ахир мендай
мушгипар кампирдан? Ўзимга қолса, ҳеч нарса даъво қилмайман.
Майли, лозим кўрса, худовандо ажалимдан бурун омонатини ол-
син, кўру қар қилсин, фақат кўнглинг тўлса, толели бўлсанг бас...

Кампир гапини тугатолмай, кўзидан ёш доналари думалади.
Александр ўрнидан сакраб туриб кетди:

– Ойижон, ахир...

– Қани, ўтир, ўтир, дедим сенга! – ўзини тутиб олиб наридан-
бери кўз ёшини артди бека, – ҳали айтадиган анча гапим бор... Вой,
шўрим, нима демокчийдим-а... Ана, кўрдингми, кейинги пайтларда
қим ҳам кирарли-чиқарли бўлиб қолган... Ҳа-я, гўштдан тийин-
санг, катта савобга қоласан, болагинам! Чоршанба билан жумада
худонинг ўзи кечиради. Якшанба бўлса, улғайим кун! Анави Ми-
хайло Михайлич кўринишдан бинойидай одамга ўхшайди, аслида-
чи? Рўзами, бошқами, ҳар ҳафта гўштли овқат егани-еган. Кўрсанг,
нақ жонинг ҳиқилдоғингга келади! Камбағалларга ёрдам беришини
айтмайсанми, нима, савобга ўтармиди қилган садақалари?

Бир сафар аллақандай чолга битта червон берганди, чол пул-
ни олди-ю, кейин тескари қараганича тупурворди. Ҳамма ўшанга

таъзим қилади, юзига худо билсин, қандай хушомад сўзлар айтишаркан, аммо оркасидан худди алвастини кўргандай чўкиниб кўйишади.

Александр онасининг гапини тоқатсизланиброк тингларкан, дам сайин деразадан ташқаридаги олис йўлга нигоҳ ташлаб кўярди. Бека бир оз тин олди.

– Авваламбор соғлигингни эҳтиёт қил, – давом этди у кейин. – Худо кўрсатмасину оғирроқ касалга чалинсанг, хат ёз... бир амаллаб етиб бораман. Ким ҳам қарарди касалингга у ерда? Қайтанга бетоб одамни қоқлаб кетишдан ҳам тойишмайди. Кечаси кўчаларда тентираб юрма; турки совук одамлардан ўзингни четга ол. Пулни тежа... Ҳа, қора кунга тежайвер! Уёқ-буёғингга қараб сарфла маблағингни. Ҳамма яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам ўша лаънати пулдан. Худо-беҳуда исрофгарчиликдан ўзингни тий. Йилига қанда қилмай икки минг беш юз сўмдан жўнатиб тураман. Чакана пул эмас икки минг беш юз сўм! Ортиқча зеб-зийнатга берилма, лекин ўзингни қисма ҳам; кўнглинг нима емиш тусаса, кимтиниб ўтирма. Ичкиликка ружу қўйма, ичкилик одам боласининг энг ёмон душмани! Хўш, тагин (бека шу ерда овозини пасайтирди) аёллардан қоч! Уларни биламан! Шундай шармсизлари борки, сендақа йигитни кўришса, шартга бўйнингга осилиб олишади...

Она меҳр тўла кўзлари билан ўғлига термилди.

– Етар, ойижон, нонушта қилиб олсам бўладими? – деди Александр юраги тарс ёрилгудай қиёфада.

– Ҳозир, тўхта... яна бир гап... Эрли аёлларга асти кўз олайтира кўрма, гуноҳ бўлади-я! – шоша-пиша қўшиб қўйди бека. – «Яқин одамнинг заифасига элакишма», дейилган Тавротда. Худо кўрсатмасин, бирор аёл тўйдан олдин қовушмоқчи бўлса, яқинлаштира! Ундайлар пулдор, суҳсур йигитни кўрган захотлари тузокларига илинтириш пайига тушиб қолишади. Бордию бошлиғингми ёки бирорта бадавлат тўра сени ёқтириб қолиб, қизини бермоқчи бўлса, майли, унда, фақат мени хабардор қил, амал-тақал етиб бориб, ўзим кўраман. Тагин энг учида бирор қари қизми ё шунга ўхшаш ўтмас матоҳни бўйнингга осиб қўйишмасин. Сендай азаматни ким қуёв қилгиси келмайди. Мабодо ўзинг бирор дуруст қизга кўнгил қўйиб қолсанг, уни... – беканинг овози яна ҳам пасайди, – Сонюшкани унутсак ҳам бўлади. (Кампир ўғлига қаттиқ меҳр қўйгани учун ёлғон гапиришга ҳам тайёр эди). Ростдан ҳам нега умидвор бўлиб

норинди ўзи Марья Карповна? Сонюшкаси кишлоқи бир киз-да, сенинг тенгинг эмас-ку ахир. Не-не қизлар йўлингга пойандоз бўлиши мумкин.

Софьяни айтяпсизми? Йўк, ойижон, уни ҳеч қачон унутмай-ман! деди Александр.

Бўпти, хўп, болагинам, ўзингни бос! Шунчаки айтдим-қўй-дим-да. Хизматингни ўтаб кел-чи, уёғига худо ҳаллоқ. Қиз дегани қочиб кетмас. Ҳамон уни унутмас экансан... унда, ҳалиги...

Биска нимадир демокчи бўлди-ю, лекин дилидагини айтишга бошқолмади, кейин ўғлининг қулоғига энгашиб, аста сўради:

– Онангни-чи... онангни ёдда сақлайсанми?

– Оббо, ана холос, – гапни бўлди Александр, – ундан кўра, тегишроқ пиширган нарсангизни олиб келсангиз-чи. Қуймоқмиди? Сизни унутармишман! Қандай тилингиз борди-я бундай дейишга! Худо уради-ку унда мени...

– Бас, бас кил, Саша, – деди она апил-тапил, – қўй, қасам ичма! Йўк, сираям-да! бордию онангни унутганингда ҳам майли, қийин бўлса, менга қийин бўла қолсин. Ҳали ёшсан, энди яшай бошла-ясан, дўст-ёронлар орттирасан, уйланасан – ёш хотинчанг ҳамма нарсани, ҳатто онангнинг ҳам ўрнини босади... Йўк! Илоё сени парвардигорнинг ўзи паноҳида асрасин.

Кампир ўғлининг пешонасидан ўпиб, шу билан панд-насихатини гўхтатди.

– Нега ҳеч кимдан дарак йўқ? – сўради она. – На Марья Карповна, на Антон Иванович, на ҳазрат келай демаяпти-я? Ибодат тугаган бўлиши керак-ку! Ҳа, ана, кимдир келяпти! Антон Иванович шекилли... худди ўзи, хизрни йўкласам бўларкан.

Антон Ивановични ким билмайди дейсиз? У жуда мечкай одам. Антон Иванович қадим-қадим замонлардан бери ҳамиша, ҳамма ерда бор, ҳеч қачон ўзгармаган. У юнонлар ва румоликлар зиёфатида ҳам қатнашиб, адашган ўғли қайтиб келганда оғзи қулоғига етган отанинг суюнчи сифатида сўйган бикки бузоқ гўштидан тотиб кўрган албатта.

Бизда, Русда Антон Иванович турли киёфада учраб туради. Ҳозир гап кетаётган Антон Иванович ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин: унинг йигирмага яқин фарзанду неваралари бор. Ўзи хужранамо ёки кўриниши омборга ўхшаш аллақандай беўхшов кулбада яшайди. Бу кулбага орқадан, четан девор ёнгинасидаги ходалар ора-

сидан кирилади. Аммо Антон Иванович, мана, йигирма йилдирки, нукул келгуси баҳорда янги иморат кура бошлайман, дегани-деган. Хўжалигида ҳеч нарса йўқ. Уйида тушлик, кечки таом еган ёки бирор култум чой ичган ҳеч қандай таниши бўлмагани каби, ўзи йилига эллик марта кириб нафсини қондирмаган хонадон ҳам топилмайди. Олдинлари Антон Иванович кенг чолвор, бурма-бел узун камзул кийиб юргучийди, ҳозир бўлса, уни бегим кунлари сюртук ҳамда панталонда, байрам кезлари алламбало аврали фракда кўриш мумкин. Ўзи хўппасемиз, чунки унинг ғами ҳам, ташвиши ҳам, куйиб-пишиши ҳам йўқ. Унга қолса, ўзини умр бўйи бировлар ғам-ташвиши билан яшаб келган қилиб кўрсатади. Ваҳоланки, кимки ўзгалар ғам-ташвиши билан яшаса, бунчалик жир битиб кетмаслиги ҳаммага аён.

Аслида Антон Ивановичнинг ҳеч кимга кераги йўқ, аммо унингсиз ҳеч қандай тўй ҳам, маърака ҳам ўтмайди. Антон Иванович бари меҳмондорчилигу зиёфатлар, оилавий маслаҳатларда ҳозир у нозир. Унингсиз ҳеч ким бир қадам ҳам босолмайди. Эҳтимол Антон Ивановични жудаям хожатбарор, манзур маслаҳат солиб, ишбилармонлик қилади, деб ўйлаётгандирсиз? Асло! Унга ҳеч ким бундай ишларни буюрмайди. Антон Ивановичнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди, судларда жон куйдириш, воситачи бўлиш, келиштирувчилик қилишга нўноқ.

Аммо Антон Ивановичга, масалан, фалончидан писмадончига дуойи салом элтишни айтишса, у албатта топширикни бажарадида, ўша борган ерида нонушта қилиб олади. Ёки фалончини маълум қоғоз олинганлигидан (қандай қоғозлигини Антон Ивановичга айтишмайди) хабардор этиш, қаергадир кўзада асал ёки уруғлик донни тўкмай-сочмай етказиш, кимнинг қачон туғилган қунилигини эслатишга жўнатишади. Яна Антон Ивановичдан бошқа ҳеч кимга буюрилмайдиган ишларни бажаришда ҳам фойдаланишади. «Петрухани юбориб бўлмайди, алдаб кўйиши мумкин. Йўқ, яхшиси, Антон Иванович бориб кела қолсин!» Ёки: «Бошқа бирор эркакми, аёлга айтиб бўлмайди, хафа бўлишлари мумкин. Антон Иванович жўнатилгани маъкул», – дейишади.

Мабодо бирорта тушликда ё кечки тановул пайти у кўринмаса ҳамма таажжубга тушади.

– Хўш, Антон Иванович қани? – сўрайди ҳар қандай одам албатта хайрон бўлиб. – Нима бўлди? Нега у йўқ?

Қарабсизки, тушлик ҳам татимади. Нима бўлгани, бетоб эмасми, бир ёққа жўнаб кетган-кетмаганлигини билиш учун ҳатто Антон Иванич ҳузурига кимдир юборилади.

Антон Иванич Анна Павловнанинг кўлини тавоф қилиш учун кирибди.

Ассалом алайкум, онахоним Анна Павловна! Лутфан муборакбод этаман.

Нима билан, Антон Иванич? – сўради Анна Павловна энгилбошига қараб қўйиб.

Дарвоза тагидаги кўпригингиз муборак бўлсин! Эндигина қурилган шекилли ўзиям?! Нега арава чайқалмай ўтди десам, кўприк янгиланган экан-да!

Антон Иванич танишларини учратса, одатда доим уларни бирор нарса билан: рўзами, баҳорми ёки куз биланми муборакбод этиб қўяди, агар эрувгарчиликдан кейин совуқ тушса, совуқ билан, совуқдан сўнг эрувгарчилик бошланса, эрувгарчилик билан табриклайди.

Ҳозир бунга ўхшаш ҳеч қандай баҳона йўқ эди-ю, аммо у барибир ўйлаб топди:

– Сизга Александра Васильевна, Матрёна Михайловна, Пётр Сергеич дуойи салом айтиб юборишди.

– Саломат бўлишсин, Антон Иванич! Бола-чақалари чопқиллаб юрибдими?

– Минг қатла шукр. Яратганнинг иродаси билан сизга бир хабар келтирдим. Ҳали-замон ҳазрат ҳам ташриф буюриб қоладилар. Ўшитганингиз йўқми, хоним афанди, Семён Архипичимиз...

– Нима гап? – сўради кўркиб кетиб Анна Павловна.

– Бандасининг холи шу экан-да!

– Нималар деяпсиз? Қачон?

– Кеча эрталаб. Менга кечга томон хабар беришди. Битта болани югуртиришибди; дарров етиб бордим, тун бўйи мижжа қоққаним йўқ. Йиғлайвериб хун бўлиб кетишибди ҳаммалари; ҳам таскин бериш, ҳам уёқ-буёққа одам юборишимга тўғри келди, ҳеч кимнинг кўли ишга бормаяпти, нукул йиғлашгани-йиғлашган, жудаям кийналиб кетдим бир ўзим.

– Э худойим-ей, э худойим-ей! – деди Анна Павловна бош чайқаб, – бандаси омонат экан-да! Нима бўлиши мумкин-а? Ўтган ҳафтадагина сиздан салом айтиб юборганди-ку!

– Ҳа, онахоним! Анчадан бери бетоб эди, мункиллаб қолганди ўзиям боёқиш чол. Ҳанузгача тирик юрганига ақл бовар қилмайди!

– Мункиллаб қолгани нимаси! Раҳматли эримдан бир ёшгина катта эди холос-а! Жойи жаннатда бўлсин илоё! – деди Анна Павловна чўқиниб қўяркан. – Боёқиш Федосья Петровнага қийин бўпти. Бир этак бола билан ёлғиз қолди-я. Ҳазилми, бешта жу-жуқ-а, тагин денг – кўпи қизалоклар-а! Қачон кўмишаркан?

– Эртага.

– Бандаси ташвишсиз юрмас экан-да, Антон Иванович; мана мен ҳам ўғлимни кузатяпман.

– Илож қанча, Анна Павловна, пешона-да! Муқаддас китобда «Сабр қил» дейилган.

– Ярангизга туз селганим учун узр, хонадонимизга жудаям кадрдон бўлиб қолгансиз.

– Эҳ, онахоним Анна Павловна-я! Сизга кадрдон бўлмай кимга бўлай? Сиздай пошшахонни топиб бўладими? Энг кадрдонимизсиз-ку. Сира тинимим йўқ, уёқда иморат қурилиши кутиб турибди. Кеча эрталабдан пудратчи билан тортишдим, сира келишолмаяпмиз... бирров хабар олай-чи, менсиз бир ўзи нима қилишини билмай қийналиб қолмадимикин онахонимиз, дедим...

– Илоё тан-жонингиз соғ бўлсин, Антон Иванович, бизни унутмаганингиз учун раҳмат. Ростдан ҳам нима қилишимни билмай, бошим айланиб қолди! Йиғлайвериб, хун бўлиб кетдим. Дастурхонга қаранг, йўлда очикқандирсиз хойнахой.

– Ташаккур. Йўл-йўлакай Пётр Сергеичникида киттак отиб, пича тамадди қилиб олувдим. Майли, насибам қўшилган экаи бу ерга ҳам. Ҳазрат келиб, дуойи фотиҳа берадилар хали. Ана келибдилар-ку!

Остонада руҳоний кўринди. Марья Карповна ҳам дуркунгина, юзлари қирмизи, табассумли кўзлари йиғидан қизарган қизи билан келганди. Софьянинг бутун кўриниши: «Муҳаббатим беғараз, бир умр чўрисидай хизматида бўламан эримнинг, нима деса бажариб, ўзимни унга ақлли кўрсатмайман. Ахир қандай қилиб эрдан ақлли бўлишим мумкин? Гуноҳ-ку бу! Уй-рўзгор юкини кўтариб, чеварлик қиламан. Дўндиклар туғиб бериб, ўзим бокиб, ўзим тарбиялаб, ўзим қийинтираман, ямаб-ясқаш ҳам ўз бўйнимда бўлади», деяётганга ўхшарди. Софьянинг дўмбоқлиги, нақшин чехраси, бўлиқ сийналариек кўп фарзанд туғиб беришга қодирлигини далиллаб

гүрүрди. Аммо кызга кўзларидаги жикқа ёш, маъюс жилмайиши кўнр ажиб хусни малоҳат бахш этган, бола-чақа боқишга хайфдай гүюларди.

Авваламбор ибодат қилиб олишди. Шу орада Антон Иванич хизматкорларни чақирди-да, шам ёкиб, руҳоний тиловатни тўхтатинч, муқаддас китобни дьячокка тутқазди, сўнгра бухўр сувини ниша идишчага куйиб, чўнтагига: «Бу Агафья Никитишнага», – деб солиб кўйди. Дастурхон атрофига ўтиришди. Антон Иванич билан руҳонийдан ташқари ҳамма одоб сақлаб, дастурхонга қўл урмаган бўлса-да, Антон Иванич тўкин ноз-неъматлардан иштаҳа билан тотиб кўришга тушиб кетди. Анна Павловна ҳамон йиғидан ўхтамас, аста кўз ёшларини артиб кўярди.

– Бас, кўйинг энди кўз ёшини, онахоним Анна Павловна! – куюнган бўлди Антон Иванич қадахга шароб тўлдира туриб. – Нима, кушхонага жўнатяпсизми уни? – Сўнгра қадахни ярмисигача бўшатиб, лабларини чапиллатди.

– Бай, бай, шаробни қаранглар-а! Хушбўйлигини айтмайсизми! Бунақаси бутун губернияда топилмайди, онахоним! – кўшиб кўйди у жуда ҳузур қилиб.

– Уч йил... О...л дин со... лин...ган... ди! – деди пик-пик йиғи аралаш Анна Павловна, – мана энди сизларга деб... ҳозиргина... очдим.

– Эҳ, Анна Павловна, аҳволингизга бир қаранг, – яна гапни илиб кетди Антон Иванич, – таъзирингизни бериш керак шекилли-да!

– Ўзингиз ўйлаб кўринг ахир, Антон Иванич, биттаю битта ўғлим ташлаб кетяпти мени, ўлсам, устимда «вой онам»лаб йиғлашга ҳам ҳеч ким қолмади.

– Хўш, биз-чи, биз одам эмасмизми? Нима, мен бегонаманми сизга? Элбурутдан ўлиш нимаси? Эрга тегишингиз ҳам мумкин-а ҳали! Мириқиб рақс тушардим-да ўзиям тўйда! Бас, кўйсангиз-чи йиғини!

– Бўлмаяпти-да, Антон Иванич, ўлай агар, бўлмаяпти, билмадим, қайси гўрда бекиниб ётган экан бунча кўз ёши.

– Девдай йигит кафасда камалиб ўтирса-я! Учирма қилинг-е уни, қанот ёзиб, шундай баланд мартабаларга эришсинки ҳали!

– Тилгинангизга шакар, Антон Иванич! Нега емаяпсиз пирожнийдан? Яна олинг, бемалол еяверинг!

– Ҳозир, қўлимдаги тугасин, оламан. Сизнинг соғлигингиз учун, Александр Фёдорич! Сафарингиз беҳатар бўлсин. Тезроқ қайтиб келинг, уйланинг! Ана холос, нега қизариб кетдингиз, Софья Васильевна?

– Мен, ҳечқиси йўқ... Мен анави...

– Эҳ, ёшлар, ёшлар! Ҳе, ҳе, ҳе!

– Зап хушчақчақсиз-да, Антон Иванич, – деди Анна Павловна, – юпатишга жудаям устасиз; илоё дунё тургунча тулинг-да! Олинг, ичсангиз-чи.

– Ичаман, онахоним, ичаман, нега ҳам ичмай хайрлашувда!

Нихоят нонушта тугади. Ямшчик аллақачон юкларни ортиб бўлганди. Арава эшик тагига келтирилди. Ҳамма бирин-сирин югуриб чиқди. Биров жомадон, бошқаси тугун, учинчи хизматкор қопчиқ келтиргач, яна қайси буюмгадир ғизиллади. Дастёрлар ширага ёпишган ари галасидай арава теварагига ғуж бўлишган, биров уни, биров буни яхшилаб жойлаштирарди.

– Жомадонни мана бундай қўйган маъқул, – деди кимдир, – бу ерда бўхча тура қолсин.

– Оёқларини қаёққа узатишади? – эътироз билдирди аллаким, – яхшиси, жомадон узунасига жойлаштирилса, бўхчани ёнга қўйса ҳам бўлаверади.

– Жомадон узунасига қўйилса, сирғалиб тушиб қолади ахир, менимча, кўндалангига жойлаштирилгани дуруст. Хўш, яна нима қолди? Этик-чи, этик эсдан чиқмадими?

– Қайдам? Ким ортувди?

– Мен ортганим йўқ. Бориб қара-чи, тепада эмасмикин?

– Ўзинг қара.

– Ҳа, сен-чи? Қўриб турибсан-ку, бўш турибманми!

– Манави қолиб кетибди-ку, манави эсинглардан чиқмасин! – кичқирди оқсоч ҳамманинг боши оша тугунни узатиб.

– Бу ёққа бер!

– Манавини ҳам жомадонга амалланглар, эсдан чиқибди шекилли, – деди арава зинапоясига кўтарилган бошқа оқсоч чўтка билан тароқни силкитиб.

– Қаёққа қўяман? – ўшқирди унга қараб кекса малай, – бор, шанғиллайверма, кўриб турибсан-ку, жомадон нарсаларнинг тагида қолиб кетди.

Онахонимиз айтувдилар, улоктириб юбормайсанми менга сен! Ҳе, ўша сенларни!

Бўпти, узата қол тезроқ. Манавини ён чўнтакка жойлаштирса ҳам бўларкан.

Симан от қад ростлаб, бош чайкаган сайин кўнғироқчалар қиғрон даракчисидай жиринглар, байталлар бўлса сафар гаштини пайкаган каби ўқтин-ўқтин дум силкитар ёки пастки лабларини симан томонга чўзиб-чўзиб кўярди. Ниҳоят видолашиш дами ҳам келиб, кузатувчилар яна бир бор чўқиниб олишди.

Ўтиринглар, ҳамма ўтирсин! – буюрди Антон Иванич. – Илтимос, ўтиринг, Александр Фёдорич! Сен ҳам, Евсей, ўтир. Чўксанг-чи ахир, чўк! – Шундан сўнг унинг ўзи ҳам бир лаҳзага омонатгина чўкди. – Ана, энди, сафарингларни берсин!

Қарабсизки, Анна Павловна ув тортганча Александрнинг бўйнига осилиб қолди.

– Алвидо, алвидо, қароғим! – деди она ўкирик аралаш, – яна дийдоргинангни кўрармикинман?..

Буёғига қий-чув, тўполон бўлиб кетди. Баногоҳ бошқа бир кўнғироқча овози янграб, ҳовлига уч от қўшилган арава кириб келди. Аравадан сакраб тушган уст-боши чанг-чунг қандайдир ёш йигит отилиб кираркан, Александрнинг бўйнига осила кетди.

– Поспелов!.. – Адуев! – дея иккала йигит бир-бирларини каттиқ кучоқлай бошлашди.

– Қайси шамол учирди, азизим?

– Сен билан хайрлашиб қолай деб кечадан бери отни қичайман-а.

– Дўстим, дўстим! Ҳақиқий биродарим! – деди Адуев кўзлари жикқа ёшга тўлиб. – Хайрлашаман деб бир юз олтмиш чақирим ердан от елдириб келганингни қара-я! Дўстинг бўлса, киройи шундай бўлса! Умрбод дўст тутинганмиз, тўғрими? – хитоб қилди Александр дўстини бағрига босган кўйи қўлини маҳкам чангаллаб.

– Охиратгача дўстмиз! – жавоб қайтарди келган йигит Александрнинг кафтини янаям каттиқ қисаркан, жон-жаҳди билан кучоқлаб уни.

– Хат ёз менга!

– Ҳа, албатта, сен ҳам ёзиб тур!

Анна Павловна Поспеловни ўтказгани жой тополмай қолди. Жўнаш ярим соатга кечикди. Ниҳоят йўлга тушишди.

Барча дарахтзоргача пиёда борди. Хилватроқ жойга етишганда Софья билан Александр бир-бирларининг бағриларига ташландилар.

– Саша! Азизим Саша! – Сонечка!.. – дея шивирлашар эканлар севишганларнинг шивирлари бўса билан кўмилиб кетди.

– Уёқда мени унутиб юбормайсизми? – деди Сонечка кўзлари ёшга тўлиб.

– О, мени яхши билмас экансиз, албатта қайтиб келаман, ишонинг, ҳеч қачон сиздан бошқасини...

– Манг, манавини тез олиб қўйинг, соч толам билан узугим бу. Йигит қизнинг совғасини апил-тапил чўнтагига солди.

Олдинда Анна Павловна ўғли ва Пospelов билан, кейин Марья Карповна ҳамда қизи, ниҳоят руҳонию Антон Иванич боришарди. Сал кетинроқда арава силжир, ямшчик отларни базўр секин юришга мажбур этарди. Дарвозахона остонасида хизматкор-малайлар Евсейни қуршаб олишди.

– Алвидо, Евсей Иванич, алвидо, қадрдонимиз, бизларни унутма! – деган овозлар эшитиларди теварак-четдан.

– Алвидо, қадрдонларим, алвидо, ҳар замон-ҳар замон бизни ҳам эслаб туринглар-а!

– Алвидо, Евсеньюшка, алвидо, ёлғизгинам, – дерди она уни кучоқлаб, – ма, манави бутчани олиб қўй, офат-балолардан асрайди. Шаккоклик қила кўрма, Евсей, имонсизларга қўшилиб кетма тагин у ерда! Нақ қарғишга қоласан-а! Ичкиликдан нари юр, ўғрилиқ қилма, тўрангга сидкидил содик бўл. Алвидо, алвидо!

Она пешбанди бари билан юзини тўсиб, нари йўналди.

– Алвидо, онажон! – иштиёксиз ғўнғиллаб қўйди Евсей. Шу пайт Евсейга ўн икки ёшлардаги қизалок, тармашди.

– Синглинг билан видолаш! – деди аёллардан бири.

– Яхши қол! – хитоб қилди Евсей синглисининг манглайидан ўпиб, – бўпти, алвидо, алвидо, бор энди уйга, пучук!

Энг орқада, ҳаммадан нарида Аграфена турарди. Юзларини кўз ёшлари ювган.

– Яхши қолинг, Аграфена Ивановна! – деди чўзиқ овозда Евсей қўлини узатиб.

Аграфена кучоқлатишга қўйиб берди-ю, лекин ўзини босиб турарди, факат лаблари пирилларди.

Ма, ол буни! – деди Аграфена пешбанди остидан қандайдир тунча олиб узатаркан, – ҳойнаҳой петербурглик ойимчалар билан айни киларсан ҳали! – қўшиб қўйди у ер остидан хўмрайиб. Аёлнинг шу қарашида унинг бутун борлиғию ҳасрати жам эди.

Мен айш қиламанми, мен-а? – ўпқаланди Евсей. – Тил тортмай ўлай, кўзларим оқиб тушсин агар ўшандай...

– Бўпти, бўпти, – ишонқирамай қойинди Аграфена, – ичингда жон деб турибсан-ку!

– Эҳ, унутаи дебман-ку! – хушёр тортди Евсей чўнтагидан йиллаб кетган қарталарни чиқариб. – Манг, эсдаликка олиб қўйинг, Аграфена Ивановна, қаёқдан ҳам топасиз бу ерда қартани.

Аграфена қўлини чўзди.

– Менга ташлаб кета қол, Евсей Иванич! – кичкирди тўда орасидан Прощка.

– Сенга-я?! Сенга совға қилгандан кўра ёқиб юборганим маъкул-ку! – Шундан кейин Евсей қартани қайта чўнтагига солиб қўйди.

– Менга бера қол яхшиси, тентаквой! – деди Аграфена.

– Йўқ, Аграфена Ивановна, нима қилсангиз қилингу, лекин қартани бермайман, йўкса, анави билан ўйнай бошлайсиз. Хайр, яхши қолинг!

Евсей теварагига қарамай, қўл силтаб қўйгач, Александр билан ямшчик ўтирган, ўзини олиб кетажак отлар қўшилган арава орқасидан эргашди.

– Гўрсўхта! – дея қарғанди унинг кетидан Аграфена рўмолининг учи билан дув-дув думалаётган кўз ёшларини артиб.

Дарахтзор адоғида тўхталиб, Анна Павловна ўкирган кўйи ўғли билан хайрлашаётганда Антон Иванич отлардан бирининг ёлини силай-силаи унинг бурнини чангаллаб керганди, от жийрилиб пишкирди.

– Саманнинг қоринбоғини торт, – деди Антон Иванич ямшчикка. – Нима, айил қийшайганини кўрмайпсанми?!

Айил жойидалигини пайқаган ямшчик ўриндикдан кимирламай, фақат қамчин билан от бўйнини ишқаб қўйди.

– Бўпти, худо ёр бўлсин! – деди Антон Иванич. – Бас, Анна Павловна, кўп куяверманг! Ўтиринг, Александр Фёдорич, эрта-лабгача Шишковга етиб олишингиз керак ҳали. Алвидо, алвидо, худо ёрлақасин, мартаба, мукофоту хайр-саховат, битмас-туганмас

бойлик ато қилсин!!! Қани, ҳайда отларингни, кўзингга қараб юр ўр-тепалардан, – қўшиб қўйди у ямшичка мурожаат этиб.

Кўзларидан дув-дув ёш доналари тўкилаётган Александр аравага ўтирди, Евсей бўлса, бекага яқинлашиб, ер баравар таъзим бажо келтирди-да, унинг қўлларини тавоф қилди. Бека Евсейга беш сўмлик пул тутқазди.

– Кўзингга қара, Евсей, агар яхши хизмат қилсанг, сенга Аграфенани олиб бераман, мабодо...

Бека бошқа гапиролмади. Евсей ўриндиққа чикиб ўтирди. Кута-вериб сабри тугаган ямшичка жон киргандай бўлди. У телпагини бостириб кийди-да, ўрнига жойлашиброқ ўтиргач, юганини кўтарди. Жойидан жилган бедовлар бир-бир йўртиб кетди. Ямшичка кетма-кет қамчи босганди, отлар югура арава йўлидан ўрмон сари интилди. Чангга ботган кузатувчилар арава кўздан ғойиб бўлгунча чурк этмай котиб туришди. Биринчи бўлиб Антон Иванич сергак тортди.

– Хўш, энди ҳамма уй-уйига тарқалсин! – деди у. Александр кўзи кузатувчиларни илғагунча орқага қараб борди-да, кейин ўзини юзтубан аравага отди.

– Мен муштипарни ёлғиз қолдирманг, Антон Иванич, – деди Анна Павловна, – шу ерда тушлик қилиб кета қолинг энди!

– Бажонидил, онахоним, кечки таомни ҳам еб кета қоларман.

– Ётиб қола қолинг.

– Йўғ-е, эргага жаноза бор-ку ахир!

– Ҳа-я, эсим курсин! Майли, ихтиёрингиз. Федосья Петровнага дуо деб қўйинг. Таъзиямни етказарсиз, борардим-ку, ўзингиз кўриб турибсиз, ўғлимни кузатишимга тўғри келиб қолди.

– Ҳа, албатта, етказаман, унутмайман.

– Сашенька, болажонгинам, – шивирлади бека атрофига аланглаб, – йўқ энди у, кетиб қолди-я!

Адуева кун бўйи тушликни ҳам, кечки овқатни ҳам тотимай жимгина ўтирди. Аммо Антон Иванич лаби-лабига тегмай гапира-гапира тушлик қилди, кечки овқатни еди.

– Ҳозир қаерга етганин-кин-а болажонгинам? – деб қўяверди холос она дам-бадам.

– Неплюевога етиб боргандиров, ҳойнаҳой. Йўғ-ей, нималар дейпман? Ҳали етмагандир Неплюевога, энди яқинлашяпти чоғи, ўша ерда чой-пой қилса ажаб эмас, – жавоб қайтарди Антон Иванич.

қийдам, у бунақа вақтда сира чой ичмасди.

Анна Павловна хаёлан ўзини ўғлининг ёнида сеза бошлади. Кейин мўлжалича Александр Петербургга етган деб билиб, гоҳо ибодат қилиб, гоҳо қартада фол очаркан, баъзан Марья Карповна билан ўғли ҳақида гаплаша бошлади.

Хўш, Александр-чи?

Биз энди у билан Петербургда учрашамиз.

II

Қахрамонимизнинг амакиси Пётр Иванович Адуев худди шу жиянига ўхшаб йигирма ёшида акаси, Александрнинг падари томонидан Петербургга жўнатилиб, мана, ўн етти йилдирки, у муқим ринишда мазкур шаҳарда истиқомат қилиб келарди. Пётр Иванович отаси вафотидан сўнг ҳешу ақраболари билан хат ёзишмай қўйган, Анна Павловна бўлса қайнисининг қишлоқ ёнидаги мулкани сотиб юборгандан кейиноқ у ҳақда ҳеч нарса билмасди.

Пётр Иванич Петербургда бадавлатлиги билан ном қозонган ва ҳатто бу бежиз эмасди. У қандайдир мансабдор хизматчининг қўли остида махсус топшириқларни бажарувчи бўлиб ишлар, фракки ёқасига бир нечта тасма тақиб олганди; катта кўчада истиқомат қилмиш Пётр Иванич дурустгина тураржойга эга, учта хизматкори ҳамда уч нафар оти бор эди. У кекса эмас, айна «қирчиллама палла»да, ўттиз беш ё қирқлар оралиғида бўлса-да, ёши тўғрисида гапиришни ёқтирмасди. Бу унинг майда худбинлиги оқибати бўлмай, қандайдир маълум мақсад қўзланган мулоҳазакорлик, умрини қадрлаш натижаси эди, чамаси. Борингки, Пётр Иваничнинг ёшини бекитишида ажойиб жинс вакилларига ёқмоқчилиги ҳам сезилмасди.

У басавлат, келишган эркаклар сирасидан бўлиб, хушрўй юзи буғдойранг, қадам ташлаши равон, ажабтовур, табиати вазмин, лекин ёқимтойгина эди. Бундай эркакларни одатда *bel homme*¹ дейишгучийди.

Чехрасида босиклик, яъни ўзини идора эта билиш, дилидагини ташига чиқармаслик хислати зоҳир эди. Дил очикликни ўзига ҳам, бошқаларга ҳам эп билмасди Пётр Иванич. У ҳаётда

¹ Салобатли одам (франц.).



ана шундай эди. Лекин шунингдек Пётр Ивановичнинг қиёфасини совук деб бўлмасди: йўқ, қиёфаси шунчаки хотиржам эди холос. Фақат баъзидагина юзидан ҳорғинлиги сезилиб қолар, чамаси, бу кўп ишлашнинг оқибати эди шекилли. У ўзини фаол ва омилкор кўрсатишни ёқтирарди. Кийинишга аксари катта аҳамият берар, хатто олифтароқ бўлса-да, аммо ясан-тусанда меъёрдан ошмас, дид билан кийим-кечак танларди; ички кўйлак-лозимлари покиза, лўппи қўллари оппоқкина, тирноқлари узун-узун ва ялт-юлт қилиб турарди.

Бир куни у барвақт уйғониб, кўнғироқ қилганди, хизматкори чой билан бирга учта хат ҳам келтирди-да, аллақандай, ўзини Александр Фёдорович Адуев деб таништирган, уни, Пётр Ивановични амаким деб атаб, соат ўн иккиларда келишга ваъда қилган тўра йўқлаганини айтди.

Петр Иванович бу хабарни одатдагидек осойишта тингларкан, фақат қулоғи хиёл динг бўлиб, қошларини чимирди.

– Яхши, боравер, – деди у охири хизматкорга.

Кейин хатлардан бирини олиб, очмоқчи бўлди-ю, лекин тўхтаб, ўйланиб қолди.

– Вилоятдаги жияним эмиш – буни қаранглар-а! – ғўнғиллади Пётр Иванович, – унутиб юборишган деб юрибман-а мени у ердагилар! Садқайи сар, келса келибди-да! Халос бўларман ундан...

У тагин кўнғироқ чалди.

– Ўша жаноб келган заҳоти мен турибоқ заводга жўнаб кетганимни, уч ойдан кейингина қайтишимни айт.

– Хўп бўлади, – деди хизматкор, – буйруғингиз билан совғасаломларни иима қилай?

– Қанақа совға-салом?

– Ўша тўра келтирган совға-салом-да: кишлокдан бека бериб юборганмишлар.

– Ростданми?

– Худди шундай, кўзада асал, бир қоп малинақоқи...

Пётр Иванович кифтларини қисди.

– Тагин йигирма кийим шойи билан мураббо...

– Сезишимча, шойи аслидан бўлса керак...

– Ҳа, асл шойи, мураббоси нақ тилни ёради.

– Қани, келтир, кўрай-чи.

Пётр Иванович хатлардан бирини очиб, унга кўз югуртирди. Мингуб ийрик-йирик славян ҳарфларида битилган бўлиб, в ҳарфи ўрнида юкори ва пастдан белгили чизикча қўйилган, к ҳарфи ўрнига и и, шунчаки иккита чизикча ёзилган эди холос. Тиниш белгилари йўқолмаганди.

Алдуев хатни секин, овозини чиқариб ўқий бошлади.

«Ўрагинам Пётр Иванович!

Раҳматли падарингиз билан унча-мунча танишлик ва ошночилигимиз бор эди, ўзингизни болалигингизда чакана овутмаганман, қондонингларда кўп марта туз-нон тотганим бор. Шунинг учун ҳам сизнинг қунт-ғайрат ҳамда илтифот кўрсатишингиз, мўйсафид Нисиль Тихонични унутмаганингизга ишончим комил, биз бўлсак, бу ерда сиз ва сизнинг ота-оналарингизни доимо эзгулик билан келиб, ҳақингизга дуо қилгуйимиз...»

Бу қандай бемаънилик? Кимдан экан-а? – деб қўйди Пётр Иванович имзога нигоҳ ташлаб. – Василий Заезжалов? Ўлай агар, кимда бўлса Заезжалов дегани. У мендан нима истайди?

Шундан сўнг у ўқишда давом этди:

«Эзмалик билан ўтиниб қилган илтимосимни рад этмассиз, ота-гинам... Сизга Петербургда ҳойнаҳой бу ерда бизга ҳамма нарсаматлум ва ҳамма одам ўзингизники бўлганидай қадрдон эмас... Ёшимга бир лаънати ташвиш тушиб қолди. Етти йилдирки, ўша фалокатим аримаяпти. Малол келмаса, қишлоғимдан икки чакирим наридаги ўрмончани эслай оласизми? Палата олди-сотдида хатога йўл қўйгани учун рақибим Медведев ўшанга ёпишиб олди, ҳадеб моддаси сохта, дейди денг. Медведев – сизларнинг чорбоғингларда рухсатсиз балиқ овлаган одам-да; раҳматли дадангиз уни шармандаларча олдига солиб ҳайдаб, ўзбошимчалиги учун устидан губернаторга шикоят қилмоқчи бўлганку, аммо гўринг нурга тўлгур, азбаройи яхши одамлиги туфайли гуноҳидан кечиб юборганди. Ваҳоланки, аямаслик керак эди ярамасни. Отагинам Пётр Иванович, ёрдам бериб юборсангиз. Ўша иш ҳозир ҳукумат сенатида. Қайси департаментдаю кимдалигини билмайман, ҳойнаҳой, сизга кўрсатишса керак энди уни. Котиблар билан сенаторлар ҳузурига бориб, менинг фойдамга ҳаракат қилиб кўринг, мен олди-сотдидаги хато орқасидан азият чекканимни айтинг. Сизга ҳеч нарсада йўқ дейишмайди. Шунингдек, у ердан мен учун учта лавозим ҳужжатини

тўғирлаб, номимга жўнатиб юборинг. Бундан ташқари, сиз учун жуда ҳам зарур яна бир иш бор, Пётр Иванович, отагинам. Мен айбсиз айбдор жабрланувчига раҳмингиз келиб, маслаҳат ва кўмагингиз билан ёрдам беринг. Губерниямиз бошқармасида Дрожжов деган маслаҳатчи бор. Тилла одам – ўла қолса ҳам якин кишисига хиёнат қилмайди. Шаҳарда униқидан афзал тураржой йўқ. Борган заҳоти тўғри ўшаникига тушиб, ҳафталаб тураман – бошқа одамникига кўнишдан худо асрасин. Дрожжов едириб-ичиради, тушдан то ярим тунгача бостон ўйнаш билан машғул бўламиз. Шундай одамни ҳам ёмонотликка чиқариб, ҳозир истеъфога чиқишга мажбур этишяпти. Қадрли отагинам, ўша ердаги барча киборлар ҳузурида бўлиб, уларга Афанасий Иванович қандай зотлигини тушунтириб қўйсангиз: бировга ёпишишдан бўлак ишлари йўқмикин одамларнинг, айтингки, Дрожжов устидан бўлган чақув тухмат, губернатор котибининг найранги оқибатидир. Гапингизга киришади, кейин зудликда менга ёзиб юборинг. Менинг эски ҳамкасбим Костяков билан учрашинг. Бу ерга келганлардан бири, ўзингизнинг петербурглигингиз Студенициндан – балки уни биларсиз, – Костяков Пескида яшабини эшитдим. У ерда ҳатто ёш болалар ҳам Костяковнинг уйини кўрсатиб қўйишлари мумкин экан. Ёзган хатингизда, малол келмаса, ўша танишимнинг сихат-саломатлиги, нималар қилаётгани, мени эслаш-эсламаслигини ҳам айтарсиз. У билан танишиб, дўстлашиб олинг. Кўнгли очик, жудаям қизиқчи одам Костяков. Хатимни тутатарканман, яна бир илтимосим...»

Адуев ўқишдан тўхтаб, хатни тўрт бўлак қилиб йиртгач, уни стол остидаги саватга ташлади-да, керишиб ҳомуза тортиди.

Кейин бошқа хатни олиб, уни ҳам аста ўқишга киришди.

«Севимли оғам, тақсири олам, Пётр Иванович!»

– Бу яна қанақа синглим бўлди?! – деди Адуев имзога қараб. – Марья Горбатова... – У шифтга тикилганича ниманидир эслашга тиришди...

– Ким эди-я? Негадир танишга ўхшайди... Ҳа, жуда соз, акам Горбатовага уйланган эди-ку: бу ўша аёлнинг синглиси, ўша... бўлди! Эсимда...

Пётр Иванович ковоғи солиниб, ўқишда давом этди:

«Гарчи қисмат бизни ажратиб, эҳтимол, орамизда умрбод ўтиш мушкул тубсиз жар ҳосил қилган бўлса-да, йиллар кечса ҳам...»

У бир неча сатр қолдириб, қуйидагиларни ўқий бошлади:

«Икковлон кўлимиз ёқалаб сайр этиб юрганимизда сиз ҳаётингиз ва соғлигингизни хавф остида қолдириб, тизза бўйи сув кечган кўйи менга катта сарғиш қўға чечагини узиб берганингиз, кейин кўға танасидан қандайдир суюқлик оқиб, кўлимизни булғар экан, уни юзиб ташлаш учун картузингиз билан сув олганингизу бундан иккаламиз узоқ вақт қотиб-қотиб кулганимизни ўла-ўлгунимча унутмайман. Нақадар бахтиёр эдим ўшанда!.. Чечак хануз китоб китида сақланади...»

Адуев ўқишдан тўхтади. Ўқиган гаплари унга сираям ёқма-чилиги сезилиб турарди; Пётр Иванович ҳатто норози бош чайқаб ҳам қўйди.

«Менинг эътирозларимга, нечоғли илтимос қилишларимга қарамай, ула-элик жавонимдан (ўқишда давом этди у) деярли суғуриб олган тасмачангиз ёдингиздами!»

– Ҳа, тасмачани суғуриб олгандим! – деди баралла овозини чиқариб, баттар ковоғи уйилган Пётр Иванович. Кейин у яна бир неча сатрни ташлаб, давомини ўқий кетди.

«Мен бўлсам, қариқизликка кўникиб, ҳозир ўзимни бағоят бахтиёр сезяпман, ўша ажойиб дамларни эслашимга ҳеч ким монелик қилолмайди...»

«Оббо қариқиз-ей! – дилидан ўтказди Пётр Иванович. – Ҳалиям жажжи қизалокдай сезади-я ўзини! Бошқа нима иложи ҳам бор-а?»

«Уйландингизми, оғажонгинам, уйланган бўлсангиз, ким у рафикангиз? Ҳаёт йўлингизни ёритган ўша хоним кимлигини айтсангиз, уни ўз эгачимдай ардоқлардим, ўша аёлнинг сиз билан биргалигини ботинан тасаввур этиб, ҳақингларга дуо қилардим. Уйланмаган бўлсангиз, сабабини очик ёзинг, эътирофингизни ҳеч кимга айтмай, умрбод дил тўримда сир сақлаб юраман. Фақат жавонбингизни чўзманг, мубҳам сатрларингизни ўқишга мунтазирман...»

«Йўк, мубҳам сатрларинг буёқда экан-ку ҳали!» – деб қўйди дилида Пётр Иванович.

«Азизимиз Сашенька (ўқиди Адуев), туйқусдан ажойиб пойтахтга сафар қилмоқни ихтиёр этиб – нақадар бахтли шинам бино ва дўконларни кўриши, ҳаёт лаззатидан баҳраманд бўлиб, мухтарам амакисини бағрига босажагини ҳаёлимга ҳам келтирмагандим, мен бўлсам, ўша бахтиёр дамларни эслаб, зор-зор кўз ёши тўкяпман.

Агар унинг жўнаб кетишини билсам, кечаю кундуз ўтириб, сиз учун ёнида икки нафар ити бор араб тасвирланган ёстиқ тикардим; ўша каштага қараб дўстлик ва садоқатдан афзал нима бўлиши мумкин? – дея қанча обидийда қилмадим... Ҳозир мени фақатгина бир фикр банд этиб қўйди; гарчи, ўша фикр билан яшасам-да, яхши мовут тополмаяпман, бинобарин, сиз сеvimли оғамиз тез орада мен мактуб орқали айтгандай, дўкондан ноёб, асл инглиз мовутидан жўнатишингизга аминман. Ана холос, нималар деяпман ўзи? Мактуб ёзишимга қандай даҳшатли фикр монелик қилаётганига хайронман! Эҳтимол бизни унутиб юборгандирсиз, мендай узлатдаги чашми гирён муштипарни эслолмассиз ҳам балки? Йўк, асло! Сиз бошқа ҳамма эркаклар каби бағритош бўлишингизни хаёлимга ҳам келтирмайман, асло, гарчи сиз ажойиб пойтахтдаги ҳашамат ва лаззат қўйнида бўлсангиз-да, бизга нисбатан аввалгидай муносабатда эканлигингизга имоним комил. Ушбу фикр жафокаш дилимга малҳам бўлғусидир. Афв этгайсиз, буёғига давом эттиролмайман, сабаби, қўлим қалтираб кетяпти...

Сўнги нафасигача сизнинг Марья Горбатовангиз.

Дурустрок китобларингиз йўкми, оғажон? Ўзингизга зарур бўлмаса, жўнатиб юборсангиз: ҳар бир саҳифасида сизни эслаб йиғлардим ёки агар қиммат бўлмаса, дўкондан бошқасини олсангиз. Айтишларича, жаноб Загоскин билан жаноб Марлинскийнинг асарлари жудаям ажойиб эмиш, лоақал ўшалардан бўлса ҳам майлийдим; газеталарда яна жаноб Пузиннинг асаридан «Бидъат хусусида» деган бобга қўзим тушиб қолди, ўшани жўнатиб юборсангиз, бидъатга сираям тоқат қилолмайман».

Адуев ўқиб бўлгач, бу хатни ҳам нари улоктиришга шайланди-ю, лекин ўзини тутди.

«Йўк, – деди у дилида, – саклаб қўяман, бундай хат ишқибозлари ҳам учраб туради. Айримлар шу каби хатлардан анча-мунча коллекция тўплашган, эҳтимол бирортасига асқатиб қолар».

Адуев хатни деворда осиглиқ кажава саватчага ташлагач, учинчи хатни олиб, ўқишга киришди:

«Қадрдон жигарбандим Пётр Иванович!

Ўн етти йиллар чамаси мукаддам сизни сафарга кузатганимиз хотирингиздами? Мана, парвардигор инояти билан ўз фарзандимни ҳам олис сафарга узатишим насиб этиб қолди. Унга қаранг-да, отахоним, азизимиз раҳматли Фёдор Ивановични эсланг: Сашенька

кўйиб қўйгандай отасининг ўзгинаси. Уни мусофирликка жўната туриб, оналик қалбим не қўйга тушгани ёлғиз худогагина аён. Ўтилгинамни тўғри сизнинг ҳузурингизга жўнатаяпман. Сизникидан бўлак ерга қўнмаслигини тайинладим...»

Адуев тагин бош чайқаркан:

– Фаросатсиз кампиршо-эй! – деб тўнғиллади-да, ўқишни давом эттирди:

«У тажрибасизлик қилиб, карвонсаройда қўниши ҳам мумкин эди, аммо мен бундай қилса, туғишган амакиси хафа бўлишини билганим учун тўғри сизникига кириб боришини уқтирдим. Дийдор кўришгандаги қувончингларни тасаввур этаяпман! Ўз ҳолига ташлаб қўйманг, қадрли жигарбандим, маслаҳат бериб, йўл-йўриққа солинг, уни сизга, сизни худога топширдим».

Пётр Иванович яна тин олди.

«Ахир у ерда Сашеньканинг ягона яқин одами сиз бўласиз (ўкиди кейин Адуев). Кўз-қулоқ бўлиб тулинг, ортик тантиқланиб кетмасин, қаттиқ танбех ҳам берманг: танбех беришга бегоналар топилиб қолади, аммо ўз жигаридан бўлак ҳеч ким силаб-сийпа-ламайди: болагинамнинг ўзи мўмин-қобилгина, кўрган захоти ажралгингиз келмай қолади ҳали. Хизмат жойидаги бошлиғига айтиб қўйинг, Сашенькам билан аяброк муомала қилсин: жудаям нозик ўсган. Ичкилик билан карта ўйинидан эҳтиёт қилинг. Кечасилари, сиз алоҳида хонада ётсангиз керак, – Сашенька чалқанча ётишга одатланган, юраги заиф, тўлғаниб, қаттиқ инграйди; аста уйғотиб, чўқинтиринг, дарров бас қилади инграб-тўлғанишини, ёз кунлари эса оғзига рўмолча ёпиб қўйинг, у рўмолчани уйқу аралаш чайнай бошлайди, ўшанда эрталабга яқин лаънати пашшалар ҳам киролмайди оғзига. Зорикканда пулсиз қўймасиз...»

Адуев ковоғини уйди, аммо хат давомини ўқий бошлагач, тагин чехраси ёришди.

«Менга қолса, зарур маблағни жўнатиб турарман, ҳозир ҳам қўлига минг сўм тутқаздим, фақат у пулни ножўя ишлатмасин, ярамас одамлар чув туширишмаса бўлгани, ахир сизларнинг томонларингизда – пойтахтда муттаҳамлар, ҳар хил ноинсофлар кўп-да. Энди анчадан бери қўлим хат ёзишдан чиқиб қолгани учун хатоларим бўлса афв этгайсиз. Дилдан эҳтиром-ла сизни ҳурматлаяжак янгангиз.

А. Адуева.

Шунингдек, ўзимизнинг қишлоқ совға-саломларидан ҳам юбояпман – боғимдаги маймунжондан, оппоқкина, кўз ёшидай тип-тиниқ асал, йигирма нафар кўйлакли голланд шойиси билан кўлбола қиём. Ош бўлсин, буюрсин, тугаса, тагин бериб юбораман. Евсейдан ҳам бохабар бўлиб турасиз: ювош, ичмайди, чекмайди. Бордию у ерда, пойтахтда қуюшқондан чиққудек бўлса, бемалол таъзирини бериб қўяверинг.»

Пётр Иванич хатни аста стол устига қўйди-да, кейин бамайлихотир чўнтагидан олган сигарани қўллари орасида айлантирди-айлантирди-да, чека бошлади.

Ниҳоят Пётр Иванич бир қарорга келди. Жиянини билмайди, бинобарин, уни яхши кўрмайди ҳам, шунинг учун виждонан бурчдор эмас: масалани ақл-идрок ва адолат юзасидан ҳал этиш керак. Акаси уйланиб, нашъу намо сурди, – нега энди у, эрлик роҳатини тотмаган одам, Пётр Иванич акасининг ўғли учун ташвиш қилиши керак? Турган гапки, ҳеч бир бурчдорлик ери йўқ.

Аммо иккинчи томондан, бошқа жиҳат ҳам бор: Пётр Иванич хоҳлайдими-йўқми, жиянига бирор кўмаги тега олиш-олмаслигини ҳам билмай, она ўғлини ортиқча юк қилиб, тўппа-тўғри унга, унинг қарамоғига жўнатганди. Бу ақлдан эмас албатта, аммо бўлар иш бўлиб, ночор, таниш-тунишсиз, ҳатто тавсия қоғози ҳам йўқ ёш, ғўр жияни ҳамон Петербургга келган экан... Пётр Иванич уни панд-насихат, йўл-йўриксиз ўз ҳолича одамлар орасига ташлаб қўя оладими? Бордию жияни бирор фалокатга дучор бўлса, виждон олда изтироб чекмайдими?

Шу пайт Адуев ўн етти йил муқаддам марҳум акаси ва худди ўша Анна Павловна унинг ўзини сафарга жўнатганларини хотирлади. Улар унга Петербургда ҳеч қандай ёрдам бера олишмаганди албатта, Пётр Иванич ўзига-ўзи йўл топди... аммо Адуев янгасининг хайрлашаётган пайти кўз ёши тўкиб, дуо қилганлари, онаси каби силаб-сийпалаши ва ниҳоят унинг охириги сўзларини эслади: «Сашенька ўсиб-улғайса – Саша ўшанда уч ёшли гўдак эди, – эҳтимол сиз, амакиси ҳам унга ғамхўрлик қиларсиз...» Пётр Иванич шартта ўрнидан туриб, илдам қадамлар билан ташқарига йўналди...

– Василий! – чақирди у, – жияним келса, қайтариб юборма. Кейин, тепага чиқкин-да, яқинда ижарага берилган хона бўшми-

ишқинини бил. Агар бўш бўлса, хона менинг ихтиёримдалигини айтиши. Ҳа-я, совғалар ҳам бор-а ҳали. Нима қилдик энди?

Совғаларни юқорига олиб чиқаётганимизни дўкончимиз кўрган бўлса керак. Асални сотиш-сотмаслигимизни сўради. Яхши тўйишман деди. Маймунжонни ҳам олармиш.

Жуда соз! Бера қол. Хўш, шойини нима қиламиз? Аврага ғримасмикан?.. Уни бекитиб қўй, мураббони ҳам, чамаси яхшига ўхшайди, ермиз.

Пётр Иванич энди сокол олишга ўтирган ҳам эдики, шу пайт Александр Фёдорич кириб келди. У энди амакисининг бўйнига ташланмокчи бўлган эди, аммо Пётр Иванич бақувват қўллари билан жиянининг ҳали нозик билагидан тутиб, гўё унинг афт-ангорига дурустрок қарамокчидай (аслида бўлса меҳр жўшқинлигини босиб) қўл берибгина кўришиш учун Александр Фёдоровичнинг яқинлашишига йўл қўймади.

– Онанг тўғри ёзипти, – деди Пётр Иванич, – худди раҳматли акамнинг ўзи бўлибсан: кўчада ҳам таниб олардим сени. Аммо акамдан афзал томонларинг кўп. Майли, кўп манзират қилмай, соқолимни олаверай. Қани, дийдорингга яхшироқ тўйишим учун манави ерга, қаршимга ўтир-чи.

Шундан сўнг Пётр Иванич бамисоли ҳеч ким келмагандек, дам у-бу лунжига совун суркашда давом этди. Хижолатда қолган Александр нима деб гап бошлашини билмас, амакисининг совуқ муомаласини тўғри уникига келиб тушмаганига йўярди.

– Хўш, ойинг қалай? Соғлиқлари яхшими? Анча кексайиб қолгандир-а? – ҳол-аҳвол сўради Пётр Иванич кўзгу қаршисида афтини бужмайтириб.

– Минг қатла шукур, ойим сихат-саломатлар, яна сизга холам Марья Павловна иккалалари кўпдан-кўп салом деб юборишди. – деди ийманибгина Александр Фёдорич. – Холам сизни кучоқлаб қўйишимни илтимос қилгандилар... – Шундан сўнг у ўрнидан турди-да, яқинлашиб, амакисининг чаккалари, пешонасимни ёки гарданиями, боринги, дуч келган жойидан ўпмокчи бўлди.

– Холанг ҳозир анча ақли кириб қолган ёшда бўлиши керак. Лекин чамаси, у ҳали ҳам йигирма йил олдингидай гўрга ўхшайди.

Александр ханг-манг бўлиб, ўтирган жойига тисарилди.

– Хатни олдингизми, амакижон? – сўради кейин у.

– Ҳа, олдим.

– Василий Тихонич Заезжалов, – гапани давом эттирди Александр Фёдорич, – ишимни ҳал қилиб берсин, деб сиздан ўзиниби сўради.

– Ҳа, хатида ёзган экан... Ҳали ҳам борми сизларда ўшанақа пандавоқилар?

Александр бу ҳақоратомуз гапдан ўзини бутунлай йўқотиб қўйди.

– Кечирасиз, амакижон, – ямланди у.

– Нима?

– Тўғри сизникига келмай, карвонсаройда тўхтаганим учун кечирасиз. Тураржойингизни билмадим...

– Кечирим сўрашнинг нима ҳожати бор? Жудаям тўғри қилибсан. Ойинг ҳам худо билсин нималарни ўйлаганийкин. Меникида жой борми-йўқлигини билмай, келиб ҳам нима қилардинг? Кўриб турибсанки, тураржойим бир кишилик: зал, меҳмонхона, ошхона бўлса, яна иш бўлмаси, жавонхона билан ҳожатхонадангина иборат – ортиқча жой йўқ. Бир илож қилиб тикиштирдим-ку, лекин сен мени... Сенга худди шу бинодан жой топиб қўйдим...

– Оҳ, амакижон! – деди Александр, – ғамхўрлигингиз учун мингдан-минг раҳмат! – Кейин ташаккурини астойдил билдириш мақсадида яна ўрнидан сакраб турди.

– Секин, секин, ҳазир бўл! – огоҳлантирди амаки, – олмос жудаям ўткир. Ўзингниям, мениям бирор жойимни кесиб юбормасин тагин.

Александр нечоғли уринмасин, бугун азиз амакисини бирор марта қучоқлаб, бағрига боса олмаслигига ақли етгач, бу ниятини бошқа сафарга қолдирди.

– Хона бинойидай, – гап бошлади Пётр Иванович, – деразалари пича камбарроқ. Нукул ёнида ўтиравермасанг керак, уйдалиқ пайтингда бирор юмуш билан банд бўларсан, деразадан қараб ўтиришга вақтинг ҳам бўлмайди. Қиммат ҳам эмас, ойига қирқ сўмдан. Меҳмон-излом келса, дахлизи ҳам бор. Бошиданок бир ўзинг мураббийсиз яшашга кўникканинг маъқул, ўзингга яраша рўзғор тут, французлар айтганидай, un chez soi бўлсин. Бу деганики, уйингда ўз дастурхонинг, чой-нонинг, демакки бошингда бошпананг бўлсин. Ўшанда бемалол хоҳлаган одамингни таклиф қилишинг мумкин...



Айниб қўяй, уйда овқатланган пайтларим, марҳамат, шерик бўлишар – бошқа кунлари бўлса, бу ердаги ёшлар одатда трактирда тамадди қилишади, – бироқ сен емишингни ола келишингни маслаҳат бераман: чунки уйда хотиржамроқ, худо кўрсатмасин, бирор-бири пашшахўрда бўлмайди ҳам, шундай эмасми?

– Катта раҳмат, амакижон.

– Раҳматинг нимаси? Жигариммисан ахир? Бурчимни адо этишман холос. Хўш, мен энди кийиниб, бора қолай, хизмат, завод деганларидай...

– Заводингиз борлигини билмас эдим, амакижон.

– Шиша ва чинни заводим бор: нафсиламрини айтганда, бир ўзим эмасман: уч киши шерикчилик қиламиз.

– Ишинглар дурустми?

– Ҳа, ёмон эмас. Кўпроқ ички губерниялар ярмаркасига маҳсулот етказиб берамиз. Кейинги икки йилда хоҳлаган жойимизга мол чиқардик! Агар яна беш йил шундай давом этса, қарабсанки... Тўғриси, шерикларимнинг биттаси у қадар ишончли эмас, нуқул алдоқчилик қилади, сира эпақага келтиролмаёйман уни. Хўп, омон бўл. Шаҳарни айлан, кўнглингни ёзиб, бирор жойда овқатлан, кечкурун чойхўрликка кел, уйда бўламан, – қолган гапларни ўшанда гаплашамиз. Ҳой, Василий! Буларнинг хоналарини кўрсатиб, жойлашишларига қарашиб юбор.

«Петербург ҳаёти бундай экан-ку, – ўйлаб қолди Александр янги жойга кириб ўтиргач, – ўз амакинг шундай бўлгандан кейин, бошқалардан нима кутиш мумкин?»

Кенжа Адуев хонада уёқдан-буёққа юрар экан, қаттиқ ўйга чўмган, уй йиғиштираётган Евсей бўлса, дилида ўзига-ўзи гапирарди:

«Бу қандай ҳаёт ўзи, Пётр Иваничнинг ошхонасида ойига бир марта қозон осилиб, қолган вақтлари бу ердагилар бошқа жойда тамадди қилишса керак ҳойнаҳой... Ё, парвардигор! Шу ҳам тирикчилик бўлдию! Ёсизгина, тагин петербурглик эмиш булар! Бизнинг томонларда ит ҳам ейман деса ўз ялоғи бор».

Александр гарчи чурқ этмаса ҳам Евсейнинг дилидагини маъқулларди чоғи. У дераза олдида бориб, мўрилар билан томлар, уйларнинг ислиқи ғиштин деворларинигина кўрдию... Буларни икки ҳафта муқаддам қишлоғидаги уй деразасидан кўзга ташланган манзара билан таққослар экан, дили ғашланди.

Кўчага чиккан эди, кўча унинг назарида худди безовталанган ари инига ўхшаб туюлди. Ўзи билан ўзи овора одамлар қаёққадир ошиқишар, тўкнашиб кетмаслик учунгина ора-чора ўткинчиларга қараб қўйишарди. У ким билан учрашмасин, ҳар бир кўришиш ўзига хос мароқ уйғотувчи ўз губернияси, шахрини эслади. Масалан, Иван Иванович Пётр Петровичникига борса, ҳамма унинг нима учун кетаётганлигидан вокиф бўлади. Ана, Мария Мартиновна зиёфатдан қайтиб келяпти, Афанасий Савич бўлса, балиқ овига кетяпти. Ана, жандарм губернаторнинг уйидан доктор томонга от чоптириб ўтди. Демак, ҳамма биладики, хоним афандининг кўзи ёриган. Ваҳоланки, куда-кудаёю бувилар буни ҳеч кимга олдиндан айтилмаслигини тайинлаб қўйишган. Ҳамма қизми, ўғилми деб сўрайди. Тўралар чақалокқа шоҳона кийим-кечак тайёрлаш билан овора. Ана, Матвей Матвеевич кечкурун соат олтида уйидан ёғоч кўтариб чиқди. Унинг кечки сайрга отланганини, сассиккекирдак бўлиб қолгани-ю, Матвей Матвеевич айна шу пайт чой ичиши маълум, кекса маслаҳатчининг деразаси тагида албатта тўхташини ҳам барча билади. Ким билан учрашмасин, таъзим бажо келтириб, икки оғиз сўз қотади. Мабодо салом-алик қилмасанг ҳам ўша одамнинг кимлиги, қаерга, нима учун кетаётганидан хабаринг бўлади. Учрашган одамнинг кўзидан ҳам: «Сизнинг кимлигингиз, қаерга, нима учун кетаётганлигингизни биламан», – деган маънони англаш мумкин. Борди-ю, ниҳоят олдин бир-бирларини кўрмаган нота-ниш одамлар учрашиб қолишса, икковларининг ҳам чехраларида савол аломати пайдо бўлади-да, сал нарида юришдан тўхтаб, бирикки орқаларига ўгирилиб қўйишади: уйга келгач эса, кўрган янги одамларининг кийим-боши, қадам ташлашини сўзлаб беришади. Қарабсизки, ўша одам ким, қаерлик, нима учун келганлиги ҳақида турли гумону тахминлар пайдо бўлади. Бу ерда эса, ҳамма ашаддий душмандай, қани, йўл бўшат, қабилида ўкрайгани-ўкрайган.

Александр олдинига истаган ўткинчи-ю, башанг кийинган одамни вилоятликка хос қизиқиш билан кузатаркан, уларнинг ҳар бирини бирор министр, ё элчи, ёки ёзувчи деб санади. «Манави эмасмикан? – ўйларди у, – ёки анавимикан?» Лекин, кўп ўтмай бу ҳол жонга ҳам тегди. Ҳар бир қадамда министрлар, ёзувчилар, элчиларга ўхшаш одамлар дуч келарди.

Ниҳоят Адуевнинг нигоҳи биноларга тушиб қолди-да, баттар юраги сиқилиб кетди: унга теварак-атрофдан саф тортган баҳай-

бат макбаралар каби бир хилда баланд-баланд ғиштин иморатлар мунғайиб боқарди. «Ҳозир кўча тугаб, кўз олдимда тепаликми, дов-дарахтларми, кулаган деворми намоён бўлади», – деб ўйларди у. Йўк, тагин ўша-ўша тўрт қатор деразали, бир тоифали иморатлардан иборат ғиштин тўсиқ бошланди. Бу кўча ҳам охирлаб, рўпарада яна боягига ўхшаш манзара пайдо бўлди, бинолар ҳамон аввалгиларидай, факат тартиби бошқача эди. Ўнг томону сўл томондан, чор атрофдан тош ҳайкалларга ўхшаб саф тортган иморатлар, бир-бирига қалашган ғиштин тўсиқлар кетидан ғиштин тўсиқ қуршаб олган. На кенглик бор, на очиклик. Қажққа қарасанг, ғов. Бамисоли инсон тафаккури, хис-туйғуси ҳам кишанлаб ташлангандек. Вилоятлик йигитнинг Петербург ҳақидаги илк таассуроти нохуш бўлди, юраги алағда, маҳзун. Унга ҳеч ким аҳамият бермас, чивинчалик қадри йўк эди. Янгиликлар ҳам, ғаройиботлар ҳам, одамлар тўдаси ҳам кўнглини овломасди. Вилоятликка хос худбинлик қишлоғига нимаики хослик бу ерда бўлмаса, барчасига қарши исён кўтарарди. Александр ўйга чўмиб, хаёлан ўзини қадрдон шахридагидек сеза бошлади. Қандай ажойиб манзара. Мана, томи тик уйлардан бири. Том тепасида каптарлар уяси. Тужжор Изюмин каптар учиришга ишқибоз.

Шу мақсадда у томга каптар уяси қурган. Эрталаблари ва кечки пайтлар Изюмин қалпоқ ҳамда юпка яқтак кийиб олганча томга чиқади-да, учига латта боғланган ёғочни силкита-силкита хуштак чала бошлайди. Қадимда қурилган тўрт томони ойнабанд, ясси томи бамисоли фонусга ўхшаш иккинчи уй ичидан ёнғин чиқиб, ҳали-замон ағдариладиган ёки қуйиб кетадигандай. Тахта деворлари қандайдир ним кулранг тус олган. Бундай уйда яшаш хатарли. Аммо барибир одамлар яшайверишади. Тўғри, гоҳо эгаси қийшайган шифтга қараб: «Кўкламгача босиб қолмасмикан? Йўқдир-ов», – деб қўйгач, кейин ўзидан эмас, чўнтагидан хавотирлангани учун яшашда давом этаверади. Шу уйга яқин табибнинг ярим доира шаклидаги дўкончасимон икки флигелли шинам иморати ғаройиб қад кўтариб турибди. Манави уй бошдан-оёқ дов-дарахт билан бурканган. Анавиниси кўчага тесқари. Яна бир жойда узунлиги нақ икки қақиримга етадиган девор бор, унинг ортидан кўринувчи қирмизи олмалар болаларнинг жон-дили. Уйлар черковлардан анча нарида жойлашган. Черковларнинг атрофи қалин майсазор, қабр тошлари ётибди. Зиёратгоҳ деса, зиёратгоҳдай: худа-беҳуда яқин-



лашаверилмайди бу ерга. Манави пойтахтда бўлса, иморатларнинг қайсиниси қанақалигини билиб бўлмайди. Яна шуниси таассуфга лойиқки, дўконча ҳам шу бинодагина жойлашган. Вилоят шахрида бўлса икки, учта кўчадан ўтсанг, енгил нафас оласан-да, четан деворлар бошланади. Улар ортида эгатлар, тагин ҳам нарироқда ажойиб сули пайкаллари ястанган. Сукунат, қилт этган жонзот кўринмайди, кўчада ҳам, одамлар қиёфасида ҳам бемалолгарчилик барқ уриб туради! Ҳамманинг эрки ўзида. Турмуши ўз йўриғича, қисилиб-нетган жойи йўк. Ҳатто товуқ ва хўрозлар кўчада бемалол кезиб, эчки билан сигирлар хоҳлаганча кўкат чимдийди. Болалар яйраб варрак учиришади.

Бу ерда бўлса... кони диққинафаслик! Вилоятлик йигит девор, чанг-чунг ва ифлос кўча, лиқилдок кўприк, қовокхона идорасининг пештахтасини қўмсаб хўрсинди. Унга Исакиев ибодатхонаси ўз шахридаги ибодатхонадан афзал, ўта баландлиги, дворянлар бутхонасининг заллари, шахридаги шу каби заллардан кўплиги эриш туюларди. Бундай қиёслардан Александрнинг ич-ичидан жажли чиқар, гоҳо фалон мато ёки писмадон винонинг кадрдон шахрида асл навини арзон-гаровга сотиш мумкинлигини, хорижий ноёб буюм ҳисобланмиш бесўнақай чиғаноқлар билан қизил балиқларга у ерда ҳеч ким қиё боқмаслигини беихтиёр кўз олдига келтирарди. Бўлар-бўлмас хориж матосига қақир-кукурларни харид этишга бу ерликларни нима мажбур этаркин? Муҳожирлар бошлаб шилишади-ю, манави пойтахтликлар эса олдиларига похол ташланганидан хурсанд ҳам бўлишади-я. Александр кўрганларини ҳаёлан қиёслар экан, баногоҳ шахридаги икра, нок ёки кўмач бу ердагидан афзаллигини туйиб, боши осмонга етарди: «Шуни ҳам нок дейсизларми ҳали? – дерди у, – ахир буни бизда гадой ҳам емайди-ку!...»

Вилоятлик йигит кўлидаги олисдан келтирган хати билан мана шу уйлардан бирига кириб, баттар юраги сиқилса керак. Назарида уни кенг қулоқ очиб қаршилашади-да, ўтқизгани жой тополмай, иззат-икром қила бошлашади; қайси таом ёқишини сўраб-суриштиришга тушишади, бундай ҳурмат-эътибор, меҳмоннавозликдан хижолат чеккан Александр ниҳоят уялиб-кимтинишни бир чеккага йиғиштириб, уй эгаси билан бекани қучоқлаб ўпгач, гўё йигирма йиллик танишдек уларни сансирашга ўтади: ҳаммалари майхўрликка берилишади, биргалашиб кўшиқ айтишса ҳам ажаб эмас...

Қаёқда дейсиз! Унга зўрға қараб қўйишиб, афтларини буриштирганларича узр сўраб, ишлари қўплигини рўкач қилишади; бирор юмуш билан келган бўлсангиз, тушлик вақти ҳам, кечки овқат маҳалига ҳам таклиф этишмайди, кундузи, умуман одатдаги ичкилик ичиладиган фурсат йўқ буларда: на ароклари, на газаклари бор. Уй эгаси ташриф буюрган кимса ёнидан нари тисарилиб, меҳмонга ғалати қараш қилади. Ён хонада қошиқ, стаканлар шиқир-шиқирини эшитилиб турибди, бемалол дастурхонга таклиф қилиш мумкин, лекин мезбонлар манзиратли қочиримлар билан меҳмонни кеткизиб юбориш пайдан бўлишади... Унинг иложи йўқ, бунинг иложи йўқ, ҳамма нарса ман этилганмиш. Худбинлик эмасми ахир бу? Ҳа, турки совук, одамови кимсалар. У ерда, вилоятда бўлса, истаган хонадонга бемалол кириб бораверасан, агар тушликни еб бўлган бўлишса, меҳмон ҳурмати учун қайтадан тушлик қилишга ўтиришади; эртаю кеч столда жиғиллаб турган самоварни кўриш мумкин, ҳатто дўконлар ҳам доимо очик туради. Учрашиб қолганки барча одамлар бир-бирлари билан апоқ-чапоқ кучоқлашиб кетишади. У ерда қўшничилик ҳам ҳавас қилгулик: қўшни-қўшнига ҳар нарсада бакор. Қариндошлар бўлса қариндошмисан-қариндош: улар бир-бирларидан жонларини ҳам аяшмайди... Эҳ, хуноб бўласан-да, ахир!

Адмиралтейство майдонига чиққан Александр ҳайратдан ҳангманг бўлиб қолди. У Мис чавандоз¹га шўрлик Евгений каби аччиқтаъна билан эмас, пурвиқор шавқ-завқ билан анча вақтгача кўзини ололмай қараб турди. Нева, унинг теваарагидаги биноларга боқаркан, кўзлари чакнаб кетди ва баногоҳ омонат кўприқлар, полизу нураган деворларни кўмсаганидан хижолат бўла бошлади. Кайфияти кўтарилиб, руҳи енгил тортди. Бетиним елиб-ошиқаётган одамлар оломони ҳам кўзига энди бошқача кўрина бошлади. Ўткинчи дил изтиробини ўрнини яна умидворлик туйғуси эгаллади. Сергакланган йигитни янги ҳаёт ром этиб, қандайдир мажхуллик сари чорларди. Юраги ҳам тез-тез ура кетди. У эзгу меҳнат, юксак истаклар орзусида Нева проспекти бўйлаб мағрур одимларкан, ўзини янги дунё фуқароси ҳисобларди... Александр шундай орзулар канотида уйига қайтди. Кечкурун соат ўн бирда амакиси уни чойга чорлади.

– Ҳозиргина театрдан қайтдим, – деди амаки диванга чўзиларкан.

¹ А.С. Пушкиннинг «Мис чавандоз» поэмаси қаҳрамони.



– Эсизгина, менга айтмабсиз-да, бирга борардим.

– Жойим креслода эди, нима, тиззамга ўтирармидинг? – деди Пётр Иванович, – эртага бир ўзинг бора қоларсан.

– Одамлар орасида ёлғиз ўзим бўлсам, юрагим сиқилади, амакижон, таассуротимни ким билан ўртоқлашаман?..

– Бекор қиласан, ёлғизликда таъсирланиб ўй суриш, мустақил яшай билиш керак. Вақти келиб бу асқатиб қолади. Бундан ташқари, театрга бориш учун кийим-бошинг ҳам жойида бўлиши керак.

Александр эгнига қараб қўйиб, амакисининг гапидан таажжубланди. «Кийим-бошимнинг нимаси кўнгилдагидек эмас? – ўйларди у, – мовий сюртук, мовий панталонда бўлсам.»

– Кийим-бошим кўп, амакижон, – деди у. – Кенигштейн тиккан, у губернаторга кийим тикади.

– Яхши, аммо барибир ярамайди уст-бошинг. Бир-икки кундан кейин сени ўзимнинг тикувчимга олиб бораман. Майли, бунинг яраси енгил. Асти жиддийроқ гап бор, қани, айт-чи, бу ерга нега келдинг ўзи?

– Келганим... яшамоқчиман.

– Яшамоқчиман? Яъни, яшаш деганда еб-ичиш ва ухлашни тушунсанг, шунча олис жойдан бу ерга келишинг шарт эмас эди. Бу ерда уйингдагидай овқатланолмайсан ҳам, мириқиб ухлаёлмайсан ҳам. Бордию бошқа ниятинг бўлса, айт унда...

– Ҳаётдан баҳраманд бўлиш мақсадидаман, демоқчи эдим, – қўшиб қўйди дув қизарган Александр, – қишлоқ жонимга тегди, ҳамма нарса бир хил...

– Ҳа-а! Гап буёқда де! Хўш, Нева проспектидан бельетажни ижарага олиб, извошли бўлиш, беҳисоб таниш орттиришу кўнгил хушлик қилмоқчимисан?

– Жудаям кимматга тушади-ку, ахир бу, – гап қўшди соддадиллик билан Александр.

– Ойингнинг ёзишларича, қўлингга минг сўм берибди. Бу камлик қилади, – деди Пётр Иванович, – Яқинда бу ерга бир танишим келди. Қишлоқ унинг ҳам жонига тегиб кетибди. Ҳаётдан баҳраманд бўлмоқчи эмиш. У эллик минг сўм олиб келибди. Яна йилига шунча пул олиб турармиш. Ўша танишим ростдан ҳам Петербург ҳаётидан баҳраманд бўлиши мумкин, сен эса йўқ! Сен бу ниятда келмагансан.

Сизнинг гапларингизга қараганда, гўё мен бу ерга нега келганимни ўзим ҳам билмайдигандей, амакижон.

– Қарийб худди шундай, тўғри айтдинг, баракалла, фақат, битта лскини бор. Хўш, қани айт-чи, наҳотки, бу ерга келишдан олдин ўзингга, нима учун кетяпман, деб савол бермаган бўлсанг? Шундай килганингда чакки бўлмасди.

– Берганман ўзимга бундай саволни, жавобим ҳам тайёр эди. – фахр билан хитоб қилди Александр.

– Нега айтмаяпсан ўша жавобингни? Хўш, нега?

– Мени қандайдир кучли, эзгу ишлар қилиш иштиёқи қамраб олди, дилимда жўш урган муаммо ва уни амалга ошириш...

Пётр Иванович дивандан сал қўзғалиб қўяркан, оғзидаги сигарани олди, вужуди кулоққа айланди.

– Дилим истагини бажариш...

– Шеър ёзмайсанми мабодо? – сўради ногаҳон Пётр Иванович.

– Насрда ҳам битиб тураман, амакижон, олиб келайми?

– Йўқ, керак эмас!.. Бошқа бирор пайт ўкиб берарсан, шунчаки, сўрадим-қўйдим-да.

– Нега бундай савол беряпсиз?

– Негаки, гапириш усулинг...

– Нима, ёқмадим?

– Йўқ, эҳтимол анча дуруст гапираётгандирсану, аммо энсани қотиради.

– Эстетика профессоримиз шундай гапирарди. Энг нутқи зўр профессор ҳисобланарди, – деди хижолатомуз Александр.

– У нима тўғрисида шундай гапирарди?

– Ўз фани тўғрисида.

– Балли-е!

– Хўш, қандай гапиришим керак, амакижон?

– Эстетика профессорига ўхшаб эмас, ҳамма каби жўн гапиршига ўрган. Буни бирдан тушунтириб бўлмайди. Кейинроқ ўзинг амин бўласан ҳали. Дорилфунунда тинглаган лекцияларинг асосида гапингнинг мағзини чақишимга қараганда, сен бу ерга мансаб ва шуҳрат қозониш учун келганман демоқчисан, тўғрими?

– Ҳа, амакижон, мансабга эришмоқ...

– Омад ҳам дегин, – қўшимча қилди Пётр Иванович. – Омадсиз мансаб, мансабми? Ниятинг дуруст, фақат... келиб беҳуда қилибсан.

– Нега энди? Билишимча, ўз тажрибангиздан келиб чиқиб айт-
маяпсиз шекилли-а бу гапни? – деди Александр теварагига боқиб.

– Тўппа-тўғри. Бадавлатлигим аниқ, ишларим ҳам жойида. Ле-
кин сен билан менинг ўртамызда – катта фарқ бор.

– Ўзимни асло сиз билан тенглаштирмакчи эмасман.

– Гап бунда эмас, эҳтимол сен мендан ўн чандон ақллироқ ва
яхшироқдирсан... устига-устак, чамаси, табиатинг янги тартибга
ройиш бўлмаслиги мумкин, қишлоғингдаги тартибга келсак, бай-
бай! Ҳаддан ташқари нозиксан, онанг жудаям эркалатиб юбор-
ган, мен чидаган синовларга бардош берармикинсан? Сен ҳаддан
ташқари хаёлпараст бўлсанг керак, бу ерда эса хаёл суришга фурсат
йўқ; сенга ўхшаганлар бу ерга бирор ишни амалга ошириш учун
келишади.

– Агар маслаҳатларингиз билан тажрибангизни дариг тутма-
сангиз, балки бирор нарса келиб қолар қўлимдан...

– Маслаҳат беришдан кўрқаман. Қишлоқона табиатинг йўл
қўймайдими дейман, бирор иш кўнгилдагидай чиқмай қолса, мендан
домонгир бўла бошлайсан, фикр айтишга келсак, марҳамат, фикр-
римни қабул қилиш-қилмаслик ихтиёрингга ҳавола. Ҳа, йўқ! Бирор
нарсага эришишингга ишонмайман. Уёқда ҳаётга ўз қарашинглар
бор эди: қандай ўзгартирасан уни? Сизлар муҳаббат, дўстлик ва
ҳаёт гўзаллиги-ю бахт-саодатга ишониб, яшаш шундангина ибор-
рат деб тушунасизлар, оҳ-воҳ, йиғи-сиғи! Йиғлаб-сикташади-да,
иш бўлса бажарилмай қолаверади... булардан қандай қайтараман
сени, ҳазил гапми!

– Давр билан ҳамқадам бўлишга ҳаракат қиламан, амакижон.
Бугуноқ анави баҳайбат иморатлар, олис мамлакатлардан биз учун
совға-салом келтирган кемаларга қараб, инсониятнинг ҳозирги
муваффақиятлари ҳақида ўйлаб қолдим. Тиниб-тинчимас оломон
ташвишларини тушундим, ўша оломонга қўшилишга тайёрман...

Ҳозирги ваъзни тинглаётган Пётр Иванович қош чимирганча жи-
янига синчиклаб тикилиб турарди. Ниҳоят Александр гапиришдан
тўхтади.

– Чамаси, мураккаб жойи йўқ бунинг, – деди амаки, – анави...
«тиниб-тинчимас оломон»га қолса, худо билсин, нималар демай-
ди!! Аслида қишлоғингда яшайверганинг маъкул эди. Ёшингни
яшаб, ошингни ошардинг: ҳаммадан ақлли бўлардинг, ижодкор,
сўзга моҳирлик билан шухрат қозонардинг, боқий ҳамда садоқатли

дўстлик, мухаббат, одамийлик, бахт-саодатга ишонган кўйи уйлардинг-да, кексайганингни ҳам сезмай, дарҳақиқат, ўзингча бахтиёр яшайверардинг; бу ерда бўлса бахтиёр бўлолмайсан: бу ерда шу тушунчаларингни мутлақо тескарисини қилишингга тўғри келади.

– Нега энди, амакижон, дўстлик билан мухаббат каби муқаддас ва юксак туйғулар ҳам осмондан атайин тупроққа қоришиш учун тушмаган шекилли...

– Нима? – Александр индамади. – «Мухаббат ва дўстлик тупроққа қоришади!» Нималар деб валдираяпсан?

– Нахотки ўша туйғулар бу ерда ҳам кишлокдагидай улуғланмаса демокчиман.

– Мухаббат ва дўстлик бу ерда ҳам бор, – қаерда йўқ бундай туйғу? Аммо у бу ерда сенинг юртингдагидай эмаслигини вақти келиб тушунарсан ҳали... Аввало сен ўша муқаддас ва самовий туйғуларни унутиб, борлиққа осмондан келмай, қандай бўлса, ўшандай жўн қара. Шундагина бепардоз гапиришга ўрганасан. Нафсиламр, ўзинг биласан тағин. Бу ерга яна қайтиб, орқага кетиш учун келмагансан-ку ахир: мабодо истаган нарсангни топа олмасанг, ўзингдан кўр. Мен нима яхши-ю, нима ёмонлигини огоҳлантириб қўйяпман холос, уёғини ўзинг биласан... Уриниб кўрайлик-чи, зора бирор дурустроқ одам чикса сендан... Ҳа-я, ойинг сени пул билан таъминлаб туришимни илтимос қилибди... Шуни билиб қўй: мендан пул сўрама, бу ҳол доимо ҳалол одамлар орасидаги ажойиб тотувликка раҳна солади. Тағин бергиси келмаяпти, деган ҳаёл келмасин миянгга. Йўқ мабодо бошқа йўл-йўриқ тополмай, иложсиз қолсанг, менга мурожаат этавер... Нимаики бўлса, бегонадан эмас, амакингдан олганинг маъқул. Лоақал устама ҳақи бўлмайди. Ўшандай ночор аҳволга тушмаслигинг учун, яхшиси, сенга пул унадиган жой топиб бераман. Бўпти, бўлмаса, эрталаб ҳузуримга киргин, нимани қандай бошлашни келишиб оламиз.

Александр Фёдорич ўз хонаси томон йўналди.

– Менга қара, кечкурун тамадди қилмайсанми мабодо? – сўради Пётр Иванич унинг ортидан.

– Қиламан, амакижон... мен аслида...

– Ейишга ҳеч нарсам йўқ.

Александр чурқ этолмай қолди. «Шартмиди шундай таклиф?» – деган фикр кечди унинг хаёлидан.

– Уйимда стол йўк, трактирлар бўлса ёпиқ, – давом этди гапида амаки. – Бу сенга биринчи сабоқ бўлсин, одатлан. Бизда офтоб чиқиб, ботишига қараб ётиб-турилади. Об-ҳавога қараб ебичилади. Совуқ бўлса, кулоқчин кийишади-да, ҳеч нарсага парво қилишмайди; ташқари ёришса – кундузи, қоронғилик чўкса – оқшом. Ана, кўзларинг юмилиб кетяпти, мен бўлсам, иш қилишга ўтираман: ой охирида ҳисоб-китобни тўғрилаб қўйиш керак. Қишлоқда йил бўйи тоза ҳаводан нафас оласизлар, шаҳарда эса шу роҳат ҳам пулга чакилади, ҳамма нарса пул! Мутлақо ўзгача! Бу ерда, яна кечки таом ҳам ейишмайди, айниқса, ўз ёнларидан, менинг ҳисобимдан ҳам эмас. Бу сенга ҳатто фойдали: тунлари инграб тўлганмайсан, сени чўқинтиришга эса вақтим йўк.

– Кўникиш осон бунга, амакижон...

– Унда дуруст. Сизларда ҳамон қадимгидай тунда меҳмон келса ҳам таом тайёрланавериладими?

– Ҳа-да, бу одатни қоралаб бўлмаса керак, амакижон. Русларга хос тантилик...

– Қўйсанг-чи! Тантилик эмиш. Бекорчиликдан дуч келган ярамасни ҳам кучоқ очиб қаршилашади: «Бош устига, хоҳлаганча ебич, фақат хафа бўлмасанг бас, вақт ўтказишимизга кўмаклаш, сохт-сумбатингни ҳам кўрсат, ҳарқалай, янги одамсан, таомни бўлса аямаймиз, арзимаган нарса...» Аҳмоқона тантилик.

Александр шу алфозда ўринга ётар экан, амакиси қандай одамлигини англашга ҳаракат қила бошлади. Суҳбатни қайта бошдан эслади; кўп гапларга ақли етмаган, айримларига мутлақо ишонмасди.

«Яхши гапиролмас эканман! – ўйларди у, – «Муҳаббат ва дўстлик абадий эмас?» – кулмай бўладими амакимнинг бу гапидан? Наҳотки пойтахтда шундай бўлса? Софьяга гапга чечанлигим ёқарди шекилли? Наҳотки унинг муҳаббати ҳам абадий бўлмаса?.. Наҳотки, ростдан ҳам бу ердагилар кечки таом ейишмаса?»

У тагин анча вақтгача ўрнида тўлғаниб ётди. Хаёлига кетма-кет хавотирли фикрлар келар, туз тотмаганлиги учун сира ухлолмасди.

Орадан икки ҳафтгача вақт ўтди.

Пётр Иванович кун сайин жиянидан хурсанд бўла бошлади.

– Жияним тамизли, – деди у заводдаги шерикларидан бирига, – кишлоқи ўсмирдан кутмагандим бунди. Шилқим эмас, чақирмасам, хузуримга қадам босмайди; ортиқчалигини сезган захоти чиқиб

кетади; пул ҳам сўрамайди: худди йўқдай, бор-йўклиги билинмайди. Ғалати феъли бор... Ҳадеб ўпмоқчи бўлаверади... семинаристга ўхшаб гапиреди... ҳа, вақти келиб ташлар бу одатини; бўйнимга миниб олмаганига ҳам шукур.

– Бадавлатми? – сўради суҳбатдоши.

– Йўқ, юзтача қароли бор холос.

– Бўпти-да! Лаёқати бўлса ўзини эплаб кетади бу ерда... ахир сиз ҳам арзимас нарсадан бошлагандингиз-ку, мана энди худога шукур...

– Йўғ-е! Қаёқда! Қўлидан ҳеч нарса келмайди. Бемаъни виқор, оҳ-воҳ билан нимага эришиб бўларди? У бу ернинг паст-баландига кўниколмайди; қанақасига мартаба қозонсин, келиб бекор қилган... Майли, ихтиёри.

Александр амакисини эъзозлашни бурчи деб билса-да, аммо унинг феъли, фикр юритиш зайлига сира кўниколмасди.

«Амаким, чамаси, олижаноб одам экан, – деб ёзди Александр тонглардан бирида Поспеловга ёзган мактубида, – жудаям ақлли, фақат хаддан ташқари манфаатпараст, доим иш, ҳисоб-китоб билан банд... Фикри-зикри гўё шу турмушга қаратилгану ҳеч қачон шу тирикчилик ташвишларидан бўлак инсон руҳиятининг юксак манзараларини кузата олиш даражасига кўтарила олмайди. Унинг учун само билан замин чамбарчас боғлиқ. Чамаси, ҳеч қачон орамизда қалб яқинлиги бўлмайди. Бу ерга кела туриб, у амаким сифатида менга қалбидан жой ажратиб, дўстона, қизгин кучоқ очади-ю, пойтахтнинг тунд оломони орасида кўнглимни илитади, деб ўйлагандим. Дўстлик эса, ўзинг биласан, бамисоли иккинчи илоҳдир. Аммо амаким ўша оломоннинг тимсоли, холос. Мен у билан бирга вақт ўтказиш, бир дақиқа ҳам ажралмаслик ниятида эдим, аммо нимага дуч келдим? – совуқдан-совуқ, унинг айтишича, ўринли панд-насихатларга дуч келдим, бироқ ўша панд-насихатлар ноўрин бўлса-да, илиқ, чин юракдан айтилгани яхши эди. Амаким манман деса манман эмасу, аммо ҳар қандай дилочдининг ашаддий душмани; тушликни ҳам, кечки тамаддини ҳам бирга қилмаймиз, ҳеч қаёққа бормаймиз ҳам. Келгандан кейин у қаёққа борганию нима қилганини ҳеч қачон айтмаганидек, қаёққа, нима учун кетаётгани, танишлари кимлар, нима ёқиш-ёқмаслиги, вақтни қандай ўтказиши ҳақида ҳам лом-мим демайди. Аксари жahlга ҳам минмайди, эркалатавермайди ҳам, маъюс ҳам бўлмайди, шод-



хуррамлик ҳам қилмайди. Муҳаббат, дўстлик, нафосат сари инти-лишларнинг бари унга бегона. Кўпинча сен илҳомбахш пайғамбар каби деярли буюк, унутилмас, ёдингда бўлса, кафедрадан наъра тортган кезлари биз ёлқин нигоҳи-ю, сўзларидан хайратга тушган Иван Семёничга ўхшаб гапирасан, ҳўш, амаким-чи? Сўзларимга қош чимириб қулоқ солади-да, ғалати қараш қилади ёки қандай-дир ўзига хос хандон ташлаб куларкан, бу кулгидан аъзойи ба-данам музлайди-ю, илҳом деган нарсдан нишон ҳам қолмайди! Гоҳо мен амаким қиёфасида Пушкиннинг иблисини кўргандай бўламан... У муҳаббатга ҳамда туйғу, ҳоказоларга ишонмайди, ама-кимнинг фикрича, бахт деган нарса йўқ, уни ҳеч қим ваъда қилган ҳам эмас, шунчаки эзгулик ҳамда ёвузлик, роҳат-фароғат, толе, сихат-саломатлик, ором ҳамда норозилик, омадсизлик, ташвиш, дард ва ҳоказолар мутаносиблигидан иборат ҳаёт бор эмиш ҳолос ва буларнинг барига оддий кўз билан қарашимиз, мияни кераксиз, қанақа дегин, кераксиз! – нима учун дунёга келганимиз, нимага интилаётганимиз, – бундан кўнглимиз тўқ бўлсин эмиш, – турмуш масалалари билан банд этмаслигимиз лозим экан, чунки барибир тумшуғимиз остидаги нарсаларни пайқамас, ўз ишимизни бажар-маётган эмишимиз... кўряпсанки, гап нукул иш тўғрисида кетади! Амаким бирор нарсдан роҳатланияптими ёки жўн иш билан банд эканлигини аниқлаш мушкул: ҳисоб-китоб вақтида ҳам, театрда ҳам ўзини бир меъёрда тутди; қаттиқ таъсирланмайди ва чамаси нафосатга ҳуши йўқ: назокат мутлақо олис ундан, назаримда, у ҳатто Пушкинни ҳам ўқимаган...»

Пётр Иванович баногоҳ Александрнинг хонасига кириб келганида жияни ёзув столи ёнида ўтирарди.

– Қандай жойлашганингни кўриш учун кирдим, – деди амаки, – иш тўғрисида ҳам гаплашиб олмоқчиман.

Александр ўрнидан ирғиб туриб, қўли билан шартта ниманидир пана қилди.

– Бекит, бекитавер хуфия нарсангни, – деди Пётр Иванович, – мен тескари қараб тураман. Хўш, бекитиб бўлдингми? Манави тушиб кетган нима, нима ўзи бу?

– Буми, ҳеч нарса эмас, амакижон... – дея Александр жавобга оғиз жуфтлади-го, нафаси тикилиб, гапиролмай қолди.

– Соч толалари шекилли? Худди ўзи! Ҳамон буни кўрган экан-ман, кафтингда яширган нарсангни ҳам кўрсат энди.

Александр худди гуноҳ устида қўлга тушган ўқувчидай беих-
тёр кафтини ёзиб, узукни кўрсатди.

Нима бу? Қаердан олдинг? – сўради Пётр Иванович.

Бу рамзий нарсалар, амакижон... Ошиқликдан...

Нима, нима? Қани, буёққа бер-чи ўша рамзий нарсаларингни.
Гаровга...

Қишлоқдан олиб келгандирсан, тўғрими?

Софьядан эсдалик, амакижон... Хайрлашаётган чоғимиз...

– Билувдим ўзим ҳам. Шундан шунга кўтариб келганинг шуми? –
Амаки бошини сарак-сарак қилди.

– Бундан кўра, бир қоп маймунжонқоқи қўшиб келганинг
маъкул эди. Уни лоақал дўконга пуллаш мумкин эди, манави нар-
салар...

Амаки дам соч толалари, дам узукни кўздан кечира бошлади;
соч толаларини ҳидлагач, узукни қўлида салмоқлаб кўрди. Охири
столдан қоғозни олди-да, унга рамзий нарсаларни ўради-да, каф-
тида ғижимлаб қисаркан, шартта деразадан ташқарига улоқтириб
юборди.

– Амакижон! – қичкирди жон ҳолатда Александр амакининг
қўлига тирмашиб. Аммо у кечикканди. Рамзий нарсалар ўралган
қоғоз ёндаги том бурчидан оша учиб ўтди-да, каналдаги ғишт
ортилган кемачага тегиб, сувга тушди. Александр жимгина дили
оғриниб Пётр Ивановичга қаради.

– Амакижон! – қайтарди у.

– Хўш?

– Тушунолмадим, нима қилганингиз ахир бу?!

– Бу шу қилганимки, хонада туриши лозим бўлмаган кераксиз
қўскиларни деразадан каналга улоқтирдим...

– Сираям кераксиз қўскилар эмас-да.

– Хўш, сенингча, нима бўлмаса? Жонинг эмасдир ҳойнаҳой...
Ёнига иш юзасидан кирсам, қилиб ўтирган бемаънигарчилигини
қаранглар!

– Бу ишга ҳалақит бермаётганди шекилли, амакижон?

– Ҳалақит берганда қандок. Орадан шунча вақт ўтяпти-ю,
сен бўлсанг, менга ханузгача мақсадингни айтмаяпсан. Нима иш
қилмоқчилигинг, қандай иш танлаганинг тўғрисида лоақал чурк
этмасанг-а. Чунки миянг Софья-ю, рамзий буюмлар билан банд-да.
Ана, ўша кизга хат ёзяпсан, тўғрими?

- Ҳа... энди ёзаётгандим...
- Хўш, онангга ёздингми?
- Йўқ ҳали, эртага ёзмоқчи эдим.
- Нега энди эртага? Онага эртага-ю, бир ойдан кейиноқ унутиш керак бўлган Софьяга бугун ёзармишлар...
- Софьяни унутиш? Унутиб бўларканми уни?
- Унутишинг керак. Ўша размий нарсаларингни улоқтирмасам, худо билсин, тагин қачонгача ўйлаб юрардинг?! Мен сенга икки томонлама яхшилиқ қилдим. Бир неча йилдан кейин шу рамзий нарсаларинг тентаклик эканини эслатганида номусдан ўзингни қўярга жой тополмасдинг.
- Шундай мусаффо, муқаддас хотирадан уялармидим? Бу шеърятни тушунмаслик деган гап-ку...
- Бемаънигарчиликда шеърятга бало борми? Масалан, хо-лангнинг мактубидаги шеърят! Қаҳрабо чечак, қўл, аллақандай сир... ўқий бошладиму шундай беҳузур бўлдимки, гапириб ҳам бўлмайди! Қизаришни унутган бўлсам ҳам бетимга қон тепишига сал қолди!
- Дахшат бу, амакижон, дахшат! Бундан чиқди, сиз ҳеч қачон севмаган экансиз-да, а?
- Рамзий буюмларга тоқат қилолмайман.
- Бош кўтариб юрганингизга ҳайронман! – хитоб қилди қаттиқ ҳаяжон ичида Александр. – Яшаб эмас, мудраб ўтказибсиз умрингизни! Мудраб, кўз ёшисиз, ишк, изтиробсиз...¹
- Соч толаларисиз ҳам! – қўшимча қилди амаки.
- Дунёдаги энг эзгу нарсани бунчалар хотиржам ҳақорат қилишга қандай жазм этияпсиз, амакижон? Жиноят-ку ахир бу... Муҳаббат... муқаддас туйғу-я!
- Маълум менга ўша муқаддас муҳаббат деганинг. Сендайлар зулф, чувагу лозим почасини кўриб, аёл қўлига қўли теккудай бўлса, у дунёю бу дунёни унутади, сал эрк берилса борми, худо кўрсатмасин... Афсуски, сенинг севинг ҳали олдинда; севги сендан ҳеч қаёққа қочиб кетмайди, аммо бирор ишнинг бошини тутмасанг, фурсатни бой бериб қўйишинг мумкин.
- Хўш, севги-чи, севги бирор ишнинг бошини тутиш эмасми?

¹ А. С. Пушкиннинг «К.га» шеъридан. («Ёдимдадир у ғаройиб он».)

– Йўқ, севги ажойиб кўнгил хуши холос, фақат унга ҳаддан ташқари маҳдуд бўлиб қолиш ярамайди, йўқса, панд ейиш мумкин. Мана сендан шунинг учун хавотирдаман, – дея бош чайқаб қўйди амаки. – Мен сенга жой топиб қўйдим ҳисоб: хизмат қилмоқчисан шекилли, шундайми?

– Эҳ, амакижон, шундай хурсандманки сиздан! – Александр амакисининг бўйнига ташланиб, юзидан ўпди.

– Ахир фурсатини топдинг-да! – деди амаки юзини арта туриб. – Эҳтиёт бўлмаганимни қара! Бўпти, кулоқ сол. Қани, айт-чи, нимага қобилсан, қўлингдан қандай иш келиши мумкин?

– Художўйлик, фуқаролик қонун-қоидалари, жиноий қидирув, табиатшунослик билан халқ ҳуқуқлари, ваъзхонлик, сиёсий иқтисод, фалсафа, эстетика, археологиядан хабардорман...

– Тўхта, тўхта-чи! Русчада тўғри ёзоласанми ўзи? Ҳозирча ҳаммасидан шу зарур.

– Русча ёзишни биласанми дейишингиз нимаси, амакижон? – Александр жавон томон интилиб, ундан ҳар турли қоғозларни ола бошлади, амаки бўлса, бу орада столдаги қандайдир мактубни ўқишга киришди.

Қоғоз ушлаб, столга яқинлашган Александр амакисининг мактуб ўқиётганини кўрдию қўлидаги қоғозни тушириб юборди.

– Нимани ўқияпсиз, амакижон? – сўради у капалаги учиб.

– Манави ерда мактуб ётган экан. Дўстингга ёзилган бўлса керак. Узр, дастхатингни бир кўриб қўймоқчи эдим.

– Ўқиб чикдингизми мактубни?

– Ҳа, деярли икки қатор қолди холос, ҳозир тугатаман, хўш, нима кипти? Менимча, яширадиган сир йўқ шекилли, акс ҳолда, бундай очик жойда ётмасди...

– Қандай фикрга келдингиз энди мен тўғримда?..

– Чамамда, имлоинг бинойидай, тўғри ёзаркансан, силлик...

– Демак, охиригача ўқимабсиз-да! – сўради Александр қувониб.

– Нега энди, ҳаммасини ўқидим, – жавоб қайтарди Пётр Иванович мактубнинг иккала саҳифасига кўз ташлаб. – Олдинига Петербургни тасвирлаб, ўз таассуротларингни баён этибсан, кейин менга ўтгансан.

– Ё парвардигор! – хитоб қилди Александр қўллари билан юзини тўсиб.

- Нима гап? Нима бўлди сенга?
- Демак, хафа бўлмабсиз-да? Жаҳлингиз чикиб, ёмон кўриб қолмадингизми мени?
- Йўқ! Негаям жаҳлим чиқсин?
- Яна такрорланг, қулоқларимга ишонмаяпман.
- Йўқ, йўқ, жаҳлим чиққани йўқ.
- Ҳалиям ишонгим келмаяпти; бир исботласангиз буни, амакижон...
- Айт, нима билан исботлай?
- Мени кучоқланг.
- Узр, аммо бу илтимосингни бажара олмайман.
- Нега энди?
- Чунки бундай қилиш онгсизлик, яъни ақлдан эмас ёки профессоринг таъбири билан айтганда, тушунчам йўл қўймайди. Агар аёл бўлсанг, бошқа гап эди: унда ақлнинг ҳожати йўқ, ўзга мақсадни кўзда тутган бўлардим.
- Ҳис-туйғу ташқарига интилади, амакижон, жўшқинлик из-хор этилишни талаб қилади.
- Менда бундай эҳтиёж йўқ, бўлганда ҳам ўзимни тутардим, сенга ҳам шуни маслаҳат бераман.
- Сабаб?
- Сабаб шуки, кучоқлаган одамингни яқинроқдан кўрганингдан кейин қилмишингдан изза бўлишинг мумкин.
- Бирор одамни ўзингдан нари итаргандан сўнг, афсус чекиш ҳоллари бўлиб турадими, амакижон?
- Бўлиб туради; шунинг учун ҳам мен ҳеч қачон, ҳеч кимни ўзимдан нари итармайман.
- Қилмишим учун мени ҳам нари итариб, аблаҳ демайсиз-а?
- Фақат сенинг назарингдагина ёлғон-яшиқ хат ёзадиганлар аблаҳ ҳисобланади. У ҳолда ҳаммаёқни аблаҳ тутиб кетган бўларди.
- Лекин ўзинг ҳақингда аччиқ ҳақиқатни ўқиш оғир ахир, яна ким-ким? Ўз жияни-я?
- Ҳали аччиқ ҳақиқатни ёздим деб хомхаёл қиялпсанми?..
- О, амакижон!.. Албатта янглишдим... ўзгартираман... кечирасиз...
- Хоҳласанг, ҳақиқат нималигини сенга айтиб ёздирай.
- Бош устига.
- Ўтириб ёз унда.

Александр қоғоз ва қалам олди, Пётр Иванович бўлса, ўқиган хатига тикилган кўйи айтиб тура бошлади:

– «Муҳтарам дўстим».

– Ёздингми?

– Ёздим.

– «Петербург хусусида ва ўз таассуротимни баён этиб ўтирмайман».

– «Баён этиб ўтирмайман», – деди Александр ёзиб бўлиб. «Петербург аллақачон баён этилган, баён қилинмаган томонларини шахсан ўз кўзинг билан кўришинг керак. Сенга таассуротларим ҳеч нарса бермайди. Бекордан-бекорга вақт сарфлаб, қоғоз исроф қилмаган маъқул. Яхшиси, амаким ҳақида ёза қоламан, чунки бу шахсан менга тааллуқли».

«Амаким ҳақида», – деди Александр.

– Мана, сен мени жудаям олижаноб ва доно деб ёзибсан. Эҳтимол бу тўғридир, балки нотўғри бўлиши ҳам мумкин. Яхшиси, ундай ҳам, бундай ҳам демаймиз, қани, ёз:

«Амаким нодон эмас, ёмонлиги ҳам йўқ, менга фақат яхшилик истади...»

– Амакижон! Қадрлаш ва ҳис этишга қодирман... – деди Александр ўпишга шайланиб.

«Гарчи бўйнимга осилиб олмаса ҳам», – айтишда давом этди Пётр Иванович. Ўпа олмаган Александр ўрнига ўтириб қолди.

«Яхшилик исташининг сабаби шуки, ёмонлик қилишига асос йўқ, чунки бир пайтлар амакимнинг бошини силаган волидам ундан мени авайлашини ўтинган. Амаким мени ёқтирмаслигини айтди, бу ўринда у тамоман ҳақ. Икки ҳафта ичи меҳр қўйиб қолиш мумкин эмас. Гарчи, амакимни хуш кўрмаслигимни айтган бўлсам-да, аслида бутунлай бунинг акси».

– Шундай бўлиши мумкинми? – сўради Александр.

– Ёз, ёзсанг-чи:

«Аммо биз бир-биримизга кўникиб боряпмиз. У ҳатто мутлақо меҳр-муҳаббатсиз ҳам кун кўришимиз мумкин, деяпти. Амаким эрталабдан-кечгача мен билан кучоқлашиб ўтирмайди, чунки бу сираям зарур эмас, вақти ҳам йўқ амакимнинг».

«Амаким дил рози қилиб ўтиришни хоҳламайди», – ҳозирча жумлаларни тушириб қолдирса ҳам бўлади: шундаям яхши. Ёздингми?

– Ёздим.

– Хўш, тагин нималар ёзгансан? «Жиддий кайфиятда, иблис...» Ёз.

Александр ёзгунга қадар Пётр Иванич столдаги қандайдир қоғозни буклади ва сигарасини ёндирди-да, қоғозни оёқ остига олиб эзгилади.

«Амаким иблис ҳам, фаришта ҳам эмас, кўп қатори бир инсон, – айтиб турарди у, – фақат мутлақо сен билан менга ўхшамайди. Унинг ўй-туйғулари жўнгина, фикрича, ҳамонки ерда яшаб, ҳеч ким бизни қисти-бастига олмас экан, осмони фалакда парвоз этмай, зиммамиздаги инсоний вазифаларни бажариб юришимиз керак эмиш. Шунинг учун ҳам амаким турмуш икир-чикирларини англаб, биз хоҳлагандай эмас, ҳаётни қандай бўлса шундайлигича идрок этишни талаб қилади. Яхшиликка ишонган каби ёмонлик ҳам эсдан чиқмаслиги, гўзаллик эътироф этилар экан, хунук нарсалар ҳам борлиги ёдда сақланишини айтади. Севги билан дўстликка ҳам ишонади-да, мазкур туйғулар осмондан балчиққа тушган деб ҳисобламайди, унингча, муҳаббат билан дўстлик инсонлар билан биргаликда яратилиб, улар учун зарурдир. Бу туйғуларни худди шундай тушуниш керак, умуман нарса-ходисаларни чуқур, чин маънода идрок этиш, енгил-елпи баҳолайвермаслик лозим. Амакимнинг фикрига кўра, ҳалол одамлар ўртасида тотувлик ўрнатилиши мумкин, уларнинг тез-тез мулоқотда бўлиш одатлари дўстликка айланади. Лекин, айна вақтда, айрилиқ пайтлари ушбу одат ўз кучини йўқотиб, одамлар бир-бирларини унутишади ва бу мутлақо жиноят эмасмиш. Бинобарин, амакимнинг таъкидлашича, мен сени, сен мени унутамиз. Ҳозирги гап менга, сенга ҳам даҳшатли туюлса керак чоғи, аммо амаким мазкур фикр билан қелишишимизни маслаҳат беряпти, шунда иккаламиз ҳам лақиллаб қолмасмишимиз. Севги борасида ҳам у айрим писандалардан ташқари, худди шундай-фикрда. Амаким собит, муқим муҳаббат борлигига инс-жинсларга ишонмаган каби шубҳа билан қарайди. Биз ҳам ишонмаслигимизни тайинлайди. Қисқаси, у менга бу ҳақда мумкин қадар камрок бош қотир, деяпти ва мен ҳам сенга шуни маслаҳат бераман. Муҳаббат чорлашсиз, вақт-соати билан ўзи келармиш, ҳаёт фақат шундангина иборат эмас экан, бошқа нарсалар каби муҳаббатнинг ҳам фурсати бор эмиш. Эртаю кеч сеvgи ҳақида ўйлаш нодонлик экан. Нукул муҳаббат дарди билан яшаб, бирор дақиқа ҳам усиз

туролмайдиганлар калласини йўқотган енгилтаклар эмиш. Амаким бирор иш билан машғул бўлишни ёқтиради, у менга тайинлагани каби мен ҳам сенга шуни маслаҳат бераман. Сен билан мен бизга мухтож жамиятга тааллуқлимиз, дейди амаким; у бирор иш билан банд бўлар экан, ўзини ҳам унутмайди: иш пул келтираркан, пул эса амаким жудаям ёқтирувчи қулайликдан иборат эмиш. Айни вақтда, оқтимол амакимнинг мақсади мени меросхўр қилиб қолдирмаслик бўлса керак. Унинг ўйлагани фақат хизмату завод эмас, ёлғиз Пушкин асарларини ёд билиш билан ҳам чекланмаган...»

– Ростдан шундаймисиз, амакижон? – сўради ҳайратда Александр.

– Ҳа, вақти келиб амин бўласан. Қани, ёз.

«У инсон тафаккурига доир нимаики чиқса, барини икки тилда ўқийди, санъат ишқибози, унда фламанд мактабига мансуб ажойиб картиналар коллекцияси мавжуд – диди шундай, – театрга тез-тез бориб туради, аммо талвасада ўзини ҳар қаёққа уриб, оҳ-воҳ қилмайди, буни болаларга хос қилиқ деб билгани учун ўзини тутати, одамларга малол келмаслиги боисидан таассуротларини ўзгаларга тикиштиравермайди. Шунингдек, амаким дағал тилда гапирмайдики, у менга шуни тайинлаган каби мен ҳам сенга бадзабон бўлмасликни маслаҳат бераман. Омон бўл, менга кўпда хат ёзаверма, вақтингни тежа. Дўстинг фалончи. Фалон ойнинг фалон кунин.»

– Қайси юз билан жўнатиш мумкин бундай хатни? – деди Александр. – Атайлаб бир юз олтмиш чақирим ердан келган одам уялмай-нетмай «камроқ хат ёз», десам-а! «Маслаҳатим ана ундай, маслаҳатим мана бундай...» Унинг ақли меникидан кам эмас: аёлочилар қаторида тугатган ўқишни.

– Бўлиши мумкин, ҳар ҳолда ёзганинг маъқул: балки янаям эси кирар; ўйлаброқ иш тутати; тахсилни тугатган бўлсанглар ҳам ҳақиқий сабоқ энди бошланаяпти.

– Жазм килолмаяпман, амакижон...

– Ҳеч қачон бировнинг ишига тумшуғимни тикмаганман, аммо ўзинг мендан бирор ёрдам беришимни илтимос: қилдинг, сени ҳақиқий йўлга бошлаб, илк қадам ташлашингни енгиллатмоқчиману, сен бўлса, қайсарлик қияпсан; майли, ихтиёринг; ўз фикримни айтдим холос, мажбур қилиб ўтирмайман, мен сенга энага эмасман-ку.

– Кечирасиз, амакижон; амрингизга мунтазирман, – деди Александр ва шу заҳоти хатни сурғучлади.

Кейин, Софьяга аталган иккинчи хатни ахтаришга киришди. Аммо у хат стол устида ҳам, остида ҳам, кутида ҳам йўқ эди.

– Нимани қидиряпсан? – сўради амаки.

– Бошқа хатни... Софьяга ёзилганини қидиряпман. – Амаки ҳам излашга киришди.

– Каерга йўқолди? – деди Пётр Иванович. – Деразадан улоқ-тирмаганим аниқ у хатни...

– Нима қилиб қўйдингиз, амакижон? Тамаки ўраб чекибсиз-ку! – ачинди Александр ерда ётган куюк хат қолдиғини қўлига олиб.

– Наҳотки? – хитоб қилди амаки, – тамаки ўраб чекибман? сезмабман ҳам; кара-я, шундай ноёб нарсани бошига етибман-да... Хўп, хўп, биласанми нима? Бир томондан яхши бўлибди...

– Эҳ, амакижон, ўлай агар, ҳеч ҳам яхши жойи йўқ бунинг... – деб қўйди афсус чекиб Александр.

– Аслида яхши: бугунги почта билан жўнатишга улгуролмайсан қизинг номига ёзилган хатни, кейингисигача ақлингни йиғиб, иш билан шуғулланасан; хат ёзишга қўлинг тегмай, битта номаъқулчиликдан ўзингни тиясан.

– Мен ҳақимда нима деб ўйлаши мумкин Софья?

– Нима деб ўйласа, ўйлайвермайдими! Менимча, бунинг унга ҳам фойдаси бор. Уйланмассан ўша қизга ахир? Мени унутибди деб ўйлайди-да, Софья ҳам сени эсдан чиқариб, бўлғуси қайлиғи қаршисида ундан бўлак ҳеч кимни севмаганлигига ишонтираётиб азоб чекмайди.

– Зап ғалати одамсиз-да, амакижон! Сизга ваъдаю лафзнинг аҳамияти йўқ... Ваҳоланки ҳаёт бениҳоя гўзал, нафосатга тўлиқ: сокин, ажойиб қўлга ўхшайди...

– Кахрабо чечаклар барг ёзган қўлга ўхшабми бамисоли? – гапни бўлди амаки.

– Ҳаёт қўл каби қандайдир сеҳрли, бағри оҳанрабо янглиғ... – давом этди Александр.

– Ботқокликдан иборат деявер ўша қўлни, азизим.

– Нега нукул кўзингизга ботқоклик кўринаверади, амакижон, барча кувонч, умид, роҳат-фароғатни рад этиб... ёмон нарсаларнигина идрок этишингизга сабаб нима ўзи?

– Сабаб шуки, ҳаётни борлигича идрок этаман – сенга ҳам маслаҳатим шу: ўшанда лақиллаб қолмайсан. Сенинг тушунчанг ҳаёт кадрига етишмайдиган ўша вилоятинггагина тўғри келади. – У ерда одамлар эмас, фаришталар яшайди: мисол учун, олайлик, За-езжалов авлиё одам, холанг бўлса хаёлпараст, кўнгилчан аёл, Софья ҳам чамамда холангга ўхшаб далиғули, яна тағин...

– Бас, амакижон! – деди камоли ғзаби кўзиган Александр.

– Яна тағин сенга ўхшаш хаёлпарастлар йўк ердан бузилмас дўстлигу муҳаббат излайди... Тағин қайта-қайта такрорлайман: бу ерга беҳуда келгансан!

– Қиз қайлиғини бошқа ҳеч кимни севмаганман, дея ишонтира бошлайди эмиш-а! – деб қўйди худди ўзига-ўзи гапираётгандай Александр.

– Ҳалиям ўша дийдиёйингдан қолмаяпсан-а?

– Йўк, шунга имоним комилки, қиз қайлиғига менинг мактубларимни чин кўнгилдан беради ва...

– Ва эсдалик буюмларингни ҳам топширади, – деди Пётр Иванович.

– Ҳа, муносабатимизни эслатувчи эсдаликларни ҳам беради-да: «Мана, қалбим торларини биринчи бўлиб чертган одам; мана, номини эшитган заҳотим илк бор дилим ром бўлган одамим...» – дейди.

Амакининг қошлари чимирила бошлаб, кўзлари катталашди. Александр индамай қолди.

– Хўш, нега торларингни чертмай қўйдинг? Шунини билки, азизим, агар Софьянг шунчаликка борса, ростдан ҳам савдойи экан; уни бу йўлдан тўхтатувчи онаси ёки бирор бир яқин одами бўлса керак ҳойнаҳой?

– Ажиб меҳр жунбиши, олижаноб дил изҳорини савдойиликка йўйишга жазм этияпсиз, амакижон; қандай фикрда бўлай шундан кейин сиз ҳақингизда?

– Қандай фикрда бўлиш ихтиёринг. Қиз қайлиғини не-не шубҳаларга боришга мажбур этади; эҳтимол тўй қолдирилиши ҳам мумкин, сабаб? Сабаб шуки, сизлар у ерда биргалашиб, қаҳрабo чечаклар тергансизлар... Йўк, ҳаётда буниси кетмайди. Хўш, демак, русча ёза олар экансан, эртага департаментга борамиз: у ерда олдин бирга ишлаган танишим, бўлим бошлиғи билан сен тўғрингда

гаплашиб кўйганман; бўш ўрин бор деганди; вақтни кеткизмаган маъкул... Олган қоғозларинг қандай қоғозлар?

– Дорилфунундаги қайд қораламаларим. Агар рухсат этсангиз, Иван Семёничнинг Юнонистон санъати тўғрисидаги маърузаларидан бир неча саҳифа ўқиб берсам...

Александр саҳифаларни чаққон варақлашга киришди.

– Йўқ, илтимос, кўя тур! – деди Пётр Иванович афтини буриштириб. – Манавининг нима?

– Бу диссертацияларим. Бошлиғимга кўрсатсам дегандим; айниқса, ишлаб чиққан битта лойиҳам бор...

– Ҳа! Минг йил мукаддам бажарилган ёки бажариб бўлмайдиган, бажаришнинг ҳожати йўқ лойиҳалардан бири.

– Кўйсангиз-чи, амакижон! Бу лойиҳа нуфузли бир кимса, маърифат ишқибозига кўрсатилган; шунинг эвазига у мени бир куни ректор билан тушлик қилишга таклиф этди. Манавиниси бошқа бир лойиҳанинг бошламаси.

– Менинг ҳузуримда икки марта тушлик қилсанг қил-у, фақат ўша бошлама лойиҳани охиригача ишлама.

– Нега энди?

– Шунинг учунки, энди сен ҳеч қандай яхши нарсa ёзолмайсан, вақт эса беҳуда кетади.

– Ана холос! Лекция тинглаб-а?..

– Вақти келиб керак бўлар у сенга, ҳозир эса билиб қўй, ўқи, ўргану, нима буюришса шуни қил.

– Бошлиғим қобилиятимни қандай пайқайди унда?

– Бир зумдаёқ пайқайди. У сезгир одам. Хўш, қандай вазифа маъкул сенга?

– Қайдам, амакижон, қандай бўлсаям...

– Министрлар ўрни бор, – деди Пётр Иванович. – Уларнинг ўринбосарлари, директорлар, директор муовинлари, бўлим бошлиқлари, мансабдорлар, уларнинг ёрдамчилари, махсус топшириқ хизматчилари ўрни, камми булар?

Александр ўйланиб қолди. У саросимада қандай вазифа танлашни билмасди.

– Олдиниға шунчаки бир мансаб ҳам ёмон эмас, – деди у ниҳоят.

– Ҳа, ёмон эмас-ов! – такрорлади Пётр Иванович.

Ишни ўрганардим-да, икки ойлардан кейин бўлим бошлиғи ҳам бўлиш мумкин эди, амакижон.

Амакининг кулоклари динг бўлди.

Албатта, албатта-да! – деди у, – кейин уч ойлардан сўнг, директорлик, бир йил ўтгач эса, министрлик лавозими, шундайми?

Кизариб кетган Александр лом-мим демади.

– Бўлим бошлиғи қандай ўрин бўшлигини айтгандир ахир сизга? – сўради у кейин.

– Йўқ, айтмади, – жавоб қайтарди амаки, – шунга карамай, унга ишонсак бўлади. Биз ўрин танлашда қийналяпмиз, у эса қаерга тайинлашни яхши билади. Ўрин танлашда қийналганинг, лойиҳалар тўғрисида оғиз оча кўрма бошликка: ишонишмаяпти деб хафа бўлиши, қўрқиб кетиши мумкин, ҳадикчи. Бу ерлик жононларга анави рамзий нарсаларинг тўғрисида ҳам гапирмаганинг маъқул. Улар тушунишмайди буни, қаердан ҳам тушунишсин! Етти ухлаб тушларига ҳам кирмаган: мен зўрға тушундим-ку, улар калака қилишлари турган гап.

Амакиси гапираётганда Александр кўлида қандайдир қоғоз ўрамини айлантира бошлади.

– Ниманг бу тагин?

Александр бу саволни сабрсизлик билан кутаётганди.

– Бу... анчадан бери кўрсатмоқчи бўлаётгандим сизга... шеърлар. Бир сафар қизикқандингиз...

– Негадир эсимда йўқ; қизикмагандим шекилли...

– Биласизми, амакижон, менимча хизмат – мароқсиз, қалб кўридан холи машғулотгина холос. Қалб бўлса туйғу ифодалашга, яқин одамга лиммо-лим ҳис ва фикрларини тўкиш иштиёқида ёнади...

– Хўш, нима бўпти шу билан? – тоқатсизланиб сўради амаки.

– Мен ижодга иштиёқмандман...

– Яъни, бошқача қилиб айтганда, хизматдан ташқари яна бошқа нарса билан ҳам шуғулланмоқчиман, демоқчисан-да, а? Нима ҳам дердим, жудаям яхши: хўш, нима билан шуғулланмоқчисан? Адабиёт биланми?

– Ҳа, амакижон, сиздан баъзи нарсаларимни чоп эттиришга ёрдам бера олиш-олмаслигингизни сўрамоқчийдим...

– Истеъдодинг борлигига имонинг комилми? Истеъдодсиз одам санъатда хор-зор бўлади, шу яхшими? Истеъдод бўлса бошқа гап: фаолият кўрсатиш мумкин.. Анча-мунча хайрли иш қилиб қўясан, бунинг устига, юз нафар қаролингдан зиёд бойлик орттирасан.

– Шуни ҳам пул билан ўлчаяпсизми?

– Хўш? Нима билан ўлчашни буюрадилар унда? Асарларингни қанча кўп ўқишса, шунча кўп пул тўлашади.

– Шон-шуҳрат, ном қозониш-чи? Санъаткор учун энг олий мукофот-ку бу...

– Шон-шуҳрат санъаткорларни силаб-сийпалайверишдан чарчаган: унга даъвогарлар ҳаддан ташқари кўп. Авваллари гоҳо шон-шуҳрат ҳар бир шахс кетидаи аёл каби хушомад қилгучийди, ҳозир-чи, ҳозир пайкайсанми уни? Шон-шуҳрат гўё умуман йўққа ўхшайди ёки у яшириниб олган, ҳа! Машҳурлик бору, шон-шуҳратдан эса негадир дарак йўқ ёхуд у намоеън бўлишнинг бошқа усулини ўйлаб топган: ким яхши ёзса, ўшанинг пули кўп, ёмон ёзганга бўлса алам қилмасин. Аммо ҳозир дуруст ёзувчининг ҳаёти ҳам дуруст, совуқда қолмайди, гарчи кўчада орқасидан югуришмаса, уни масҳарабоз каби бармоқ билан кўрсатишмаса ҳам чордоқда очдан ўлмайди; шоир самовий мавжудот эмас, инсонлигини, бошқаларга ўхшаб уёқ-буёққа қараб юриши, ҳамма қатори ўйлашию номаъкулчиликлар қилиши мумкинлигини тушуниб қолишди: нимасига ҳайрон бўлиш керак бунинг?..

– Бошқаларга ўхшаб-а, қўйсангиз-чи, амакижон! Тилингиз борганини қаранг шундай дейишга! Шоирнинг манглайига алоҳида муҳр босилган: унда олий куч-қудрат мужассам...

– Гоҳо бошқалар – математик, соат устаси, ўзимизнинг заводчида қобилият бўлгани каби. Ньютон, Гутенберг, Ватт ҳам кучли онг, Шекспир, Дант ва уларга ўхшаганлар каби олий куч-қудрат соҳиби бўлишган. Бирор жараён орқали ўзимизнинг Парғолов лойидан Саксония ёки Севр чиннисидан афзал чинни чиқариш даражасига келтирсам, бунда олий куч-қудрат мавжуд бўлмасди деб ўйлайсанми?

– Сиз санъат билан ҳунармандликни аралаштириб юборяпсиз, амакижон.

– Худо сақласин! Санъат ўз йўлига, ҳунар ўз йўлига, аммо ижод унисиди ҳам, бунисиди ҳам мавжуд бўлиши мумкинлиги каби бўлмаслик эҳтимоли ҳам аниқ. Агар ижоди йўқ бўлса, унда ҳунар-

миш ижодкор эмас, шунчаки ҳунарманд, ижодкорлиги йўқ шоир
ки шоир эмас, балки қалам бандасидир... Наҳотки сизларга буни
дорилфунунда ўқитишмаган бўлишса? Нимани ўргангансизлар ўзи
у ерда?..

Пётр Иванич маълум ҳақиқат деб билган нарсасини бунчалар
туншунтиришга берилиб кетгани учун ўзидан ҳам хафа бўла бош-
лади.

«Бу худди сидкидил юрак очди қилишга ўхшайди», – деган
фикр кечди хаёлидан.

– Қани, кўрсат-чи, нима ўзи уларинг? – сўради у, – шеър де-
ганларинг!

Амаки қоғоз ўрамини олди-да, биринчи саҳифасини ўқий бош-
лади.

Гоҳида қайдандир ҳасрат ила ғам
Қора булут янглиғ бостириб келар
Ва қалбни ҳаёт-ла уриштирар ҳам...

– Гугуртни бер-чи, Александр.

Пётр Иванич сигарани ёндиргач, давом этди:

Инин ўзгартиргай наҳот истаклар?
Бирдан нима учун кўнгилни ғашлаб,
Хиралик соларкин дилга ёмон туш.
Гўё аллақандай кулфатни бошлаб
Келардай, вужудни этади нохуш.

– Олдинги тўрт мисрада айтилган гапнинг айнан ўзи, шунинг
учун ҳам ширасиз, – деб қўйди Пётр Иванич ва ўқиди:

Ким топади ахир, не боисдан, хай,
Совук ёшлар ила копланар, тўлар
Тўсатдан қон қочган – бўзарган манглай...

– Ана холос, нега энди? Манглайдан тер чиқади-ку, пешонадан
ёш чикқанини сираям кўрмаганман.

Ҳам бизнинг холимиз унда не бўлар?
У олис осмон кўп кўринар сокин,
Кўркинч, даҳшатлидир у энди локин...

– Кўркинч билан даҳшат айнан бир сўз.

Осмонга қарайман: ой сузар тунда...

– Ой бўлиши шарт: унингсиз сираям мумкин эмас-да! Агар шеърингда орзу билан киз сўзини учратсам, тамом бўлдим деявер: баҳрингдан ўтаман унда.

Осмонга карайман, ой сузар тунда,
Серёгду, серсукут, аста сузадир.
Ва шундок туюлар, кўмилган унга
Замондан яширин энг дахшатли сир.

– Ёмон эмас! Яна гугурт бер-чи... сигара ўчиб қолди. Қаерга келувдик, ҳа, топдим!

Юлдузлар беркиниб самовот аро
Номуким титрайди мисли хира ўт.
Ўзаро келишиб олгандек гўё
Саклашади мангу бир маккор сукут.

Шунақа, кутқуда яшайдир олам,
Ёвузликдан дарак – бунда неки бор.
Бизни беғамларча тебратар даввор,
Оғушида эса риёкор ором,
Яна беном эрур ўшал ғусса, ғам...

Пётр Иванович қаттиқ эснаб қўйгач, давом этди:

У ўтиб кетадир, ўчар изи ҳам,
Ҳайвоннинг изини чўлда ел бирдан
Ўчиргани каби қумнинг сатҳидан.

– Ҳайвон бу ўринда мутлақо ноўрин! Нима ҳојати бор эди?
Хўп! Бу ҳасрат тўғрисида, энди қувонч ҳақидагиси...
У қарийб димоғида ўқиётгандай тез ўқий бошлади:

Ҳолбуки гоҳида бўлгай ўзга ҳол
Жойлашиб олади, ҳа, иблис бизга.
Шунда завқ, қайнар-у бир чашма мисол
Зўр билан киради юрагимизга...
Ҳам тотли титроққа тўлади кўксинг... ва ҳоказо¹.

– Ёмон ҳам, яхши ҳам эмас! – деди шеърларни ўқиб бўлган Пётр Иванович. – Нафсиламр, бошқалар бундан ҳам ёмон бошлаган; хоҳишинг бор экан, уриниб кўр, ёз, шуғулланавер, эҳтимол истеъдодинг кўриниб қолар: унда бошқа гап.

¹ Р. Абдурашид таржимаси.

Александрнинг дили каттиқ оғриди. У асло бундай баҳо берилишини кутмаганди. Йигит амакисини совук, меҳр-шафқатсиз одам ҳисоблаганигина унга пича таскин берди.

– Манави Шиллердан қилинган таржималар, – деди Александр.

– Бас, етар; кўриб турибман, ҳали бошқа тилларни ҳам биламан дегин?

– Французча, немисча ва пича инглизчани ҳам биламан.

– Табриклайман, олдинроқ айтмайсанми; сендан кўп нарса чиқиши мумкин. Шу вақтгача сиёсий иқтисод, фалсафа, археология яна алланима балолар ҳақида сўзлаб, бошимни котирдинг. Энг асосийси тўғрисида чурқ этмаганингни қара. Ноўрин камтарлик бу. Сенга дарҳол адабий машғулот ҳам топиб бераман.

– Ростданми, амакижон? Кошкийди-я! Сизни қучоклашимга рухсат этинг.

– Сабр қил, олдин ўша ишни топай.

– Бўлгуси бошлиғим хабардор бўлсин учун асарларимдан баъзиларини кўрсата олмайсизми унга?

– Йўқ, ҳожати йўқ; агар зарур бўлса, ўзинг кўрсатарсан, эҳтимол зарурати ҳам бўлмас. Лойиҳаларинг билан асарларингни менга совға қилмайсанми?..

– Совға дейсизми? – бемалол, амакижон, – деди амакисининг илтимоси ҳуш ёққан Александр. – Хоҳласангиз, барча мақолаларимни йилма-йил тартибда боблаб бераман?

– Йўқ, керак эмас... Совғанг учун раҳмат. Евсей! Манави қоғозларни Василга элтиб бер.

– Нега энди Василга? Хонангизга элтиб қўяман.

– У мендан ниманидир сургучлаш учун қоғоз сўраганди...

– Нега энди, амакижон?.. – Александр даҳшатга тушиб шундай деди-да, қоғозларни шартта қайта тортиб олди.

– Совға қилганингдан кейин, ундан қандай фойдаланишим билан неча пуллик ишинг бор?..

– Ҳеч нарсани аямас экансиз... ҳеч нарсани! – жон ҳолатда инграб юборди йигит иккала қўли билан қоғозларни кўксига босиб.

– Александр, гапимга қулоқ сол, – деди амаки қоғозни унинг қўлидан юлқиб, – кейин номусга қолмай, менга раҳмат айтасан ҳали.

Александр қоғозни қўйиб юборди.

– Ма, олиб бориб бер, Евсей, – деди Пётр Иванович. – Мана энди хонанг тоза ва саришта бўлди, ортиқча лаш-луш йўк. Тураржойни чиқиндими ёки керакли нарса билан тўлдириш ўзингга боғлиқ. Заводга бориб айланамиз, чалғиб, тоза ҳаводан нафас оламиз, қандай ишлаётганларини кузатамиз.

Эрталаб Пётр Иванович жиянини департаментга олиб борди, ўзи бўлим бошлиғи бўлган ошнаси билан гаплашгунча Александр нота-ниш жойнинг уёқ-буёғини томоша қилди. У ҳамон ўз лойиҳаларини ўйлаб, зиммасига қандай давлат вазифасини топширишлари ҳақида бош котираб экан, теваракни кўздан кечириб бошлади.

«Амакимнинг заводилиғи аниқ! – деган қарорга келди Александр ниҳоят. Нарироқда бир уста қўлига олган модда бўлагини машинага ташлагач, уни бир, икки, уч марта айлантурса, – мод-дадан конус, доира ёки ярим доира шакл ҳосил бўларди. Кейин уста шаклни бошқа кимгадир берар, у одам шаклни оловда қуритар, учинчи одам зарҳал берар, тўртинчи уста расм чизарди-да, чашками, гулдонми ёки тақсимчами тайёр бўларди. Иттифоқо қандайдир мижоз келиб, бел букканча ялинган кўйи узатган қоғозни олган уста унга қалам теккизар-теккизмас ҳамкасбига узатади, қоғозни олган ҳунарманд уни минг-минглаб бошқа қоғозлар орасига улоқтиради. Аммо номери ва рақами қўйилган ўша қоғоз йўқ бўлиб кетмай, лат ҳам емай кўпая-кўпая ҳамда ўзи каби қоғозлар ҳосил қилган кўйи йигирма қўлдан ўтади. Учин-чи одам уни олади-да, негадир жавонга қўл тикқач, китобми ёки бошқа қоғозгами нигоҳ ташлар экан, тўртинчи одамга бир неча оғиз сирли гап айтгандан сўнг, у қалам тебратишга йўналади. Ўша киши қалам тебратгандан кейин, таниш ёрликни янги бешин-чи кишига узатади. У қўлидаги ўлжани навбатга кўра, қаламда қайд этган янги ҳужжат бешинчи одам томонидан сайқалланиб, кейинги қўлга ўтади. Қарабсизки, қоғоз шу кўйи қўл оша-оша ҳеч қачон йўқолмайди. Мазкур ҳужжатни яратганлар бандалик-ни бажо келтиришадия у асрлар бўйи мавжуд бўлиб қолаверади. Ниҳоят қоғоз асрий чанг билан қоплангандан кейин ҳам безовта қилиб, ўша қоғоздан маслаҳат сўрайверишади. Ҳар куни, ҳар соат, бугуну эртага, аср давомида бюрократик машина худди одамлар-дай бир текис, узлуксиз, тин олмай ишлайверади, – ғилдираклару пружиналар ҳаракат қилгани-қилган...

«Мазкур қоғозлар фабрикасини жонлантириб юргизган нарса каярда ўзи, – ўйларди Александр, – китоблардами, қоғозларнинг ўзидами ёки манави одамлар тафаккуридами?»

У бу ерда хўп ғаройиб қиёфаларни кўрди-да! Гўё бундайлар кўчада учрамайдигандай, улар ташқарига ҳам чиқишмайди. Чама-си шу ерда туғилиб-ўсишгану кадрдон жойлари билан киндиклари бир, худди шу ерда жон беришади. Адуев бўлим бошлиғига тикилиб қаради: бошлиқ нақ момақалди роқ маъбуди Юпитернинг ўзгинаси эди; у оғзини очганди, кўксида мис тўқа қадоқли Меркурий чопқиллаб келди-да, қоғоз тутган қўлини чўзаркан, ўнлаб қўл ўша қоғоз сари узатилди.

– Иван Иванович! – деди Юпитер.

Стол ортидан сапчиб турган Иван Иванович Юпитер хузурига чаккон етиб келиб, унинг қаршисида бута япроғидай бўй эгди. Александр ўзи ҳам билмаган ҳолда ханг-манг бўлиб қолди.

– Тамаки беринг!

Иван Иванович бажонидил икки қўллаб очик тамакидонни келтириб тутди.

– Манави одамни синаб кўринг! – деди бошлиқ Адуевни кўрсатиб.

«Мени шу одам синаб кўраркан-да ҳали!–деб қўйди ичида Адуев енглари шимариқли, сарғиш Иван Ивановичга қараб. – Наҳотки шу одам ҳам давлат масалаларини ҳал қилса!»

– Қўлингиз қалай? – сўради Иван Иванович.

– Қўлимми?

– Ҳа, дастхатингиз. Манави қоғозни кўчириб ёзинг-чи бир.

Александр бу талабга ҳайрон бўлса ҳам лекин бажарди. Иван Иванович унинг ёзувига қараб афти буришди.

– Хатлари бадхат экан, – деди у бўлим бошлиғига. Бошлиқ хатга бокди.

– Ҳа, тўғри; тоза ёзолмас экан. Бўпти, майли, ҳозирча жўна-тиладиган хатларни кўчириб турсин, кейинроқ, пича ўргангандан сўнг ҳужжат ёзишга ўтар. Эҳтимол яраб колар, ҳарқалай, дорил-фунунда ўқиган-ку.

Кўп ўтмай Адуев ҳам машинанинг пружиналаридан бирига айланди. У бош кўтармай, узлуксиз ёзар экан, энди эрталаблари бошқа бирор нарса билан шуғулланиш мумкин-ку, дея ҳайрон бўларди. Ўз лойиҳаларини эсласа, юзига қон тепарди.



«Амакижон! – ўйларди у, – бир нарасада ҳақсиз, жудаям ҳақсиз. Наҳотки ҳамма айтганларингиз ҳам тўғри бўлса? Наҳотки мен эзгу, илҳомбахш ҳаёл суриб, муҳаббат, дўстлик... одамларга... ўзимга-ўзим ишониб хато қилган бўлсам?... Беҳуда яшаган эканман-да унда?»

У қоғоз узра бош эгиб, қаламни қаттиқ қитирлатар экан, киприкларини учида ёш доналари ялтиради.

– Жуда омадли экансан, – деди Пётр Иванович жиянига. – Мен олдинга бир йил маошсиз ишлагандим, сен бўлса, бирдан мўмайгина маошли ишга жойлашдинг. Етти юз эллик сўм, мукофот билан минг сўм дегани. Бошланиши ажойиб! Бўлим бошлиғи мақтаяпти сени, фақат фаромушроқ эмишсан: дам вергулни қўйиш эсингдан чиқса, дам ҳужжат мазмунини ёзиш ёдингдан кўтариларкан. Илтимос, ташла у одатингни, энг асосийси, кўз олдингда турган нарасага диққат қил. Хаёлинг аллақаёқларда юрмасин.

Амаки қўли билан юкорини кўрсатиб қўйди. Шу-шу, у жиянига янаям юмшоқ муомала қиладиган бўлиб қолди.

– Раҳбарим ажойиб одам экан! – деди бир куни Александр.

– Қаёқдан билдинг?

– Қалинлашиб кетдик у билан. Маънавияти юксак, ҳалол, олижаноб фикр юритади! Ёрдамчиси билан ҳам муносабатим яхши: иродаси мустаҳкам, чўрткесар киши бўлса керак...

– Қалинлашиб олишга улгурдим дегин улар билан?

– Ҳа-да, бўлмасам-чи!..

– Раҳбаринг пайшанба кунлари ҳузурига таклиф этиптими?

– Ҳа, ҳар пайшанбада. Жудаям менга эътимод қўйиб қолганга ўхшайди у...

– Ёрдамчи қарзга пул сўрадим?

– Ҳа, амакижон, озрок... мен ёнимда бор йигирма беш сўмимни бердим; у тагин эллик сўм сўради.

– Берибсан-да! Эҳ, аттанг! – деди амаки куюниб, – бунда қисман мен айбдорман, сени огоҳлантириб қўйишим керак эди; танишувнинг иккинчи ҳафтасиёқ қарзга пул берадиган даражада анойи деб ўйламагандим сени. Илож қанча, айбнинг ярми менинг зиммамда: ўн икки ярим сўмни мен бераман.

– Нега энди, амакижон, берса керак ахир қарзини?

– Тушингни сувга айт!.. Унинг одатини биламан: ишлай бошлаган пайтимда берган юз сўмимни ханузгача қайтармайди. Ҳаммадан

қарз олади у. Энди яна сўраса, мендан олган қарзини эслат, ўшанда яқинлашмай қўяди сенга! Раҳбарингникига бора кўрма.

– Нега энди, амакижон?

– У қартабоз. Ёнингга ўзига ўхшаш иккита қирриқни ўтказиб қўяди-да, бор-шудингни шилиб олишади.

– Қартабоз! – такрорлади ҳайратга тушиб Александр, – наҳотки шундай бўлса-я? Самимий одамга ўхшовди...

– Сен гап орасида шунчаки пулларимни амаким сақлашга олиб қўйган, дегин, ўшанда унинг самимийлигию сени умуман пайшан-баликка чақириш-чақирмаслигини билиб оласан.

Александр ўйланиб қолди. Амаки бошини сарак-сарак қилиб қўйди.

– Сен у ердаги ёнимда ўтирганлар фаришталар деб ўйлагансан-да! Самимият, ўта кўнгилчанлик. Ахир олдин ёнимда ярамаслар ўтирмаганмикин, деб ўйлаб кўриш керак эмасми? Беҳуда келгансан асти! – деди у. – Ҳа, жудаям бекор қилгансан келиб!

Бир куни Александр энди уйқудан кўз очганида, Евсей унга амаки юборган мактубли катта пакет берди.

«Мана, ниҳоят сенга адабий машғулот ҳам топилди, – дея ёзилганди мактубда, – кеча таниш журналистим билан учрашдим, у сенга синаб кўриш учун иш бериб юборди.»

Александр пакетни очганида, қувончдан қўлларигача титраб кетди. Пакет ичида немисча қўлёзма бор эди.

«Нима, прозами бу, нима тўғрисида бўлсайкин?»

Шунда у қўлёзма тепасига қалам билан битилган қуйидаги сатрларни ўқиди:

«Гўнг ҳақида, қишлоқ хўжалик бўлими учун мақола. Тезроқ таржима қилишни сўрашяпти».

Александр мақола устида анча вақт хаёл суриб ўтирди, кейин, хўрсиниб қўйгач, аста қалам олди-да, таржима қилишга киришди. Икки кундан сўнг мақола тайёр бўлиб, тегишли жойга жўнатилди.

– Баракалла, қойил! – деди бир неча кун кейин Пётр Иванович. – Мухаррир жудаям хурсанд: фақат услубга қатъий риоя қилинмаган, ҳеҳапти; майли, дастлабига қаттиқ талаб қилиб ҳам бўлмайди. У сен билан танишмоқчи. Эртага кечки соат еттиларда хузурига бор. Гагин битта мақола тайёрлаб қўйган бўлиши керак.

– Яна ўшанақа мақолами, амакижон?



– Йўқ, бошқа алланима ҳақида шекилли, менга айтувди, эсимдан чиқибди... Ҳа-я, картошка қиёми ҳақида. Омад учун яратилган бўлсанг керак, Александр. Ниҳоят сендан нимадир чиқишига ишона бошладим. Эҳтимол, кўп ўтмай, нега келгансан, демай қўйсам керак. Бир ой ўтмаёқ ҳаммаёқдан пул оқиб келяпти сенга. Минг сўм тайёр турибди, бунинг устига, муҳаррир тўрт босма табоқ учун ойига юз сўм ваъда қияпти. Ахир бу икки минг икки юз сўм дегани-я! Йўқ! Мен бундай бошламагандим! – деди у пича қошларини чимириб. – Онангга жой топиб, қандай ўрнашганинг ҳақида ёзиб юбор ахир. Мен ҳам жавоб қайтараман, менга қилинган яхшиликлар учун сенга қўлимдан келганча оқибат кўрсатганимни ёзиб юбораман.

– Ойим сиздан... жудаям миннатдор бўлади, мен ҳам... – деб қўйди хўрсиниб Александр, аммо энди амакисини қучоқлашга ташланмади.

III

Орадан икки йилдан зиёдроқ вақт ўтди. Хушмуомала, олиф-та костюм кийган йигитни бир пайтлар вилоятдан келган деб ким айта олади? У жудаям ўзгариб, балоғатга етган. Ўсмирларга хос майин қиёфаси, тиник ва мулойим бадани, иягидаги мўйлардан нишон ҳам йўқ. Хижолатли тортинчоқлиги билан ўзини тутишидаги уялиб-қимтинишлари ҳам барҳам топган. Юз бичими узил-кесил шаклланиб, расмана тус олганки, бу чехрага қараб унинг феъл-атворини ҳам билиш мумкин. Қирмизи-олранг қиёфаси офтоб таъсирида ўзгаргандай. Чаккаларидаги мўйлар ўсиб соколга айланибди. Одимлаши олдингидай енгил, омонат эмас, бир текис ва шахдам. Овози янаям йўғонлашган. Охирги бўёқ берилган картинадан тўлиқ портрет яратилган. Ўспирин етук эркакка айланган. Кўзларида қатъият ва мардлик ёлқинланади, лекин бу мардлик айюханносли, барча нарсга сурбетона, беписанд қараб, ўтганга ҳам, кетганга ҳам: «Ҳой, эҳтиёт бўл, тегиб кетма, оёғимни боса кўрма-я, йўқса, нима бўлишини биласанми? Сен айтганлардан эмасман мен!» – қабилидаги мардлик эмас. Йўқ, мен айтаётган мардлик безитмайди, балки жалб этади. Бу хислат олижаноблик, муваффақиятга интилиш, мазкур фазилатлар йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш иштиёқида кўринади... Александрнинг қиёфасидаги

илгариги шод-хуррамлик ўрнини хаёлчанлик майли, дилида куртак ота бошлаган ҳар нарсага ишонавермаслик ифодаси эгаллаганди. Эҳтимол бу амакисининг сабоқлари, кўз олдида рўй бераётган тамоми воқеа-ҳодисалар ва кўнгил истакларини шафқатсиз таҳлил этишининггина натижаси бўлиши ҳам мумкин. Ниҳоят Александр одобли бўлиш, яъни одамлар билан муомала қилишни ҳам ўрганиб олганди. Айниқса амакисининг огоҳлантиришига қарамай, анави *самимийликка* майли бор одам уни икки марта чув туширгани, жиддий ва темир иродали киши эса анчагина пулини қарзга олганидан сўнг Александр ҳамманинг бўйнига ташланавермайдиган бўлиб қолганди. Бундан бошқа одамлар ва бошқа воқеалар ҳам унинг кўзи очилишига ёрдам берди. Бир сафар – Александр одамлар ўзининг ёшлик шод-хуррамлиги устидан пинҳона кулиб, романтикка чиқариб қўйганларини ҳам пайқаб қолди. Бошқа жойда эса те-варакдагилар қарийб Александр бор-йўқлигини ҳам пайкамагандай ўзларини тутишди, чунки ундан ҳеч кимга *ni chaud ni froid*¹ эди.

Александр зиёфатлар қилмасди, извоши йўқ эди, катта қартабозликларда катнашмасди. Илгариги баландпарвоз орзулари ҳаёт билан бундаин зид келишидан Александрнинг юраги сиқилиб, дили каттиқ оғриб юрди. Ўзига-ўзи: хўш, мен қойилмақом нима иш қилдим, оломондан нима билан ажралиб тураман, дея савол бериш хаёлига ҳам келмасди. Шунчаки нафсониятим топталаяпти, деб ўйларди.

Кейинроқ у аста-секин ҳаёт гулдангина иборат эмас, оёққа киврувчи тиканлар ҳам учраб туради шекилли, лекин бу амаким айтган даражадамасдир-ов, деган фикрга кела бошлади. Мана энди ўзини идора этишга ўрганган кўйи кўпда ҳаяжонланиб, баландпарвозлик қилмай қўйган Александр лоақал бегоналар ҳузурида ғалати гапириш одатини ташлади.

Аммо Пётр Иванич каттиқ ташвиш билан таъкидлаганидек, жияни инсон қалбини ҳаяжонлантириб, ларзага солувчи жами энг жўн нарсалар ҳақида совуққонлик билан мулоҳаза юритишдан ҳануз узоқда эди. Кўнгил сири ва муаммоларини яққол тушунтириб берилиши хусусида эшитишни ҳам истамасди.

Пётр Иванич эрталаб куйиб-пишиб насихат қилса, у кулок соларкан, хижолат чекар ёки ўйланиб қоларди-да, кейин бирор

¹ Сўзма-сўз: иссиқ ҳам, совуқ ҳам эмас (фран.).

зиёфатгами борган еридан ўзида йўқ хурсанд қайтиб келар, амакисининг ўгитларини унутгандай уч кунгача савдойинамо бўлиб юрарди. Дилкаш зиёфат нашъаси, музика садолари, яланғоч кифтлар, ўтли нигоҳлар, қирмизи лаблар табассуми таассуротида тун бўйи мижжа қоқолмай чиқарди. Кўз олдида дам у ушлаган бел, дам хайрлаша туриб нигоҳ узмай офатижон тикилиш, дам вальсдаги у ийиб ҳис этган ҳароратли нафас ёки мазурка гумбури аралаш дераза ёнида нигоҳлар ёлқинланган кўйи оғизга келганини қайтармай шивир-шивир қилиб қаймоқлашишлар гавдаланарди. Александрнинг юраги қинидан чиққудай бўлар, ёқимли титроқ оғушида ёстик қучоқлаганча анча вақтгача тўлганиб ётарди.

«Қани ахир муҳаббат? О, муҳаббат, муҳаббатга ташнаман! – дерди у, – қачон ахир? Ўшал ажиб дамлар, ўшал лаззатли ўртаниш, ҳузур, кўзёш лаҳзалари қачон келаркин?..» ва ҳоказо.

Эртасига Александр амакиси ҳузурига келди.

– Кеча Зарайскийларникида ҳўп ажойиб зиёфат бўлди-да, амакижон! – деди у бал хотиралари остида.

– Яхшими?

– О, асти кўяверасиз!

– Таом дуруст тортилдими?

– Мен ҳеч нарсa емадим.

– Нега энди? Айни овқат еб, овқатга тўймайдиган пайтинг-ку ахир ҳозир! Қарасам, бу ернинг одатига ўрганиб қолибсан. Ҳатто керагидан ҳам ортиқ. Қалай, ҳаммаси маъқул бўлдими? Саришталиги, чироқлари дегандай...

– Ҳа.

– Мехмонлар ҳамми?

– Жудаям-да! Ана кўзу, ана кифтлар!

– Кифтлар? Кимники?

– Ўшаларни сўраяпсизми ахир?

– Кимни?

– Қизларни-да.

– Йўқ, мен уларни сўрамаяпман; майли, барибир, кўпми ишқилиб дурустлари?

– О, жудаям... аммо, афсус, ҳаммалари бир хил. Биттаси нима гапириб, нима қилса, шу захоти худди тўтидай бошқаси ҳам такрорлайди. Анави биттаси... бошқаларига сираям ўхшамас экан... қолганларининг асло бир-бирларидан фарқи йўқ. Юриш-туриш,

бокишларигача бир хил: мустақил фикрлаш, туйғу гўзаллиги йўқ... Ҳаммалари бир қолипдан чиққанга ўхшашади. Ҳеч нарса баҳри дилларини очмаса керак уларнинг. Наҳотки яйрамай, умрбод шу кўйда ўтишса? Наҳотки умрбод изҳори дил қилолмай, қалблари кишанланганча қолаверса? Наҳотки туйғуларига эрк беришмаса ҳеч қачон?..

– Эрлари ҳузурида чунонам қулф-диллари очилсинки ҳали уларнинг, сенинг тилинг билан айтилса, кўплар умр бўйи қизлик-ларича қолаверадилар. Шундай енгилтақлар ҳам борки, шармли, тийиқ бўлиш ўрнига вақтидан аввал кўнгил кўчасига кирадилар-да, кейин эвазига обидийда қилиб юрадилар: ақлдан эмас бу!

– Шунда ҳам ақл керакми, амакижон?..

– Ҳамма нарсада ақл керак, азизим, кимки ақл билан иш тутмаса, ундай одамни руслар «ақлини еган, тентак» дейишади. Лўнда ва тушунарли.

– Олижаноб туйғу жунбиши тийилса-я!..

– О, биламан, сен туйғунгни тийиб ўтирмайсан. Кўчадами, театрдами танишинг бўйнига ташланиб, хўнграб юборишдан ҳам тоймайсан.

– Хўш, нима бўпти, амакижон? Шунинг билан, ҳиссиёти кучли одам шундай қилади, кимки шундай ҳисга эга экан, демак у жами гўзал фазилат ва олижанобликка ҳам қодир, бунга қодир бўлмаган одам...

– Бунга қодир бўлмаган одам ақл юритиш, яъни мулоҳаза қилишдан маҳрум. Туйғуси кучли, зўр эхтиросли одам – ҳақиқий инсондир, демоқчисан-да! Мижозли мавжудотлар озмунчами? хайрат, талваса одамни одамликдан чиқарадиган ҳиссиёт. Бу билан мақтанишнинг ҳожати йўқ. Инсонни ҳиссиётини идора қила олиш-олмаслиги билан баҳолаш керак; агар ҳиссиётини идора қила олса, у инсондир...

– Сизнингча, ҳиссиётни ҳам баайни бугни бошқаргандай бошқариш лозим экан-да, – гап кўшди Александр, – гоҳо озроқ чиқариб, гоҳо бирдан тўхтатиш керак, қопқоқчани очиш ёки ёпиш...

– Ҳа, табиат ўша қопқоқчани инсон учун беҳуда яратмаган, у ҳам бўлса – ақл-фаросат, сен бўлсанг, ақл-фаросатни ҳар доим ҳам ишлатавермайсан – афсус! Ваҳоланки туппа-тузук йигитсан!

– Йўқ, амакижон, гапларингиз юракни сикади! Яхшиси, мени ўша меҳмон хоним афанди билан таништириб қўйинг...



– Қайси хоним афанди? Любецкаями? Кеча уям бор эдими?
– Ҳа, бор эди, мен билан сиз тўғрингизда анча суҳбатлашди, ўз иши хакида сўраб-суриштирди.

– Э, ҳа! Дарвоқе... – Амаки кутидан қоғоз олди.

– Шу қоғозни унга элтиб бер, палатадан кечагина аранг беришганини айт, яхшилаб тушунтир; кеча хизматчи билан нимани гаплашганимизни эшитдинг шекилли?

– Ҳа, биламан, хабарим бор, тушунтириб қўяман. – Александр қоғозни икки қўллаб олди-да, чўнтагига солиб қўйди.

Пётр Иванич жиянига тикилди.

– Нечук танишгинг келиб қолди у билан? Хунук-ку, бурнида сўғали бор.

– Сўғали бор? Қайдам. Қандай пайқадингиз буни, амакижон?

– Бурнида бўлади-ю, пайкамасмишман! Нимаси қизиқтириб қолди унинг?

– Жудаям кўнгилчан, эътиборга сазовор аёл экан...

– Кўнгилчан, эътиборга сазоворлигини сезибсану нечук сўғалига кўзинг тушмади? Қизиқ. Ҳа, айтгандай... унинг қизи бор-ку жажжигина, қорачадан келган. Бўлди! Энди тушундим. Бурнидаги сўғалини шунинг учун ҳам пайқамагансан-да!

Иккалалари кулиб юборишди

– Мен хонимнинг қизидан кўра ҳам бурнидаги сўғалини пайқаганингиздан ҳайрон бўляпман, амакижон, – деди Александр.

– Қани, қоғозни менга бер-чи. Тагин туйғунгни тўкиб солиб, коққоччани ёпиш эсингда бўлмаса, бутун ишнинг расвоси чиқади...

– Йўқ, амакижон, расвоси чиқмайди. Нима десангиз денг, қоғозниям қайтариб бермайман, уни ҳозирок...

Александр шундай дея ташқарига отилди.

Шу вақтгача ҳамма иш ўз изидан кетаётганди. Ишхонада Александрнинг қобилятини пайқаб, унга дурустгина ўрин беришди. Иван Иванич унга ҳам эҳтиром билан тамакидон келтириб тутадиган бўлиб қолди, чунки Иван Иванич ўз таъбири билан айтганда, Александр аксари бошқалар каби ҳафтаси кам бир йил хизмат қилгач, ундан ўзиб, бўйнига миниб олишию сўнгра бўлим бошлиғилик, кўп ўтмаёқ фалончидай директор муовинлигию писмадончи каби шартта директорлик лавозимини ҳам эгаллаши мумкинлигини олдиндан пайқаганди. Ҳолбуки, ўша иккала ходим ҳам унинг раҳбарлигида хизмат мактабини ўташганди. «Мен бўлсам,

улар учун хизмат қилавераман!» – қўшиб қўярди Иван Иванович. Журнал редакциясида ҳам Александр эътиборли шахс даражасига кўтарилди. У материал саралаш, таржима, ўзгалар мақоласини тузатиш билан шуғулланар, ўзи ҳам кишлоқ хўжалиги ҳақида турли назарий фикрлар ёзарди. Унинг фикрича, пули керагидан ҳам ортиғу, бундан амакисининг кўнгли тўлмасди. Аммо Александр ҳаммавақт ҳам пул учун ишламасди. Унинг фикри-зикри бошқа ажойиб мақсад – олий мартабани эгаллаш билан банд эди. Ёшлик куч-ғайрати ҳар нарсага қодир. Уйқу, хизмат вақти ҳисобига шеър уқисса ҳам, тарихий очерклар, таржимаи ҳоллар ҳам ёзгани-ёзган эди. Амакиси энди Александрнинг ижодини чиппакка чиқариш одатини ташлаб, ёзганларини унсизгина ўқир, сўнгра ё хуштак чалар, ёки: «Ҳа! Буниси олдингисидан дурустрок», – деб қўярди. Бир неча мақоласи бошқа одамнинг исми шарифи билан чоп этилди. Александр ҳамкасабалари, қандолатхона, хусусий уйлардаги кўплаб дўстларининг мактовларини хурсанд бўлиб тингларди. Унинг муҳаббатдан кейин иккинчи ўринда турувчи энг олий орзуси ушалганди. Бу истиқболи порлоқ, шаън-шавкатдан дарак берарди; чамаси, ғаройиб одам мушток кутаётганди-ю, шунда баногоҳ...

Ҳаш-паш дегунча орадан бир неча ой ўтди-кетди. Александр гўё ғойиб бўлгандай деярли ҳеч ерда кўринмай қолди. Амакиси ҳузурига ҳам ахён -ахёндагина келарди. Пётр Иванович жияним жуда банд бўлса керак, деб уни безовта қилмасди. Бирок бир куни муҳаррир Пётр Иванович билан учрашиб қолганида, Александр мақолаларни кечиктираётганидан шикоят қилди. Амаки жиянини кўрган заҳоти сўраб-суриштиришга ваъда берди. Уч кунлардан кейин амаки-жиян духоб бўлишди. Александр эрталаб амакиси ҳузурига ақлдан озгандай киёфада ҳовлиққанча кириб келди. Унинг кўринишидан бениҳоя хурсандлиги сезилиб турарди.

– Салом, амакижон, эҳ, сизни кўрганимдан бағоят хурсандман!– шундай дея у амакисини кучмоқчи бўлганиди, аммо Пётр Иванович шартта ўзини стол ортига олди.

– Салом, Александр! Нечук анчадан бери кўринмай қўйдинг?

– Мен... бўш эмасдим, амакижон: немис иктисодчиларидан кўчирма қилиш билан банд эдим...

– Э, ҳа! Демак, муҳаррир ёлғон гапирибди-да, а? Унинг жиянингиз ҳеч қандай иш қилмай қўйди, деганига ахир уч кун бўлдику. Қараб турсин ҳали, бир кўрай...

– Йўқ, ҳеч нарса деманг унга, – гапни бўлди Александр, – ишни жўнатганимча йўқ, шунинг учун шикоят қилган...

– Ие, нима бўлди сенга? Жудаям кайфиятинг кўтаринки-ку! Бирорта нишон-пишон беришдими?

Александр бош чайкади.

– Пул билан тақдирлашдими ё?

– Йўқ.

– Нега тепадан қараяпсан менга? Бўлмаса, халакит берма-да, яхшиси, ўтириб Москвадаги савдогар Дубасовга қолган пулларни ҳам тезроқ жўнатиши тўғрисида хат ёз. Унинг хатини ўқиб кўр, қанийди хат? Ҳа, мана.

Иккалалари жимгина хат ёзишга тутинишди.

– Тугатдим! – деди Александр бир неча дақиқадан сўнг.

– Дарров-а, баракалла! Қани, кўрсат-чи. Ие, бу нимаси? Менинг номимга ёзибсан-ку. «Тўрам, Пётр Иванович!» Унинг исми шарифи Тимофей Никонич. Беш юз йигирма сўм эмиш-а! Беш минг икки юз сўм! Сенга нима бўлди, Александр?!

Пётр Иванович кўлидаги қаламни қўйиб, жиянига тикилди. Александр кизариб кетди.

– Юзимдан ҳеч нарса сезмаяпсизми? – сўради у кейин.

– Меровга ўхшаяпсан... Менга қара... Севиб қолдингми? – деди Пётр Иванович.

Александр чурк этмади.

– Шундайми? Топдимми?

Александр оғзи қулоғида тиржайркан, кўзлари ёлқинланиб, тасдиқ маъносида бош ирғади.

– Худди айтганим! Нега дарров сезмадимикин? Дангасалик қилаётганинг, қорангни кўрсатмай қўйганинг сабаби бу ёқда экан-ку. Зарайскийлар билан Скачинлар холи жонимга қўймай, нуқул Александр Фёдорич қаерда, деб сўрашгани-сўрашган: бу кишим бўлсалар арши аълода парвоз қилиб юрган эканлар-да!

Пётр Иванович яна хат ёзишга киришди.

– Наденька Любецкаяни севиб қолдим! – деди Александр.

– Сўраётганим йўқ сендан, – гап қўшди амаки, – кимни севиб қолганингдан қатъи назар аҳмоқгарчилик. Қайси Любецкаяни? Сўғали бориними?

– Эҳ! Амакижон! – гапни бўлди надоматда Александр, – қанақа сўғал?

– Нақ бурнида. Нима, ҳалиям кўрмаганмисан?
– Аралаштириб юборяпсиз. Бурни ёнида сўғали бори онаси-ку.
– Бўпти, барибир-да.
– Барибир эмиш! Наденькани-я! Ахир фаришта-ку у! Наҳотки пайкамаган бўлсангиз? Бир кўргандаёқ пайкаш мумкин-ку ахир!
– Хўш, нимаси борки, уни пайқасам? Ўзинг сўғали йўқ деяпсан шекилли?..

– Топганингиз сўғал-а! Гуноҳга ботманг, амакижон. Наҳотки Наденькани ўша расмиятчи, зодагон кўғирчокларга ўхшайди деб бўлса? Юзига қаранг бир: қанчалар осойишталик, қанчалар теран ўй-хаёл мужассам! У ҳис этадигангина эмас, мулоҳазакор киз ҳам... оқила малак...

Амаки қоғоз устида қалам қитирлатишга киришди, Александр бўлса гапда давом этди:

– Сухбатида номаъқул, бўлар-бўлмас гап эшитмайсиз, нақадар ақлга тўла мулоҳазалари! Шунчаём ҳароратли бўладими ҳиссиётда! ҳаётни чуқур тушунишини айтмайсизми! Сиз ўз қарашларингиз билан ҳаётни оғулайсиз, Наденька бўлса, мени ҳаёт бағрига ундайди.

Александр бир дақиқа гапиришдан тўхтаб, бутунлай Наденька ҳақида ҳаёлга чўмди. Сўнгра тагин дардини тўкиб солишга киришди.

– У киприкларини кўтарган захоти кўзлари қанчалар оташин ва нозик қалб кўзгуси эканлигини гувоҳи бўласиз! Овозини айтмайсизми, овозини! Бамисли майин куй йўғрилган унга! Худди шу овоз дил сўзларини баён этса... дунёда бундан кўра ҳам олий лаззат тополмайсиз! Амакижон! Қандай ажойиб-а ҳаёт! Нақадар бахтиёрман!

Йигитнинг кўзларида ёш милтиради; у қўлларини шартта ёзганча амакисини кучоклаб олди.

– Александр! – кичкириб юборди ўрнидан ирғиб туриб Пётр Иванович, – дарҳол ёп қопқоқчани – ҳамма буғни чиқариб юбординг! Ақлдан озибсан! Қара, нима қилиб қўйдинг! Бир лаҳзадаёқ иккита бемаънигарчиликка йўл қўйдинг: сочимни тўзитиб, хатни чаплаштириб юбординг. Беўхшов одатингни ташлагансан деб ўйлагандим. Анчадан бери қилмасдинг бундай номаъқулчиликни. Қара, худо ҳаққи, кўзгуга бир қара: одамнинг башарасиям шунақа маънисиз бўладими? Ҳолбуки, эси жойида йигит эдинг-а!

– Ҳа-ҳа-ҳа! Бахтиёрман, амакижон!
– Кўриниб турибди!
– Хўш, нотўғрими? Сезяпман, кўзлари фахр туйғуси билан тўла.
Мен оломонга қахрамон, шоир, ўзаро муҳаббатдан бахтиёр ошиқ
каби боқаман...

– Тентак, ундан ҳам баттар одамга ўхшаб... Хўш, хатни нима
қиламан энди?

– Ижозат этинг, тозалаб бераману ҳеч жин урмагандай бўлади-
кўяди, – деди Александр. Сўнгра у шартта столга яқинлашиб, жон
ҳолатда титраб-қақшаб ишқалай-ишқалай хат сатҳидаги доғларни
кетказди. Ишқалаш пайтида силкинган стол жавонни туртиб юбор-
ди. Китоб жавонида Софоклми, Эсхилнингми итальян ганчидан
ишланган бюстчаси турардн. Туртилиб юборганми, ўзи омонат
сахнчадаги муҳтарам трагик аввал уч марта орқа-олдинга тебранди-
да, сўнг ёнбошлаб жавондан қулади ва чил-чил синди.

– Бу учинчи тентаклик, Александр! – деди Пётр Иванович бюстча
синикларини тераркан, – эллик сўм туради-я!

– Майли, тўлайман, амакижон! О, тўлаганим бўлсин, ишқилиб
шавқимни лаънатламасангиз бас: шавқим мусаффо ва олижаноб:
мен бахтиёрман, бахтиёрман! Ё парвардигор! Ҳаёт қанчалар соз-а!

Амаки афтини буриштириб, бошини сарак-сарак қилди.

– Қачон ақл киради сенга, Александр? Нималар деяётганинг
ёлғиз тангрига аён!

Шу аснода Пётр Иванович бюст синикларига ачиниб тикила бош-
лади.

– «Тўлайман эмиш! – деди у, – тўлайман». Бу тўртинчи бемаъ-
нигарчилик бўлади. Кўриб турибман, бахтиёрлигингни баён этгинг
келиб турибди. Майли, начора. Ҳамонки, амакилар ўз жиянлари-
нинг бўлар-бўлмас девоналикларида иштирок этишга маҳкум экан-
лар, садқайи сар, сенга чорак соат муҳлат бераман: қимирламай
ўтиргин-да, яна бешинчи бемаънигарчиликни қилмай туриб, гапи-
риб бера қол, бу бемаънигарчиликдан сўнг чиқиб кет, вақтим зик.
Хўп... сен бахтиёрсан... Хўш, нега қараб турибсан? Тезроқ гапир-
санг-чи.

– Шундай бўлган тақдирда ҳам ундай нарсалар гапирилиб
юрилмайди, амакижон, – лукма ташлади Александр ним жилмайиб.

– Сенга ўргатмоқчи бўлгандим, қарасам, яна одатдагидай дебо-
чадан бошламоқчисан-а. Бу дийдиёинг бир соатга чўзилади деган

гап, менинг бўлса вақтим йўқ: почта кутиб турмайди. Тўхта, яхши-
си, ўзим ҳикоя қилиб бера қолай.

– Сиз-а? Қизик-ку!

– Ҳа, эшит, жудаям кизик! Кеча сен ўша жононинг билан холи
жойда учрашгансан...

– Қаёқдан маълум бу сизга? – сўради кизиша бошлаган Алек-
сандр, – нима, орқамдан пойлоқчи қўйганмисиз?

– Бўлмаса-чи, пулга айғоқчи ёллаганман. Амаким менга
ғамхўрлик қилади, деган гапни қаёқдан олдинг? Зарур келибди-
ми менга?

Шундай деяётганда Пётр Ивановичнинг башараси совуқ тус олди.

– Хўш, қаёқдан биласиз бўлмаса? – сўради Александр амаки-
сига яқинлашиб.

– Ўтир, худо ҳақки, ўтир, столга яқинлаша кўрма, йўқса, бирор
нарсани синдириб қўйишинг мумкин. Туркингдан ҳамма нарсани
билиб олса бўлади. Шу ердан туриб ҳам айта оламан дилингдаги-
ни. Хуллас, дил рози қилгансизлар, – деди у.

Қизариб кетган Александр ҳеч нарса демади. Ҳа, амакиси яна
нак мўлжалга урганди.

– Иккаланглар ҳам ўша, одатдагидай кип-қизил тентаклик
қилгансизлар, – деди Пётр Иванович.

Александр тоқатсиз тўлганиб қўйди.

– Ҳаммаси чет кўзлардан холи қолганингларда, қандайдир арзи-
маган каштадан бошланган, – давом этди амаки, – сен кимга нима
тўқияпсиз, деб сўрагансан, у: «Ойим ёки холамга тўқияпман бу-
ни» – қабилида жавоб қайтаргану, аъзойи баданингларга титроқ
турган ўшанда...

– Йўқ, тополмадингиз, амакижон. Каштадан бошланмади. Биз
боғда эдик... – деб қўйди Александр. Сўнгра сукутга чўмди.

– Хўп, майли, гулдан бошланган бўла қолсин, – деди Пётр Ива-
нич, – эҳтимол сарғиш гулдир, бунинг фарқи йўқ; кўзга истаган
гул кўриниши мумкин, гап суҳбат бошланишида; ҳеч нарсадан ҳеч
наrsa йўқ уланиб кетмайди-ку суҳбат, сен гул ёқдими сизга, деб
сўрагансан; у ҳа, ёқди, нега ёқмас экан, дея жавоб қайтарган. «Шун-
дай», деган қиз, сўнгра иккаланглар ҳам жим қолгансизлар, саба-
би: дилингдагилар мутлақо бошқа наrsa бўлган, оқибатда суҳбат
қовуша қолмаган. Кейин бир-бирингларга қараб жилмайгансизлар-
да, қизариб кетгансизлар.

– Эх, амакижон, амакижон, топган гапингизни қарангу! – деди Александр қаттиқ хижолатда.

– Кейин, – давом этди бўш келмай амаки, – шунчаки гапира туриб, қаршимда янги дунё очилди, дегансан. Қиз гўё кутилмаган янгиликни эшитгандай шартта сенга қараган; билишимча, сен ноилож саросималаниб қолгансан-да, сўнгра тагин таъсирлироқ қилиб эндигина, ҳаётнинг кадрига етдим, сизни олдин ҳам кўрганман, дегансан... Ким эди? Марьямиди?

– Наденька.

– Аммо у кўришинг тушда кўргандай бўлгани, Наденька билан учрашишни олдиндан ҳис қилганинг, бир-бирингларга маъкул бўлишинглар дўстлашишга олиб келганию энди барча шеър ва насрларингни шу қизга бағишлашингни айтгансан... Қўлларингни бўлса чамаси худди бир нарсани ағанатган ёки синдириб қўйгандай алфозда қимирлата бошлагансан.

– Амакижон! Яширинча кулоқ солиб турган экансиз-да гапла-римизга! – кичкириб юборди ўзини йўқотиб қўйиб Александр.

– Ҳа, бута оркасида ўтирувдим. Сенинг орқангдан юриб, бўлар-бўлмас гапларга кулоқ тутишдан бошқа ишим ҳам йўқ ўзи.

– Бўлмаса, қаёқдан биласиз ҳаммасини? – сўради Александр жиғибийрони чиқиб.

– Ажабланма! Одам Ато билан Момо Ҳавонинг ошиқ-маъшуклигидан буён ҳамманинг бошидан шундай воқеа сал бошқачарок, тарзда кечиб келади. Иштирокчиларни феъл-атворини билсанг, орадаги тафовутларни ҳам билиб оласан. Ҳайрон қоляпсан, яна ёзувчи эмиш бу кишим! Мана энди уч кунгача савдойидай ирғишлаб, уёқдан-буёққа югурасан, ҳамманинг бўйнига осиласан, факат, худо ҳақки, менга осилма. Сенга, шу уч кун ичи ҳеч ким кўрмаслиги учун хонангда қамалиб ўтириб, тамоми бугни чиқариш, қилиқларингни Евсейгагина кўрсатишингни маслаҳат бераман. Ўшанда пича ақл-хушингни йиғиб, бошқа нарса, масалан, бўсага эришасан...

– Наденьканинг бўсаси! О, қандай юксак, самовий мукофот! – хитоб қилди деярли ўкириб Александр.

– Самовий эмиш-а!

– Нима моддий, ердаги мукофотми бўлмаса сизнингча?

– Турган гап, электр ҳаракати; ошиқ-маъшуклар баайни бир жуфт Ленден банкасининг ўзи: иккаласи ҳам кучли қувватланган;

бўса олиш ўша электр кувватини сусайтиради, кувват буткул •ту-
гагач, кечирасану, севги заифлашишига навбат келади...

– Амакижон...

– Хўш! Нима деб ўйлагандинг бўлмаса?

– Қандай савия! Қандай колоқлик!

– Ҳа, унутибман: ёнингда ҳали «рамзий нарсалар» ҳам бўлган.
Тагин ўша бало-баттарларингни кўрсатиб, хаёл сурган кўйи аланг-
лагансану, асосий гап четда қолаверган.

Александр бирдан чўнтагини чангаллади.

– Нима, ёнингдами ўшаларинг? Ҳозир алмисокдан қолган ирим-
сиримларингни бошласанг керак.

– Демак, сиз нима қилган бўлсангиз ўшани бажараман-да, а,
амакижон!

– Ҳа, фақат телбаларча.

– Телбаларча! Сиздан кўра чуқурроқ ва кучлироқ севиб, ҳис-
сиётни топтамаганим, сизга ўхшаб ҳиссиётни совукдан-совук
ҳазил-ҳузулга йўймай... муқаддас туйғу пардасини кўтариб ташла-
маганимни телбалик ҳисобласангиз керакдир-да...

– Севишинг ҳамма қатори, чуқур ҳам, кучли ҳам эмас; шу-
нингдек, муқаддас туйғу пардасини кўтариб ҳам ташлайсан... ле-
кин сен фақат севгининг абадий ва турғунлигига ишонасану шу
тўғридагина ўйлайсан. Худди мана шунинг ўзи телбалик; бу билан
ўзингга керагидан ҳам ортиқ ғам-бало ҳозирлайсан.

– О, бу даҳшат, даҳшат, қўйинг-е, амакижон! Кўп марта дилим-
дагини сир сақлайман, деб ўзимга-ўзим ваъда қилганман.

– Нега ваъдангининг устидан чиқмадинг? Мана, келиб менга ха-
лақит беряпсан.

– Энг яқин одамимсиз-да, амакижон: ҳисларим тугёнини кимга
тўкиб солай ахир? Сиз бўлсангиз, шафқатсизларча нақ юрагимга
ништар санчяпсиз.

– Лекин кўнгил ҳуши учун қилаётганим йўқ бунди: ўзинг
маслаҳат сўрадинг. Қанча бемаъниликдан сақлаб қолдим-ку ахир
сени!..

– Йўқ, амакижон, майли, сизнингча умрбод эси паст бўлсам
бўла қолай, аммо мен ҳаёт, одамлар ҳақида бундай тушунча билан
яшай олмайман. Қалбим азоб, изтиробда қолади! Унда менга ҳаёт-
нинг қизиғи қолмайди, бундай ҳаёт сира керак эмас, эшитяпсизми?
керак эмас.



– Эшитдим, хўш, нима қил дейсан, ҳаётдан маҳрум этолмайман-ку сени.

– Ҳа! – деди Александр, – кароматларингизга қарама-қарши ўлароқ бахтли бўламан, умрбод ва бир марта севаман.

— О, йўқ! Сезиб турибман, ҳали мендан кўра яна анча-мунча нарсага эришасан. Аммо бу бир нави ҳозирча: севги ўз йўлига. Сенга ҳеч ким ҳалакит бермайди; сенинг ёшингдагилар севгини алоҳида ардоқлашларини биз чиқарган эмасмиз. Бироқ ҳамма ишни бир чеккага йиғиштириб кўяр даражада берилиб кетмаслик керак муҳаббат кўйига; ишқ-муҳаббат ўз йўлига, иш ўз йўлига...

– Немис иктисодчиларидан кўчирма қиялпман-ку ахир...

– Қўйсанг-чи, ҳеч қандай кўчирма қилмаяпсан, фақат *чуч-мал лаззатга* берилгансан холос, йўқса, муҳаррир сендан воз кечади-я.

– Воз кечса, кечар! Зор эмасман. Қандай қилиб ўша ярамас наф тўғрисида ўйлай, қачонки...

– *Ярамас наф эмиш-а*. Ярамас! Ундан кўра қирда чайла кургин-да, нону сув билан чекланиб:

Фақирона чайлам ҳам

Сен бўлсанг мисли жаннат...¹ –

дея хониш қилавер. Бироқ «ярамас металл» етишмай қолса, мендан сўраб келма, бермайман...

– Сизни унча ҳам безовта қилмадим шекилли бу хусусда.

– Ҳозиргача, худога шукур, шундай, лекин, ишни ташласанг, ҳар нарса бўлиши мумкин; севгига ҳам пул даркор: ортикча бойваччалик қилишлару яна бошқа харажатлар деганларидай... Тоқатим йўқ йигирма ёшдаги ишқ-муҳаббатга! Бўлмағур, кераксиз муҳаббат у!

– Қайси ёшдаги муҳаббат яроқли бўлмаса, амакижон? Қирк ёшдагими?

– Қирк ёшдаги муҳаббат қандайлигини билмадим, аммо ўттиз тўққиз ёшликдагиси...

– Сизникига ўхшаб-а?

– Ҳа, меникига ўхшаб.

– Яъни, йўқ муҳаббат.

– Нега ундай дейсан?

¹ Р. Абдурашид таржимаси.

– Нима, сиз ҳам сева оласизми?

– Нега сева олмас эканман? Хўш, одам эмасманми мен ёки саксонга чиқибманми? Фақат шуниси борки, агар мен севсам, ақл билан, ўзимни йўқотмай, кўкракка урмай, ҳеч нарсани улоқтирмай севаман.

– Оқилона муҳаббат! Эс-хуши жойида бўлган муҳаббат – ажойиб муҳаббат! – истехзоли жилмайди Александр, – ҳар лаҳза ёдда сақланадиган...

– Ёввойи ҳайвонлар, – гапни бўлди Пётр Иванович, – ёдда сақлай олмайди, ақлли мавжудот эса эслай олиши керак; акс ҳолда, унинг муҳаббати ҳам муҳаббат эмас.

– Нима бўлмаса?..

– Сен айтгандай девоналик.

– Сиз... сева олсангиз-а! – деди Александр амакисига ишонмай караб, – ха-ха-ха!

Пётр Иванович индамай ёзишда давом этди.

– Хўш, ким у севганингиз, амакижон? – сўради Александр.

– Билгинг келяптими?

– Ҳа-да.

– Ўз қайлиғимни севаман.

– Қа...қайлиғимни! – дея олди зўрға Александр шартта ўрнидан тураркан, амакисига яқинлашиб.

– Яқинлашма, яқинлашма, Александр, қопқоқни ёп! – хитоб қилди Пётр Иванович кўзлари олайиб, жияни ўз ёнига турли майда-чуйда буюмлару бюстча ва шакллар, соату, сиёҳдонни тортаётганини кўриб.

– Демак, уйланар экансиз-да? – сўради Александр ҳамон тааж-жубда.

– Ҳа, шундай.

– Хотиржамлигингизни қарангу! Москвага хат ёзиб, бунга алоқаси йўқ нарсалар ҳақида гапирасиз, заводга борасиз, яна тагин муҳаббат тўғрисида бунчалар дўзахона оғир-босиқ фикр юритасиз-а!

– Дўзахона оғир-босиқ дейишинг янги гап! Айтишларича, дўзах ўт-оловида оғир-босиқ фикрлаб бўлмас экан. Нега менга бундай олайиб қараяпсан?

– Уйланармишсиз-ку ахир!



– Нимасига ҳайрон бўляпсан бунинг? – сўради Пётр Иванич кўлидаги қаламни жойига қўйиб.

– Нега ҳайрон бўлмай? Уйлансангизу менга лом-мим демасангиз!

– Узр, сендан рухсат сўрашни унутибман.

– Рухсат сўраманг, амакижон, лекин мен ҳарқалай хабардор бўлишим керак-ку. Амаким уйлансаю беҳабар бўлсам, менга ҳеч нарсa дейишмасая!..

– Мана, айтяпман-ку.

– Ўрни келгани учун айтдингиз, холос.

– Мен ҳамма нарсани иложи борича ўрнига қўйиб бажаришга ҳаракат қиламан.

– Йўқ, қувончингизни биринчи бўлиб менга билдириш учун айтдингиз: биласизки, сизни жудаям яхши кўраман ва қувончингизга шерик...

– Умуман, шерикчиликка ҳушим йўқ, уйланиш борасидаги шерикчиликни бўлса жинимдан баттар ёмон кўраман.

– Биласизми нима, амакижон? – деди Александр тетикланиб, – эҳтимол... йўқ, сиздан сир тута олмайман... Биласиз-ку, дилимдагини тўкиб сола қоламан...

– Эҳ, Александр, вақтим тигиз; агар бирор янги воқеа айтмоқчи бўлсанг, эртага қолдирсак бўлмасмикин?

– Мен фақат шуни айтмоқчиманки, эҳтимол... мен ҳам ўшандай бахт бўсағасида турибман...

– Нима? – сўради Пётр Иванич пича қулоғини динг қилиб, – қизик бўлди-ку, буёғи...

– Ана! Қизикми? Нималигини айтмай бир қийнай сизни.

Пётр Иванич пинагини бузмай пакетни олди-да, унга хатни солиб, сургучлай бошлади.

– Мен ҳам эҳтимол уйлансам керак! – деди Александр амакисининг қулоғига.

Хатни сургучлашни тугатмаган Пётр Иванич жиянига жиддий бокди.

– Қопқокни ёп, Александр! – деди у кейин.

– Ҳазиллашяпсиз, ҳазиллашяпсиз-а, амакижон, мен бўлсам, ҳазиллашмаяпман. Онамдан ижозат сўрайман.

– Уйланар эмишлар!

– Хўш, нима қилибди?

Сенинг ёшингда-я!

Ёшим йигирма учда.

Айни вақти! Эркаклар бу ёшда уйларига дастёр керак бўлгани учун уйланишади.

– Мен бир қизни севиб қолиб, уйланишимга имконият бўлсаю сизнингча нозарур...

– Севганингга уйланишингни сираям маслаҳат бермасдим.

– Нега энди, амакижон? Бу янги гап, ҳеч қачон эшитмагандим бундай маслаҳатни.

– Эшитмасанг эшитмабсан-да!

– Мен доимо севгисиз турмуш-турмуш эмас, деб ҳисоблаб келганман.

– Турмуш ўз йўлига, севги ўз йўлига, – деди Пётр Иванович.

– Унда уйланиш... маълум мақсад билан бўлар экан-да?

– Маълум мақсад билан, лекин ҳисоб-китоб билан эмас. Фақат у мақсад пулнигина назарда тутмаслиги лозим. Эркак зоти аёл билан яшаш учун яратилган; сен қандай бўлмасин, уйланишни кўзлайсан, аёллар орасидан муносибини ахтариб, танлайсан-да...

– Ахтариш, танлаш! – деди ҳайратга тушиб Александр.

– Ҳа, танлаш. Шунинг учун ҳам маслаҳатим; ошиқ бўлиб қолган пайтинг уланма. Севги ўткинчи нарса – бу маълум ҳақиқат.

– Ўтакетган ёлғон, бўҳтон айтганингиз.

– Ҳозир сени ишонтириш қийин; вақти келиб бунга ўзинг амин бўласан, энди манави гапларимни ёдингда тут: такрорлайманки, севги ўтади-кетади, ўшанда кўзингга мутлақо қусурсиз кўринган аёл бошдан-оёқ таъвиянинг таъвияси туюлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Афсуски, унда кеч бўлади. Севги пардаси сендан хотин бўлмишингга зарур бўлган фазилатларни тўсиб қўяди. Танлаганда бўлса, оғир-босиқ мулоҳаза юритиб, фалон ёки писмадон аёл сен хотин қилмоқчи бўлмиш аёлда кўрмоқчи бўлган фазилатларингга эгами йўқлиги хусусида бемалол баҳо берасан. Асосий ҳисоб-китоб мана шунда. Ўшандай аёлни топа билсанг, у сенга албатта ёқади, чунки у сенинг истакларингни қондира олади. Натижада аёл билан сенинг ўртангда яқин муносабат ўрнатилади, бинобарин кейин...

– Муҳаббат пайдо бўладими? – сўради Александр.

– Ҳа... кўникма пайдо бўлади.

– Хоҳиш-истаксиз, муҳаббат нафосатсиз, эҳтироссиз уйланиш, фикрлаш нега ва нима ҳожати бор!!!

– Хўш, сен бу ерга худди ўзинг-ўзингга «Нега?» деган савол бермай келганингдай фикр-мулоҳазасиз, сўраб-суриштирмай уйланаверган бўлармидинг?

– Демак, сиз ҳисоб-китоб билан уйланаар экансиз-да? – сўради Александр.

– Ҳа, ҳисоб-китоб билан, – тасдиқлади Пётр Иванович.

– Мақсад билан уйланиш нимаю ҳисоб-китоб билан уйланиш нима, барибир унда.

– Йўқ, ҳисоб-китоб билан уйланиш, пул учун уйланиш демак, бу эса пасткашлиқдир, аммо ҳисоб-китобсиз уйланиш кип-қизил тентаклик!.. Сенга келсак, ҳозир умуман уйланмай туришинг керак.

– Хўш, қачон уйланишим керак бўлмаса? Кексайганимдами? Бундайин аҳмокона ўрнақларга эргашмаганим бўлсин.

– Шу жумладан, менинг ўрнагимга ҳамми? Баракалла-е!

– Сизни айтмаяпман, амакижон, умуман, ҳамма тўғрисида гапиряпман. Тўй тўғрисида эшитиб, учрашгани борасан. Хўш, натижаси нима бўлади? Гўзал, навниҳол кизчани кўрасан. У қарийб кизалоқ хали, чаман-чаман ғунча очиш арафасидаги сеҳрли муҳаббатнинг шарпасинигина кутаётган бўлади, баногоҳ ўша кизалоқни кўғирчоқлари, энагаси, болаларча ўйинлари, рақсларидан махрум этишади. Фақат шугина бўлса баҳарнав-а. Кўпинча кизчанинг эҳтимол ўзиники бўлмаган қалбига нигоҳ ташлашмайди. Уни ясан-тусан кийинтиришиб, гуллар билан безашади. Қиз боёқишнинг кўз ёши, чехраси заъфаронлигига ҳам қарамай маҳкум қурбонлик каби судраб келтиришади – кимнинг қаршисига денг? Аксари бадбашара, ёшлик тароватини йўқотган қария ҳузурига. Ўша эркак кизчага шахвоний ҳирс билан тикилади ёки уни бошдан-оёқ совуқ назар билан кўздан кечириб чиқаркан, чамаси, ичида: «Сулув экансану, аммо каллангда муҳаббату гуллар орзуси, – ситиб чиқарганим бўлсин ўша бемаъни хаёлни, бу – тентаклик! Ҳузуримда хўрсиниб, орзуга берила кўрма, одамга ўхшаб тут ўзингни», – дейди, ёхуд ундан ҳам ёмони, кизнинг мулкига кўз олайтира бошлайди. Ундай эркакларнинг энг ёши камида ўттиз ёшли бўлади. Боши аксари ярғоқ, лекин бутми ёки бўлмаса юлдузча билан мукофотланган. Одамлар кизга қараб: «Ёшлигинг хазинаси, қалбинг илк бор муҳаббат дардида тепиши ҳам, дил розинг, боқишларинг ҳам, ширинсуханлигингдан тортиб, кизлик эркалатишларинггача бутун ҳаётинг шу кимсага аталган», – дейишади. Атрофда эса саф-саф ёш, кўҳлик,

муносиб қайлиқ бўлишга арзирли йигитлар тўлиб ётади. Улар қурбон бўлган бечора кизга суқланиб қараб: «Навкиронлигимиз, соғлигимизда путур кетиб, бошимизда сочимиз қолмагач, уйланамиз, ўшандагина бизга худди шундай дўндикқинаси насиб этади...» дея таъна қилишади. Даҳшат!..

– Ажабо, яхши эмас, Александр! Икки йилдан бери ижод қиласан-а, – деди Пётр Иванович, – тупроқ тўғрисида, картошка ва бошқа жиддий нарсалар тўғрисида ҳам қатъий услуб билан мухтасар ёзардинг, ҳозирги гапинг эса ҳамон куракда турмайди. Худо ҳақки, жазавага берилма ёки лоақал шу фалокат хуруж қилган пайтлар, яхшиси, индамай қўя қол, ўзингни тутсанг, бемаъни иш ҳам, гап ҳам қилмайсан, йўқса, албатта чувинг чиқади.

– Нега энди, амакижон, ахир шоирнинг фикри жазава пайти туғилади шекилли?

– Фикр қандай туғилиши номаълум менга, шуни биламанки, фикр миядан мутлақо тайёр ҳолда, яъни мулоҳаза қилиш орқали чиқади. Ўшандагина яхши бўлиши мумкин фикр. Хўш, сенингча, – давом этди Пётр Иванович пича сукут сақлагач, – ўша сохибжамолларни кимга бериш керак?

– Уларни севганларига, ҳали ёшлиқ тароватини йўқотмаган, ақли ва қалби ҳаётга эш, кўзларидан нур сўнмай, юзларидан кирмизи оҳор – саломатлик белгиси аримаганларга гўзал суюқлисини ҳаёт йўлидан қоксуяқ қўллари билан элтувчига эмас, умр йўлдошига қалби, тамоми муҳаббатини ҳадя этажак, унинг туйғусини англаб, ҳамдард бўлишга қодир кимсаларга бериш керак. Қачонки табиат қонуни...

– Бас! Яъни, ўзинг каби йигитларга берилиши лозим демоқчисан. Мабодо биз *далалар ва поёнсиз ўрмонлар ўртасида* яшасак, бу гапинг тўғри келарди, – ваҳоланки сенга ўхшаш йигитни уйлантириш, – кип-кизил ташвиш-ку! Сендайлар уйланишнинг биринчи йили эс-хушларини йўқотиб юришади, кейинроқ эса теварагига олазарак қараш ёки хотинининг чўрисиини худди ўзига кундош қилиш одатини чиқаради. Чунки сен айтган табиат қонуни ўзгариш, янгилик талаб этади – ажойиб тартиб! Қарабсанки, эрининг қилвирликларини пайқаб қолган хотин ҳам баногоҳ ясан-тусан, базмларга ружу қўйиб, айниқса киссанг пуч бўлса, бошингга... шундай кунлар солсинки! Эҳ-ҳе, айтаман десам гап кўп!

Пётр Иванович қаттиқ чақиб олди.

– «Мен уйланганман дейди, – давом этди у, – учта фарзандим бор, ёрдам беринглар, бола-чақамни боқишга қурбим етмайди, камбағалман...», камбағал эмиш! Қанчалар қабихлик! Йўқ, ўйлайман-ки, сен у тоифага ҳам, бошқасига ҳам кирмайсан.

– Мен бахтиёр эрлар, Наденька бўлса бахтли хотинлар тоифасига кирамиз, амакижон. Мен аксари уйланувчилар каби: «Ёшлик ўтди, ёлғизлик жонга тегди, энди уйланиш ҳам керак-да!» – дея ашула айтиб уйланмоқчи эмасман. Ундайлардан деб ўйламанг-а мени!

– Алахсираяпсан, азизим.

– Нега ундай дейсиз?

– Чунки сен ҳам бошқалар каби бир одамсан. Бошқаларни бўлса кўпдан бери биламан. Хўш, қани айт, нима учун уйланмоқчисан?

– Шу ҳам гап бўлди-ю! Наденька хотиним бўлади-ку! – хитоб қилди Александр қўллари билан юзини тўсиб.

– Хўп, нима қилибди? Ана, кўрдингми – ўзинг ҳам билмаяпсан.

– О! Қон қотиб қолиши мумкин бу гапни эшитганда! Мен уни қанчалар севишимни билмайсиз, амакижон! Мен ҳеч қачон, ҳеч ким севмагандай севаман, бутун қалбим билан, унга бари...

– Бундай аҳмоқона гапни такрорлагандан кўра мени сўққанинг ёки ҳамон пешонада бор экан, қучоқлаганинг маъқул эди! Қандай тилинг борди шундай дейишга? «ҳеч қачон, ҳеч ким севмагандай» эмиш-а!

Пётр Иванович кифтини қисди.

– Нима, мумкин эмасми бу?

– Нафсиламрига, сенинг муҳаббатингга қараб туриб, эҳтимол ҳатто мумкиндир, деган ҳаёлга боряпман, бундан ҳам аҳмоқона муҳаббат бўладими!

– Бироқ у бир йил сабр қилиш керак, ҳали ёшмиз, ўзимизни синашимиз лозим, деярти... бутун бир йил... ўшандан кейин...

– Бир йил! ҳа! тезроқ шундай демайсанми! – гапни бўлди Пётр Иванович, – қиз шундай таклиф қилдими? Ақлига балли-е! Ёши нечада?

– Ўн саккизда.

– Сен бўлсанг – йигирма учдасан: кечирасану, жиян, у сендан йигирма уч барабар ақллироқ экан. Назаримда, тушунчаси дуруст. Сен билан қўнгилхуши қилиб, нозланади, вақтини чоғ ўтказди, кейин... қизлар ичида оқилалари ҳам бор-да! Хўп, ана сен уйлан-

майсан. Мен, ишни енг учиди, пинхона бажармоқчисан шекилли, деб ўйлагандим. Сенинг ёшингда бундай тентакликлар халакит ҳам бергунча бўлмай чакқон бажарилгучийди. Ваҳоланки, бир йилдан кейин экан! Унгача қиз сени ҳали шунақаям лақиллатсинки...

– Лақиллатади, нозланади эмиш! Қизча-ку ҳали Наденька! Қўйинг-е, амакижон! Модомики дилингиз бунчалар шубҳага тўла экан, умр бўйи ким билан яшаб, ким билаи муроса қилгансизу кимни севгансиз ўзи?..

– Одамлар билан яшадим, аёлни севдим.

– Аёл лақиллатармиш! Ваҳоланки аёл зоти фаришта, у парвардигор илк бор буткул покиза ва мусаффо қилиб яратган беғуборлик тимсоли...

– Ҳарқалай аёл у, лақиллатиши ҳеч гап эмас.

– Шундан кейин мени ҳам найрангбозга чиқарарсиз ҳали?

– Ҳа, вақти келиб сен ҳам лақиллатасан ҳали.

– Мен лақиллатармишман! Таниш-билишларингизни истаганча гапиришингиз мумкин, лекин мени бунчалар муттаҳамга чиқаришга қандай тилингиз борди? Хўш, сизнингча, кимман мен?

– Одам!

– Ҳамма одам ҳам бир хил бўлмайди. Ахборотингиз учун мен уни астойдил, умрбод, чин юракдан севишга сўз берганман. Иста-сангиз, онт ичишим ҳам мумкин...

– Биладан, биладан! Яхши одам аёл қаршисида онт ичганида онтини самимий деб ўйлайди-да, кейин беихтиёр хиёнат қилади ёки совиб кетади. Бундан киши маълум бир мақсадни кўзламайди, мазкур қилмиш ярамаслик ҳам эмас, бу ишда айбдор ҳам бўлмайди: табиат шунчаки доимий севгини ато этмаган. Умрбод ва барқарор севги тарафдорлари ҳам худди муҳаббатнинг абадийлигига ишон-майдиганлар сингари иш тутишади, фақат улар буни сезишмайди ёки эътироф этишни хоҳлашмайди; биз, бундан юксакмиз, инсон эмас, фаришталармиз, дейишади улар – тентаклик!

– Нега энди, умрбод бир-бирларини севиб, доим бирга яшовчи ошиқ-маъшук эр-хотинлар ҳам бор-ку ахир?..

– Умрбод эмиш! Икки ҳафтагача ошиқ бўлиб юрган кишини кўнгил кўчасига кирган дейишади, икки, уч йил сева олган одамни доимий севги эгасига чиқаришади! Севги қандай яралганини тушу-на олсанг, унинг абадий эмаслигига ўзинг ҳам амин бўлардинг! Мазкур туйғунинг тезкор, жўшқин ва жонсарақлиги унинг даво-

мийлигига тўскинлик қилади. Ошиқ-маъшук жуфтлар умрбод бир-галикда яшашлари – барҳақ! Аммо умрбод севишармикан улар бир-бирларини? Илк севгидай севги иплари боғлаб турармикин уларни доимо? Дақиқа сайин бир-бирларини излаб, бир-бирларининг дийдорларига тўймасликлари ростмикин? Аввало кўнгил овлаш, бажонидил эътибор, бирга бўлиш иштиёқи, кўз ёшлар, сурур каби барча номаъқулчиликлар қаёққа йўқолади пировардида? Эркакларнинг совуқ ва лавангликлари хусусида мақоллар тўқилган. «Уларнинг ишқ-муҳаббати дўстликка айланади!» – дейди халқ: ҳа, муҳаббат эмас, дўстликкина холос! Хўш, қандай дўстлик у аслида? Эр билан хотинни муштарак манфаатлар, шарт-шароит, ягона тақдир боғлаб туради, бинобарин, бирга яшашади улар; акс ҳолда, ажрашишади-да, бошқа одамга кўнгил кўйишади, – бири олдинроқ, иккинчиси кейинроқ: хуллас, хиёнат рўй беради! Бирга яшовчилар эса кейинроқ, пинҳона айтсам сенга, севгига алоқаси йўқ кўнукма билан яшайверадилар. Беҳудага инсон феъли деб аташмаган. Акс ҳолда, инсонлар умрбод хижрон ёки яхши кўрган нарсаларидан маҳрум бўлиш дардида куйиш одатини ташлашмасди. Ҳарқалай, инсон боласи овунчоқ топа олишга мойил. Умрбод, абадий эмиш!.. Тушунмай айюҳаннос солишларига бало борми.

– Ўз бутоғингизга болта урмаётганмикинсиз бу гапларингиз билан, амакижон? Бундан чиқди, қайлиғингиз ҳам... кечирасизу... лакиллатаркан-да, сизни?..

– Унчалик эмасдир-ов...

– Қанчалар худбинлик!

– Бу худбинлик эмас, ҳисоб-китоб.

– Яна ҳисоб-китоб!

– Хўп, хоҳласанг мулоҳаза қилиш бўла қолсин.

– Бордию, қайлиғингиз бирортасини севиб қолса-чи?

– Бунгача йўл қўймаслик керак; мабодо иш шунгача бориб етганда ҳам усталик билан юмшатиш мумкин.

– Нечук имкони бўлса? Наҳотки имкониятингиз...

– Жудаям-да.

– У ҳолда барча алданган эркаклар, – деди Александр, – агар иложини топишса...

– Ҳамма эркаклар бир хил эмас, азизим. Айримлар ўз хотинлари билан умуман ишлари йўқ, хотинларининг теварагида нима гап борлигига аҳамият беришмайди, билишни ҳам хоҳлашмайди;

бошқалар орият важидангина билишни хоҳлашади-ю, аммо улар чорасиз, иложлари йўқ.

– Хўш, ўзингиз нима қилмоқчисиз?

– Уёғи сир; сенга тушунтириш қийин буни: жазаванг тутиб турибди.

– Худога шукурки, ҳозир бағоят бахтиёрман; келгусида эса нима бўлиши билан, ишим йўқ.

– Дастлабки жумлаларинг дуруст, бу сўзларни ошиқ бўлмаган одам ҳам айтиши мумкин: сабаби, аввалдаги сўзларинг мавжуд нарсадан фойдалана билишликни исботлайди; қолган гапинг, кечирасану бир пулга қиммат. «Келгусида эса нима бўлиши билан ишим йўқ», яъни кечаги нарса ҳақида ўйлашни ҳам хоҳламайсан, фикр юритиб, ўйлаб ўтиргинг йўқ, фалонга ҳозирланмайману писмадондан эҳтиёт бўлмайман. Бориға барака! Қани, ўзинг айт нима деб аташ мумкин буни?

– Сизнингча қандай, амакижон? Фароғат лахзалари келадию уни заррабиндан караб кузатиш керакдир балки...

– Йўқ, хурсандчиликдан ҳовлиқишу иттифоқо эсанкираб, барчанинг бўйнига осилавермаслик учун кичрайтиргич ойна зарур бўлади.

– Ёки ҳасрат дақиқалари пайти, – давом этди Александр, – мазкур онларни кичрайтиргич ойнангиз ёрдамида кузатиш лозимдир эҳтимол?

– Асло, ҳасратни заррабинда кузатган маъқул, негаки, бори-ча кўрганга нисбатан уни икки баравар ортиқ яққолликда кўрилса енгилроқ кўчади.

– Нега энди, – бўш келмади Александр куюниб, – қоникмаган жами илк қувончимни лоқайд мулоҳаза билан босиб, рўй бермиш хиёнатни ўткинчи, дея кутмоғим лозим эмасми? Нега энди ҳали ўзи йўқ ғамдан барвақт изтироб чекишим зарур экан?

– Шунинг учун зарурки, – гапни бўлди амаки, – вақти билан ўшандай қарорга келасану менинг ўзим фалон-фалон пайтларда ва бошқалар ҳам фориг бўлишганлари каби қутуласан-кўясан ғамташвишдан. Ўйлашимча, дурусти ва эътирофга лойиғи шу; ўшанда изтироб чекишингга ҳожат қолмайди, барча ҳаёт имкониятлари турғун эмаслигини англаб етасан; дунёдаги энг босиқ ва хотиржам одамга айланасан.

– Хотиржамлигингиз сири буюқда экан-да ҳали! – деди ўйчан киёфада Александр.

Пётр Иванич индамай ёзишда давом этди.

– Шу ҳам ҳаёт бўлди-ю! – яна гап бошлади Александр, – хордиксиз ўйлашу бош қотириш... Йўқ, сезишимча, бундай эмас. Мен сизнинг совуққон тахлилингизсиз, келгусида кулфат, хатар кутяптими ёки йўқми, ўйлаб ўтирмай, парвойи фалак яшашни хоҳлайман!.. Олдиндан бош қотириб, жонимни койитиш зарур келибдими...

– Мен омади гапни айтсам, у ўз билганидан қолмайди-я! Сен тўғрингда бўлмағур хулоса чиқаришимга мажбур этмасанг-чи. Айтдим-ку, ахир, хатар, тўғанок, кулфатни олдиндан билсанг, уларга қарши курашиш ёки ҳазм қилиш енгил кўчади, ақлдан ҳам озмайсан, ўлиб ҳам қолмайсан. Хурсандчиликка эришганингда бўлса беўхшов ирғишлаб номаъкулчиликлар қилмайсан, тушундингми? Айтиб турибман: илк кадам мана бундай бўлади, кўзингни оч, шунга қараб оқибатини ўйла деб. У бўлса кўзларини юмиб, худди бирор алвасти қўрқитгандай бошини тебратади, гўдаклик қилади. Сенингча, амал-тақал кун ўтса бас, кулбанг остонасида ўтириб олиб, ҳаётни еб-ичиш, ўйин-кулги-ю, муҳаббат, бузилмас дўстликдан иборат деб ўйлайсан. Олма пиш, оғзимга туш-да! Олдин ҳам айтгандим, сенинг мулоҳазаларинг билан қишлоқдаги хотину жўжабирдай бола-чақа ёнида ўтирсанггина дуруст, бу ерда бўлса иш қилиш керак. Бунинг учун доимо бош қотиришинг ва эртага нима қилиш кераклигини билиш учун кечаги юмушинг, бугунги фаолиятингни ёдда тутишинг лозим, яъни ўзингни ҳамда касб-корингни узлуксиз текшириб яшашинг зарур. Шундагина бирор нафли нарсага эришишимиз мумкин; бунингсиз... жон куйдириб ўтирмасам ҳам бўларди асти сенга. Жавадасан ҳозир. Оббо! Ҳадемай соат бир бўлади. Бошқа нарса дема, Александр; борақол... эшитиб ҳам ўтирмайман энди; эртага меникига тушликка кел, баъзи одамлар келишади.

– Дўстларингизми?

– Ҳа, Конев, Смирнов, Фёдоров – уларни танийсан, тагин баъзи бирлар...

– Конев, Смирнов, Фёдоров! Анави ишингиз тушиб турадиганлар-да?

– Ҳа-да; ҳаммаси керакли одамлар.

– Дўстларингизми ҳали улар? Тўғриси айтсам, бирорта одамни алоҳида иззат-икром билан кутиб олганингизни кўрмаганман.

– Сенга олдин ҳам айтганман-ку, мен билан тез-тез кўришиб турувчи, ё нафи бор, ёки кўнглимни топувчи одамларнигина дўст ҳисоблайман. Бўлмасам-чи! Текин едириб-ичириш зарур келибдими?

– Мен тўй олдидан чинакам яхши кўрган ҳақиқий дўстларингиз билан хайрлашмоқчи, қадаҳ устида сўнгги бор хуррам ёшликни эслаб, видолашувда уларни бағрингизга маҳкам боссангиз керак деб ўйловдим.

– Сенинг бу гапларингда ҳаётда бўлмаган ёки бўлиши ҳам мумкин бўлмаган нарса бор. Келиннинг қанчалар бўйнингга хайратда ташланган бўларди-я! Ростданам гапларингда оддийгина дўстлар дейиш ўрнига *ҳақиқий дўстлар* жумлалари ҳам қадаҳу, ваҳоланки, бокал ва стаканларда ичишади, *қучоқлашиб видолашув*, ваҳоланки видолашувнинг ўзи йўқ ҳали, сўзлари ҳам ишлатилди. Оҳ, Александр!

– Ўша дўстларингиздан ажрашиш ёки лоақал улар билан кам учрашадиган бўлиб қолишингизга ачинмайсизми? – сўради Александр.

– Йўқ! Мен ҳеч қачон, ҳеч ким билан кейинчалик, ажрашганда ачинадиган даражада яқин бўлмаганман, сенга ҳам маслаҳатим шу.

– Аммо эҳтимол ўша одамлар бошқачадирлар: балки улар сиз каби олижаноб ўртоқ, суҳбатдошдан ажралиб қолишларига ачинисар?

– Бу уларнинг иши, менинг ишим эмас. Мен ҳам ўшандай ўртоқлардан бир неча марта ажраб қолганман, мана, бундан ўлиб қолганим йўқ. Хўш, эртага кирасанми меникига?

– Мен эртага, амакижон...

– Нима?

– Чорбоққа таклиф этилганман.

– Тўғрироғи, Любецкийлар чорбоғигами? Шундоқми! Майли, ихтиёринг. Иш ёдингдан чиқмасин, Александр. Мухаррирга нима билан машғуллигингни айтаман...

– Вой, амакижон-ей, қўйсангиз-чи! Немис иқтисодчиларидан кўчирма қилишни албатта охирига етказаман...

– Аввал бошлачи уни. Шу ёдингда бўлсинки, *ярамас металл*ни сўрай кўрма, йўқса, кўп ўтмай *фароғат қулига* айланиб қоласан.

IV

Александрнинг ҳаёти иккига бўлинганди. Эрталаблари буткул хизмат билан банд бўларди. Чанг босган папкаларни кавлаштириб, унга асли дахлсиз шарт-шароитлар хусусида бош қотирар, ўзига тегмайдиган миллионлаб пулларни қоғозда санарди. Аммо гоҳо калласи бошқалар учун ишламай кўйиб, кўлидан қалам тушиб кетар, вужудини Пётр Иванич ёқтирмайдиган ўша *фароғат истаги* чулғаб оларди.

Шунда Александр ўзини курси суянчиғига ташлаб, хаёлан роҳатбахш, осойишта, қоғозлар ҳам, сиёҳ ҳам, ғалати башаралар ҳам, вицмундирлар ҳам йўқ, хотиржамлик, ҳаловату сокин ҳаво хукмрон маскан, гуллар мушк уфуриб турган, шинам ороланиб фортепиано куйи янграйдиган кафасда тўтикуш сакрамиш зал, қайин бутуқларию сирень буталари чайқалаётган боғ сари парвоз этарди. Шуларнинг маликаси ўша киз...

Александр эрталаб департаментда ўтирган кўйи фикран Любецкийлар чорбоғидаги ороллардан бирида кезди, кечкурун эса у ердан ростдан ҳам соҳибжамоли билан ҳозир бўлди. Қани, унинг сайр-томошасига аста бир назар ташлайлик-чи.

Петербургнинг камдан-кам бўладиган жазирама кунларидан бири эди: куёш далаларни яшнатиб юборган, аммо унинг нурлари Петербург кўчалари гранитини қиздиргандан-қиздириб, забтига олган тошларда акс этиб, ҳаммани лоҳас қиларди. Одамлар бошларини эгганча, оёқларини судраб босишар, итларнинг тили шалвираб тушганди. Шаҳар гўё сеҳргар амри билан жами жонзот қарахтлашган афсонавий шаҳарлардан бирига ўхшаб қолганди. Тош йўлларда извошларнинг ғилдираги тарақламасди, маркизлар ёпиб қўйган деразалар юмук кўзни эслатарди; заранг кўчалар паркетдай ялт-юлт товланарди; йўлкаларга иссиқдан оёқ босиб бўлмасди. Ҳаммаёқ дим, қарахт.

Пастда бир ўткинчи юзидаги терни артиб, салқин жой ахтармоқда. Олти нафар йўловчи ўтирган баҳайбат карета енгил чанг кўтарганча, шаҳар ташқариси сари судралиб кетяпти. Соат тўртда хизматчилар хизматни тугатиб, аста уйлари томон йўналишди.

Александр уй шифти кулаб тушгандай, кўчага отилдию соати-га қаради. Кечикибди. Тамаддига улгура олмайди. У ресторатор ҳузурига югурди.

– Нимангиз бор? Тезрок келтиринг!

– Juliienne шўрва билан a la reine; a la provensale, a la maitre. di hotel¹ қайласи, янги тустовук ковордоғи, парранда гўшти, суфле пирожноеси.

– Бўпти, a la provensale шўрва, julienne қайласи билан суфле ковордоғидан келтиринг, фақат тезрок!

Хизматкор унга қараб қолди.

– Нега қараб турибсиз? – деди Александр тоқатсизланиб. Хизматкор югуриб бориб, кўлига илинган таомни келтирди.

Адуев жудаям хурсанд бўлди. У қолган таомларни кутиб ўтирмай, Нева соҳилига ошиқди. У ерда Александрни икки эш-какчиси бор қайиқ кутиб турарди.

Бир соатдан сўнг у азиз масканни илғаб, қайиқда тик турганича узоқ-узоқларга тикилди. Олдинига дахшат ва хавотирдан кўз олди қоронғилашди, сўнгра бунинг ўрнини шубҳа эгаллади. Кейин туйкус чехраси офтобдан ёришгандай қувончдан ёришиб кетди. Кўзи чорбоғ панжараси ёнида таниш кўйлакка тушиб қолди, ана, у ердагилар йигитни таниб, рўмолча силкитишди. Анчадан бери кутаётган бўлишса керак. Александр тоқатсизланиб, қаттиқ безовталана бошлади.

«Эҳ! Қанийди сув юзида юриш мумкин бўлса! – ўйларди, – қаёқдаги бемаъни нарсаларни ихтиро этишадию шунга ҳам ақллари етмайди-я!»

Эшкакчилар аста, бир меъёрда, машина каби эшкак эшишади. Уларнинг офтоб қорайтирган юзларидан тинимсиз тер окади, Александрнинг ичи ёнаётгани, унинг бир нуктага тикилганча, фаромуш дам ўнг, дам чап оёғини қайиқ девори оша кўтараётгани билан уларнинг ишлари йўқ, ҳамон парвосиз эшкак эшганларича гоҳо-гоҳо енглари билан юзларини артиб кўйишади.

– Тезрок! Ароққа эллик тийин бераман, – деди Александр. Шундан кейин эшкакчиларнинг илдам ҳаракатга тушиб, уларга жон кирганини бир кўрсангиз эди! Чарчоқлари қаёққа йўқолди? Қаердан куч олишдийкин? Эшкаклар сувда зум сайин кўтарилиб туша бошлади. Қайиқ ўқдай олға интиларди. Ўн мартача эшкак эшилгач, қайиқ ярим доира чизган кўйи вазмин силкина-силкина қирғоққа бориб тақалди. Александр билан Наденька узоқданок

¹ Тушлик таомларнинг французча атамаси.

жилмайишар, бир-бирлардан нигоҳ узишмасди. Адуев бир оёғини курукликка эмас, сувга ташлаганди, Наденька кулиб юборди.

– Секинроқ, барин, шошмай туринг, ҳозир кўлимни узатаман, – деди эшкакчилардан бири Александр аллақачон қирғокқа чиқиб олганда.

– Шу ерда мени кутиб туринглар.

Адуев уларга шундай деди-да, ўзи Наденька томон югуриб кетди.

Қиз узоқдан Александрга майин жилмайиб турарди. Қайик қирғокқа яқинлашган сари, қизнинг ҳам кўкси тез-тез кўтарилиб тушарди.

– Надежда Александровна!.. – деди Адуев қувончдан нафаси бўғзига тикилиб.

– Александр Фёдорич! – жавобан хитоб қилди қиз ҳам. Улар беихтиёр бир-бирларига отилишди, бироқ бир-бирларига нам кўзларида табассум билан тикилганларича ҳеч нарса дея олмай тўхтаб қолишди. Шу зайлда орадан бир неча дақиқа кечди.

Наденькани бир кўришда пайқамаганлиги учун Пётр Ивановичга айб қўйиб бўлмас эди. Қиз жуда гўзал эмас ва бир кўришда диққатни ўзига жалб ҳам қилмас эди.

Бироқ шундай бўлса-да, ким унга диққат билан тикилса, кўзини ололмай қоларди. Қизнинг қиёфаси камдан-кам бирон дақиқа сокин турарди. Унинг фикр ва камоли таъсирчан, инжиқ кайфияти ҳамиша ўзгариб турар, ҳис-туйғулари ажиб бирлашиб, қиёфасида дам-бадам ногаҳоний янги ифода акс эттирарди. Масалан, баногоҳ кўзлари чакмоқ янглиғ ёлқин сачратгач, шу заҳоти яна қайта узун киприклари остига яширинарди, шунда Наденьканинг юзи жонсиздай лоқайд тус олар, худди мрамор ҳайкалга ўхшаб қоларди. Сўнг бу кўзлардан ёлқинни кўраман десанг-чи – асло! Киприклар аста, шошилмай кўтариларкан, қиз нигоҳи булут остидан қалқиб чиққан ой каби маъсум боқа бошлайди. Бу қарашдан юраклар така-пука бўлиб кетиши турган гап. Қизнинг қадам ташлашлари соллона-соллона, назокатли бўлиб, лекин Сильфида назокатидан ўзгача эди. Табиат ҳар бир кимсага ато этганидай, қизнинг бу назокатида ҳуркаклик, чўрткесарлик кўп бўлиб, вақти келиб бу жиҳатларни юмшатиш ўрнига санъат охиригача тортиб олади. Айнан шу нарса кўпинча Наденьканинг юриш-туришида акс этарди. Қиз гоҳо бирор жойга латофат-ла чўкарди-да, бироқ дарҳол, худо

билсин, қандайдир ички куч таъсири билан бу назокатли манзара ўзгарар, унинг ўрнини тагин одатдагидай кайфият эгалларди. Гап орасида Наденька тўсатдан ўша одатдагидай тусга кирар, дам тўғри фикр юритиб, дам орзу қанотида парвоз этаркан, кескин ҳукм чиқариб қолар, сўнгра эса бирор ножўялик ёки беозор шумлик қилиб қўярди. Буларнинг бари Наденьканинг ақлан зукколиги, қалбининг тийиксиз ҳамда беқарорлигидан дарак берарди. Нафақат Александр, ҳатто бошқалар ҳам қиз қаршисида ром эдилар. Ёлғиз Пётр Иваничгина парвосига келтирмасди: кўпмикин бундайлар?

– Мени кутаётган экансиз-да! Ё раб, нақадар бахтиёрман! – деди Александр.

– Кутаётгандим? Хаёлимда ҳам йўқ эди! – жавоб қайтарди Наденька бош чайқаб, – биласиз-ку, ҳамиша боғда юраман.

– Хафа бўлдингизми? – сўради йигит ийманиб.

– Нега энди? Топган гапингизни-чи!

– Майли, унда қўлингизни узатинг.

Наденька қўл узатди, бироқ эндигина йигитнинг бармоқлари кафтига теккан ҳам эдики, у шартта қўлини тортиб олди-ю, бирдан чехраси ўзгарди. Юзидаги табассум ўрнини қандайдир ўкинчга ўхшаш ифода эгаллади.

– Ичаётганингиз сутми? – сўради йигит.

Наденьканинг қўлида чашка билан қоқ нон бўлаги бор эди.

– Тушлик қияпман, – жавоб қайтарди қиз.

– Соат олтида тушлик қилиш, яна сут ичиб-а!

– Амакингизникидаги тўйимли тушликдан кейин сут ғалати туюляпти албатта, шундайми? Биз кишлоқда шундай, жўнгина овқатланамиз.

Наденька лабларини чиройли қимирлатиб, курак тиши билан қотирилган нондан тишлаб, сутдан ҳўплади.

– Амакимникида тушлик қилганим йўқ. Кеча кирмайман дегандим, – жавоб қайтарди Адуев.

– Йигитлар шунақа шармсиз бўлишади ўзи! Нега ёлғон гапиряпсиз? Шу пайтгача қаерда эдингиз?

– Бугун ишхонада соат тўртгача ушланиб қолдим...

– Ҳозир соат олти бўлди. Тўғриси, лаззатли таом, суҳбати жонон одамларни қўзингиз қиймаган, тан олаверинг? У ерда вақтингизни хушчақчақ ўтказган бўлсангиз керак.

– Чин сўзим, амакимникига кирганим йўк... – зўр бериб ўзини оқлай кетди Александр. – Ахир, кирганимда хузурингизга ҳозир етиб келолармидим?

– Ажабо! Вақтли келганингизми ҳали бу? Яна икки соат кечика қолинг эди! – Наденька шундай дея шартта йигитдан тескари ўгирилиб, йўлакдан уй томонга йўналди. Александр ҳам унга эргашди.

– Яқинлашманг, якин келманг менга, – деди киз қўл силкиб, – кўргани кўзим йўк сизни.

– Ҳазил ҳам эви билан-да, Надежда Александровна!

– Ҳазиллашишга хушим борми, хўш, айтинг, шу пайтгача қаёқда қолиб кетдингиз?

– Департаментдан соат тўртда чиқдим, – изох беришга киришди Адуев, – бу ергача бир соат...

– Унда соат беш бўларди, ҳозир, мана, олти. Яна бир соат каерларда юрувдингиз? Кўрдингизми гапларингиз кип-қизил ёлғон!

– Ресторатор қўлидан наридан-бери тамадди килдим...

– Наридан-бери эмиш! Бир соатгина! – кесатди киз, – вой, бечора-ей! Очикқандирсиз ҳам ҳойнаҳой? Сут ичарсиз балки?

– О, беринг, беринг ўша чашкани менга... – қўл узатди Александр ноилож.

Аммо Наденька баногоҳ узатаётган қўлини тортиб, Александрга аҳамият ҳам бермай, чашкани ағдарди-да, сўнгги сут томчиларининг кумга томишини марок билан кузата бошлади.

– Нақадар шафқатсизлик! Нега бунча қийнайсиз мени? – деди Александр.

– Қаранг, қаранг, Александр Фёдорич! – гапни бўлди Наденька ҳамон қўлидан чашкани қўймай, – анави ўрмалаётган қўнғизга томчи томармикин? Вой, томди! Бечора! Ҳозир ўлади-ку! – деди у, кейин авайлабгина хашаротни кафтига қўйиб, пуф-пуфлай бошлади.

– Сизга қўнғиз бўлса бас! – деди йигит жиғибийрони ошиб.

– Бечорагина! Қаранг: ҳозир ўлади, – деди Наденька қайгуриб, – нима қилиб қўйдим?

Қиз хийла вақт қўнғизни кафтида кўтариб турди, кейин хашарот жонланиб, нари-бери ўрмалай бошлагач, у сесканиб тушиб, уни шартта ерга улоқтирди-да, оёғи билан эзғиларкан: «Вой ярамас газанда-ей!» – деди.

– Хўш, каерда эдингиз? – сўради сўнгра яна.

– Айтдим-ку, ахир...

– Э, ха! Амакингизникида эдингиз-а! Мехмонлар кўп бўлди-ми? Шампанское ичдингизми? Шу ерданок сезиб турибман шампанское хидини.

– Амакимникига кирганим йўқ деяпман-ку, ахир! – гапни бўлди Александр хуноби ошиб. – Ким айтди сизга?

– Ўзингиз айтдингиз-ку.

– У ерда эндигина дастурхон атрофига ўтираётган бўлишса керак. Уларнинг қандай тушлик қилишларини билмас экансиз: бир соатдаёқ тугармиди ундай зиёфат?

– Сиз икки марта тушлик қилгансиз, бешда бошланганида ҳам, олтида бошланганида ҳам.

– Хўш, унда буёққа қачон йўлга тушган эканман?

Қиз ҳеч нарса демай, шартта бўй чўзиб, акация бутогидан синдирди-да, йўлак бўйлаб юриб кетди. Адуев қиз ортидан қолмасди.

– Йўл бўлсин? – сўради йигит.

– Қаёққа дейсизми? Қаёққа бўларди? Ажаб бўпти! Ойимнинг олдида.

– Нима кераги бор, ойингизни безовта қилиб қўйишимиз мумкин.

– Майли, ҳечқиси йўқ.

Надежда Александровнанинг волидаси Марья Михайловна меҳрибон ва ройиш оналардан бири бўлиб, фарзанди нима қилса, шуни маъқуллайвергучийди. Масалан, Марья Михайловна извош ҳозирлашни илтимос қилди дейлик.

– Нега энди, ойижон? – сўрайди Наденька.

– Сайрга чиқамиз: бугун об-ҳаво шундай ажойибки, – жавоб қайтаради она.

– Қандай бўларкин, Александр Фёдорич келмоқчи эди-я. – Шу билан извош ҳозирлаш қолдирилади.

Бошқа сафар Марья Михайловна одатдагидай шарф тўқишга ўтириб, хўрсинганча тамаки хидлашу суяк игна саралаш ёки француз романи мутулаасига киришади.

– Мамап, нега кийинмаяпсиз? – сўрайди Наденька қовоқ уюб.

– Ҳа-я, қаёққа бормоқчийдик?

– Айлангани чикмоқчийдик-ку.

– Айлангани?

– Ҳа, Александр Фёдорич бизни олиб кетгани келади. Эсингиздан чиқибди-да!

– Билмай қолибман.

– Билмай қолибманингиз нимаси! – дейди Наденька жажли чиқиб.

Она шарфини ҳам, китобни ҳам йиғиштириб, кийинишга шайланади. Шу зайл Наденька эркин ҳуқуққа эга бўлиб, ўзининг, онасининг вақтини билганича тақсимларди. Аслида, Наденька меҳрибон ва нозиктаб қиз эди, уни итоаткор деб бўлмасди, чунки Наденька эмас, онаси унинг гапига кирарди; дейиш мумкинки, она эмас, қиз итоаткор онага эга эди.

– Ойимнинг ёнига кираверинг, – деди Наденька улар зал остонасига яқинлашишганда.

– Сиз-чи?

– Мен кейинроқ кира қоларман.

– Унда мен ҳам кейинроқ кираман.

– Йўқ, сиз олдинроқ кираверинг.

Александр остона ҳатладию, шу заҳоти ортига тисарилди.

– Ойингиз креслода мудраб ўтирибдилар, – деди у шивирлаб.

– Ҳечқиси йўқ, қани, юринг. Маман, ҳой маман!

– А?

– Александр Фёдорич келди.

– А!

– Мг. Адуев кўрмоқчи сизни.

– А!

– Кўрдингизми, каттиқ ухляптилар, уйғота кўрманг! – тўхтатди Александр.

– Йўқ, уйғотаман. Маман!

– А!

– Уйғонсангиз-чи, Александр Фёдорич келди ахир.

– Қани Александр Фёдорич? – сўради Марья Михайловна йигитга тик қарар экан, қийшайиб кетган чепчигини тўғрилаб. – Вой! Бу сизмисиз, Александр Фёдорич? Ҳуш келибсиз! Қаранг, ўтирибману кўзим илиниб қолибди-я, об-ҳаводан бўлса керак. Негадир қадоғим ҳам оғрий бошляпти – ёмғир ёғади-ёв. Кўзим илинди-ю, тушимда Игнатий, меҳмонлар келди, деяётганмиш, фақат меҳмонлар кимлигини англолмадим. Келишди деганларини эшитсам ҳам, аммо кимлар келганини илғолмасмишман. Шу пайт Наденька чақириб

қолиб, дарров уйғониб кетдим. Уйқум куш уйкуси ўзи. Бирор нарса сал ғижирласаям дарҳол уйғонаман. Қани, ўтиринг, Александр Фёдорич, эсон-омонмисиз?

– Куллуқ.

– Пётр Иваничнинг тан-жонлари соғми?

– Шукур, раҳмат.

– Нега кирмай қўйдилар бизникига? Кечагина эслагандим нега бирровгина хабар олмай қўйдилар деб. Жуда банд бўлса керак-да?

– Жудаям бандлар, – деди Александр.

– Сиз ҳам икки кундан бери кўринмаяпсиз! – давом этди Марья Михайловна. – Ҳув боя уйғониб, Наденькани суриштирдим. Ухлаяпти ҳали, дейишди. Майли, ухласа ухласин, дейсан, кун бўйи очик ҳавода – боғда юрди, ҳаво ажойиб, чарчагандир. Унинг ёшида уйку қаттиқ бўлади, мени эса асти сўраманг: уйкумнинг ҳеч тайини йўқ. Ҳатто зерикиб кетаман: асабданмикин, қайдам, билмадим. Тўшагимга қаҳва келтириб беришди денг! Қаҳвани доим ётган жойимда ичаману: «Нега Александр Фёдорич кўринмай қолди? Тани жони соғмикин?» – дея ўйлайман. Кейин ўрнимдан туриб қарасам, соат ўндан ошиб кетибди – узр! Хизматкорларим уйғотай ҳам дейишмабди! Наденьканинг ёнига келсам, у ҳалиям уйғонмабди. Уйғотдим. «Тура қол, пошшагинам, ҳадемай соат ўн икки бўлади-я, тан-жонинг соғми ўзи?» Кун бўйи оқсочдай орасидан паҳ-пахлаб юргандим-да. Бегоналар бўлмасин учун тарбиячисига ҳали жўрттага жавоб бериб юборганман. Бегоналарга ишонсанг, нималар қилишмайди улар. Йўқ! Қизимнинг тарбиясини ўз қўлимга олганман. У қаттиқ назоратим остида. Ўзимдан бир қадам ҳам нари узоклаштирмайман, билишимча, буни Наденьканинг ўзи ҳам сезади, мендан ҳеч нарсани сир сақлай олмайди қизим. Бутун ўй-хаёлини кўзгудагидай кўриб тураман... Шу пайт оқсоч келиб қолса денг, у билан бир соат қаймоқлашдик; кейин «*Memorias du diable*»¹ ... ни ўқидим... Вой, бунчаям яхши ёзувчи бўлмаса-я Сулье! Бирам ажойиб ёзадики! Кейин, қарасам, қўшним Марья Ивановна эри билан кириб келишди: вақтим қандай ўтганини сезмабман, соат учдан ошиб, тушлик пайти бўлганди!.. Э, ҳа, қани, айтинг, нечук тушликка келмадингиз? Сизни соат бешгача кутдик.

¹ «Иблиснинг хотиралари» (французча). Француз адаби Ф. Сульенинг (1801)–1047) авантюристтик романи.

– Соат бешгача дейсизми? – сўради Александр. – Ҳеч иложи бўлмади, Марья Михайловна, хизматда ушланиб қолдим. Сиздан илтимос, мени соат тўртдан кейин сира кутиб ўтирманглар.

– Мен ҳам шундай дегандим, манави Наденька-да, нукул: «Кутиш керак», дейди денг.

– Менмишман! Қўйсангиз-чи, татап! Менмасми «Тушлик қиладиган пайт бўлди» деган! Сиз бўлсангиз: «Йўқ, кута тура қолайлик, Александр Фёдорич анчадан бери бўлмаган бизникида, албатта тушликка етиб келади», деявердингиз-ку.

– Қаранглар, уни қаранглар! – ҳайратдан бош чайкади Марья Михайловна, – вой, алдоқчи-ей! Ўзининг айбини менга тўнкаб ўтирибди-я!

Наденька шартта тескари ўгирилиб, гулзор томон йўналди ва тўтиқуш билан ўйнаша бошлади...

– Мен: «Ҳозир Александр Фёдорич қаёқда бўлиши мумкин?» – дедим, – давом этди Марья Михайловна, – соат тўрт ярим бўлди-ку». – «Йўқ, татап, кутиш керак, у келади», – туриб олди Наденька Қарасам, соат чоракам бўлибди. «Ихтиёринг, Наденька, – дедам мен, – Александр Фёдорич зиёфатдалиги аниқ, келмайди, менинг қорним очди». – «Йўқ, яна соат бешгача кутиш керак». Шу кўйи роса силламни қуритди у. Хўш, тўғрими, ойимқиз?

– Тўтижон, тўтижон! Хўш, айт қани, бугун қаерда тушлик қилдинг, амакингникидами? – деган овоз янгради гулзор ортидан.

– Нима? Бекиниб олибсан-да! – деди она. – Очиққа чиққани бетинг чидамаяпти шекилли!

– Сираям-да, – жавоб қайтарди Наденька гуллар орасидан чиқиб келаркан, дераза тагига ўтириб.

– Барибир дастурхон атрофига ўтирмади, вассалом! – деди Марья Михайловна, – бир чашка сут беришларини илтимос қилиб, бокқа кетди-да, тушлик қилмади. Нима? Қани, кўзимга қара-чи, ойимқиз.

Бу гапларни эшитган Александр ханг-манг бўлиб қолди. У Наденькага қараганди, қиз йигитдан тескари ўтирилганча, чирмовук япроғини эзғилай бошлади.

– Надежда Александровна! – деди Адуев, – наҳотки мен тўғримда ўйлаб, шунчалар бахтиёр этган бўлсангиз бир бечорани?

– Яқинлаша кўрманг менга! – қичқириб юборди Наденька азбаройи муғамбирлиги ҳам эсидан чиқиб. – Ойим ҳазиллашса ишонапсиз-а!

– Александр Фёдоричга терилган мева қани? – сўради она.
– Мева?
– Ҳа, мева.
– Тушликда едингиз-ку... – жавоб қайтарди Надёнька.
– Ана холос! Эсингни йиғ, пошшагинам, бекитиб қўйиб, менга ҳам бермовдинг. «Александр Фёдорич келсин, кейин сизга ҳам бераман», девдинг. Шундайми?

Александр Наденькага майин, маъноли нигоҳ ташлади, қиз хижолатдан кип-қизариб кетди.

– Ўзи тозаловди, Александр Фёдорич, – қўшиб қўйди она.

– Нега қаёқдаги гапларни тўқияпсиз, татам? Мевадан иккитани учтасини тозалаб, уни ҳам ўзимми, Василисами едик шекилли...

– Ишонманг, Александр Фёдорич, ишонманг: Василиса эрталабоқ шаҳарга жўнатилган. Бекитишнинг нима кераги бор, Александр Фёдоричга мевани Василиса эмас, сен тозалаганинг ёқади.

Наденька жилмайди-да, тагин гулзор орасида ғойиб бўлиб, у ердан ликопча тўла мева кўтариб чиқди. Қизнинг қўлини ўпган йигит меваларни маршал нишони янглиғ қабул қилиб олди.

– Бунча узок куттиришга арзимаيسиз асти! – деди Наденька, – панжара ёнида нақ икки соат турсам-а! Тасаввур қилинг-а! Кимдир келаётгандай бўлди, уни сиз деб ўйлаб, дурра силкитдим, қарасам, қандайдир бегона, ҳарбий одам экан Шилким экан, у ҳам қўлини силкитди...

Кечқурун меҳмонлар келиб-кета бошлашди. Қош қорайди. Тагин Любецкийлар билан Адуев учовлон қолишди. Аста-секин улар ҳам диққат бўла бошлашди.

Наденька боққа кириб кетди. Марья Михайловна билан Адуев нохуш суҳбатга киришишди: аёл йигитга кеча нима қилгани-ю, бугун нима бажаргани, эртага қандай юмуши борлиги хусусида узок минғирлади. Александрнинг юраги сиқилиб, тоқатсизлана бошлади. Қоронғи жадаллик билан қуюқлашяпти-ю, у Наденькага холи қолиб бир оғиз ҳам гапиролмаса-я. Яхшиямки, ошпаз бор экан: у кечки таом учун нима ҳозирлашни сўраш учун келганди, Адуев тоқатсизланиб, боя қайиқдалигидан ҳам баттар хуноби ошиб кетди. Қийма дўлма, қатик ҳақида сўз очилиши ҳамоно Александр жўрттага ўзини лоҳасликка олди. У Марья Михайловнанинг креслосидан нари жилиш учун кўрсатмаган хунари колмади-ёв!

Олдин деразага якинлашиб, ховлига нигоҳ ташлади, оёқлари нукул очик эшик томон интиларди. Кейин йигит шартта ташқарига отилишдан базўр ўзини тийиб, бир-бир одимлаганча фортепианога якинлашди-да, клавишларнинг ҳар ер-ҳар ерига бармоқ босгач, жонсарақ киёфада пюпитрдан' ноталарни олиб, уларни кўздан кечирдию яна қайта жойига қўйиб қўйди; ҳатто бир жуфт гулни ҳидлаб, тўтини уйғотиб юборишга ҳам жазм этди. Шундан сўнг Александрнинг тамоман бардоши тугади; эшик яқингинада эди-ю, аммо ундан чикиб кетиш ҳар қалай нокулай бўлиб, у ўзини яна бирикки дақиқача тургандан сўнг тасодифан ташқарига йўналгандай кўрсатиши керак эди. Ошпаз икки қадам орқага тисарилган, тагин бир лукма сўз айтилса, Александр тутқунликдан кутулардию Любецкая яна унга мурожаат қилганча қолаверарди. Александр чидолмай, илондай эшик томон сирғалиб, пешайвонга чиқаркан, зина пиллапояларига ҳам аҳамият бермай, бир неча қадам босди-да, хиёбон этагида – қирғоқда турган Наденька ёнида пайдо бўлди.

– Ноилож эсладингиз-ов мени хойнаҳой! – деди киз бу сафар ийманибгина ўпкаланиб.

– Эҳ, шундайм азобландимки, лоақал ёрдам бермадингиз ҳам-а! – жавоб қайтарди Александр.

Наденька йигитга китоб кўрсатди.

– Агар яна бир дақиқа кечиксангиз, манавининг баҳонаси билан чақиртириб олардим сизни, – деди Надекька. – Қани, ўтиринг, буёққа татап келмайдилар, нам ҳаводан каттиқ кўрқадилар. Сизга айтадиган гапларим шунақаям кўп, шунақаям кўпки... войбў!

– Менинг ҳам... эҳ! – Улар бир-бирларига, олдинлари ўнлаб марталаб такрорлашган сўзлардан бўлак қарийб ҳеч нарса дейишмади. Одатдаги гаплари шу, орзу-хаёл, осмон, юлдузлар, дил хушлари, бахт-саодат. Сухбат аксари бир-бирларига термилиш, табассум ва хитоблардан иборат бўлгучийди. Китоб эса кўкатлар устида ётарди.

Кеч кирди... йўк, шундай ажойиб шомки! Ёз кезлари Петербургда шом бўладими асти? Бу шом эмас, балки... Эҳтимол бошқачарок атаган маъкулдир, масалан, тунсимон... Теварак бутунлай осойишта. Нева росмана уйкуда, у гоҳ-гоҳида худди уйкусирагандай қирғоққа беозоргина тўлқин чалғиб қўйиб, тагин тин олади. Шу пайт туйкус кўзғалган дайди шабада мудроқ нахр узра елса-да, бироқ дарё оромини бузолмай сув сатҳини жимирлатган қўйи Наденька билан

Александрга салкин ел пуркайди ёки олисдаги кўшиқ садосини олиб келади-ю, кейин яна сукунат чўкиб, Нева тагин ухлаётган, сал шарпагаёк бир он кўз очиб, шу заҳоти қайта кўзини юмган кимса каби сокин бўлиб қолади; уйку оғирлашган қовоқларни сирачдай осонгина бир-бирига ёпиштириб қўяди. Сўнгра кўприк томондан олис момақалдирик овозига ўхшаш гумбур-гумбур ва пойлоқчи итнинг кетма-кет ҳуриши эшитилади-ю, тагин теварак жимиб қолади. Дарахтлар қоп-қора чодир тусини олиб, шохларни хиёл, сассиз тебратади. Қирғоқдаги чорбоғларда чироклар милтиллайди.

Бўлмаса, бу илик ҳаво қандай муҳим нарсадан дарак бермокда? Гул пуштасига-ю, дарахту майсадан-майсага қўнаётган қандай сиру юракка тушуниб бўлмайдиган фароғат исини элтаётган нима? Одамлар орасида бўлганга нисбатан, оломон шовуридагига нисбатан юракда бошқача фикрлар, бошқача туйғулар туғилишининг сабаби нимада?

Ушбу табиат уйкуси, манави ғира-шира қоронғилик, жимжит дарахтлар, ифорли гуллару овлоқда муҳаббатга қандай шароит бор? Ҳозир борлиқдаги жами нарсалар зўр бериб, ақл-идрокни орзу сари, қалбни кундалик ва бир меъёрда кечувчи, жиддий пайтларда кераксиз, ноўрин ҳамда кулгили бўлиб туюлажак ноёб туйғулар томон чорларди... ҳа! Фойдасиз туюлган, ҳолбуки шу кезларда инсон қалби бошқа пайтларда астойдил излайдиган, лекин тополмайдиган озми-кўпми бахтиёрликка эришади.

Александр билан Наденька дарё ёқасига яқинлашиб, панжарага суянишди. Қиз хаёл сурган кўйи Невага, олисларга тикилар, Александр бўлса Наденькадан кўз узолмасди. Уларнинг диллари бахтиёрлик билан лиммо-лим, қалблари ёқимли тепар, айна вақтда йигит билан қиз қандайдир қаттиқ изтироб ўтида қовурилишарди-ю, лекин тиллари чурқ этолмасди.

Нихоят Александр аста қизнинг белидан кучди. Наденька тирсаги билан секингина унинг қўлини суриб қўйди. Йигит тагин қўлига эрк берганди, қиз Невадан кўз узмай, аввалгидан заифроқ қаршилик кўрсатди. Александр учинчи марта қўл узатганида Наденька умуман эътироз қилмади.

Йигит қизнинг қўлидан тутганди, Наденька қўлини тортиб олмади, Александр бармоқларни қисганди, қиз ҳам бармоқ қисиш билан жавоб қайтарди. Севишганлар шу кўйи жим туриб қолишди, улар нималарни ҳис қилишмади!

– Наденька! – деди аста Александр.

Қиз жавоб қайтармади.

Йигитнинг вужуди қалтираб, Наденькага энгашди. Қиз ду-докларида Александрнинг ҳароратли нафасини сезиб, сесканиб кетди-ю, тескари ўғирилди, унинг бир оз жаҳли чикса ҳам, лекин кичкириб юбормади! – Наденьканинг муғамбирлик қилишга ҳам, чекинишга ҳам мажоли қолмаган эди. Муҳаббат туйғуси ақлдан устун келгани учун Александр қиз лабларига лаб босганида Наденька бўсага ҳароратсиз, аммо бир қадар самаралироқ бўса билан жавоб қайтарди.

«Одобдан эмас! – дейишади қаттиққўл оналар, – ёлғиз ўзи, онаси йўқлигида ёш йигит билан ўпишишини қаранглар-а!» Илож қанча! Одобдан эмас-ку! Бироқ Наденька бўсага бўса билан жавоб қайтарди.

«О, инсон қанчалар бахтиёр бўлиши мумкин экан-а!» – деб қўйди ўзича Александр ва яна қиз лабларига лаб босганича бир неча лаҳза турди.

Наденьканинг рангида ранг йўқ, кимир этмас, киприкларида ёш томчилари милтирар, кўкси қаттиқ, ора-чора кўтарилиб тушарди.

– Тушга ўхшайди-я! – шивирлади Александр.

Ногаҳон Наденька тўлғанди-да, бир дақиқали қарахтлик ўтиб кетди.

– Нима бўлди? Эсингиз жойидами? – туйқусдан қиз шундай деди-да, ўзини шартта орқага ташлаб бир неча қадам тисланди. – Ойимга айтиб бераман ҳозир!

Александр гўё осмондан кулагандай бўлди.

– Надежда Александровна! Гиналарингиз билан дилимни пора этманг! – гап бошлади у, – аллакимларга ўхшаб...

Қиз йигитга боқиб, баногоҳ қаттиқ, шодон кулиб юборди ва тагин унга яқинлашди-да, яна панжара ёнида турганича қўллари билан бошини Александрнинг кифтига ишонч билан қўйди.

– Демак мени жудаям яхши кўрасиз-а? – сўради Наденька ёноқларига думалаган ёш томчиларини артиб.

Александр маъносиз кифт силкиб қўйди. Юзида Пётр Иванич айтганидай «ўта аҳмокона ифода» пайдо бўлди, эҳтимол бу тўғри-дир, аммо бу савдойи ифодада қанчалар бахтиёрлик зоҳир эди!

Улар гўё ораларида ҳеч нарса бўлмагандай аввалгидай сувгаю кўкка, олисларга жим тикилиб туришарди. Фақат бир-бирларига

қарашга юраклари бетламасди; ниҳоят кўзлар тўқнашиб, жил-майишди-да, шу заҳоти тагин тескари ўгирилиб олишди.

– Наҳотки дунёда ғам-кулфат бўлса? – деди Наденька анча жим тургач.

– Айтишларича, бор эмиш... – ўйчан жавоб қайтарди Адуев, – аммо барибир мен ишонмайман...

– Қандай ғам-кулфат бўлиши мумкин?

– Амакимнинг айтишларича, камбағаллик ғам-кулфат эмиш.

– Камбағаллик! Наҳотки камбағаллар биз ҳозир сезаётган туйғуни сезишмаса? Унда улар сираям камбағал эмаслар.

– Амакимнинг фикрича, уларнинг бунга ҳоллари йўқмиш, чунки улар еб-ичишлари керак экан.

– Ана холос! Ҳоллари жудаям бор-да! Амакингиз бекорларни айтибди: бунингсиз ҳам бахтли бўлиш мумкин: мана, мен бугун овқатланмадим, аммо нақадар бахтиёрман!

Йигит кулиб юборди.

– Ҳа, ҳозирги дақиқам эвазига камбағалларга ҳамма-ҳамма нарсамни берган бўлардим! – давом этди Наденька, – майли, ҳузуримга келишсин йўқсиллар. Эҳ, нечук мен одамларни овунтириб, нега бирор нарса билан қувонтиролмайман?

– Фариштасиз! Фариштагинамсиз! – деди жўшиб кетган Александр қизнинг қўлини қисиб.

– Оҳ, бунча қаттиқ қисмасангиз! – гапни бўлди баногоҳ Наденька қошларини чимираркан, қўлини тортиб.

Аммо йигит қизнинг қўлини қайта чангаллаб, эҳтирос билан ўпа бошлади.

– Бугун, эртага, доимо ҳозирги оқшомимиз учун чунонам ибодат қилайки! – давом этди қиз. – Жудаям бахтиёрман! Сиз-чи?..

Шундай дея қиз бирдан ўйга толди; кўзларида хавотир ифодаси акс этди.

– Биласизми, – деди қиз, – айтишларича, бир марта рўй берган ҳодиса қайта ҳеч қачон такрорланмас экан! Демак, ҳозирги дақиқа ҳам қайтарилмас экан-да?

– О, йўқ! – жавоб қайтарди Александр, – бу нотўғри, такрорланади! Бундан ҳам фараҳли дамлар бўлажак; ҳа, сезиб турибман!..

Қиз бошини гумонсираб сарак-сарак қилди. Амакисининг сабоқларини эслаган Александр ҳам тўсатдан жим бўлиб қолди.

«Йўқ, – дерди у ўзига-ўзи, – йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! амаким бундай бахтга эришмаган, шунинг учун ҳам одамларга ишонмайди. Бечора! Унинг совуқ, меҳр-шафқат бегона қалбига ачинаман: у муҳаббат нашъасини сурмагани учун ҳам ҳаётга худбинлик билан қарайди. Худонинг ўзи кечирсин! Менинг яйрашимни кўрса амаким ҳам тўсқинлик қилмас, бўлмағур гумонлар билан ҳақорат этмасди... Ачинаман унга...»

– Йўқ, Наденька, йўқ, биз бахтли бўламиз! – деди Александр овозини чиқариб. – Атрофга қарасангиз-чи, бу ердаги жами нарса бизнинг муҳаббатимиздан мамнун бўлмаяптими? Парвардигорнинг ўзи ёрлакаган муҳаббатимизни. Ҳаётимизни аҳилликда шодон ўтказишимиз аниқ! *Орамиздаги севгимиз билан чексиз фахрлангу-миздир!*

– Вой-бў! Мақтанманг, мақтанманг олдиндан ҳали, – гапни бўлди киз, – каромат қилмасангиз-чи: шундай десангиз, ғалати бўлиб кетяпман. Ҳозир ҳам юрагам ғаш...

– Нимадан чўчиймиз? Наҳотки ўзимизга ўзимиз ишона олма-сак?

– Мумкин эмас, мумкин эмас! – жавоб қайтарди Наденька бош чайкаб. Александр Наденькага бокиб ўйга толди.

– Бу қанақаси? Демак, – давом этди кейин йигит, – бахтимизни барбод этарканмиз-да? Биз билан кимнинг иши бор? Биз доим бир-га бўлсак ҳам бир-биримиздан узоқлаша бошлаймиз: улар билан нима ишимиз бор? Уларнинг ҳам биз билан шуғулланиши зарур келибдими? Бизни эслашмайди, унутишади, ўшанда бизни худди ҳозир, шу ерда, боғда турганимиздай ғам-қайғу ҳақидаги гаплар ташвишлантирмайди, ҳеч қандай овоз бу тантанавор сукунатни бузолмайди...

– Наденька! Александр Фёдорич? – деган овоз янгради ногаҳон остонадан, – каердасизлар?

– Эшитиб қўйинг! – деди Наденька башоратли оҳангда, – ҳеч қачон, сезишимча... ҳеч қачон такрорланмайди ҳозирги дақиқа, – қисмат ишораси.

Қиз йигитнинг қўлини ушлаб қисаркан, Александрга қандайдир ғалати, маъюс бокди-да, бирдан қоронғи хиёбон сари отилди. Александр ўйга толганча ёлғиз ўзи қолди.

– Александр Фёдорич! – деган овоз янгради тагин остонадан, – столга қатик келтириб қўйилганига анча бўлди.

Йигит кифт кисиб кўйиб, бўлма томон йўл олди.

– Бирпасли бебаҳо фароғат пайтимизда иттифоқо қатиқ пай-
ло бўлганини қаранг-а! – деди Александр Наденькага. – Наҳотки
хаётда ҳам ҳамма нарса шундай бўлса?

– Ишқилиб бундан баттар бўлмасин, – хушнуд жавоб қайтарди
киз, – айникса тушлик қилмаган одамга қатиқ яхши.

Бахт Наденькани рухлантириб юборганди. Ёноқлари ял-ял ёнар,
кўзлари ўзгача чакнарди. Қиз нақадар ғамхўр, нақадар шод дилқаш-
лик қиларди! Бир оний ўткинчи ғам сояси ҳам сезилмади: қувонч
бу сояни босиб кетди.

Адуев қайикка ўтирганида тонг шафағи осмоннинг ярмини
қизартганди. Ваъда қилинган чойчақа умидидаги эшкакчилар қафт-
ларига тупуриб кўйиб, одатдаги ўринларига сакраб ўтиришгач,
ғайрат билан эшкак эшишга киришишди.

– Шошилманглар! Яна яримта ароққа пул бераман, – деди Алек-
сандр.

Эшкакчилар бойваччага, кейин бир-бирларига қараб кўйишди.
Бири кўксини, иккинчиси қафтини қашлашгач, эшкакларни сувга
тегар-тегмас, оҳиста эша бошлашди. Қайик оққушдай осойишталик
билан олға суза кетди.

«Амаким менга бахт сарик чакага қиммат, ҳаётдан бўлак ҳеч
нарсага асло ишонма, дея уқтирмоқчи бўлади-я... Инсофсизлик!
нега у мени бунчалар шафқатсизлик билан лақиллатмоқчи бўл-
дийкин? Йўқ, ҳаёт мана бундай экан-ку! Ўзимча ҳаётни шундай
тасаввур этардим, у шундай бўлиши керак, шундай бўлади ҳам!
Акс ҳолда, ҳаётнинг ўзи бўлмайди!»

Шимол томондан ҳузурбахш, майин субҳидам шабадаси эсди.
Александр шабада ва хотиралар таъсирида сескангандай бўлди.
Кейин эснаб кўйиб, плашчига ўралган кўйи ширин хаёлларга чўмди.

V

Адуев ўзининг бахт чўққисига кўтарилди. Энди унга бошқа ҳеч
нарса керакмасди. Хизмат, журнал ишлари – бари унутилган, ташлаб
қўйилганди. Хизмат жойида назардан қолди: бунини у базўр, ўшанда
ҳам амакиси эслатгандагина сезди. Пётр Иванович ҳавойиликларни
ташлашни маслаҳат берди, аммо Александр «ҳавойилик» сўзини
эшитаркан, кифт кисиб, надоматли жилмайди-да, чурқ этмай қўя

қолди. Огоҳлантиришлари фойдасизлигини кўрган амаки ҳам истехзо билан жилмайганича индамади-ю, фақат: «Ўзинг биласан, ихтиёринг, лекин кўзингга қара, лаънати темирни сўрай кўрма», – деб қўйди.

– Ташвишланманг, амакижон, – жавоб қайтарди Александр, – ақча камлиги ёмон, кўпи керак эмас менга, етарлиги эса бор.

– Унда табриклайман сени, – деди Пётр Иванович.

Александр амакисидан ўзини олиб қочиб юрарди чоғи. Унинг амакиси айтгувчи нохуш келажакдан умуман ҳафсаласи пир бўлган, муҳаббатга қатъий совуқ муносабат ва айниқса Пётр Ивановичнинг Наденькага нисбатан ҳақоратомуз кесатикларидан безиллаб қолганди.

Александр амакиси унинг муҳаббатини баҳолай туриб, шунчаки, умумий ва гўё ҳамма учун бир хилдай туюлган қонун асосида йигит юксак, мукаддас деб билган ушбу туйғуни камситиб гапиришини жинидан ҳам ёмон кўрарди. У қувончини пинҳон сақлар, гўзал келажаги амакисининг икки оғиз гапи билан кунпаякун ёки пайҳон бўлишини олдиндан сезарди. Амаки эса мана энди бу йигитча танбаллик қилиб, хароб бўлгач, пул сўраб келади ёнимга, ортиқча юкка айланади, деган ҳаёл билан аввалига жиянидан ўзини тортиб юрди.

Александрнинг юриш-туриши, боқишлари, тамоми муносабатида қандайдир тантанаворлик, сирлилик пайдо бўлганди. У бошқалар билан муомалада ўзини биржадаги бадавлат капиталист майда савдогарлар билан муомала қилган сингари тутар, ичида камтарона ва қадрини сақлаган қўйи: «Бечоралар! Қай бирларингда меникчалик хазина бор? Ким бунчалик ҳис-туйғуга эга? Қай бирингнинг қудратли қалбинг...» – ва ҳоказо деб қўярди.

Дунёда ёлғиз ўзигина шунчалик севиб, севилишига имони комил эди.

Нафсиламрини айтганда, Александр нафақат амакиси, ўзи айтишича, оломон билан ҳам бақамти бўлишдан қочарди. У ё ўз илоҳиётига сажда қилар, ёки уйда, бўлмасида танҳо ўтирганча фароғат оғушига ғарқ бўларкан, ҳис-туйғусини сонсиз зарраларга бўлар, ақл тарозисидан ўтказарди. Буни йигит *алоҳида олам яратиш* деб атар ва танҳоликда ўтирганича йўқ нарсадан ўзича қандайдир дунё ясаб, аксари ўша билан андармон ўтирарди. Ахён-ахёндагина ноилож борувчи хизматини *аччиқ зарурат, мажбурий қабоҳат* ёки

тамнок наср деб атарди. Умуман, муҳаррир ва таниш-билишлари ҳузурига бормай қўйганди.

Александр учун «мен»и билан суҳбатлашишдан кўра каттарок хурсандчилик йўқ эди. «Танҳоликдагина инсон ўзини кўзгуда кўргандай бўлади, – деб ёзганди Адуев қайсидир киссасида, – шундагина у башар улуғворлиги ва кадр-кимматига ишонишга ўрганади. Мазкур суҳбатда инсон руҳий куч-қудрати билан қанчалар гўзаллашади. Доҳий каби у куч-қудратини жиддий назардан ўтказди, ақл билан тузилган режа асосида ўша куч-қудратини тартибга солади, шунга суянган ҳолда ҳаракат қилиб барака топгусидир! Аксинча, ўзи билан ўзи холи қолишдан кўрққан, ўзидан қочиб, ҳамма ерда ақл ва маънавиятга ёт бақамтилик излаган одам... нақадар аянчли...» Оббо, дунё тузилиши ёки башарият ҳаётининг қандайдир янги қонуниятини кашф этган мутафаккири-ей! Ҳолбуки у оддий ошиқ, холос!

Мана, Адуев баланд сунячикли, ҳайбатли креслода ўтирибди. Қаршисида бир қанча мисралар битикли коғоз варағи. У дам варақ узра энгашиб, қандайдир тузатиш киритади ёки икки-уч мисра қўшади, дам кресло суянчиғига ястанганича ҳаёлга чўмади. Лабларида бекарор табассум ўйнайди: чамаси, у ҳозиргина бахтга лиммолим қадахдан лаб узган. Кўзлари мудроқ мушукники каби беҳол юмилади ёки ички ҳаяжон ҳароратидан баногоҳ чақнаб очилади.

Атроф сукутда, фақат олисдан, катта кўчадан извошлар гупурию этик мойлашдан чарчаб гоҳ-гоҳда овоз чиқариб тўнғиллаётган Евсейнинг овози эшитилади холос: «Эсимдан чиқмасин-да ишқилиб: боягина дўкондан бир мирили сирка билан бир тангали қарам олдим, эртага қарзни албатта бериш керак, йўқса, кейинги сафар дўкончи ишонмаслиги мумкин. Шунақа итфеъл у! Очарчилик пайтидай нонни мисқоллаб тортади лаънати! Эҳ, худойим, силлам қуриди. Мана шу этикни мойлаб бўламан-да, ётиб ухлайман. Грачидагилар аллақачон уйқуга кетишган бўлишса керак; биз томонларда асло бу ердагидай эмас! Қанийди, қачон бўлса ҳам кишлоғимизни кўриш насиб этса...»

Шундан сўнг Евсей қаттиқ хўрсиниб, этикка куҳлаб қўйгач, тагин чўтка суришни давом эттирди. У бу машғулотни асосий ва қарийб бирдан-бир иш ҳисоблар, умуман, хизматкор, ҳатто одамни этик мойлай олиш қобилятига қараб баҳоларди. Ўзига келсак, Евсей этикни алоҳида иштиёқ билан мойларди.

– Бас қил, Евсей! Бўлмағур иприскилигинг билан ишлашимга халакит беряпсан! – кичқирди Адуев.

– Иприскилик эмиш, – тўнгиллади димоғида Евсей, – ҳечам-да, сенингча иприскиликдир, лекин мен иш қияпман. Этикни расво бўлганини кара, зўрға тозалаяпман. – У этикни столга қўйиб, унинг ялт-юлт қилишини завқ билан кузата бошлади.

– Қани, ўзинг шундай мойлаб кўр-чи бир, – деб қўйди кейин, – иприскилик эмиш-а!

Александр Наденька, сўнгра ижод этиш орзусига тобора чуқур-рок берила бошлади.

Стол усти бўм-бўш эди. Олдинги машғулоти, хизмат, журнал ишларига неки тааллуқли бўлса бари стол ости ё жавонда, ёки қаработ тагида ётарди. *«Бу қурумни кўринишининг ўзиёқ илҳом парвозига путур етказди, – дерди йигит фикран, – у баногоҳ йўлдан мойсиз арава ғилдирагининг ғижирлаши эшитилган заҳоти шартта кўкка кўтарилажак гулзор булбули каби учади-кетади».*

Аксари субҳидамни Александр бирорта элегия битиб ўтирган пайтида қаршиларди. Любецкийларникига бормаган бутун вақти ижодга ажратилганди. Бирор шеър ёзса уни Наденькага ўқиб берарди; қиз шеърни оқ қоғозга кўчириб, ёдлаб оларди ва йигит *«шоирнинг энг катта лаззати – ўз асарини азиз оғиздан эшитиш-да»* деб биларди.

«Сен менинг илҳом паримсан, – дерди йигит кизга, – қалбимда алангаланмиш шу муқаддас олов Илоҳаси бўл; мабодо қалбимни тарк этсанг, у бир умрга сўнажак».

Сўнгра Александр шеърларини бошка ном билан журналга жўнатар, шеърлар ёмон бўлмаганлиги, баъзи жойлари ғайрат махсули, бутунича жўшқин туйғу билан суғорилиб, силлиқ ёзилгани учун улар чоп этиларди.

Наденька йигитнинг муҳаббати билан фахрланар ва уни «менинг шоирим» деб атарди.

«Ҳа, сеникиман, бир умр сеникиман», – тасдиқларди Александр. Истикболда шон-шуҳрат кутяпти, у, Наденька менга чечаклардан гулдаста тутайди, номим донг таратади, уёғига... «Эҳ, ҳаёт, ҳаёт, қанчалар ажойибсан! – хитоб қиларди Адуев. – Хўш, амаким-чи? Нечук у дилимга озор беради? У менга тақдири илоҳ юборган иблискикин? Йўқса, вужудим, борлиғимни нечук захри билан оғулайди? Бахил қалби бу беғубор қувончларга ётлиги ёки

эхтимол шумниятлигимикин... о, нарирок, нарирок юриш керак ундан!.. Унинг машъум нафрати севгили қалбимни шикастлантириши, уни йўлдан оздириши мумкин...»¹

Шу-шу, Александр амакисидан қочадиган бўлиб қолди, у билан ҳафталаб, ойлаб дийдор кўришмай қўйди. Агар учрашиб қолишган-да туйғу борасида гап очилиб қолса, йигит истехзо билан сукут сақлар ёхуд эътиқодни ҳеч қандай важ-қорсон билан букиб бўлмаслигига ишонган кимса каби қулоқ тутиб турарди холос. У ўз фикрини гуноҳдан холи, мулоҳаза ва туйғусини собит деб билар, энди ёш бола эмасман, нечун *фақат ўзгалар фикригина муқаддас бўлиши керак* ва ҳоказо деяркан, келгусида ҳам йўлидан қайтмасликка аҳд қилиб қўйганди.

Амакиси бўлса ҳамон ўша-ўша эди: у жиянидан ҳеч нарсани суриштирмас, йигитнинг кирдикорларини сезмас ёки сезишни хоҳламасди. Александрнинг юриш-туриши ўзгармаётгани, жияни ўша-ўшалигини, пул сўрамаётганини кўрар экан, Александрга аввалдагидай мулойим муомала қилар, жияни унинг уйига кирмай қўйганидан ўпкалаб қўярди холос.

– Хотиним сендан хафа, – дерди Пётр Иванич, – у сени ўз қариндоши қатори кўради: биз ҳар куни уйда овқатланияпмиз, кириб турсанг бўларди.

Шу билан тамом-вассалом. Аммо Александр амакисини камданкам йўқлар, бунга вақти ҳам йўқ эди: эрталаб хизматда, тушдан кейин то кечгача Любецкийларникида қолиб кетарди; фақат тундагина бўш бўларди-ю, барибир тунда ҳам йигит холи, ўзи яратган *дунёга* шўнғир, ижод қилишда давом этарди. Қолаверса, пича мудраб олиш ҳам фойдадан холи эмас-да ахир.

Александр нафис насрда дурустгина омадли чикиб қолди. У комедия, иккита қисса, қандайдир очерк ва қасёққадир қилинган сафар хотираларини ёзиб қўйганди. Фаолияти хайратангиз, қаламига қоғоз дош беролмасди. Адуев комедияси билан битта қиссасини олдин амакисига кўрсатиб, ундан асарлари яраш-ярамаслигини сўради. Пётр Иванич булардан бир неча саҳифа ўқиғач, қайтариб бераркан, тепасига «Ҳожатхонада фойдаланиш учунгина ишлатиш мумкин!» – жумлаларини битиб қўйди.

¹ А. С. Грибоедовнинг «Ақл балоси» асаридан. 3-парда, 3-кўриниш.

Ғазабнок Александр асарларини журналга йўллаганди, у ердагилар комедияни ҳам, қиссани ҳам қайтариб юборишди. Комедия хошиясидаги икки жойда калам билан «Ёмон эмас» сўзлари ёзилганди холос. Қисса устида эса қуйидаги: «Бўш, ишонарсиз, ғўр, ланж, жонсиз» ва ҳоказо сўзлар ёзилган «умуман юракни билмаслик сезилиб туради, ортиқча хапқиқш, ғайритабиийлик кўп, ҳамма нарса юзаки, ҳеч ерда инсон фаолияти сезилмайди... қаҳрамон мажруҳ... бундай одамларнинг бўлиши мумкин эмас... чоп этиб бўлмайди! Қисқаси, муаллиф истеъдодсиз кўринади, анча меҳнат қилиш керак!..» – деган сўзлар бор эди.

«Бундай одамларнинг бўлиши мумкин эмас! – ўйга толди тушкунликка тушган ва ҳайратда лол Александр, – нега бўлиши мумкин эмас экан? Ахир бош қаҳрамон ўзимман-ку. Наҳотки мен ҳар қадамда учрагувчи, фикр-ғуйғуси оломонники каби, бажарган иши ҳамма қатори арзимас, кундалик жўн фожиа, масхарабозликдан иборат мана шу бачкана қаҳрамонларни тасвирласам?.. Наҳотки санъат шунчалар пастлашиб кетган бўлса?..»

Александр ўзи эътироф этмиш нафосат таълимотининг покликка имон келтириш учун Байрон руҳини кўмакка чорлар, Гёте билан Шиллерга мурожаат қиларди. Драма ёки қиссасида ўйлаган қаҳрамонини бамисоли бирор корсар¹ ёхуд буюк шоир, артист сифатида тасаввур этаркан, уларни ўз билгича ҳаракатлантириш ва ҳис қилишга мажбур этарди.

Бир қиссасида у воқеа кечаётган жой сифатида Американи танлаб олди; манзара ғаройиб эди: Америка табиати, тоғлар, шундай жойда маъшуқасини ўғирлаб келган қувғинди кезиб юрибди. Бутун дунёнинг улар билан иши йўқ; ошиқ-маъшуқлар ўзлари-ю, табиатга маҳлиё бўлишиб юраверишади ва шунда афв этилишгани, ватанга қайтиш имконияти туғилганининг дарагини эшитган ёшлар юртиларига қайта қадам босишдан воз кечишади. Кейинчалик, йигирма йиллардан сўнг ошиқ-маъшуқлар масканига келган қандайдир бир европалик ҳинди одам ҳамроҳлигида овга чиқади-ю, аллақандай тепаликда кулбани ҳамда ундаги инсон суяклари қолдиғини кўриб қолади. – Ўша европалик асар қаҳрамонининг рақиби эди. Унга бу қисса нақадар зўр бўлиб туюларди! Йигит қиш оқшомлари асарини Наденькага қандай завқ-шавқ билан ўқиб берарди! Қиз ҳам қиссани

¹ Денгиз қарокчиси.

бутун вужуди кулокка айланиб тингларди! – шундай асар қабул қилинмаса-я?!

Адуев бу ҳақда Наденькага лом-мим демади: бутун аламини жимгина ичига ютиб кўя қолди. «Қисса нима бўлди, – сўради қиз, – босишдими?» – «Йўк, – жавоб қайтарди Александр, – бундай бўлиши мумкин эмасмиш, қиссада бизда ғалати ва ғайритабиий туюлувчи жойлар кўп эмиш...»

Қани энди Александр бутунлай бошқа нарсани гапираман деб нақ ҳақиқатни баён этиб қўйганини билганида эди!

Меҳнат қилиш ҳам йигитга эриш туюларди. «Истеъдоднинг нима ҳожати бор унда? – дерди Александр. – Истеъдодсиз чоракоргина меҳнат қилади, истеъдод енгил ва эркин ижод этишга қодир...» Бироқ кейин қишлоқ хўжалиги ҳақидаги мақолалари ва шеърлари ҳам олдиниға аросатда бўлиб, сўнгра аста-секин мукаммаллашгани, одамларда айримча қизиқиш уйғотганини эслагач, хулосаси нотўғрилигини англади, уф тортди-да, нафис наср яратишни бошқа вақтга суриб қўйди: юраги бир текис уриб, фикри тартибга келгач, наср билан жиддий шуғулланишга қарор берди.

Александр учун бетиним роҳат-фароғатли кунлар бирин-кетин ўтаверди. У Наденьканинг бармоқлари учини ўпган, қиз қаршисида унга тикилган кўйи оҳ-воҳ қилганча ёки вазиятга мос ажойиб шеърлар ўқий-ўқий соатлаб ўтирган дамлари ўзини бахтиёр сезарди.

Адолат юзасидан шуни айтиш керакки, Наденька гоҳо оҳ-воҳлар ва шеърларга жавобан эснаб қўярди холос. Ажабланарли ери йўқ бунинг: қиз қалби банд эса-да, ақли лоқайдлигича қолаверар; чунки Александр бирор маънавий озуқа беришга уринмасди ҳам. Наденька синов учун белгилаган бир йил муддат ҳам ўтиб борарди. Қиз онаси билан тагин ўша чорбоғда яшай бошлаганди. Александр ваъда хусусида гап очиб, Наденькани онаси билан гаплашишга кўндирди. Қиз шаҳарга қайтгунча сабр қилишни айтганди, Александр гапида туриб олди.

Нихоят қиз кунлардан бир кун окшом Александр билан хайрлашаркан, унга онаси билан эртага гаплашишига рухсат этди.

Александр тун бўйи мижжа қокмай чикди, ишга ҳам бормади. Унинг ҳаёлидан эртаги кун чикмасди, нуқул Марья Михайловна билан қандай гаплашиш ҳақида ўйлар, айтадиган гапини тўқиб, тайёр қилган ҳам эдики, Наденьканинг кўлини сўрамоқчилиги эсига тушди-ю, фикрлари қанотида чувалашиб, тагин ҳамма нарсани

унутди. Александр шу алфозда кечкурун чорбокка бир тўхтамга келолмай борди: бунинг хожати ҳам йўқ экан. Наденька уни одатдагидай боғда кутиб олди, кутиб олишга олди-ю, аммо қизнинг кўзларида хаёлчаңлик, қандайдир фаромушлик бор эди.

– Ҳозир ойм билан гаплашиб бўлмайди, – деди у, – уйимизда анави ҳамоқат граф ўтирибди!

– Граф! Қайси граф?

– Қандай графлигини билмагандай сўрайсиз-а! Ўзингиз билган кўшнимиз граф Новинский-да; манави ўша кишиниинг чорбоғлари; ўзингиз неча марта мактадингиз-ку бу боғни!

– Граф Новинский! Сизларникида! – деди ҳайратланиб Александр. – Нима муносабат билан ташриф буюрибди?

– Ўзим ҳам ҳайронман, – жавоб қайтарди Наденька. – Манави ерда сизнинг китобингизни ўқиб ўтиргандим, ойм уйда йўқ эдилар, Марья Ивановнаникига кетувдилар. Энди ёмғир томчилай бошлаб, хонага кирмоқчи бўлиб турувдим, бирдан эшигимиз тагига ок ҳошияли, ўша доим ёнимиздан ўтиб турувчи, сиз мактайдиган кўк извош келиб тўхтади. Қарасам, ойм қандайдир эркак билан извошдан тушяптилар. Ичкарига киришгач, ойм: «Мана, граф, қизим мана шу; марҳаматингизни кўрсатаверинг», – дедилар. Граф таъзим бажо келтирди, мен ҳам. Уялганимдан қизариб кетиб, хонамга югурдим. Хижолат бўлган ойм: «Маъзур тутасиз, граф, қизим шунақа одамовироқ...» – дедилар. Шундан кейингина бу одам кўшнимиз граф Новинский эканлигини билдим. Чамаси, у ёмғир ёғаетгани учун оймни Марья Ивановнаникидан извошда олиб келганди.

– Ўша... чол-а? – сўради Александр.

– Улар, чол эмиш! Қўйсангиз-чи, ёш, ноппа-нозандай-ку!..

– Ноппа-нозандайлигини ҳам пайқабсиз-да ҳали! – деди надомат билан Александр.

– Ажаб қилибман! Пайқаш қийин эканми? У билан гаплашдим ҳам. Эҳ! Ниҳоятда хушмуомала экан: нима билан машғуллигимни сўраб-суриштирди, музика тўғрисида гапирди; бирор кўшиқ айтиб беришимни илтимос қилди, мен кўшиқ айтмадим, чунки кўшиқ айтишни билмайман ҳисоб. Бу йил қишда патан дан албатта бирорта дурустрок кўшиқ ўргатувчи муаллим ёллашни илтимос қиламан. Граф эндиликда кўшиқ қуйлаш урфга кирганини айтди.

Қиз бу сўзларни фавқулодда берилиб гапирди.

– Менимча, Надежда Александровна, – лукма ташлади Адуев, – бу йил қишда қўшиқ ўрганишдан ташқари бошқа машғулотингиз ҳам бўлар дейман...

– Қандай машғулот?

– Қандай машғулот эмиш-а! – ўпкalandи Александр.

– Ҳаҳ! Анави... нима, бу ерга қайиқда келдингизми? – Йигит қизга индамай қараб қўйди. Наденька орқасига ўгирилиб, уй томон йўналди.

Адуев залга хийла безовта кириб борди. Ким у граф? Хузурида ўзини қандай тутиш керак? Муомаласи қай алфоздайкин? Такаб-бурми? Калондимоғми? Ичкарига кирди. Биринчи бўлиб ўрнидан турган граф ҳурмат билан таъзим бажо келтирди. Александр бунга зўрма-зўраки, беўхшов жавоб қайтарди. Бека уларни таништириб қўйди. Граф негадир йигитга ёкмади, холбуки у кўркем одам эди: барваста, қомати тик, малласоч, катта-катта кўзларида майин табассум зоҳир эди. Ўзини тутишида камтарлик, нафосат, қандайдир майинлик бор. Граф эҳтимол истаган одамани ўзига жалб қила олар-у, лекин у Адуевни мойил қила олмади. Марья Михайловнанинг яқинроқ ўтиринг, деб илтимос қилишига қарамай, Александр турган жойи – бурчакка ўтирди-да, китоб варақлашга киришди, унинг бу қилиғи киборликка зид, ярашмаган, бемаврид эди. Наденька онасининг орқасида турганча графни мароқ билан кузатган қўйи нимани қандай гапиришига қулоқ сола бошлади: у қиз учун янгилик эди.

Адуев граф ўзига ёкмаётганини яширолмади. Граф, чамаси, унинг қўполлигини сезмаётгандай эди: у зийрак турар ва Адуевга тез-тез мурожаат қиларкан, суҳбатнинг умумий тус олишига ҳаракат қиларди. Аммо бундан наф чиқмади. Александр чурқ этмас ёки ҳа-йўқ қабилда қисқагина жавоб қайтарарди.

Любецкая гап орасида тасодифан Александрнинг фамилиясини атаганиди, граф ундан Пётр Иванович қариндошингиз бўлмайми, деб сўраб қолди.

– Амаким бўлади! – жавоб қайтарди йигит тўрсиллатиб.

– У киши билан кўп улфатчилик қилиб турамиз, – деди граф.

– Бўлса бордир. Хўш, нима бўлибди шу билан? – сўради Адуев кифт қисиб.



Граф пастки лабини қимтиб, кулгисини яширди. Ойиси билан кўз уриштириб олган Наденька кизариб кетиб; нигоҳини ерга тикди.

– Амакингиз ақлли, хушмуомала одам! – луқма ташлади граф энгил киноя аралаш.

Адуев чурқ этмади.

Наденьканинг бардоши тугаб, Александрга яқинлашди-да, граф ойиси билан суҳбатлашаётган пайтда йигитга шивирлади: «Уялсангиз-чи! Граф сизга шундай майин муомала қиляпти-ю, сиз бўлсангиз, бу нимаси?...»

– Майин эмиш! – деди хуноби ошган Александр деярли овоз чиқариб, – мен унинг майин муомаласига зор эмасман, иккинчи такрорламанг бу сўзни...

Наденька шартта Александрдан нари тисарилиб, унга олисдан кўзларини катта-катта очганча қимир этмай қараб турди-турди-да, сўнгра тагин онасининг орқасига ўтиб кетди-ю, йигитга умуман аҳамият бермай қўйди.

Адуев бўлса ҳамон графнинг чиқиб кетишию ва нихоят Любецкая билан музокара олиб боришни кутмоқда эди. Бироқ соат ўн, ўн бир бўлди ҳамки, граф ўрнидан жилай демас, нукул гап сотарди.

Одатда танишув, пайти айтиладиган гапларнинг ҳаммаси айтиб бўлинди. Граф ҳазил-мутойибага ўтди. У ҳазил-хузулга уста бўлиб, асло қийналмас, иборалар ўз-ўзидан қуйилиб келардики, суҳбатдошларни ром этиб қўярди, наинки латифа, шунчаки, бирор янгилик, воқеа ҳам қизиқ чиқар, кутилмаган бир жумла орқали жиддий нарсa ҳам қандайдир кулгили тус оларди.

Она билан кизи графнинг лутфлари асирасига айланишган, Александрнинг ўзи ҳам бир неча марта беихтиёр китоб билан кулгисини яширишга мажбур бўлди. Шунга қарамай, у ич-ичидан ғазабланмоқда эди.

Граф ҳамма нарсa: музика, одамлар, бегона юртлар тўғрисида бир хилда ажабтовур, беозор гапирарди. Суҳбат аёллар, эркаклар хусусига кўчди. Граф эркакларни, шу жумладан, ўзини ҳам қойиб ўтаркан, усталик билан умуман, аёлларни шарафлай туриб, уй бекалари шаънига алоҳида мактов сўзлари айтди.

Баногоҳ Адуев ўзининг адабий машғулотлари, шеърларини эслаб қолди. «Мана шу ўринда уни мулзам қилсам керак», деган ҳаёлга борди-да, адабиёт ҳақида гап очди. Она-бола Любецкаялар Александрнинг ёзувчилик фаолиятини тилга олишди.

«Чурк этолмай колади-ёв!» – деб ўйлади Адуев.

Сираям-да. Граф адабиёт ҳақида гўё умр бўйи ижод билангина шуғулланиб келаётган одамдай сўзлай кетди; бир неча оғиз сўз орқали ҳозирги замон рус ва француз алломалари хусусида тўғри фикр билдирди. Устига-устак у энг асл рус адиблари билан дўстона муносабатда бўлган, Парижда эса айрим француз каламкашлари билан ҳам танишган экан. Граф баъзиларни ҳурмат билан тилга олиб; бошқаларини беозоргина калака қилган ҳам бўлди.

Александрнинг шеърлари тўғрисида эса билмайман, эшитмаганман, деди...

Наденька Адуевга қандайдир ғалати қараркан: «Буёғи неча пулдан тушди? Аҳволинг шу экан-ку ҳали...» – дегандай бўлди.

Александр шалвираб қолди, аянчли тус олган қиёфаси ёгинсочиндан панага қочаётган шалаббо хўрозни эслатарди.

Ниҳоят буфетда стакану, қошиқлар шиқирлаб, стол тузалаётган бўлса ҳам графнинг кетиш нияти йўқ эди. Ҳамма умид пучга чиқди. Граф ҳатто Любецкаяларнинг кечки таом билан қатиқ ичишга қолиш ҳақидаги таклифларига ҳам рози бўлди.

«Граф-ку, қатиқ ичар экан-а!» – шивирлаб қўйди Адуев графга нафрат билан қараб.

Граф ўз уйида ўтиргандай иштаҳа билан тамадди қиларкан, ҳамон ҳазил қилишни кўймасди.

– Бу уйга биринчи марта келишию учта одамнинг овқатини еяпти-я, уятсиз! – шивирлади Александр Наденькага.

– Ҳечкиси йўқ! *Иштаҳаси яхши* экан-да! – жавоб қайтарди киз соддадиллик билан.

Ниҳоят граф кетди, аммо мақсадини баён қилиш учун бемахал бўлиб қолганди. Адуев шляпасини олди-да, ташқарига отилди. Наденька унга етиб олиб, юпатишга улгурди.

– Хўш, эртагами энди? – сўради Александр.

– Эртага уйда бўлмаймиз.

– Унда индинга.

Шу билан улар ажралишди.

Индинига Александр барвақтроқ ташриф буюрди. У боғдалигидаёқ қулоғига хонадан нотаниш овоз чалинди... виолончель деса виолончель эмас... Йигит янаям яқинроқ борди... Эркак киши қуйларди. Қандай ажойиб овоз! Жарангдор, ёқимли, нақ аёл қалбини

эритиб юборгудай. Қўшиқ Адуевнинг ҳам дил тубигача, лекин бошқача йўсинда таъсир этди. Александр аччиқ алам, ҳасад, каттиқ ғазаб, аллақандай нохуш ҳиссиёт қўйнида тош қотиб қолганди. У даҳлизга қадам қўйди.

– Ичкаридаги ким? – сўради Александр хизматкордан.

– Граф Новинский.

– Анчадан бери ўтирибдими?

– Соат олтидан бери.

– Ойимқизга секин менинг келганим ва кейин тагин келишимни айтиб қўй.

– Хўп бўлади.

Александр шартта ташқарига чиқди-да, чорбоғлар оралаб боши оққан томонга тентираб кетди. Икки соатлардан сўнг яна қайтиб келди.

– Нима, ҳалиям ўтирибдими? – сўради у.

– Ҳа, ўтирибди; таомга ҳам колмоқчилар шекилли. Хоним кечки таомга булдуриқ ковуришни буюрдилар.

– Ойимқизга келганимни айтувмидинг?

– Айтувдим.

– Нима деди?

– Ҳеч қандай топшириқ бермадилар.

Александр уйга жўнади ва шу кетганча икки кун қорасини кўрсатмади. Кейин, ким билсин, нима хаёлу нима режа билан ниҳоят тагин чорбоққа бормоқчи бўлди.

Мана, у чорбоқни кўрди-ю, қайикда тик турганча кўзини қўли билан офтобдан пана қилиб олдинга қарай бошлади. Хув ана, дарахтлар орасида Наденьканинг ўзига қуйиб қўйгандай ярашган ҳаворанг қўйлаги лип этиб кўзга чалинди. Қиз айниқса Александрга ёқмоқчи бўлган пайтлари кўпинча шу қўйлагини киярди. Шунинг учун йигит сал енгил тортгандай бўлди.

«Ҳа! Наденька беихтиёр қилиб қўйган вақтинчалик эҳтиётсизлигим мукофоти тарзида шундай кийинган, – деб қўйди ичида Александр, – у эмас, мен айбдорман. Шунчалик бемаъни тутаманми ўзимни? Бу билан атрофдагиларнинг энсасини қотириш мумкин холос; бегона одам, янги танишаётган бўлсам... бека сифатида шундай қилиши табиий албатта... Ҳа! Ана, киз бута ортидаги ёлғизоёқ сўқмоқдан юриб келяпти, панжара томон йўналди, шу ерда тўхтаб, кута бошлайди...»

Худди айтилгандай Наденька кенг хиёбонга чикди... у билан ёнма-ён сўқмоқда қайрилган ким бўлди?..

– Граф-ку! – алам билан хитоб қилди ўз кўзларига ишонмай Александр.

– Нима? – сўради эшкакчилардан бири.

– Граф билан чорбоғда холи кезиб юрибди-я... – шивирлади Александр, – худди мен билан кезгандагидай...

Граф билан Наденька панжарага яқинлашишгач, дарёга киё ҳам боқмай, орқаларига ўгирилишди-да, хиёбон бўйлаб бир-бир изларига қайта бошлашди. Граф киз томонга эгилиб, астагина ниманидир гапирарди. Наденька бошини қуйи солинтириб кетяпти.

Қайикда ҳамон оғзини ланг очганча соҳил томонга қўл чўзган қўйи тош қотиб турган Адуев ниҳоят қўлини тушириб ўтирди. Эшкакчилар эшкак эшишда давом этишди.

– Қаёққа? – ўшқирди ўзига келган Александр. – Орқага буриинглар!

– Изимизга қайтайликми? – сўради Александрга оғзини очганча караб турган эшкакчилардан бири.

– Орқага бур деяман! Нима бало, кармисан?

– Уёққа боришнинг ҳожати йўқми энди?

Иккинчи эшкакчи индамайгина чап эшкакни шартта сувга чуқур ботиргач, иккала эшкакчи дадил ишга киришишди-ю, қайиқ илдам орқага йўналди. – Шляпасини нақ кифтигача бостириб олган Александр изтиробли ўйлар оғушига ғарқ бўлди.

Шундан кейин йигит икки ҳафтагача Любецкийларникида қорасини кўрсатмади.

Икки ҳафта: ошиқ йигит учун нақадар узок вақт! Аммо Александр касал-пасал бўлиб қолмадимикин, дея ана-мана одам юбориб қолишади деган умид билан ҳамон кутарди. Унинг тоби қочган пайтларида ёки шунчаки инжиқлик қилган вақтларида доимо хабар олдириб туришгучийди. Бундай вақтларда Наденька одатда олдин онаси номидан уни сўраб-суриштирарди, хўш, нима, ўзи мактубча юборолмайдими? Қанчалар гўзал ўпкалаш, қанчалар назокатли хавотирланиш!

«Йўқ, энди дарров юмшай қолмайман, – ўйларди Александр, – бошлаб қийнаганим бўлсин. Бегона эркакка қандай хушомад қилиш кераклигини шундаям ўргатиб қўяйки; осонликча мурсага келиб бўпман!»

– Нима бўлди ўзи? Сизни кўзларим нигорон кутдим, нима гапийкин, нега бирров хабар олмайди, французча китоблар ҳам олиб келмайди, деб бошим котди. Ёдингиздадир, қандайдир китоб ваъда қилгандингиз. «Peau de chagrin»¹ эди шекилли, а? Кўзим нукул йўлингизда бўлди, қани келай десангиз. Ҳойнаҳой Александр Фёдоричнинг биздан кўнгли қолганга ўхшайди, деб ўйладим.

– Аксинча, сизнинг мендан кўнглингиз қолган деган хавотир-даман, Марья Михайловна.

– Ундай деманг, гуноҳ бўлади-я, Александр Фёдорич! Сизни ўз ўғлимдай кўраман; аммо Наденькани билмадим; у ҳали гўдак; нимага ҳам акли етарди дейсиз? Одамнинг кадрига етишга ёшлик қилади.. Қизимдан нечук Александр Фёдорич кўринмай қўйди, келай ҳам демайди, деб тез-тез сўраб турдим. Кўп кутдим, ишонсангиз, ҳар куни соат бешгача тушлик қилмай пойладим, ҳали-замон келиб қоладигандай туюлавердингиз. Наденька гоҳо: «Нима гап, татап, кимни кутяпсиз? Менинг қорним очди, граф ҳам...» – деб қўярди.

– Ўша граф... тез-тез келиб турадими?.. – сўради Александр.

– Ҳа, қарийб ҳар куни, баъзан кунига икки марта ҳам келади. Шунақа хушфёлки, шунақаям бизга меҳр қўйиб қолдики... Наденька бўлса нукул хархаша қилади. «Қорним очиб кетди ахир! овқатлана қолайлик». – «Александр Фёдорич келиб қолса-чи?...» – «Келмайди, гаров ўйнайсизми, келмайди! Кутиш фойдасиз...» – Любецкаянинг ҳозирги гаплари Александрни нақ пичоқлагандай бўлди.

– Қизингиз... ростдан ҳам шундай дедими? – сўради йигит жилмайишга ҳаракат қилиб.

– Ҳа, оғзидан шу гап тушмай, шоширгани-шоширган. Кўринишим ювош бўлса ҳам анчагина каттиққўлман. Қизимни ҳатто: «Дам овқатланмай уни соат бешгача кутасан, дам умуман кутгинг келмайди. Эсинг кирмади-кирмади-да! Яхши эмас! Александр Фёдорич азалдан танишимиз, бизни яхши кўради, амакиси Пётр Иваничнинг ҳам оиламизга меҳр-оқибати катта... бундай ҳурматсизлик одобдан эмас! Хафа бўлиб, уйимизга келмай қўйиши мумкин...» – деб қойиган пайтларим ҳам бўлди.

¹ «Сағри тери» (франц) – Оноре де Бальзакнинг романи.

– Қизингиз нима деди? – сўради Александр.

– Ҳеч нарса. Ўзингиз биласиз-ку, у ўт-олов, ўрнидан сакраб туриб, хиргойи қилганча югуриб кетади ёки «хоҳласа, ўзи келади!» – дейди. Жудаям маҳмадона-да! Мен ҳам келиб қоларсиз деб ўйлайман! Қарабсизки, орадан яна бир кун ўтади, аммо сиздан дарак бўлмайди. Мен тагин: «Нима гап ўзи, Наденька, ишқилиб Александр Фёдорич соғ бўлсин-да!» – дейман. – «Қайдам тамап, мен каердан билай?» – «Бирортасини юбориб, хабар олдирайлик». Ана одам юборамиз, мана юборамиз, дея-дея барибир ҳеч кимни юбормадик. Наденькага ишонганим учун айтган гапим эсимдан ҳам чиқиб кетди. Қизим ҳам ўзига етгунча. Мана энди от мингиси келиб қолибди! Граф от миниб юрганини деразадан кўриб қолиб, менга тармашди. «От мингим келяпти!» дейди нукул. Унга-бунга алахситиб кўрдим, қаёқда: «От мингим келяпти!» – вассалом! Вой эси паст-ей! Қизалоқ пайтларим от миниш қаёқдайди дейсиз! Бизни асло бундай тарбиялашмаган. Ҳозир бўлса, айтишга ҳам тил бормайди, аёллар ҳам чекяпти-я; уйимиз қаршисида ёшгина бева жувон яшайди. У равонда ўтириб олиб, кун бўйи тамаки тутатгани-тутатган. Ёнгинасидан пиёдами, отликми ўтгани билан заррача иши йўқ. Бизнинг пайтларда ҳатто меҳмонхонадаги эркакдан ҳам тамаки хиди келса...

– Анча бўлдимиз бошланганига бунинг? – сўради Александр.

– Билмадим-ов, айтишларича, беш йилча бўлибди одат тусига кирганига: ҳаммаси ўша французлардан-да...

– Йўқ, мен Надежда Александровна анчадан бери от минадиган одат чиқардимиз, деб сўраяпман?

– Бир ярим ҳафтача бўлди. Граф жудаям хушфееъл, ҳожатбарор одам! Бизни деб нималар қилмади; қизимни эркалантириб юборганини айтмайсизми! Қаранг, ҳаммаёқ гулга тўлиб кетган! Ҳаммасини граф ўзи боғидан олиб келган. Баъзан хижолат бўлиб кетаман. «Бунча қизимни эркалатиб юбормасангиз, граф? Тарбияси бузилади-ку бунақада!...» Кейин қизимни қойиб бераман. Биз Марья Ивановна ва Наденька билан графнинг манежини бориб кўрдик. Ўзингиз биласиз, қизимни сира кўзимдан қочирмайман. Қайси она қизини ўз ҳолига қолдиради? Наденькани шахсан ўзим тарбияладим, мактаниш эмас-ку, лекин ҳар кимнинг ҳам қизи ме-никидай бўлсин-да! Наденька ёнгинамизда от минишни ўрганиб

олди. Кейин графнинг боғида тушлик қилдик, мана энди кунда от минишгани-минишган. Графнинг уйи шунақаям серхашамки, асти қўяверасиз! Ҳамма нарса дид билан қўйилган, ҳашаматли!

– Ҳар куни! – деб қўйди Александр эшитилар-эшитилмас.

– Қўнгилхушлик қилишса қилишипти-да! Ўзим ҳам ёш бўлган-ман... нималар...

– Отда узоқ вақт юришадими?

– Уч соат-уч соатлаб. Хўш, ўзингизнинг нимага тобингиз қочди?

– Қайдам... манави ерим оғригандай... – деди йигит қўлини кўксига теккизиб.

– Ҳеч қандай дори ичмаяпсизми?

– Йўқ.

– Бай-бай-бай, ёшлик – ғўрлик-да! Парво қилмай юришади-юришади-да, дардни ўтказиб юборганларини билмай қолишади! Хўш, нима кўкрагингиз сирқирайдими, санчадими ёки ачишадими?

– Сирқирайдиям, санчадиям, ачишадиям! – жавоб қайтарди Александр паришонхотир.

– Шамоллашдан бу; худо асрасин! Ўтказиб юбормаслик керак, бундай ўзингизга қаранг ҳам-да... зотилжам бўлиши ҳам мумкин; ҳеч қандай дори ича кўрманг! Биласизми нима? Кечкурун кўкрагингизни дока билан қизаргунча қаттиқ ишқаланг-да, чой ўрнида гиёҳ қайнатиб ичинг. Қайси гиёҳлигини айтаман сизга.

Наденька ранги бир ҳолатда, хорғин қайтиб келди. У ўзини диванга ташлади, зўрға нафас олмоқда эди.

– Вой ўлмасам! – деди унинг бошин ушлаб кўрган Марья Михайловна. – Анча юргансан шекилли отда, зўрға нафас оляпсан. Сув ич, кийимларингни алмаштир, тизимчангни бўшат. Айтувдим-а, от минаверишинг яхшиликка олиб бормайди деб.

Александр билан граф куни бўйи шу ерда бўлишди. Граф Александрга астойдил иззат-икром кўрсатди, боғига таклиф этди, от миниб, бирга сайр қилишга чорлаб, йигитга ўз отини беражақлигини айтди.

– От минишни билмайман, – деди Адуев совуккина.

– Ростдан билмайсизми? – сўради Наденька. – Мазза-ку! Эртага яна сайр қиламизми, граф?

Граф таъзим қилди.

— Бас энди, Наденька, — гапга аралашди Марья Михайловна, — графни безовта қиялпсан.

Бироқ Наденьканинг граф билан бирор-бир алоҳида муносабатлари борлиги сезилмасди. Граф она билан ҳам, қиз билан ҳам бир хилда мулойим муомала қилар, Наденькага хилватда гап ташлашга интилмасди. Қиз ортидан бокқа ошиқиш одати йўқ ва она билан кизни баб-баравар кўрарди. Наденьканинг граф билан бемалол муомала қилиши ва бирга от миниб сайр этишлари, кизнинг ҳали шўх ҳамда табиатининг қиёмга етмаганлиги, соддадиллик, эҳтимол тарбиясининг меъёрига етмаганлиги, киборлар шарт-шароитини билмаслиги натижаси, онанинг эса бўшлиги ва узокни кўролмаслиги оқибати эди. Графнинг илтифот ва ҳожатбарорлик кўрсатиши, унинг ҳар кунги ташрифини чорбоғлар ёнма-ёнлиги ҳамда граф Любецкийлар томонидан доимо хушнуд кутиб олишларининг натижасига йўйиш мумкин.

Бунга шунчаки оддий кўз билан қаралса, шундай хулоса чиқиши табиий албатта; бироқ Александр бу ҳолга катталаштирувчи ойна орқали қараганда оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган кўп... кўп... нарсани кўради.

«Нега Наденьканинг мен билан муомаласи ўзгариб қолди?» — деб сўрарди у ўзидан. Уни энди боғда кутмай қўйди, жилмайиб эмас, ҳайиқиб қарши олади, якин кунлардан бери пардоз-андозга зўр берадиган одат чиқарибди. Муносабатида ҳам эркинлик йўқ. Мулоҳазалироқдай бўлиб қолган, юриш-туришида эҳтиёткорлик сезилади. Гоҳо-гоҳо нигоҳи ва гап-сўзларида нимадир сирга ўхшаш... маъно яширинган... Ёқимли инжиқлиги, таманно шўх-шодонлиги қани? Ҳаммаси барҳам еди. Жиддий, ўйчан, камгап бўлиб қолди. Худди нимадандир изтироб чекаётганга ўхшайди. Ҳозир унинг: бошқа қизлардан фарқи қолмади, ўшалар каби муғамбир, риёкорона ҳол-аҳвол сўрайди... Хўжакўрсингагина меҳрибон, хушмуомала... унга... Александрга нисбатан! Ким билан денг... ё парвардигор!

Шунда йигитнинг юраги орқасига тортиб кетарди.

Бу бежиз эмас, бежиз эмас таъкидларди у ўзига-ўзи, — бу ерда бир гап бор! Лекин қандай бўлмасин аниқлайман сабабини, кейин...

Чидаш мумкинмики, бузуқи, айёр
Мақташлар, оҳ-воҳлар оташи ила
Ёш қалбни алдагай қуриб бир хийла;

Захарли ва чиркин бир курт сунбулнинг
Новдасин кемириб кўймасин тагин;
Атиги икки тонг ўпган гунчасин
Сўлгинлик кучмагай – ёш умрин гулнинг...»¹

Ўша куни граф кетгач, Александр Наденька билан холи гаплашишга фурсат пойлай бошлади. У нималарни ўйлаб топмади бунинг учун! Бекани чалғитиб, боққа чиқишга баҳона бўлувчи китобни олиб, уни қизга кўрсатгач, Наденька зумдаёқ етиб боради, деган хаёл билан сохил томон юрди. Кутди-кутди, лекин қиздан дарак бўлмади. Шундан сўнг Александр яна хонага қайтиб келди. Бир ўзи китоб ўқиётган Наденька йигитга қиё боқмади ҳам. Александр қизнинг ёнига ўтирди. Хийла вақт бош кўтармаган Наденька ниҳоят наридан-бери, шунчаки йигитдан адабий фаолияти, бирор янги асари босилган-босилмаганини сўради. Ўтган кунлар ҳақида эса лом-мим демади.

Александр бека билан суҳбатлаша бошлади. Наденька бўлса боққа чиқиб кетди. Бека хонадан чиққанди, Адуев ҳам боққа шошилди. Уни кўрган киз жойидан турди-да, йигит истиқболига эмас, хиёбон бўйлаб, худди Александрдан четланаётган каби бир-бир уй томон одимлай бошлади. Йигит қадамини тезлатганди, Наденька ҳам илдамлашди.

– Надежда Александровна! – кичкирди анча беридан Адуев, – сизда икки оғиз гапим бор эди.

– Хонага кира қолайлик: бу ер зах экан, – деди киз. Ичкарига киришгач, Наденька тагин онасининг олдига ўтирди.

Александрнинг нақ борлиги ўртаниб кетди.

– Энди зах хаводан кўрқадиган бўлиб қолдингизми – сўради йигит алам билан.

– Ҳа, тунлар қоронғи, зах бўла бошлади, – жавоб қайтарди киз эснай туриб.

– Ҳадемай бу ердан кўчиб кетамиз, – гапга аралашди Марья Михайловна, – Александр Фёдорич, агар малол келмаса, уй эгаси ҳузурига кириб айтинг, эшик кулфлари билан Наденьканинг хонасидаги ойнани алмаштирсин. Ваъда қилган эди, лекин эсидан чиқиши ҳам мумкин. Уларнинг ҳаммаси бир гўр: пул олишса бўлди.

Адуев хайрлаша бошлади.

¹ А. С. Пушкин. «Евгений Онегин», 6-боб, XV, XVI, XVII бандлар. Мазкур асарнинг ушбу ва бошқа парчалари Ойбек таржимасидан олинди.

– Жим бўлиб кетманг-а, барака топкур! – деди Марья Михайловна.

Наденька эса чурқ этмади.

Остонага етиб қолган Александр қиз томонга ўгирилди. Наденька йигит сари уч қадам ташлади. Александрнинг юраги қинидан чиққудай уриб кетди.

«Ниҳоят-ей!» – деган фикр кечди йигитнинг хаёлидан.

– Эртага келасизми бизникига? – сўради қиз совуққина, аммо унинг кўзлари синчков боқарди.

– Қайдам, нима эди?

– Сиздан сўраяпман; келасизми-йўкми?

– Келишимни хоҳлайсизми?

– Келасизми-йўкми эртага бизникига? – саволини такрорлади Наденька ҳамон ўша-ўша совуқ оҳангда жуда тоқатсизланиб.

– Йўқ! – жавоб қайтарди Александр алам билан.

– Индин-чи?

– Йўқ, бир ҳафта, эҳтимол икки ҳафта... анча вақт келмасам керак!.. – Адуев шундай деяркан, жавоби қандай таъсир қилганини билиш мақсадида қизга синовчан тикилди.

Наденька сукут сақлаётган бўлса-да, йигитнинг жавобини эшитган заҳоти нигоҳи бир зум қуйи эгилди, нимага йўйиш мумкин бунини? Хафаликми ёки қувонч чақмоғи чакнадимикин қиз кўзларида? Наденьканинг мармардай, тиниқ чехрасидан ҳеч қандай маъно англаб бўлмасди.

Қўлидаги шляпасини қаттиқ қисимлаб олган Александр шартта ташқарига йўналди...

– Кўкрагингизни дока билан ишқалаш эсингиздан чиқмасин-а! – кичқирди орқадан Марья Михайловна. Александрнинг қаршисида яна бир муаммо пайдо бўлди: Наденька бояги саволи билан нима демоқчи бўлдийкин? Қандай мақсад кўзландийкин? Александрни тагин кўрмоқчими ёки безорми ундан?

– О, азоб! Нақадар азоб! – деб қўйди йигит ўртаниб. Боёқиш Александр чидай олмади, учинчи куниёқ уларникига кириб келди. У остона ҳатлаганида Наденька панжара ёнида турарди. Йигит энди хурсанд бўлиб соҳилга яқинлашган эди ҳамки, шу пайт қиз худди Адуевни кўрмагандай тескари ўгирилди-да, шунчаки сайр қилиб юргандай йўлка бўйлаб четдан бир неча одим отиб, уй томон йўналди.

Александр ичкарига кириб, Наденькани онаси ёнида кўрди. Уйда шаҳарлик икки киши: қўшни аёл, Марья Ивановна ва турган гапки, граф ҳам бор эди. Александр ўзини кўярга жой тополмай қолди. Бекорчилик, майда-чуйда гаплар билан яна бир кун ўтди. Меҳмонлар Александрнинг жудаям жонига тегиб кетганди! Улар бўлар-бўлмас нарсалар ҳақида парвойи фалак гап сотишар, ҳазиллашишар, кулардилар.

– «Кулишади-я! – деди ичида Александр, – Наденьканинг... менга муносабати бошқача-ку, кўнгилларига кулги сиққанини-чи! Фарқи йўқ-да уларга! Майда одамчалар: ҳар нарсадан кувонаверганларига ўласанми!»

Наденька бокка чиқиб кетди, граф унга ҳамроҳ бўлмади. Яқин кунлардан бери граф ҳам, Наденька ҳам Александр борлигида ўзларини бир-бирларидан қочаётгандай кўрсатадиган бўлиб қолишди. Гоҳо Адуев боғда ёки хонада уларни бақамти кўриб қолган пайтлари граф билан Наденька ўзаро шартта ажралишарди-да, иккиламчи духоб бўлмасликка ҳаракат қилишарди. Александрнинг дилига яна бир янги, дахшатлироқ шубҳа тушди: улар ҳойнаҳой тил бириктириб қўйишган шекилли.

Меҳмонлар таркалишди. Граф ҳам кетди, Наденька бундан беҳабар бўлгани учун уйга қайтишга шошилмасди. Адуев мулозамат қилиб ўтирмай, Марья Михайловнани тарк этди-да, боғ ичкарисига йўл олди. Наденька Александрга тескари ўгирилганча панжарани чангаллаб, ўшал ажиб оқшомдаги каби қўлларига бош қўйган қўйи турарди. У Александрнинг яқинлашганини кўрмади ҳам, эшитмади ҳам. Йигит оёқ учида астагина киз ҳузурига яқинлашаркан, юраги кинидан чиққудай бўлар, нафаси бўғзига тикилганди.

– Надежда Александровна! – деди Адуев эшитилар-эшитилмас овозда ҳаяжон аралаш.

Наденька ёнгинасида ўқ узилгандай сесканиб тушди ва Адуев томонга ўгирилиб, бир қадам орқага тисарилди.

– Айтолмайсизми, хув анави қандай тутуникин? – сўради кейин киз хижолатли қиёфада апил-тапил дарёнинг нариги соҳилини кўрсатиб, – ёнғинми ёки... завод печкаси шундай тутайдими?..

Александр индамайгина Наденькага термилди.

– Ёнғин бўлса керак, деб турувдим... Нега бундай қараяпсиз менга, ишонмаяпсиами?

Қиз бошка гапирмади.

Ё, тавба, сиз, сиз ҳам, – деб гап бошлади Адуев бошини чайкаб, -- анави аёлларга ўхшаб қолибсиз-ку!.. Икки ой муқаддам... ким бундай бўлади деб ўйлаганди...

– Нималар деяпсиз? Гапингизга тушунмаяпман, – деди қиз кетишга тараддулланиб.

– Андак сабр, Надежда Александровна, мен бу азобларга ортиқ чидай олмайман.

– Азоб нимаси? Тушунмаяпман...

– Муғамбирлик килманг, айтинг, ўзингизмисиз ахир? Ўша Наденькамисиз?

– Худди ўша-ўшаман! – жавоб қайтарди Наденька чўрт кесиб.

– Ана холос! Менга нисбатан муносабатингиз ўзгармагандир ҳам ҳали?

– Йўқ, ўзгармаган, сизга ўша-ўша мулойим муомала қияпман шекилли, ўша-ўша хушнуд кутиб олсам...

– Ўша-ўша хушнуд эмиш-а! Унда нега панжарадан нари қочяпсиз?

– Қочяпман? Топган гапингизни қаранг: панжара ёнида турибман-ку, сиз бўлсангиз, қочяпсан, дейсиз.

Наденька зўрма-зўраки кулиб юборди.

– Муғамбирликни бас қилинг, Надежда Александровна!

– Муғамбирлик нимаси? Нега менга бунча ёпишиб қолдингиз?

– Ростдан ҳам ўзингизмисиз? Ё худо! Бир ярим ой муқаддам, худди шу ерда...

– Нариги сохилдаги тутун қандай тутунийкин, билгим келяпти.

– Дахшат! Дахшат! – деди Александр.

– Нима ёмонлик қилдим сизга? Ўзингиз келмай қўйдингиз-ку ахир бизникига – яна тагин... майли, ихтиёрингиз...

– Вой, маккора-ей! Нима, нега келмай қўйганимни билмайсизми?

Қиз четга қараб, бошини сарак-сарак килди.

– Хўш, графни нима дейсиз? – қарийб ўдағайлади Адуев.

– Қанақа граф?

Наденька ўзини граф номини энди эшитаётгандай тутди.

– Қанақа графмиш-а! Анойингизни топибсиз! – деди Александр қизнинг кўзига тик бокиб. – Нима, у сиз учун барибирми?

– Ақлдан озибсиз! – жеркиди Наденька орқага тисарилиб.

– Ҳа, тўғри айтдингиз! – давом этди Адуев. – Кун сайин ақлдан озиб боряпман... Наҳотки сизни дунёдаги ҳамма нарсадан ортиқ қўювчи, сизни деб ҳамма-ҳамма нарсани унутган одамга нисбатан шунчалар ҳийла-найранг қилинса... умрбод бахтли бўламан деб ўйлагандим, ваҳоланки сиз...

– Хўш, нима мен? – сўради қиз янаям орқарокқа тисарилиб.

– Нима мен, дейсизми? – саволга савол билан жавоб қайтарди бу совуққонликдан ғазаби қўзиган Александр. – Унутибсиз-да! Унда эслатиб қўяй, мана шу, худди мана шу ерда меники бўлишга қайта-қайта қасамёд қилгандингиз. «Худо шоҳид, онт ичаман!»— дегандингиз. Ҳа, худо шоҳид! Парвардигор олдида ҳам, манави дарахтлару ўт-ўланлар олдида ҳам уялишингиз керак. Ҳамма нарса бахтимизга гувоҳ: ҳар битта қум зарраси бизнинг муҳаббатимиз ҳақида сўзлаётир. Қаранг, теварагингизга бир назар ташланг!.. Лафзсиз одам экансиз-е!!!

Наденька йигитга даҳшат билан боқди. Қизнинг кўзлари чакмоқдай ялтирар, лаблари гезариб кетганди.

– Уҳ! Шунчалик заҳармисиз! – деди Наденька кунишиб, – нега жаҳлингиз чиқяпти? Сизга рад жавоби берганимча йўқ, матан билан гаплашмагансиз ҳали бу хусусда... шундай экан...

– Шунча қилғиликларингиздан кейин ҳам гаплашишим керак-миди...

– Қандай қилғиликлар? Ҳайронман...

– Қандай қилғиликларми? Ҳозир айтаман: граф билан учрашувлар, анави от сайрларини нима деб тушунса бўлади?

– Матан хонани тарк этганларида графнинг ёнидан қочиб кетолмайман-ку ахир? От сайрига келса... яхши кўраман отда юришни... Жудаям маза... жийрон Люсининг ёқимтойлигини айтмайсизми! Кўрганмисиз уни?... Мени дарров танийди жонивор...

– Менга муносабатингиз ўзгариб қолгани-чи?... – ҳамон юмшамасди Александр, – нега граф ҳузурингизда эрталабдан-кечгача бўлади?

– Вой, худойим-ей! Мен қаёқдан билай? Хўп қизиқ одамсизларда! Матан шуни хоҳлайдилар.

– Бўлмаган гап! Матапингиз нима десангиз шуни қилади. Шунча совға-салом, нотаю альбом, гуллар кимга аталган? Ҳаммаси матапингизгами?

– Ҳа, тамап гулни яхши кўрадилар. Кечагина боғбондан сотиб олувдилар...

– Бўлмаса нега граф билан нимадир тўғрисида шивирлашиб гаплашасизлар? – гапида давом этди Адуев қизнинг сўзларига аҳамият бермай. – Қаранг, рангингиз оқариб кетяпти, айбингизни ўзингиз ҳам сезиб турибсиз. Инсон бахтини хокисор этиш, лафзсизлик, жами эзгуликларни бунчалар тез, осонгина барбод қилиш, риёкорлик, кўрнамаклик, ёлғон-яшиқ, хиёнат!.. Ҳа, хиёнат!.. Нечук шундай аҳволга тушиб қолдингиз? Бадавлат граф, арслон бир нигоҳ ҳадя этгану – сиз бу ялтироқ қуёш нурлари остида эриб боргансиз; қани диёнат!!! Бу ерга граф қадамини ҳам босмасин! – ўдағайлади нафаси бўғилиб Александр, – эшитяпсизми? барча муносабатларингизни бас қилингки, токи остона ҳатлай кўрмасин!.. Мен истамайман...

Ўйигит жазавада қизнинг қўлини чангаллади.

– Мамап, тамап! Буёққа келинг! – чинқириб юборди Наденька силтана-силтана Адуевнинг чангалидан кутулиб чиқиб. Сўнгра орқа-ўнгига қарамай, уй томонга югуриб кетди.

Александр харракка ўтириб, қўллари билан бошини чангаллади. Рангида ранг йўқ, капалаги учиб кетган Наденька югурганича хонага кириб, шартта ўзини курсига ташлади.

– Бу нима қилганинг? Нима бўлди сенга? Негачи кичкирасан? – деди хавотирланган она қизи истикболига пешвоз юриб.

– Александр Фёдорич... тоби қочиб қолди! – зўрға тили калимага келди Наденьканинг.

– Шунгаям шунча ваҳимами?

– Жудаям кўрқинчли кўриниши... тамап, ёнимга киргизманг уни.

– Нақ юрагимни ёриб юбординг-а, тентак! Хўш, тоби қочса нима бўлибди? Унинг кўкраги оғришидан хабарим бор. Хўш, нимаси хавотирли? Сил эмас-ку ахир! Дока билан ишқаласа, тузалади-қолади; гапимга кирмай, дока билан ишқаламаганга ўхшайди.

Александр ҳушёр тортди. Жазава босилган бўлса ҳам изтироби баттар кучайганди. Гумонлари бир ёқли бўлмай, қайтанга, Наденькани кўрқитиб юборди, энди албатта тўғри жавоб ололмайди. Бундай қилмаслик керак эди. Ҳар қандай ошиқ каби Александрнинг миясига ҳам тўсатдан шу фикр келди: «Хўш, қизнинг

айби бўлмаса-чи? Эҳтимол ростдан Наденьканинг граф билан иши йўқдир! Нодон ойиси уни ҳар куни таклиф этса, киз боёқиш нима қилсин? Граф барча киборлар каби хушмуомала; Наденька – яхши киз: граф унга ёқмоқчи бўлгандир балки, бундан граф кизга маъкул бўлди, деган хулоса чиқариб бўлмайди-ку. Эҳтимол Наденькага граф эмас, гул, от сайри, маъсумона кўнгилхушликлар ёқса-чи? Боринг ана бунга ҳатто андак ишваю таманно ҳам қўшилган бўлсин, нима бу узрли эмасми? Бошқа ундан каттарок кизлар нималар қилишмайди».

Ховридан тушган Александрнинг хиёл дили ёришди. Ошиқлар одатда ўзи шунақа: гоҳ кўру кар бўлиб қолишади, гоҳо ҳаддан зиёд хушёрлик қилиб қўйишади. Айни пайтда маҳбубани оқлаш шундай хуш ёқадики!

«Хўш нима учун менга муносабати ўзгариб қолди? – баногоҳ ўзига-ўзи савол берди Адуев тагин ранги оқариб. – Нега мендан ётсирайди, уялгандай сукут сақлайди? Нечун кеча, бегим куни ҳам бунчалар ясан-тусан қилиб олганди? Мендан бўлак меҳмони йўқ эди-ку? Нега балет бошланишига оз қолдими, деб сўради? Бу оддий савол эди, лекин шу пайт у граф гап орасида нима қилиб бўлса ҳам ложадан билет олишни ваъда қилганини эслади: демак граф улар билан бирга бўлади. «Нега бўлмаса Наденька кеча боғдан кетиб қолди? Нечун боққа келмади? Нега фалонни сўрамади, нечун писмадон тўғрисида суриштирмади...»

Шундан сўнг Александр қаттиқ шубҳага тушиб, тагин қаттиқ изтироб чекаркан, ҳатто Наденька мени ҳеч қачон севмаган, деган хулосага ҳам келди.

«Худойим-эй, худойим-эй, – деди у азоб билан, – яшаш қанчалар машаққат, қанчалар оғули! Худойим, мени бу машмашалардан қутқариб, осойишталик бергин...»

Чорак соатлардан сўнг Адуев хонага ғамгин, ҳадикли қиёфада кириб келди.

– Хайр, Надежда Александровна, – деди у шикаста овозда.

– Хайр, – жавоб қайтарди киз ҳам бўшашиб, ердан кўзини олмай.

– Рухсатингиз билан қачон келай энди?

– Хохлаган вақтингизда. Айтгандай... биз кейинги ҳафтада шаҳарга кўчиб кетамиз: хабар берармиз...

Адуев кетди. Орадан икки ҳафтадан зиёдроқ вақт ўтди. Бирин-кетин ҳамма чорбоғчилар кўчиб кетишди. Киборлар салонлари чароғон бўла бошлади.

Хизматчи Степан Иванович ва Иван Степанични кутаркан, меҳмонхона деворидаги иккита чирокни ёқди, ярим пуд шам ёғидан солиб олди ва хотинига бизникида сешанба кунлари йиғин бўлади, деди.

Адуев бўлса ҳамон Любецкийлардан нома олмасди. Йигит уларнинг ошпази билан оқсочини учратиб қолди. Оқсоч Александрни кўрган заҳоти шартга ўзини четга тортди: у ойимқизнинг таъсирида шундай қилганлиги аён эди. Ошпаз тўхтади.

Нечук бизларни йўкламай қўйдингиз, тўрам? – сўради у, – кўчиб келганимизга бир ярим ҳафта бўлди-я.

Ҳа, балки ҳали... кўч-кўронингларни жойлаганингларча йўқ, меҳмон кутадиган аҳволда эмасдирсизлар?

Нега энди, тўрам; ҳамма йўқлаб бўлди, фақат сиздан дарак йўқ; ойимқизнинг кайфиятлари аъло. Жаноби олийлари ҳар куни ташиф буюриб турибдилар... жудаям олижаноб зотлар-да у киши, бир сафар уйига ойимқиз бериб юборган дафтарни оборган эдим, кинил червон тутқаздилар.

Гирт аҳмоқ экансан! – ўшқириб берди Адуев маҳмадона ошпаздан нари кетиб. Кейин кечкурун Любецкийлар уйи ёнидан ўтди. Уй чароғон, дарвоза ёнида извош турарди.

Кимнинг извоши? – сўради у.

Граф Новинскийники.

Ортаси ҳам, индини ҳам худди шу манзара. Ниҳоят бир куни Адуев Любецкийлар хонадонига кириб борди. Марья Михайловна йигитни шодон, йўкламаганлиги учун гина билан кутиб олди, кўкрагини дока билан ишкаламаганлиги учун койиди; Наденька хотиржам, граф эса мулойим кутиб олди. Гап гапга қовушмади.

Шундай қилиб, Адуев Любецкийларникига икки бор ташиф буюрди. Унинг Наденькага умидвор қарашидан фойда чиқмади, кин худди йигит нигоҳини пайқамаганликка олди, олдинлари қанчалар таътибдор берарди! Гоҳо Адуев Марья Михайловна билан суҳбатлашаётган пайтлари Наденька ойисининг орқасидан йигитга рўпарама-рўпара туриб олиб, имо-ишоралар қилар, афтини буриш-торар, ун кулдирадди.

Александр зик бўлиб кетди. У қандай бўлмасин, ўзи сабабчи мушкул ахволдан кутулиш чорасини излай бошлади. У изоҳ эшитишга эришгиси келарди. «Жавоб қандай бўлса бўлар, – ўйларди у, – ишқилиб шубҳа-гумонларимни тўкиб солсам бас».

Александр қандай йўл тутишни ўйлай-ўйлай, охири ниманидир режалагач, Любецкийларникига равона бўлди.

Иши ўнгидан кела бошлагандай эди. Дарвоза ёнида извош кўринмасди. Адуев астагина залини босиб ўтиб, нафасини ростлаш учун меҳмонхона эшиги қаршисида бир дақиқа тўхтади. Ичкарида Наденька фортепиано чаларди. Бир хона наридаги бўлма диванида Любецкаянинг ўзи шарф тўкиб ўтирибди. Залдаги қадам товушини эшитган Наденька аста фортепиано чалган кўйи бошини олдинга чўзди. У табассум билан меҳмон кириб келишини кутарди. Меҳмон пайдо бўлган захоти қизнинг чехрасидаги жилмайиш ўрнини ҳадик эгаллади. Ранги хиёл ўзгарган Наденька стулдан турди. У бу меҳмонни кутмаётганди.

Александр индамайгина таъзим бажо келтиргач, бамисоли соя янглиғ нарига, Марья Михайловна хузурига йўналди. У аста, авваллардагидай дадиллик билан эмас, боши ҳам одимларди. Жойига ўтирган Наденька дам-бадам орқасига безовта аланглай-аланглай, фортепиано чалишда давом этаверди.

Ярим соатлардан сўнг нима важдандир олани ташқарига чақириб қолишди. Александр Наденькага яқинланди. Қиз ўрнидан туриб, нари кетмокчи бўлди.

– Надежда Александровна! – деди Адуев тушкун овозда, – сабр қилиб, менга беш дақиқа вақтингизни ажратсангиз, узоқ ушлаб турмайман.

– Гапингизни эшитишга юрагим бетламайди! – жавоб қайтарди қиз узоклашишга тараддуланиб, – охири сафарги дилозорлингиз...

– Ўшанда номаъкулчилик қилиб қўйдим. Энди бошқача гапираман деб ваъда бераман, бирор оғиз ҳам таъна эшитмайсиз. Йўқ деманг, эҳтимол, бу охириги илтимосимдир. Юракдан гаплашиб олишимиз зарур: ахир сиз ойингиздан розилик олишимни илтимос қилгандингиз-ку. Ўшандан кейин шунақаям кўп нарсалар рўй берди-ки... агар... хуллас, саволимни такрорлашимга тўғри келади. Ўтиринг-да, чалишда давом этаверинг, ўшанда ойингиз гапимизни эшитмайди; биринчи марта эмас-ку ахир бу...

Қиз беихтиёр бўйсунди: юзига ним кизил югуриб, оҳанг пардасини ростлашга киришаркан, хавотир билан йигитга нигоҳ тикди.

– Қаёққа кетиб қолдингиз, Александр Фёдорич? – ажабланди хонага қайтиб кираркан, Марья Михайловна.

– Надежда Александровна билан адабиёт... тўғрисида сўзлашмоқчийдим, – жавоб қайтарди Адуев.

– Майли, сўзлашинг, сўзлашаверинг: аслини олганда, кўпдан бери сўзлашмай қўйдингиз ўзиям...

– Фақат битта саволимга лўнда ва дилдан жавоб қайтарсангиз, – гап бошлади Александр шикаста овозда, – шу билан хозирок орамиз очик бўлади... Мени ортиқ севмай қўйганмисиз?

– Quelle idee!¹ – жавоб қайтарди хижолатда киз, – татап билан менинг доимо дўстлигингиз қадрига етишимизни биласиз... Сиздан биз ҳар қачон шунчалар хурсанд...

Адуев Наденькага қараб туриб, ўйга чўмди: «Сен ҳамон ўша тантик, аммо самимий қизмисан? Ўша-ўша ўйинқароқ, қақажонлигингча қолганмисан? Бунчалар тез муғамбирликка ўрганмаса? аёлларга хос кўникма бунчалар тез уни заҳарламаса?! Нахотки хуш ёқадиган танतिकликлари риёкорлик, устомонлик дебочаси бўлса?... ажабо, амаким йўл-йўриқларисиз ҳам шу қадар абжир аёл қиёфасига кира билса-я бу киз! Бунинг бари бор-йўғи графдан икки-уч ойгина таълим олиш натижаси холос! О, амаки, амаки! Бу ўринда ҳам жуда ҳақ чиқдинг!»

– Менга қаранг, – деди Адуев маккора киз юзидаги ниқоб йиртилгандай оҳангда, – ойингизни бир чеккага қўйиб турайлик: маълум муддат мени пича севган Наденькалингизга қайтинг... ва тўғрисини айтаверинг: бу менга зарур, худо ҳақки, жудаям зарур.

Қиз ҳеч нарса демай, ногаларни алмаштирди-да, синчиклаб қараб, қандайдир мураккаб оҳанг пардаларини чалишга киришди.

– Хўп, яхши, саволимни ўзгартираман, – давом этди Александр, – айтинг-чи, қалбингизни менинг ўрнимга бирор кимса, – кимлигини атамайман ҳам уни, – эгалладими ё?..

Қиз шамни олиб, хийла вақт пилигини тузатиб турса ҳам лекин лом-мим демади.

– Жавоб қайтара қолинг, Надежда Александровна, бир оғизгина гапингиз мени дўзах азоби, сизни эса – ўзни оклаш қийноқларидан халос этади.

¹ Шу ҳам гап бўлди-ю! (франц.)

– Вой, худойим-ей, қўйсангиз-чи! Нима дейишим мумкин сизга? Айтадиган гапим йўқ! – жавоб қайтарди Наденька йигитдан тескари ўгирилиб.

Бошқа одам бўлса, ҳозирги сўзлардан кейин тақдирга тан бериб, ўз йўлига кетаверар, қизнинг сассиз, аянчли, ҳасрат йўғрилган чеҳраси-ю, ўзини тутишидан ҳамма нарсани тушунган бўларди. Бироқ Адуев қаноат ҳосил қилмаганди. У худди маҳкуми бўғзига тиг тираган жаллодга ўхшаб, кутуриб, бир йўла ва армонсиз қон ичиш иштиёқи билан ёнарди.

– Йўқ! – деди Александр, – бугун барча азобларимга тамоман чек қўясиз; шубҳаларим дам сайин баттар оромимни бузаяпти, дилимни вайрон қияпти, жоним азобда; зикликдан нақ юрагим ёрилгудай назаримда... шубҳаларимга ҳеч нарса таскин беролмайдими; ҳаммасини ўзингиз ҳал қилишингиз керак; йўкса, ҳеч қачон хотиржам бўлолмайман.

Адуев Наденькага қараб, жавоб кута бошлади. Қиз чурқ этмасди.

– Раҳмингиз келсин менга! – ўтинди тагин йигит, – аҳволимга бир қаранг: ўзимга ўхшайманми ҳеч? Одамлар ҳуркишяпти мендан, танимай қўйишди... ҳамма ачинади, ёлғиз сиз...

Дарҳақиқат, Александрнинг кўзлари ваҳшиёна ялтирар, озиб, ранги бир ҳолатга тушган, пешонасини йирик тер томчилари қоплаганди.

Наденька Александрга зимдан нигоҳ ташлади, унинг кўзларида ҳам ачинишга ўхшаш ифода учкунлади. Қиз ҳатто Адуевнинг бармоқларини тутди ҳам, лекин шу заҳоти хўрсинган қўйи қўлини тортиб олиб, ўша-ўша жим тураверди.

– Хўш, нима дейсиз? – сўради йигит.

– Уф, қўясизми йўқми! – тилга кирди ниҳоят Наденька юраги сиқилиб, – жонимга тегиб кетди-е саволларингиз...

– Илтимос қиламан, худо ҳаққи! – ёлворди Александр, – бир оғиз гапингиз кифоя... Индамасликдан нима фойда? Аҳмоқона умидворлик билан рангим заъфарон, хафакон, кун сайин келаверишимни қўймайман барибир... Жонингизга тегиб кетаман. Уйингизга қўймасангиз, деразангиз тагида кезганим кезган, арвоҳдай, *memento mori*¹ каби театр, кўча, ҳамма ерда рўпара бўлавераман.

¹ Ажал даракчиси (*лотин.*).

Тентаклик, эҳтимол кулгилидир бу, бировларга кулгили, аммо мен учун кони азоб! Эҳтирос нима, у не кўйларга солишини билмай-сиз-да! Илойим, ҳеч қачон бу кўйга тушманг!.. Қайсиниси дуруст? Шартта жавоб қайтара қолганингиз яхши эмасми?

– Нимани сўраяпсиз ўзи мендан? – деди Наденька кресло суянчиғига ястаниб. – Жудаям ҳайронман...

Қиз бармоқларини пешонасига босиб, дарҳол қўлини қайта тортиди.

– Сўраганим шуки; қалбингизда менинг ўрнимга бошқа кимса жой олганми? Бир оғиз сўз билан ҳа ёки йўқ дейишингиз ҳамма нарсани ҳал этади. У қадар қийин эмас-ку айтиш!

Наденька нимадир демокчи бўлди, лекин айтолмади-да, кўзларини ердан олмасдан клавишларга бир-бир бармоқ ура бошлади. У икки ўт орасида қолгани сезилиб турарди. «Оҳ» – деб қўйди ниҳоят қиз ҳасратда. Адуев рўмолчаси билан пешонасини артди.

– «Ҳа»ми ёки «йўқ»ми? – саволини такрорлади Александр нафасини ичига ютиб.

Орадан бир неча лаҳза ўтди.

– Ҳа ёки йўқ!

– Ҳа! – шивирлади Наденька аста, кейин ҳушсиз каби фортепиано узра ётгудай эгилиб, йўғон пардаларга бармоқ босди.

Бир зумги нафас каби базўр эшитилган ҳа сўзи Адуевни тамомила эсанкиратиб қўйди; унинг гўё юраги тўхтаб қолгандай, оёқлари ихтиёрига бўйсунмасди. Ниҳоят йигит фортепиано ёнидаги курсига «шилқ» этиб чўкиб, индамай қолди.

Наденька унга хавотирли қарар, Александр бўлса қизга маъносиз боқарди.

– Александр Фёдорич? – қичқирди баногоҳ она ўз хонасидан, – қайси қулоғингиз шанғиллаяпти?

Адуев чурқ этмади.

– Мамап сиздан сўраяптилар, – деди Наденька.

– А?

– Қайси қулоғингиз шанғиллаяпти? – қичқирди она, – тезроқ айта қолсангиз-чи!

– Иккала қулоғим ҳам! – ноҳуш жавоб қайтарди Адуев.

– Қизиксиз-да, чап қулоғим десангиз-чи! Мен бугун граф келиш-келмаслигини фол очаётгандим.

– Граф! – деди Адуев.

– Кечирасиз! – гапга аралашди Наденька ёлворган овоз билан йигит томон интилиб, – ўзим ҳам хайронман... Нохос шундай бўлиб қолди, ихтиёримдан ташқари... билмадим қандай қилиб... сизни алдамаслигим керак эди...

– Ваъдамнинг устидан чиқаман, Надежда Александровна, – деди йигит, – сизга бир оғиз ҳам таъна қилмайман. Самимийлигингиз учун ташаккур... кўп, менга анча мурувват қилдингиз... бугун... hozirgi ўша ҳа сўзини эшитишим осон бўлмади... аммо сизга айта олиш янаям қийинроқ бўлди уни... Алвидо, энди қорамни ҳам кўрмайсиз, бу самимийлигингиз эвазига мукофот... оббо граф, граф-ей!

Адуев тишларини ғижирлатганича эшик томон йўналди.

– Ҳа-я, – деди у изига қайтиб, – шу билан нимага эришдингиз? Граф сизга уйланмайди: мақсади нима унинг?..

– Қайдам! – жавоб қайтарди Наденька руҳсиз бош чайқаб.

– Ана холос! Бунчалар нодонлик! – хитоб қилди дахшатда Александр.

– Нияти ёмон бўлмаса керак... – деди қиз эшитилар-эшитилмас.

– Эҳтиёт бўлинг, Надежда Александровна!

Адуев қизнинг қўлидан тутиб ўпгач, эран-қаран юрганча хонадан чикди. Унинг қиёфаси аянчли тус олганди. Наденька турган ерида қимирлолмай қолаверди.

– Нега чалмаяпсан, Наденька? – сўради бир неча дақиқадан сўнг она.

Наденька хосиятсиз тушдан кейин енгил тортгандай мамнун хўрсинди.

– Ҳозир, татан! – жавоб қайтарди у ва хаёлчан қиёфада бошини ёнига хиёл эгганича клавишларни иштиёқсиз боса бошлади.

Бармоқлари титрарди. Чамаси, у виждон азоби ва «Эҳтиёт бўлинг!» жумлалари таъсирида қийналарди. Граф келганида Наденька камгап, тавозесиз бўлиб, юриш-туриши ҳадикли эди. Ниҳоят қиз бош оғриғи баҳонаси билан барвақтгина ўз хонасига равона бўлди. Шу окшом Наденьканинг назарида олам кўзига тор кўриниб кетганди.

Адуев зиналардан пастга тушган заҳоти охирги пиллапояга мадорсиз ўтириб қолди ва рўмолчаси билан кўзларини тўсганича баногоҳ кўзидан ёш чикмай, қаттиқ ўкира бошлади.

Шу пайт пешайвон ёнидан қоровул ўтиб бораётганди. У тўхтаб, тинчланди.

– Марфа, ҳой Марфа! – бақирди маҳридаги саҳтиён эшик ёнига яқинлашган қоровул, – бу ёкка келиб кулоқ сол-чи, кимдир ҳўкиздай ўқиряпти шекилли. Арабий итимиз занжирини узиб кетган бўлса керак деб ўйлагандим, лекин унга ўхшамаёпти.

– Йўқ, ит эмас! – деди кулоқ тутиб Марфа. – Ҳайвонмасми мабодо?

– Бориб, фонус опке, печка орқасида осилиб турибди. – Марфа фонус олиб келди.

– Ҳалиям ўқиряптими? – сўради у.

– Ўқирганда қандок! Бирор муттаҳам кириб олган эмасми ишқилиб?

– Ким у? – сўради қоровул. Жавоб бўлмади.

– Ким бу? – тагин сўради Марфа.

Бирок ўша-ўша ўкраш эшитилаверди. Улар биргалашиб шартта ичкарига кириб боришди. Адуев ўзини нарига олди.

– Э, бу қанақадир тўрами дейман, – деди унинг ортидан қараб қоларкан Марфа, – гапингни қара-ю, муттаҳам эмиш! Ғирт аҳмоқсан-да! Муттаҳам бировнинг пешайвонида ўқраб ўтирмаса керак!

– Эҳтимол, боши оғриётгандир тўранинг?!

– Ажаб бўлибди! – жавоб қайтарди Марфа, – ҳаммани ўзингга ўхшатаверасан шекилли-да, а? Бари қайфи ошганлар сендай ўкрайвермайди.

– Ё, унинг қорни очмикин-а? – сўради раҳми келиб қоровулнинг.

– Ол-а! – деди унга қараб Марфа не деярини билмай, – ким билсин, бирор нарсасини, эҳтимол пулини тушириб қўйган бўлиши ҳам мумкин...

Иккаласи шартта чўк тушиб, фонус тутиб, атрофни пайпаслай бошлашди.

– Тушириб қолдирган-а! – ғўнғиллади қоровул атрофга фонус тутиб, – қаерда тушириб қолдирган бўлиши мумкин? Пиллапоярлар топ-тоза, нина тушса кўринарди... Тушириб қўйган эмиш! Туширса тош жаранглаб кетарди-ку, дарров оволарди-я. Қаерда тушириб қўйган бўлиши мумкин? Ҳеч қаерда! Аҳмоғини топибди! Сираям-да! Қаёқда! Ундайлар тушириб қўйиш эмас, чўнтакка уриш пайи-

дан бўлишади-ку! Лақиллатмай қўя қолсин! Биламиз унақа мумсикларни! Тушириб қўйиб бўпти! Қаерда тушириб колдирибди?

Улар йўқотилган пулни ахтариб, хийла вақт пайпасланиб юришди.

– Йўк, ҳеч ерда йўк-ку! – деди ниҳоят қоровул хўрсиниб, кейин фонус пилигини кўтаргач, ёғ юқи қўллари пўстинига артди.

VI

Ўша оқшом, соат ўн иккиларда Пётр Иванович бир қўлида шам билан китоб, иккинчи қўлида чакмони барини ушлаганча иш бўлма-сидан ётоғи томон йўналаётганди, хизматкор уни Александр Фёдорич йўклаётганини айтди.

Пётр Иванович кошларини чимириб, пича ўйлаб турди-да, сўнг хотиржамлик билан деди:

– Бўлмага таклиф эт, мен ҳозир кираман.

– Салом, Александр, – деди у бўлмага қайтиб кириб, – анчадан бери дийдор кўришмай қўйгандик. Кундузлари чироқ ёкиб ҳам топиб бўлмасди сени, қара, тунда кириб келсанг-а! Нима қилиб юрибсан бемахалда? Тинчликми ўзи? Кайфиятинг чатоқ-ку.

Александр лом-мим деб жавоб қайтармай, креслога рухсиз чўкди. Пётр Иванович унга ҳанг-манг бўлиб қараб турарди. Александр хўрсиниб қўйди.

– Соғлигинг жойидами? – сўради Пётр Иванович ташвишланиб.

– Жойида, – жавоб қайтарди Александр нохуш, – юриб-туришим, еб-ичишим дуруст, хуллас, сихат-саломатман.

– Саломатлик билан ҳазиллашиб бўлмайди-я, болакай, докторга учрашиш керак.

– Менга бошқалар ҳам шундай маслаҳат беришди, лекин ҳеч қайси доктор-мокторию дори-дармонлари бакор келмаяпти, касалим жисмоний касал эмас...

– Нима бўлди унда? Қиморда бой бериб қўйдингми ёки пул йўқотдингми? – сўради Пётр Иванович астойдил қизиқиб.

– Пулга алоқасиз ҳам кулфат ёғилишини асло тасаввур этолмайсиз-а, амаки! – жавоб қайтарди Александр зўрма-зўраки илжайиб.

– Гоҳо сенинг бошингга тушиб турадиган сариқ чақага қиммат кулфатни кулфат деб бўладими?..

Ҳа, масалан, худди ҳозиргидай кулфат денг. Қандай кулфат-ди қолганимни биласизми ўзи?

Қанақа кулфат экан у? Уйингда ҳамма нарса кўнгилдагидай бўлса: буни онанг мени ҳар ойда сийлаб турган мактублар орқали биламан; хизмат жойингда рўй берган кўнгилсизликдан ҳам ортиғи бўлмаса керак-ов; тобе одамни бошларига чиқариб олишган: бундан ёмони йўқ. Соғман, пул йўкотмадим, киморда бой бермадим, деяпсан, шуларгина мушкул, қолган ҳаммасининг яраси енгил. Бундан чиқди, қандайдир бўлмағур муҳаббат можароси бўлса керак-да, чамаси...

– Ҳа, муҳаббат; лекин, биласизми, нима рўй берди: агар билсангиз, эҳтимол бунчалар енгил-елпи хулоса чиқармай, каттик даҳшатга тушсангиз керак ҳойнаҳой...

– Қани, гапир бўлмаса, кўпдан бери даҳшатга тушмаганман ўзиям, – деди амаки ўтира туриб, – аслида бош қотириб ўтиришининг ҳам ҳожати йўқ, лақиллатишган бўлишса керак-да...

Александр сакраб туриб, нимадир демоқчи бўлди-ю, лекин чурк этмай, қайта жойига ўтира қолди.

– Хўш, тўғрими? Кўрдингми, сенга айтгандим, сен бўлсанг: «Йўқ, бўлиши мумкин эмас!» – девдинг.

– Қандай олдиндан сезиш мумкин эди? – деди Александр, – қачонки...

– Олдиндан сезиш эмас, олдиндан кўриш, яъни билиш керак эди. Энг тўғри йўл шу. Шундай иш тутиш керак.

– Мен нима аҳволдаману, парвойи фалак шундай деяпсиз-а, амакижон... – ранжиди Александр.

– Хўш, нима қилишим керак бўлмаса?

– Ҳа-я, эсимдан чиқибди. Сизга қолса, шаҳар ёниб кетиб, остин-устун бўлса ҳам барибир асти...

– Қаранглар-а! Завод-чи?

– Сиз ҳазиллашяпсиз, мен бўлсам бўларимча бўлдим; аҳволим оғир.

– Наҳотки, чинданам муҳаббат важдан шу кўйга тушдингми? Қандай шармандалик! Йўқ: сен бетоб эдинг, энди тузалиб келяпсан. Асти вақти келди ҳам! Бир ярим йил гумроҳликда юриш ҳазил гап эмас. Тагин озроқ вақт ўтса, эҳтимол мен ҳам муқим ва абадий муҳаббатга ишониб қолган бўлармидим.

– Амакижон! – деди Александр, – раҳмингиз келсин менга ахир. Ҳозир нақ хонумоним ёниб кетяпти-я...

– Ана холос! Хўш, айт, нима гап ўзи?

Александр ўтирган креслосини стол томонга жилдирганди, амаки сиёҳдон, presse-papier ва бошқа буюмларни жиянидан нарирок сура бошлади.

«Тунда келди, – ўйларди у ичида, – хонумони куйган... бирор нарсани синдириб қўйиши ҳам мумкин».

– Сиздан таскин тополмаслигим тайин, талаб ҳам қилмайман буни, – давом этди Александр, – сизни амаким, жигарим ҳисоблаганим учун қўмак истаб келгандим... Аҳмоқ туюляпман назарингизда, тўғрими?

– Тўғри, фақат нотавонлигингни ҳисобга олинмаса.

– Ачинаётган экансиз-да унда менга?

– Жудаям. Нима, мен кесакманми? Туппа-тузук, ақлли, тарбия қўрган йигитсан, – пулга дахли йўқ нарсага азиат чекиб ўтирибсан. – Тағин нимага дегин? Арзимас нарсага!

– Бўлмаса, менга ачинаётганингиз сабабини исботлаб берингчи.

– Нима билан исботлайман? Пул керакмас, деяётган бўлсанг...

– Пул, пул! Қанийди-я бахтсизлигим пулсизликдангина иборат бўлса, толеимдан юз марта ўргилардим-ку унда!

– Ношукурчилик қилма, – жиддийлашди Пётр Иванович, – ёшсан, тақдирингдан ёзғираётганинг ҳам аслида шундан! Мен ҳам қисматимни неча-неча марта лаънатлаганман! Ҳа, кўп лаънатлаганман!

– Арз-ҳолимни эшитсангиз-чи ахир...

– Александр, ҳали кўп ўтирасанми олдимда? – сўради амаки.

– Ҳа, фикрингизни охиригача билмоқчийдим; хўш, нима эди?

– Биласанми, пича тамадди қилгим келяпти. Кечки таомсиз ўринга ётмоқчи бўлаётгандим. Энди ҳамон узоқ ўтирмоқчи эканмиз, овқатланиб, бир шиша вино ича қолайлик, шу орада гапларингни ҳам айтишга улгурасан.

– Овқатланиш сиғадими ҳозир кўнглингизга? – сўради хайрон бўлиб Александр.

– Ҳа, жудаям-да; нима, сенинг овқатлангинг келмаяптими?

– Овқатланармишман-а! Гап ҳаёт-мамот устида кетаётганини билсангиз, сиз ҳам воз кечасиз ҳали тамаддидан.

Ҳаёт-мамот ҳакида? – такрорлади амаки, – ҳа, бу жудаям муҳим албатта, лекин барибир бирор нарса татишга уриниб кўрамиз.

Шундан сўнг Пётр Иванович кўнғироқ чалди.

– Сўраб кўр, – деди у кириб келган хизматкорга, – кечки таомга нима бор экан, яшил муҳри очилмаган лафит ҳам топиб келишсин.

Хизматкор чиқиб кетди.

– Амакижон! Сиз ҳозир менинг кулфатимни тушунадиган аҳволда эмассиз шекилли, – деди Александр шляпасини олиб, – яхшиси, мен эртага кела қолай...

– Йўк, нега энди, йўғ-а, – сергакланди Пётр Иванович жиянининг қўлидан тутиб, – доим тайёрман гапингни эшитишга. Эртага эҳтимол нонуштами ёки устига-устак иш пайтида келиб қолишинг ҳам мумкин. Яхшиси, бир йўла ҳал қила қолайлик. Кечки таомнинг зарари тегмас-ов. Қайтанга, диққат билан тинглаб тушунаман. Ўзинг биласан-ку, оч қоринга аччиқ саримсоқ, деганларидай...

Таом келтирилди.

– Қани, ол, Александр... – деди Пётр Иванович.

– Ҳеч нарса егим йўк, амакижон! – Александр тоқатсизланиб амакисининг овқатга ҳозирланишидан ҳайрон, кифтларини қисди.

– Лоақал бир қадаҳ вино ич ахир: асл вино!¹ – Александр бош чайқаб рад этди.

– Унда сигара олиб чек-да, гапиравер, иккала қулоғим сенда, – деди Пётр Иванович иштаҳа билан таом ейишга киришиб.

– Граф Новинскийни танийсизми? – сўради Александр пича жим тургач.

– Граф Платонними?

– Ҳа.

– Ошнам-ку; нима эди?

– Табриклайман ошнангиз билан – ярамас одам экан у! Пётр Иванович шартта кавшанишдан тўхтаб, жиянига ҳайратомуз қаради.

– Ана холос! Ҳали уни танийман дегин?

– Таниганда қандок.

– Анчадан берими?

– Уч ойча бўлиб қолди.

– Шундайми ҳали? Уни беш йилдан бери билсам ҳам бамаъни одам ҳисоблаб келардим, кимдан сўрасанг, оғзидан бол томади, сен бўлсанг, ҳе йўк-бе йўк гўрига ғишт қалагудек бўляпсан.

¹ Мусаллас.

– Анчадан буён одамларни ҳимоя қиладиган бўлиб қолганмисиз, амакижон? Ҳолбуки, олдинлари...

– Мен олдинлари ҳам дуруст одамларни ҳимоя қилиб келганман. Хўш, сен қачондан бошлаб ундай одамларни қоралаб, ёмон отликқа чиқарадиган бўлиб қолдинг?

– Бундай одамларни билмаганим маъқул эди, энди бўлса... о, одамлар, одамлар! *О, тубан зот, аянч қавм. О, ярамас инсонлар¹*, Эътироф этаман, бўлар-бўлмас одамлардан эҳтиёт бўлиш керак, деган маслаҳатингизга кўнмаганим учун бутунлай айбдорман...

– Ҳозир ҳам маслаҳатим шу; эҳтиёткорлик зарар қилмайди. Ярамасга дуч келсанг, алданмаслигинг мумкин, бамаъни одамдан эса шундоқ панд еб қоласанки.

– Айтинг, қани ўша бамаъни одамлар? – сўради Александр нафратомуз.

– Мана, сен билан мени олайлик, нимамиз бемаъни? Ҳамон гап граф хусусида кетаётган экан, у ҳам бамаъни одам; хўш, нима-си ёмон экан? Беайб парвардигор... ҳамма нарса номақбул эмас, ҳаммани номақбул деб бўлмайди.

– Ҳамма, ҳамма! – деди қатъий Александр.

– Сен-чи?

– Менми? Мен лоақал авомлар туфайли мажруҳ, бироқ пасткашликка ёт мусаффо қалб, тилка-пора, аммо риёкорлик, муғамбирлигу хиёнатдан холи садоқатга эришдим, худо сакласин...

– Хўп, яхши, ўйлаб кўрамиз. Хўш, граф сенга нима ёмонлик қилди?

– Нима – «Қилдими? Бор нарсамни ўғирлаб қўйди.

– Аниқроқ гапир. Ҳамма нарса деганингда жами бор нарса, шу жумладан, пулни ҳам тушуниш мумкин: у бундай қилмайди...

– Мен учун дунёда энг қимматбаҳо хазиналардан ҳам аъло нарсани ўғирлади, – деди Александр.

– Нима экан?

– Ҳамма нарса – бахт, ҳаёт.

– Ҳаёт дейсан, тириксан-ку ахир!

– Бахтга қарши – тирикман! Лекин бундай тирикликнинг боридан йўғи яхши.

– Очиғини айт, нима бўлди ўзи?

¹ А. С. Пушкиннинг «Саркарда» шеъридан. (*Миртемир таржимаси.*)

– Дахшат! – хитоб қилди Александр. – Э, худойим-ей! Худо-
йим-эй!

– Э! Анави жононингни тортиб олмадими мабодо, ким эди...
исми нимаиди? Ҳа! Графнинг бундай ишларга суяги йўқ, бас ке-
лишинг қийин унга. Шўх-да, шўх! – деди Пётр Иванич оғзига бир
бўлак курка гўшtidан солиб.

– Эпчиллиги қимматга тушмасин тагин! – дағдаға қилди Алек-
сандр қизишиб, – осонликча эгаллаб бўпти... Наденькага эришиш-
ни кўрсатиб қўяман унга. Жонидан умидини узаверсин ярамас!
Ўғирлаган хазинасидан роҳатланаман деб хомтама бўлмасин... Нақ
ўлдираман-а уни!..

Пётр Иванич кулиб юборди.

– Қишлоқилик! – деди у, – а propos¹, граф тўғрисида, Алек-
сандр, унга чет элдан чинни олиб келишгани ҳақида гапирдими-
йўқми? Баҳорда бир дастасини буюртирганди, ўшани кўрсам ёмон
бўлмасди...

– Гап чинни тўғрисида кетмаяпти-ку, амакижон. Нима дега-
нимни эшитдингизми ўзи? – гапни бўлди хуноби ошиб Александр.

– М-м-м! – тасдиқ маъносида гўнғиллади амаки устухон кеми-
ра туриб.

– Хўш, нима дейсиз бунга?

– Ҳеч нарса. Гапингга кулоқ соляпман холос.

– Умрингизда лоақал бир марта астойдил кулоқ солинг:
ҳузурингизга кўмак сўраб, таскин топиш, дилимни ўртаётган
оламжаҳон мушкул масалаларни ҳал этиш учун келдим... бошим
қотиб қолди... эсим жойида эмас, ёрдам беринг менга...

– Марҳамат, хизматингга тайёрман; нима кераклигини айтсанг
бас... ҳатто пул бўлса ҳам... фақат арзимас майда-чуйдаларни га-
пирма...

– Арзимас эмиш! Йўқ, жудаям арзийди-да! Эҳтимол бир неча со-
атдан сўнг бу дунёдан кўз юмарман ёки қотилга айланиб қоларман...
сиз бўлсангиз, куляпсиз, бемалол овқатланыпсиз.

– Маъзур тутасан! Ўзинг тамадди қилиб олган бўлсанг керак-да,
бошқалар билан ишинг йўқ!

– Икки кеча-кундуздан бери туз тотганим йўқ.

– О, ростданам шунчалар мушкул аҳволдамисан ҳали?

¹ Айтгандай (франц.).

– Бахтимни граф қўлида қолдириб, ракибим тантанасига йўл қўйиб беришим керак экан-да... О! Бирор таҳдид тўхтата олармикин мени? Аҳволимни билмайсиз-да!.. Сиз ҳеч қачон ошиқ бўлмагансиз, бунчалар лоқайд ўғитлар билан тўғаноклик қилмоқчимисиз, демак, томирингизда қон эмас, сут окса керак...

– Нодонлик ҳам эви билан-да, Александр! Дунёда Мария ёки Софьями, нимаиди исми, куриб қолибдими?

– Унинг исми Надежда.

– Надежда? Қайсиси Софья?

– Софья... кишлоқдагиси, – жавоб қайтарди Александр истамайгина.

– Ана, кўрдингми? – давом этди амаки, – у ерда Софья, бу ерда Надежда, бошқа жойда Марья. Кўнгил – бамисоли тубсиз қудук: унинг тагига етиш қийин. Кексайгунча ҳам севавериш мумкин...

– Йўқ, муҳаббат бир марта ато этилади...

– Бошқалардан эшитган гапни такрорлайсан-а! Юрак қуввати тугагунча севаверади. – У инсоннинг бошқа аъзолари каби ўзи мустақил, унинг ҳам ёшлиги бўлади, қартаяди, бир муҳаббат амалга ошмаса, дам олиб, иккинчисини кутади; иккинчи муҳаббатга тўғоноклик қилишиб, жудо этишса – севиш қобилияти тагин учинчи, тўртинчи муҳаббатга қадар сақланиб қолаверадик, ниҳоят юрак бирор омадли, ҳеч нарса халакит бермайдиган учрашувда бор куч-қувватини сарфлагач, секин-аста совийди. Баъзилар биринчи муҳаббатдаёқ муваффақият қозонишади-да, фақат бир мартагина севиш мумкин, деб айюҳаннос солишади... Ҳолбуки, инсон токи ёш, саломат экан...

– Амакижон, сиз нукул ёшлик, яъни жисмоний муҳаббат тўғрисида гапиряпсиз...

– Ёшлик тўғрисида гапираётганим боиси шуки, кексайгандаги муҳаббат хато, мажруҳ муҳаббатдир. Жисмоний муҳаббат деганинг нимаси? Бундай муҳаббат йўқ ёки бу муҳаббат худди бирдан-бир мукамал муҳаббат каби бўлмаган нарса. Муҳаббатда кўнгил ҳам, бадан ҳам барабар қатнашади; акс ҳолда, муҳаббат тўлақонли бўлолмайди: биз инс-жинс ҳам, ҳайвонлар ҳам эмасмиз. Ўзинг: «Томирларингизда қон эмас, сут оқар экан», – дединг. – Ахборотинг учун айтай: бир томондан қаралса томирлардаги қон моддийдир, иккинчи томондан – нафсоният, кўникма, руҳий ҳолат; ана сенга муҳаббат! Нимада тўхтовдим... Ҳа! солдатликка жўнатиш:

бундан ташкари, ҳозирги воқеадан кейин жононинг сени кўришга кўзи бўлмайди. Сен ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ унга ҳам, ўзингга ҳам зарар келтирган бўлардинг, – кўрдингми? Ўйлайманки, биз бу масалани бир томондан узил-кесил қиёмига етказдик, энди... – Пётр Иванович ўзига вино қуйиб ичди.

– Вой галварс-ей! – деди у, – совук лафит келтирибди-ку. – Бошини қуйи солиб турган Александр чурк этмасди.

– Энди айт, – гапини давом эттирди амаки кафтларида виноли стаканни иситаркан, – нима сабабдан графни жойи ростонига жўнатмоқчи бўлдинг?

– Айтдим-ку сабабини! Роҳат-фароғатимга рахна солган ўша эмасми? Худди йиртқичдай чангал солди...

– Қўрамга бостириб кирди де! – гапни бўлди амаки.

– Боримни ўғирлади, – қўшимча қилди Александр.

– Ўғирламаган, келгану олган. Жононинг бандми-йўқлигини суриштириши шартмиди графнинг? Тўғрисини айтсам, ошикларнинг дунё яратилибдики, ханузгача рақибларидан жаҳллари чиқишидек аҳмоқона қилиқларига сираям тушунолмайман! *Жойи ростонига жўнатаман*, – дейишдан ҳам нодонлик бўлмаса керак-ов! Хўш, нима учун? Рақиб қизга ёққани учун-да! Гўё рақиб айбдору гўё уни жазоласак ҳамма иш кўнгилдагидек бўладигандай! Анувингчи... исми нимайди? Катеньками, ўшанинг унга қаршилиқ қилмаган бўлса-чи? Хавфнинг олдини олиш йўлида бирор чора кўрдими? Жононингни ўзи унга ихтиёрини топшириб, сени севмай қўйган, талашишнинг ҳожати йўқ, – ўтган ишга салават! – Мажбур қилиш эса худбинликдир! Хотинингдан вафо талаб этишда ҳарқалай маъно бор: чунки ўзаро аҳду паймон бўлган; оиланинг мустаҳкамлиги аксари шунга боғлиқ; аммо барибир хотинингдан бошқа одамга кўнгил қўймасликни талаб қилиш мумкин эмас... фақат шуни талаб этиш мумкинки, хўш, хотининг... анави... Ахир ўзинг эмасми жононингни графга икки қўллаб топширган? Талашганмисан уни?

– Ҳа-да, талашмоқчиман-да, – деди Александр ўрнидан сакраб туриб, – сиз бўлсангиз хайрли ишдан қайтаряпсиз...

– Қўлда тўқмоқ билан талашиш! – гапни бўлди амаки, – биз қирғиз даштида яшамаймиз-ку ахир. Маданиятли одамларнинг бошқа воситалари ҳам бор. Ўз вақтида шундай йўл тутиб, жононинг кўзи олдида ҳам граф билан бошқача дуэль олиб бориш керак эди.

Александр амакисига ҳанг-манг бўлиб тикилиб қолди.

– Қанақа дуэль деяпсиз?

– Ҳозир айтаман қандай дуэллигини. Шу пайтгача нималар қилдинг ўзи?

Александр кўпгина ёлғон-яшиқ, хас-пўшлаш, важ-корсон кўрсатиш, ярим-ёрти сўзлашу имо-ишоралар билан барча бажарган ишларини баён этди.

– Ана, кўрдингми? Ҳаммасига бутунлай ўзинг айбдорсан, – деди Пётр Иванович эшитиб бўлгач, афтини буриштириб, – бу қадар нодонлик бўларкан-а! Эҳ, Александр, аслида келиб бекор қилгансан! Келишингга арзимасди! Ҳамма ишни ўша ерда, кўлда, холанг билан пиширсанг бўларди. Хўш, айт-чи, болага ўхшаб қилиқ қилишинг, қутуришинг нимаси? Қўй-е! Ҳозир ким бундай қилади? Борди-ю, анавинг... исми нимаиди? Юлия... ҳаммасини графга сўзлаб берса нима бўлади? Ҳа, йўғ-ей, худога шукур, бундан хавотирланмаслик керак. Эсли экан, сизларнинг муносабатинглар ҳақидаги графнинг саволига у...

– Нима дейди? – сўради Александр шошиб.

– Сени лақиллатгани, ошиқу бекарор бўлиб колганинг, сени кўрарга кўзи йўқлиги, жонига текканингни гапирди... уларнинг ҳамишаги одати...

– Сизнингча, у... худди шундай... деганми? – сўради Александр, ранги бўзариб.

– Шак-шубҳасиз. Нахотки киз боғда биргалашиб заъфарон чечак терганларингни гапирган деб ўйласанг? Бунчаям гўл бўлмасанг!

– Хўш, граф билан қай йўсинда дуэль қилишим керак эди? – токатсизланди Александр.

– Эшит бўлмасам: унга дағаллик қилмай, ўзингни олиб қочмаслигинг, афтингни буриштириш ўрнига, аксинча, илтифотига жавобан икки, уч, ўн чандон ортиқ илтифот кўрсатишинг керак эди... Анави... исми нимаиди? Наденьками? Тўғри топдим-а? Ўшани таъна-маломатлар билан жиғига тегмай, инжикликларини кўтаришинг, ўзингни ҳеч нарсани сезмаганга олиб, хиёнат умуман рўй бериши мумкин эмасу, ҳатто бу ҳаёлингда ҳам йўқлигини билдиришинг керак эди. Граф билан кизнинг бақамти бўлишларига йўл қўймай, ораларига моҳирона нифоқ солишинг, гўё бехосдан юз берган каби холи қолишларига тўғоноқлик қиларкансан, доимо ёнларидан жилмаслигинг, ҳатто бирга-бирга отда юриб, зимдан астагина киз

кўзи олдида ракибингни олишувга чорлагач, бутун ақл-кучингни шай ҳолда ишга солмоғингу топқирлик ва ҳийла кўмагида анави... ракибингнинг заиф томонларини илғаб нақ ўша заиф томонларига зарба беришинг лозим эди. Буни гўё тасодифан, ёмон ниятсиз, соддалик билан ҳатто истамагандай, афсусланиб бажарган каби амалга оширсанг, аста-секин графнинг никобини йиртиб, унинг қизга ажиб кўринган асл башарасини фош этган бўлардинг. Графнинг қайси жиҳатлари қизни кўпроқ ром этганини пайқаб, ўша жиҳатларни сийқалаштириш, шунчаки, одатдаги жўн бир нарса сифатида таърифлаб, янги жазман... жайдари бир одамлиги... фақат қизга яхши кўриниш учунгина башанг кийинганини исботлаш керак эди... Булар бари босиклик, тоқат, уддабуронлик билан бажарилмоғи лозим. Бизнинг асримиздаги ҳақиқий дуэль мана шу! Сенга ким қўйибди дуэлни!

Пётр Иванович бу орада стаканни бўшатиб, дарҳол тагин вино куйди.

– Минг лаънат ўша ҳийла-найрангларига, бир аёлни деб бунчалик қаллобликка борилса-я!.. – хитоб қилди Александр бўғилиб.

– Бўлмаса, тўқмоқ, ишлатиш маъқулми? Ҳийла билан бирор одамнинг кўнглини овлаш мумкин, бироқ куч ишлатиш билан асло ҳеч нарсага эришиб бўлмайди! Рақибни йўқ қилиш истагига тушуниш мумкин, бу ўринда махбубангни кўлдан чиқармасликка интиласан, уни хавфдан огоҳлантирасан ёки хавф-хатарни даф этмоқчи бўласан. Баракалла, табиий ҳол! Аммо ракибинг бирор аёл муҳаббатини қозонгани учун уни калтаклаш – лат егандан сўнг ўша лат еган жойни баттар муштлаш гўдакликдир. Ўзинг биласан-ку, лекин графда айб йўқ! Билишимча, сен юрак сирларидан «мутлако» беҳабарсан, муҳаббат фаолиятинг, кўнгилхушликларингнинг ўнгидан келмаётгани сабаби ҳам мана шунда.

– Муҳаббат фаолияти эмиш! – деди Александр нафратомуз бош чайқаб, – наҳотки ҳийла билан эришилган муҳаббатни манзур ва мустаҳкам муҳаббат деб бўлса?

– Қайдам, бундай муҳаббат манзурми ёки йўқми, ҳар кимнинг ўзига ҳавола, менга келсак, бунинг фарқи йўқ, биласанки, мен умуман муҳаббат ҳақида юксак фикрда эмасман, менга қолса, муҳаббат мутлако бўлмаса ҳам розиман... Бироқ мустаҳкам муҳаббат деганинг бор гап. Юрак кўр-кўроналикни ёқтирмайди. Юрак жудаям ноёб аъзо. Кўнгилнинг бирор торини ўйламай чертсанг, ким бил-

син, нима нағмалар кўрсатмайди. Истаган нарсанг орқали муҳаббат қозонсанг қозону лекин юракни ақл билан қўллаб-қувватла. Ҳийла – ақл даракчиси. Сира ақлдан воз кечмаслик керак. Рақибни камситиш учун унга бўхтон қилмаслик лозим: бу билан жононингни ўзингга қарши қилиб қўясан... Фақат рақибингни маҳбубанг мафтун бўлган оҳорларини тўккин-да, уни жононинг кўзига қахрамон эмас, жайдари бир одамлигини кўрсата бил... Ўйлашимча, ўз маҳбубангни оқилона ҳийла билан муҳофаза эта олиш узрлидир. Ҳийладан ҳарбий ишда ҳам фойдаланишади. Мана сен хотинига машмаша кўрсатиб, рақибларига тўқмоқ ўқталган эр яхши эр деб ўйлаяпсанми. Ундай эр ғирт аҳмоқ...

Пётр Иванович пешонасига бармоқ теккизиб қўйди.

– Вареньканг ўшанда бир йил кутиб туришни таклиф этганми-ди, демак, сендан йигирма чандон ақллироқ экан.

– Қўлимдан келса ҳам ҳийлагарлик қила олармидим? Бунинг учун мендай севмаслик керак. Баъзилар гоҳо ўзларини совуқ кўрсатиб, тама важдан бир неча кунлар маҳбубалари ҳузурига қадам босмай қўйишади, бунинг нафи бўлади ҳам... Мен-чи! Муғамбирлик қилиш, тама қаёқда! Қизга қарашим биланок юрагим тўхтаб қолгундай бўлиб, тиззаларим майишар, унинг висолига эришиш учун дунёдаги жами азобларга ҳам рози бўлардим... Йўк! Нима десангиз денгу, мен учун астойдил севиш энг олий эҳсон: севмасдан ёки шунчаки кўнгилхушлик қилиш, ёмон ният билан суйиб сеvimли бўлиш, аёлни хонадон супургисига айлантириб, кейин уни нари улоқтиргандан кўра, дўзах азобини тортганим маъкул...

Пётр Иванович кифт қисиб қўйди.

– Сенга ёқаркан, майли, азоб чекавер. Қишлоқисан-да! О, Осиё! Сен аслида Шарқда яшашинг керак эди: у ерда ҳалиям аёлларга кимни севишни буйруқ қиладилар; кулоқ осмаганларни сувга чўктиришади. Йўк, бу ерда сен каби аҳмоқлик эмас, – давом этди Пётр Иванович ўзига-ўзи гапираётгандай, – балки аёл билан оқилона бахтиёр бўлиш учун кўп шарт-шароитлар талаб қилинади... Қиз агар дилингдагини бажаришини истасанг, уни маълум режа, усул билан жувонга айлантира билишинг керак. Қизни ўша ойимчанинг назарида ҳам кенг туюлмиш, бироқ унинг ўзи пайқамайдиган тор сарҳад билан сеҳрлаб, қалбигина эмас (қалб нима, шилимшиқ, омонат аъзо холос-да), балки ақли, иродасини ҳам забт этиш, қиз теvarак-атрофга сен орқали қараш, сенинг ироданг билан ўйлаши

учун унинг диди, феъл-атворини ҳам ўзингга бўйсунтирмоғинг лозим...

– Яъни, уни қўғирчоқ ёки сўзимдан чиқмайдиган чўрига айлан-тиришим керак экан-да?! – гапни бўлди Александр.

– Нега энди? Шунга эришгинки, у ҳеч нарсада аёллик фазилати, кадр-кимматини йўқотмасин. Юриш-туриши имконияти доирасида эркин бўлсин, лекин ҳар бир қадами, нафас олиши ҳаракатларига теран зеҳн сол, токи хиёлгина ҳаяжони, нимага қизиқиши, туйғуси ибтидоси ҳар қачон ва ҳар ерда эрининг сиртдан босик, бироқ сез-гир назаридан четда қолмасин. Уни ҳеч қандай зулмсиз, доимий на-зоратинг остида тут... Шунингдек, ақл билан яширинча ўз йўлингга етакла... О, заковатли, машаққатли мактаб зарур бунинг учун, ўша мактаб доно ҳамда тажрибали эркакдир – мана гап қаёқда!

Пётр Иванович қаттиқ йўталгач, бир кўтаришда стакандаги вино-ни охиригача кўтариб юборди.

– Ўшанда, – давом этди кейин у, – хотини ёнида бўлмаса ҳам эр хотиржам ухлаши ёки у хотини ухлаётган пайти бўлмасида кўнгли тўқ ўтириши мумкин...

– Ҳа! Эр-хотинликнинг энг катта сири шу экан-да! – гап қўшди Александр, – ҳийла билан аёл ақли, қалби, иродасини бўйсундириб, шундан таскин топиш, фахрланиш... ажойиб бахт-ку! Аёл буни қандай сезсин?

– Фахрланишнинг нима ҳождати бор? – эътироз билдирди ама-ки, – ҳеч ҳам керак эмас-да!

– Сиз, амакижон, келинойим ухлаётганида бўлмада кўнглингиз тўқ ўтирганингизга, – гапини давом эттирди Александр, – қараб туриб шуни англаяпманки, бу эркак...

– Се-ки-н! се-ки-нроқ!.. Жим, – деди амаки қўл силкитиб, – яхшиямки, хотиним ухляпти, йўкса... нақ...

Шу пайт бўлма эшиги аста кия очилди-ю, лекин ҳеч ким кир-мади.

– Хотин бўлса, – деган аёл овози эшитилди йўлакдан, – гўё машаққатли мактаб, эрини тушунмагандай кўрсатиб, ўзи мўъжаз-гина мактаб яратиши, аммо бу ҳақда вино шишаси устида валақлаб қўймаслиги лозим...

Адуевлар икковлон эшик томонга отилишди, бироқ йўлакда ил-дам қадам, қўйлак шарпаси эшитилдию шу заҳоти тинди.... Амаки-жиян бир-бирларига қараб қолишди.

– Нима гап, амакижон? – сўради ниҳоят жиян сукутни бузиб.

– Нима бўларди! Ҳеч нарсаси! – жавоб қайтарди Пётр Иванич чимирилиб, – бемаврид мактаниб қўйдим. Ёдингда бўлсин, Александр, яхшиси, уйланма ёки оvsарроқ хотин ол. Окила хотин билан мурсоса қилолмайсан: эр-хотинлик машаққатли мактаб! – Амаки ўйлашиб туриб, пешонасига урди.

– Сенинг бемаҳал келганингдан хабардорлиги нега хаёлимга келмабди-я? – деди кейин у надомат ичида, – ён хонада икки эркак сирлашаётган пайти хотиним ухломаслиги ё албатта оқсочни гап пойлаттириши, ёхуд ўзи кулоқ тутиши... эсдан чиқарганимни қара! Вой қовоқ калла-ей! Ҳамма айб сен билан манави стакандаги лаънати лафитда! Гуллаб қўйдим-а! Ўйигирма яшар аёлдан дакки ейиш...

– Ҳа, кўркмас экансиз-а, амакижон!

– Нега кўрқарканман? Ҳечам-да! Хато қилдингми, ўзингни йўқотмай, йўл топа бил.

Пётр Иванич яна ўйга чўмди.

– Хотиним мактанди холос, – давом этди кейин у, – мактаби борлиги қаяқда! Бўлиши мумкин эмас, ёш-ку хали! Шунчаки... аламидан айтди! Лекин сеҳрли халқани сезиб қолди, энди у ҳам ҳийла ишлата бошлайди... О, биламан аёл зотини! Майли, кўрамиз хали...

Пётр Иванич мағрур яйраб кулганди, пешонасидаги ажинлари сезилмай кетди.

– Фақат энди бошқача йўл тутиш керак, – қўшимча қилди у, – аввалгисининг миси чиқди. Бундан буёқ...

Шу пайт амаки сергакланиб, эшикка ҳадикли қараганича гапдан тўхтади.

– Майли, вақти билан бирор йўли топилиб қолар. Энди сенга келсак, Александр. Нима тўғрисида гаплашаётгандик? Ҳа! Чамаси сен анави хаҳ, исми нимаиди... ўшанингни ўлдирмоқчимидинг?

– Уни кўргани кўзим йўқ! – деди Александр чуқур хўрсиниб.

– Ана, кўрдингми? Деярли соғайиб қолибсан. Лекин ростданмикин тузалганинг? Ҳалиям хафага ўхшаяпсан. Қисқаси, нафратлан, нафратланавер. Сенинг ҳолатингда энг маъқули шу. Яна баъзи нарсаларни айтмоқчийдим... майли, айтмай қўя қоламан.

– Оббо, нега, айтинг, худо ҳаққи, айтаверсангиз-чи! – деди Александр, – ҳозир эсим кирарли-чиқарли бўлиб қолган ўзи. Жуда азобдаман, соб бўляпман... хиёл менга ҳам аклингиздан юксин.

Қалб изтиробимни юмшатиб, таскин берувчи неки бўлса айтаверинг...

– Ҳо, айтинг эмиш, айтсам, ҳойнаҳой яна қайтиб борарсан ўша жойга...

– Қўйсангиз-чи! Ўшандан кейин ҳам-а.

– Ўшандан кейин ҳам қайтиб боришади! Ростини айт, қайтиб бормайсанми?

– Ҳоҳласангиз, онт ичай.

– Йўқ, чин сўзим де, шу ишончлироқ.

– Чин сўзим.

– Хўш, деганларидек: графда айб йўқ деган қарорга келдик...

– Майли, шундай дейлик: хўш, кейин-чи?

– Унда анавинг... хаҳ, исми нима эди? Ўшанингнинг айби нимада.

– Наденьканинг айби нимадаймиш! – хайратга тушди Александр, – айби йўқ эмиш-а унинг!

– Йўқ! Қани айт-чи, айби нима? Нафратга сира лойик эмас.

– Сира лойик эмас эмиш! Йўқ, амакижон, буниси ҳаддан ошиш бўлади! Граф борингки... ҳарқалай... билмаган... Эҳтимол нотўғри-дир бундай дейиш ҳам! Хўш, Наденька-чи? Кимни айбдор ҳисоблаш керак шундан кейин? Меними?

– Ҳа, қарийб ўзинг айбдорсан, бошқа ҳеч ким эмас. Қани, айт, нима учун киздан нафратланасан?

– Пасткашлик қилгани учун.

– Нимадан иборат ўша пасткашлиги?

– Юксак, чексиз эҳтиросимга беписандлик қилгани...

– Нима, эҳтиросингга ташаккур айтиши керакмиди? Наҳотки кизни у деб, унга наф келтириш учун севган бўлсанг? Оқибат кўрсатмоқчимидинг унга? Бундай оқибатни аслида онангга кўрсатсанг бўларкан.

Александр амакисига қараганча нима дейишини билмай қолди.

– Аслида сен кизга бор хис-туйғунгни тўкиб солмаслигинг керак эди: аёл зоти эркак рўйирост дилини очса, ҳафсаласи пир бўлади... Унинг оёқлари остида думингни ликиллатмай, феълини ўрганиб, шунга яраша иш тутишинг керак эди. Қандай вазият-лигидан қатъи назар, ёнингдаги одамни ўрганмай бўларканми? Сен бошидаёқ киздан бундан ортиқ нарса кутиб бўлмаслигини пайқашинг лозим эди. У сен билан хушторлигини охиригача етказган,

эхтимол граф ва яна бошқа ким биландир ҳам шундай қилажак... Бошқа нарса кутиб бўлмайди ундан: турган-битгани шу! Феъли атвори сен ўйлаганингдай эмас, сен бўлсанг, худо билсин, нима хаёлда...

– Хўш, нега бошқа одамни севиб қолиши керак? – аянчли овозда гапни бўлди Александр.

– Хўп ҳам айбини топдинг-ку: ақлли савол! Вой, ёввойи-ей! Нега севдинг уни? Тезроқ унут, вассалом-да!

– Нахотки бу менинг ихтиёримда бўлса?

– Хўш, графни севиб қолиш унинг ихтиёридами? Ўзинг зўр бериб, туйғу тўлқинини босиш керак эмас, дегандинг-ку, масала кўндаланг қўйилганда эса, киз нега севиб қолди, дейсан-а! Нега фалон аёл вафот этди-ю, писмадон хоним ақлдан озди, деган саволга нима деб жавоб қайтариш керак? Севги қачондир тугаши керак, умрбод давом этмайди-ку ахир.

– Йўқ, давом этиши мумкин. Шахсан синаб кўрдим қалб қудратини. Мен боқий муҳаббат билан севган бўлардим...

– Ҳо! Сени астойдилроқ севиб қолишсин-чи, бир, ўшанда хўп ҳам хурмача қилиқ чиқарардинг-а! Ҳамма шунақа ўзи, биламан!

– Майли, тугасин эди муҳаббати, – зорланди Александр, – лекин нега бундай тугади энди?..

– Барибир эмасми? Сени севишди, гаштини сурдинг, бас-да!

– Бошқа одамга берилиб кетди-ку! – деди Александр бўзариб.

– Хўш, у бошқани зимдан севиб, сени севаман деб ишонтириб юраверишини хоҳлармидинг? Буёғини ўзинг ҳал қил, нима қилсин киз, айбими бу?

– О, қасд олганим бўлсин ундан! – ғазаби кўзиди Александрнинг.

– Ношукур экансан, – давом этди Пётр Иванович, – бу тентаклик-ку! Аёл хиёнат қилдими, совидими, назм билан айтганларидай, макр ишлатдими, катъи назар, табиатдан ўпкалан, тўғрироғи, шу хусусда фалсафий мушоҳадага берил, борлиқ, ҳаёт, хоҳлаган нарсангни лаънатласанг лаънатлаки, лекин ҳеч қачон аёл шахсини сўз билан ҳам, иш билан ҳам таҳқирлама. Аёлга қарши энг яхши қурол бу мурувват кўрсатиш, қолаверса, энг даҳшатлиси – уни унутишдир! Эсли-хушли одам фақат шундай қилади. Эсла, бир ярим йил мобайнида хурсандчилигингдан ҳамманинг бўйнига ташланавериб жонга тегдинг, бахтиёрликдан ўзингни кўярга жой тополмай юр-

нин! Бир ярим йил муттасил ишқ гаштини сурдинг! Тагин ўзинг билмасан-ку, ношукур экансан!

– Ҳа, амакижон, мен учун дунёда севгидан муқаддас туйғу йўқ, унингсиз ҳаёт, ҳаёт эмас...

Ол-а! – энсаси қотиб гапни бўлди Пётр Иванич, – *бундай* ақмоқона гапларинг нақ бўғзимга келди!

Бошимда кўтариб юрардим Наденькани, – гапни улаб кетди Александр, – дунёда ҳеч кимнинг бахтига ҳавас қилмасдим: умримни Наденька билан бирга ўтказмоқчи эдим, хўш, оқибати нима бўлди? Қани ўша мен орзу қилган олижаноб, улкан эҳтирос? Орзуим аллақандай бемаъни, калакаомуз, бачкана хўрсинишлар, можаро, рашк, алдам-қалдам, муғамбирликка айланди, э худойим, э худойим!

– Нега хомхаёллик қилдинг? Менмасми, ҳой бола, пуч ҳаёт кечирмоқчи бўляпсан, деган? Сенингча, бандаси фақат севимли одам, эр, отагина бўлиши керак... бошқача бўлишини эса умуман хоҳламайсан. Инсон, бундан ташқари, яна фуқаро бўлиши, бирор унвон, машғулоти: ёзувчи, помешчик, солдат, хизматчи, завод хўжайинлигини эгаллаши лозим... Сенга фақат муҳаббат дуётлик бўлса бас... Ёўрсан, ёўр! Романлар ўқиб, анави кишлоқдаги холагнинг дийдиёларини қулоғингга қуйиб олгансан-да, бу ерга ўша тушунчаларинг билан келгансан. *Олижаноб эҳтирос* деган гапни топиб олгансан тагин!

– Ҳа, олижаноб эҳтирос!

– Бас қил, илтимос! Олижаноб эҳтирос бор нарсами ўзи?

– Нега ундай дейсиз?

– Ўзим шундай. Эҳтирос бу туйғу, берилиш, боғланиш ёки шу қабилар сабабли ақл ишлатмай қўйиш даражасига тушиб қолиш эмасми? Хўш, нимаси олижаноб бунинг? Тушунмайман. Инсонга ёт жиннилик холос. Нега масалага фақат бир томонлама қарайсан? Бу ерда муҳаббатни назарда тутяпман. Масаланинг иккинчи томонига ҳам назар солсанг, муҳаббат хайрли эканлигини тушунардинг Хушбахт дақиқаларингни эсла: қулоқларим остида шивирлардинг.

– О, эслатманг, эслатмасангиз-чи! – деди Александр қўл силкитиб, – севимли хотинингиздан кўнглингиз тўқ бўлгани учун осонгина фикр юритяпсиз; менинг ўрнимда бўлсангиз, нима қилишингизни бир кўрардим-а!..

– Нима қилардимми?.. алахсигани... заводга йўл олардим. Эртага заводга борасанми?

– Йўқ, сиз билан ҳеч қачон ҳамфикр бўлолмаймиз, – рад этди Александр мотамсаро қиёфада, – сизнинг дунёқарашингиз менга таскин бермайди, аксинча, ҳаётдан совитади. Дарди дунём қоронғи, ичим чирок ёқса ҳам ёришмайди, ҳозиргача муҳаббат халоскорим бўлиб келаётганди; энди йўқ ўша муҳаббат – дилим ҳасратга тўла, даҳшатдаман, юрагим тарс ёрилгудай...

– Иш билан шуғуллан.

– Гапингиз тўғри, амакижон. Сиз ва сизга ўхшашлар шундай фикр юритишинглар мумкин. Табиат сизни совуққон қилиб яратган... Қалбингиз ҳаяжонланишдан маҳрум...

– Ўзингча ҳар нарсага қодирман демоқчимисан? Куни кеча хурсандчиликда осмону фалакда парвоз қилиб юргандинг, сал бундайроқ бўлувдики... арзимаган ғамга ҳам дарров синдинг-қўйдинг.

– Буғ, буғ! – заиф, базўр ўзини ҳимоя қилиб гапирди Александр – фикрлашингиз, ҳиссиёт ва гапларингиз баайни темир изда бир текис, силлиқ, хотиржам кетаётган паровозга ўхшайди.

– Ўйлайманки, бу ёмон эмас. Лоақал ҳозирги сендай издан чикиб кетиб, ўрга ағанагач, қайта оёққа туролмагандан шу ҳам маъқул. Буғ! Буғ эмиш! Ҳа, кўриб турибсан, ўша буғ инсонга шафаф келтиряпти. Бу ихтиронинг хайрли уруғи бор, у сен билан мени инсонга айлантиряпти, ғамдан эса ҳайвон ҳам ўлиб кетиши мумкин. Шундай воқеалар ҳам бўлганки, итлар ўз эгалари қабри устида жон берган ёки узоқ муддатли айрилиқдан сўнг учрашув пайти хурсанд бўлиб юраклари ёрилиб кетган. Бунинг нимаси хайрли? Сен ўзингни бутунлай бошқача олий даражадаги кимса, тенги йўқ одам деб ўйлагансан...

Пётр Иванич жиянига қараб, бирдан гапи узилиб қолди.

– Бу нимаси? Йиғлаяпсанми? – у сўради-ю, кип-қизариб кетди.

Александр чурқ этмас, охирги исботлар уни бутунлай эсанкиратиб қўйганди. Эътироз билдиришга ваз йўқ, бироқ йигит вужуд-вужудига сингиб кетган ҳиссиёт таъсиридан ҳали ҳам қутулолмаганди. У маҳрум бўлган бахтини эслади, энди ўзга кимса... шу пайт иттифоқо ёнокларига дув-дув кўз ёш доналари думалади.

– Бай-бай, бай! Уял-е! – деди Пётр Иванич, – тагин йигит эмишлар! Майли, йиғласанг, йиғлагину, лекин худо хайрингни берсин, менинг ҳузуримда обидийда қилма.

Амакижон! Ёшлик йилларингизни эсланг, – ўпкalandи Александр пикиллаб, – наҳотки тақдир инсон бошига солган бунчалар аҷиб таҳқирга хотиржам, парвойи фалак дош берган бўлардим, деб ўйласангиз? Бир ярим йил бахт оғушида яшасаму баногоҳ ҳаммаси йўққа чиқса-я! Бари тамом... Ўшандай самимиятдан сўнг ҳийлагарлик, сир яшириш, лоқайд муносабат-а! Э худо! Бундан оғир азоб бормикин? Бошқа одамга қараб, унга «хиёнат қилишибди» дейиш осон, ўзингга хиёнат қилинса-чи?.. Нақадар ўзгариб кетди Наденька! Граф деб ўзига оро бергани-берган! Гоҳ келсам, рангидан қон кочиби, гапиришга қурби келмай қоларди... ясамалик... О, йўк...

Александрнинг баттарроқ кўз ёшлари шашкатор оқиб кетди.

– Қанийди-я, – тилга кирди қайтадан у, – Наденькадан шароит сабабли ажралган бўлсам, кошкийди, мажбуран шундай қилган... майли, ҳатто ўлган бўлса, ўшанда, бунчалар изтироб чекмасмидим... Аслида-чи, йўк, йўк... бошқа биров! Нақадар даҳшат, чидаш қийин бунга! Наденькани ўғридан қайта тортиб олишнинг иложи йўк. Менинг қўл-оёғимни боғлаб қўйдингиз... нима қилишим керак энди? Ўргатсангиз-чи! Бўғилиб кетяпман... азоб бўлди, азоб! Ўламан... отиб ўлдираман ўзимни...

Александр столга ястанганча қўллари билан бошини чирмаган қўйи ўкраб йиғлашга тушди...

Пётр Иванович гарангсиз қолди. У бўлмада у ёқдан-бу ёққа икки бор бориб келди, кейин жияни қошида тўхтаб, ноилоҳ йигитнинг бошини сийпади.

– Винодан ич, Александр, – деди амаки мумкин қадар майин овозда, – эҳтимол анави...

Александр лом-мим демас, фақат боши билан кифтлари титраб силтанар, ҳамон фарёд чекарди. Пётр Иванович қовоқ уйиб, қўл силтагач, бўлмани тарк этди.

– Нима қилсам экан Александрни? – маслаҳат солди у хотинига. – Бўлмамда ўкириб йиғлаяпти, мени ҳайдаб чиқарди. Қонимга ташна қилиб юборди.

– Ўша аҳволда ташлаб чиқдингми? – сўради аёл, – вой бечора-ей! Қани, йўл бер, ўзим кирай-чи.

– Барибир ҳеч нарса қилолмайсан: турган-битгани шу. Худди йиғлоқи холасига ўхшайди. Унга ҳўп тушунтирдим.

– Фақат тушунтирдинг холосми?

– Кўндирдим ҳам. Фикримга қўшилди.
– О, ишонаман, ақлинг бало... усталигинг ҳам бор! – қўшиб қўйди аёл.

– Хайрият-е, вазифамни адо этибман унда.
– Адо этибман деяпсану жиянинг йиғлаяпти.
– Ўзидан кўрсин, иложи борица юпатишга уриндим.
– Нима қилдинг юпатиб?
– Шунча ҳаракатларим камми? Бир соатдан ортик жаврадим... томоғимгача куруқшаб кетди... муҳаббат йўл-йўригини чайнаб оғзига солиб қўйдим, пул ҳам бермоқчи бўлдим... кечки овқат, вино ваъда қилдим...

– Барибир йиғлаяптими?
– Ҳа, ҳамон фарёд кўтаряпти. Охирида жуда ўкириб юборди.
– Ажабо! Йўл бер менга, бир уриниб кўрай, сен ҳозирча бирор усулингни ўйлаб тур...

– Нима, нима?

Лекин аёл соя каби хонадан ғойиб бўлди.

Александр ҳамон бошини қўллари билан чирмаганча ўтирарди. Кимдир унинг кифтига қўл теккизди. Йигит бошини кўтариб, қаршисида пеньюарда, а la Finoise¹ чепчик кийиб олган ёш, соҳиб-жамол аёлни кўрди.

– Ma tante², – деди Александр.

Аёл йигит ёнига ўтириб, унга ажиб нигоҳ билан тикилди, сўнгра рўмолчаси билан Александрнинг кўзларини аста артиб, пешона-сидан ўпди. Йигит эса аёл кўлига лабларини босди. Улар узоқ суҳбатлашишди.

Бир соатдан сўнг Александр ичкаридан ўйчан, аммо лабларида табассум билан чиқиб келди-да, узоқ бедор тунлардан сўнг илк бор хотиржам уйкуга кетди. Аёл ётоқхонага кўзлари жикқа ёш қайтиб келди. Пётр Иванович аллақачон хуррак ота бошлаганди.

¹ Финча (франц.).

² Холажон (франц.).



ИККИНЧИ ҚИСМ

Биринчи қисмнинг сўнгги бобида тасвирланган машмашалардан кейин орадан бир йил вақт ўтди.

Александрнинг машъум умидсизлик дол этган дилини энди аста-секин ҳазин кайфият чулғаб ола бошлаганди. Энди у граф билан Наденькани ғазаб билан, тиш ғижирлатиб, бор овозда лантламай кўйган, уларни ич-ичидан нафратларди, холос.

Лизавета Александровна йигитни дўст ва келинойилик назока-ти билан юпатарди. Александрга бундай мулоийм ғамхўрлик ёқди албатта. Табиати бу йигитники каби барча одамлар ўз инон-ихти-ёрларини бошқалар кўлига топшириб кўйишни афзал билишади. Уларга албатта бирорта мураббия бўлиши шарт.

Ниҳоят Александр жаҳлидан тушиб, дили ёришгандай бўлди Аммо у қайғу буткул аришини истамай, мажбуран ғам чекишни да-вом эттирар ёки юмшоқ қилиб айтилса, ўзини-ўзи сунъий равишда қайғуга чўктирарди, ғам билан ўйнар, уни кўз-кўзлаб, тамоман из-тироб бандасига айланарди.

У ўзини негадир жафокаш кўрсатишни истарди. Александр, ўзининг таъбири билан айтганда, – *тақдир зарбасига* дош берган, ювош, сипо, дили нигун кимса эди. Олий изтироблар пайҳон эти-либ, топталган юсак мукаддас туйғулар борасида сўзларкан, «яна ким томонидан топталган денг? – қўшимча қиларди у, – тантиқ бир киз ва манфур, фосик, кўзбўямачи томонидан. Наҳотки тақдир мени жами олий фазилатларимни пасткашлик қаршисида қурбон этишим учун яратган бўлса?»

На эркак эркакни, на аёл аёлнинг бу қаллоблигини кечирмас ва ҳозир ўша алдамчилик учун бир-бирлари билан ҳисоб-китоб қилган бўлишарди. Лекин нега ёш йигит-қизлар бир-бирларини кечириш-майди?

Лизавета Александровна йигитнинг ноласини кўнгилчанлик билан тингларкан, уни имкони борича юпатишга ҳаракат қила бошлади. Аёл эҳтимол қайнисининг сўзларида ҳарқалай шахсан ўз калбига ҳам дахлдор туйғу сезгани учунми, Александрнинг фиғони сира жиғига тегмасди. Йигитнинг севги бобидаги шикоятда аёлнинг ҳам изтиробларини эслатувчи сўзлар янграётганди.

Лизавета Александровна қайнисининг қалб фарёдини жон қулоғи билан эшитар ва бунга пинҳона хўрсинишу яширин кўз ёши тўкиш билан жавоб қайтарарди. У ҳатто йигитнинг риёкорона ва чучмал ҳасратларига ҳам худди шу каби оҳанг, шу руҳдаги юпатувчи сўзлар топарди. Аммо Александр эшитишни ҳам хоҳламасди.

– О, гапирманг, ma tante, – эътироз билдирди у, – ўшандай... билан муносабатларимизни тилга олиб муқаддас муҳаббат шаънига доғ туширишни истамайман.

Шу аснода йигит худди Пётр Иваничга ўхшаб, нимаиди ўша кизнинг исми, дея сўрашга шай қиёфада жирканганомуз бурнини жийирди.

– Нафсиламрига, – қўшимча қилди Адуев янаям нафратли ошиб, – кизни кечириш мумкин: мен ундан ҳам, граф ҳамда ўша аянчли ва пасткаш доирадан ҳам анча юкори эдим. Турган гапки, мен киз учун сирли бўлиб қолдим.

Шу сўзлардан кейин Александр хийла вақт ҳамон ўшандай нафратланганомуз қиёфада турди.

– Амакижонимнинг айтишларича, мен Наденькадан миннатдор бўлишим керак экан, – давом этди у сўнгра. – Нега энди? Нимаси таҳсинга сазовор бу муҳаббатнинг? Бошдан-оёқ қабихлик, бари лўттибозлик. Кундалик машмашалар доирасидан ажралиб турувчи бирор жиҳати борми бу муҳаббатнинг? Заррача мардонаворлик ва фидойилиги борми? Йўқ, қарийб ҳаммасини онасининг фатвоси билан қилди-ку! Мени деб лоақал бирор марта доираси, шарт-шароити ва бурчидан чекиндими? – Ҳеч қачон! Шу ҳам муҳаббат бўлди-ю!!! Қизлигига қарамай муҳаббатга нафосат бахш эта олмади!

– Аёлдан қандай муҳаббат талаб қилган бўлардингиз? – сўради Лизавета Александровна.

– Қандай муҳаббатми? – саволга савол билан жавоб қайтарди Александр, – мен аёлдан қалбида биринчи бўлиб жой олишни талаб қилардим. Севимли аёл мендан бўлак эркакларни пайқамаслиги,

кўрмаслиги лозим, бошқа барча эркаларга тоқат қилолмаслиги керак. Ёлғиз мен устун, ажойибман, – шу ўринда Адуев қаддини ғоз тутди, – ёлғиз мен ўзгалардан афзал, олижанобман. Менсиз яшган ҳар бир лаҳзаси унинг учун уқубат бўлмоғи лозим. Менинг нигоҳим, менинг гап-бошимдан лаззатланиши ва бошқа ҳеч кимни билмаслиги керак.

Лизавета Александровна табассумини яширмоқчи бўлар, аммо Александр буни пайқамасди.

– Менинг учун, – давом этди у кўзлари ёниб, – аёл ҳамма нарса: машъум манфаат, ҳисоб-китобдан кечиши, онаси, эрининг зулмини улоқтириб ташлаб, зарур бўлса дунёнинг нариги четига ҳам бориши, барча етишмовчиликларга тоқат билан бардош бермоғи, ниҳоят ўлимга ҳам тик қараши лозим. Мана буни муҳаббат деса бўлади! Анави эса...

– Ўша муҳаббатни нима билан тақдирлаган бўлардингиз? – сўради Лизавета Александровна.

– Менми? О! – гап бошлади Александр кўзларини юкорига тикиб, – мен ундай аёлга бутун ҳаётимни бағишлаган, оёқларини тавоф этган бўлардим. Кўзларига боқишни энг олий бахт ҳисоблардим. Оғзидан чиққани қонун бўларди мен учун. Унинг малоҳатини, севгимизу, табиатни мадҳ этган бўлардим:

Петрарка ва севги тилин у замон
Бағишлайди менга бу дилбар жонон¹

Қандай сева олишимни наҳотки Наденькага исботламаган бўлсам?

– Демак, сиз хоҳлаган тариқа ифодаланмаган ҳиссиётга асло ишонмайсизми? Кучли ҳиссиёт яширинча...

– Мабодо, *ma tante*, масалан, амакимникига ўхшаш ҳиссиёт яширин кечади, деб ишонтирмоқчи бўлмаяпсизми?

Баногоҳ Лизавета Александровнанинг юзларига қон тепди. Аёл дилига йигитнинг мутлақо сезиларсиз ҳиссиёт, қандайдир шубҳали (эхтимол бўлмас ҳам, агар бўлса, юзага отилиб чиқарди) севгининг ўзидан ташқари унинг шарт-шароитиёқ тил билан баён этиш мушкул нафосатга эга, қабилидаги фикрини рад этолмасди.

Шу аснода Лизавета Александровна эрга теккандан кейинги ҳаётини фикран бошдан-оёқ кўз олдига келтириб, чуқур ўйга толди.

¹ Қаранг. А. С. Пушкиннинг «Евгений Онегин»и, III боб, XIX банд.

Йигитнинг ножўя саволи аёл қалбидаги теран сирни қўзғатаркан, Лизавета Александровна ўз-ўзига: бахтлиманми ўзи? – дея савол беришга мажбур бўлди.

Унинг шикоят қилишига ўрин йўк. Бахтнинг кўпчилик орзу қилмиш барча ташки шартлари худди рисоладагидай муҳайё этилди. Фаровонлик, ҳатто ҳозирги ҳашаму келгуси бутунлай таъминланиш – аксарият камбағалларнинг бағрини қон қиладиган майда-чуйда, аламли ташвишлардан фориғ этади.

Эри ҳормай-толмай меҳнат қилиб келди ва ҳозир ҳам меҳнат қилмоқда. Лекин унинг меҳнатидан асосий мақсад нима? Такдир сабоқлари тақозо этмиш умумбашарият мақсади йўлида тер тўкишми ёки фақат майда сабаблар, одамлар орасида мансабдор ва бадавлат шахс сифатида эътибор қозониш ёхуд ниҳоят зориқиш, вазият букиб ташламаслиги важдан заҳмат чекишми? Қайдам, бунисини худо билади. Юксак мақсадларни алаҳсираш сирасига йўйиб, бу ҳақда оғиз очишни ҳуш кўрмас, қуруқ, жўнгина қилиб, *иш қилиш керак*, дер эди.

Лизавета Александровна эрининг жаҳду жадал билан тиришишидан ёлғиз мақсади – хотини ва унга муҳаббатигина эмаслигини таассуф билан қайд этди. У уйланишдан олдин, хотинини танимасдан аввал ҳам меҳнат қиларди. Муҳаббат хусусида Лизаветага ҳеч қачон оғиз очмаган, ундан ҳам сўраб-суриштирмаган эди. Қизнинг бу тўғридаги саволига ҳазил-хузул, аския ёки мудраш билан жавоб қайтарарди. Маъшуқаси билан танишганидан кўп ўтмай у тўй ҳақида сўз очар экан, гўё ахборот учун гапираётгандай муҳаббат ўз-ўзидан шарт албатта, лекин бу ҳақда кўп гап сотишнинг ҳожати йўк деганди...

У ҳар қандай таъсирчанлик душмани эди, бу яхши албатта. Аммо у самимий кўнгил очишни ёқтирмас, бошқаларнинг шундай эҳтиёжларига ҳам ишонмасди. Устига-устак бир нигоҳ, бир оғиз сўз билан Лизаветада чуқур эҳтирос уйғотарди-да, ўзи килт этмас, лоқайдлигича қолаверарди. Бу ҳатто нафсониятига ҳам тегмасди.

Лизавета Пётр Иваничнинг муҳаббати албатта тилга қўчса керак, деган ҳаёл билан рашкини қўзғатмоқчи бўлди... Қаёқда дейсиз? Лизавета жамоат орасида бирор ёш йигитга алоҳида эътибор берса, Пётр Иванич ўша йигитни дарҳол ўз ҳузурига таклиф этиб, тақаллуф қилар, лекин унинг афзал томонларини мақтамас, йигитни хотини билан холи қолдиришдан ҳам тап тортмасди.

Лизавета Александровна гоҳо, эҳтимол Пётр Иванович атайин шундай қилса керак, бу усулнинг сири аёлдан ҳамиша гумонсираб, худди шу нарса орқали муҳаббатни мустаҳкамлашдан иборат бўлса ҳам ажаб эмас, деган хомхаёлга бериларди. Бироқ эрининг муҳаббат тўғрисидаги илк фикрини эшитган заҳоти ҳафсаласи пир бўларди-қўярди.

Аммо эри қўпол, тошмехр, юраксиз, аёлнинг алдаши иккалови-нинг бахтиёрлиги учун ҳеч гуноҳ бўлмаган, ҳатто зарур ва фароғатли бўлган, аёл киши унга ўхшамайдиган кимсани атрофидан излаб меҳр қўядиган баъзи эркаклар тоифасига кирса бошқа гап эди. Лизавета ҳам эҳтимол аксарият аёллар шундай ҳолларда қўллашган усулни қўллармиди. Бироқ Пётр Иванович фавқулудда оқил, кишининг ҳурмати-ни жойига қўядиган одам эди. Таъби нозик, зукко ва уддабурон эди. У қалбнинг барча тўлқинланишини-ю бўронларини тушунарди, тушунарди холос. Кўнгилга доир неки бўлса юрак орқали эмас, ақл билан ҳал этарди. Кўнгилга алоқадор нарсаларнинг барчаси юрагида эмас, миясида бор эди холос. Унинг бу хусусдаги мулоҳазаларидан Пётр Иванович кўнгил бобида наинки ҳис этгани, балки эшитганлари ва ёдлаб олганлари асосида гапиришлиги кўриниб турарди. Эҳтирослар ҳақида тўғри фикр юритса ҳам, лекин эҳтирослари қулига айланмас, ҳатто бундай туйғуни калака қилар, ҳиссиёт хато, борлиқдан чекинишнинг хунук кўриниши, бамисоли бир касалликки, вақти келиб бундай дард-ни даволовчи табобат пайдо бўлади, дерди.

Лизавета Александровна эрининг атрофидагилардан ақлан устунлигини сезиб, ич-эт-ини ерди. «Агар у бунчалар ақлли бўлмаса, шунчалик тушқунликка тушмасмидим балки...» – дея ўйларди аёл. Эри нафи тегадиган мақсадларга бўйсунди – бу тушунарли, аини вақтда у хотини ҳам ҳаёлпарастларча ҳаёт кечирмаслигини талаб қилади.

«Э, худо! – дерди ичида Лизавета Александровна, – наҳотки у фақат уй бекасига эга бўлиш, бўйдоқлик кулбаси файзли ва эътиборли хонадонга айланиши, жамиятда катта мавқе қозониш учунгина уйланган бўлса? Бежаб-безамай айтганда бека, хотинман холос-да! Наҳотки у шунчалик ақлли, доно бўлишига қарамай, аёлнинг фойдали мақсадлари ҳам албатта севги билан йўғрилишини тушунмаса?.. Хотинининг ташвиши рўзғор юмушларидан иборат холос. Лекин ўша юмушларни муҳаббатсиз бажариб бўлармикин?

Ҳатто энага, оқсочлар ҳам қарамоғларидаги болакайни муқаддас деб меҳр қўйишади-ку. О, қанийди азоб-уқубат тортсам ҳам ҳиссиётга эришсам, майли, эҳтирос йўлида барча изтиробларга дош бераман, ишкилиб ҳаётга қониб, бу дунёда борлигимни ҳис этиб, завқ-шавқсиз қолмасам бас!..»

Лизавета Александровна ҳашаматли жиҳозлари ва пардозхонасидаги зеб-зийнатларига назар ташлади. Бошқа бир севган одамнинг хотинига асқатиш мумкин бўлган бу нарсалар аёл назарида чинакам бахт устидан заҳарханда қулишдай туюлиб кетди. Лизавета Александровна икки даҳшатли қарама-қарши дунёқарашга эга одамлар – қайниси билан эрининг яққол гувоҳи бўлиб турганди. Бирини телбаларча мағрур, иккинчиси ҳаддан ташқари оғир-босиқ.

«Иккаласи ҳам, умуман эркакларнинг аксарияти, ҳақиқий туйғуни бунчалар кам тушунишмаса! Баайни уни тушунаётганимдай-а! – ўйларди аёл, – ҳўш, нима фойда бундан? Бу нимага керак? О, кошкийди-я...»

Лизавета Александровна кўзларини юмган қўйи бир неча дақиқа шу алфозда туриб қолди, кейин кўзини очиб, теварагига қараб, чуқур ҳўрсинди-да, дарҳол одатдагидай хотиржам қиёфага кирди. Бечора! Буни ҳеч ким билмади, бирор жонзот кўрмади ҳам. Аёлни ҳозирги кўздан чет, ғойибона ҳамда жароҳатсизу беҳун, жулдур мато билан эмас, барқут билан ёпиқли мажҳул изтиробини жиноятга йўйишлари мумкин эди. Бироқ Лизавета Александровна қаҳрамонона фидойилик билан қайғусини яшира билди, бундан ташқари, бошқаларни юпатишга ҳам етарли куч топа олди.

Кўп ўтмай Александр олий изтироблар, мавҳум ва бекадр муҳаббат ҳақида гапиришни бас қилиб, бир қадар умумий мавзуга кўчди. У ҳаётнинг зерикарлилиги, лоқайд қалб, азоб тўла ҳасратидан шикоят қила бошлади.

Тортиб бўлдим жафоларимни,
Кўнглим қолди орзуларимдан...¹

дея таъкидларди нуқул Александр.

– Ҳозир машъум иблис изимга тушган. У, ma tante, доим тунлари ҳам, дўстларим билан суҳбатлашаётганимда ҳам, зиёфат пайти қадах кўтараётганимда, чуқур ўй сураётган дақиқаларимда ҳам ҳамиша ёнимдадир!

¹ Қаранг: А. С. Пушкиннинг «Истақларим қолди ортда» шеъри.

Шу алфозда бир неча ҳафта ўтди. Чамаси яна икки ҳафталардан кейин девона йигит буткул хотиржамлашиб, эҳтимол мутлақо бинойи: яъни ҳамма қаторига айланадигандай эди. Қаяқда! Унинг ғалати феъли истаган пайтда намоён бўлаверарди.

Бир куни Александр келинойисининг хузурига жаҳлдор вожоҳатида кириб келди. Хурматга сазовор одамларнинг ҳам аччиқтизиқ гаплар, эпиграммалар билан ҳақоратларди. Ҳеч кимни аямасди. Пётр Иванични ҳам роса булғалади. Лизавета Александровна гап нимадалигини билмоқчи бўлди.

– Мени нима ҳаяжонлантириб, нима зазаблантираётганини билмоқчисиз шекилли. Эшитинг унда, биласизми, мени анча вақт дийдор кўришмаган ошнам бор эди, аммо уни доимо хотирамнинг бир бурчида сақлаб юрардим. Янги келган пайтларимдаёқ амакижоним ўзи ёқтирган қонун-қоидалар ва мулоҳазалар билан ошнамга ғалати мактуб ёзишга мени мажбур этди: аммо мен у мактубни йиртиб ташлаб, бошқасини жўнатдим, бинобарин, ошнамнинг менга нисбатан муносабати ўзгармаслиги керак эди. Ўша мактубдан сўнг ошнам билан хат узилиб қолди, уни бутунлай эсдан чиқариб юборгандим. Хўш, кейин нима бўлди денг? Бир куни Невский проспектида кетаётиб ўша ошнамни кўриб қолдим. Ҳайратдан кўзларимда ёш қалқиди. Унга қўл узатганча хурсандчиликдан нафасим бўғилиб, бир нарса дейишга ҳам тилим айланмай қолди. Ошнам қўлимни сикди-да, худди у билан кечагина кўришганимиздай овозда: «Салом, Адуев!» – деди. «Кўпдан бери яшаяпсанми бу ерда?» – дея шу вақтгача учрашмаганимиздан ҳайратланаркан, йўл-йўлакай нима қилаётганим, хизматим, қаердалигимни сўраб-суриштирди-да, ўзи ажабтовур тураржойга эгалиги, хизмати, ўртоқлари ва... ҳаммадан, тақдиридан хурсандлигини айтди... кейин вақти зиклиги, зиёфатга мутакаллифлигини айтди, эшитяпсизми, *ma tante*?¹ кўпдан бери кўришмаган дўсти билан учрашиб қолган бўлса-да, зиёфатни кечиктиролмас эмиш...

– Эҳтимол уни кутаётган бўлишса керак-да, – деди Лизавета Александровна, – ҳар ҳолда куттириб қўйиш одамгарчилик...

– Одамгарчилик, дўстлик? Сиз ҳам, *ma tante*, шундай деяпсизми? Буниси ҳолва ҳали, яхшиси, давомини эшитинг. У қўлимга адрес тутқазди-да, эртаси куни окшом уйида кутишлигини айтди-ю,

¹ Қаранг: А.С. Грибоедовнинг «Ақл балоси» асари, 3-парда, 1-кўриниш.

ғойиб бўлди. Унинг ортидан анча вақт қараб турарканман, сира ўзимга келолмасдим. Болаликдаги, ёшликдаги дўстим-а! Во ажаб! Сўнгра, эҳтимол у ҳаммасини оқшомга қолдиргандир, ўшанда тўй-гунча суҳбатлашмоқчи шекилли, деган ҳаёлга бордим. «Майли, айтганича бўла қолсин, кечқурун борарман-да». Айтган вақтида уйига ташриф буюрдим. Ўн нафарча улфатлари йиғилган экан. Ошнам менга олдинги учрашувимиздагига қараганда ёқимлироқ қўл чўзса ҳам, лекин шу заҳотиёқ лом-мим демай, қарта столи ёнига ўтиришимни таклиф этди. Мен кимор ўйнамаслигимни айтдим ва ошнам қартани ташлаб, ёнимга келса керак, деган ҳаёлда бўш диванга ўтирдим. «Қарта ўйнамайсанми?» – дея сўради оғайним, – унда нима қилмоқчисан?» Берган саволини қаранг! Бир, икки соат кутдим, лекин ошнам суҳбатлашиш учун ёнимга келавермади. Тоқатим тоқ бўлди. Ошнам менга дам сигара, дам трубка таклиф этаркан, қарта ўйнамаётганимга ачиниб, зериктирмасликка ҳаракат қила бошлади. Нима билан андармон қилмоқчи бўлди денг? Ютуғу омадсизликларини муфассал ҳикоя этишга тушиб кетди. Ниҳоят бардошим тугаб, унга яқинлашдим-да, бу оқшом мен билан суҳбатлашишга вақти бор-йўқлигини сўрадим. Юрагим қинидан чиққудек бўлар, овозим титрарди. Бундан ошнам ҳайрон бўлди шекилли, менга ғалати қараш қилди. «Яхши, – деди ошнам, – сўнгги юришимни тугатай». У шундай деган заҳоти шляпамни олиб, кетмоқчи бўлдим, лекин ошнам бунни сезиб қолиб, мени тўхтатди. «Сўнгги доира тугаяпти, – деди у, – ҳозир кечки таомга ўтирамиз». Ниҳоят ўйин тугади. Ошнам ёнимга ўтириб эснади. Шу билан дўстона суҳбатимиз бошланди. «Менга бир нарсa демоқчимидинг?» – сўради у. Бу савол шу қадар диққинафас ва ҳиссиз оҳангда берилгандики, мен ҳеч нарсa демай, ошнамга фақат маъюс жилмайиб қарадим. Шундан кейин унга гўё жон киргандай менга савол ёғдириб ташлади: «Нима бўлди сенга? Бирор нарсадан зорикиб қолдингми? Хизматингда ёрдамим керак эмасми?..» ва ҳоказо. Мен бошимни сарак-сарак қилиб, у билан хизмат тўғрисида, моддий наф ҳақида эмас, балки дилга яқин ажойиб болалик кунларимиз, ўйинлар, шумликларимиз борасида суҳбатлашмоқчилигимни айтдим... Тасаввур қилинг-а! ошнам гапимни тугатишимга имкон бермади. «Ҳалиям ўша-ўша ҳаёлпараст экансан-ку!» эмиш. Кейин суҳбатимизни бир пулга қиммат ҳисоблагандай гапни бошқа ёққа бурди-да, ишларим, келгуси ниятларим, мансаб, амаким тўғрисида жиддий суриштира кетди.

Мен ҳайрон бўлдим, инсоннинг бунчалар тошюракка айланишига ишонмасдим. Сўнгги бор синаб кўрмоқчи бўлиб, ўз аҳволимни баён этишга ўтарканман, мени не қўйга солиб қўйганларини тўкиб сола бошладим. «*Одамлар* менга қандай жафо қилишганини эшит...»— дея шикоятимни бошладим. «Хўш, нима бўлди? — чўрт кесиб сўради ошнам ногаҳон капалаги учиб, — бирор нарсангни ўғирлашди-ми?» У мени хизматкорлар ҳақида гапиряпти деб ўйлаган бўлса керак. Амакимга ўхшаб ошнам ҳам пул ўғирлатишдан бошқа нарсани кулфат қаторида кўрмасди. Бунчалар тошбағирга айланмаса инсон! «Ҳа, — дедим мен, — қалбимни ўғирлашди...» Кейин муҳаббатим, азобларим, ҳеч нарсани қизиғи қолмагани борасида сўзлай кетдим... Гапирарканман, чеккан изтиробларимни эшитган ошнамнинг дилидаги муз эриса керак, деб ўйлагандим, чунки унинг кўзларига ёш қалққанди ҳам... Баногоҳ ошнам хохолаб кула бошласа бўладими! қарасам, қўлида рўмолча ушлаб олган, гапим давомида базўр ўзини қулгидан тийиб турган экан, охири чидай олмади... Мен даҳшатда гапиришдан тўхтаб қолдим.

— Бас, етар, — деди ошнам, — ундан кўра ароқ ич, кейин овкатланамиз. Вой инсон-ей! Ароқ ичсанг-чи. Қани, буёкка юр, ҳа, ҳа, ҳа!.. ажойиб... рост... ҳа, ҳа, ҳа!... ростбиф...

У тирсагимдан тутмоқчи бўлганди, шартта ўзимни нарига олдим алвастидан... Мана инсонлар қандай, қанақа бўлиб кетишган, *ma tante!* — дея Александр гапига хулоса ясаб, қўл силтади-да, хонадан чиқиб кетди.

Лизавета Александровнанинг йигитга раҳми келиб кетди, у қайнисининг жўшқин, аммо сохта йўналишга тушиб қолган қалбига ачинарди. Агар Александр бошқача тарбия кўриб, ҳаётга тўғри қарай билса ўзи ҳам бахтли бўларди, бошқа бирортасини ҳам бахтиёр қиларди, деган хулосага келди Лизавета; ҳозир эса йигит ўз қалтабинлиги, хатосининг жабрини тортяпти. Унинг ўзику, ҳаётни дўзах азобига айлантирган. Унга қандай қилиб тўғри йўл кўрсатиш мумкин? Қани ўша халоскор компас? Аёл мурғак бу чечакка нечоғли нозик, меҳрибон қўлнинг парвариши лозимлигини ҳис қиларди.

Лизавета Александровна қайнисининг дил ҳаяжонини бир марта боса олган, лекин у ҳам бўлса муҳаббат борасида эди. Унда аёл таҳқирланган юракни юпатишга йўл топа билиб, бениҳоя усталик билан олдин ўзи Наденькани айбларкан, қизнинг қилмишини

роса қоралаб, уни бамисоли мохов даражасига чиқариб қўйган, йигитнинг муҳаббатига лойиқ эмаслигини исботлаганди. Шу билан Александрни дил изтиробидан халос этиб, тинчлантирганди. Лекин бунда Лизавета ҳалоли йўл тутмай, йигит қалбида адолатсиз нафрат туйғуси кўзғатди. Пётр Иванович бўлса, аксинча, Наденькани оқлашга ҳаракат қилиб, бу билан Александрни юпатмасликдан ташқари изтиробини баттар кучайтирди, арзирлироқ қизни севишим керак эди, дея ўйлашга мажбур этди.

Аммо ошна-оғайнигарчилик бошқа масала эди. Лизавета Александровна қайнисининг дўсти йигит назарида айбодуру, лекин кўпчилик олдида ҳақлигини сезиб турарди. Буни Александрга тушунтириб кўраман! Лекин аёл бу жасоратга ўзи журъат қилолмади, Пётр Иванович дўстлик нифоғини тушунтириб бера олади, деган ҳаёлга бориб, эрини ишга солмоқчи бўлди.

– Пётр Иванович! – дея мурожаат этди иттифоқо Лизавета эрига мулоимлик билан, – сенга бир илтимосим бор эди.

– Қандай илтимос?

– Ўзинг топ.

– Айтавер, илтимосингни ерда қолдирмаслигимни биласан-ку. Петергоф чорбоғи хусусида бўлса керак хойнахой: ҳали барвақт-дир-ов*...

– Йўқ! – гапни бўлди Лизавета Александровна.

– Нима бўлмаса? Ўзинг ахир айтувдинг-ку, отларимиздан кўрқаман деб: ювошроғи бўлса девдинг...

– Йўқ!

– Хўш, унда янги жиҳозлар тўғрисидадир-да? – Аёл бош чайқади.

– Унда билмадим, – деди Пётр Иванович, – яхшиси, манави ломбард билетини олгин-да, ўз билганингча ишлатавер. Кечаги ютук бу...

Пётр Иванович ҳамёнини чиқара бошлади.

– Йўқ, овора бўлма, пулни жойига солиб қўй, – эътироз билдирди Лизавета Александровна, – сарик қақа ҳам чикимдор бўлмайсан илтимосимдан.

– Пул берсам олмаса-я!– ҳайратга тушди Пётр Иванович ҳамёнини қайта жойига сола туриб, – во ажаб! Хўш, нима керак ўзи?

– Хиёл тантилик керак, холос...

– Бемалол, марҳамат.

– Биласанми, ўтган куни Александр келувди ҳузуримга...

– Оббо, яхшиликмас шекилли! – гапни бўлди Пётр Иванович, – хўш, нега келибди?

– Жудаям дили вайрон, – давом этди Лизавета Александровна, – кайфияти яхшиликка олиб бормаса кераг-ов, деб кўрқяпман...

– Тағин нима бўлибди? Яна бевафолик қилган бўлишса керак-да?

– Йўқ, дўстликда хиёнат килишибди.

– Дўстликда! Баттар бўляпти-ку борган сари! Нечук дўстликда хиёнат килишибди? Қизиқ-ку, қани айтгин-чи?

– Вокеа мана бундай бўлибди.

Шунда Лизавета Александровна эрига қайнисидан неки эшитган бўлса барини тўкиб солди. Пётр Иванович кифтларини каттик кисди.

– Хўш, мени нима қил, демоқчисан? Унинг қанақалигини ўзинг кўриб турибсан-ку!

– Озгина ҳамдардлик қилиб кўнглини ёзсанг-чи...

– Йўқ, буниси ўзингга сийлов.

– У билан гаплаша қол, нима десам экан?.. одатдагидай эмас, майинроқ гаплаш... туйғусини камситмайроқ...

– Йиғла, демоқчимасмисан мабодо?

– Ёмон бўлмасди.

– Хўш, нима фойда бундан?

– Анча фойдаси бор... фақат унгагина эмас... – кўшиб кўйди Лизавета Александровна овозини пасайтириб.

– Нима? – сўради Пётр Иванович. Аёл чурқ этмади.

– Жудаям жонга тегди-да шу Александр. Манави еримга келди, – жавоб қайтарди Пётр Иванович бўғзига кўлини тираб.

– У нимаси билан бунчалар жонингни ҳалқумингга келтирди?

– Нимаси билан деганинг нимаси? Олти йилдан бери ортмоқлаб юрибман-а, дам йиғласа овутишим, дам онаси билан хат ёзишиш керак.

– Бечора! Жудаям қийин бўлиб кетган-да сенга! Вазифанг оғир: ойига бир марта олган мактубингни ўқимаёқ тортмага ташлаб қўйиш ёки жиянинг билан гаплашиш қийин-да! Ахир бу сени қартабозликдан чалғитади-да! Эҳ, эркақлар, эркақлар! Агар иштахали тушлик, зарҳал муҳрли лафит билан қарта бўлса бас, бошқаси билан ишларинг йўқ! Бунинг устига тағин ўзини кўрсатиш, донолик қилиш бўлса – нақ бахтиёрсизлар.

– Худди сизлар нозу ишва қилганларингдай, – кўшимча қилди Пётр Иванович. – Ҳар ким ўз аршини билан ўлчайди, азизим! Хўш, нима демокчисан?

– Нима демокчимишман! Кўнгил-чи! Бу ҳақда ҳеч ким ҳеч нарса демайди.

– Шу етмай турувди ўзи!

– Биз, жуда дономиз: бундай майда ишлар билан шуғулланишга вақтимиз борми? Биз инсонлар тақдирини ҳал қиламиз. Бизни қолгани билан ишимиз йўқ. Чўнтакдаги пул, мансаб қизиқтиради холос. Яна ҳамма шундай бўлишини хоҳлашини айтмайсанми! Ораларида ҳиссиётли, севишга қодир ва ўзини севишга мажбур этувчи биттаси пайдо бўлиб қолди...

– Жудаям қойил қилиб севишга мажбур этди-да у анави... исми нимайди? Верочками? – гап қўшди Пётр Иванович.

– Ўшалар билан тенглаштиришга топган одамини-чи! Бу қисмат кинояси. Қисмат шундайки, гўё жўрттага қилгандай нозик, ҳис-эҳтиросли одамни доимо совуқ кимсага дучор этади! Бечора Александр! Унинг ақли қалби билан ҳамоҳанг бўлмаганлиги учун ақли ҳаддан ташқари илгарилаб кетган, нуқул мулоҳаза ҳисобига устун келмоқчи бўлганлар қаршисида айбдорга айланади...

– Хўп деявер, асосий нарса шундай, йўқса...

– Хўп демайман, сираям кўнмайман-да, асосий нарса деганинг заводда бўлиши мумкин, эҳтимол сизлар инсоннинг ҳиссиёти ҳам борлигини унутарсизлар...

– Бу эски нағма-ку! – деди Адуев, – гўдаклигимдан эшитгандим айтганларингни.

– Афсус, ачинарли ҳол – шивирлади Лизавета Александровна.

– Бўлди, бўлди, жаҳлинг чикмасин: нима десанг шу бўлади, фақат нима қилишимни айтсанг бас! – деди Пётр Иванович.

– Унга озгина насиҳат қилсанг...

– Қойиб қўй демокчимисан? Узр, бу менинг вазифамга кирмайди.

– Қойиш эмиш-а! Мулойимроқ тушунтир. Ҳозирги ошналардан бир нарса кутиш қийин, дўстинг сен айтганча эмас, дегин... Бунини сенга ўргатишим шартмасдир? Шундаям... шундаям муғамбирсанки... – қўшиб қўйди Лизавета Александровна.

Пётр Иванович охирги сўзлар айтилганда бир оз қовоғи осилди.

– Ким билсин, қанчалар дил очди қилганикинсизлар? – деди у жаҳли чикиб, – дўстлик ва муҳаббат тўғрисида роса шивирлашдинглар шекилли. Энди мени ҳам айлантирмоқчисизлар...

– Аммо бу охирги сафар, – ваъда килди Лизавета Александровна, – ўйлайманки, шундан кейин у юпанса керак.

Пётр Иванович шубҳа билан бош чайқади.

– Пули борми? Эҳтимол йўқдир, шунинг учун ҳам...

– Билиб олганинг фақат пул-а! У ошнасининг бир оғиз яхши гапи учун борини беришга ҳам тайёр эди.

– Нима ҳам дердим, буни ундан кутса бўлади! Иш жойида, департаментда хизматчи юракдан гапиргани учун пул берганидан кейин.. Кимдир қўнғирок қияпти, умасмикин? Нима қилиш керак? Такрорла-чи, қойийми.. яна нима? Пулми?

– Қойишингни қўйсанг-чи! Баттар қилишинг мумкин. Сендан дўстлик, юрак ҳақида суҳбатлашинингни илтимос қияпман, суҳбатлашганда ҳам мулойимрок, астойдилрок...

Александр жимгина таъзим қилди. Тушликда ҳам худди шундай индамай анча таом еди, овқат истеъмом қилмаган пайтлари нон увокларини думалоқлаганча шишалар билан графинларга ер остидан қараб ўтирди. Тушликдан сўнг шляпасига қўл узатди.

– Йўл бўлсин? – сўради Пётр Иванович, – ўтир биз билан. – Александр индамайгина бўйсунди. Гапни мулойимрок ва уддабуронлик билан бошлашни ўйлаётган Пётр Иванович баногоҳ шартиллатиб савол бериб қолди:

– Эшитишимча, ошнанг сенга пича ясамароқ муомала қилибдими, Александр?

Қўкқисдан айтилган бу сўзлардан Александр гўё уни жароҳатлашгандай бош силтади-да, келинойисига ўпка билан тикилди. Вазиятнинг бундай тус олишини кутмаган Лизавета ҳам худди иш билан банддай олдиниға бошини қуйи эгди, кейин қайниси каби эрига ўпқаланиб қаради. Икки ҳисса таом еб, мудроққа кета бошлагани учун Пётр Иванович хотинининг ҳам, жиянининг ҳам ўпқали нигоҳларини пайқамади.

Александр амакисининг саволиға жавобан эшитилар-эшитилмас хўрсиниб қўйди холос.

– Нафсиламр, – давом этди Пётр Иванович, – нақадар маккорлик! Садқайи ошначилик кетсин! Беш йилгина кўришмагандан сўнг шунчалар қўнғли совиб кетибдики, ҳатто сен билан қаттиқ

кучоклашмай, окшом уйига боришингни таклиф этибди, карта ўйинига ўтказмоқчи... овқатлантирмоқчи бўлибди... Оббо тулки-ей! – ошнаси юзида ранжиш сезиб, унинг ишлари, шароити, етишмовчиликлари ҳақида сўраб-суриштира бошлабди, канчалар разилона қизиқиш! Яна тағин – о, ўта маккорлик! – ёрдамини таклиф этишга журъат қилибди... ёрдам... Эҳтимол пулдан кўмак бермоқчи бўлгандир. Ҳеч қандай дил очиш йўқ! Даҳшат, даҳшат! Кўрсатиб қўй ўша ҳайвонни менга, жума куни тушликка етаклаб кел!.. Нима ўйнайди ўзи у?

– Билмадим, – жавоб қайтарди Александр жahl аралаш. – Майли, кулаверинг, амакижон: сиз ҳақсиз. Ўзим айбдор эканман. Кимга ишониш, кимдан хайрихоҳлик кутиш керак? Аттанг, тушимни сувга айтиб юрган эканман! Қаёққа қарасанг пасткашлик, сўтаклик, худбинлик, мен бўлсам ҳамон болалардай хайр-саховат, мардлик, барқарорликка ишониб келаётган эканман...

Петр Иванович тез-тез, бир текисда мункиб-мункиб қўя бошлади.

– Петр Иванович! – шивирлади Лизавета Александровна эрининг энгидан тортқилаб, – нима, ухляпсанми?

– Ол-а, ухлармишман-а! – деди кўзини очиб Пётр Иванович, – ҳаммасини эшитдим: «мардлик, барқарорлик», қани ухлаётганим?

– Халакит берманг амакимга, ma tante! – эътироз билдирди Александр, – ухлаш қаёқда, худо кўрсатмасин, ошқозони бузилиб қолади-ку. Дунёда инсондан зўр мавжудот йўқ албатта, аммо аини пайтда у кориннинг ҳам қулидир.

Александр чамаси заҳарханда килмоқчи бўлса ҳам, бироқ бу-нинг ўрнига истехзоли жилмайди холос.

– Қани, айт, ошнангдан нима истагандинг? Бирор фидойиликми? Деворга чиқиши ёки деразадан ўзини ташлашини хоҳлаганмидинг? Ошначилик деб нимани тушунасан? Нима ўзи дўстлик? – сўради Пётр Иванович.

– Энди сиз айтган ҳеч қандай фидойиликнинг ҳожати йўқ, ташвиш тортмай қўя қолинг. Одамлар ёрдами билан ошначилик, муҳаббат нималигини хўпам тушуниб олдим... Ёнимда доимо манави сатрларни олиб юардим. Қайсики улардаги ўша икки туйғуга берилган баҳони ҳақиқат деб биларканман. Ошначилик, муҳаббат шундай бўлиши керак, дея тушунарганман. Энди англасам, мазкур сатрлар сохта, одамларга бўхтон ёки улар қалбини нодонларча бил-

масликдан келиб чиққан экан... Инсонлар бундай туйғуларга қодир эмаслар. Бошқача айтганда бу сатрлар макрдан иборат!

Александр чўнтагидан икки парча битикли қоғоз чиқарди. – Нима ўзи бу? – сўради амаки. – Қани, кўрсат-чи.

– Кўрсатиб ўтиришга арзимади! – деди Александр қоғозларни йиртиб ташлашга тараддуланиб.

– Ўқиб беринг, ўқинг! – илтимос қила бошлади Лизавета Александровна.

– Энг кейинги икки француз романнависи чинакам дўстлик ва муҳаббатга қуйидагича баҳо беришганки, уларнинг фикрига қўшилар эканман, ҳаётда ўшандай кимсаларни учратаману кўнглимдагидай... қаяқда дейсиз! – йигит нафратомуз қўл силтаб, ўқишга киришди: «Севгимиз сохта, бир ҳовуч олтин қаршисида дош бера олмайдиган, дудмал, жумладан, кўрқиб эмас, балки қонга қон олишга қодир, қонли олишув, тўплар гумбури, бўронлар ўқириши, дўстлар ўқ-дори юки лаблари билан ўпишишиб, консираган қўйи қучоклашишлари орқали исботланган севги бўлиши лозим... Агар Пилад оғир жароҳатланса, Орест фидокорона видолаша туриб, бир ханжар уришда уни изтироблардан халос этади-да, қасос олишга қаттиқ қасамёд қилиб, онти устидан чиқади, сўнгра кўз ёшларини артиб, кўнгли ўрнига тушади...»

Пётр Иванович одатдагидай меъёрида, аста қулиб қўйди.

– Кимнинг устидан қуляпсиз, амакижон? – сўради Александр.

– Мабодо у беҳазил, ўз номидан гапирган бўлса, ўша муаллифнинг устидан қуляпман, қолаверса, дўстликни шундай тушунсанг, сенинг устингдан ҳам қуламан.

– Наҳотки бу шунчалик қулгили бўлса? – сўради Лизавета Александровна.

– Жудаям қулгили-да. Узр, қулгили ва ачинарли. Нафсиламр, Александрнинг ўзига ҳам маъқул шекилли, қулиб қўйди. Бундай дўстлик сохталик ва инсонларга бўҳтонлигини у ҳозир тушуняпти. Шунинг ўзиёқ олдинга ташлаган илдам қадам.

– Инсонлар дўстлик қандай бўлишини англаш даражасига кўтарила олишга қодир эмасликлари учун ҳам дўстликни сохталик ҳисоблаш мумкин...

– Инсонлар қодир эмас экан, демак, ундай бўлмаслиги керак... – Бироқ шундай мисоллар бор-ки...

– Бу истисно, истисно эса қарийб ҳар доим бахайр эмас. «Қонсираган кўйи кучоқлашиш, каттик қасамёд, ханжар уриш!..» – Пётр Иванич тагин кулиб юборди.

– Қани, муҳаббат хусусидагисини ўқи-чи, – давом этди у, – уйқум ҳам қочиб кетди.

– Мабодо бу ҳам яна кулишингизга сабабчи бўлса, марҳамат! – деди Александр ва кейинги парчани ўқий бошлади:

«Севиш бу – ўзинг ўзингга тааллуқли бўлмаслик, ўзинг учун яшамай, бошқа кимсада зуҳр этиш, бари инсоний туйғулар – умид, даҳшат, кулфат, ором – биргина мавжудотда мужассамлашмоғидир, севиш бу чексиз...»

– Ўта бемаънилик! – гапни бўлди Пётр Иванич, – аҳмоқона сўзлар ҳаммаси!

– Йўқ, жудаям ажойиб! Менга ёқпти, – орага суқилди Лизавета Александровна. – Давом этинг, Александр.

«Туйғуда чекланмаслик, ўзингни биргина кимсага бағишламок, – ўқий кетди Александр, – ўшанинг бахти учун яшаб, ўша одам йўлида тафаккур этиш, таҳқирланган кезлар улуғворликни сақлаш, қайғудан роҳат, роҳатдан қайғу топмок, муҳаббат ва роҳатдан ўзга истаган майлларга берилиш лозим. Севиш бу – мукаммал дунёда яшамоклик».

Пётр Иванич норози бош чайқаб қўйди.

«Бу мукаммал дунёда (давом эттирди Александр) ҳар қандай порлоқлик ва дабдаба аъло зийнат ҳамда ҳашамдир: Ёруғ жаҳонда осмон мусаффорок, табиат ажиброк кўринади. Ҳаёт ва фурсатни икки қисмга: мавжудлигу ғойиблик, йилнинг икки фасли – баҳор ҳамда кишга ажратмок керак. Биринчисига баҳор, иккинчисига киш тўғри келади. Чунки гуллар нечоғли гўзал ва ложувард осмон нақадар мусаффо бўлмасин, ғойибликда унисининг ҳам, бунисининг ҳам барча латофати хиралашади. Оламда ёлғиз биргина зотни кўриш ва шу зотда коинот мавжуд деб билмок лозим... Ниҳоят севиш, бу севган кимсангнинг ҳар бир нигоҳини бамисоли жазирада куруқшаган лабини намлаш учун ҳар бир томчи шудрингни эҳтиётлайдиган бадавий каби авайламок демакдир. Севимлигинг ғойиблигида ҳаяжонли теран фикрлаш, ҳузурида бирор мулоҳаза айтмаслик, фидойиликда ўзаро ҳаракат қилиш керак...»

– Етар, худо хайрингни берсин, бас! – гапни бўлди Пётр Иванич, – тоқатим тоқ бўлди-ку! Қоғозларни йиртмоқчийдинг, йирт, йиртсанг-чи, тезроқ! Манавиндай!

Пётр Иванович хатто креслодан туриб, хонада нари бориб, бери кела бошлади.

– Нахотки ростдан ҳам бир вақтлар шундай ўйлаб, шундай иш тутишган бўлишса? – деди кейин у. – Нахотки рицарлар билан чўпонвойлар тўғрисида ёзилаётгани аламли тўқима бўлмаса? Инсоннинг аянчли дил торларини шу қадар муфассал қўзғатиб таҳлил этишга ҳафсала қилишганини қаранглар-а... муҳаббат! Бунга жиддий аҳамият берилса...

Пётр Иванович кифт қисиб қўйди.

– Бунчалар четлаб кетиш шартмикин, амакижон? – сўради Александр, – ўзим шахсан муҳаббат кудратини ҳис этиб, фахрлан-япман-ку у билан. Менинг бахтсизлигим шундаки, айтган муҳаббатимга лойиқ, шундай кудратга эга кимса тополмадим...

– Муҳаббат кудрати! – такрорлади Пётр Иванович, – сен айтсанг ҳам барибир у заифлик аломати холос.

– Сенингча шундай, Пётр Иванович, – огоҳлантирди Лизавета Александровна, – сен бундай муҳаббатнинг бошқаларда ҳам борлигига ишонишни хоҳламаяпсан...

– Сен-чи, нахотки сен ишонсанг? – сўради Пётр Иванович хотинига яқинлашиб, – ҳа, йўқ, ҳазиллашяпсан-ов! У ҳали гўдак, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам билмайди, сенга уят-е! Хўш, шу тақлид севган одамни ёқтирармидинг ўзинг?.. Шундай севиш керакми?

Лизавета Александровна қўлидаги ишни нари суриб қўйди.

– Бўлмасам-чи? – сўради аёл аста эрининг қўлларидан тутиб ўзига тортаркан.

Пётр Иванович аста қўлларини хотинидан бўшатди-да, дераза ёнида уларга тескари ўгирилиб турган Александр томонга имо қилиб, тагин хонада у ёқдан-бу ёққа бориб кела бошлади.

– Ана холос! – деди кейин у, – худди бир-бирларини қандай севишларини билмагандай гапирасан-а!..

– Бир-бирларини севармишлар! – такрорлади аёл хаёлчан ва аста ўз ишига киришди.

Орага узок сукунат чўкди. Пётр Иванович биринчи бўлиб сукунатни бузди.

– Ҳозир нима қиляпсан? – сўради у жиянидан.

– Шунчаки... ҳеч нарса...

– Оз. Хўш, лоақал нима ўқияпсан?

– Анави...

- Нима анави?
- Криловнинг масалларини ўқияпман.
- Яхши китоб. Лекин фақат ўшани ўқимаётган бўлсанг керак?
- Ҳозирча ўшани ўқияпман холос. Эҳ! Одамларнинг ажиб қиёфаси, қанчалар садоқат!
- Одамлардан хафасан шекилли. Анави, исми нимаиди... Ўшанинг таъсири эмасми бу?
- О! Унутганман у нодонлик кезларимни. Яқинда қанчалар бахтли бўлган, изтироб чеккан жойларимдан ўтдим, хотиралар нақ юрагимни тилка-пора қилиб ташлайди, деб ўйлагандим.
- Хўш, тилка-пора бўлдим юрагинг ишқилиб?
- Чорбоғни ҳам, гулзору панжарани ҳам кўрдим, аммо юрагим қилт этмади.
- Ана, кўрдингми, айтувдим-ку. Хўш, одамларнинг нимаси ёкмайди сенга?
- Нимасимиш! Пасткашликлар, маънавий пастликлари-да... Ё парвардигор! Табиат шунчалар эзгулик уруғи сочган жойда бу қадар манфурлик ҳукмронлигини ўйласанг...
- Хўш, сенга нима? Тузатмоқчимисан одамларни?
- Зарур келибдими? Ўша одамлар бўлганган балчиқ ўзимга ҳам сачрамайдими? Ўзингиз биласиз-ку қай кўйга тушганимни, шундан кейин ҳам одамлардан нафратланиб, жирканмасмишман!
- Хўш, қай кўйга тушибсан?
- Муҳаббатда хиёнат кўрдим, дўст деб билган одам мени аллақандай қўпол равишда, совук рад этди. Умуман, одамларни кўрарга кўзим йўқ, улар билан яшашдан ҳазар қиламан! Тамоми идрок, сўзлари, қилган ишлари сариқ чақага қиммат. Бугун битта мақсад сари ховликиб, ошиқишади, бир-бирларини чаладилар, разиллик, лаганбардорлик қилишади, ер ўпишади, найранг ишлатишади, эртасига эса кечаги кирдикорларини унутиб, бошқа ниятни кўзлай бошлашади. Бугун ҳайратланган нарсаларини эртага лаънатлайдилар, бугун жўшқин, назокатли бўлиб, эртасига лоқайд тусга киришади... йўқ! Бундай қаралса, яшаш даҳшатли, жирканч! Одамлар, эҳ одамлар!..
- Креслода ўтирган Пётр Иванични мудрок тортди чоғи, тагин пинакка кетгандай бўлди.
- Пётр Иванич! – деди Лизавета Александровна уни аста туртиб.

– Хафа бўлганинг бўлган! Иш билан шуғулланиш керак! – деди Пётр Иванович кўзларини ишкалаб, – ўшанда ҳуда-беҳудага одамларни ҳам койийвермайсан. Танишларингнинг ҳаммаси ёмонми? Ҳаммаси ажабтовур одамлар.

– Қаранг-а! Кимнинг этагидан тутсанг, Криловнинг масалла-ридаги бирор йиртқич бўлиб чиқади вассалом! – жавоб қайтарди Александр.

– Масалан, Хозаровлар-чи?

– Ҳаммалари ҳайвон! – гапни бўлди Александр. – Биттаси олдингда лаганбардорлик қилиб, силаб-сийпалайди, орқадан эса... мен тўғримда нималар деганини эшитдим. Иккинчиси бугун сени ранжитса, аҳволингга ачиниб фарёд чекади, эртасига эса сени ранжитган одамнинг кўнглини овлай бошлайди. Бугун сен билан бирга бошқалар устидан, эртага бўлса бошқалар қаватида сенинг устингдан кулади... Газанда!

– Хўш, Лунинлар-чи?

– Уларнинг ҳам мактайдиган жойи йўқ. Луниннинг ўзи бировга яхшилик қилишга саратонда қўли совқотади. Хотини кўринишда бамисоли қўй оғзидан чўп олмагандай муғамбир...

– Унда Сонинлар ҳақида нима дейсан?

– Бирор дурустрок гап айтиш қийин. Сонин доимо дуруст маслаҳат беради, аммо бошингизга бир иш тушиб, кўмак сўраб кўринг-чи ундан... Тулки бўрини ҳеч вақосиз жўнатгандай, кечки таомни ҳам раво кўрмай ортингизга қайтариб юборади. У сиз орқали иш жойи топиш учун қаршингизда ўларча елпатак бўлгани ёдингиздами? Ҳозир сиз ҳақингизда нималар деб юрганини бир эшитсангиз эди...

– Волочков ҳам ёқмайдими сенга?

– Бир пулга қиммат, бунинг устига ёвуз ҳайвон-ку у... – Александр ҳатто тупуриб ҳам қўйди.

– Роса чалпидинг-ей! – деди Пётр Иванович.

– Хўш, одамлардан нима кутишим керак унда? – сўради Александр.

– Ҳамма нарсани; дўстлик ҳам, муҳаббат ҳам, штаб-офицерлик унвонию пул ҳам... кутишинг мумкин. Ана энди ўша гапларинг-ни биз ҳақимиздаги баҳонинг билан якунла: айт-чи, биз эр-хотин киммиз, йиртқичлармизми?

Александр ҳеч нарса деб жавоб қайтармади, аммо унинг башарасида соя каби сезилар-сезилмас киноя ифодаси пайдо бўлди. Кейин жилмайди. Бироқ олдинги юз ифодаси ва ҳозирги жилмайиш Пётр Иваничнинг назаридан четда қолмади. У хотини билан кўз уриштирганди, аёл ерга қараб олди.

– Хўш, ўзинг-чи, ўзингнинг қайси йиртқичдан кам жойинг бор? – сўради Пётр Иванич.

– Мен одамларга заррача ёмонлик қилмаганман! – жавоб қайтарди Александр гердайиб, – одамларга нисбатан бари муносабатларим... Менинг қалбим муҳаббатга мойил. Одамларга кенг қулоч ёздим, эвазига улар нима қайтаришди?

– Нима бу, гаплари жуда қизиқ-ку, а! – деди Пётр Иванич хотинига мурожаат этиб.

– Сенга ҳамма нарса кулгили! – жавоб қайтарди Лизавета Александровна.

– Шахсан мен, – давом этди Александр, – одамлардан жасоратомуз яхшилик ҳам, ҳиммат ҳам, фидойилик ҳам талаб қилганим йўқ... улардан фақат зарурий, ҳар жиҳатдан ҳуқуқим тақозосидаги нарсаларни талаб этдим холос...

– Демак, сен ҳақсан-да? Айбсиз айбдор бечора-ей. Сабр қил, ҳозир кўрсатиб қўяман айбларингни...

Эри жиддий оҳангда гапира бошлаганини сезган Лизавета Александровна хавотирга тушиб қолди.

– Бас қил, Пётр Иванич... – шивирлади у.

– Йўқ, қўй, ҳақиқатни бир билиб қўйсин. Кўп гапирмайман. Қани, марҳамат қилиб айт-чи, Александр, ҳозир танишларингни дам ярамас, дам аҳмоқ деб атаганингда виждонинг хиёл бўлса ҳам қийналмадими?

– Нега энди виждоним қийналиши керак экан, амакижон?

– Шунинг учунки, ўша йиртқичлар сенга бир неча йил ичи доимо бажонидил бошпана беришган. Бор, ана, ўшалар нимадир ундирмоқчи бўлиб, кимларгадир нисбатан хийла ишлатишган, сен айтгандай, найранг кўрсатганлар дейлик. Ваҳоланки, сендан ҳеч қандай тамалари бўлмаган. Сени бағирларига олиб, силаб-сийпалашга нима мажбур этган уларни?.. Инсофдан эмас, Александр... – қўшиб қўйди Пётр Иванич жиддий. – Айби бундан анча кам бошқа одам фақат шунинг боисидан ҳам чурқ этмай қўя қоларди.

Александрнинг газаби жунбишга келди.

– Уларнинг менга меҳрибончилигини сизнинг тавсиянгиз натижаси деб билгандим, – жавоб қайтарди Александр бу сафар герда-йишсиз, анча паст тушиб. – Айтишим керакки, бу асилзодаларнинг муносабатлари...

– Хўп, яхши. Асилзода бўлмаган одамлар муносабатларини олайлик. Мен анавининг... исми нимаиди? Сашеньками? Ўшанга адолатсизлик кўрсатганингни исботлаб кўргандим. Лекин исбот-долганманми-йўқми менга қоронғи. Қизнинг уйига, худди ўша хонадоннинг ўз одамидай, бир йил мобайнида катнадинг, у ерда эрталабдан-кечгача вақтингни ўтказдинг. Устига-устак, сен манфур қиз деб атаган одамнинг суюклиси бўлдинг. У сираям манфур де-йишга лойиқ эмас шекилли...

– Хўш, нега хиёнат қилди менга?

– Яъни, бошқани севиб қолган-а? Буни ҳам қоникарли ҳал этганмиз. Нахотки сен агар қиз севишда давом этаверса, уни севмай қўйишинг мумкинлигига ишонмасанг?

– Мен-а? Ҳеч қачон.

– Ҳа, бу энди бориб турган нодонлик. Давом этайлик. Айтишингча, дўстларинг йўқ эмиш. Мен бўлсам учта дўстинг бор, деб ўйлардим ҳамон.

– Учта дўстим? – хитоб қилди Александр, – қачонлардир ягона дўстим бор эди, у ҳам...

– Учта дўстинг бор, – такрорлади бўш келмай Пётр Иванович. – Биринчиси, агар лавозимига қаралса, ўша ягона деганинг. Бир неча йил дийдор кўришмаган бошқа одам бўлса учрашув пайти сендан тескари ўгирилиб кетаверарди. У уйига таклиф этган, хонадонига руҳсиз кириб борганинг учун одамшавандалик билан бирор нарсадан зорикқанмисан, дея сўраб-суриштирган, кўмак ёрдами-ни таклиф этган, имоним комилки, пул ҳам берарди! Бизнинг замона-мизда пул – бу аъмол тоши не-неларни қокилтирмайди... Йўқ, мен билан таништириб қўй уни, ажойиб одамга ўхшайди... сенингча эса маккор.

Александр бошини ҳам қилганча жим туриб қолди.

– Хўш, иккинчи дўстинг ким деб ўйлайсан? – сўради Пётр Ива-нич.

– Ким бўларди? – жавоб қайтарди Александр гарангсиз, – ҳеч ким...

– Уятсиз! Эшитдингми? Лиза? Қизармайди ҳам-а! Қани, малол келмаса айт, мен кимман сенга?

– Сиз... қариндошимсиз.

– Катта одам эканман-ку! Йўқ, ундан ҳам яқинроқман деб ўйлардим ўзимни сенга. Яхши эмас, Александр. Бу қилиғинг ҳатто мактаб ўғитларида ҳам *қабихлик* деб аталган, чамаси, Крилов масалларида ҳам учрамайди.

– Мени доимо ўзингиздан нари итариб келдингиз-ку... – журъ-атсиз гап қайтарди Александр кўзларини кўтармай.

– Тўғри, кучокламокчи бўлганингда шундай қилганман.

– Менинг устимдан, туйғуларим устидан кулиб келдингиз...

– Нима учун, нега? – сўради Пётр Иванович.

– Ҳар бир қадамимни кузатиб юрдингиз.

– Ҳа, баракалла! Кузатдим! Шундай мураббий ёллаб кўрчи бир! Нима мақсадда куйиб-пишдим? Яна айрим нарсаларни айтардим-ку, лекин бемаъни таънага айланиб кетади...

– Амакижон!.. – Александр унга яқинлашиб, қўлларини чўзди.

– Ўз жойингда тур, мен гапимни тугатганимча йўқ ҳали! – жер-киди Пётр Иванович. – Учинчи, энг яхши дўстингни ўзинг айтсанг керак, деган умиддаман...

Александр яна амакисига қараркан, чамаси: «Қани у?» – деган-дай бўлди. Пётр Иванович хотини томонга ишора қилди.

– Мана у.

– Пётр Иванович, – гапни бўлди Лизавета Александровна, – до-нолик қилаверма, худо хайрингни берсин, қўй...

– Йўқ, халакит берма.

– Келинойимнинг дўстликларини қадрлай биламан... – чайналди гўнғиллаб Александр.

– Йўқ, қадрлолмайсан. Агар қадрлолганингда дўстни шифтга бокиб-изламай, келинойингни кўрсатган бўлардинг. Агар дўст-лигини ҳис этганингда, унинг ҳурмати ҳаққи, одамлардан нафрат-ланмасдинг. Ёлғиз келинойингнинг ўзи кўз олдингда бошқаларнинг қусурини оқлаб олишга имкон беради. Кўз ёшингни тўхтатиб, сен билан бирга ҳасрат чекишган ким? Ҳар бир сафсатаингни жон куйдириб тинглаган, маслаҳат берган ким? Фақат онанггина сен-га тааллуқли бари нарсаларни дилига яқин оларди, эҳтимол буни қилолмасмиди. Агар шуни ҳис этсанг, боягидай заҳарҳанда қилмай,

бу ерда тулки ҳам, бўри ҳам йўқлиги, сени туғишган опангдай яхши кўрувчи аёл турганини сезган бўлардинг...

–Эҳ, ma tante! – деди ҳозирги таънадан эсанкираб, камоли ўзини ўнглолмай қолган Александр, – нахотки мени ҳеч нарсани кадрламайдиган, сизни оломон орасида ажиб истиснолигингизни билмайди деб ўйласангиз? Алҳазар, алҳазар! Ўлай агар...

– Ишонаман, ишонаман, Александр! – деди Лизавета Александровна, – Пётр Иваничнинг гапларига қулоқ солманг, у пашшадан фил ясапти, донолик қилишни яхши кўради. Бас, Пётр Иванич, худо хайрингни берсин.

– Ҳозир, ҳозир тугатаман, *яна битта, энг охирги ривоят қолди*¹. Айтишингча, бошқалар олдидаги бурчинг талаб этган барча вази-фаларни бажараётганмишсан-а?

Александр энди чурқ этмас, нигоҳини ҳам кўтармасди.

– Унда айт-чи, онангни яхши кўрасанми? – Александрга баногоҳ жон кирди.

– Шуям саволми? – деди у, – энди ҳам севмайми онамни? Кўзимга суртганим бўлсин энди, жонимни ҳам аямайман онамдан...

– Дуруст. Бинобарин, онанг ҳаётлиги, сен учунгина яшаб, сенинг қувончинг ҳам қайғунг унинг учун ҳам қувонч ва қайғулигидан хабардорсан. Онанг ҳозир сендан хабар, ўзингни ойлабгина эмас, ҳафта сайин интиқ кутяпти... Айт-чи, қанча бўлди унга хат ёзганинга?

Александр ўзини қўярга жой тополмай қолди.

– Уч ҳафтача бўлди, – ғудранди у.

– Йўқ, тўрт ой! Хўш, бу қилиғингни нимага йўйиш мумкин? Йирткичликми бу? Криловда ҳам бу қадар йирткич йўқлигини айтолмаслигини сабаби ҳам шунда бўлса керак эҳтимол.

– Нима демоқчисиз бу билан? – сўради хавотирланиб Александр.

– Шуни айтмоқчиманки, кампир онанг ғамдан бетоб бўлиб ётибди.

– Нахотки? Худо сакласин! Худо сакласин!

– Ёлғон! Нотўғри! – деди Лизавета Александровна ва шартта бюро томон югуриб бориб, у ердан олган мактубни Александрга узатди. – Онангиз бетоб эмас, сизни қаттиқ соғинган холос.

¹ А. С. Пушкиннинг «Борис Годунов» трагедиясидан

– Уни эркалатиб юборяпсан, Лиза, – деди Пётр Иванович.
– Қаттиққўллик ҳам эви билан-да. Александрнинг маълум сабабларга кўра вақтинча фурсати бўлмаган...
– Бир қизни деб онани унутиш – зўр сабаб-ку!
– Бас, худо хайрингни берсин! – ёлворгандай бўлди Лизавета Александровна.

Александр мактубни ўкиб чиқиб, юзига босди.

– Амакимга халақит берманг, та tante: майли, таъна қилаверсин. Мен ёвуздан ҳам баттар эканман! – деди йигит башарасини аянчли буриштириб.

– Бўпти, ўзингни бос, Александр! – юпатган бўлди Пётр Иванович, – ёвузлар кўп дунёда. Аҳмоқлик қилиб, маълум вақт онангни унутгансан, бу табиий. Она муҳаббати дилдан. Она учун дунёда сендан зиёд одам йўқ; унинг қуюниши турган гап: Сени бунинг учун жазолаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Фақат севимли муаллифингни жумлаларини келтирмоқчиман холос.

Бекорга қийналиб саннашдан кўра –
Ўзингга қайрилиб қарай қол, жўра!!

ва бошқалар қусурини кечира билиш керак. Бунингсиз ўзинг ҳам, бошқалар ҳам яшаши мумкин эмас. Айтадиган гапим шу. Майли, энди бориб ухлай қолай.

– Амакижон! Мендан жаҳлингиз чиқяпти-а? – сўради Александр тавба-тазарру оҳангида.

– Нега бундай деяпсан? Асабимни бузиш зарур келибдими? «Маймун ва кўзгу» масалидаги айиқ ролини ўйнамоқчи бўлдим холос. Ёмон ўйнамадим шекилли? Тўғрими, Лиза?

Пётр Иванович хотинини ўпмоқчи бўлганди, аммо Лизавета Александровна чап бериб қолди.

– Буйруғингни аниқ бажардим чоғи? – сўради Пётр Иванович, – нега сен бундай?.. Ҳа, бир нарсани унутибман, қалбинг қай аҳволда, Александр?

Йигит лом-мим демади.

– Пул керак эмасми? – яна савол берди Пётр Иванович.

– Йўқ, амакижон...

– Ҳеч қачон сўрама ҳам! – деди Пётр Иванович эшикни ёпиб чиқаётиб.

¹ И. А. Криловнинг «Маймун ва кўзгу» масалидан. (М. Худойқулов таржимаси.)

– Амаким энди мен ҳақимда нима деб ўйлаши мумкин? – сўради Александр пича жим тургач.

– Олдинлари қандай ўйлаган бўлса худди шундай ўйлайверади, – жавоб қайтарди Лизавета Александровна. – Нима, у бу гапларни астойдил, юракдан айтди деб ўйлаяпсизми?

– Бўлмасам-чи.

– Ҳеч ҳам-да! Ишонинг, унинг донолик қилгиси келди холос. Маълум мақсад билан иш тутганини сездингизми? Сизга қарши маълум тартиб билан далиллар келтирди. Олдинига бўшроқ, кейин пухта далилларни қалаштирди. Олдинига сизнинг одамлар ҳақида ёмон фикрда бўлганингиз сабабларини рўқач қилди... кейин бўлса... ҳамма ерда маълум усул-ку! Менимча, ҳозир буни унутган бўлса ҳам керак.

– Қанча ақл! Ҳаётни, одамларни бунчалар билиш! Ўзни идора этишини қаранг!

– Ҳа, меъёрдан ортиқ ақл, меъёрдан зиёд ўзни идора қила билиш, – такрорлади хаёлчан Лизавета Александровна, – бироқ...

– Сиз-чи, ma tante, сиз ҳам ҳурмат қилмай қўясизми энди мени? Аммо ишонинг, кечмишларим таъсиридагина алаҳсибман... Э, худо! Бечора онагинам!

Лизавета Александровна йигитга қўл узатди.

– Мен, Александр, сизнинг қалбингизни ҳурмат қилишдан тўхтамайман. Туйғу важидан янглишиб келганмиз, шунинг учун ҳам кечираман хатоларингизни.

– Эҳ, ma tante! Сиз баркамол аёлсиз.

– Ҳамма қатори бир аёлман.

Амакисининг танбехлари Александрга қаттиқ таъсир қилганди. У келинойиси ёнида ўтирганча изтиробли хаёлга чўмди. Чамаси, Лизавета Александровна катта машаққат, усталик билан сингдирган осойишталик ҳам йигитни баногоҳ тарк этгандай эди. Хоним йигитдан бекорга бирор номаъқулчилик кутар, бекорга Пётр Ивановичга таъна тоши отиб, кесатик қиларди. Александр ҳозир ҳеч нарсани эшитмас, кўрмас эди.

– Нима бўлди сизга? Нега хомушсиз? – сўради Лизавета Александровна.

– Шундай ўзим, ma tante: негадир юрагим сиқияпти. Амаким кимлигимни боплаб тушунтириб қўйди!

– Унга кулоқ солманг, амакингиз гоҳо оғзига келганини гапиравереди.

– Йўқ, юпатманг мени ҳозир. Ўзимдан ўзим ҳазар қилиб кетяпман. Одамлардан нафратланиб, жирканардим. Энди ўзим ҳам ёмон кўриниб кетяпман ўзимга. Бошқалардан яшириниш мумкин, аммо ўзингдан қаёққа қочиб қутуласан? Ҳамма нарса: фаровон ҳаёту, одамлару, ўзим ўзимга ҳам тоқатим йўқ...

– Ғалати феъли бор-да Пётр Иваничнинг! – деди чуқур хўрсиниб Лизавета Александровна, – ҳамманинг дилини сиёх қилгани-қилган.

– Ўзимга зарар ёлғиз юпанчиғим қолди холос, у ҳам бўлса: ҳеч кимни алдамаганим, муҳаббат ва дўстликка хиёнат қилмаганим...

– Сизни кадрлай билишмади, – таскин берди Лизавета Александровна, – аммо ишонинг, сизни кадрлайдиган одам ҳам топилиб қолади, бунга мен кафилман. Ҳали ёшсиз, парво қилмай, иш билан машғул бўлинг, истеъдодлисиз, ёзинг... Ҳозир бирор нарса ёзипсизми?

– Йўқ.

– Ёзинг

– Қўлим бормайди.

– Пётр Иваничнинг гапларига кулоқ солманг, у билан сиёсат, агрономия, истаган нарса ҳақида фикрлашинг, фақат шеърят хусусида эмас. У бу тўғрида сизга ҳеч қачон ростини гапирмайди. Сизга кўпчилик баҳо беради, мана, кўрасиз... Хўш, ёзасизми?

– Майли.

– Қачон бошлайсиз?

– Имкониятим бўлган заҳоти. Энди ёлғиз умидим шундангина холос.

Ухлаб олган Пётр Иванич улар ҳузурига кийинган, қўлида шляпа тутган кўйи келди. У ҳам Александрга хизмат жойи ва журналнинг қишлоқ хўжалиги бўлимида бирор юмуш билан шуғулланишни маслаҳат берди.

– Ҳаракат қиламан, амакижон, – кўнди Александр, – лекин келинойимга ваъда...

Лизавета Александровна имо-ишоралар билан жим турунг, деганди, аммо Пётр Иванич буни пайқаб қолди.

– Хўш, нима ваъда қилдинг? – сўради.

– Янги нарсалар қилишга ваъда берди, – жавоб қайтарди Лизавета Александровна қайнисининг ўрнига.

– Йўқ, ёлгон; тўғриси айт, Александр?

– Повестми ёки бирор нарса ёзишга ваъда бердим...

– Ҳалиям нафис адабиётдан воз кечмадингми? – сўради Пётр Иванович қўйлагидаги чангни қоқа туриб. – Лиза, сен уни беҳуда чалғитяпсан!

– Қаламқашликдан воз кечишга ҳаққим йўқ, – эътироз билдирди Александр.

– Ким мажбур қияпти сени ёзишга?

– Шундай худо берган қобилиятимни ўз ихтиёрим, кўрнамаклик билан рад этишимнинг нима кераги бор? Ҳаётимда қолган ёлғиз шу умидимни ҳам йўққа чиқарайми? Парвардигор ато этган истеъдодимни бўғсам, ўзимни ҳам буткул хароб қилган бўламан...

– Марҳамат қилиб айт-чи, парвардигор сенга ато этган нима ўзи у?

– Буни сизга тушунтириб беролмайман, амакижон. Ўзингиз тушунишингиз керак. Ҳаётингизда бирор нарсадан ҳайратга тушганмисиз ҳеч?

– Йўқ! – жавоб қайтарди Пётр Иванович.

– Ана кўрдингизми. Умуман, эҳтирос пўртанасини туйганмисиз? Туғёнкор тасаввурингиз ифодаланиш иштиёқида нафис шарпалар ҳосил қилганми сира?

– Ажабо, во ажаб! Хўш, нима демоқчисан, бу билан? – сўради Пётр Иванович.

– Айтадиганим шуки, зикр этганимдай кайфиятда бўлмаган одамга нега ёзмокчилигимни тушунтиришим мушкул, ҳолбуки қандайдир беором куч кечаю кундуз, тушимда ҳам, ўнгимда ҳам нукул ёз, ёз, – деб кистайди...

– Ёзишни билмайсан-ку ахир?

– Бас, Пётр Иванович, ўзинг ёзолмаганингдан кейин, нима қиласан бировларга халақит бериб? – ранжиди Лизавета Александровна.

– Узр, амакижон, сиз бу борада ҳакам бўласиз деёлмайман.

– Ким ҳакам унда? У-ми? – деди Пётр Иванович хотинини кўрсатиб:

– У жўрттага айтяпти-ю, сен бўлсанг ишониб ўтирибсан, – қўшиб қўйди у.

– Ўзингиз бу ерга келган дастлабки кунларим ёзишни, уриниб кўришимни маслаҳат бергандингиз...

– Хўш, натижа нима бўлди? Уриниб кўрдинг, ҳеч нарса чиқмадим ёзишни ташлаш керак, вассалом.

– Наҳотки, ёзганларимда бирор яроқли фикр, муваффақиятли сатрлар топмаган бўлсангиз?

– Топмаган эмишман! Таҳсинга сазовор ўринлар бор. Сен дево-найи телба эмассан, нечук, эс-хуши жойида одамнинг даста-даста битигидан яроқли бир фикр топмай? Лекин бу истеъдод эмас, ақл холос.

– Вой-ей! – деб қўйди ҳасрат билан Лизавета Александровна ўтирган курсисида амаки-жиянлар томонга ўгирилиб.

– Юрак уриши, ҳаприкиш, ширин хаёл ва ҳоказолар кимларда бўлмайди?

– Сенда биринчи марта бўлиши шекилли! – гап қўшди Лизавета Александровна.

– Ҳа, баракалла! Эсингдами, гоҳо хайратга тушиб қолардим.

– Нимадан? Ёдимда йўқ.

– Ҳаммада бўлади ундай кайфият, – давом этди Пётр Иванич жиянига ўгирилиб, – сукунат ёки тун қоронғилигими, дарахтлар шовиллаши, боғ-роғ, ҳовузлар, денгиз кимга таъсир қилмайди дейсан? Агар буларни фақат рассомларгина ҳис этишса, ҳеч ким тушунмасди табиат ҳодисаларини. Мазкур сезгини асарда акс эттириш бу бошқа гап. Бунинг учун истеъдод зарур, истеъдод эса, менимча сенда йўқ. Қобилиятни яшира олмайсан, у ҳар бир сатр, ҳар бир мўйқалам чекишда ярқ этиб кўзга ташланади...

– Пётр Иванич! Кетадиган вақтинг бўлди, – деди Лизавета Александровна.

– Ҳозир.

– Ўзингни кўрсатмоқчимисан дейман? – давом этди Пётр Иванич, – ўзингни кўрсатадиган соҳалар бор-ку ахир. Муҳаррир сени мактаб, қишлоқ хўжалиги бўйича мақолалар ишлангани, уларда фикр борлигини айтди. Жиянингиз хунарманд эмас, олим деди. Бошим осмонга етди: «Ёпирай! Адуевлар бари каллали одамлар экан-да!» ўзимга етгунча фахр-ғурурим борлигини кўряпсанми! Сен хизматда ҳам ўзингни кўрсатиб, адибликда ҳам шуҳрат қозонишинг мумкин...

– Дуруст, зироат адиби бўлар эканман.

Ҳар кимнинг ўзига аталгани бор-да: биров осмони фалакда шарвоз этиб юради, бошқа одам тупроқ титкилаб, ер қаъридан ханина казийди. Оддий вазифадан нечук ҳазар қилинишини тушунмайман? Бу ҳам ўзига хос шеърятга эга-ку ахир. Мана сен хизматда мартабага эришиб, меҳнат билан пул жамғаришинг, кўп қатори омадинг келиб уйланишинг мумкин... Тушунмайман, тагин нима керак? Бурч бажарилди, ҳаёт шараф, меҳнат билан ўталди, шунинг ўзи бахт-ку! Менимча, худди шундай. Мана мен лавозим бўйича статс-маслаҳатчи, хунар жиҳатдан эса заводчиман. Бунинг ўрнига, шоирликни таклиф этиб кўр-чи, сираям қабул қилмайман-да!

– Менга қара, Пётр Иванич, кечикяпсан-ку ахир! – орага суқилди Лизавета Александровна, – соат ўн бўлиб қоляпти.

– Дарҳақиқат, кечикмай. Майли, омон бўлинглар. Худо кўрсатмасин, аллакимлар билан тенглаштириб юришмасин тагин, – ғўнғиллади ташқарига йўнала туриб Пётр Иванич, – ким билсин, мабодо...

II

Амакисиникидан қайтган Александр креслога ўтириб, хаёл дунёсига ғарқ бўлди. У Пётр Иванич ва келинойиси билан қилган суҳбатини бир бошдан эсларкан, ўзига-ўзи беаёв ҳисобот бера бошлади.

Ҳа, Александр инсонлардан нафратланиб, ҳазар қилди. Одамларни ярамас, пасткаш, ночорликда айблаб, ҳамма, ҳар бир таниши юзига қора суртишни лозим топди-ю, лекин, қарангки, нечундир ўзига баҳо беришни унутди! Нақадар калтабинлик! Амакиси унга мактаб ўқувчисидай бошлаб сабоқ берди, сабоқ бергандаям аёл ҳузурида сабоқ берди; аввал ўзингга боқ, кейин ногора қоқ қабили-да! Амакиси бу оқшом хотинининг кўзи олдида нечоғли устун келди! Аслида ҳам шундай, ажабланарли ери йўқ бунинг. Бироқ Пётр Иванич жиянини енгди. Амаки ҳар ерда, ҳамма жабҳада Александрдан ғолиблик қилди.

«Шундай экан, – деб ўйлади у, – ёшлик, навкиронлик устунлиги-ю, ақл ва туйғу борасидаги жўшқинлик қани, агар одам ўша, жилла тажрибагагина эга бўлиб, лекин қалбан бешафқат, ғайратсиз, ҳар қадамда шижоатни киши билмас йўл-йўлакай, ношудларча босиб-янчиб борса, ҳиссиёт нима бўлади! Қачон баҳс тенгма-тенг

бўлади ва қачон ниҳоят жафокашнинг фикри маъқулланади? Чама-си, Александр истеъдод ва зиёда руҳий қудрат жиҳатдан ғолибдай... Амаки эса бу борада асли жиянига нисбатан бамисоли қоя. Қанчалар ишонч билан баҳслашди у, ҳар қандай қарама-қаршиликни осонгина бартараф этиб, мақсадга эриша билади. Яъни, ҳазил-хузул, эснаш орқали ҳис-туйғу, дўстлик ва муҳаббат жунбишлари, кўйингчи, кексалар ёшларга ҳасад қилмиш бари кўнгилчанликлар устидан кулади».

Александр шуларни ақл тарозусида ўлчар экан, азбаройи уялганидан қизариб кетди. У ўзини қатъий идора этишга аҳд қилар экан, имкон туғилган заҳоти амакисининг шармандасини чиқаришга шайланди: Александр Пётр Иваничга ҳар қандай тажриба-ю, ҳам ўша худо *ато этган нарса ўрнини* босолмаслигини исботлайди; Пётр Иванич нимани тарғиб этмасин, лекин шу дақиқадан эътиборан унинг совуқ, изчил каромати амалга ошмаяжак. Александр ўз йўлини ўзи топади ва ўша йўлдан омонат эмас, шахдам, оғишмай одимлайди. У уч йил олдинги анойи эмас ҳозир. Юрак сирларини ўрганди, эҳтирос жунбишларини бошдан кечирди, ҳаёт қозонида қайнади. Бунга осонликча эришмади албатта, аммо тоабад мустаҳкам сабоқ ўтади. Истикболи равшан туғён этди, қанот боғлади, ёш бола эмас энди у, кап-катта одам, қани, дадил олға! Амакиси буни кўриб, табиийки, устаси фаранг Александр қаршисида аянчли шогирд ролига кира бошлаши турган гап ҳали, у таажжубда ўзи танлаб, эҳтимол бахиллик мақсади билан жиянига ҳам сингдирмокчи бўлган оғуси – машъум мансабпарастликдан ташқари дунёда бошқача ҳаёт, ўзгача шавкат, бошқача бахт ҳам борлигини англаяжак. Шу билан кураш тамом-вассалом!

Александр тетиклашди. У тагин қалам тебратишга олдингидан жадалроқ берилди. Келинойиси унинг бу иштиёқини пинҳона: Пётр Иванич ухлаётган пайти ёки заводми, инглиз клубига кетганда кўллаб-қувватларди.

Лизавета Александровна қайнисидан ёзганларини суриштириб турарди. Бу йигитга чунонам ёқардики. У аёлга асарлари режаси хусусида хикоя қилар, гоҳо маслаҳат сўраётгандай битикларини маъқуллашни талаб этарди.

Лизавета Александровна Адуев билан тез-тез баҳслашар, аммо бундан ҳам тез муросасозлик қиларди.

Александр охирги умидга кўз тикиб қолгандай буткул асар ҳиссига берилди. «Бундан кейин ҳеч нарсга йўқ, – дерди йигит келинойисига, – уёғи сувсиз, кўкатсиз тақир чўл, зулмат, дашт: ўшанда ҳаёт нима бўлади? Ўлим билан баробар-ку!» Шундан кейин ҳормай-толмай ёзишда давом этди.

Гоҳо сўнган муҳаббат хотирида кўзғалиб, ҳаяжонлантирарди-да, Александр шартта қўлига қалам олиб, таъсирчан марсия ёзиб ташларди. Бошқа сафар алам ҳисси бош кўтариб, яқингинадаги одамларга нисбатан ғзаб ва нафратини қайта янгиларди-ю, қараб-сизки, Александр бир нечта куйди-пишди шеър битиб қўярди. Айни вақтда, ўйлаб юриб, қисса ёза бошлади. Бу асарга аллақанча фикр, туйғу, жисмоний меҳнат сарфлади, ярим йилга яқин вақти кетди. Ниҳоят қисса тайёр бўлиб, кўриб чиқилди, оққа кўчирилди. Лизавета Александровнанинг боши осмонга етди.

Мазкур қиссадаги воқеа энди Америкада эмас, қаердадир Тамбов қишлоғида бўлиб ўтарди. Қатнашувчилар одатдаги тухматчи, рижкор ва фрак кийган ҳар турли каззоблар, корсет ҳамда шляпали бевафо аёллар. Асар ажабтовур, рисоладагидай чиқди.

– Менимча, амакимга буни кўрсатса бўлар-а?

– Ҳа, ҳа, албатта, – жавоб қайтарди Лизавета Александровна, – ҳа-я... Қиссангизни амакингизнинг аралашувисиз босмага берса бўлмасмикин? У доимо эътироз билдиради: бирор гап айтади... Биласиз-ку, бу унга гўдакликдай туюлади.

– Йўқ, та tante яхшиси, кўрсатиш керак! – деди Александр. – Мен сизнинг ҳукму шахсий фикрингиздан кейин ҳеч кимдан кўрқмайман, бундан ташқари, майли, кўрсин у...

Кўрсатишди ҳам. Пётр Иванович дафтарга назар ташлагач, сал қошини чимириб, бошини чайқаб қўйди.

– Нима гап, буни икковлашиб ёздингларми? – сўради Пётр Иванович. – Негадир кўпроққа ўхшаяпти. Майда ёзилибди-ку, ишқибозлар ҳам бор-да бунга!

– Бошингни чайқамай тур, – деди Лизавета Александровна, – олдин яхшилаб қулоқ сол. – Ўқиб беринг бизга, Александр. – Фақат яхшилаб қулоқ сол, мизғима, кейин фикрингни айт. Истаган пайт камчиликни топиш мумкин. Феълингни кенгроқ қил.

– Йўқ, нега энди? Адолатли бўлсангиз бас, – гап қўшди Александр.

– Илож қанча, эшитяпман, – деди Пётр Иванович хўрсиниб, – фақат шарти бор: биринчидан, тушликдан кейиноқ ўқилмасин чунки ухлаб қолмайман, деб ваъда қилолмайман. Буни қўнглингга олма, Александр, тушликдан сўнг нима ўқилмасин, мени доим уйқу тортади. Иккинчидан, агар бирор зарурат бўй берса, унда ўз фикримни билдираман, билдирмасам, индамай қўя қоламан, уёғига билганларингга қилаверасизлар.

Ўқишга киришишди. Пётр Иванович бирор марта мизғимай Александрга тикилган қўйи қулоқ солди, ҳатто камдан-кам киприк қоқиб, икки марта маъқуллагандай бош силкиб қўйди ҳам.

– Қўриб қўй! – деди Лизавета Александровна аста. – Айтувдим-ку сенга.

Пётр Иванович хотинига ҳам бош ирғиб қўйди.

Асар икки окшом кетма-кет ўқилди. Биринчи окшомги ўқувдан сўнг Пётр Иванович хотинини ҳайратда қолдириб, кейинги воқеа қандай бўй беришини бошдан-оёқ сўзлаб берди.

– Қаердан биласан буни? – сўради Лизавета Александровна.

– Во ажаб! Янги гап эмас-ку ахир, минг марта ёзишган бу тўғрида. Уёғини ўқиш шарт ҳам эмас, майли, қўрайлик-чи, у нима қаромат қўрсатганикин?

Бошқа окшом, Александр охирги саҳифани ўқиб тугатгандан сўнг, Пётр Иванович қўнғироқ чалиб, хизматкорни чақирди.

– Кийимимни ҳозирла, – деди у. – Узр, Александр, ўқилингга тўхтатишга тўғри келади, шошиб турибман, клубдаги карта ўйинига кечикиб қоламан.

Александр ўқилишни тўхтатди. Пётр Иванович ташқарига илдам йўналди.

– Бўпти, яхши қолинглар! – деди у хотини билан Александрга. – Вақтим бўлганда келарман.

– Тўхта! Сабр қил! – қичқирди Лизавета Александровна, – қисса ҳақида ҳеч нарсаси демадинг-ку?

– Келишув шундай! – жавоб қайтарди Пётр Иванович ҳамон ташқарига йўналишдан тўхтамай.

– Бу қайсарлик! – деди Лизавета Александровна. – О, ўлгудай қайсар-да, биламан уни! Аҳамият берманг бунга, Александр!

«Бу яхшилиқдан эмас! – ўйлади ўзича Александр. – Амаким мени балчиққа қориб, ўз қолипига тортмоқчи. Ҳар қалай у ақлли хизматчи, заводчи, бошқа ҳеч ким эмас, мен бўлсам, шоирман...»

– Қийин жойи йўқ-ку, Пётр Иванич! – гап бошлади Лизавета Александровна йиғлаб юборгудай бўлиб, – бирор нарса де. Кўрдим, маъкуллагандай бош силкидинг, демак, маъкул бўлган сенга. Қайсарлигинг учунгина тан олмаяпсан холос. Қиссанинг яхшилигини эътироф этишни ўзи бўлмаса керак-да! Биз бунинг учун хаддан зиёд доноимиз. Айт яхшилигини.

– Бош ирғаганимнинг боиси шуки, қиссадан Александрнинг ақллилиги кўриниб турибди, аммо у буни ёзиб ақлсизлик қилган.

– Тушунолмадим бу гапингизга, амакижон...

– Эшит: менга ишонмаганингдан кейин, бахслашишнинг ҳам ҳожати йўқ. Яхшиси, холис одам ёллай қоламиз. Орамиз узил-кесил бўлсин учун мен ҳатто шундай ҳам қилмоқчиман, ўзимни мазкур қиссанинг муаллифи деб атаб, уни журнал ходими бўлган бир танишимга жўнатаман. Кўрамиз у нима деркин. Танишимни сен биласан, унинг фикрига қўшилсанг ҳам керак. Ўша танишим анчайин тажрибали.

– Майли, кўрайлик.

Пётр Иванич стол ёнига ўтириб, кўп ўтмай, бир неча сатр ёзгач, номани Александрга узатди.

«Мен ёшим ўтганда асар битишга жазм этдим, – дея ёзганди Пётр Иванич, – илож қанча; шуҳрат қозонсам дегандим. Бу тентаклик албатта. Ушбуда ўшал яратмиш қиссамни жўнатаётирман. Кўриб чиқинг, маъкул бўлса, журналингизда чоп этгайсиз, пулга албатта: ўзингиз биласизки, мен беҳуда меҳнат қилишни ёқтирмайман. Ҳайрон бўлиб, ишонмасангиз ҳам керак, бироқ ҳатто исм-шарифимни чекишга ҳам журъат этаман, демакки, ёлғон гапирмаяпман».

Қисса тўғрисида ажабтовур фикр эшитишга ишонган Александр хотиржам жавоб кута бошлади. У ҳатто амакиси мактубда пул тўғрисида эслатганидан ҳам хурсанд эди.

«Жуда, жудаям кўнгилдагидай, – ўйларди у. – Ойижоним дон арзонлигидан шикоят қилганди, бинобарин, яқин-ўртада пул жўнатмайди. Бу ёқда бир ярим минг сўм олиш эса айни муддао».

Бироқ орадан уч ҳафтача вақт ўтса ҳам ҳамон жавобдан дарак йўқ эди. Ниҳоят бир куни эрталаб Пётр Иваничга катта пакет билан мактуб келтириб беришди.

– Оббо! Қайтариб юборишибди-ку! – деди у хотинига маъноли қараб.

Пётр Иванович хатни очмади, хотини қанча илтимос қилмасин, кўрсатмади ҳам. Ўша кунидек кечкурун, клубга жўнашдан олдин унинг шахсан ўзи жияни ҳузурига йўл олди.

Эшик очиқ эди. Пётр Иванович ичкарига кирди. Евсей пешайвон полида узала тушганча хуррак отарди. Ёниб бўлаёзган шам шам-донда осилиб қолганди. Амаки иккинчи хонанинг қоп-қоронғилигини кўрди.

«Оббо қишлоқилар-ей!»— тўнғиллади Пётр Иванович.

У Евсейни турткилаб, эшик ва шамни кўрсатаркан, ҳасса билан пўписа қилиб қўйди. Учинчи хонадаги стол ёнида Александр ўтирарди. У ҳам столдаги қўли устига бош қўйганча ухларди. Қаршисида қоғоз ётипти. Пётр Иванович қараб, кўзи шеърга тушди.

У қоғозни олиб, қуйидаги сатрларни ўқиди:

Бахорнинг ажойиб дамлари ўтди,

Ўтди муҳаббатнинг у соҳир они.

Қўксимда у мангу уйкуга кетди,

Қонимга солмагай ўтли туғёнин!

Унинг сағир қолган меҳробиди мен

Кўп бўлди, тикладим ўзга бир санам,

Шунга сиғинаман... ҳолбуки...¹

— Ва ўзинг ухлаб қолдинг! Ибодат қил, азизим, эринма! — деди овоз чиқариб Пётр Иванович. — Ўз шеъринг ўзингга панд бeryпти! Бошқа ҳукмга на ҳожат. Ўзинг ўзингга фотиҳа ўқиб қўйибсан.

— А! — деди Александр керишиб, — ҳалиям асарларимга қаршисиз-а? Очиғини айтинг, амакижон, эътироф этишдан ўзга илож йўқ истейдодни бунчалар зўр бериб таъкиб қилишга сизни нима мажбур этади ўзи?..

— Бахиллик-да, Александр. Ўзинг ўйла: сен шуҳрат, обрў-эътибор, эҳтимолки, боқийлик қозонасан, мен бўлсам, авом сифатида фойдали меҳнат қилувчи кимса бўлиб қолавераман. Ҳолбуки мен ҳам Адуевман-ку! Алам қиларкан кишига! Кимман мен ўзи? Шовшув, ном қозонмай умр кечирдим, ўз вазифамнигина адо этиб, яна тагин бу билан фахрланаман, бахтиёрман. Аянчли қисмат эмасми

¹ Р. Абдурашид таржимаси.

бу? Ўлганимда, яъни ҳеч нарсани ҳис этмай, англамай қўярканман *доно баян торлари*¹ мен тўғримда сўзлашни бас қилади, *олис асрлар, келажак, жаҳонга* номим таралмайди, дунёда статс-маслаҳатчи Пётр Иванич яшаганини билишмайди ва менга тобутим билан авлодларгача бир илож етиб боришим насиб этса, тобутда таскин тополмайман. Такқослаб кўр: сен шов-шувли қанотларингни кенг ёзиб, *булутлар аро* парвоз этасан, мен бўлсам ўша севимли муаллифнинг айтгандай, одамларнинг бир дунё меҳнатига *тер томчим*² ва болим қўшилганидан қаноатланишимга тўғри келади.

– Худо ҳақки, аралаштирманг, тек қўйинг уни. Севимли муаллим эмиш-а! Фақат яқин одамларини ҳақорат қилади.

– А! Ҳақорат қиларкан-да! Асаларида ўз қиёфангни кўрган пайтингдан бошлаб севмай қўймаганмикинсан Криловни? А propos! Келгуси шуҳратинг, боқийлигинг менинг чўнтагимда эканлигидан хабаринг борми? Аммо бунинг ўрнига, яхшиси, чўнтакда пулинг бўлишини истардим, шу тўғрирок.

– Қандай шуҳрат?

– Мактубимга келган жавоб-да.

– Э, ҳа! Худо ҳақки, бера қолинг менга тезрок. У нима деб ёзибди?

– Ўқиганим йўқ, ўзинг овоз чиқариб ўқи.

– Сабрингиз чидадими, а?

– Ие, менга нима?

– Ана холос! Туғишган жиянингизман-ку ахир. Нечун қизиқмадингиз? Нақадар лоқайдлик! Бу худбинлик, амакижон!

– Бўлса бордир, инкор этмайман. Сирасини айтсам, мактубда нима ёзилганини биламан. Ма, ўқи!

Александр баланд овозда ўқий бошлади, Пётр Иванич бўлса, хивич билан этигини урарди. Жавобда бундай дейилганди:

«Бу қандай алдам, азизим Пётр Иванич? Қиссалар ёзаётганмишсиз! Ким ишонади гапингизга! Мендай эски туллакни лақиллатмоқчи бўлганингизни қаранг! Борди-ю, худо кўрсатмасин, бу ҳақиқат бўлса, агар қаламингизни чин маъносидаги қимматли, ҳар бир сатри шубҳасиз бир неча червонга тенг сатрлардан вақтинча узган қўйи зарур ҳисоботлар чиқаришдан тўхташ орқали қаршимда

¹ Қаранг: А. С Пушкин. «Руслан ва Людмила», учинчи қўшиқ.

² Қаранг: И. А. Криловнинг «Бургут ва асалари» масали.

ётган қиссани яратган бўлсангиз, унда сизга заводингизнинг омонат маҳсулотлари ҳам мазкур битикдан анча мустаҳкамроқдир, дердим...»

Бирдан Александрнинг овози сустлашди.

«Аммо мен сиз тўғрингиздаги бундай ранжли шубҳани рад этаман», – давом эттирди у кейин ботинқирамай секингина.

– Эшитмаяпман, Александр, қаттикроқ! – деди Пётр Иванич.

Александр тагин секин ўқишда давом этди:

«Қисса муаллифлигига алоқадор бўлганингиз боисидан, чамаси, менинг фикримни билмоқчи бўлсангиз керак. Мана, айтай. Муаллиф ёш йигит бўлса керак. У ақлсиз эмас, аммо ҳаётдан жуда аламзада. Қанчалар қаҳр-ғазаб, аянчли кайфиятда қалам тебратган! Ҳойнаҳой, дунёдан унинг ҳафсаласи пир бўлган. Э, худойим! Қачон ўзларини ўнглашади бу одамлар? Афсуски, бизда ҳаётга сохта қарашлик, ҳавойи, самарасиз хомхаёлликка берилиш, ўзларига алоқаси йўқ беҳуда интилишлар натижаси ўларок кўплаб истеъдодлар нест-нобуд бўляпти».

Александр ўқишдан тўхтаб, нафас ростлади. Пётр Иванич сизгара ёндириб, паға-паға тутун таратди. Юзи одатдагидай мутлақо осойишта эди. Александр бўғик, базўр эшитарли овозда ўқишни давом эттирди:

«Бу иллатнинг сабаби – ўзига бино қўйиш, ҳаёлпарастлик, барвақт кўнгил майлига берилишу пировард-оқибатда беистисно ялқовликдан иборат ақлий турғунликдир. Илм-фан, меҳнат, амалий ишгина тараллабедод қилиб юрган, хаста ёшларимизни ҳушларига келтириши мумкин».

– Ҳаммасини уч сатрдагина баён этиш мумкин эди, – деди Пётр Иванич соатига қараб, – у бўлса дўстона мактуби орқали бутун бир диссертация ёзибди-ку! Хўш, олифтагарчилик эмасми бу? Уёғини ҳам ўқиш шартмикин, Александр? Бас, зик қилиб юборди. Сенга бир-икки оғиз айтадиган гапим бор...

– Йўқ, амакижон, рухсат этсангиз, коса тагида нимкоса колмасин, охиригача ўқий..

– Майли, ўқисанг ўқи.

«Юборган повестингизнинг, – ўқий бошлади Александр, – ҳар бир сатрида юкоридаги каби ачинарли рухий фаолият йўналиши сезилади. Ўша proteje'га айтингки, биринчидан, шахсий майл ва ғаразғўйлик таъсирида бўлмай, асосли ёзган кимсагина адиб бўла

олади. У умуман ҳаёт ва одамларга осойишта ҳамда ёркин нигоҳ билан қараши керак, аксинча, ҳеч кимга алоқаси йўқ, ўз менинигини ифодалайди холос. Шу қусур қиссада анчагина кучли. Иккинчи ва асосий шарт (буни унинг ёшлиги ҳамда нафсониятлар ичида энг жонсараги бўлмиш муаллифлик нафсониятига раҳм қилиш ҳурматидан унга айтмаганингиз маъқул) шуки, истеъдод зарур, қиссада эса истеъдоддан нишона ҳам йўқ. Тил, ҳарқалай, аксари тўғри ва мусаффо. Муаллиф ҳатто бўғин...» – базўр ўқиб тугатди Александр.

– Хайрият-ей, бор экансан-ку! – деди Пётр Иванович, – йўқса, худо билсин, нималарнидир алжиётувди! Қолган жиҳатларини унингсиз ҳам икковлон мулоҳазалашиб олаверамиз.

Александрнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб кетди. У баногоҳ зарба еган одамдек индамайгина хира кўзларини тўғри деворга қадаганча анграйиб қолганди. Пётр Иванович жиянининг қўлидаги мактубни олди-да, Р. 5. да қуйидагиларни ўқиди: «Агар мазкур қиссани албатта журналимизда чиқаришни ихтиёр этсангиз, майли, сиз учун уни журнал кам ўқилмиш ёз ойларида эълон қиларман, бироқ қалам ҳақи тўғрисида гапнинг бўлиши ҳам мумкин эмас»¹.

– Хўш, буёғига нима дейсан, Александр? – сўради Пётр Иванович.

– Кутилгандан кўра хотиржамрокман, – жавоб қайтарди зўрға Александр, – кип-қизил лақма эканман.

– Йўқ, ўзини ўзи алдаган, ҳойнаҳой ўзингни бошқаларни ҳам алдаш ниятидаги кимсадай сезаётган бўлсанг керак...

Александр бу эътирозни эшитмади ҳам.

– Наҳотки орзу бўлса шу ҳам?.. Буям хиёнат қилдимиз? – шивирлади у. – Дахшат-а, дахшат! Илож қанча, алданганимга қўниқишим керак шекилли! Тушунмаяпман, нима учун бунчалар ижод этишга лаёқатли қилиб яратилган эканман-а?..

– Ҳа, баракалла! Лаёқатли қилиб яратишга яратишгану, аммо ижодкор қилиб яратишни унутишган, – деди Пётр Иванович, – ахир айтгандим-ку сенга!

Александр хўрсинганча ўйга чўмди. Кейин шартта ғаладонларни очди-да, у ердан дафтару, варақ қоғозларни олиб, уларни каминга шоша-пиша улоқтира кетди.

¹ Васийлигингиздаги (франц.).

– Манавини унутма! – деди Пётр Иванич жияни томонга стол устидаги шеър битила бошланган саҳифаларни сура туриб.

– Буям ёнсин! – деди Александр алам билан шеър ёзилган қоғозларни каминга улоктираркан.

– Бошқа қолиб кетгани йўқми? Яхшилаб қараб кўр, – сўради Пётр Иванич атрофга назар солиб, – бир йўла ҳаммаси ёнгани маъкул. Анави, жавондаги боғлам нима?

– Ёнсин ярамас! – деди Александр боғламни олиб, – бу қишлоқ хўжалиги ҳақидаги мақолалар.

– Ёндирма, ёндирма уни! Бер менга! – хитоб қилди Пётр Иванич кўл чўзиб, – кейин керак бўлади.

Аммо Александр қулоқ солиш даражасида эмасди.

– Йўқ! – деди у ғазабнок, – ҳамон нафосат битиклари ёнаётган экан, қишлоқ хўжалигига доир мақолаларнинг сарик чақалик қиммати йўқ, улар ёнса қисматим ўзгариб қолмайди барибир!

Шу билан боғламлар каминга улоктирилди.

– Бекор қилдинг! – эътироз билдирди Пётр Иванич, аммо ўзи оловга ташлайдиган тагин бирор қоғоз қолиб кетмадимикин, деган маънода ёғоч билан стол остидаги саватни титкилай бошлади.

– Қиссани нима қиламиз, Александр? Хонамда эди.

– Панжарага ёпиштириш учун сизга керак бўлмасмикин?

– Йўқ, энди ҳожати йўқ. Опкелтирайми қиссани? Евсей! Тагин пинакка кетибди, эҳтиёт бўл, нақ бурнинг остидан шинелимни шилиб кетишмасин! Ҳозироқ меникига тушгин-да, қалин дафтарни сўра, бўлмамадаги думалок стол устида ётибди, кейин уни буёққа келтир.

Александр иягини кўлларига тираб, каминга тикилган кўйи ўтирарди. Дафтарни олиб келишди. Александр ярим йиллик меҳнати маҳсулига қараб ўйланиб қолди. Пётр Иванич буни сезиб қолди.

– Бас қил, Александр, – деди у, – ҳали гаплашадиган бошқа гапларимиз ҳам бор.

– Ёнсин бу ҳам! – кичқирди Александр дафтарни печга итқитиб.

Иккалалари: Пётр Иванич, чамаси, қониқиш билан, Александр бўлса маънос, деярли кўз ёши аралаш дафтарнинг ёнишини кузатиб туришди. Ана, биринчи саҳифа гўё уни кўринмас кўл ағдаргандай титраб бўртди-да, четлари майишиб қорайди, кейин буришиб, шартта аланга олди. Сўнгра иккинчи, учинчи, қолган саҳифалар

кўичиди-ю, баравар ўт олди, улар остидаги оқариб кўринаётган саҳифанинг ҳам икки-уч лаҳза ўтмаёк, четлари қорая бошлади.

Александр саҳифадаги III боб, деган жумлаларни кўришга улгуриб қолди. У мазкур бобда нималар тасвирланганини эсларкан, юраги орқасига тортди. Йигит креслодан турди-да, оташкурак олиб, ижодининг қолдиқларини кутқаришга киришди. «Эҳтимол ҳали...» – дея шивирлади унга сўнгги умид.

– Тўхта, кел, яхшиси, мен ёғочда сура қолай, – деди Пётр Иванович, – тагин қўлинг куймасин.

У дафтарни камин ичкарироғи, нақ чўғлар устига сурди. Александр талвасада не киларини билмай, тўхтаб қолди. Дафтар қалин бўлгани учун ҳадеганда гурра ёна қолмасди. Олдинига дафтар ости бурксиб тутади. Милт-милт аланга юқорига интилар, ён томонларни ялаб, қора доғ ҳосил қиларди-да, яна ғойиб бўларди. Ҳали ҳам дафтарни кутқариш имкони бор эди. Александр жон ҳолатда қўл чўзган ҳам эдики, шу пайт ловиллаб ёнган олов шуъласидан кресло, Пётр Ивановичнинг юзи, столгача ёришиб кетди. Дафтар гуриллаб ўт олиб, дам ўтмаёк сўнди-ю, каминда бир тўп қора куйинди қолди, холос. Куйиндининг у ер-бу ерида аланга тили милт-милт этарди. Александр қўлидаги оташкуракни ерга ташлади.

– Ҳаммаси тамом! – деди у.

– Тамом! – такрорлади Пётр Иванович.

– Хайрият, қутулганимга шукур-ей! – ғудранди Александр.

– Уйингни иккинчи марта тозалашга ёрдамлашяпман, – деди Пётр Иванович, – ўйлайманки, бу сафар...

– Узил-кесил энди, амакижон.

– Омин! – фотиҳа берди Пётр Иванович Александрнинг кифтига қўл ташлаб. – Билиб қўй, Александр, маслахатим шуки, кечиктирмай, ҳозирок Иван Ивановичга хат ёзгин-да, сенга қишлоқ хўжалик бўлимида ўрин ажратилишини илтимос қил. Шунча нодонликлардан сўнг, мана энди, кизик устида анча фойдали мақола ёзишинг мумкин. Иван Иванович бўлса, нукул менга: «Нима ўзи жиянингиз...» – деяпти.

Александр ғамгин бош чайқади.

– Борим шу, ҳа, бошқа иложим йўқ, ҳаммаси тамом.

– Хўш, буёғига нима қилмоқчисан унда?

– Нима қилмоқчиманми? – сўради у, кейин ўйланиб қолди, – ҳозирча ҳеч нарсa қилмоқчи эмасман.

– Кишлоқ томонларда ҳеч нарса қилолмасликлари мумкин, лекин бу ерда... Хўш, нега келгансан шаҳарга? Тушунмайдиган жойи худди мана шунда!.. Майли, ҳозирча буни қўя турайлик, сендан бир илтимосим бор.

Александр аста бошини кўтариб, амакисига саволомуз қаради.

– Ўзинг билсанг керак-а шеригим Сурковни? – гап бошлади Пётр Иванович Александр томонга креслосини суриб.

Александр бош ирғаб қўйди.

– Гоҳо у билан бирга ҳузуримда тушлик қилардинг, лекин дурустроқ пайқаганмикансан Сурковни? У сахий одаму аммо ғирт нодон. Унинг энг заиф томони аёллар. Бахтга қарши, ўзинг кўрганингдай, унинг кўриниши хунук эмас, яъни юзлари кип-қизил, хушрўйгина, баланд бўйли, тагин сочи жингалак, ҳамиша атир сепикли, қойилмақом кийинган. Мана энди, бари аёллар қаршимда эс-хушларини йўқотиб қўйишади, деб хаёл қилади – қисқаси, олифта. Э, ўлиб кетмайдими, аҳамият ҳам бермасдим унга, лекин ёмон томони шуки, сал хирсиётга шароит туғилса борми, тамом, ҳушини йўқотиб қўяди. Антиқа ишлар кўрсатиб, совға-саломлар улаша бошлайди, тантилиги тутиб, извошчи, отларни алмаштиришга киришади... Турган-битгани исрофгарчилик! Менинг хотинимга ҳам айланиша бошлаган. Гоҳо театр билетига одам юборолмай қолгудай бўлсам, Сурков албатта билет келтиради. Гоҳ отларнинг алмаштирилишини, гоҳ қандайдир антиқа машғулотлар топиш, гоҳ оломонни нари-бери суришу чорбоғни кўриб келиш-гача ҳамма-ҳаммасини дўндиради! Шундайм хожатбарорки, қани пулга топиб бўлса бундай одамни. Афсус! Жўртгага унга халақит бермадим, хотинимнинг ҳам жонига тегиб кетди: шундан сўнг хайдаб юбордим. Қарабсанки, хунар кўрсатиб, процентлар етмаётгани баҳонасида мендан пул сўрай бошлади, рад этсам, капиталга тил теккизишга ўтди. «Нима менга заводингиз? Ҳеч қачон қўлда пул турмайди!» Бирор маблағ олса бўларди... лекин қаёқда. Ҳамон бирор илинж излайди. «Менга мардонавор ошиқлик зарур дейди: муҳаббатсиз яшай олмасмиш!» Эшаклик эмасми бу? Қирқ ёшга бориб қолибди-ю, муҳаббатсиз яшай олмас эмиш!

Александр ўз кечмишини эслаб, нохуш жилмайиб қўйди.

– Ҳамма гапи ёлғон унинг, – давом этди Пётр Иванович. – Мақсадини кейин тушундим. Фикри-зикри мактанишдан иборат. Уни фалончи билан алоқаси бор, писмадончи билан ложада ўти-

ришларини кўришибди ёки анави аёл билан чорбоғдаги равонда ярим кечаси ёнма-ён турган, ўша аёл ҳамроҳлигида каердандир бўш извош ёхуд от миниб сайр этгани тўғрисида гапиришларини хоҳлайди. Ваҳоланки, ўша *мардонавор ошиқлик* дея аталмиш – жин урсин уни! – номардларча ошиқликдан қимматга тушяпти. Мана шунинг пайидан бўляпти у тентак!

– Буларнинг бари нимага олиб боради, амакижон? – сўради Александр, – бу ўринда бирор нарса қила олишни сезмаяпман.

– Сезасан ҳали. Яқингинада бу ерга хориждан ёш, бева аёл Юлия Павловна Тафаева қайтиб келди. Ажабтовур аёл у. Эри билан Сурков икковимиз ошна эдик. Тафаев хорижда вафот этиб кетди. Хўш, фаҳмляпсанми?

– Фаҳмляпман: Сурков ўша бевага ошиқ бўлиб қолган.

– Бутунлай эсини йўқотган! Яна-чи?

– Янами... Қайдам...

– Баракалла-ей! Эшит унда: Сурков менга, икки марта пул керак бўлиб қолишлигини айтди. Бу нималигини дарҳол пайқадим, аммо шамол қайси томондан эсишини билмасдим. Пул нега керак экан, деган савол менга тинчлик бермасди. Сурков чайнала-чайнала, охири, ўзига Литейная кўчасидан алоҳида тураржой олмоқчилигини айтди. Мен ўйлаб-ўйлаб, Литейная кўчасида Тафаева яшовчи уй Сурков танлаган ернинг нак рўпарасидалигини эсладим. Сурков ширинкома ҳам бериб кўйганди. Фалокат рўй бериши турган гап, мабодо... кўмаклашаёлмасанг. Энди фаҳмладингми?

Александр бошини сал кўтариб, девор, шифтни кўздан кечирди, сўнгра икки мартача киприк қоқиб, амакисига қаради-ю, лекин чурқ этмади.

Пётр Иванич жиянига кулимсираб қараб турарди. У одамларнинг аклий кусури, фаросатсизлигини сезиб, шу борада танбех беришни ёқтирарди.

– Нима бўлди сенга, Александр? Яна қисса ёзар эмишсан-а! – деди у.

– Ох, фаҳмладим, амакижон!

– Худога шукур-ей унда!

– Сурков пул сўраган, сизда эса пул йўқ, хоҳлайсизми, мен... – Александр буёғини айтолмади.

Петр Иванич кулиб юборди. Александр гапини охирига еткизолмай, амакисига ҳанг-манг қараб қолди.

– Йўқ, нотўғри! – деди Пётр Иванович, – менинг ҳеч пулим бўлмаган вақт бўлганми? Хоҳлаган пайтингда мурожаат этиб боқчи, ўшанда кўрасан! Гап бундай: Тафаева у оркали эри билан танишлигимни эслатган. Бордим уйига. Тафаева келиб тулинг деб илтимос қилди; мен сени олиб боришга ваъда бердим. Хўш, энди тушунгандирсан?

– Мени олиб боришга ваъда бердингизми? – такрорлади Александр амакисининг кўзига кириб кетгудек бўлиб. – Ҳа, албатта... Энди тушундим, – апил-тапил қўшиб қўйди у сўнгги жумлада дудукланиб.

– Нимани тушундинг? – сўради Пётр Иванович.

– Ўлай агар, амакижон, ҳеч нарсани тушунмаяпман! Кечирасиз... Эҳтимол ўша аёлнинг ажойиб уйи бўлиши мумкин... чалғишимни хоҳлаяпсиз... чунки, ниҳоятда диққатман...

– Жудаям соз-да! Шунинг учун ҳам сени уйма-уй олиб юраманда! Шундан кейин пашшангни кўришим қолади холос! Йўқ, бу ҳали ҳаммаси эмас. Маслаҳатим шуки, Тафаеванинг кўнглини овла.

Александр туйкусдан қошларини кериб, амакисига қаради.

– Ҳазиллашяпсизми, амакижон? Бу ахир бемаънилик-ку!

– Бемаъниликлар аниқ бор жойда сен ўша бемаъниликларни қойиллатиб бажарасан, оддий ва табиий нарса эса бемаънилик бўлиб туюлади назарингда. Хўш, нимаси бемаъни мен айтган гапнинг? Дурустроқ ўйлаб кўр, муҳаббатнинг ўзи бемаънилик-ку, асаббузарлик, обрўталаблик... Нимасиниям тушунтирай: ҳамон кимни севишликни белгилаш, кўнгил майлига ишонасан!

– Кечирасиз, энди ҳеч нарсага ишонмайман. Аммо наҳотки кўр-кўрона хуштор қилмоқ, севмоқ мумкин бўлса?

– Мумкин, лекин сен учун эмас. Хавотирланма, сенга мушкул топшириқ бермайман. Фақат мана шуни бажарасан! Тафаевага жазманлик қил, эътиборли бўл, Сурковнинг у билан холи қолишига йўл қўйма... Хуллас, Сурковнинг жиғига тег. Халақит беравер. У бир сўз айтса, сен иккитасини қалаштир, бирор фикр билдирса, сен рад эт. Тўхтовсиз мувозанатдан чиқар, ҳар қадамда мағлуб қилавер.

– Нега энди?

– Ҳалиям тушунмайсан-а! Шунинг учунки, азизим, у олдинга рашк ва аламдан эсини йўқотиб қўяди, кейин совийди. Бирпасда, кетма-кетига рўй беради. У ўларча иззатталаб. Ўшанда тураржойга ҳожат қолмайди, капиталга шикаст етмай, завод ишлари ўз йўриғи

билан кетаверади... Хўш, тушундингми? У билан шу тақлид бешинчи марта ҳазиллашим. Аввалгидай бўйдоқ ва ёш бўлсам, бошқа ҳеч кимни йўлатмай, ўша хоним ҳузурига шахсан ўзим кириб бордим.

– Таниш эмасман-ку ахир у хоним билан, – деди Александр.

– Шунинг учун ҳам чоршанбада олиб бормоқчиман-да, сени. Чоршанба кунлари хонимнинг узоқ-яқин эски танишлари йиғилишади.

– Агар хоним Сурковни яхши кўришлигини айтса, ишонаверинг, бари уринишу иззат-икромларим Сурковнигина эмас, бошқаларнинг ҳам ғазабини келтириши мумкин.

– Э, қўйсанг-чи! Эси жойида аёл жазманининг тентаклигини сезиб қолса, назарга илмай қўяди уни, айникса бошқалар ҳузурида; нафсонияти бор ҳарқалай. Чунки ёнида ўзга, ақллироқ, хушрўйроғи бўлади. Номуси кўзийди-да, шартта юз ўгиради ўша хуштордан. Сени танлаганимнинг боиси ҳам шунда.

Александр бош ирғаб қўйди.

– Сурков хавфли эмас, – давом этди Пётр Иванович, – биров камдан-кам одамни тақлиф этади, бинобарин, Сурков тор доирада мард ва доно кўриниши мумкин. Аёлларга ташқи кўриниш кўпроқ таъсир этади. Сурков ўзини ёқтириш усуллари кийиб юборади, шунинг учун ҳам бардош бериш келишади унга. Хоним Сурковга эрқаланиши мумкин, у бўлса ҳалигидай... Оқила аёллар ҳам ўзлари учун қилинган бемаъниликларни ёқтиришади, айникса кадрдон одамлари ўша бемаъниликни қилса. Факат улар бу ўринда аксари бемаънилик қилгани эмас, балки бошқа одамни ёқтиришади... Кўпчилик буни тушунишни хоҳламайди, шу жумладан, Сурков ҳам, бир бопла уни.

– Эҳтимол. Сурков чоршанбадан ташқари кунлар ҳам бўлар хонимникида, чоршанбада ҳалакит беришим мумкин, хўш, бошқа кунлари-чи?

– Ҳаммасини ўргатишим керак сенга! Хонимга хушомад қил, пича ўзингни хуштордай кўрсат, кейинги сафардан бошлаб у сени чоршанба эмас, пайшанба ёки жума кунига тақлиф этади. Меҳрибончилиқни мумкин қадар ошир, кейин мен уни унча-мунча йўлга соламан, сени чиндан ҳам анавиндайлигингни ишора қиламан... Тафаева менимча... кўп марта пайқашимча... таъсирчанроқ... асаби ҳам бўш бўлса керак... ўйлашимча... кўнгилчанликдан холи эмас...

– Қандай қилиб? – деди хаёлчан Александр. – Севиб қолишим керак-да у аёлни, шундайми? Йўқса, ундай қилолмайман... ҳеч нарса чикмайди ҳам.

– Аксинча, аини кўнгилдагидай бўлади. Агар севиб қолсанг, муғамбирлик қилолмайсан, хоним дарҳол буни сезиб, иккалангларни ҳам ногорасига ўйната бошлайди. Энди... сен менга Сурковнинг конини қайнатиб берсанг бас, уни беш қўлдай яхши биламан. Омади юришмаётганини билдими, тамом, беҳудага пул сарфламай қўяди, менга айнан мана шуни керак... Қулоқ сол, Александр, бу менга жудаям зарур, агар айтганимни бажарсанг, заводдаги сенга ёққан иккита ваза бор-ку, ўшалар сеники бўлади. Фақат тагсупачасини ўзинг сотиб олишингга тўғри келади.

– Афв этасиз, амакижон, наҳотки сизнингча мен...

– Хўш, текинга уриниб, бепул вақт сарфлашингнинг менга нима кераги бор? Жуда соз! Ёмон эмас, вазалар жудаям нафис ишланган. Бизнинг замонда текинга ҳеч нарса қилинмайди. Сен учун бирор юмуш бажарганимда совға қиламан дегин, йўқ демай оламан.

– Ғалати топшириқ-ку! – деди Александр бўшашиб.

– Мен учун бу топшириғимни бажарасан деб ўйлайман. Мен ҳам сен учун қўлимдан келганини қиламан. Пул зарур бўлганда, сўрайвер... Шундай қилиб, чоршанбага! Бу воқеа бир ой, кўпи билан икки ойча давом этади холос. Вақти бўлганда айтаману, бу фаолиятингни тўхтатасан.

– Майли, амакижон, мен тайёрман: фақат қизиқ-да... Эплайман деб ваъда беролмайман... ўзим сева олсам, бошқа гап эди... Ҳолбуки, ундай эмас...

– Севолмаслигинг жудаям яхши, йўқса, ҳамма ишни расво қилган бўлардинг. Ўзим ишонаман муваффақиятга. Яхши қол!

Амаки кетди, Александр бўлса камин ёнида, кадрдон кул ёнида яна хийла вақт ўтириб қолди.

Пётр Иванич уйга келганида хотини Александрнинг аҳволи, янги қиссасини суриштирди, ёзиш-ёзмаслигини сўради.

– Йўқ, ёзмайди, уни узил-кесил даволадим.

У хотинига қисса билан бирга олинган мактубнинг мазмуни, Александр неки ёзган бўлса, барини ёқиб юборганларини баён этди.

– Раҳм-шафқат йўқ сенда, Пётр Иванич! – деди Лизавета Александровна, – ёки киришган ишингни сира одамларга ўхшаб бажаролмайсан.

– Уни коғоз бўяшга мажбур этиб, хўпам яхши иш қилибсан-да! Наҳотки истейдоди бор деб ўйласанг?

– Йўқ.

Пётр Иванович хотинига таажжуб билан қаради.

– Унда, нега бўлмаса сен?..

– Ҳалиям тушунмаяпсанми, ақлинг етмаяптими?

Пётр Иванович чурқ этмасдан, беихтиёр Александр билан ўрталарида бўлиб ўтган кўнгилсиз тортишувни эслади.

– Бунинг нимасини тушуниш керак? Кундай равшан-ку! – деди эр хотинига кўзларини ола-кула қилиб.

– Хўш, нимани тушундинг?

– Шуни... шуники... сен унга сабоқ бермоқчи бўлгансан... Фақат бошқачароқ, мулойимлик билан, ўзингга хос...

– Тушунмайди-ку, тагин ақлли одам эмишлар! Нима учун у шу вақтгача хурсанд, тетик, қарийб бахтиёр бўлиб юрди? Сабаби, умидвор эди. Мен ўша умидини қўллаб-қувватладим. Энди тушунгандирсан?

– Алдаб келаётганмидинг ҳали?

– Ўйлашимча, бунинг зарари йўқ. Хўш, сен нима қилиб қўйдинг? Асло раҳм-шафқат қилмадинг, сўнгги умидидан ҳам маҳрум этдинг холос.

– Қўйсанг-чи! Сўнгги умиди эмиш. Хўп девоналиклар кўрса-тади ҳали келгусида.

– Хўш, у энди нима қилади? Яна дили хуфтон бўлиб юраверадими?

– Йўқ, ундай қилмайди, вақти етишмайди қовоқ-тумшуғини осилтириб юришга. Унга вазифа топширдим.

– Қандай вазифа? Яна картошкага ўхшаш нарса борасидами? Наҳотки, навқирон, айниқса, жўшқин ва шавқи баланд йигитни бу нарса чалғитолса? Сенга мия нима биландир банд бўлса бас.

– Йўқ, жоним, картошка борасида эмас, заводга тегишли бир вазифа топширдим.

III

Чоршанба куни ҳам келди. Юлия Павловнанинг меҳмонхонасига таниш-билишлардан ўн иккитами, ўн бештасими ташриф буюришди. Тўртта ёш хоним ҳамда беканинг мусофир синашталари – соқолли иккита муҳожир ва бир офицер алоҳида давра қуришди.

Улардан алоҳида бержеркада, яккам-дуккам мўйловли, кўкрак ёқаларига анчагина тасмачалар тақилган, чамаси, истеъфода бўлса керак, ҳарбий чол жойлашди. Чол қандайдир кекса одам билан сотиб олажак откупи¹ тўғрисида гурунглаша бошлади.

Бошқа хонада икки эркак билан бир кампир қарта ўйинини бошлаб юборишди. Фортепиано олдида ёшгина киз ўтирибди, яна бир киз худди шу ерда бир талаба билан суҳбатлашяпти.

Адуевлар кириб келишди. Мазкур хонадонга Пётр Иваничдан бўлак камдан-кам одам бу қадар бемалол, ҳайикмай қадам босарди. Амакиси билан кетма-кет хиёл тараддудда Александр остона хатлади.

Иккаларининг ўрталарида катта фарқ бор эди. Бири бўйи баланд новча, хушбичим, забардаст, хирсдай соғлом-бақувват, боқишлари ва муомаласи беписанд. Лекин бирор нигоҳи, гап-бошидан Пётр Иваничнинг фикрини ёки феъл-атворини аниқлаб бўлмас, у хисларини яхши идора эта оларди. Юз ифодаси ҳам, кўз қарашлари ҳам маълум мақсадга бўйсунарди. Унинг рангпар, шавқсиз чехрасига қараган одам Пётр Иваничнинг эхтироси умуман қатъий идрок назорати остидаги, юраги ҳам тепиш-тепмаслиги ақл ҳукмига боғлиқлигини тушунарди.

Александр бўлса тамоман аксинча эди. Гавдаси нимжон; юз ифодаси девонасифат, ўзи аллақандай ялқов ёки мажмағил, ҳаракатлари фаромуш, нурсиз нигоҳидан хозиргина унинг дилини нима ҳаяжонга солгани ёки миясида қандай фикр туғилганини билиш-мумкин эди. Йигит ўрта бўй, аммо озғин ва рангпар эди, – унинг рангсизлиги Пётр Иваничники сингари туғма эмас, доимий изтироб чекишларининг натижаси дейиш мумкин эди, сочи амакисиникидай боши ва чаккаларини зич чирмамаган, лекин соч толалари ёноқларию гарданига ипакдек чўзилиб тушган бўлиб, ниҳоятда майин, очиқ рангли шойидек товланарди. Амаки жиянини таништирди.

– Нима, ошнам Сурков йўқми? – сўради Пётр Иванич таажжубда атрофга аланглаб. – Сизни унутган-да.

– О, йўқ! Жудаям миннатдорман ундан, – жавоб қайтарди бека. – Йўқлаб туради мени. Биласизми, мен раҳматли эримнинг ёронларидан бўлак қарийб ҳеч кимни қабул қилмайман.

¹ Откуп – Россияда XIX асрда давлат томонидан ундирилмиш солиқ ва йиғимларни ҳукуматдан ўлпон сифатида сотиб олиб, сўнгра ўзи фойда олиш ҳукуқи (тарж.).

Хўш, кани бўлмасам ўша Сурков?

Хали-замон келиб қолади. Биласизми, у жияним икковимизга эртанги спектаклга албатта ложадан билет топишга сўз берувди, айтишларича, билет топиш амримахол эмиш... ўшанинг оврагарчилигида юрган бўлса керак.

– Топади ҳам-да, ишонаман унга, унинг бундай ишларга суяги йўк. Таниш-билишлару тавсияларнинг ҳам ёрдами тегмаганида у доимо менга билетни топиб берарди. Қаердан, неча пулга топиши – ўзигагина маълум.

Нихоят Сурков ҳам ташриф буюрди. У яқингинада ясан-тусан қилган, ҳатто кўйлагининг қатлари орасталилигача улфатчиликка даъвогарлигидан дарак берар, барча модапарастлар, моданинг ўзидан ҳам устун бўлмоқчилиги сезилиб турарди. Аслида Сурков, чунончи, мода кенг фрак талаб этса, куш қанотлари каби бошвоқсиз фракда юрар, қайтарма ёқа урфга кирса, худди шундай ёқа буюртма қилардики, у эгнидаги фракда орқа томондан гирибонига чангал солиниб, қутулиб кетишга интилаётган фирибгарни эслатарди. Фрак қай тарзда тикилишини Сурковнинг ўзи буюртма берарди. У Тафаеваникига ташриф буюрганида шарфи кўйлагига бесўнақай тўғнагич билан тўғнаб қўйилганди.

– Қалай, топдингизми билетни? – сўрашди чор-атрофдан. Сурков жавоб қайтаришга оғиз жуфтлаганди, лекин шу пайт Адуев билан унинг жиянини кўриб қолиб, баногоҳ жим бўлди-да, амаки-жиянларга таажжубли тикилди.

– Кўнгли ниманидир сезяпти! – деди аста Пётр Иванович жиянига. – Ана холос! Ҳасса таяниб келибди-ку; бу билан нима демоқчи?

– Бунинг нимаси? – сўради у Сурковдан ҳассани кўрсатиб.

– Кеча извошдан тушаётиб... тийғаниб кетувдим, пича оқсоқланяпман, – жавоб қайтарди Сурков йўтал аралаш...

– Бўлмаган гап! – шивирлади Пётр Иванович Александрга. – Тутқичга аҳамият бер: заррин шер бошини кўряпсанми? Уч кундан бери шу тутқич учун Барбьёга олти юз сўм тўладим, дея менга мақтанувди, мана, энди кўз-кўз қиялти ўшани. Қанча маблағи борлигини шундан ҳам билсанг бўлади. Бир амаллаб ўша мавқеидан маҳрум эт уни.

Пётр Иванович қаршидаги уй деразасига ишора қилди.

– Вазалар сеникилигини унутма, дадил бўл, – қўшиб қўйди у.

– Эртага спектаклга билетингиз борми? – сўради Сурков Тафавага тантанавор кийёфада яқинлашиб.

– Йўғ-а.

– *Ўзингизга топширувимга рухсат этгайсиз*, – давом этди Сурков «Ақл балоси»даги Загорецкийнинг жавобини бошдан-оёқ келтириб.

Жилмайган офицернинг мўйловлари хиёл силкинди. Пётр Иванович зимдан жиянига нигоҳ ташлаб қўйди, Юлия Павловна бўлса кизариб кетиб, Петр Ивановични ложага таклиф эта бошлади.

– Гоят миннатдорман, – жавоб қайтарди Пётр Иванович, – афсуски, эртага театрда хотиним ҳузурида навбатчи эдим. Рухсат берсангиз, ўрнимга ушбу йигитчани тавсия этмоқчиман...

У Александрга ишора қилиб қўйди.

– Бу кишини ҳам таклиф этмоқчи эдим. Уч нафар бўламиз холос: мен билан жияниму ..

– У менинг ўрнимни ҳам босади, – деди Петр Иванович, – зарурат туғилса, бу ёқни ҳам қўшишим мумкин.

Пётр Иванович шундай дея Сурковни кўрсатгач, хонимга астаниманидир гапира бошлади. Шу аснода Юлия Павловна икки бор зимдан Александрга нигоҳ ташларкан, жилмайиб қўйди.

– Ташаккур, – жавоб қайтарди Сурков, – лекин бу алмашувни олдинроқ, билет йўқлигида айтилса яхши бўлур эди, унда менинг ўрнимга ҳам ўзга одам келиши чорасини кўрган бўлардим.

– Эҳ, илтифотингиздан бошим осмонга етди, – гап қўшди бека ҳозиржавоблик билан Сурковга – бироқ креслонгиз бўлгани учун сизни ложага таклиф этмадим. Биламан, сиз сахна рўпарасида ўтиришни ёқтирасиз... айниқса балетда...

– Йўқ, йўқ, нотўғри, бундай деб ўйламагансиз. Ёнингизда ўтиришни асло ҳеч нарсага алмашмайман.

– Ложадаги ўринни ваъда қилиб қўйганман ахир...

– Қандай қилиб? Кимга?

– М. Ренег.

Шундан сўнг Юлия Павловна соқолли муҳожирлардан бирини кўрсатди.

– *Oui, madame ma' fait cet honneur...*¹ – деди дарҳол соқолли муҳожир.

¹ Ҳа, хоним менга шуни лозим топдилар. (Франц.)

Сурков анқайганча муҳожирга, кейин Тафаевага қаради.

– Меҳмон билан ўрин алмашамиз, унга креслони таклиф этаман, – деди Сурков.

– Таклиф этиб кўринг.

Соқолли мусофир бутун афт-ангори билан норозилигини билдирди.

– Катта раҳмат сизларга! – деди Сурков Пётр Ивановичга Александр томон кўз қирини ташлаб, – бу яхшилигингларни ҳеч қачон унутмайман.

– Миннатдорчиликнинг ҳожати йўқ. Менинг лоҷамга қалайсан? Биз хотиним иккаламизгинамиз. Анчадан бери хотинимни кўрмагансан, яйрармидинг балки.

Сурков хижолатомуз тескари ўғирилди. Пётр Иванович астагина ташқари чикди-да, жўнаб кетди. Юлия Павловна Александрни ёнига ўтказиб, у билан бир соатча суҳбатлашди. Сурков қайта-қайта гапга сукилиб кўрди, аммо ҳар сафар ноқулай аҳволга тушиб қолаверди. Балет тўғрисида нимадир деганди, йўқ ўрнига ҳа жавоби олди ва аксинча. Хуллас, унинг гапига ҳеч ким қулоқ солмай қўйди. Кейин туйқусдан мавзунини ўзгартириб, нонуштада бир юз саксон дона устрица еганига ишонтирмоқчи бўлса ҳам бирор кимсанинг эътиборини торта олмади. Сурков тагин пича у-бу гап қилди-ю, умуман, атрофида эътибор сезмагач, шляпасини чангаллади-да, Юлия атрофида гирдикапалак бўлиб, норози қиёфада кетмоқчилигини сездиришга киришди. Аммо Юлия Павловна бунга аҳамият ҳам бермади.

– Мен кетяпман! – деди Сурков ниҳоят таъкидли оҳангда. – Яхши қолинг!

Бу сўзлар орқали бениҳоя ҳасрат-надомат ифодаланганди.

– Дарров-а! – жавоб қайтарди Юлия хотиржам. – Эртага ложада бир кур дийдорингизни кўриш насиб этар лоақал?

– Нақадар макр! Ёнингизда бирор лаҳза бўлиш ҳам мен учун жаннатга баравар-ку ахир.

– Ҳазил бўлса ишонаман!

Шундан сўнг Сурков кетиш ниятидан қайтди. Юлианинг энг охириги майин сўзларидан у эриб кетганди. Бироқ Сурковнинг таъзим қилиб хайрлашганини ҳамма кўрганди: бинобарин, хоҳласа-хоҳламаса кетиш керак бўлиб, у бамисоли эгасининг ортидан

эргашса-да, аммо бошқалар қайта ичкари томон ҳайдашган ит каби товсаллана-товсаллана ташқарига йўналди.

Юлия Павловна йигирма уч, йигирма тўрт ёшларда эди. Пётр Иванич тўғри айтганди: Юлиянинг чинданам асаби бўш, аммо айна вақтда бу жиҳат унинг кўҳликкина, окила, ноз-истигноли аёл бўлишига халақит бермасди. Лекин шунингдек, Юлия асабий аёлларнинг кўпчилиги каби тортинчоқ, хаёлпараст, таъсирчан эди. Юзи нозик, мулойим, одамга ибo билан қарар, доимий ўйчан, пича маъюсликка мойил эди – бу бесабаб ёки ишонмоқчи бўлсангиз, асабдан келиб чиқарди.

Юлия Павловна ҳаётга кўпда хайрихоҳ қарамас, ҳаёти масаласи устида мулоҳаза этиб, ўзини бу ерда ортикча деб биларди. Аммо, худо кўрсатмасин, кимдир, ҳатто тасодифан хузурида қабр, ўлим хусусида оғиз очса, рангида ранг қолмасди. Юлия шу заҳоти ҳаётнинг ёркин томонларини унутгучийди. Боғдами, дарахтлар орасидами у сайр учун қоронғи, буталар зич хиёбонни танлаб оларди-да, ажиб манзарага лоқайд боқа бошларди. Театрнинг драма-комедияларини камдан-кам кўрар, водевиль томошасига ҳеч қачон бормасди. Тасодифан эшитилиб қолган хушчақчақ кўшиқлардан қулоғини беркитар, ҳазил-хузулга ҳеч қачон қулмасди.

Бошқа пайтлар Юлия Павловнанинг чехрасида чарчоқ сезилса-да, аммо бу ифода изтиробли, дардчил бўлмай, хузур-ҳаловат чарчоғидай туюларди. Гўё аёл руҳан қандайдир жозибали орзу дардида қийналаётганга ўхшарди. Шундайин курашдан сўнг Юлия анча вақт сукутга чўмиб, маъюсланар, кейин туйқус беихтиёр кайфияти кўтариларди-ю, барибир феълини ўзгартирмасди, у хурсанд бўлган нарсадан бошқа инсон боласи хурсанд бўлишини ҳаёлига ҳам келтирмасди. Бари асабдан! Аёлларнинг гапига қулоқ солсанг, нималар дейишмайди! *Тақдир, ёқтиришлар, бевош майл, мубҳам андуҳ, гулгулали истак* сўзлари бир-бирига зид бўлса-да, барибир барига хўрсиниқ орқали худди асаб ва шишадаги спирт сингари нукта қўйилади.

– Мени пайқаганингизни қаранг-а! – деди Тафаева Александрга хайрлаша туриб. – Эркаклардан ҳеч ким, ҳатто эрим ҳам табиатимни тўлиқ тушунишмасди.

Ҳолбуки, Александрнинг ўзи ҳам қарийб Юлиянинг феълига тушуниб етмаганди. Қаёқдан ҳам тушунарди!

– Яхши боринг.

Аёл йигитга қўл узатди.

– Ўйлашимча, энди амакингизсиз ҳам уйимни топиб келарсиз-а? – қўшиб қўйди аёл.

Қиш кирди. Александр одатда жума кунлари амакисиникида тушлик қилгучийди. Бироқ мана, тўрт жума ўтса ҳамки, у қорасини кўрсатмас, бошқа кунлари ҳам остона ҳатлай демасди. Лизавета Александровнанинг жаҳли чиқа бошлади: Пётр Иванич беҳуда ўзимни мўлжалдагидан ярим соат ортиқ вақт кутишга мажбур этибман, дея зорланиб қўйди.

Ваҳоланки Александр бекор юрмай, амакисининг топширигини бажараётганди. Сурков аллақачон Тафаеваникига қадам босмай қўйган, ҳамма жойда муносабатлари буткул тугагани, *аёл билан алоқаси узилганини* гапирадиган бўлиб қолганди. Бир куни оқшом–пайшанба куни эди, – Александр уйга қайтаркан, столи устида бир жуфт ваза билан амакиси қолдирган мактубни кўрди. Пётр Иванич жиянининг дўстона ғайрати учун ташаккур билдириб эртаси куни одатдаги тушликка боришини таклиф этганди. Александр мазкур таклиф режаларини бузиб юборгандай ўйга толди. Лекин эртасига тушликдан бир соат олдин Пётр Иваничникига кириб борди.

– Нима гап ўзи? Ҳеч қорангни кўрсатмай қўйдинг? Унутиб юбординг бизларни? – саволга тутишди Александрни амаки билан келинойи.

– Қойил! Бопладинг, – давом этди Пётр Иванич, – кутилгандан ҳам ошириб юбординг-е! «Бажара олмайман, қўлимдан келмайди!» деб камтарлик қилгандинг. Қўлингдан келмас эмиш-а! Анчадан бери учрашсам дегандим, аммо сени ҳеч тутиб бўлмайди. Баракалла, ғоятда миннатдорман! Вазаларни бус-бутун олдингми ишқилиб?

– Олдим. Лекин қайтариб бермоқчиман.

– Нега энди? Йўқ-йўқ: таг-туги билан сеники.

– Йўқ! – қатъий эътироз билдирди Александр, – ололмайман совғаларингизни.

– Майли, ихтиёринг! Хотинимга ёқади, у ола қолади.

– Бундай ишларга усталигингизни билмаган эканман, Александр... – деди Лизавета Александровна муғамбирона жилмайиб, – наҳотки бир оғиз менга...

– Амаким ўйлаб топганлар, – жавоб қайтарди Александр хижолат тортиб, – сираям даҳлим йўқ, амаким ўргатдилар.

– Ишон, ишонавер унинг гапига: ўзининг қўлидан келмас эмиш. Ваҳоланки, шунақаям уддаладик... Жуда, жудаям миннатдорман! Эси паст Сурков бўлса ақлдан озишига сал қолди. Росаям кулгимни қистатди. Икки ҳафта олдин ҳузуримга бир ҳолатда югуриб келди; ўшанда нима учун ўзимни ҳеч нарсадан беҳабардай тутиб, ёзувдан бош кўтармай ўтирганимни эндигина тушунапман. «Э! Сенмисан, дейман, хўш қандай яхши гаплар бор?» У жилмайди-да, ўзини хотиржам кўрсатмоқчи бўлди... ваҳоланки, кўзларида ёш ғилтилларди. «Ҳеч қандай яхши гап йўқ, – дейди, – ҳузурингизга нохуш хабар билан келдим». Унга ҳайрон бўлгандай қарадим. «Нима гап?» – деб сўрайман мен. «Анув-чи, дейди, жиянингиз хусусида-да!» – «Тинчликми, кўрkitмай, тезроқ гапирсанг-чи!» – сўрайман мен. Шундан сўнг сабри тугаб, бақир-чақирга ўтади. Ундан кресломни нари сураман, гапириб бўладими, жони чиқай деяпти-ку. «Унинг ишга ҳафсаласизлигидан шикоят қилардингиз, ҳолбуки данга-саликка ўзингиз ўргатаркансиз». – «Мен-а?» – «Ҳа, сиз, у билан таништириб қўйган ким?» Шунинг сенга айтиб қўяйки, Лизавета, қайнинг танишганининг иккинчи куниданок аёлнинг тўлик исми билан атамасликка ўтиб олибди. «Бунинг нимаси ёмон?» – дейман мен. «Ёмони шуки, жиянингиз ўша аёл ҳузурида эрталабдан-кечгача ўтиргани-ўтирган...» – дейди Сурков.

Александр баногоҳ кизариб кетди.

– Кунчиликдан ёлғон-яшиқ ишлатаётган бўлса керак, деб ўйладим, – давом этди Пётр Иванович жиянига қараб, – эрталабдан-кечгача ўтириб бўпти Александр! Унга бундай кил демагандим, тўғрими?

Пётр Иванович йигитга совуқ, осойишта боқди, Александрнинг назарида бу нигоҳ вужудини куйдириб ўтгандай бўлди.

– Ҳа... гоҳо... кириб тураман... – ғудранди у.

– Гоҳо – бу бошқа гап, – улаб кетди амаки, – ўзим ҳам шундай дегандим: ҳар куни кир демаганман-да. Сурков ёлғон гапираётганини билдим. Ҳар куни кириб нима бор? Дикқатбозлик холос-да!

– Йўқ! У жудаям окила аёл... ажойиб тарбия кўрган... мусикани яхши кўради... – деди Александр чайналиб, гарчи қичишмаса ҳам кўзларини ишқаларди, кейин чаккасининг чап томонни сийпалаб, чўнтагидан олган рўмолча билан лабини артди.

Лизавета Александровна унга зимдан кўз қирини ташлаб, дераза томонга ўгирилиб жилмайди.

– А! Бўлмаса жуда соз-да! – деди Пётр Иванович. – Зерикмаган бўлсанг, дуруст: мен сени ташвишга қўйдимми, деб хавотирда эдим. Хўш, мен Сурковга мана бундай жавоб қайтараман: «Жиянимга қайишганинг учун ташаккур, азизим, жуда, жудаям миннатдорман сендан... лекин пашшадан фил ясамадингми? Осмон узилиб ерга тушмабди-ку...» – «Ана холос! – қичқириб юборади у, – жиянингиз, дейди, иш қилмаяпти-ку. Йигит деган иш билан банд бўлиши керак-да... – Бу катта фалокат эмас, сенга нима оғирлиги бор?» – «Нима, оғирлиги борми дейсизми, менга у қарши хийла-найранг ишлатяпти...» – «Э, фалокат буёқда экан-да!» – Мен уни калака қила бошладим. «Юлиянинг кулоғига, дейди, ким билсин, мен тўғримда нималарнидир қуйяпти... Юлиянинг менга бутунлай муносабати ўзгариб қолди. Ҳали у мишиқининг бир адабини бериб қўяй!– маъзур тутасан, Сурковнинг сўзларини айнан такрорлаяпман – мен билан дейди, – олишишни ким қўйибди унга? Ўзига Юлиани бўҳтон билангина оғдириб олди. Насиҳат қиларсиз, деган умиддаман...» – «Койиб қўяман, – дейман мен, – албатта койиб қўяман, лекин шу ростми? Нима ёмонлик қилди у ўзи сенга?» Сен Юлиёга гул совға қилганмидинг?.. – Пётр Иванович жавоб кутаётгандай яна жим бўлиб қолди. Александр чурк этмади. Петр Иванович тагин улаб кетди: – «Нега йўқ гап бўлар экан? – дейди – нечун жиянингиз Юлиёга ҳар куни гулдаста олиб киради, ҳозир қиш бўлса... арзонга тушмаса керак?.. Мен, дейди, бу гулдаста қандай мазмунда олиб келинишини биламан, ўз одамнинг, минг қилмаса, ўз одамнинг-да, деб қўяман ичимда: жигарчиликда гап қўп экан; бегона одамга шунча қуйиб-пишармидим? «Жияним Юлиёниқига ҳар куни кириши аниқми? – сўрайман мен. – Унинг ўзидан суриштириб кўраман: ёлғон гапираётган бўлмагин». Дарҳақиқат, гапи ёлғон экан! Тўғрими? Наҳотки сен...

Александр ер ёрилса ерга киргудай бўлди. Пётр Иванович эса жиянининг кўзига бешафқатлик билан тикилганча жавоб кутарди.

– Гоҳо... тўғри, мен... оборган эдим... – деди Александр ердан кўзини олмай.

– Ана, яна тагин – гоҳо. Ҳар куни эмас: тўғриси ҳам бу чўнтакка зарар. Қани, айт қанчага тушяпти ўша гулдасталар: мени деб харажатманд бўлишингни хоҳламайман, шунча оворагарчиликларинг ҳам етади. Айт қанча сарфлаганингни. Сурков ёнимда росаям

хуноб бўлди. «Улар доим икковлашиб пиёда ёки экипажда хилват жойларда сайр қилишади». – дейди.

Александр бу гапдан хиёл қунишди: оёқларини стул остидан тортиб, шу захоти яна букди.

– Мен ишонқирамай бош чайқадим, – давом этди амаки. – «Ҳар куни сайр қилиб бўпти!» – дейман. – «Ишонмасангиз, одамлардан сўранг...» – «Яхшиси, унинг ўзидан сўрай қоламан», – жавоб қайтардим мен... Ахир бу нотўғри, шундайми?

– Тўғриси... Юлия Павловна билан... бир-икки марта... сайр қилувдим...

– Ҳар куни эмас-ку: сенга бундай топшириқ бермаганман. Сурков ёлғон гапирётганини билувдим. «Хўш, дейман унга, нима бўлибди шу билан? Тафаева бева бўлса, таниш эркаги йўқ: Александр эса босиқ-вазмин йигитлардан – сенга ўхшаб калондимов эмас. Шунинг учун Юлия уни сайрга олиб чиқади. Ёлғиз ўзи тентираб юролмайди-ку ахир». Сурков гапимга кулоқ солишни ҳам истамайди. «Йўқ, дейди, мени лақиллатолмайсиз! Мен биламан. У доимо Юлия билан театрда бирга: мен дейди, ложага билет топсамда, баъзан катта қийинчиликлар эвазига, жиянингиз ўша жойда у билан бирга ўтирса. Шундан кейин ўзимни тутолмай хахолаб юбордим. «Бу ҳам кам сен тўнкага!» – деб қўйдим ичимда. Баракалла, Александр! Зап жиянлик қилдинг-да! Лекин мен учун шунча овора бўлаётганингдан хижолатдаман.

Александр бамисоли кийноқда эди. Пешонасидан йирик тер томчилари томарди. У Пётр Иваничнинг сўзларини элас-элас илғаётгани учун амакисига ҳам, келинойисига ҳам қарашга журъат этолмасди.

Лизавета Александровнанинг қайнисига раҳми келиб кетди. У эрига жиянингни кийнаб қўяяпсан, деган маънода бошини таънали сарак-сарак қилди. Аммо Пётр Иванич буни парвосига ҳам келтирмади.

– Рашк васвасасидаги Сурков, – дея давом этди у, – гўё сен Тафаевага ошики беқарор бўлиб қолганлигинга ишонтиришга ҳаракат қила бошлади. «Кечирасан-ку, аммо бу гапинг қип-қизил ёлғон, дедим мен унга, – бошидан шунча савдо кечгандан кейин, жияним сираям ошиқ бўлмайди-да. У аёлларни яхши билади, улардан нафратланади...» Шундай эмасми?

Александр ер чизганча бош ирғаб кўйди. Лизавета Александровна йигитга жуда ачинарди.

– Пётр Иванович! – дея мурожаат этди у эрига бир илож қилиб гапни чалғитиш мақсадида.

– Ҳа? Нима дейсан?

– Яқинда бир одам Лукьяновлардан мактуб келтирувди.

– Биламан: яхши. Нимада тўхтагандим?

– Пётр Иванович, тагин гулларимга кул қоқяпсан-ку. Қара, бу нима қилганинг?

– Ҳечқиси йўқ, жоним: айтишларича, кул ўсимликка фойдали эмиш... Хўш, шуни айтмоқчийдимки...

– Тушлик қиладиган вақт бўлди шекилли, Пётр Иванович?

– Дуруст, буюр, нима келтиришсин? Эсимга тушлик қилишни солганинг яхши бўлди. Сурковнинг айтишича, сен, Александр, деярли ҳар куни Тафаеваникида тушлик қиларкансан, бизникига жума кунлари келмай кўйганинг сабаби ҳам шу эмас, гўё кун бўйи Юлия билан икковлашиб... жин урсин, тагин нимадир ёлғон-яшиқлар билан жонимни ҳалқумимга келтирди. Ниҳоят ҳайдаб юбордим уни. Чинданам ёлғон айтган экан. Бугун жума, мана, сен қаршимизда турибсан!

Александр бир оёғини иккинчисига чалмаштирди-да, бошини сўл кифтига солинтирди.

– Сендан беҳад, жудаям миннатдорман. Дўстона, жигарга хос хизмат кўрсатдинг! – хулоса ясади Пётр Иванович. – Сурков ҳеч нарса қилолмаслигига кўзи етиб, таслим бўлди. «Мени оҳ-воҳ қилади деб хомтама бўлса керак Юлия, янглишади!» «Қаватимни унинг деразаси қаршисидаги қаватга алмаштирмоқчийдим, не-не мақсадларни кўзлаб кўйгандим, Юлия эҳтимол эришажак бахтини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Агар мени жалб эта билса, унга уйланишдан ҳам тоймасдим. Энди ҳаммаси тамом. Сиз тўғри маслаҳат берган экансиз, Пётр Иванович. Пулимни ҳам, вақтимни ҳам тежаганим бўлсин!» Ҳозир савдойига ўхшаб қолган у, ўшшайиб юради, пул ҳам сўрамайди. Мен ҳам Сурковнинг ҳаммаси тамом, деган фикрига қўшиламан. Сен ўз вазифангни бажардинг, Александр, моҳирона бажардинг! Энди анчагача хотиржам юришим мумкин. Бошқа оворагарчилик қилма. Тафаеваникига иккиламчи қадам босмаслигинг ҳам мумкин. Тасаввур қиламан, жудаям диққатбозлик бўлса керак уникида!.. Маъзур тутасан мени, илтимос... Вақти билан сени хур-

санд қиларман. Пулга зорикқанингда сўрайвер. Лиза, тушлигимизга асл винодан келтиришсин. Муваффақиятимиз учун ичайлик.

Пётр Иванич хонадан чикди. Лизавета Александровна ер остидан қайнисига икки бор қараб қўйди ва йигитнинг чурк этмаётганини кўриб, у ҳам хизматкорларга бирор юмуш топширмак учун ташқарига йўналди.

Александр эси оғгандай тиззаларига қараганча ўтирарди. Ниҳоят, у бошини кўтариб, атрофига аланглади. Ҳеч зоғ кўринмасди. Шундан сўнг Александр енгил нафас олиб, соатига нигоҳ ташлади. Соат тўрт эди. Йигит апил-тапил шляпасини чангаллаб, амакиси кетган томонга қўл силтади-да, аста, оёқ учида тевааракка аланглаганча равонга чикди, у ердан шинелини қўлга олди-да, зинапоялардан пастга отилиб тушиб, Тафаеванинг уйи томон жўнади.

Сурков ёлғон гапирмаган эди. Александр Юлияни севиб қолганди. У бу севгининг илк хуружларини бирор юкумли касални туйгандай қарийб даҳшат билан ҳис этди. Александрни кўрқув ва номус кийнади. Кўрқиши шуки, яна ҳам ўз қалби, ҳам ўзга қалб инжиқликларига дучор бўлишдан безилларди, номус қилишига сабаб: бошқалар, ҳаммадан амакиси олдида уяларди. Бу ҳолатини амакисидан яшириш учун ҳар нарсага тайёр эди. Қачонлардир, уч ой муқаддам у ишқ-муҳаббатдан нақадар мағрур, қатъий воз кечган, ҳатто ушбу беором туйғу тўғрисида амакиси ўқиган эпитафияни битган, хуллас, аёллардан данғалига нафратланарди. Энди бўлса, баногоҳ тагин аёл оёқларига бош уряпти! Яна болаларча янглишганини исботлаш. Ё парвардигор! Қачон у амакисининг устувор таъсиридан қутула олади ахир? Наҳотки ҳаётида ҳеч қачон ўзгача, фавқуллода бурилиш юз бермайди-ю, умрбод Пётр Иваничнинг чизган чизиғидан чиқолмай юраверади.

Бу фикрдан Александр ўзини қўярга жой тополмасди. У янги муҳаббатдан бажонидил қочган бўларди. Лекин қандай қочиш керак? Наденькага нисбатан муҳаббат билан Юлияга нисбатан муҳаббат ўртасида қандай фарқ бор! Биринчи муҳаббат озикаталаб қалбнинг бахтсиз хатоси эди, бундай пайтда юрак танлаб ўтирмай, илк бор учраганини ҳазм этаверади. Бироқ Юлия! У Александрни ҳам, ўзини ҳам, муҳаббатни ҳам тушуниб етмайдиган инжиқ қоқоқ эмас. Юлия айна етук, жисман заифа, аммо муҳаббат учун руҳан ғайратли аёл: туриш-турмуши муҳаббатдир! У бахт ва ҳаёт учун

бошқа шарт-шароитни тан олмайди. Севмоқ бекорчилик эмишми? У ҳам бир эҳсон ахир. Юлия бу борада илоҳа. Александр онгли, оқил, бироқ шу билан бирга кучли, ўз доирасидан ташқари ҳеч нарсани билмайдиган худди шундай муҳаббатни орзу қиларди.

«Мен қувончдан ҳайвон янглиғ бўғилиб қолмайман, – дерди у ўзига-ўзи, – энтикмайман, бироқ менда муҳим, олий жараён юз бер-япти: бахтиёрлигимни англаяпман, у ҳақда мулоҳаза этаман, гарчи эҳтимол бахтиёрлигим жарангсиз бўлса-да, тўлиқроқдир... Юлия ўз туйғусига қанчалар сахий, ҳалол, мутлақо қарашмасиз берилган! У муҳаббатни теран тушунувчи кимсани кутарди, бамисоли ўша кимса пайдо бўлди. Александр мерос қолган хазина мулкига қонуний ҳукмдор каби кириб бориб, итоаткорона эътироф этилди. Дунёда қаерда бўлмасин, нима бажармасин, – дея ўйларди Александр амакисиникидан Юлия ҳузурига бора туриб, – бизни ёдда тутувчи, жами шууримиз, машғулоти юриш-туришимизни яқинлаштирган кўйи буларнинг барини бир нуқта ва бир тушунча сари йўналтиражак севимли кимсамиз борлигини ҳис қилмоқ қанчалар қувончли, қанчалар роҳат! Бамисоли у кимса нусхамизда. У нимани эшитмасин, нимани кўрмасин, ниманинг ёнидан ўтмасин ёки нимадир унинг ёнидан ўтмасин, ҳаммаси аслимиз, нусхамиз таассуроти билан текширилади. Мазкур таассурот иккаламизга маълум, иккаламиз бир-биримизни ўрганганмиз, сўнгра шу тарзда, ўрганилган таассурот қабул этилиб, дилда ўчмас жиҳатлари билан ўрнашиб қолади. Агар орадаги сезгининг тақсимланиш имқонияти йўқ ёки у аслимиз қабул қилишига мансуб бўлса, нусхамиз ўз сезги улушидан воз кечади. Нусхамиз биз ёқтирган нарсани ёқтиради, биз нафратланган нарсадан нафратланади. Аслимиз ва нусхамиз бир фикр, бир туйғу билан чамбарчас боғлиқ яшайдилар, дил кўзлари, сезгилари, тафаккур, қалблари бир уларнинг...»

– Тўрам! Литейнаянинг қайси жойига элтиб қўяй? – сўради извошчи.

Юлия Александрни йигитдан кўра ҳам каттиқроқ севарди. Аёл ҳатто муҳаббати қудратини охиригача англамас, бу тўғрида фикр ҳам юритмасди. Унинг илк бор севиши ҳали ҳеч нарса эмас, тўғридан-тўғри иккинчи марта севиб бўлмади-ку ахир. Лекин ҳамма бало шундаки, Юлиянинг керагидан зиёд ривож топган, романлар чиниқтирган қалби наинки илк севги, балки ғайритабиий, айрим романларда мавжуд китобий муҳаббатга мослашгандиким, у ҳеч

качон ишқ бобида бахтли бўлолмас, муҳаббати ҳаётга зид эди. Айни пайтда Юлиянинг ёлғиз романлар муталааси орқалигина соғлом озиқа олиш билан чекланмайдиган ақли қалбидан ортда қолганди. Хоним осойишта, эҳтиросли жўшишларсиз, сокин назо- катдан- гина иборат севгини асло тасаввур этолмасди. У ўрни кел-ганда *оёқларини тавоф қилмаган, астойдил роз айтмайдиган*, оғушида камоли ўртантирмаяжак ёки ишқ-муҳаббатдан ташқари юмушлар билан банд эркакни тан олмасди. Шунингдек, Юлия ўзи-нинг кўз ёши томчилари ва бўсалари орқалигина *ҳаёт жомини* сипқармаган жазманни дарҳол рад этгучийди.

Хонимнинг кўз олдида ўзгача дунё ҳосил қилмиш орзу мана шулар натижасида туғилганди. Оддий ҳаётда неки бошқачароқ рўй бермаса унинг кайфияти бузилар, куюна бошларди-да, бунингсиз ҳам заиф жисми ларзага, гоҳо бениҳоя қаттиқ ларзага келарди. Дамбадам ҳаяжонланишлардан асаби қақшаган аёл пировардида ғазабга мингучийди. Аксари аёллардаги ўйчанлик, беҳуда маъюсланиш, ҳаётга ғамгин бокишнинг боиси шундандир. Кишиларнинг хушбичим, оқилона яратилиб, муқаррар қоида, тартиб асосида такомиллашишлари аёллар наздида оғир занжирдай туюлишининг сабаби шудир. Хуллас, шу боис улар борлиқдан ҳайиқишади, дунёни рўёчодраси каби қуришга мажбур этишади.

Юлиянинг қалбини бу тақлид барвақт, нотўғри чиниқтиришга интилиб, ақлий ривожига аҳамият бермаган ким?.. Хўш, ким? Ўша классик. Бу муаллимларнинг ота-она тақлифи билан ёш гўдакни вассийликка олиш учун кириб келишгани, унга жами жисмлар ҳаракати сабабиятини ўргатишган, ўтмиш пардасини кўтариб ташлаб, *замин, самовот, ўз жисмимизда нима мавжудлигини* кўрсатишган. Педагогларнинг анъанавий тарзидир. Мушкул вазифа! Шундайин муҳим жасоратни адо этмоқ уч миллат вакили зиммасига тушади. Ота-она бизнинг вазифамиз яқин кимсалар тавсия этишган француз Пулени ёллашдан иборат холос, дея фарзанд тарбияси билан шахсан шуғулланмадилар. Ўша тарбиячи француз адабиёти, бошқа фанларни ўргатаверармиш. Кейин немис Шмит тақлиф қилинди, чунки немис муаллим ёллаш удумга айланган, аммо немисча ўрганиш шарт эмасди. Ниҳоят рус Иван Ивановичи ёллашди.

– Буларнинг ҳаммаси шундай қўсқи, – зорланади она, – доим хароб кийинишади, каролдан ҳам баттарлар. Вино хиди буруксиб туради оғизларидан...

– Рус муаллимисиз бўладими ахир? – деган қарорга келади ота, – ташвишланма, ўзим одамшавандароғини танлаб оламан.

Қарабсизки, француз ишга киришиб кетади. Ота-она унинг атрофида парвона бўла бошлашади. Муаллим уйга меҳмон қатори таклиф этилар, ҳурмат-иззати жойига қўйиларди. Энг эътиборли зот эди француз.

Муаллим Юлияга сабоқ беришда қийналмади, энагадан таълим олган қиз французча гапира билар, ўқиш-ёзишда қарийб хато қилмасди. М. Пуле Юлияга иншо ёзишни ўргатиши қолганди холос. Муаллим тарбияланувчисига турли: дам эндигина кўтарилаётган куёшни тасвирлаш, дам севги ва дўстликка баҳо бериш, дам ота-онага табрик мактуби ёзиш ёки Юлия дугонасидан жудо бўлган пайтдаги ғамгин кайфиятни ифодалаш каби мавзулар топширди.

Юлия бўлса фақат деразасидан куёш қандай қилиб савдогар Гриннинг уйи ортига ботишини кўрарди холос. Дугоналаридан ҳеч қачон жудо бўлмас, дўстлик ва севги хусусида эса... мазкур туйғу қиз қалбида илк бор чечак ота бошлади. Қачондир ҳис қилиши ҳам керак эди-ку бу туйғуни.

Юкоридаги мавзуларни тугатган Пуле ниҳоят бош саҳифасида йирик ҳарфлар билан «Cours de litterature francaise»¹ сўзлари битикли эзгу, юпка дафтар устида иш бошлашга қарор қилди. Мазкур дафтарни қай биримиз эсламаймиз дейсиз? Икки ойдан сўнг Юлия француз адабиёти, яъни юпка дафтарни ёдлаб олди, уч ойдан кейин эса уни эсдан чиқарди. Бироқ дафтардан зарарли касорат қолди. Қиз Вольтер яшаб ўтганини билар, гоҳо «Изтироб бандалари»ни ўша файласуфга такаса, «Dictionnaire philosophique»²ни Шатобриан яратган деб ҳисоблаб, Монтанни³ M-r de Montaigne, дея атар ва уни гоҳо Гюго билан ёнма-ён ёдга оларди. Мольерни эсласа, у театр учун *ёзади*, дегучийди. Расин асарларидан машхур: *A peine nous sortions des portes de Trezenes*⁴ тирадани ўрганиб олганди.

¹ «Француз адабиёти курси» (фран.).

² XVIII асрдаги йирик француз маърифатчиси Вольтернинг «Фалсафа луғати» (франц.) (1764); «Изтироб бандалари» (1809) – француз реакцион романтик ёзувчиси Шатобрианнынги романи.

³ Монтень (1533–1592) – Уйғониш давридаги француз файласуфи ва адиби.

⁴ Трезень дарвозасидан эндигина чиққанимизда (Расиннинг «Федра» трагедиясидан).



Юлияга мифологиядаги Вулқон, Марс ва Венера қатнашган комедия жудаям маъкул эди. Қиз Вулқон тарафига ўтай деса, Вулқоннинг оқсоқ ва бесўнақай, устига-устак чилангарлигини билди-ю, дарҳол Марс томонга ўтиб олди, Юлия Семел билан Юпитерга бағишланган масални ва Аполлоннинг қувилиши ҳамда унинг ердаги шўхликлари тўғрисидаги эртақларни ҳам севиб қолди. Зеро, қиз эртақларда тасвирланган воқеаларни тамоман ҳақиқатда рўй берган деб билар, уларнинг бутунлай бошқа моҳияти бўлишлигини ҳаёлига ҳам келтирмасди. Французнинг ўзи қандай фикрдалиги худогагина аён! Юлиянинг қадимий дин ҳақидаги саволига француз салобат билан куйидагича жавоб қайтарди: «Des detises! Mais cette dete de Vulkain devait avoir une drole de mine... ecoutes¹, – кейин у кўзларини қисиб, кизнинг кўлини шапатилаб қўйди-да, қўшиб қўйди, – que feries vous a la plase de Venus?»² Юлия бу саволга ҳеч нарса демаса-да, негадир умрида биринчи марта кизариб кетди.

Пуле француз адабиётининг янги мактаби бўйича назарийгина эмас, амалий жиҳатдан ҳам таълим бергач, энди киз тарбиясини қиёмига етказа бошлади. У Юлияга ўз вақтида катта шов-шув бўлган: «Le manuscrit vert», «Les sept peches capitaux», «L'ane mort» каби асарларни ҳамда ўша пайтлари Франция билан Европада кенг тарқалган бир даста китоб берди.

Бечора қиз астойдил мутолаага киришди. Назарида, Жанен, Бальзак, Друино унинг учун буюк даҳолар, қаҳрамонлар эди! Уларнинг ажиб тасвирлари олдида Вулқон ҳақидаги хом-хатала эртақ нима бўлибди? Бу янги қаҳрамонлар қаршисида Венера ҳеч нарса эмас-ку! Юлия янги мактаб асарларини ўқиди ва ҳозир ҳам ўқиётган бўлса керак.

Француз бунчалар катта муваффақият қозонган бир пайтда пурвиқор немис ҳали грамматикани ҳам ўргатиб бўлмаган, у камоли жиддият билан турланиш, тусланиш жадвалларини тузиб, келишиқ қўшимчаларини ёдда сақлаб қолишнинг ҳар хил осон усулларини ўйлаб топиш устида бош қотирар, *zu* кўмакчиси гоҳо жумла *охирида қўйилади* каби таълимлар билан банд эди.

¹ Бемаънилик! Тентак Вулқоннинг юз ифодаси аҳмоқона тус олган бўлса керак ҳойнаҳой. Менга қаранг, сиз Венеранинг ўрнида нима қилган бўлардингиз? (франц.)

² Француз романтик адиблари Друинонинг «Яшил кўлёмза», Э. Сюнинг «Гуноҳи азим», Жюль Жаненнинг «Жонсиз эшак» асарлари.

Немисдан адабиёт талаб қилишганди, бечоранинг капалаги учиб кетди. Унга французниинг дафтариини кўрсатишди. Немис бош чай-каркан, бу дафтар билан немисча ўрганиб бўлмайди. Аллернинг хрестоматияси бор, ўша хрестоматияда барча адиблар асарлари билан бирга мукамал тасниф этилган, деди. Немисдан Юлияни m-г Пуле каби турли ижодкорлар билан таништиришини кистай бошлашди.

Немис охири ваъда бериб, уйга ўйга кўмилганча қайтди. У жавонни очди ёки тўғрироғи, синдирди-да, бир тавақа эшикчасини буткул юлқиб олгач, деворга суяб қўйди. Чунки жавоннинг анчадан буён илмоғи ҳам, кулфи ҳам йўқ эди. Сўнгра жавон ичидан эски этик пойлари, ярим бўлак калла қанд, бир шиша бурнаки та-маки, арокли шиша билан қора нон бурдалари, шунингдек, синик қахватуйгич, кейин устара, бир кулча совун, лаббўёқ банкасига солинган чўтка, сийқа подтяжкалар, қайроктош ва шунга ўхшаш нарсаларни олди. Ниҳоят битта, иккита, учта, тўртта, боринги, бешта – бари китоблар кўринди. Китобларни бир-бирига урганди, чанг-тўзон кўтарилиб, педагогнинг бошигача кўринмай қолди.

Биринчи китоб Геснернинг «Идиллия»си эди, «Gut»¹ деди немис ва хушнудлик билан синик кўза ҳақидаги идиллияни ўкиди. Иккинчи китоб: «1804 йил Гот календари»ни очгач, уни варақлади. Сахифаларда Европа подшоларининг шажараси, турли қасрларнинг расмлари, шаршаралар тасвири бор эди, «Sehr gut!»² – деди немис. Учинчи китоб – Тавротни муаллим бир четга олиб қўйиб, такводорона: «Nein!»³ –дея ғудранди. Тўртинчи китоб – «Юнга оқшомлари»ни олиб, бош чайқади ва «Nein!» – деб ғўнғиллади. Сўнгги китоб – Вейссе⁴ бўлиб, унинг китобини ушлаган немис тантанавор жилмайди-да: «Da habe ich's»⁵, – деди. Унга яна Шиллер, Гёте ва бошқалар борлигини айтишганди, муаллим бошини сарак-сарак қилганча, қайсарлик билан ўзиникини маъқуллади: «Nein!»

Немис эндигина Вейссе асарининг биринчи саҳифасини таржима қилган ҳам эди, Юлия ҳомуза тортди, кейин умуман қулок

¹ Яхши! (нем.).

² Жуда яхши! (нем.).

³ Йўқ. (нем.)

⁴ Вейссе (1726–1804) – немис ёзувчиси, болалар учун ёзилган ҳикояларнинг муаллифи.

⁵ Мана, топдим (нем.).

солмай қўйди. Хуллас, қиз немиснинг *zu* қўмакчиси гоҳо жумла *охирида* келади, деган гапини эслаб қолди, холос.

Рус педагоги-чи! У вазифасини немисдан кўра инсофлироқ ўтарди. Мазкур муаллим қарийб кўзда ёш билан Юлияни *от ёки феъл* фалон гап бўлаги, *олд қўшимча* писмадондир, дея ишонтиришга ҳаракат қила бошлади. Ниҳоят эришган нарсаси шу бўлдики, қиз унга ишониб, барча гап бўлаклари қондасини ёдлаб олди. Юлия хатто ҳамма олд қўшимчалар: боғловчилар, равишларни шариллатиб санаб бериши мумкин эди. Педагог виқор билан: «Қандай бирикмалар қўрқув ёки таажжуб ундалмаси бўлиши мумкин?» – дея сўраса, қиз ўйлаб ўтирмай шартта: «аҳ, оҳ, эҳ, хайҳот, о, а, наҳотки, эҳхе!» каби бирикмаларни айтиб ташларди.

Муаллимнинг боши осмонга ета бошлади.

Юлия синтаксиснинг ҳам бир неча қоидаларини ўзлаштирган бўлса-да, лекин уларни ҳеч қачон амалда қўллолмай, умрбод грамматикадан саводсизлигича қолаверди.

Тарихдан қизга Александр Македонский яшагани, у кўп жанг қилиб, мардларнинг марди... ва албатта қойилмақомлиги ўқитилганди... Аммо Македонский ва унинг даври моҳияти на Юлия, на муаллимнинг етти ухлаб тушларига кирмаган; уларга Кайданов¹ ҳам ҳеч ким эмасди.

Муаллимдан адабиёт талаб қилишганди, у бир тўда эски, жулдур китобларни келтирди. Улар орасида Кантемир, Сумароков, Ломоносов билан Державин ва Озеровнинг асарлари ҳам бор эди. Ота-она таажжубда бир китобни авайлабгина очиб, ҳидлаб кўришгач, бошқа янгироғини талаб қилишди. Муаллим Карамзиннинг асарини келтирди. Бирок янги француз мактабидан сўнг Карамзин ўқилишини бир тасаввур қилинг-а! Юлия «Шўрлик Лиза»ни, «Саёҳат»²дан айрим саҳифаларни мутолаа қилгач, уларни қайтариб берди.

Тарбияланувчи боёқиш қиз мазкур машғулотлар аро узок муддатли танаффусда заррача фойдали, соғлом маънавий озуқа олмади ҳисоб! Зеҳни сусая бошлаб, дилига ғулғула тушиб қолди. Шунда иттифоқо ҳожатбарор бўласи жонга аро кириб, Юлия учун «Онегин», «Кавказ асири» ва бошқа асарлардан бир неча боб келти-

¹ Тарих дарсликлари (1820–1830 йиллар) муаллифи И.К. Кайданов назарда тутилган.

² Бу ўринда гап Н.М. Карамзиннинг «Рус сайёҳининг мактублари» (1791–1804) хусусида боряпти.

риб берди-ю, киз рус назми тароватидан бахраманд бўлди. Ёдлаб олинган «Онегин»нинг мисралари Юлиянинг хаёлидан нари кетмай кўйди. Бошқа тарбияловчилар каби бўласи ҳам бу асарнинг аҳамият ва ютуқларини тушунтириб бера олмасди. Татьянани намуна деб билган киз Татьянанинг Онегинга, ўз идеалига йўллаган мактубидаги ҳароратли сатрлар орқали у ҳам ўз идеалига фикран мурожаат этар, шикаста қалби ҳаприқарди. У хаёлан дам Онегинни, дам янги мактаб алломалари яратган рангпар, маъюс ва тарки дунё бирор қахрамонни изларди... .

Итальян билан яна бир бошқа француз Юлиянинг таълим-тарбиясини охирига етказарканлар, улар кизнинг овози ва юриш-туришини меъёрга етказишди, яъни унга ракс тушмоқ, кўшиғу фортепиано чалиш ёки тўғрироғи, эрга теккунча фортепиано эрмак қилмоқликни ўргатишса-да, барибир мусикани сингдиришолмади. Мана, ниҳоят, ўн саккиз ёшли, боқишлари доимий ўйчан, бокира, хипча бел, оёқлари нозик Юлия ўзини киборлар даврасига кўрсатиш учун салонларда пайдо бўлди.

Қизни ҳар жиҳатдан қаллиғликка муносиб, яъни олий нуфуз, бадавлат, бўйнига хоч осган, хуллас, мансабдор ва омадли Тафаев пайкаб қолди. Ошиқни фақат ҳамма катори содда ва олижаноб деб бўлмасди. О, асло! Тафаев обрўсини сақлай билар, Россиянинг мавжуд аҳволи, унинг хўжалик ва саноат жиҳатдан қусурлари борасида соғлом фикр юритар, ўз даврасида ишбилармон ҳисобланарди.

Қурч жуссали Тафаев қандайдир ўзига зид ўлароқ чехраси рангпар, ўйчан қизга қаттиқ мафтун бўлиб қолди. У базм оқшомлари қартабозликдан четлашиб, ўзгача хаёл дунёсига берилар, қаршисида сузмиш фариштага девонавор тикилгани-тикилганди. Салон суҳбатларида нигоҳи севимлисининг чарос кўзлари билан тўқнашган кезлари зийрак гладиатор маъсума киз қаршисида хижолат чекар, гоҳо Юлияга нимадир демокчи бўлса-да, бироқ чурқ этолмасди. Охири тоқати тоқ бўлган Тафаев турли холалар ёрдамида чора кўришга қарор қилди.

Қизнинг сепи ҳақидаги маълумотлар кўнгилдагидай бўлиб чиқди. «Айни муносиб жуфтмиз! – дерди ичида Тафаев. – Мен эндигина қирқ ёшдаман, қиз эса ўн саккизда, – мол-мулки икки кишидан ҳам ортиқ одамнинг бемалол яшашига етади. Ташқи кўринишими? Юлия – ҳуснда парирў, мен бўлсам ҳеч қандай эркакдан қолишмайман... савлатлиман. Қизни ўқимишли дейишади, хўш,

нима бўпти? Мен ҳам қачонлардир таҳсил кўрганман, ёдимда, лотин тилини ҳам, Рим тарихини ҳам ўқитишган. Ҳозир ҳам эсимда бор: ўшанда анави консул, исми нимаиди... майли, жин урсин уни! Эсимда, реформация тўғрисида ҳам... манави Beatris ille...¹ сатрини ҳам ўқигандик, давоми қандай эди? Pueg, puegi, puego...² йўқ, бундай эмас, жин урсин, бари ёдимдан кўтарилибди. Унутиш учун ўқитишадиям-да асти. Онт ичиб айтаманки, ҳув анави, ҳув бошқа ҳамма амалдору донолардан бирортаси ўша консул кимлиги... ёки олимпия ўйинлари қайси йили бўлганлигини билмайди, демак, шундай ўқитилади ўзи... чунки тартиб шундай-да! Таълим олганликни кўз-кўз қилиш учунгина. Қандай унутмай бўлади, барибир бу ҳақда кейинчалик ҳеч қачон, ҳеч нарса дейилмайди-да. Бордию бирортаси гапириб қолса, жиннига чиқариб қўйишса керак-ов ҳойна-хой! Хуллас, муносиб жуфтмиз».

Ниҳоят Юлиянинг қизалоқлиги тугаб, бўй етгандаги илк қадами ўта хосиятсиз бўлди. Эри жўн одам чиқиб қолди. У Юлиянинг тасаввуридаги ва шоирлар яратган қаҳрамонларга сираям ўхшамасди!

Юлия ўзи айтмиш, эрли пайтидаги муҳаббатсиз беш йиллик умри диққинафас туш каби кечгач, баногоҳ хур ҳаёт ва севги пайдо бўлди. Баҳридили яйраган аёл бениҳоя хуррам қиёфада тулпор елишидан хурсанд чавандоз янглиғ бор вужуди билан эхтирос оғушига шўнғиди. Тулпор масофа нималигини билмай, астойдил олға еларди. Базўр нафас оласан, теваракдаги жами нарсалар орқага югуради, юзга ёкимли шамол урилиб, кўкси роҳатдан яйрагандан-йайрайди... ёки беғам-беташвиш, ҳузур-ҳаловат тўлкинида чаппар урасан: қуёш нурлари баданингни илитади, кўз ўнгингдан зумрад кирғоқлар лип-лип ўтиб, тўлқин кемангни сийпалай-сийпалай ёкимли шивирлайди, олға интилганча сени ҳам бетиним етакларкан, чексиз оқим янглиғ йўл кўрсатаверади... Сеҳрланиб қоласан. Йўлда нима дуч келиши: тулпор ўр сари еляптими, тўлқин қоя томон эл-яптими кўриш ва ўйлашга фурсат бўлмайди... Фикрингни шамол тўзғитади, кўзларинг юмиладию, шавқ тузоғига илинасан... Худди шу тақлид Юлия ҳам Александрни кўнглидан ситиб чиқаролмас, аксинча, унга янаям кучлироқ боғланиб борарди... Аёл учун ниҳоят

¹ Масъуддир ўшал кимса... (лот.) — Гораций шеърдан.

² Ўсмир, ўсмирнинг, ўсмирга... (лот.)

ҳаётнинг фараҳли дамлари келганди: унга дам ҳузурбахш, дам изтиробли дил талвасаси ёкиб қолган, ўзи ҳаяжонталаб бўлиб, ўртаниши ҳам, хушнудлиги ҳам ўз ташаббусининг маҳсули эди. У афюнга банди бўлгандай муҳаббат мутесига айланган, ишқ оғусини ютокиб сипқарди.

Юлия кутиш интиқлигидан безовталана бошлади. У дераза ёнида турган кўйи дам сайин тоқатсизлиги ортар, хитой гули япроқларини ғижимлаб, алам билан полга ташларкан, изтиробдан қалб тепиши тўхтагудай бўларди. Аёл фикран йигитнинг келиш-келмаслигини чамалай бошлади. Унинг бутун идроки мана шу мураккаб муаммони ечишга қаратилганди. Ижобий жавоб туйса жилмаяр, салбий жавобдан эса чеҳраси ўзгарарди.

Александр остонага яқинлашганда, асаблари қаттиқ қакшаб, ҳолсизланган, рангида ранг йўқ аёл креслога сирғалиб тушди. Йигит ичкари кираркан... Юлининг Александрни қаршилаган ўшал нигоҳни, улар бир йил дийдор кўришмаган каби (ҳолбуки кечагина учрашишганди) бир зумда аёл юзини қоплаган қувончни тасвирлаш мушкул. Хоним индамайгина девор соатга ишора қилди. Йигит ўзини оқлаш учун оғиз жуфтлаган ҳам эди, Юлия кулок солмай ишонди, кечирди, интиқликда чеккан азиятини унутди-да, Александрга қўл узатди ва иккалалари диванга ўтирарканлар, узок суҳбатлашишди, узок сукут сақлашди, узок бир-бирларига термулишди. Агар эслатишмаса, улар ҳойнаҳой тушлик қилишни ҳам унутган бўлардилар.

Қанчалар фароғатли дамлар! Александр бу қадар тўла *самимият*, *изҳори дилни* ҳеч қачон орзу ҳам қилмаган эди. Ёз кунлари икковлон шаҳар ташқарисида сайр этишар, кўпчиликни бирор жойдаги мусика, мушакбозлик жалб этса, Юлия билан Александр қўлни қўлга бериб чет дарахтлар орасига йўналишарди. Қишда эса Александр тушликка келар, тамаддидан сўнг улар ярим кечагача камин қаршисида ёнма-ён ўтиришарди. Баъзан чана ҳозирлатиб, зимистон кўчалар бўйлаб елар, сўнг туганмас қаймоклашишни самовар ёнида давом эттиришга ошиқишарди. Теваракларидаги ҳар бир нарса-ҳодиса, ақл-туйғуларидаги заррача ўзгаришни ҳам эътиборсиз қолдиришмас, барини икковлон ўртоқлашардилар.

Александрнинг амакиси билан учрашишга сираям юраги дов бермасди. У гоҳо Лизавета Александровна ҳузуригагина кириб келар, аммо аёлга юрак очди қилишга улгуролмасди, ҳар сафар йигит

амакиси келиб қолиб, тагин бирор калакабозлик қилишидан хавотирланар, шунинг учун доим тезроқ бу хонадондан чикиб кетиш пайдидан бўлиб турарди.

Бахтиёрмиди Александр? Бу борада бошқа одамлар назарда тутилса ҳам *ҳа*, ҳам *йўқ* дейиш мумкину, лекин Александрга нисбатан *йўқ* жавоби қайтарилади холос, унинг муҳаббати руҳий азоб билан бошланди. Йигит ўтмишини унутолган дақиқаларда орзу қанотида парвоз этаркан, бахт куча олиши, Юлия, унинг севгисига ишонарди. Бошқа пайтлар, айти *самимий дилкашликка берилган* кезлари баногоҳ хижолат тортиб, аёлнинг эҳтиросли, шод-хуррам суҳандонликларини ҳадик билан тингларди. Назарида ҳали-замон, бирдан Юлия хиёнат қилиб қўядигандай ёки бошқа бирор ногаҳоний *тақдир қўргилиги* зумдаёқ бутун ажиб хушбахтлигини чилпарчин этадигандай туюларди. У нашъу намо дамлар лаззатини тортаркан, бу қувонч машаққат маҳсули бўлиши лозимлигини англади-да, яна дилхун бўла бошларди.

Шу тақлид киш ўтиб, ёз келса-да, муҳаббат барҳам емади. Юлия йигитга янаям қаттиқ боғланиб борарди. Хиёнат ҳам, *тақдир қўргилиги* ҳам бўлмай, буткул бошқа-нарсга рўй берди: Александрнинг нигоҳи тиниқлашди. У доимий боғланиб қолиш фикрига кўникиб кетганди. «У қадар қизгин эмаслиги бор холос бу севгининг... – деди хаёлан бир сафар йигит Юлиёга боқиб, – лекин қатъий, умрбод бўлса ҳам ажаб эмас! Ҳа, шубҳасиз! Ана энди тушундим сени, тақдир! Олдинги чеккан азиятларим эвазига сийламоқчи, узоқ муддатли сарсарилигимдан сўнг осойишта манзил ато этмоқчисан менга. Бахт маскани бу ерда экан-ку... Юлия!» – хитоб қилди у овоз чиқариб.

Аёл сесканиб тушди.

– Нима бўлди сизга? – сўради у.

– Ҳеч нарса! Шундай ўзим...

– Йўқ! Айтинг, миянгизга қандайдир фикр келди. – Александр қайсарлик қилганди, Юлия уни ҳоли жонига қўймади.

– Бахтимиз мукамал бўлиши учун етишмайдиган нарса ҳақида ўйладим.

– Нима экан ўша нарса? – ташвишланиб сўради аёл.

– Э, арзимаиди! Ғалати бир фикр келиб қолди холос миямга. – Юлиёнинг юзига қон тепди.

– Оҳ! Қийнайвермай айта қолсангиз-чи тезроқ! – деди у. Александр ўйланиб туриб, ўзига-ўзи мурожаат этаётгандай секин гапирди.

Уни бир дақиқа ҳам тарк этмаслик ҳуқуқига эга бўлиш, уйга кетмаслик... ҳар ерда, доимо у билан бирга бўлиш. Одамлар кўзи олдида унинг қонуний эгасига айланиш... У мени қизармай, ранги ўчмай, баралла меники дейди... бир умрга! Бу билан умрбод фахрланади...

Йигит шу каби кўтаринки урғу билан чертиб-чертиб гапираркан, ниҳоят *эр-хотинлик* жумлаларини ҳам талаффуз этди. Юлия титраб кетиб, йиғлаб юборди. Кейин таърифга ожиз бағоят назокат ва миннатдорчилик билан Александрга қўл узатди-да, улар тетиклашиб, баногоҳ дилдан суҳбатлаша бошладилар. Александр келинчиси билан гаплашиб, ундан кўмак сўрашига келишилди.

Улар бахтиёрликларидан не қиларларини билишмасди. Ажиб оқшом эди. Улар шаҳар ташқарисидаги хилватгоҳ томон йўл олиб, катта қийинчилик билан атайин қайсидир тепаликни топишгач, ўша жойда тун бўйи ўтиришди, куёш ботишини кузатиб, келгуси ҳаётларини ҳаёл қилишди, камгина таниш орттириш, бўлар-бўлмас меҳмон қабул қилмаслик, зарур-нозарур меҳмонга бормасликни режалаштиришди.

Сўнгра уйга қайтиб, келгусидаги рўзғор тартиби, хоналарни тақсимлаш ва хоказолар ҳақида фикрлаша бошладилар. Ниҳоят гап навбати хоналарни жиҳозлашга келди. Александр Юлианинг пардозхонасини ўз бўлмасига айлантиришни таклиф этди, чунки шунда бу бўлма хобгоҳнинг ёнгинасида бўларди.

– Қайси жиҳозни қўймоқчисиз бўлмага? – сўради аёл.

– Менга қолса, мовий бахмал сирилган пистолки жиҳоз маъқул.

– Жудаям шинам бўлади унда, бачкана ҳам эмас. Эркакларнинг хонасига албатта одми ранг жиҳоз қўйилгани яхши, оч туслиси тутундан тез қораяди. Манави, сизнинг бўлғуси бўлмангиздан хобгоҳга ўтилувчи дахлизга кўзгу ўрнатаман, ажойиб бўлади шунда, тўғри эмасми? Яна битта кресло ҳам қўйсам, унда ўтириб, китоб ўқиш ёки ишлашим, бўлмадаги сизни кўришим мумкин бўлади.

– Сиз билан хайрлашмайдиган бўладиган кунларимга оз қолди, – деди Александр хайрлаша туриб.

Аёл йигитнинг оғзини қўли билан тўсди.

Эртасига Александр келинойиси учун аллақачон маълум сирни очиш, маслаҳат ҳамда кўмак сўраш мақсадида Лизавета Александровна ҳузурига йўл олди. Пётр Иванич уйда йўқ эди.

– Яхши, жудаям яхши-да! – деди Лизавета Александровна қайнисининг дил сўзларини эшитгач, – ёш бола бўлмадингиз энди, туйғуларингиз ҳақида фикр юритиб, ўзингизга эгалик қила оласиз. Фақат шошилманг, у аёлни яхшилаб билиб олинг.

– Эҳ ma tante, билсангиз эди уни! Яхши фазилатлари шунақаям кўпки!

– Масалан?

– Мени... жон-дилидан севади.

– Бу муҳим фазилат албатта, лекин эр-хотинчиликда ёлғиз севги билангина чекланиш камлик қилади.

Шундан сўнг Лизавета Александровна эр-хотинликка доир бир қатор ҳаммага маълум ақидалар, хотин қандай-у, эр қандай бўлиши тўғрисида сўзлади.

– Лекин сабр қилинг. Куз келяпти, – қўшимча қилди у, – ҳамма шаҳарга кўчиб ўтсин. Ўшанда қайлиғингизникига бораман. Танишамиз, кейин астойдил ишга киришаман. Ташлаб қўйманг уни, имоним комилки, энг бахтли эрлардан бўласиз.

Лизавета Александровна хурсанд бўлиб кетди.

Аёллар эркакларни уйлантиришни жуда ёқтиришади. Гоҳо улар никоҳ қовушмаётгани, қовушиш мушкуллигини пайқашса ҳам, барибир турли йўллар билан ҳожатбарорлик қилаверишади. Улар учун тўй бўлиб ўтса бас, кейин келин-куёв қандай яшашса яшай-веришсин. Аёлларнинг нега бундайлиги худогагина аён.

Александр келинойисидан иш қиёмига етмагунча Пётр Иваничга оғиз очмасликни илтимос қилди.

Ёз, ёз кетидан диққанафас куз ҳам имиллаб ўтди. Навбати билан янги киш кириб келди. Адуев билан Юлия ҳамон тез-тез учрашиб туришарди.

Юлия биргаликда ўтказилган кун, соат, дақиқаларни бамисоли қатъий режалаб қўйганди. Ҳарна қилиб бўлса ҳам учрашишга бахона изларди.

– Эртага барвақт кетасизми хизматга? – сўрарди у гоҳо.

– Соат ўн бирларда.

– Унда меникига келинг бўлмаса, биргалашиб нонушта қилмиз. Бутунлай бормаслигингизнинг иложи йўқми? Нима, сизсиз ҳам..

– Нечук? Ахир ватан... бурч... – дерди Александр.

– Жудаям соз-да! Севишингиз, севимли эканлигингизни айтинг. Нахотки бошлигингиз ҳеч қачон севмаган бўлса? Тошдан эмасдир ахир унинг ҳам юраги, тушунар. Ёки ишингизни шу ерга ола кела қолинг, ким халақит беради бажаришингизга?

Кейинги сафар Юлия Александрни театрға боришига рухсат бермади, танишлари билан учрашишини деярли қатъий ман этди, Лизавета Александровна, қайним юборди деб келганида Юлия Александрнинг келинойиси ёш ва чиройлилигини кўриб, жон-пони чиқиб кетди. Маъшуқа йигитнинг келинойисини аксари ёши ўтинқираган, хунук, бедаво холалардан бири деб тасаввур этарди, аслида қараса, бу аёл йигирма олти-йигирма еттилардаги жозиба-ли жувон бўлиб чикди. Юлия катта можаро кўтариб, Александрни амакисиникига кам борадиган қилиб қўйди.

Бироқ Юлиянинг рашки ва золимлиги Александрнинг зулми олдида ҳеч нарса эмасди. Йигит аёлнинг қаттиқ боғланиб қолгани ва хиёнат ҳамда совиш Юлияга бегона эканлигига амин бўлгани учун энди рашк қилиш навбати Александрга ўтганди: рашк бўлган-даям қандай рашк денг? Бу рашк улкан муҳаббат натижаси эмас, балки йиғлоқи, ингроқ қалбни жуда азоблаб тилкаловчи, бахтдан махрум бўлиш ҳақидаги бесаранжом, бироқ лоқайд, совуқ, ғазабнок рашк эди. Йигит муҳаббат важдан аёл бечорага шу қадар золимлик қилардики, бошқа одамлар нафратланган кимсаларига ҳам бунча зулм ўтказмасдилар. Масалан, Александрнинг назарида аёл кечку-рун, меҳмонлар хузурида унга етарли узоқ ва назокатли ёки тез-тез қарамаётгандай туюларди-да, у теварагига йиртқичона аланглай бошларди. Шу пайт Юлиянинг ёнида ёш йигит, ҳатто ёш ҳам эмас, шунчаки бир эркак, кўпинча аёлми гоҳо буюмми турган бўлса, худо урди деяверинг. Ҳақорат, пичинг, машъум шубҳа ва таъналар ёғила кетарди. Юлия дарҳол ўзини оқлаши ва не нарсаларни ўртага қўйиб онт ичиши лозим бўлар, сўзсиз итоаткорона қиёфада фалончи билан гаплашишдан четланиши, писмадон жойда ўтирмай, анави ерга яқинлашмаслиги, муғамбир кузатувчиларнинг чучмал табассум ҳамда шивирлашлари домига илинмаслиги, кизариш, оқариш, сир бой беришдан сакланмоғлиги керак эди.

Агар Юлия бирор жойга таклиф этилган бўлса, жавоб қайтариш-дан олдин аввало Александрга саволомуз нигоҳ ташлар, йигит хиёл қош чимиргани учун аёл ранги ўчган кўйи саросималанарди-да, шу

захоти рад жавоб берарди. Гоҳ Адуев рухсат берар, Юлия отланиб кийингач, каретага ўтирай деган пайт, баногоҳ ўткинчи инжиқлиги тутиб қолган йигит пўписали оҳангда «veto!»¹ – дерди-ю, аёл кийимларини ечиб, каретага ўтирмасди. Кейинроқ Александр, турган гап, кечирим сўрашга ўтиб, зиёфатга жўнайверишни таклиф эта бошларди. Лекин энди қачон ясан-тусан қилинади-ю, қачон карета ҳозирланади? Хуллас, меҳмонга борилмай қолади. Йигит Юлиани хушбичим, ақли ва истеъдоди арзирли эркаклардангина эмас, ҳатто майиб-мажруҳ, боринги, башараси ўзига ёқмаган кимсалардан ҳам рашк қилаверарди.

Бир куни аёлнинг ота-оналари яшовчи жойдан қандайдир одам меҳмон бўлиб келди. Кекса, хушрўйлик ёшидан ўтган меҳмон нукул ҳосил, сенатдаги иши юзасидан гапиравергани учун зерикиб, юраги сикилган Александр ён хонага йўналди. Рашк қилишига ўрин йўқ эди. Ниҳоят меҳмон хайрлаша бошлади.

– Эшитишимча, чоршанба кунлари уйда бўлар экансиз, – деди у. – Танишларингиз даврасига қўшилишимга рухсат этасизми?

Юлия жилмайиб, эндиgina: «Бош устига!» – демоқчи ҳам эдики, ногаҳон ён хонадан кичкиришдан баттарроқ: «Хоҳламайман!» – деган шивирлаш янгради.

– Хоҳламайман! – деди сесканиб кетган аёл шоша-пиша рўй-рост овозда.

Бироқ Юлия ҳаммасига чидаб келарди. У меҳмонлардан бекиниб олар, остона ҳам ҳатламай Александрнинг кўзига тикилиб ўтиргани ўтирганди.

Улар узлуксиз роҳатланиш нашъасини суришда давом этишди. Аёл ўзи билган, қўлидан келган хузурбахш тадбирлари тугагач, бунингсиз ҳам роҳат мўл дунёни ранг-баранглаштириш мақсадида янги тадбирлар ўйлаб топа бошлади. Қанчалар ихтирочилик қобилиятига эга экан Юлия! Аммо бу қобилияти ҳам интиҳосига етди. Тадбирлар такрорлана бошлади. Кўнгил тусовчи неки бор, бари бошдан кечирилди.

Шаҳар ташқарисидаги улар сайр этмаган бирор жой, биргалашиб кўришмаган ҳеч қайси пьеса, мутолаа этиб муҳокама қилишмаган бирор китоб қолмади. Улар бир-бирларининг хис-туйғу, тафаккур

¹ Ман этаман! (лот.)

зайллари, ютук ва камчиликларини ўрганишди, энди ўйлаган режаларини бажаришларига ҳеч нарса халақит бермасди.

Самимий дилкашлик қилишлари камайиб кетган Александр билан Юлия гоҳо соатлаб чурқ этмай ўтиришарди. Бироқ Юлия шундай жим ўтиришда ҳам ўзини бахтиёр сезарди.

У йигитга баъзангина савол бераркан, «ҳа» ёки «йўк» жавоби олиш билан кифояланар, жавоб олмаса, Александрга тикилиб боқарди-ю, йигитнинг жилмайишини кўргач, яна бахт напъасини сурарди. Александр жилмаймаган, саволга жавоб қайтармаган кезлари аёл йигитнинг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир нигоҳини кузата бошларкан, буни ўзича йўяр, натижада таъна-маломат ҳам эшитмасди.

Улар келажак тўғрисида гап очмай қўйишганди, сабаби, бундай пайтлари Александр ўзи ҳам тушунмаган қўйи *хижолат* чекиб, ноқулай аҳволга тушарди-да, суҳбатни бас қилишга интиларди. Йигит фикрга чўмиб, ўй сурадиган бўлиб қолганди. Муҳаббат туфайли ҳаёти сеҳрли доира касб этиб, бу доиранинг баъзи жойлари парчалангани учун Александрнинг кўзига олисдан дам таниш киёфада ва қатор ҳадсиз айш-ишрат, дам зебо санамлар тўла ажиб базмлар, дам доимо банд ҳамда миришкор амакиси, дам тарк этган машғулотлари кўринарди...

Александр бир куни окшом Юлияникида худди шундай кайфиятда ўтирарди. Ташқарида бўрон кутурмоқда эди. Деразага урилаётган парча-парча қор ойнага ёпишиб қоларди. Ошхонада бир текис тебранаётган соат капгири шарпаси-ю, Юлианинг узук-юлук хўрсиниши эшитиларди холос.

Бекорчи Александр хонани кўздан кечириб, соатига қаради. Соат ўн эди. Тағин икки соат ўтириш лозим бўлгани учун у ҳомуза тортиб, нигоҳи Юлиада тўхтади.

Каминга орқаси билан суянган аёл бошини кифтига солинтирганча Александрни кузатаркан, киёфасида наинки шубҳа ва тергашифодаси, балки меҳру муҳаббат ҳамда хушбахтлик акс этди. Юлия, чамаси мубҳам сезги, ширин орзу билан курашар ва толиққанга ўхшарди.

Унинг шу қадар қаттиқ асаби бузилардики, ҳар қандай кўнгил хушлиги ўрнини хафагарчилик эгаллар, изтироб билан роҳати араллашиб кетганди.

Александр бунга жавобан хаяжонсиз, хотиржам боқиб қўя қолди. Йигит деразага яқинлашиб, кўчага қараганча ойнани аста черта бошлади.

Кўчадан уларнинг кулоғига олашовур бақир-чақир, экипаж ғилдиракларининг овози эшитилди-да, деразаларда чироклар ёқилгани, лип-лип ўтаётган гавда соялари кўринди. Йигит наздида чирок кучлироқ ёришган жойда шод-хуррам улфатлар тўплангандай эди, эҳтимол у ерда одамлар берилиб фикрлашаётган, қизгин ва ўткинчи эҳтирос нашъасини сураётган бўлишлари ҳам мумкин. Хув анави, чирок нури заиф деразада ҳойнаҳой олижаноб захматкаш зарур иш узра тер тўкаётган бўлиши керак.

Александр, мана, қарийб икки йилдири, бекорчи, маънисиз яшаб келаётгани хусусида ўйлай бошлади. Демак, умрининг икки йили ҳавога учиб кетибди, лекин бошида ҳамон ўша-ўша ишқ савдоси! У муҳаббатни қойишга тушди.

«Шу ҳам муҳаббат бўлди-ю! – ўй сурди йигит, – қандайдир жонсиз, сусткаш муҳаббат. Аёл бу туйғуга курашмай, осонгина қурбон бўлди ҳисоб. Заиф, иродасиз экан! Дуч келган одамни муҳаббати билан бахтиёр этди, бордию мен бўлмасам, турган гап, Сурковни худди шундай севарди, сева бошлаганди ҳам. Ҳа! У қанча ўзини химоя қилмасин – буни шахсан кўрдим! – бирор эпчилроқ, устароқ кимса ҳаракатга тушса, ихтиёрини ўша одамга топширарди... Садқайи муҳаббат кетсин! Ҳис-туйғуга мойил қалблар тарғиб этмиш кўнгил мойиллиги қани? Диллар бир-бирига интилиб, умрбод қовушадигандай туюлганди, аслида эса сираям ундай эмас экан! Жин урсин, нималигига ҳам ақлим етмай қолди!» – шивирлади Александр надоматда.

– Нима қияпсиз у ерда? Нима тўғрисида ўйлаяпсиз? – сўради Юлия.

– Шундан, ўзим... – жавоб қайтарди йигит эснай туриб аёлдан наридаги диванга ўтираркан, бир қўли билан сирма ёстик бурчини кучоқлаб.

– Манави ерга, яқинроққа ўтиринг.

Александр ўтирмади ҳам, бирон жавоб ҳам қайтармади.

– Нима бўлди сизга? – сўрашда давом этди Юлия унга яқинлашиб, – бугун кайфиятингиз бузукроқми?

– Қайдам... – деди йигит чайналиб, – нимадир бўлди менга... назаримда худди...

Александр Юлияга ҳам, ўзига ҳам қандай жавоб қайтаришни билмас, аҳвол-руҳиясини яхши англаб етмаганди ҳали.

Аёл йигитнинг ёнига ўтириб, унга келажак ҳақида гапираркан, аста-секин тетиклашган кўйи бўлғуси бахтли оилавий ҳаётлари манзарасини тасаввур этди, гоҳо ҳазил-ҳузул ҳам қилди, охири ниҳоятда назокат билан:

– Сиз эримсиз! Қаранг, – деди атрофни кўрсатиб, – кўп ўтмай, шуларнинг бари сизники бўлади. Қалбим султони бўлганингиздек хонадоним ҳукмронига айланасиз. Энди мустақилман, истаганимни қила оламан, бошим оққан томонга кетишим мумкин, ўшанда бу ердаги бирор нарса сизнинг буйруғингизсиз ўрнидан жилмайди, ўзим ҳам ихтиёрингиздаман. Қандай ажойиб занжир! Тезрок занжирбанд эта қолсангиз-чи, қачон ахир? Умрбод шундай кимса, шундайин муҳаббатни орзу қилгандим... мана, орзуим ушалапти... бахтим ёнгинамда... ишониш қийин... Тушга ўхшайди агар билсангиз. Чекмиш барча изтиробларим эвазига берилган мукофотмасмикин бу?..

Александрга бу сўзларни эшитиш кони азоб эди.

– Бордию сизни севмай қўйсам-чи? – савол берди йигит туйқусдан ҳазилга бурмоқчи бўлиб.

– Қулоғингизни чўзиб қўяман унда! – жавоб қайтарди Юлия Александрнинг қулоғидан тутиб. Кейин биргина шамага ҳам хўрсиниб, ўйга чўмди. Йигит сукут сакларди.

– Нима бўлди ўзи сизга? – сўради ногаҳон аёл дадиллашиб, – чурқ этмаяпсиз, гапимни эшитгингиз ҳам йўқ, тескари қарайсиз...

Юлия Александрнинг ёнига сурилиб, унинг кифтига қўл ташлади, аста, қарийб шивирлаган овоз билан ўша таниш мавзу ҳақида сўзлай бошлади, лекин бу сафар аёлнинг сўзлари у қадар меҳрга тўлиқ эмасди. Юлия яқинлашувлари, муҳаббатларининг бошланиши, севгиларининг илк нишонаси-ю, илк қувончини эслатди. Ҳиссиёт таъсирида аёлнинг нафаси тикилар, оппоқ ёноқларида пайдо бўлган қизил доғлар тобора ёлқинланиб, кўзлари чакнарган, ниҳоят бу кўзлар мастона тус олди-да, ярим юмилди, кўкси каттик кўтарилиб тушарди. Юлия эшитилар-эшитилмас шивирлаган кўйи бир кўли билан Александрнинг майин сочларини тўзитди-да, унинг кўзларига термилди. Йигит бошини астагина аёл кўлидан қутқариб, чўнтагидан тароқ олди ва Юлия тўзитган сочларини ҳафсала билан таради. Аёл ўрнидан туриб, Адуевнинг кўзларига тикилди.

– Нима бўлди сизга, Александр?! – сўради у ташвишланиб. «Бунча тирғалади-я! Мен қаяқдан билай?» – йигит шундай деб ўйларди-ю, аммо лом-мим демасди.

– Зерикапсизми? – деди тўсатдан Юлия ҳам савол, ҳам гумонли оҳангда.

«Зерикиш! – ҳаёл суларди Александр, – жуда топиб айтди-да! Ҳа! Азобнок, ўлгунча зерикиш бу! Мана бир ойдирки, вужудимга ёпишиб олиб, дилимни кемиряпти бу мараз... Ё парвардигор, нима қилсам экан? Бу аёл бўлса муҳаббат, эр-хотинлик ҳақида сафсата сотяпти. Қандай аклини киргизсамикин-а унинг?»

Юлия фортепиано ёнига ўтириб, Александр ёктирадиган бир неча пьесалардан чалди. Йигит мусиқани эшитмас, ҳамон ўз ўйи билан банд эди.

Юлиянинг қўллари шалвираб тушди. У хўрсинди ва рўмолига ўранди-да, шартта диваннинг нариги четига сурилиб, ҳасратли нигоҳ билан Александрни кузата бошлади.

Йигит қўлига шляпасини олди.

– Йўл бўлсин? – сўради ҳайрон бўлиб Юлия.

– Уйга кета қолай.

– Соат ҳали ўн бир ҳам бўлгани йўқ.

– Ойимга хат ёзишим керак; анчадан бери ёзмагандим.

– Анчадан берингиз нимаси: уч кунгина олдин ёзгандингиз-ку.

Александр не деярини билмай, жим бўлиб қолди. Дарҳақиқат, у хат ёзган, бу ҳақда иттифоқо аёлга гапиргани ёдидан кўтарилганди. Муҳаббатда эса ҳар битта икир-чикир ҳам аҳамиятга эга. Муҳаббат учун сеvimли одамга алоқадор неки бўлса бари муҳимдир. Ошиқ одам миясида маъшуқани нима қуршагани, унинг теvarагида нелар юз бериши, унга нималар таъсир этиши хусусидаги жами қузатишлар, нозик идрок қилиш, хотира, гумонлардан иборат мураккаб тўқима қатлами ҳосил бўлади. Муҳаббатдан гумон, кейин гумондан мулоҳазага, мулоҳазадан қатъий ҳулосага ўтиш, сўнгра шахсий фикрлаш натижасида азобланиш ёки роҳатланиш учун бир оғиз сўз, ишора... Наинки ишора, бир нигоҳ, лабнинг сезилар-сезилмас ҳаракати ҳам кифоядир. Севишганлар мантиқи гоҳо сохта, гоҳо бениҳоя ҳақиқатким, у дарҳол гумон, шубҳа пайдо қилади, бироқ муҳаббат қудрати мантиқни яна ҳам тезроқ чилпарчин этади, бунинг учун аксари биргина табассум, кўз ёши, икки-уч ибораёқ шубҳага барҳам беришга етарли бўлади. Бундайин назоратни ҳеч

нарсa билан хаспўшлаш, алдаш мумкин эмас. Ошиқ баногоҳ дам бошқа одамнинг етти ухлаб тушига кирмаган ҳаёлга боради, дам ёнгинасидаги воқеа-ходисани кўрмайди, дам нигоҳи ҳаддан зиёд ўткирлашади, дам кўр кимсадай сал наридаги нарсани ҳам илғамайди.

Юлия дивандан мушукдай сакраб туриб, йигитнинг қўлидан тутди.

– Бу қанақаси? Қаёққа? – сўради аёл.

– Ҳа, анави, шундай ўзим, уйқум келиб қолди, кам ухлагандим. Бориб ёта қолай.

– Кам ухлагандиммиш! Бугун эрталаб тўққиз соат ухлабман, ҳатто бошим ҳам оғриб кетди, деган сиз эмасмидингиз?

Александр яна мулзам бўлди.

– Ҳа, бошим оғрияпти... – деди у пича хижолат чекиб, – шунинг учун кетмоқчиман.

– Тушлиқдан кейин бош оғриғим қолди, девдингиз-ку?

– Ё, алҳазар, бунчаям хотирангиз яхши бўлмаса! Ҳавас қилгулик-а! Шунчаки, уйга кетгим келяпти холос.

– Наҳотки бу ер сизга ёкмаётган бўлса? Нима бор ўша уйингизда?

Юлия йигитнинг кўзига қараган кўйи шубҳали бош чайқади. Александр аёлни бир амаллаб тинчлантирди-да, жўнаб кетди.

«Хўш, бугун Юлиянинг хузурига бормасам-чи?» – савол берди йигит ўзига-ўзи эртаси эрталаб уйғонаркан.

У хонани уч бор кезиб чиқди. «Ҳа, бормаيمان!» – қатъий қарорга келди Александр. Сўнгра:

– Евсей! Кийим ҳозирла, – деди-да, шаҳар кезишга чикиб кетди.

«Ёлғиз сайр этиш қандай яхши, нақадар мароқли! – ўйларди у, – бошинг оккан ерга борасан, тўхтаб, пештоқдаги ёзувни ўқишинг, дўкон деразасига қараб, у ёққа-бу ёққа киришинг мумкин... жуда, жуда соз! Эркинликка нима етсин! Ҳа! Кенг, юксак маънодаги эркинликда танҳо сайр этишдан ўтаверсин ҳаммаси!»

Александр ҳасса тутганча йўлкада так-тук юрар, танишлари билан хуштавозе саломлашарди. Морское кўчасидан бораётиб бир бино деразасида таниш киёфани кўриб қолди. Ўша таниш одам қўл силкитиб Александрни киришга таклиф этаётганди. Йигит яхшилаб қаради. Ана холос! Дюмэ-ку! Адуев таклиф қилинган жойга кириб овқатланди, кечгача ўтирди, қош қорайгач, театрға борди, театрдан

Аёл хўрсинди.

– Севмай кўйибсиз-да мени, а? – сўради аёл аста бош чайқаб.

– Кўйсангиз-чи эски дийдиёни! – қайириб ташлади йигит энги билан шляпасини сийпалай туриб.

– Росаям жонингизга тегиб кетибди-ку муҳаббат! Александр ўрнидан туриб, хонада тез-тез нари-бери бориб кела бошлади. Кўп ўтмай, пиқ-пиқ йиғлаш эшитилди.

– Шу етмай турувди ўзи! – деди қарийб ғазаб билан йигит аёл қаршисида тўхтаб, – шунча берган азобларингиз каммиди?

– Азоб берганмишман! – хитоб қилди Юлия ва баттар хўнграй бошлади.

– Буёғига чидолмайман! – деди Александр кетишга шайланиб.

– Бўлди, йиғламайман, йиғламайман энди! – апил-тапил кўз ёшини артди аёл, – мана, кўринг, йиғламаяпман, фақат кетмасангиз бас, ўтиринг.

Юлия жилмайишга ҳаракат қилар, бироқ ёноқларига кўзёш доналари дув-дув думаларди. Кўнгли юмшаган Александр ўтирди-да, оёқларини типирлата бошлади. У фикран ўзига-ўзи кетма-кет савол бераркан, охири кўнгли совигани, Юлияни севмаслигига амин бўлди. Хўш, нега? Ким билсин! Балки аёл уни кундан-кун кучлироқ севаётганидандир? Ё алҳазар! Зиддиятни қаранг-а! Бахт учун барча шарт-шароит мавжуд-ку ахир. Уларга ҳеч нарса тўғоноқлик қилмайди, ҳатто бошқа туйғу чалғитмаса ҳам Александрнинг кўнгли совиб кетса-я. О, ҳаёт! Хўш, Юлияни қандай овутиш мумкин? Ўзини қурбон қилсинми йигит? Юлия билан диққанафас, узоқ кунлар бирга бўлишига тўғри келади унда. Муғамбирлик йигитнинг табиатида йўқ, алдамаса, дақиқа сайин кўзёшларга чидаши, таънадашномлар эшитиб, Юлияни ҳам, ўзини ҳам қийноққа солиши керак... Баногоҳ амакисининг хиёнат ва кўнгилсиз бўлиш борасидаги назарияси ҳақида лутфан гапирса, аёл ҳеч нарсага қулоқ солмай, кўзёш қила бошлаши турган гап! Хўш, нима қилиш керак?

Александрнинг сукут сақлаётганини кўрган Юлия унинг қўлидан тутиб, кўзларига қаради. Йигит аста тескари ўтирилди-да, қўлини секин тортиб олди. У аёлга қўли текканидан ҳузурланиш эмас, аксинча, ижирғанди. Юлия бўлса баттар суйкаланаверди. Александр бунга жавоб қайтармай, янаям тундлашиб, ковоғи уюла борарди. Аёл шартта йигитдан қўлини тортди, унинг юзига қон тепганди. Унда аёллик ғурури, таҳқирланган нафсоният, ор-номус

шом тамаддиғига йўл олди. У уй тўғрисида эслашни ҳам хоҳламас, уйда нима кутаётганини биларди.

Дарҳақиқат, Александр уйга қайтар экан, стол устидаги мактуб билан эшик тагида уйқусираб турган хизматкорни кўрди. Хизматкорга тўра келмагунча ўриндан жилмаслиги тайинланганди. Мактуб таъна-дашном, тергашларга тўла, кўз ёши излари сезиларди. Эртасига йигит ўзини оқлашига тўғри келиб, иши чиқиб қолганини баҳона қилди. Улар базўр ярашишди.

Уч кундан сўнг Александр томонидан ҳам, аёл томонидан ҳам худди ўшандай қилиқ такрорланди. Кейин бу ҳол қайта-қайта давом этди. Юлия озиб кетган, ҳеч қаерга бормас, ҳеч кимни қабул қилмас, бироқ сукут сақлар, чунки йигитнинг дашномларидан қаттиқ хафа бўлганди.

Шундан икки ҳафта ўтгач, Александр ошналари билан базми жамшид куни белгилашга келишиб олди, аммо ўша куни эрталабоқ Юлия мактуб йўллаб, йигитдан кун бўйи у билан бирга бўлиши ва барвактроқ ташриф буюришини илтимос қилди. Аёл мактубида тоби қочгани, кайфияти йўқлиги, асаблари қақшаётгани ва ҳоказолар тўғрисида хабар қилганди. Александрнинг жаҳли чикса ҳам, аммо аёл ҳузурига борди-да, у билан бирга бўла олмаслиги, иши кўплигидан огоҳлантирди.

– Ҳа, бўлмаса-чи, Дюмэникида тушлик қилиш, театр кўрмоқ, тепаликларда сайр этишдай зарур ишларингиз бор-да... – кесатди Юлия.

– Бу қанақаси? – сўради Александр азбаройи ғазоби кўзиб, – оркамдан кузатиб юраркансиз-да, а? Йўл қўймайман бунга.

Йигит ўрнидан туриб, кетмоқчи бўлди.

– Сабр қилинг, қулоқ солсангиз-чи менга! – деди аёл, – гаплашиб олишимиз керак ахир.

– Вақтим йўқ.

– Сал шошманг, ўтиринг.

Александр истамайгина курсининг бир четига ўтирди.

Юлия қўлларини қовуштирганча йигит қиёфасида ҳозирги гапига олажак жавобни олдиндан илғамоқчидай Александрга жонсарақ тикилди.

Йигит турган ерида тоқатсиз тўлғанарди.

– Айта қолинг гапингизни тезроқ! Вақтим зик! – деди у қуруққина.

жунбишга келганди. Юлия бошини кўтариб, гавдасини ростларкан, надоматдан кип-қизариб кетди.

– Холи кўйинг мени! – деди у нафаси тикилиб. Александр бажонидил шартта нари йўналди. Бироқ кадам шарпаси тина бошлаган эди ҳамки, аёл унинг ортидан шошилди.

– Александр Фёдорич! Александр Фёдорич! – кичкирди сўнгра. Йигит изига қайтди.

– Нега кетяпсиз?

– Ўзингиз хайдадингиз-ку ахир.

– Қутулдим деб хурсанд бўлибсиз-да? Кетманг.

– Вақтим йўк!

Аёл Александрнинг кўлини ушлади. Яна мулойим, ёник сўзлар, илтижолар ёғилди, кўз ёши килинди. Йигитнинг на нигоҳи, на гап-сўзи, на ўзини тутишида заррача ачиниш сезилмас, у парвойи фалак, гавдасини бир оёғидан иккинчи оёғига ташлаб турарди: Александрнинг лоқайдлиги суяк-суягидан ўтиб кетган Юлия пўписа килди, таъналар ёғдирди. У ҳозир сираям ройиш, ювош Юлияга ўхшамасди. Аёлнинг зулфлари тўзғиган, чўғ кўзлари саросимали ялтиллер, ёноклари бўғрикиб, чехраси хунук бўлиб кетганди. «Бунчаям бадбашара бўлмаса!» – деб қўйди ичида йигит афтини бориштириб.

– Сиздан ўч оламан, – деди Юлия, – аёл тақдирини ўйинчоқ деб ўйласангиз керак-да, а? Хушомад, муғамбирлик билан қалбимга чанг солиб, ихтиёримни ўғирладингиз, сизни унутолмас қўйга тушганимда ташлаб кетяпсиз... Йўк! Тинч қўйиб бўлман сизни. Қаерга борманг, орқангиздан соядай эргашиб юраман. Мендан ҳеч қаерга қочиб қутулолмайсиз. Қишлоққа кетсангиз ҳам, хорижга жўнасангиз ҳам, қай жойга борманг, ҳамиша ўша ерданман. Бахтимдан осонликча ажрамайман. Менга барибир, нима бўлса пешонамдан... бошга тушганни кўз кўрар. Аммо сизнинг ҳаётингизни ҳам заҳарлаганим-заҳарлаган: ўч, ўч оламан. Хойнахой кундошим бор бўлса керак! Йўқса, айнимасдингиз мендан... кўрарсиз, ўша кундошимни топаману, одам бўлганингизга пушаймон едираман! Қанийди-я, ҳалок бўлганингизни эшитсам ҳозир... ўзимоқ ўлдиришга тайёрман сизни! – кичкирди Юлия ваҳшиёна овозда.

«Накадар тентаклик! Бемаънилик!» – дея ўйларди Александр кифт қисганча.

Дандагаю асьасалар кор қилмаганини кўрган Юлия бирдан ювош, маъюс тортиб, йигитга жимгина боқди.

Раҳмингиз келса-чи менга! – тилга кирди ниҳоят тагин аёл, – ташлаб кетманг бир асирангизни: сизсиз ҳолим нима кечади? Айрилиққа чидай олмайман. Ўлганим яхши бу кунимдан! Тушунинг ахир, аёллар эркакларга қараганда бошқачарок: назокат билан астойдил севишади. Аёллар учун муҳаббатдан улуғ нарса йўқ, айникса, мен учун. Бошқалар ноз-истиғно қилишади, чароғонлик, шов-шув, гавжумликни ёқтиришади. Менга осойишталик, овлоқ жой, китоблару мусиқа бўлса бас, аммо сизни дунёдаги ҳамма...

Александрнинг токати тоқ бўлганди.

– Хўп, яхши, севмай кўя қолинг мени, – берилиб давом этди Юлия, – аммо ваъда бўйича менга уйланиб, ёнимда бўлинг... ихтиёрингиз ўзингизда, қўнглингиз нима тусаса бемалол, ҳатто кимни хоҳласангиз севишингиз мумкин, фақат сизни баъзида, гоҳ-гоҳ кўриб турсам бас... Худо ҳаққи, раҳм қилинг менга!..

Аёл йиғи таъсирида гапини давом эттиролмай қолди. У ҳаяжондан ҳолсизлангани сабабли, диванга куларкан, кўзларини юмди, титроқ лаблари қийшайиб кетди. Юлия жазавага тушиб қолганди. Бир соатлардан сўнг аёл хушёр тортиб, ўзига келди. Юлиянинг ёнида оксоч аёл парвона бўларди. У атрофга назар ташлагач: «Қани, қаерда?...» – дея сўради.

– Тўра жўнаб кетдилар!

– Жўнаб кетди! – такрорлади кайфиятсиз киёфада Юлия ва анча вақтгача тош қотганча ўтириб қолди.

Эртасига Александр номига мактуб кетидан мактуб кела бошлади. Йигит Юлиятаникига бормади ҳам, мактубларга жавоб қайтармади ҳам. Учинчи, тўртинчи кун ҳам худди шундай бўлди. Юлия муҳим иши борлигини айтиб, Пётр Ивановичга мактуб йўллади. У Пётр Ивановичнинг рафиқасини хуш кўрмас, чунки Лиза Александровна ёш, кўҳликкина бўлиб, устига-устак Александрнинг келинойиси эди.

Пётр Иванович ташриф буюрганида Юлия анчагина бетобланиб ётарди. Адуев Юлиянинг хузурида икки соатча бўлгач, Александраникига йўл олди.

– Жудаям муғамбир чикиб қолдинг-ку! – деди Пётр Иванович.

– Нима, нима? – сўради Александр.

– Қаранглар, ўзини ҳеч нарса билмасликка олади-я! Аёл севгисини расмана қозона олмайди-ку, ўзи муҳаббатдан жинни бўлибди.

- Гапингизга тушунмадим, амакижон...
- Нимаси тушунарсиз бунинг? Жудаям яхши тушуняпсан-да! Тафаеваникида бўлдим, у ҳаммасини айтиб берди.
- Қандай қилиб? – ғудранди Александр қаттиқ хижолат бўлиб, – ҳаммасини айтибди-да!
- Ҳаммасини. Сени қандай севишини ҳам айтди. Бахтли экансан! Нукул эхтирос йўқлигидан йиғлардинг. Ана сенга эхтирос, хотиржам бўлавер! Хониминг эсини йўқотиб қўйган, рашк қияпти, йиғлайди, ўзини қўярга жой тополмаяпти... Лекин нега мени аралаштиряпсизлар бу можаронгларга? Аёллар билан ўралаштириб қўйганингни қара мени, шу етмай турувди ўзиям, эрталабдан бери вақтим бекор кетди. Нима юмуш борийкин, васийлик кенгашига мулк топширилса керак, деб ўйлагандим... Юлиянг бир куни гапиргандай бўлувди... Ҳолбуки бунақа иш экан, қойил-е!
- Нега бордингиз уникига?
- Чақиртирди мени, сендан шикоят қилди. Дарҳақиқат, бунчалар эътиборсизлик қилишга уялмадингми? Тўрт кун қорангни кўрсатмабсан, ҳазилми бу? Бояқиш адоий тамом бўлибди-ку! Бор тезроқ ҳузурига, бўл...
- Хўш, нима дедингиз унга?
- Бор гапни айтдим, у ҳам сизни қаттиқ севади дедим. Анчадан бери нозик қалб соҳибасини излаётганинг, сенга самимий изҳори дил бениҳоя ёқиши, севгисиз яшай олмаслигингни айтдим. Ташвишланишингиз беҳуда, у қайтиб келади, дедим. Сени жудаям тушовга олмаслиги, гоҳо шўхлик қилишинггача йўл қўйишини маслаҳат қилдим... йўқса, бир-бирингларнинг жонларингга тегиб кетишингларни тушунтирдим... Хуллас, бундай пайтда нима керак бўлса, барини гапирдим. Маъшуқангнинг кайфияти кўтарилиб, роса сайради, тўйинглар бўлиши кераклигини айтди, бу орада хотиним ҳам гапга аралашди-ю, мен бутунлай четда қолиб кетдим! Хўп, илож қанча, айтганлари келсин! Бу аёлда нимадир бор, яшаб кетасизлар. Хонимингга сен албатта ваъдангнинг устидан чиқишингни айтдим... Менга кўрсатган хизматларинг боисидан астойдил ҳаракат қилдим, Александр... уни сен *нақадар оташин, нақадар назокатли севишингга*¹ ишонтирдим.

¹ А.С. Пушкиннинг «Мен сизни севардим...» шеърдан.

– Қилган ишингизни қарангу, амакижон! – ранжиди Александр киёфаси ўзгариб, – мен... мен уни ортиқ севмайман-ку!.. Уйланиш-ни ҳам хоҳламайман!.. Кўнглим муздай совиган!.. Унга уйланган-дан кўра... ўзимни... сувга...

– Во ажабо, во ажабо! – деди Пётр Иванович сохта ҳайрат билан, – наҳотки шу гапни сендан эшитаётган бўлсам? Ёдингдами, инсонлардан, айниқса аёл зотидан нафратланаман, дунёда менга арзирли қалб йўқ дегандинг?.. Яна нима девдинг?.. Янглишмасам...

– Худо ҳаққи, бошқа гапирманг, амакижон, ҳозирги таъна ҳам старли, ҳадеб танбеҳ бераверишдан нима ҳожат? Мени тушунмайди деб ўйлайсиз-да... О, одамлар! Одамлар!

Йигит тўсатдан хоҳолаб юборди, амакиси ҳам унга қўшилишди.

– Ҳа, бу бошқа гап! – деди Пётр Иванович, – ҳали ўз устингдан ўзинг куласан дегандим, мана, айтганим келди...

Яна иккалалари хоҳолаб қулишди.

– Хўш, айт-чи, – давом этди Пётр Иванович, – анавининг ҳақида қандай фикрдасан энди... исми нимайди?.. Пашеньками, ортиғи бор-чи?

– Буниси инсофдан эмас, амакижон!

– Йўғ-э, шунчаки айтяпман, ҳалиям нафратланиш-нафратлан-маслигингни билмоқчиман холос ундан.

– Худо ҳаққи, бас қилинг, яхшиси, мушкул аҳволдан қу-тулишимга ёрдам берсангиз бўларди. Доносиз, ҳамма нарсага ақлингиз етади...

– Ҳа! Энди мақтов, хушомад эшитарканмиз-да! Йўқ, бир уй-ланиб кўр.

– Сираям-да, амакижон! Ўтиниб сўрайман, ёрдамлашинг!..

– Худди айтганим бўлди, Александр: яхшиямки, найрангла-рингни олдиндан пайкаганим...

– Анчадан бери пайкаб юармидингиз?

– Ҳа, ҳарқалай, хушторлик қила бошлаганингданок.

– Сизга та tante айтган бўлсалар керак.

– Жудаям унчалик эмас! Унга мен айтдим. Бунинг нимаси муш-кул? Қиёфанга қараб ҳам пайқаса бўларди. Майли, руҳинг тушма-син, аллақачон ёрдамим тегди сенга.

– Қандай қилиб? Қачон?

– Бугун эрталабоқ. Ташвишланма: Тафаева энди безовта қил-майди...

– Қандай кўндирдингиз? Нима дедингиз унга?
– Гапириб адо қилиб бўлмайди, Александр! Зик бўлиб кетасан.

– Ким билсин, нималар деганикинсиз унга. Нафратланади, жирканади у мендан...

– Барибир эмасми? Уни тинчлантирдим бас-да, сенинг уни севолмаслигинг, овора бўлишга арзимаслигингни айтдим...

– У-чи, у нима деди?

– Ташлаб кетганингдан ҳатто хурсанд ҳам.

– Ёпирай, хурсанд! – деди Александр ўйчан қиёфада.

– Ҳа, хурсанд.

– Унда пушаймон, хафа бўлиш ҳам сезмадингизми? Унга барибирми? Сираям ишониб бўлмайди-ку!

Александр безовта бўлганича у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

– Хурсанд, хотиржам эмиш! – таъкидлади у, – маъзур тутасиз! Ҳозирок хузурига бораман.

– Оббо одамлар-ей! – хайратланди Пётр Иванович, – оббо кўнгилчанлар-ей, кўнглинг майли билан яшайвер, охири яхши бўлади! Унинг одам юбориб, олиб кетишидан хавотирланган сен эмасмидинг? Ёрдам сўраган ўзинг эмасмидинг? Энди бўлса, у сендан ажрагани учун қуйиб-пишмаганига безовталанияпсан.

– Хурсанд, мамнун эмиш! – деди Александр хонада дам нари, дам бери одимларкан, амакисининг гапини тингламай. – Тушунарли, у мени севмаган ҳам! Хафаям бўлмапти, кўз ёшиям қилмабди. Йўқ, уни кўришим керак.

Пётр Иванович кифтларини қисди.

– Нима десангиз денг-ку, лекин буни шундайлигича қолдиrolмайман, амакижон! – қўшимча қилди йигит шляпасига ёпишиб.

– Яхши, бор тагин хузурига, унда умуман ажралолмай коласан, кейин бўйнимга осилма, мутлақо аралашмайман: ҳозир ҳам ўзим сени шу аҳволга солиб қўйганим учун аралашгандим. Хўп, бўпти, нега яна қовоқ-тумшугинг осилиб кетди?

– Одам бўлганимдан номус қиялпман!.. – деди Александр хўрсиниб.

– Иш билан машғул бўлмаганимдан ҳам де, – луқма ташлади амаки. – Бас қил! Бугун бизникига кел, овқат пайти саргузаштинг устидан куламиз, кейин заводга жўнаймиз.

– Қанчалар майда, пасткаш эканман! – надомат чекди Александр хаёлчан, – қалб деган нарса йўқ менда! Ночор, маънан кашшоқ эканман!

– Ҳаммаси муҳаббат сабабли! – гапни бўлди Пётр Иванович. – Бўлмағур машғулот, қўй, Сурковга ўхшаганлар шуғулланаверсин ўша ишқ-муҳаббати билан. Сен қўлидан иш келадиган йигитсан, муҳимроқ нарсага бош қотирсанг-чи. Етар аёллар кетидан югура-веришинг.

– Ўзингиз ҳам хотинингизни севасиз-ку ахир?

– Ҳа, албатта. Хотинимга жудаям кўникиб қолганман, аммо бу ўз ишим билан шуғулланишга ҳалакит бермайди. Хўп, омон бўл, келарсан бизникига.

Александр хижолат чекканча руҳсиз ўтириб қолди. Шу пайт этик пойларини қўлларига кийгизган Евсей яқинлашди.

– Буни қаранг, тўрам, – деди у ялтоқланиб, – чарми қандай ажойиб, мойланса, кўзгудай яраклайди, нархи бор-йўғи икки ярим сўм холос.

Александр сергакланиб, беихтиёр этикка, сўнгра Евсейга боқди.

– Йўқол! – деди у, – галварс!

– Қанийди кишлокқа жўнатсак... – тагин оғиз жуфтлади Евсей.

– Йўқол, дедим, йўқол кўзимдан! – ўдағайлади Александр қарийб кўз ёши аралаш, – жонимга тегиб кетдинг нақ гўрга тикасан мени этигинг билан... сен ваҳшийсан!

Евсей дарҳол ўзини ташқарига урди.

IV

– Нега Александр бизникига кирмай қўйдийкин? Уни уч ойдан бери кўрмайман, – сўради бир куни Пётр Иванович хотинидан қаердандир уйига қайтиб.

– У билан бошқа кўришмасак керак деб қўйдим ўзимча, – жавоб қайтарди Лизавета Александровна.

– Нима гапикин? Ё тагин ошиқ бўлиб қолдимикин?

– Қайдам.

– Соғми ўзи?

– Соппа-соғ.

– Илтимос, мактуб ёзсанг. У билан гаплашишим зарур. Хизмат жойларида тагин ўзгариш бўлди, ўйлашимча, у беҳабар шекилли. Ҳайронман, шунақаям беғам одам бўладими.

– Ўн мартача мактуб ёздим, чақиртирдим. Вақтим йўқ, деб жавоб қайтарди, холбуки ўзи қандайдир ишқибозлар билан шашка ўйнарниш ёки балиқ овлармиш. Яхшиси, ўзинг бора қол, нима бўлганини билиб қайтасан.

– Йўқ, боргим келмаяпти. Бирортасини юбора қоламиз.

– Келмайди Александр.

– Юбориб кўрайлик-чи.

Юборилган одам кўп ўтмай қайтиб келди.

– Хўш, уйда эканми? – сўради Пётр Иванович. – Уйда эканлар. Салом айтиб юбордилар.

– Нима қилаётган экан?

– Диванда ётибдилар.

– Нега энди, шу маҳалда-я?

– Эшитишимча, тўра доим ётганлари-ётган экан.

– Нима, ухлаб ётиптими?

– Асло ундай эмас. Олдиниға ўзим ҳам ухлаётган бўлсалар керак деб ўйлагандим, аммо кўзлари очик, шифтга тикилганча ётибдилар.

Пётр Иванович кифтларини қисиб қўйди.

– Келадими бу ерга?

– Асло йўқ. «Салом айтиб қўй, амаким кечирсинлар: соғлиғимнинг мазаси йўқроқ», – дедилар. Сизга ҳам салом деб қўйишимни буюрдилар, бекам.

– Нима бўлдийкин тагин унга? Ана машмашаю мана машмаша! Хўп яратилган-да ўзиям! Отлар аравадан чиқарилмасин. Илож қанча, бориб келишимга тўғри келади. Аммо бу сафар охиргиси бўлади.

Пётр Иванович етиб борганида Александр диванда ётарди. Йигит амакиси кириб келганини кўриб, ўрнидан туриб ўтирди.

– Нима, тобинг йўқми? – сўради Пётр Иванович.

– Шунчаки, ҳалиги... – жавоб қайтарди Александр ҳомуза тортиб.

– Нима билан бандсан?

– Ҳеч нарса билан.

– Бекордан-бекор ўтираверасанми?

– Ўтиравераман.

– Эшитишимча, бугун Иванов истеъфога чиқаётган экан, Александр.

- Ҳа, чиқяпти.
- Унинг ўрнини ким эгаллайди?
- Эшитишимча, Иченко.
- Хўш, сен-чи!
- Менми? Ҳеч нарса.
- Ҳеч нарсанг нимаси? Нега сен эгалламаслигинг керак экан?
- Лозим топишмаяпти. Илож қанча, тўғрисиям муносиб эмас-

ман.

– Менга қара, Александр, бир уриниб кўриш керак. Директор хузурига боришинг лозим эди.

– Йўқ, – деди Александр бош чайқаб.

– Сенга барибир шекилли, а?

– Барибир.

– Ўйласанг-чи, ахир сени учинчи марта четга суриб қўйиш-япти.

– Фарқи йўқ, суришса, суриб қўяверишин!

– Мана кўрасан, собиқ ёрдамчинг сенга буйруқ бера бошласа ёки у кириб келганида ўрнингдан туриб таъзим бажо этишга мажбур бўлганида ҳолинг нима кечаркин.

– Нима бўпти, ўрнимдан туриб, таъзим бажо этаман вассалом.

– Нафсониятинг-чи?

– Нафсоният йўқ менда.

– Лекин яшашдан бирор мақсадинг бордир ахир?

– Ҳеч қандай мақсадим йўқ. Бор бўлса ҳам энди йўқ.

– Мумкин эмас: бир мақсаднинг ўрнини иккинчиси эгаллайди. Нега энди сенда ўтиб кетгану бошқаларда бор экан? Ҳали эрта шекилли, ўттизга ҳам кирмадингу...

Александр кифтини қисиб қўйди.

Пётр Иваничнинг суҳбатни давом эттиришга иштиёқи қолмаганди. У жиянининг қилмишини инжиқликка йўярди. Бироқ уйга қайтгач, хотини албатта сўроққа тутишини билгани учун истамайгина гапни давом эттирди:

– Бирор нарса билан шуғулланганинг, одамларга қўшилганинг маъкулмиди, лоақал китоб ўқи.

– Ўқигим йўқ, амакижон.

– Сен ҳақингда анави... нимайди... ишқ жинниси бўлиб қолибди, деган гаплар юрипти, ким билсин, аллақандай савдойилар билан ош-қатиқмишсан... Мен учун уят бу гапларни эшитиш...

– Майли, оғизларига сиққанча гапираверишсин.

– Менга қара, Александр, ҳазилни қўй. Булар бари майда гаплар. Кимлар билан улфатлашишинг ихтиёринг. Масала одамларга қўшилиш-қўшилмаслигингда ҳам эмас. Аммо бошқалар қатори сен ҳам бирор мансаб поғонасига кўтарилишни эсда тут. Шу ҳақда ўйлайсанми ёки йўқми?

– Нега ўйламас эканман, мансабга эришиб бўлганман.

– Қандай қилиб?

– Мен фаолият чегарасига чизик тортиб қўйганман, энди шу доирадан ташқари чиқишни истамайман. Бу ўринда ўзимга-ўзим хўжайинман: менинг мансабим шу.

– Танбаллик бу...

– Эҳтимол.

– Ҳозирча куч-қувватинг бор экан, бекор юрмай, бирор ишнинг бошини тутишинг керак. Қани, айт, нима иш қилгансан?

– Бекор юрганим йўқ. Ҳеч ким мени тараллабеодод юришда айбололмайди. Эрталаб хизматдаман, имкониятдан зиёд тер тўкиш эса ортиқча зийнат, ноўрин мажбуриятдир. Нега куйиб-пишаверишим керак?

– Ҳамма бирор мақсадда куйиб-пишади. Бировлар кучи борича ишлашни бурч деб биладилар, бошқалар пул вазидан, учинчилар иззат-икром йўлида ҳаракат қилишади... Сенинг бирор ортиқча жойинг борми улардан?

– Иззат-икром, пул! Айниқса пул! Нима зарурати бор пулнинг? Тўкман, уст-бошим бут, зориқиб қолган жойим йўқ.

– Ҳозирги уст-бошинг бир ҳолат, – эътироз билдирди амаки. – Нима, фақат ўзингга маъқул бўлса басми?

– Ҳа, бас.

– Аклий ва руҳий лаззат, санъат зеб-зийнати аслида... – Александрнинг фикрини давом эттиришга шошилди Пётр Иванович. – Сен олға босишинг мумкин, вазифанг юксақ, бурчинг олижаноб меҳнат сари чорлайди... Юксакликка интилиш ёдингдан чиқдими?

– Жин урсин! Жин урсин ўша интилиш-минтилишини! – деди тоқатсизланиб Александр. – Сиз ҳам ярашмайдиган гап қиладиган бўлиб қолибсизми, амакижон! Олдинлари айтмасдингиз бундай гапларни. Менга жон куйдирыпсизми ё? Бекорга овора бўласиз! Эсингиздами юксакка интилганларим? Хўш, оқибати нима билан тугади?

– Тўсатдан, бир йўла министр бўлгинг, кейин ёзувчиликни орзу қилиб қолганинг ёдимда. Юксак ном қозониш учун олис ва машаққатли йўлни босиб ўтиш зарурлигини билдинг (ёзувчи одамда эса истеъдод бўлиши керак) дарҳол шаштингдан қайтдинг. Сенга ўхшаш олий мақсадни кўзлаганлар бу ерга кўплаб келишади, аммо улар оёқлари остидаги нарсани кўтариб ҳам қўйишмайди. Қоғоз ёзиш зарурати туғилиб қолса, суяқлари йўк... Буни сен тўғрингда айтмаяпман: сен заҳмат чекишга қодирлигинг, вақти келиб зарур кимса бўлишинг мумкинлигини исботладинг. Ҳа, чидам билан, узоқ кутиш керак. Бизга ҳамма нарса дарровдаёқ бўлса. Иш юришмагандики, қовоқ-тумшуғимиз осилиб кетди.

– Юксакликка интилишни хоҳламайман. Қандай бўлсам, шундайлигимча қолмоқчиман. Наҳотки ўзимга-ўзим машғулот танлашга ҳуқуқим бўлмаса? Машғулотим қобилятимдан паст ёки йўқлигининг нима зарари бор? Хизматимни ҳалол ўтаётган эканман, демак, бурчимни бажаряпман. Майли, мени юксакликка интилишга ноқобил ҳисоблай қолишсин: гарчи бу ҳақиқат бўлсада, заррача ранжимасдим. Камтарона қисматда поэзия бор деган ўзингиз-ку, ҳозир бўлса мени энг камтарона қисмат танлаганим учун қойиापсиз. Ўзим хоҳлаб, бир неча поғона пастга тушиб туришимни ким ман эта олади? Баланд мартабани хоҳламайман, эшитяпсизми, хоҳламайман!..

– Эшитяпман! Кармасман-ку, лекин гапларингнинг бари қуруқ сафсата.

– Зарари йўк. Мана, ўз ўрнимни топдим ва шу ўрнимда умрбод ўтирганим-ўтирган. Оддий, жўн одамларни топдим, улар кўп ҳам ақлли бўлишмаса садқайи сар, ўшалар билан шашка ўйнайман, балиқ тутаман, ажаб қиламан ҳам! Майли, сизнингча бунинг учун жазоланай, майли, сизга нечоғли хуш ёкиш, мукофотлар, пул, иззат-икром, эътибордан маҳрум бўлай. Абадулабад рад этаман...

– Александр, сен ўзингни ҳамма нарсага парвосиз, лоқайд кўрсатмоқчи бўляпсан, сўзларинг эса ҳасратга тўла: гапириш эмас, йиғлаётганга ўхшайсан. Дилинг тўла алам, кимдан алам олишни билмайсан, чунки айбдор ёлғиз ўзингсан.

– Жуда соз! – деди Александр.

– Истагинг нима ўзи? Одам бирор нарсани хоҳлаши керак эмасми?

– Ўзимнинг авом доирамда бўлишимга ҳалакит бермасликларини, ҳеч нарсанинг ташвишини қилмасликни, осойишталик бўлишини истайман.

– Шу ҳам ҳаётми?

– Менимча, сиз яшаётган ҳаёт ҳаёт эмас, бинобарин, мен ҳам ҳақман.

– Сен ҳаётни ўзингча ўзгартирмоқчи бўляпсан. Жон, кошкийди-я ўзгартиролсанг. Билишимча, сенга қолса, гулзор орасида ошиқ-маъшук жуфтлар сайр этиб юришса...

Александр ҳеч нима демади.

Пётр Иванич ҳам индамайгина жиянига қаради. Йигит яна озиб кетибди. Кўзлари лак-лак чўккан. Ёноқлари билан пешонасида барвақт ажинлар пайдо бўлибди.

Амаки қўркиб кетди. У руҳий изтиробларга кам ишонар, аммо Александрнинг бунчалар ўкинчли кайфияти бирор жисмоний дард нишонаси эмасмикин, дея хавотирланди. «Йигитнинг ақлдан озиши тайин, – ўйларди у, – ана унда онасидан қутулиб бўладими, хат ёзгани-ёзган! Ўзи зув етиб келиши ҳам ҳеч гап эмас».

– Кўриб турибман, Александр, умидсизликка тушиб қолибсан, – деди Пётр Иванич.

«Қандай бўлмасин чалғитиш, ўша, ўзи ёқтирган машғулотларига қайтариш даркор, – ўйларди у. – Қани бир азмойишини олиб кўрай-чи...»

– Менга қара, Александр, – деди Пётр Иванич, – жудаям аянчли-ку аҳволинг. Ўзингни қўлга ол. Яхши эмас! Нима зарур сенга? Эҳтимол баъзида муҳаббат, дўстлик хусусида беписанд айтган гапларимни кўнглингга қаттиқ олгандирсан. Ҳазиллашиб айтардим-ку ахир. Мақсадим, сени маъқул замонамизга ярашмайдиган ҳавойиликдан асраш эди. Айниқса модалару эҳтирослар каби меҳнату роҳат-фароғат ҳам бир қолипдаги, ҳамма нарса ўлчаниб, анланган, баҳо берилган... бари нарса чекланган Петербургда ҳавойилик кетмайди. Умумий тартибга ёлғиз, ошкора риоя қилмасликнинг нима ҳожати бор? Наҳотки мени бағритош, севгини тан олмайди деб ўйласанг? Муҳаббат – бу ажиб туйғу, икки қалб қовушишидаги, ёки масалан, дўстликдан муқаддас нарса йўқ... Иччимдан аминманки, туйғу доимий, умрбод бўлмоғи лозим...

Александр қулиб юборди.

– Нега куласан? – сўради Пётр Иванич.

– Бўлмағур, номаъкул гап қиялсиз, амакижон. Сигара келтиролмайсизми? Чекардик, сиз гапираверасиз, мен бўлсам тинглайман.

– Нима бўлди ўзи сенга?

– Шунчаки, ўзим. Лақиллатмоқчисиз-а! Ҳолбуки, бир вақтлар мени дурустгина одам дегандингиз! Ўйинчоқ қилиб ўйнамоқчисиз мени, шуниси алам қилади! Умрбод ўсмирлигимча қолмайман-ку, ахир. Ўтаган мактабим мени унча-мунчага ўргатди. Росаям ваъзга берилиб кетдингиз-е! Нима, менинг кўзим йўқми? Сиз масхарабозлик қилдингиз, мен кузатиб турдим.

«Қўлимдан келмайдиган ишга уринибман, – деб қўйди ичида Пётр Иванович, – Александрни хотинимнинг ҳузурига юборганим маъкул».

– Бизникига бор, – деди у, – келинойингнинг зарур иши бор экан сенда.

– Боролмайман, амакижон.

– Уни унутиб юборишинг яхшими?

– Эҳтимол унутиш жудаям қийин бўлар, аммо худо ҳаққи, кечиринг, ҳозирча кутманглар мени. Пича сабр қилинглар, кейинроқ борарман.

– Майли, ихтиёринг, – деди Пётр Иванович. Сўнгра қўл силкидида, уйига жўнади.

У хотинига Александрдан ҳафсаласи пир бўлганини айтаркан, майли, буёғига билганини қилсин, мен қўлимдан келганини қилдим, қўлимни ювиб, қўлтиғимга урдим, деди.

Александр Юлиядан кутулгач, кайф-сафо қўйнига шўнғиди. У машҳур шоиримиз сатрларини такрорлагани-такрорлаганди:

Шодлик қулган ёкқа юр кетамиз, юр,
Эрмақлар довули унда сершитоб
Унда яшамаслар, ёшлик ва умр –
Ки, қувноқ даврада этилгай исроф.
Сохта хушбахтликдан бўларман сархуш,
Арзон орзуларни кўнглим кўргай хуш.
Тақдирга тан бериб, ичарман шароб,
Қалбимни ташвиш-ла ювош этарман,
Хаёл парвозига йўл қўймасман, йўл,
Осмоннинг ложувард мавжига асло
Кўзим тушмагани маъқулроқ бўлур

ва ҳ. к.¹

¹ Р. Абдурашид таржимаси.

Дўст-жўралар давраси таркиб топди, турган гапки, жом ҳам тинмасди бу даврада. Улфатларнинг терчираган сархуш юзлари, локланган этиклари ялтиларди. «Йўқолсин ғам-кулфат, – хитоб қилишарди айшдагилар шодон, – йўқолсин ғам-ташвиш! Сарф-лаймиз, совурамиз, кул қиламиз, ҳаёт ва ёшлик учун ичгаймиз! Ура!» Қадаху шишалар шақир-шукур полга улоқтириларди.

Эркинлик, базму жамшидлар, тараллабедод кунлар таъсирида Александр маълум муддат Юлия ҳамда ҳасрат доғини унутди. Аммо унинг ҳаёти бир хилда кечар, ўша-ўша рестораторларда тамадди қилиш, ўша-ўша кўзлари қарахт одамлар билан отамлашиш эди. Кун сайин суҳбатдошларнинг ўша-ўша аҳмоқона, маст-аласт валдирашлари. Устига-устак доимий ошқозон оғриғи: йўқ, бу унга тўғри келмайди. Жисман ва руҳан маъюслик, ғамгинликка мойил Александр бундай ҳою ҳавасларга дош беролмади.

У хушчақчақ даврадаги қизгин ўйинлардан қочиб, унутилган китоблар терилган осойишта хонасида пайдо бўлди. Аммо китоблар кўлидан тушиб кетаверди, қалам илҳомга бўйсунмасди. Шиллер, Гёте, Байронлар Александрга инсониятнинг қусурларинигина кўрсатишар, йигит ёрқин жиҳатларни илғамас, илғаш ҳолида ҳам эмасди.

Бир вақтлар Александр бу хонада ўзини нечоғли бахтиёр сезарди! У ёлғизмасди, ёнидаги ҳамроҳ – ажиб шарпа кундузги севимли ишига кўмаклашар, тунда боши узра сергак турарди. Ўша пайтлар орзулари оламжаҳон, келажаги туман билан чулғанган, аммо у туман, ёғингарчилик нишонаси янглиғ оғир эмас, балки нурафшон субҳидам шафағи юзидаги парда эди. Ўша туман ортида нимадир яширинган, балки бахт эди шекилли... Энди-чи? Хонасигина эмас, балки унинг учун бутун дунё бўшаб қолган, вужуди дилдирар, ҳасрат билан чулғанганди...

Йигит ҳаётга боқиб, қалби, тафаккурига мурожаат этар экан, даҳшат ичра ҳеч қаерда бирор орзу, бирор ёрқин умид қолмаганини туйди. Ҳаммаси ортга чекинган, туман тарқаганди. Истикболда дашт каби тақир борлиқ ястаниб ётибди. Ё, парвардигор! Нақадар ҳад-худудсиз бўшлиғ-а! Дилгир, ғамнок манзара! Ўтмиш барҳам еб, келажак маҳв этилган, бахтдан ном-нишона йўқ. Бари чиппакка чиққану, сен бўлсанг яшайвер!

Александр нимани исташини ўзи ҳам билмасди: хоҳламаган нарсаси эса, эҳ-ҳе, оламжаҳон!

Бошини гўё туман чулғаб олгандай. Ухламаяпти-ю, лекин худди карахтга ўхшайди. Калласида нохуш фикрлар саф тортган. У ўй суради.

«Уни нима жалб эта олиши мумкин. Мафтункор умидлар, беғамликми, асло! Йигит келгусида нелар кутаётганини биларди. Хурмат-эхтиром, шон-шуҳрат йўлидаги интилишларми? Булар унга ҳеч нарса бермайди. Арзимас йигирма, ўттиз йил учун балиқдай музга калла кўйиш зарур келибдими? Бу қалбни илтидими? Қаршингда ер баравар таъзим этмиш бир неча одам эҳтимол ичида: «Жин чалсин сени!» – дея ўйлашидан юрак қувонармикин?

Муҳаббатми халоскор? Шу етмай турувди ўзиям! Александр муҳаббатни беш қўлдай яхши билади, севиш қобилятини ҳам йўқотиб бўлган аллақачон. Шу пайт худди атайлабдай ройиш хотирида Наденька жонланди, жонланганда ҳам бегуноҳ, соддадил Наденька эмас – Александр у Наденькани ҳеч қачон эсламасди – балки дарахтлар, йўлка, гуллар аро таниш ва маразона жилмайиши, тантиғона нозланишу уялинқирашини бошқа одамга атаган айнан бевафо Наденька жонланаркан, йигит инграб, юрагини чангаллади.

«Дўстлик, – деб ўйлади у, – бошқа бир бемаънилик! Ҳаммаси бошдан кечирилган, сира янги жиҳати йўқ, ўтмиш эса такрорланмайди, сен бўлсанг яшашинг керак!»

Александр ҳеч кимга ва ҳеч нарсага ишонмас, роҳат-лаззатланишда ҳаддидан ошмасди. Иштаҳасиз одам ҳар қандай хушхўр таомга лоқайд, совуқ муносабатда бўлгани каби Александр учун ҳам роҳат-лаззатланиш бефарқ бўлиб, – у оромдан кейин дилхунлик бошланиши, кемтик кўнгилни ҳеч нарса тўлдиролмаслигини биларди. Туйғуга берилиш алданмоқликдир, бу фақат дилни ўртади, дард устига чипқон бўлади холос. Александр муҳаббат домидаги, ҳайратдан масрур кимсаларга қараб, истехзоли жилмаяр ва ўзича фикрга толарди: «Ҳовлиқманглар, эсингларни йиғинглар: илк хуш-бахтликдан сўнг рашк, ярашув машмашалари, кўзёш тўкиш бошланади. Бирга яшаганларинг ҳолда ўлгудай бир-бирларингнинг жонларингга тегиб кетасизлар, ажралишаётиб олдингидан кўпроқ йиғи-сиғи бўлади. Қайта қовушсанглар, яна бешбаттар бўлади. Телбалар! Узлуксиз уришишади, бир-бирларига терсайишади, рашк қилишади, сўнгра кейинчалик тагин қаттиқ жанжаллашмоқ учун қисқа муддатга ярашишади. Мана шу уларнинг муҳаббатлари билан садоқатлари! Шунча борди-келдиларни ҳам оғиз кўпиртириб,

гоҳо кўзлари тўла аянчли ёш билан астойдил *бахт* деб аташади! Аслида сизларнинг аҳиллигинглар... *итларнинг суяк ташилангунча бўлган аҳиллигидир!*»¹

Александр истакдан чўчир, чунки у исталган нарсага эришилаётган пайтда тақдир кўлдаги бахтни тортиб олиб, эвазига мутлақо бошқа, сираям хохламаган, арзимас нарсани рўқач қилишини биларди. Бордию қисмат агар истакка эриштирган тақдирда ҳам олдин роса қийноққа солади, бақрайтириб нафсониятингни топтайди. Худди суяк кўрган ит кўйига тушасан: аввал устухон сари судрала-судрала эмаклаб яқинлашасан-да, термула бошлайсан, суякни тумшугинг ёнида тутиб туришади, сакраб-сакраб қўясан, охири орқа оёқларингга тиккаясан, шундан кейингина «Ол, бос!» дейишади.

Йигитни ҳаётдаги бахт билан бахтсизликнинг навбатма-навбат алмашиб туриши ҳам кўркитарди. Истикболда қувонч кўринмасди, ғам-алам кутаётгани эса турган гап, унга чап бериш амримахол: бу ҳамманинг пешонасида бор. Александрнинг назарида бари инсонлар бахт билан бахтсизликка барабар молик эдилар. Унинг учун бахт тугагани, бахт нимаси, хомхаёл, алдам-қалдамлик. Ғамгина тайину, аммо у ҳали олдинда. Дард чекиш, кексалик, турли жудоликлар, эҳтимол муҳтожлик ҳам кутяпти келажакда... Қишлоқдаги ҳоласи айтмиш, Александрнинг *тақдир кўргулиги* булар бари. Хўш, қувонччи, қувонч борми? Юсак шоирона вазифаси вафо қилмади: зиммага оғир юк ортишади-да, бурч деб аташади! Арзимасгина овунчоқ – пул, бойлик, мансаб қолди холос... Жин урсин буларни! О, ҳаётга разм солмоқ, унинг қандайлигини тушуниш, ҳаёт нечун мавжудлигини англамаслик нақадар қайғули!

Йигит ўз ўтида ўзи қоврилар, шубҳалари домидан қутулиш чорасини тополмасди. Кечмишлари уни беҳудадан-беҳуда чилпарчин этди, саломатлигидан путур кетиб, бирор эзгулик, рўшнолик кўрмади. Александр нима қиларини билмай, диванда у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилар, кўз олдида танишлари гавдаланар экан, баттар диққинафаслиги ортарди. Бири ажабтовур хизмат қияпти, яхши маъмур сифатида иззат-икромда, таниқли: иккинчиси уй-жойли, ҳеч кимга ҳавас қилмай, ҳеч қандай истаксиз осойишта ҳаёт нашъу намосини суряпти: учинчиси... у қандай? Ҳамма, ҳаммалари

¹ И. А. Криловнинг «Итлар аҳиллиги» масалига қаранг. (Муаллиф)

ҳаётларини бир нави изга солиб, туп ёзишган, аниқ белгилаб олган йўлларида кетишяпти. «Фақат ёлғиз менгина... кимман мен ўзи?»

Шундан сўнг йигит ўзини ўзи саволга тута бошлади: бирор маъмур, бирор эскадрон командири бўла олармиди у? Оилавий ҳаёт билан қаноатланармиди? Эътирофича, биринчиси ҳам, иккинчиси ҳам, учинчиси ҳам уни қониқтирмасди. Ичидаги қандайдир ёвуз куч ҳамон ғимирлаб, ҳамон кулоғига шивирлар, пасткашлик бу, юксакроққа парвоз қилиш керак, дерди... Қаерга, қандай парвоз қилишга журъат этолмасди. Муаллифликда янглишди. «Нима қилиш керак, нимадан бошлаш лозим?» дея сўраркан, жавобини тополмас, ўқинч билан ҳамон ич-этини тирнардди: хўп, лоакал, маъмур ёки эскадрон командири бўлиши мумкин дидир балки... қаёқда, йўқ: вақт ўтган, ҳаммасини бошдан бошлаш керак.

Алам қилган Александрнинг кўзларидан ёш чиқиб кетди, бу – хор-зорлик, ҳасад, тамоми бадҳоҳлик, дўзах азобига фарқ кўз ёши эди. Йигит онаизорининг гапига кирмай, қишлоғини тарк этганидан қаттиқ афсусланадди.

«Онагинам ўшандаёқ бошимга кулфат тушишини ҳис қилган экан, – ўйлади у. – Қишлоқда бўлсам, бу қадар ўртанишлар йўқ эди, ҳозиргидай ҳаёт машаққатларини чекмасдим. Ўша ерда ҳам инсонга хос нафсоният, ғурур, шуҳратпарастлик каби барча туйғу ва эътирослардан бир қадар баҳраманд бўлардим. Тор уездимиз доирасида дилим яйраб, орзуларим ушаларди. Уездда биринчи! Ҳа, ҳамма нарса шартли. Барчамизда озми-кўпми ёлқинланмиш илоҳий само оловининг учқуни уездда ҳам вужудимни сезиларсиз чакнатиб, кўп ўтмаёқ бу учқун беғам-беташвиш ҳаёт таъсирида сўниши ёки бола-чақага боғланишим орқали алангаланиши мумкин эди. Ҳаётим заҳарланмасди. Умримни мағрур яшаб ўтардим: оёйишта ҳаёт йўлим кўзимга ҳам содда, ҳам тушунарли кўринарди, яшашга қурбим етар, ҳаёт машаққатларига бардош берардим... Мухаббат-чи? Мухаббат кийғос гуллаб, бутун ҳаётимни безарди. Софья мени пинҳона севарди. Ҳеч нарсага нисбатан ишончим йўқолмас, қўлларимга тикан кирмай, гул терганим-терган эди. Ҳатто рашк, муҳтожлигу рақобат нималигини билмасдим! Негаям олис туманлик сари бу қадар астойдил, кўр-кўрона улоқиб, негаям тақдир билан бунчалар тенгсиз, синалмаган курашга киришдим-а? Уезддалигимда ҳаётни ҳам, одамларни ҳам ажабтовур тушунардим! Ҳозиргидай кайфиятда ўшандагидай тушунган бўлардим

хаёт билан одамларни. Хаётга чуқур назар солмаган ўша пайтларим турмушдан шунақаям кўп нарса кутардимки, шу хаёл билан ханузгача уездда яшаб юраверардим. Қанчалаб хазина кашф этгандим дилимда. Қаёққа ғойиб бўлди ўша хазина? Шамолга совурдим уларни. Қалб самимиятим, эъзозли илк эҳтиросимни тўкиш эвазига нима олдим? Аламли умидсизликка эга бўлдим холос, ҳамма нарса алдам-қалдам, омонатлиги, ўзингга ҳам, бошқаларга ҳам ишониб бўлмаслигини тушуниб, бошқалардан ҳам, ўзимдан ҳам чўчий бошладим... Шуларни мулоҳаза қилиб кўргач, амаким ва бошқалар каби хаёт икир-чикирларини тан олмай, улардан қаноатланмай қўйдим... Мана энди оқибати!»

Ҳозир Александрнинг бирдан-бир истаги кечмишни унутиш, осойишталик, дил ором олиши эди холос. У хаётдан дам сайин совиб борар, ҳеч нарса парвойига келмас, одамлар гуруҳи, жамоат гурунги юрагини сиқиб, ўзини четга тортарди-ю, баттар диккина-фаслиги ортарди.

У одамларнинг нечун хурсандчилик қилишлари, бемалол иш қилиб, ҳар куни бирор манфаат сари интилишларидан ҳайрон бўларди. Йигитга ҳамманинг у каби лоқайд эмаслиги, кўз ёши қилмаётгани, об-ҳаво тўғрисида валақлаш ўрнига ғам-ғусса ва изтироблари тўғрисида нолимаётганлари, нолисалар ҳам оёғу бошқа жойлари оғриётгани, бод ёки бавосил касали ҳақидаги гапиришлари ғалати туюларди. Тан аъзоларининггина ташвишини қиладилар, руҳий олам хаёлларида ҳам йўғ-а! «Бир пулга қиммат майда одамчалар, ҳайвонлар!» ўйларди у. Гоҳо-гоҳо чуқур мулоҳазага бериларди. «Бундай бемаъни одамлар нақадар кўп, – дерди ўзига-ўзи Александр пича хавотирда, – мен бўлсам ёлғизман: наҳотки уларнинг барчаси... сариқ чақага... арзимаиди, ноҳақ... хўш, ўзим-чи?...»

Шу пайт йигитнинг назарида айбдор деярли фақат ўзигина эмасдай туюларкан, бундан яна ҳам баттар ўзини бахтсиз сеза бошлади.

Александр эски ошналари билан учрашмай қўйганди. Янги ошна орттиришдан бўлса кўнгли айнирди. Амакиси билан суҳбатдан сўнг ҳамма нарсадан узил-кесил ҳафсаласи пир бўлган, иштиёқ ҳисси умуман сўнганди. Дунёни сув олса, тўпигига келмас, кунлари бекорчиликда ўтар, ақл-маърифатга алоқадор жами нарсалардан ўзини четга оларди.

«Ўлиб қолмасам бўлди, ишқилиб яшасам бас!– дерди у, – ҳар ким хаётни ўзича тушунади: ўлгандан кейин эса...»

Александр баджаҳл, тилидан заҳар томадиган, бағритош одамлар билан суҳбатлашишни хоҳлайдиган бўлиб қолган, тақдир лаънатланадиган суҳбатлардан қўнгли таскин топарди. Ёки вақтини ақлан ҳам, тарбияси ҳам ўзидан паст одамлар билан ўтказар, кўпинча уни мўйсафид Костяков ёнида кўриш мумкин эдиким, Заезжалов Пётр Ивановични худди шу мўйсафид билан таништириб қўймоқчи бўлганди.

Пескида истиқомат қилувчи Костяков ўз қўчасида локланган картуз, чакмон кийиб юрар, белига рўмолча боғлаб олгучийди. Мўйсафиднинг ошпаз аёли бўлиб, у ўша аёл билан оқшомлари қарта ўйнарди. Ёнғин чиққан пайтлари Костяков биринчи бўлиб етиб келиб, энг охирида кетарди. Марҳумга жаноza ўқиладиган черков ёнидан ўта туриб, у одамларни туртасурта марҳумнинг юзини кўришга интиларди-да, кейин тобут билан бирга қабристонгача кузатиб борарди. Умуман, Костяков барча маъракаю зиёфатларнинг астойдил ишқибози эди. Шунингдек, у ҳар турли тасодифий қўнғилсизликлар, чунончи: муштлашув, бахтсиз ўлим, шифт қулаб тушиши ва ҳоказо ҳодисаларда ҳозир у нозир бўлишни ёқтирар, газеталарда босилган шунга ўхшаш воқеаларни алоҳида роҳатланиб ўқирди. Бундан ташқари, мўйсафид «инсон жисмида нима борлигини билмоқ учун» тиббий китобларни ҳам мутолаа қиларди. Қиш кезлари Александр шу чол билан бирга шашка ўйнар, ёз пайтлари шаҳар ташқарисида балиқ овлагувчи эдилар. Костяков кўп нарсалар тўғрисида гапириб берарди. Далага чиқилса ғалла, экин-тикин, сув ёқасида балиқ, кемалар қатнови ҳақида сўзлар, кўчада кетаётиб ўйлар, иморатлар, ускуналару даромад тўғрисидаги фикрини баён этар... кўраётган нарсаларигагина муносабат билдирарди. Унинг назарида ҳаёт пул билангина ажойиб, пул йўқлигида эса аксинча эди. Бундай одам Александр наздида хавфли эмас, дил осойишталигини бузолмасди.

Ҳою ҳавасни рад этмиш таркидунё қилган одамлар каби Александр ҳам ўзидаги жами иштиёқларни сўндиришга интиларди. Хизмат жойида у аксари сукут сақлар, танишлари билан учрашгудек бўлса, икки-уч оғиз сўз қотар-қотмас вақти зиклиги баҳонасида нари қочиб қоларди. Аммо таниши Костяков билан ҳар куни дийдор кўришарди. Мўйсафид гоҳо кун бўйи Александрникида бўлар, гоҳо йигитни ўз уйидаги қарам шўрвага таклиф этарди. Александрга

ичкилик тайёрлаш, солянка ва қорин киришни ҳам шу чол ўргатганди. Кейин улар биргалашиб бирор чет қишлоқ даласига йўл олишарди. Костяковнинг ҳамма жойда таниши бор эди. Мўйсафид эркаклар билан тирикчилик ҳақида гурунглашар, аёллар билан эса худди Заезжалов айтганидай, аскиябозлик қилиб, тегишарди. Александр бўлса гапириш ҳуқуқини буткул чолга бериб қўйиб, ўзи аксари чурк этмасди.

Йигит тарк этган даврасидаги ўй-фикрлар камдан-кам эсига келадиган бўлиб қолганини сеза бошлаганди. Ўша ўй-фикрлар хотирасида элас-эласгина, сушт жонланар, теварак-атрофда на акс этмагани, на қаршиликка учрамагани учун тилга қўчмай, самарасиз барҳам ерди. Александрнинг дили ташландиқ боғ каби хувиллаган, бўм-бўш эди. Яна кўп ўтмаёқ йигит тамоми иштиёқлардан соқит дарахтга ўхшаб қолиши мумкин. Тагин бир неча ойдан ўтади-да, кейин алвидо! Бироқ кутилмаган воқеа рўй бериб қолди.

Бир куни Александр билан Костяков балиқ овлашаётганди.

Чакмон, чарм фуражка кийиб олган Костяков қирғоқда турли ҳажмдаги, пўкакли ва пўкаксиз шокила ҳамда қўнғироқчалар боғланган бир неча қармоқ ўрнатиб, ихчам трубка чеккан қўйи ўзиники билан Адуевнинг қармоқларини киприк қоқмай кузатиб ўтирарди. Александр бўлса дарахтга суянганча бошқа томонга қараб турарди. Улар шу алфозда анча вақтгача чурк этишмади.

– Қаранг, сизникига илиняпти, Александр Фёдорич! – шивирлади тўсатдан Костяков.

Адуев сувга қараб қўйиб, тагин тескари ўгирилди:

– Йўғ-е, сув жимирлагани учун шундай туюлган сизга, – деди.

– Қаранг, қарасангиз-чи! – қичкириб юборди Костяков, – илиняпти, худо ҳақки, илиняпти! Тортинг, тортинг ахир! Маҳкам ушланг!

Дарҳақиқат, пўкак сувга шўнғиди-да, шу заҳоти ип чўзилиб таранглашгач, бутадаги қармоқ дастаси ҳам ўрнидан жилди. Александр даста билан ипни шартта чангаллади.

– Аста, секинрок, ундай эмас... нега бундай қиласиз? – қичқирди Костяков қармоқ ипини чаккон илиб ола туриб. – Ана холос! Жудаям оғир-ку! Силталаманг, секин, секин, тортинг, йўқса, узилиб кетади. Ҳа, шундай, ўнгга, чапга, буёққа, қирғоққа тортинг! Нариди

роқ боринг, нарироққа: энди тортинг, тортаверинг, факат силталаб эмас: ха, шундай, шундай.

Сув сатҳида кўринган каттагина чўртан балиқ кумушранг тангаларини яраклатганча айланасига буралиб, думини ўнг-чапга биланглатганди, иккала овчига сув сачради. Костяковнинг ранги оқариб кетганди.

– Шундай чўртан-а! – кичқирди у эсхонаси чиқаёзиб. Сўнгра сувга ташланиб йиқилиб тушди-ю, ўзининг кармоғига қоқилганича иккала қўли билан сув сатҳида типирчилаётган балиққа ёпишди. – Қани, кирғоққа, кирғоққа, нари, нарироққа! У ердан қанча уринмасин қочиб кетиб бўпти биздан. Сирпаниши-чи, худди шайтон-а! Вой-бў, катталигини!

«Вой-бў!» – такрорлади кимдир орқа томондан.

Александр овоз келган ёққа ўтирилди. Улардан икки қадам нарида бир чол ва унинг тирсагидан тутган, барваста, бош кийимсиз, бир қўлида соябони бор хушрўйгина қиз турарди. Қизнинг қошлари сал чимирилган, пича олдинга энгашган тарзда Костяковнинг ҳаракатларини астойдил берилиб кузатаётганди. У Александр борлигини пайқамасди ҳам.

Ногаҳоний бу ташрифдан довдираб қолган Адуев қўлидаги кармоқ дастасини қўйиб юборганди, сувга шалоплаб тушган чўртан думини чиройли биланглатди-ю, сув тубига шўнғиди. Кармоқ ипи ҳам қисқара бошлади. Бу ҳодиса бир лаҳза ичида рўй берди.

– Александр Фёдорич! Нега бундай қилдингиз? – Костяков даҳшат ичра қичқириб, кармоққа ташланаркан, уни шартта тортганди, сувдан ипнинг учи чиқди холос.

Шундан сўнг рангида ранг қолмаган Костяков Александрга ўгирилиб, кармоқ ипини кўрсатди-да, бир дақиқача жим ўқрайиб туриб, тупурди, кейин:

– Иккиламчи сиз билан балиқ овига чикмаганим бўлсин, тавқи лаънатга учрай агар чиқсам! – деб кармоқлари сари йўналди.

Шу аснода Александр қараётганини пайқаб, юзларига қон тепган қиз орқасига тисарилди. Чол, қизнинг отаси бўлса керак у, Адуевга таъзим қилди. Адуев ҳам жавобан тундлик билан таъзим қилди-да, қўлидаги кармоқни ташлаб, ўн қадам наридаги дарахт остидаги скамейкага чўкди.

«Шу ерда ҳам тинчлик йўғ-а! – ўйларди у. – Қандайдир Эдип Антигона¹ билан пайдо бўлди. Яна аёл! Ҳеч қаёққа кетолмайсан. Ё, парвардигор! Ҳамма жойда аёллар тузоғи-я!»

– Садқаи овчи кетинг-е! – гапини давом эттира бошлади бу орада қармоқларини саришталаб, ўқтин-ўқтин Александрга нохуш қараб қўяётган Костяков, – балиқ ови сизга ҳайф-а! Уйингизда, диванда ўтириб сичқон овлаганингиз маъкул. Балиқ овлаш эмиш! Қўлингиздагини чиқариб юбордингиз-ку, қаёқдан тутасиз энди! Чайнаб ейишингиз қолганди холос! Оғзингиздаги ошни ҳам олдириб қўйсангиз кераг-ов бу аҳволда!

– Балиқ бор эканми ўзи? – сўради чол.

– Бунни қарангки, – жавоб қайтарди Костяков, – олтига қармоғимга лоакал ёлғондан бўлса ҳам елим балиқча илинмай турганида, анави одамнинг пўкакли жўн қармоғига ўн қадоқчалик чўртан илиндию шуни ҳам эпполмадик. Омадлининг ови йўлда дейишадди. Бўлса бордир, аммо менинг қўлимдан балиқ тушиб кетса, уни нақ сувнинг ичидан ҳам тутиб чиқардим. Чўртаннинг ўзи нажрга келса-ю, биз мудраб ўтирсак... балиқ овчилар эмиш тагин! Ҳайф-е, балиқчи номи! Қайси балиқчи шундай қилади?! Йўқ, ҳақиқий балиқчи ёнида тўп отилса ҳам қилт этмайди. Балиқчи эмишлар анави кишим! Йўл бўлсин сизга балиқ овлаш!

Бу орада киз Александрни Костяковга қараганда бутунлай бошқача одамлигини пайқаб улгурганди. Александрнинг костюми ҳам, ёши ҳам, муомаласию ҳамма-ҳамма жиҳати Костяковникидан фарқ қиларди. Қиз дарҳол йигитнинг тарбия кўрганлиги, юзи ифодалилигини илғаб олди. Ҳатто Александрдаги ҳасрат аломатлари ҳам эътиборсиз қолмади.

«Нечук ўзини олиб қочди, – ўйлай бошлади киз. – Қизиқ, кўринишим одам ўзини олиб қочар даражада эмас шекилли...»

У қаддини мағрур ростлаб, киприklarини кўтараркан, Александр томонга нохуш нигоҳ ташлади.

Юраги сикилган киз отасини эргаштирганча Адуевнинг ёнидан саллона-саллона одимлаб ўтди. Чол тагин Александрга таъзим қилди; лекин қизи йигитга ҳатто қиё боқишни ҳам раво кўрмади.

¹ Антигона – қадимги Грециянинг сўқир подшоси Эдипни саёхатларда кузатиб юрган қизи; маскур афсона қадимги грек драматурги Софокл трагедияларида келган.

«Унга ҳеч ким парво қилмаётганини билиб қўйсин бир!» – деб қўйди дилида қиз Адуев қараётган-қарамаётганини билмоқ учун зимдан боқиб.

Александр гарчи қизга қарамаган бўлса-да, бироқ қоматини адл тутди..

«Ажабо! Бир қиё ҳам бокмайди-я! – ўйлади қиз. – Нақадар беписандлик!»

Эртасигаёқ Костяков Александрни яна балиқ овига қистади, шу билан ўзи онт ичганидай, тавқи лаънатга учради.

Икки кунгача ҳеч ким уларга ҳалал бермади. Александр аввалига хавотирланаётгандай теваракка қараб-қараб қўя бошлади, аммо бирор кимса йўқлигини билгач, тагин қўнгли жойига тушди. Иккинчи куни йигит қаттагина олабуға илинтирди. Костяков уни наридан-бери қўздан кечирган бўлди.

– Лекин барибир чўртан эмас бу! – деди чол хўрсинаркан, – нақ қўлимизга бахт қуши қўнганди, ушлаб қололмадик. Бошқа илинмайди энди. Менга бўлса тагин ҳеч нарса илинмаяпти-я! Олтита қармоқнинг ҳеч қайсисига илинай демайди.

– Қўнғироқчаларни жиринглатинг-да! – деди ёнгинадан ўтиб кетаётиб овга қизиқиб қолган қандайдир деҳқон, – балки ўшанда балиқ... сеҳрланармиди.

Костяков унга жаҳл билан ўқрайди.

– Овозингни ўчир, ўқимаган! – деди у. – Мужик! Деҳқон йўлига равона бўлди.

– Тўнка! – қичқирди унинг ортидан Костяков, – сўкимсан-да, сўким! Тенгинг билан ҳазиллашмайсанми, лаънати! Сўким дедим, сўкимсан, гумроҳ!

Ови бароридан келмаган балиқчининг ғзабига дучор бўлишдан худо асрасин!

Индинига Костяков билан Александр сувга тикилиб, жимгина ўтиришганда, оркадан шитирлаган шарпа эшитилди. Ўгирилиб қараган Адуев худди искабтопар чакқандай сесканиб кетди. Чол билан қиз ёнгинасида туришарди.

Уларга қўз қири билан қараётган йигит гарчи чолнинг таъзими-га чала-ярим жавоб қайтарган бўлса-да, чамаси, бу ташрифни кутган эди. Александр одатда балиқ овига пала-партиш кийиниб борар, бу сафар эса эгнида янги пальто, бўйнига ярашадиган ҳаворанг дуррача боғлаб олган, сочини ҳафсала билан тараган, ҳатто чамаси

пича жингалак ҳам қилгандики, кўриниши ажабтовур балиқчини эслатарди. У одоб билан пича сабр қилиб тургач, нари йўналди-да, дарахт остига ўтирди.

«Cela passe toute permission!»¹ – ўйлади ғзаби кўзғаб Антигона.

– Маъзур тутгайсиз! – деди Эдип Адуевга, – эҳтимол сизга халакит бергандирмиз?

– Асло! – жавоб қайтарди Адуев, – ўзим ҳам толиққан эдим.

– Илияптим ишкилиб? – сўради чол Костяковдан.

– Ёнгинангда гапириб турганларидан кейин илиниш қаёқда, – деди жаҳл аралаш Костяков. – Ҳозиргина қандайдир нобакор ўта туриб тўнғиллаганди, бор балиқ ҳам қочиб кетди. Сизлар шу яқин-атрофга қўнган бўлсанглар керак-а афтидан? – сўради, сўнгра у Эдипдан.

– Бизнинг чорбоғ хув анави равонли ҳовли, – жавоб қайтарди Эдип.

– Қиммат тўлаяписизларми?

– Бир ёзга беш юз сўм.

– Дуруст чорбоққа ўхшайди, бадастир, ховлисидаям иморатлари кўп. Эгасига ўттиз мингларга тушган бўлса керак.

– Ҳа, шунга яқинроқ.

– Хўш-ш. Булар кизингиз бўладиларми?

– Ҳа, кизим.

– Хўш-ш. Ажойиб қизингиз бор экан. Сайр қилиб юрибсизларми?

– Ҳа, сайр қилиб юрибмиз. Чорбоғда яшаганингдан кейин сайр қилган маъқул.

– Тўғри, тўппа-тўғри, сайрга нима етсин; хавонинг ажойиблигини қаранг, ўтган ҳафтадагидан бўлакча, шундай ҳам айнувдики об-ҳаво, бай-бай-бай! Худо кўрсатмасин! Кузги экинларга жабр бўлди-да.

– Худо хоҳласа, ризқимиз бўлар.

– Айтганингиз келсин-ей!

– Ҳеч нарса илинмаяпти денг-а!

– Менга илинмаяпти, курғур, аммо тўрамга илинди, мана, марҳамат кўринг.

¹ Бу ҳар қандай чегарадан чиқишдир (франц.).

Костяков олабуғани кўрсатди.

– Ахборингиз учун айтай, – давом этди у, – зап омадли-да тўрам! Афсуски, хафсалалари камроқ, йўкса, бундай омад билан ҳеч қачон қуруқ қайтмасдик. Шундай чўртанни қочириб юборсак-а!

Костяков хўрсиниб қўйди.

Антигона чолларнинг суҳбатини берилиб тинглаётганди, бироқ Костяков бошқа гапирмади.

Ота билан қиз тез-тез ташриф буюрадиган бўлиб қолишди. Адуев уларнинг эътиборини торта бошлади. У гоҳо чол билан бир-икки оғиз сўзлашар, қизга бўлса ҳамон чурқ этмасди. Бу қизга олдинига алам қилди, кейин у хафа бўлди, охири маъюслана бошлади. Мабо-до Адуев у билан гаплашса ёки ҳатто шунчаки аҳамият берса, қиз йигитни унутарди. Ҳозир эса аҳвол мутлақо бошқача эди. Инсон қалби зиддиятга мойил шекилли-да, шу зиддиятсиз қалбнинг худди бор-йўқлигини ҳам билиб бўлмайдиганга ўхшайди.

Антигона ўч олиш учун қандайдир даҳшатли режа тузмокчи ҳам бўлди-ю, лекин бора-бора бу фикридан қайтди.

Бир куни чол билан қиз балиқчилар ёнига яқинлашишганди, Александр пича сабр қилиб турди-да, қармоғини бута устига қўйди ва одатдагидай ўз жойига ўтираркан, беихтиёр дам қизнинг отасига, дам қизнинг ўзига қарай бошлади.

Чол билан қиз ёнламаси туришарди. Чолнинг ўзига жалб этадиган бирор жиҳати йўқ эди. Елвагай оқ кўйлақ, нанка панталон ва соябони сербар, бахмал чатикли тўмтоқ шляпа кийиб олганди.

Аммо қизи, хай-ҳай! У отасининг кўлига қанчалар назокат билан суяниб турарди! Беқарор шабада Александр қизнинг ажиб юз бичими билан оппоқ бўйнини кўриши учун гўё атайин қилгандай дам унинг ёноқ зулфларини тўзитар, дам шойи тўр рўмолини ним кўтариб, хипча белини кўз-кўз қилар, дам кўйлаги барини тортқилаб, бежирим оёқларини очиб-ёпарди. Қизнинг ўзи бўлса хаёлчан сувга тикилганди.

Александр анча вақт ундан кўз узолмай қоларкан, аъзойи баданига энтиктирувчи титроқ югурганини сизди. Сўнгра майлини босиб, тесқари ўгирилди-да, хивич билан майсаларни ура бошлади.

«Ҳа! Биламан бунинг нималигини! – дерди ичида йигит, – бўш келсам тамом! Муҳаббат ҳозир бўлади-кўяди: бемаънилик! Ама-ким ҳақ. Лекин хайвоний хирс менга керак эмас, йўқ, бу даражага гушмайман».

– Мен ҳам балиқ тутсам бўладими? – ийманибгина сўради киз Костяковдан.

– Бўлади, хоним афанди, нега бўлмас экан? – жавоб қайтарди Костяков кизга Адуевнинг қармоғини узата туриб.

– Ана сизга ўрток ҳам топилди! – деди чол кизини Костяковнинг ёнида қолдирар экан, ўзи қирғоқ ёқалаб сайрга йўналиб.

– Менга қара, Лиза, кечликка албатта балиқ тутиб боргин-а, – деб қўйди у йўл-йўлакай.

Орага бир неча дақиқа жимлик чўкди.

– Нега шеригингизнинг бундай қовоғи солиқ? – сўради астагина Лиза Костяковдан.

– Назарингизга учинчи марта илмаганингиз учун, хоним афанди.

– Нима? – тушунмади Лиза пича чимирилиб.

– Учинчи марта назарингизга илмаяпсиз. – Лиза бош чайқаб қўйди.

«Йўқ, бўлиши мумкин эмас! – ўйлай бошлади, – бунинг учун эмас!»

– Ишонмаяпсизми, хоним афанди? Тавки лаънатга учрай! Чўртанни ҳам шунинг учун қўлдан чиқариб юборди-да.

«Бунинг учун эмас, бунинг учун эмас, – ўйлашда давом этди қиз янада ишонч билан, – чўртанни нега қўлдан чиқариб юборганини биламан».

– Вой, вой! – қичкириб юборди бирдан Лиза, – қаранг, силкинди, силкиняпти.

У қармоқни тортса ҳам лекин ҳеч нарсa илинмади.

– Чиқиб кетибди-я! – деди Костяков қармоққа қараб, – хўракни тортиб кетибди-ку, йирик олабуғага ўхшайди. Балиқ тутишни урдалай олмас экансиз, хоним афанди, охиригача ютишига қўйиб бермадингиз.

– Нима, бунга ҳам уddaбурунлик керакми?

– Ҳамма нарсaда уddaбурунлик керак, – деб юборди Александр беихтиёр.

Юзига қон тепган Лиза шартта ўгирилар экан, қўлидаги қармоқ сувга тушиб кетди.

– Уddaбурун бўлиш учун нима қилиш керак? – деди овози хиёл титраб қиз.

– Тез-тез машқ қилиб туриш керак, – жавоб қайтарди Александр.

«Шунақа дегин-а! – деб қўйди ичида кўнгли ўрнига тушган Лиза пинагини бузмай, – яъни, бу ерга тез-тез келиб туришим керак экан-да, тушундим! Жуда яхши, келиб турганим бўлсин, лекин барча беписандликларингиз учун ҳали сизни шундай қийнайки, одамови жаноблари...»

Александрнинг жавоби қизда мана шундай ғамза қўзғатди, йигит бўлса ўша куни бошқа чурқ этмади.

«Худо билади, ичида нималар ўйлаётганикин бу киз! – дерди ўзига-ўзи Адуев, – ноз-карашма кила бошлайди... бемаънилик!»

Шу-шу чол билан қиз ҳар куни сув ёқасига келадиган бўлиб қолишди. Гоҳо Лиза чолсиз, энага ҳамроҳлигида ташриф буюргучийди. Қиз бирорта каштами, китобми келтирарди-да, дарахт тагига ўтириб олиб, ўзини гўё Александр билан мутлақо қизикмаётгандай тутарди.

Лиза шу орқали йигитнинг нафсониятига тегишни кўзлар, ўз таъбири билан айтганда, уни қийнамоқчи бўларди. Энагага уй, хўжалик тўғрисида баралла гапираркан, Адуевни ҳатто кўрмаётгандай бўларди. Александр бўлса гоҳо қизни ростдан ҳам кўрмас, кўрганида эса, индамай, куруққина бош ирғаб қўярди, холос.

Одатдаги ҳийласи иш бермаганини сезган Лиза ҳужумга ўтишни режалади-да, ўзи йигитни икки бор гапга солиб кўрди. Бир сафар Александрнинг кармоғини сўраб ҳам олди. Адуев бора-бора тилга кира бошласа-да, лекин ниҳоятда эҳтиёт бўлар, дил очди суҳбатга йўл қўймасди. Йигит ниманингдир ҳисобини қилармиди ёки ўзи айтмоқчи, ўша эски *ярами, ҳеч нарса дармон бўлмасмиди*¹, ҳарқалай, киз билан суҳбатда совуқдан-совуқ муомала қиларди.

Бир сафар чол сув ёқасига самовар келтиришни буюрди. Лиза ҳаммага чой куйиб узата бошлади. Александр кечқурунлари чой ичмаслиги баҳонасида зўр бериб чойдан бош тортди.

«Бундай чойхўрликлар орқали яқинлашиш... танишиш бошланади... истамайман!» – ўйларди у.

– Нега энди! Кечагина тўрт стакан чой ичдингиз-ку! – деди Костяков.

¹ А.С. Пушкиннинг «Кундуз машғаласи секин сўнаркан...» шеърдан.

– Қармоғим қани? Рухсат этинг, кетиш вақти бўлди. Адуев эҳтиётсизлик қилиб қўйганидан безовталана бошлади.

– Йўк, тагин бир оғиз гапим бор, – бўш келмади Лиза, – шоир деган ўзига нисбатан ҳамдардлик уйғота билиши керак. Байрон буюк шоир, нега энди унга нисбатан ҳамдард бўлишимни хохламаяпсиз? Наҳотки мен шуни ҳам тушунмайдиган, гумроҳ, тентак бўлсам!..

Лиза ранжиганди.

– Жудаям унчалик эмас, аёл қалбингиз кимни маъкул кўрса, ўшанга ҳамдард бўлинг, қалбингиз майлидагини изланг, йўкса, фикрлашингизда ҳам, қалбингизда ҳам... даҳшатли ихтилоф рўй бериши мумкин. – Александр шахсан ўзи ана шундай ихтилоф қурбони бўлганлигига ишора тарзида бош чайқаб қўйди.

– Биров сизга чечакни кўрсатиб, – деди у, – унинг хиди ва латофатидан роҳатланишга мажбур этса, иккинчи одам ўша чечак коса-сидаги заҳарли шарбатнигина раво кўради... шунда сиз учун чечакнинг латофати ҳам, ифори ҳам тугайди. Бояги одам сизни чечак косачасида шарбат бўлганлигидан афсусланишга мажбур қилади-ю, сиз чечак атри борлигини ҳам унутасиз... Иккала одам ҳамда уларга ҳамдардлик ўртасида фарқ бор. Зинҳор заҳар изламанг, бизга нима бўлаётгани, атрофимиздаги воқеа-ҳодисалар моҳияти сари интиланг, кераксиз тажриба орттиришдан сақланинг; у бахтга элтувчи эмас.

Александр гапиришдан тўхтади. Қиз йигитнинг сўзларини ишонч ва ўйчанлик билан тингларди.

– Гапиринг, гапираверинг... – деди болаларча итоаткорлик билан Лиза, – гапларингизни кун бўйи эшитиш, айтганингизга қўнишга тайёрман...

– Мени-я? – деди Александр совуққина, – маъзур тутасиз! Сизга эгалик қилишга менинг нима ҳақим бор?.. Фикр билдиришга жазм этганим учун афв этгайсиз. Хоҳлаганингизни ўқийверинг... «Чайльд-Гарольд» жуда яхши китоб, Байрон – буюк шоир!

– Йўк, муғамбирликни қўйинг! Бундай деманг. Айтинг, нимани ўқий?

Адуев расмана виқор билан қизга бир неча тарихий китоблар, саёҳатномаларни тавсия эта бошлаган ҳам эдики, Лиза бундай мутолаа пансиондаёқ жонига тегиб кетганини айтди. Шундан сўнг йигит Вальтер Скотт, Купер, бир неча француз ва инглиз адиб ҳамда адибалари, руслардан икки ёки уч муаллифларни тавсия этар экан,

бу билан гўё сезмагандай адабий диди, одоб даражасини намойиш қилмоқчи бўлди. Кейин улар ўртасида бошқа бунақа суҳбат бўлмади.

Александр ҳамон ўзини четроқ тортгиси келарди. «Нима бўпти менга аёллар! Сева олмасам, улар учун йўкдайман...» – дерди.

«Кўйинг, қўйсангиз-чи! – эътироз билдирди бунга жавобан Костяков, – уйланинг-чи, ўшанда кўрасиз. Мен ҳам бир пайтлар ёш қизлару ойимчаларни калака қилиб юардим, вақт-соати етди-ю, хўпам уйланиш пайига тушиб қолдимки!»

Қарабсизки, Александр ўзини олиб қочмай қўйди. Борлигида бари олдинги орзулар жонлана бошлади. Юраги тез-тез тепарди. Кўз ўнгида дам Лизанинг бели, дам оёқлари, дам зулфлари гавдаланаркан, ҳаёт тагин ёришгандай бўлди. Уч кун ўтмаёқ Костяков уни эмас, унинг ўзи Костяковни балиқ тутишга судрай бошлади. Александр ичида: «Яна! Яна олдинги аҳвол! Аммо қатъийман!» – дерди-ю, лекин ўзи дард сари илдам одимларди.

Лиза Костяков билан Адуевнинг келишларини ҳар сафар интиқ кутиб турарди. У ҳар окшом Костяковга ром аралаштирилган хушбўй чой дамлар, эҳтимол Лизанинг бундай тадбир қўллаши чол билан йигит бирор окшом қолдирмай ташриф буюришларига қисман сабабчи бўларди шекилли. Агар улар ҳаяллашса, Лиза отаси билан меҳмонларни кутиб олишга пешвоз чиқарди. Ёғингарчилик сабабли меҳмонлар келолмасалар, эртасига қиз об-ҳаводан ҳам, йигит билан чолдан ҳам қаттиқ гина қилиб кетарди.

V

Александр ўйлаб-ўйлаб охири, худо билсин негадир, ўзи ҳам билмаган ҳолда сайрни вақтинча тўхтатишга қарор қилди-да, бутун бир ҳафта ичи балиқ тутишга бормади. Костяков ҳам уйда ўтирди. Ниҳоят яна сув ёқаси сари йўналишди.

Улар балиқ тутиладиган жойдан анча берида Лиза билан энгани учратишди. Қиз уларни кўрган заҳоти кичкириб юборди-да, кейин баногоҳ саросимадан кип-қизариб кетди. Адуев совуқкина таъзим қилди, Костяков жаврашга тушди.

– Мана, биз келдик, – деди у, – кутмаганмидинглар! Ҳе, ҳе, ҳе! Кўриб турибман, кутмагансизлар, чунки самовар йўк! Кўришмаганимизгаям анча бўлди, хоним афанди, анча бўлди! Ов

калай? Шувалло ҳаракат қилиб, Александр Фёдорични кўндира олмадим. Нукул уйда ўтирдилар... йўғ-ғ, ётганлари ётган бўлди. – Қиз Адуевга ўпкаланиб қаради.

- Бу қанақаси? – сўради у.
- Нима, «бу қанақаси?»
- Бир ҳафта келмадингизми?
- Ҳа, бир ҳафта шекилли.
- Нега энди? – Шунчаки, келгим келмади.
- Келгим келмади эмиш! – деди Лиза таажжубланиб.
- Тўғри, хоҳламадим, нима эди?

Қиз индамаса-да, лекин чамаси, дилидан: «Наҳотки хоҳламаган бўлсангиз бу ерга келишни?» деган фикр кечганди.

– Дадамни шаҳарга, сизларникига юбормоқчи бўлгандим, – тилга кирди ниҳоят Лиза, – аммо қаерда яшашингларни билолмадим.

– Шаҳарга, меникига? Сабаб?

– Ажойиб савол! – деди қиз гинали оҳангда, – сабаб эмиш! Хабар олгани-да, бирор кор-ҳол бўлмадимикин, тобингиз қочиб-нетмадими билиш учун-да...

– Бунинг сизга нима аҳамияти бор?..

– Нима аҳамияти бор? Вой худойим-ей!

– Нима вой худойим-ей!

– Нима эмиш-а!.. Ахир... менда китобларингиз бор-ку... – Лиза саросималанди. – Бир ҳафта келмаслик, – қўшиб қўйди у.

– Нима, албатта бу ерга, ҳар куни келишим шартми?

– Шарт!

– Нега энди?

– Нега энди, нега энди! – қиз Александрга маъюс тикилганча яна такрорлади: – Нега энди, нега энди?

Адуев Лизага нигоҳ ташлади. Бу қанақаси? Кўз ёши, изтироб, ҳам қувонч, ҳам таънами? Қиз бояқишнинг ранги синикибди, пича озибди, кўзлари ҳам қизариб турибди.

«Ана холос! Бошланди-ку! – фикрга толди Александр, – бунча тез бошланар деб ўйламагандим!» Сўнгра у қаттиқ кулиб юборди.

– Нега энди, деяпсиз. Агар билсангиз... – давом этди Лиза. Унинг кўзларида қандайдир қатъият учкунлади. Кейин, чамаси, қандайдир муҳим гапни айтишга оғиз жуфтлади-ю, лекин шу заҳоти ёнларига қизнинг отаси келиб қолди.

– Эртагача хайр, – деди Лиза, – эртага айтадиган гапим бор сизга: бугун айтолмайман, қаттиқ ҳаяжондаман... Эртага келасизми? Эшитдингизми? Унутмайсизми бизни? Бегоналашиб кетмайсизми?..

Қиз бирдан жавоб ҳам кутмай отаси томон интилди.

Ота дам қизи, дам Адуевга синчиклаб тикилди-да, бош чайқаб кўйди. Александр жимгина Лизанинг ортидан қараб турарди. Йигит худди ачинаётганга ҳам ўхшар, ҳам қизни сездирмай шу аҳволга солгани учун ўзини ўзи қойиркан қон юрагига урилди.

«У мени севади, – ўйлай бошлади Александр уй сари йўнала туриб. – Э худо, ғирт дахмаза бўлди-да! Қип-қизил бемаънилик: энди бу ерга келиб ҳам бўлмайди. Балиқ яхши илинарни... аттанг!»

Айни вақтда йигит чамаси негадир дилида ҳозирги кайфиятини окламагани учун чехраси ёришиб дам сайин Костяковни гапга тута бошлади.

Худди атайдай нукул йигитнинг тасаввурида Лизанинг рўйи-рост киёфаси: бежирим кифтлари, хипча бели, оёқлари гавдаланарди. Ажиб ҳиссиётга чулғанган Александрнинг баданига тагин титроқ югурганди. Аммо бу титроқ кўзғалган жойида тўхтаб, йигит ўзини тутиб олди.

«Ҳайвон экансан! – ғудранди ўзига-ўзи Адуев, – ниятинг бузилди-я... туф-е! Яланғоч кифтлар, сийналар, оёқлар... соддадиллик, тажрибасизликдан фойдаланиб қолиш... лақиллатиш... хўп, яхши, лақиллатдинг ҳам дейлик, хўш, уёғига-чи? Ўша-ўша хуноблик, тагин эҳтимол виждон азобга солар, нимани деб шундай қиялман. Йўқ! Асло! Ўзимни бу даражага туширмайман, қизни ҳам анавиндай аҳволга... Ҳа, гапим гап! Виждон, олижанобликдан маҳрум бўлганимча йўқ хали... ўзимни ҳам ерга урмайман, қизни ҳам бадном қилмайман.»

Лиза йигитни кун бўйи жонсарақ мамнунлик билан кутди, кейин юраги сиқилиб, негадир ўзи ҳам билмаган ҳолда юраги ҳаприқаркан, маъюсланганча қарийб Александрнинг келишини истамай кўйди. Тайинланган вақтда Адуевдан дарак бўлмагач, интиқланаётган қиз энди қаттиқ дилсиёҳ бўла бошлади. Қуёшнинг сўнгги нури сўнгач, умиди буткул сўниб, йиғлаб юборди.

Эртасига Лиза тагин тетикланиб, яна эрталабданок, кайфияти яхшиланди-ю, кечга томон эса дам сайин зиклиги ортаркан, ҳам



кўркув, ҳам умидворликдан юраги орқасига тортиб кетаверди. Яна балиқчилардан дарак бўлмади.

Улар учинчи, тўртинчи куни ҳам кўринишмади. Умид ҳамон кизни сув ёқаси томон ундарди. Сал нарироқда қайик кўринса ёки қирғоқда икки одам соясини сезса, Лиза қувончли кутиш онларидан безовталаниб ўртана бошларди. Қайикдагилар у кутаётган одамлар, соялар ҳам уларники эмаслигини билгач, надоматда бошини ҳам қилар, тушқунлиги баттар кучаярди... Бир дақиқа ўтмаёқ тагин маккор умидворлик таскиномуз сабр қилишни шивирларди-да, кизнинг юраги тагин кутиш иштиёқи билан тепа бошларди. Александр гўё атайин қилаётгандай ҳамон қорасини кўрсата қолмасди.

Ниҳоят шикаста, умидсизланган Лиза бир дарахт тагида ўтирганди, ногаҳон шитир-шитир овозни эшитиб қолди: у орқасига ўгирилди-ю, ёкимли кўркувдан титраб кетди; қаршисида қўлларини кўксига қалиштирганча Александр турарди.

Кўзларидан қувонч ёшлари чиқиб кетган киз йигитга қўлларини чўзган қўйи хийла вақт ўзига келолмай турди. Александр унинг қўлидан тутди-да, суқ билан, шунингдек, тўлкинланиб юзига бокди.

– Озиб кетибсиз-ку! – деди у аста, – изтироб чекапсизми?

Лиза сесканиб кетди.

– Шунчаям ўзингизни азиз қиласизми!

– Сиз мени кутдингизми?

– Менми? – деди жонсарақлик билан Лиза. – О, кутганда қандай!.. – Кейин у қўшимча қилиб, йигитнинг қўлларини қаттиқ қисиб қўйди.

– Мен бўлсам, сиз билан видолашгани келиб эдим! – давом этди Александр ва сўзлари қандай таъсир қилганини билиш учун гапиришдан тўхтаб, қизга қаради.

Лиза ҳам кўркув, ҳам шубҳа билан йигитга термилди.

– Ёлғон айтяпсиз, – деди сўнгра у.

– Йўқ, тўғриси!

– Менга қаранг! – бирдан тек қотди Лиза атрофига журъатсизгина аланглаб, – кетманг, худо ҳақки, қайтинг бу фикрингиздан! Сизга бир сирни очаман... Бу ерда бизни деразадан дадам кўриб қолишлари мумкин, бокқа, айвончага ўтайлик... уёғи дала, сизни ўша ёққа бошлаб бораман.

Улар бокқа йўналишди. Александр кизнинг кифтлари, хипча белидан кўз узмаган қўйи аъзойи бадани дағ-дағ титраётганини сезди.

«Буёғи кизик бўлди-ку, – ўйларди у Лизанинг кетидан одимлай туриб, – нега эргашиб кетяпман? Шунчаки, айвончаларини бир кўрмоқчиман холос-да... дадаси чакирди-ку ахир мени, шартта, очикчасига иш кўришим ҳам мумкин эди... илло-билло шум ниятим йўқ, худо ҳаққи, ундай эмас, исботлайман буни; ёлғондакамига жўнаб кетяпман деб келдим... холбуки ҳеч қаёққа кетмаяпман! Йўқ, иблис! Мени йўлдан уриб бўпсан!» Бироқ шу пайт чамаси гўё Криловнинг печка ортидан зоҳид хузурига чикқан шайтонваччаси¹ пайдо бўлди-ю, у Александрнинг ҳам қулоғига шивирлади: «Хўш, нега буни айтгани келдинг? Ҳожати йўқ эди-ку. Агар келмасанг, икки ҳафталардан сўнг унутилардинг...»

Лекин йигитнинг назарида ўзининг фидокорона жасорат кўрсатиб, шум ният билан юзма-юз олишиши олижаноблик эди. Унинг ўзини енгишдаги илк ўлжаси Лизадан бўса ўғирлаш бўлди, кейин кизнинг белини кучди-да, ҳеч қаёққа жўнаб кетмаётгани, буни синаш учун, Лиза уни ёқтириш-ёқтирмаслигини билиш мақсадидагина ўйлаб топганини айтди. Ниҳоят ғалабасининг якуни ўлароқ эртаси кун, худди шу пайт айвончага келишликка сўз берди. Уйга қайта туриб, Александр ўз қилмишини мулоҳаза этар экан, қаттиқ хижолат бўла бошлади. Унинг даҳшатдан юраги орқасига тортиб кетар, ўзига-ўзи ишонмасди. Охири ваъдасини бажармасликка қарор қилди-ю, аммо белгиланган вақтдан олдинроқ пайдо бўлди.

Август ойи эди. Қош қорая бошлаганди. Александр соат тўққизга ваъдалашганди, бироқ саккизда, бир ўзи, қармоқсиз келди. У худди ўғридай айвончага писиб яқинлашаркан, дам атрофга кўркув билан аланглар, дам югуриб қоларди. Лекин кимдир йигитдан илгарироқ ҳаракатга тушиб қолганди. Ўша нотаниш одам ҳам ошиқаётгани учун ҳарс-хурс қилганча айвончага югуриб кирди-да, қоронғи бурчакдаги диванга ўтириб олди.

Назарида Александрни пойлашганга ўхшарди. Йигит астагина эшикни очиб, қаттиқ ҳаяжонланган, оёқ учида одимларкан, диванга яқинлашди-да, секингина дивандаги шарпанинг қўлини тутди. Александр сесканиб кетиб, орқасига тисарилди-ю, қочиб қолмоқчи бўлди, аммо чол унинг этагидан чангаллаб, мажбуран ёнига ўтказди.

¹ И. Криловнинг «Бўхтон» масали назарда тутиляпти.

– Қандай кириб қолдингиз бу ерга, отагинам? – сўради кейин чол.

– Мен... балиқ тутиш... – ғўлдиради Александр базўр тили калимага келиб. Унинг тишлари тишларига тегиб такирларди. Гарчи чолнинг кўриниши даҳшатли бўлмаса-да, Александр жиноят устида кўлга тушган ўғри сингари дағ-дағ титради.

– Балиқ тутишга денг! – такрорлади чол калакомуз. – Лойка сувда балиқ тутиш нималигини биласизми? Сизни кўпдан бери кузатиб юрибман, мана, ниҳоят, бугун мақсадингизни тушундим. Лизамни бўлса йўргакдалигидан биламан: у оқкўнгил, ишонувчан, сиз, сиз эса хавфли ғаламиссиз...

Александр турмоқчи бўлганди, лекин чол унинг кўлига чанг солди.

– Ҳа, жаҳлингиз чиқмасин, отагинам. Сиз ўзингизни бахтсиз қилиб кўрсатдингиз, маккорлик билан Лизадан четланиб, уни ром этдингиз-да, бемалол фойдаланиб қолмоқчи бўлдингиз... Шу ишингиз яхшими? Нима деб атасам бўлади сизни?

– Қасам ичиб айтаманки, бунинг оқибатини ўйламабман... – деди Александр чин дилидан тавба қилиб, – ишонинг...

Чол бир неча дақиқа жим турди.

– Эҳтимол шундайдир ҳам! – деди сўнгра у, – балки муҳаббат важдан эмас, шунчаки, кўнгил хуши учун нимага эришишингизни ўзингиз ҳам билмаганингиз ҳолда бояқиш қизнинг бошини айлан-тиргандирсиз: ниятингиз амалга ошса ошди, ошмаса садқайи сар! Петербургда бунақа олифталар тўлиб ётибди... Сизга ўхшаш одамларни нима қилишларини биласизми?

Александр ерга қараганча ўтирарди. Унинг ўзини оқлашга қурби ҳам етмасди.

– Олдиниға сиз ҳақингизда яхши фикрда эдим, аммо адашган эканман, каттиқ адашган эканман! Ўзингизни жудаям мўмин қилиб кўрсатгандингиз! Хайриятки, ўз вақтида олдини олиб қолдим... Менга қаранг, вақт бекор кетмасин, ҳали-замон нодон қиз учрашувга келиб қолиши мумкин. Мен сизларни кеча ҳам пойлагандим. У бизни бирга кўрмагани маъқул: сиз кетасиз ва турган гапки, ҳеч қачон қайтиб келмайсиз, қиз алданганини тушунади-ю, бу унга сабоқ бўлади. Фақат бу ерда бошқа қорангизни кўрсатманг: балиқ тутишга бошқа жой топинг, йўкса... шармандаларча хайдаб юбораман... Шунга шукур қилингки, Лиза ҳозирча кўзимга тик қарай

олади; уни кун бўйи пойлаб юрдим, акс ҳолда, бу жойдан ҳозирги йўл билан чиқмасдингиз... Яхши боринг!

Александр нимадир демокчи бўлганди, аммо чол эшикни очди-да, йигитни ташқарига турткилагандай итариб чиқарди.

Агар китобхон бир дақиқа ўзини Адуевнинг ўрнига қўйишни номус деб билмаса, ҳозир йигит қай алфозга тушганини англаши мумкин. Қахрамонининг кўзларидан ҳатто ёш доналари, шарми-сорлик, ўкинч, умидсизлик ёшлари тирқираб кетганди...

«Нега яшаяпман ўзи? – деди у қаттиқ овозда, – бу қабихона, жирканч умр кечириш-ку! Мен бўлсам, мен... йўк! Васвасага қаршилиқ кўрсатишда ожизлик қилган эканман... лафзсиз, шармандаларча яшамаганим маъқул...»

Александр жадал одимлаб, ирмоққа яқинлашди. Сув қорайиб кўринарди. Тўлқинлар сатҳида аллақандай узун-узун, афсонавий, ваҳимали соялар сирпанар, Адуев турган қирғоқ пастаккина эди.

– Бу ерда ўзингни ўзинг ўлдиролмайсан ҳам! – деди йигит ижирғаниб ва юз қадамча наридаги кўприк томон йўналди-да, кўприк ўртасида тўхтаб, тўсиққа ястанганича сувни кузата бошлади. У фикран ҳаёт билан видолашар, онасини кўмсар, холасини дуо қиларкан, ҳатто Наденькани ҳам афв этарди. Ниҳоят ёноқларини меҳр ёшлари ювган қиёфада юзини қўллари билан тўсиб олди. Ким билсин, агар баногоҳ оёғи остидаги кўприк тебранмаганда йигит нима қилган бўларди. У кўзларини катта очди: ё парвардигор! Жар ёқасида турибди-ку! Қаршисида қабри қорайиб кўриняпти: кўприкнинг ярми ажралиб, нари жилмоқда... Оралиқдан қайиқлар сузиб ўтяпти. Яна бир дақиқа ўтса борми – тамом! Александр бор кучини тўплаб, жон ҳолатда... нариги қирғоққа сакради. Сўнгра, турган ерида енгил нафас олиб, кўксини чангаллади.

– Ҳа, тўрам, кўрқиб кетдингизми? – сўради қоровул.

– Кўряпсан-ку, биродар, сал бўлмаса ўртасига тушай дедим, – жавоб қайтарди титроқ овозда Александр.

– Худо сақласин-ей! Гуноҳингиз йўқдир ахир? – гапини давом эттирди қоровул ҳомуза тортиб, – ўтган ёз битта қайиқчининг қулагани ҳам етар.

Адуев кўксини чангаллаганча уйга йўл олди. У вақт-вақти билан ирмоқ, кўприк бўлақларига қараган сари сесканиб тушар, шартта юзини тескари ўгирарди-да, одимини тезлатарди.

Лиза бўлса, кейинги пайтларда ҳар окшом ясаниб, отаси ва эна-гасиз сув ёқасига келиб, дарахт тагида то алламаҳалгача ўтириш одатини чиқарганди.

Зимистон тун чўкканига қарамай, киз ҳамон кутар, аммо Костяков билан Александр қораларини кўрсатишмасди.

Куз келиб, дарахтлардан тўкилган сарғиш япроқлар қирғоқларни қоплади: яшиллик ўрнини хазонрезги эгаллади. Дарё қорамтир тус олди, осмон доимий кулранг пардага бурканди; майда ёмғир аралаш совуқ шамол эса бошлади. Қирғоқлар билан дарёлар хувиллаб қолди: энди шодон қўшиқлар ҳам, кулгилар ҳам, қирғоқ ёқаларидаги янғроқ овозлар ҳам эшитилмасди. Қайиқлар билан барқалар қатнови тўхтаганди. Кўкатларда бирорта ҳашарот овоз чиқармас дарахтларда бирор қуш сайрамасди. Фақат зағчалару қарғалар қағиллаши дилга ҳасрат тўқарди холос. Қармоқларга балиқ ҳам илинмай кўйганди.

Лиза бўлса ҳамон кутарди: у Александр билан албатта гаплашиб олиши, дил очди қилиши керак эди. Қиз хануз дарахт остидаги скамейкада қацавейка кийиб ўтирарди. У озиб кетган, кўзлари чўккан, танғиган дурраси ёноқларини тўсиб турарди. Отаси уни бир куни худди шундай киёфада ўтиргани устига келиб қолди.

– Юр энди, ўтираверма бу ерда, – деди ота юзлари буришиб, совуқдан қалтираб, – қара, қўлларинггача гезариб кетибди, совқотиб кетибсан, Лиза! Эшитяпсанми? Юр, кетдик.

– Қаёққа?

– Уйга-да: бугун шаҳарга кўчишимиз керак.

– Нега энди? – сўради ҳайрон бўлиб киз.

– Неганг нимаси? Куз келди ахир, чорбоғда фақат биз қолдик холос.

– Вой худойим-ей! – деди Лиза, – бу ер қишда ҳам ажойиб бўлади: қишлаб қола қолайлик.

– Топган гапингни-чи! Бас, кўй энди, қани, кетдик!

– Шошманг! – деди қиз ёлворган овозда, – ҳали кунлар исиб кетади.

– Менга қара! – қисталангга олди ота кизининг ёноғини сийпалаб, иккинчи қўли билан балиқ тутиладиган жойни кўрсатиб, – энди улар келишмайди...

–...Келишмайди! – такрорлади Лиза саволомуз маънос овозда, сўнгра отасига қўл узатди ва бошини ҳам қилганича аста уй томон йўналаркан, дам-бадам ортига қараб-қараб қўя бошлади.

Адуев билан Костяков бўлса аллақачонлардан буён нариги кирғокнинг қаеридадир балиқ тутишаётганди.

Александр аста-секин Лизани ҳам, қизнинг отаси билан орала-рида бўлиб ўтган кўнгилсиз тўқнашувни ҳам унутганди. Йигит тағин хотиржамлашган, ҳатто хушчақчақ юрар, кўпинча Костяковнинг қалтис ҳазилларидан хахолаб куларди. Чолнинг ҳаётга қараши-дан Александрнинг кулгиси қистарди. Улар ҳатто узокрок жойга жўнаб, дарёнинг балиқ мўл ёқасида кулба қуриб, қолган кунларини ўша ерда ўтказиш режасини ҳам тузишарди. Тағин Александрни тор тушунчалару еб-ичиб юрмоқ қаноатлантирадиган бўлиб қол-ганди. Бироқ қисмат ўз кучини кўрсатиб, йигитни буткул ҳаловатда яшашига йўл қўймади.

У кузда келинойисидан мактуб олди. Келинойиси Александр-дан уни концертга олиб боришини ўтиниб илтимос қилганди. Пётр Ивановичнинг пича тоби қочиб қолган экан. Европадан аллақандай машхур артист ташриф буюрганмиш.

– Ана холос, концертга эмиш! – деди қаттиқ безовталанган Александр, – концертга, тағин ўша оломон, усти ялтироқ, ичи қалтироқ қаллоб, муғамбирлар орасига-да... йўқ, бормайман.

– Ҳойнаҳой кира ҳақи беш сўм бўлса керак, – гап қўшди олдида турган Костяков.

– Билет ўн беш сўм туради, – деди Александр, – аммо бормаслик учун мен бажонидил эллик сўм берган бўлардим.

– Ўн беш сўм! – кичқириб юборди Костяков қўлларини сил-китиб, – вой муттаҳамлар-ей! Лаънати-лар-ей! Бизни лақиллатиш, пул ишлаш учун келишар экан-да бу ерга! Ярамас текинхўрлар! Борманг, Александр Фёдорич, тупуринг! Керак нарсас бўлса ҳам, уйга олиб келиб столга қўйсанг ёки есанг ҳам майли эди, ваҳоланки эшитиш учунгина ўн беш сўм тўланса-я! Ўн беш сўмга бутун бош-ли той сотиб олиш мумкин.

– Гоҳо оқшомни кўнгилли ўтказиш учун бундан ҳам кўп пул тўлашади, – гапни бўлди Александр.

– Оқшомни кўнгилли ўтказиш! Ундан кўра, ҳаммомга тушган маъкул-ку! Мен зерикдим дегунча ҳаммомга туша қоламан. Соат олтиларда тушсанг, ўн иккиларда ҳам баданинг қизи-б, ҳам пок-по-киза бўлиб чиқасан. Гоҳо яхшигина таниш ҳам орттириш мумкин. Бирор руҳонийми, савдогарми, офицерми ҳаммомга тушган бўлади. Савдо-сотикми ёки дунё яралиши ҳақидами отамлашилади... қани

энди чиккинг келса! Киши бошига бор-йўғи олти тангадан холос! Окшомни каерда ўтказишни билишмайди!

Бироқ Александр йўлга отланди. У хўрсинганча анчадан бери кийилмаган ўтган йилги фракени эгнига илди-да, ок қўлқопини кийди.

– Қўлқоплар беш сўм, жами йигирма сўмми? – ҳисоблади Адуев кийинаётганда ҳозир бўлган Костяков. – Демак, биргина окшомда йигирма сўм совурилар экан-да! Росаям чиким бўларкану.

Александр башанг кийинишни унутиб қўйганди. Эрталаб у хизматга жўнгина вицмундирда борар, кечқурун эски сюртук ёки пальто кийиб оларди. Фракда ўзини ноқулай сезарди. Фрак дам торлик қилса, дам нимадир етишмагандай бўлар, шоҳи қўйлақда бўйни димикиб кетарди.

Келинойиси йигитни очиқ чехра билан қаршилади, қайниси қимматли вақтини аямаганидан миннатдор бўлди-ю, аммо Александрнинг туриш-турмуши, ишларини сўраб-суриштирмади.

Адуев залда Лизавета Александровна учун жой ахтариб топгач, қандайдир елкадор қўшиқ шинавандаси панасидаги суянчикқа та-янган қўйи зерика бошлади. У қўлига аста эснаркан, оғзини юмиш-га улгурмаёк артистни олқишловчи гулдурас қарсак овозлари ян-гради. Александр артистга қиё ҳам боқмади.

Интродукция ижро этилди. Бир неча дақиқадан сўнг оркестр овози пасая бошлади. Сўнгги оҳангларга хиёлгина янграётган, олдиниға ўткир, ўйноқи туюлган ўзгача, худди болалар ўйиниға ўхшаш куй қўшилдики, баайни болакайларники янглиғ чувир-чу-вир, хушчақчақ овозлар эшитилди. Сўнгра овозлар бир маромда йўғонлаша борди. Бу худди ёшликка монанд беғамлик, жасорат, баркамоллик ва куч-қувват ифодасиға ўхшарди. Кейин овозлар гўё нозик изҳори дил, дилкаш суҳбат баёнидай заифлашаркан, аста-секин эҳтиросли шивирға айланиб, сезиларсизгина тиниб қолди...

Ҳеч ким қимир этишға журъат қилолмас, зал тўла одамлар тек қотишганди. Ниҳоят, зал бўйлаб ҳамма бир овоздан шивирлаб, оҳ – деб юборди. Томошабинлар ҳаракатға келар-келмасок, баногоҳ тагин бояғи овозлар қайта жонланиб, *crescendo*¹ қуйилиб тара-ла кетди. Сўнгра овозлар минг-минглаб зарраларға бўлинаркан, бир-бирини қисиб, босиб кета бошлади. Овозлар гинали рашкдай

¹ кучайганча (итальянча).

Йигит келинойисини уйигача кузатиб кўйиб, ўз кулбасига қайтмоқчи бўлган эди, аммо Лизавета Александровна унинг қўлидан тутиб тўхтатди.

– Наҳотки бизникига кирмасангиз? – сўради аёл ўпқаланиб.
– Йўқ, киролмайман.
– Нега энди.
– Кеч бўлиб қолди, бошқа бирор кун кирирман.
– Менинг таклифимни ҳам рад этяпсизми?
– Ҳа, сизнинг таклифингизни ҳам.
– Сабаб?
– Тушунтириш кўп вақтни олади. Яхши қолинг.
– Ярим соатгагина киринг, Александр, эшитяпсизми? Кўпга эмас. Агар рад этсангиз, демак, унда орамизда заррача дўстлик бўлмаган экан.

Аёл шу қадар меҳр билан, шу қадар ортиқча гапга ўрин қолдирмай ўтиндики, Александр рад этишга ботинолмай, бошини ҳам қилганча келинойиси ортидан эргашди. Пётр Иванович бўлмасида экан.

– Қайси ёмонлигим учун бу қадар илтифотсизлик қияпсиз, Александр? – сўради Лизавета қайнисини камин ёнига ўтказа туриб.

– Янглишяпсиз, илтифотсизлик хаёлимда ҳам йўқ эди, – жавоб қайтарди йигит.

– Унда нима бўлмаса? Нима деб аташ керак бу қилиғингизни? Неча марта мактуб ёзиб чорладим, келмадингиз, охири мактубга ҳам жавоб қайтармай қўйдингиз.

– Илтифотсизлик эмас бу...

– Хўш, нима унда?

– Ҳа, ўша-да! – деди Александр хўрсиниб. – Яхши қолинг.

– Тўхтанг! Сизга нима қилдим? Тинчликми ўзи, Александр? Нега бундай бўлиб қолдингиз? Нечук ҳамма нарсга лоқайдсиз, ҳеч каерга бормапсиз, ўзингизга нолойиқ улфат танлабсиз, нега?

– Ҳа, энди шунчаки, ma tante; шу маъқул менга: тинчгина, соз яшаяпман, ўзимга ёқади...

– Ёқади? Бу тақлид яшаш, ўша улфатларингиздан маънавий озуқа оляпсизми?

Александр бош ирғаб қўйди.

– Муғамбирлик қияпсиз, Александр; нимадандир каттиқ хафасизу айтмаяпсиз. Олдинлари ғам-кулфатингизни тўкиб солардин-

гиз; ҳар қачон таскин берувчи ёки лоақал ҳамдард одам топишингизни билардингиз; ҳўш, нима, ҳозир ўшандай одамингиз йўқми?

– Ҳеч кимим йўқ.

– Ҳеч кимга ишонмайсизми?

– Ишонмаймай.

– Наҳотки гоҳо отангизни... унинг сизни ардоқлаши... эркалашларини эсламасангиз?... Наҳотки хаёлингизга эҳтимол бу ерда ҳам сизни бирортаси, онангиз даражасида эмас-ку, опангиз ёки ундан ҳам яқин дўстингиз сифатида ардоқлаши мумкин, деган фикр келмаган бўлса?

– Яхши қолинг, ma tante! – деди йигит.

– Хайр, Александр: мен сизни ортиқ ушлаб туролмайман, – деди Лизавета Александровнанинг ҳам кўзларига ёш келиб.

Александр шляпасини қўлига олди-ю, кейин яна жойига қўйиб, келинойисига бокди.

– Йўқ сизнинг ҳузурингиздан кета олмайман; кучим етмайди! – деди у, – нима қилмоқчисиз мени?

– Аввалги ҳолингизга қайтинг, лоақал бир дақиқага бўлса ҳам. Сўзлаб беринг, ишонаверинг ҳаммасини менга...

– Ҳа, сизнинг қаршингизда жим туролмайман: кўнглимдаги борини сизга тўкиб соламан, – деди Александр. – Одамлардан нега қочишим, лоқайдлигим, ҳатто сизни ҳам кўргани келмай қўйганим сабабини сўраяпсизми?.. Нима учунми? Билиб қўйинг, яшаш аллақачон жонимга тегиб кетган, шунинг учун ҳаётга камроқ аралашиш йўлини танлаб олдим. Менга ҳеч нарса керак эмас, осойишталик, дил оройишидан бўлагини изламайман. Ҳаётнинг тамоми пучлиги, тамоми яроксизлигини бошимдан кечирдим, ундан қаттиқ нафратланаман. *Яшаб фикр қилган киши ҳар замон, руҳида инсондан нафрат этгуси*¹. Жонбозлик, елиб-югуриш, ташвишлар, маишатлар, ҳаммасидан безор бўлдим. Бирор нарсага эришиш ва ҳеч нарса излашни хоҳламайман; менинг мақсадим йўқ, зеро, нимага қизиқиб, эришсанг – бари шарпа эканлигини кўрасан. Кувонч мен учун кечмишдир; кувончдан совиганман. Маърифатли даврада, одамлар билан бирга бўлсам ҳаёт қусурларини кучлироқ туяман, кулбамда танҳо, оломондан четда эса дағаллашиб кетдим, туриш-турмушим шу – одамларни ҳам, ўзимни ҳам пайқамайман.

¹ А.С. Пушкиннинг «Евгений Онегин»идан (I боб, XLVI банд).

Ҳеч нарса қилмаяпман ва ўзгаларнинг ҳам, ўзимнинг ҳам саъй-ҳаракатларимни кўрмайману хотиржамман... менга барибир: бахт бўлиши мумкин эмас, бахтсизлик эса доимий қисматим...

– Бу даҳшат, Александр! – деди келинойи, – шу ёшингизда бунчалар ҳаётдан совиш...

– Нечун ажабланасиз, ma tante? Бир дақиқа яшаётган муҳитингиздан ажралиб, ҳаётга, дунёга назар ташланг-а? Нима бу ўзи? Кечаги улугвор нарса бугун сариқ чақага киммат: кеча хоҳлаган нарсангни бугун хоҳламайсан; кечаги дўстинг бугун душман. Уринишлар, севиш, кўнгил кўймоқ, уришиш, ярашув, хуллас, яшаш шартми? Бундан кўра туйғу, тафаккур басирлиги маъқул эмасми? мана, басирман мен, шунинг учун ҳеч каерга бормайман, айниқса, сизни кўргани келмайман... Буткул басирга айланардим, сиз бўлса тафаккур, туйғум кўзини очиб, тагин бўйнимга бўйинтуруқ илмоқчисиз. Агар мени хурсанд, соғлом, эҳтимол тирик, борингки, ҳатто амакижоним тушунчасича, бахтли кўрмоқчи бўлсангиз, ҳозирги турган жойимдан кўзгатманг. Ҳаяжонларим босилишига имкон беринг: майли, орзулар ҳовридан тушсин, майли, тафаккур буткул қарахтлашсину қалб тошга айланиб, кўзлар йиғлашни, лаблар бўсани унутсин – ўшанда, бир, икки йиллар кейин мен ҳар қандай синовларга тап-тайёр ҳолда ҳузурингизга келаман: унда қанча ҳаракат қилманг, кўзгатолмайсиз, ҳозир бўлса... – йигит қўлларини бениҳоя аянчли силкиди.

– Уни қаранг-а, Александр, – шартта гапни бўлди аёл, – бир дақиқада ўзгариб қолдингиз; кўзларингизда ёш пайдо бўлди; ҳамон ўша-ўша экансиз. Муғамбирлик қилмай, туйғунгизни кишанламанг, эрк бераверинг...

– Нима ҳожати бор? Шу билан яхшиланиб қоламанми? Қаттиқроқ изтироб чекаман холос. Бугунги оқшом ўзимни кўз олдимда хароб этди. Ҳасрат чекишларимда ҳеч кимни айблашга ҳақим йўқлигини равшан англадим. Ҳаётимни ўзим расвосини чиқарибман, Худо билади, нечундир фаолиятимни менсимай, шон-шухрат ҳақида орзу қилибман: камтарона вазифамга доғ туширдим, энди ўтмишни тузатолмайман; кечикдим! Оломондан четланиб, ундан нафратланардим, теран, мустаҳкам қалбга эга, шоирона табиатли анави немис бўлса ҳаётдан воз кечмай, оломондан қочмай, шу оломон олқиши билан фахрланар экан. У ўзини инсониятнинг чексиз занжирида анчайин сезиларли ҳалқачалигини тушунаркан,

у ҳам мен каби ҳамма нарсани билиши, изтиробларга синашталиги маълум бўлди. Куй орқали бутун ҳаёти: қувончларию аламларини, бахт ва дил аянчини қандай баён этганини эшитдингизми? Бу унга тушунарли. Тамоми ҳасрат, изтиробларим билан бугун баногоҳ қанчалар майдалигимга, ярамаслигимга шахсан амин бўлдим!.. Аччиқ ҳақиқат бўлса-да, ўша немис мени кибр-ҳаволи ва заифлигимни англатди... Эҳ, нега ҳам чорладингиз мени? Яхши қолинг, йўлимни тўсманг.

– Айбим нима менинг, Александр? Нахотки кайфиятингизни бузадиган бирор номаъқулчилик қилган бўлсам – мен-а?..

– Ҳамма гап шунда-да! Сизнинг фариштадек олижаноб чехрангиз, мулойим гапиришларингиз, дўстона қўл қисишларингиз бари мени хижолат қилиб, борлигимни ўртайди, йиғлагим келиб, тагин яшашни, азобланишни хоҳлаб қоламан... ҳўш, нечун?

– Нечунингиз нимаси? Доим биз билан қолинг; агар мени заррача дўстликка арзирли ҳисобласангиз, ўз-ўзидан сизга бошқа аёл ҳам таскин бера олиши мумкин; ундай аёл танҳо менгина эмасман... сизни қадрлай олишади.

– Ажаб! Сизнингча, бу менга доимо таскин бера олади, деб ўйлайсизми? Ҳозирги бир дақиқали кўнгилчанликка ишонади, деб ўйлаясиз шекилли-да? Ростини айтсам, аёллигингизга боряпсиз. Сиз аёллар эркакларнинг қувончи, бахти учун яралгансизлар, шу бахтга ишониш мумкинми? Бу бахтнинг мустаҳкамлиги, бугун бўлмаса эртага қисмат ўша бахтли ҳаётнинг оёғини осмондан қилиб юбормаслигига қафолат бериш мумкинми, – ҳамма гап мана шунда! Бирор нарсага, бирор кимсага, ҳатто ўзингга ишониш мумкинми? Яхшиси, ҳеч қандай умидсиз ва талвасасиз яшаш, ҳеч нарса қутмаслик, қувонч изламаслик, бинобарин, йўқотишлардан фарёд чекмаган маъқул эмасми?..

– Қисматдан ҳеч қасрга қочиб қутула олмайсиз, Александр; сизни қисмат ҳозирги яшаётган жойингизда ҳам таъқиб этаверади.

– Ҳа, ҳақ гап: лекин фарқи шуки, у ерда қисмат ҳеч нарсани эрмак қилмайди, кўпроқ мен қисматни эрмак қиламан. Дам эндигина қўл узатганингда қармоқдаги балиқ чиқиб кетади, дам эндигина шаҳарга тушгинг келмайди... жудаям кулгили...

Лизавета Александровна бошқа эътироз билдиролмай қолди.

– Ҳали уйланасиз... севасиз ҳам... – деди у бўшашиб.

– Уйланаман! Шу етмай турувди! Нахотки ҳатто севган, гарчанд бунинг бўлиши мумкин бўлмаса-да, аёлимга ўз бахтини ишонади, деб ўйласангиз мени? Ёки нахотки, мени бирор аёлни бахтли қилишимга кўзингиз етса? Йўқ, мен шуни биламанки, биз бир-биримизни алдаймиз ва иккаламиз ҳам алданамиз. Амакижоним Пётр Иванич билан тажриба мени шунга ўргатдики...

– Пётр Иванич! Ҳа, у кўп нарсаларда айбдор! – деди Лизавета Александровна хўрсиниб, – аммо сиз унга кулок солмай ҳам... бахтли турмуш қуришингиз мумкин эди...

– Ҳа, кишлоқда бўлиши мумкин эди бу албатта: ҳозир эса... Йўқ, *ma tante*, турмуш қуриш менга тўғри келмайди. Мен энди севмай қўйганимни яшира олмайман ва бахтсиз бўлиб қолавераман, шунингдек, аёл макрини ҳам кўра олмайман; иккаламиз муғамбирлик қиламиз... масалан, сиз билан амакижоним муғамбирлик қилганларингдай...

– Биз? – хайратдан капалаги учиб сўради Лизавета Александровна.

– Ҳа, сизлар! Қани, айтинг-чи, сиз ҳозир бир вақтлар орзу қилганингиздек бахтлимисиз?

– Орзуимдагидек эмас... аммо орзуимдагидан бошқача, афзалроқ, эҳтимолки, кўпроқ бахтлиман, барибир эмасми бу? – эсанкираб жавоб қайтарди Лизавета Александровна, – сиз ҳам...

– Афзалроқ эмиш! Эҳ, *ma tante*, гапларингиз айни амакижонимнинг сўзлари-я! Амакижоним наздидаги бахт нималигини биламан, афзалроқ эмиш, хўш, нима бўпти шу билан? Ахир унинг учун ҳамма нарса бахтдир, бахтсизлик йўқ. Майли, ихтиёри! Йўқ! мен учун ҳаёт тугаган; чарчадим, яшаш кони азоб...

Иккалалари жим қолишди. Александр шляпасига қараб турарди. Аёл қайнисини тагин тўхтатиб қолиш учун яна важ изларди.

– Истеъдод-чи, истеъдод! – деди баногоҳ аёл апил-тапил.

– Э! *Ma tante!* – устимдан кулишни яхши кўрасиз-да! *Эгилган бошни қилич кесмас*, деган мақолни унутибсиз. Менда истеъдод йўқ, мутлақо йўқ. Туйғум бор холос, коним қизиқ эди орзуни ижод деб ўйлаб ижод қилаверганман. Яқинда бир вақтлардаги аҳмоқона нарсаларимни топиб олдим, ўқиб чиқиб, кулгим қистади. Амакижоним бари ёзганларимни ёқиб юборишга мажбур этиб тўғри қилган экан. Эҳ, қани энди ўтмишни қайтара олсам. Бошқача яшган бўлардим.

– Бунчалар умидсизликка тушманг! – деди аёл, – аслида ҳам-мамиз ҳам шўрпешона бўлиб яратилганмиз...

– Ким экан у шўрпешона яратилган? – сўради хонага кириб келган Пётр Иванович. – Салом, Александр! Сенмисан ўша шўрпешона!

Пётр Иванович букчайганча оёғини базўр судраб босарди.

– Лекин сен ўйлаган шўрпешоналик эмас, – деди Лизавета Александровна, – Александрнинг кўргилигини айтяпман холос...

– Тагин нима кўргилик экан у? – сўради Пётр Иванович нечоғли эҳтиёткорона креслога чўка туриб. – Вой! Бунчаям оғримаса! Бу кандай кўргилик бўлди-а!

Лизавета Александровна эрининг ўтиришига ёрдамлашиб, белига ёстиқ қўйгач, оёқлари остига курсичани сурди.

– Нима бўлди, амакижон? – сўради Александр.

– Кўрмайсанми азоб тортаётганимни! Вой белим! Кўрадиганимни кўраман шекилли буёғига! Вой, ё худойим-ей!

– Ўзинг доим ўтирганинг ўтирган, бу ернинг иқлимини биласан, – деди Лизавета Александровна, – доктор кўпроқ юриб туришни буюрса ҳам гапга кирмаяпсан. Эрталаб ёзиб-чизасан, кечқурун карта ўйнайсан.

– Хўш, кўчада лақиллаб юриб, вақтимни бекор ўтказишим керакми бўлмаса?

– Шунинг учун ҳам жазоингни тортяпсан.

– Бирор иш қилмоқчи бўлсанг, бел оғриқдан қочиб қутулолмайсан. Бели оғримаган ким бор? Ҳар бир миришкор одамнинг қисматидек бўлиб қолган бу дард... вой! Қад кўтариб бўлмайди-я.

– Хўш, нималар қиялпсан, Александр?

– Ҳамон ўша-ўшаман.

– Аҳа! Унда бод ҳам бўлмайсан. Таажжуб, жудаям таажжуб!

– Нега ажабланияпсан; жиянингнинг шундай бўлиб қолишига қисман ўзинг ҳам айбдорсан шекилли... – деди Лизавета Александровна.

– Мен-а? Баракалла-ей! Уни бекорчиликка ўргатган мен эканман-ку!

– Тўппа-тўғри, амакижон, сиз ажабланмасангиз ҳам бўлади, – деди Александр, – менинг ҳозирги аҳволга тушишимга қўп жиҳатдан кўмаклашдингиз; аммо сизни айбламайман. Айб ўзимда, сизнинг сабоқларингиздан керакли даражада фойдалана билмадим ёки аниқроғи, фойдалана олмадим. Чунки бунга тайёр эмасдим.

Сиз табиятимни дарҳол тушунганлигингизга карамай, мени қайта тарбияламоқчи бўлганлигингизда қисман айбдордирсиз эҳтимол. Тажрибали одам сифатида бунинг иложи йўқлигини пайқашингиз керак эди... Сиз менда ҳаётга икки хил қараш туйғусини уйғотиб, бу қарашларни келиштира олмадингиз. Оқибати нима бўлди? Бари туйғуларим шубҳага, қандайдир бўшлиққа айланди.

– Вой белим-ей! – ингради Пётр Иванович. – Бўшлиқ эмиш! Худди ўша бўшлиқдан бирор нарса яратмоқчи бўлгандим.

– Ана холос! Хўш, бу билан нимага эришдингиз? Менга ҳаётнинг энг хунук томонларини бўрттириб кўрсатдингиз. Ҳолбуки, ёрқинликнигина кўриш ёшида эдим.

– Калланг пуч нарсалар билан тўлмаслиги учун ҳаётни қандай бўлса шундайлигича кўрсатишга интилгандим. Қишлоқдан гўл гўдак сифатида келганинг ёдимда. Бу ерда ундай бўлмасликдан асрашим керак эди-ку сени. Сени анчагина хатолар ва номаъқулчиликлардан сақлаб қолган бўлсам керак. Агар мен бўлмасам, янаям кўп янглишардинг!

– Эҳтимол. Лекин сиз бир нарсани: бахтни назардан четда қолдирыпсиз, амакижон. Сиз инсон янглишув, орзу ва умидлари билан бахтли эканини унутиб қўйгансиз. Инсонни ҳаётгана бахтли қилолмас...

– Бас қил овсарликни! Бу сафсатани сен Осиё чегарасидан олиб келгансан-да: Европада бунга ишонмай қўйганларига анча бўлган. Орзулар, ўйинчоқлар, алдов – буларнинг бари аёллар билан болаларгагина зарур. Эркак бутунлай иш учун яратилган. Сенингча, бу алданишдан кўра ёмонми?

– Нима десангиз денг-ку, амакижон, лекин бахт ҳаёл, умид, одамларга, ўзига ишонч, шунингдек, муҳаббат ва дўстлик маҳсулидир. Сиз бўлсангиз менга муҳаббат – бўлмағур, пуч туйғу, муҳаббатсиз яшаш осон, ҳатто афзал, дея уқтирддингиз; эҳтиросли муҳаббат улкан ютуқ эмас эмиш, бу билан хайвон қаршисида мақтаниб бўлмасмиш...

– Ахир ўзинг қандай севмоқчи бўлганингни эслаб кўр бир. Бўлмағур шеърлар ёзардинг, дағал тилда гапирардинг. Ўша, ҳах, нимади... Грунянгнинг жонига ҳам тегиб кетгандинг. Аёлни ҳам шундай ром этиб бўларканми?

– Хўш, қандай ром этади бўлмаса? – куруққина сўради Лизавета Александровна эридан.

– Вой, бунчаям санчмаса белим! – ингради Пётр Иванович.

– Кейин, – давом этди Александр, – сиз чукур ва астойдил кўнгил кўйиш йўк нарса, одатланиш бор холос, дегандингиз...

Лизавета Александровна эрига жимгина, синчков тикилди.

– Яъни, мен агар билсанг, сенга... нима... анавиндай... қилишинг учун... айтувдим... вой, вой, белим-ей!

– Сиз бу гапларни, – яна фикрини улаб кетди Александр, – ҳамма нарсани муҳаббатда деб билувчи, муҳаббат кутқаражак ёки худди шу муҳаббат хароб этажак йигирма ёшли болакайга айтгандингиз.

– Икки юз йил аввал туғилганга ўхшайсан-а! – койинди Пётр Иванович, – аслида сен Горох подшо замонида яшасанг бўларкан.

– Менга, – дея жавоб қайтарди Александр бўш келмай, – муҳаббат, алдамчилик, хиёнат, кўнгил совиш ақидаларини ўргатгандингиз... Хўш, нега? Буларнинг барини муҳаббатдан илгари ўргандим, сева бошлагач эса худди профессор раҳбарлигида баданни ўрганаётган талаба гавда нафосатини илғаш ўрнига фақат мускулу томирларнигина кўргани каби муҳаббатни таҳлил этдим...

– Бироқ ёдимда борки, бу нарса сен анави... исми нимайди... Дашеньками, ҳа, ўшани деб савдойи бўлишингга халақит бермади.

– Тўғри, аммо алданишимга йўл қўймадингиз; йўкса, Наденьканинг хиёнатини бахтсиз тасодифга йўйиб, муҳаббат зарур бўлмайдиган пайтгача кутардим. Ваҳоланки, ақидангиз воситасида менга бу ҳамманинг бошида бор савдо дея таскин бердигизу натижада йигирма беш ёшимда бахт ва ҳаётга ишончимни йўқотиб, руҳан кексайдим. Дўстликни рад этиб, у кўникма холос дедингиз. Ўзингизни балки ҳазиллашиб бўлса керак, менинг энг якин дўстимдай кўрсатдингиз. Ҳолбуки, мени дўстлик йўқлигига ишонтириб бўлгандингиз.

Пётр Иванович жиянининг гапини тинглаган кўйи бир қўли билан белини силаб ўтирарди. У гўё зиммасига ағдарилаётган барча айбларни биргина лукма билан йўкка чиқара оладиган кимсадек беписанд киёфага кирганди.

– Дўстликни ҳам қойилмақом тушунардинг, – деди у, – сен дўстликни халқ оғзида юрган қадимги бир калақаомуз томоша сифатида тушунардинг. Қандай эди-я ўша икки тентак кўрсатган томоша?.. Бирини учрашувга бориб келгунча, иккинчи тентак кафил

бўлиб турган шекилли... Борди-ю, ҳамма одамлар ўша икки тентак йўлини тутса, дунё жиннихонага айланарди!

– Мен одамларни яхши кўрадим, – давом этди Александр, – уларнинг кадр-кимматларига ишониб, биродарларим қаторида кўрар, кайноқ бағримга босишга тайёр эдим.

– Жудаям зор-да одамлар кайноқ бағрингга! Ёдимда кучок очишларинг, – гапни бўлди Пётр Иванич, – нақ бўғзимга келганди кучоклашларинг.

– Сиз бўлсангиз, менга одамларнинг кадр-кимматининг нима-лигини кўрсатиб қўйдингиз. Инсонсеварлигимни қўллаш ўрнига, кўнгилчанлигимни босиб, одам танлаш, синамоқ, эҳтиёткорликни ўргатдингиз. Одамларни синаб кўриб, уларни ёқтирмай қўйдим!

– Сени билмаганман-да! Кўряпсанми, жудаям оёқ-қўлинг чаққонсан: одамларга раҳмдилроқ бўларсан, деб ўйловдим. Мен одамларни яхши билганим учун ҳам улардан нафратланмайман...

– Нима, сен одамларни яхши кўрасанми ҳали? – сўради Лизавета Александровна.

– Кўникиб қолганман... уларга.

– Кўникиб қолганмиш! – такрорлади аёл салмоқлаб.

– У ҳам кўниккан бўларди, – деди Пётр Иванич, – лекин аввалроқ, қишлоқдалигида янгам билан чаман гуллар таъсирида йўлдан адашган, шунинг учун ҳам ишининг юришиши кийин бўляпти.

– Бундан ташқари, ўзимга ишонардим, – тагин гапга киришди Александр, – сиз мени бошқалардан камлигимни билдириб қўйганингиздан кейин ўзимни ҳам ёмон кўриб қолдим.

– Агар сал оғир-босикроқ бўлганингда, мен хоҳлаганимдек бошқалардан ёмон ҳам, яхши ҳам эмаслигингни тушунардинг-да, ўзингни ҳам, бошқаларни ҳам ёмон кўрмай, одамларнинг номаъкулчилигига лоқайдроқ бўлар, ўз бемаъниликларингга кўпроқ эътибор берардинг. Мана, мен кимлигим, дуруст одам эмаслигимни билсам-да, тўғриси, ўзимни ўзим жудаям яхши кўраман.

– Ҳа! *Кўникиш* эмас, балки ўзингни *яхши кўрасан*, – деб қўйди Лизавета Александровна совуққина.

– Вой, вой белим! – ингради Пётр Иванич.

– Ниҳоят шафқатсиз бир зарба билан аямай-нетмай, энг эзгу орзуимни чилпарчин этдингиз; мен ўзимда шоирона истеъдод учкуни

бор деб ўйлардим: сиз менинг нафосат заҳматкаши сифатида яралманганимни бешафкатларча исботладингиз; қалбимдан ўша ижод унсүрлини ларза билан суғуриб олиб, мени ўзим жирканмиш меҳнатга мувоғалло қилдингиз. Сизсиз мен қалам тебратган бўлардим...

Кейин одамларга нўноқ адиб сифатида танилардинг, – гапни бўлиди Пётр Иванович.

Одамлар билан нима ишим бор? Ўзим учун ҳаракат қилдим. Маншум омадсизликларим, ҳасадларимни бадхоҳликдан кўрардим-да, аста-секин ёзмасликка кўникиб, ўзим бошқа ишга унналардим. Ҳамма нарсани англаб, руҳий тушқунликка учраганимдан нега ажабланияпсиз?..

– Хўш, бунга нима дейсиз? – савол берди Лизавета Александровна.

– Гапиришга ҳам арзимаиди; бундай бемаъниликка нима деб жавоб қайтариш мумкин? Менинг айбим сен йўлга отланаётиб бу ерда гуллар чаман очилган, дўстлик ва муҳаббат ҳукмрон, баъзилар фақат шеър битиб, бошқалар тинглашади, баъзан-баъзан, шунчаки ранг-баранглик учун насрга қўл уришади, деб ўйлаганингдами?.. Мен сенга инсон умуман ҳамма жойда, айниқса бу ерда меҳнат, ҳатто бели оғрир қадар кўп меҳнат қилишини... гуллар чамани эмас, мансаб, пул борлиги ва бу анча афзалроқлигини исботлагандим. Исботламоқчи бўлганим шугина эди холос! Гапимни ниҳоят тушунишингга, ҳаёт нималигига ақлинг етиши, айниқса, ҳозир ҳаётни қандай идрок этаётганларини англашингга имоним комил эди. Сен англаб, ҳаётда гуллар билан шеърлар таҳчиллигини туйдинг. Ҳаёт катта хато деган хулоса билан ҳасрат чекишга ҳақлигингни исботламоқчи бўласан. Бошқалар буни пайкамаганлари учун шодхуррам яшаяптилар, демоқчисан. Хўш, нима кўнглингдагидай эмас? Сенга нима етишмаяпти? Сенинг ўрнингда бошқа одам бўлса, тақдиридан минг катла шукур қиларди. Бирор ночорлик ҳам, дард ҳам, оғир ташвиш ҳам бошингга тушмаган. Нима етишмайди ўзи сенга? Муҳаббатми? Икки марта севиб, севилганинг камлик қилибди-да. Сенга хиёнат қилишди, сен аламингни олдинг. Биз сенинг бошқаларда йўқ дўстларинг борлигини билардик. Уларни сени деб ўтга ҳам, сувга ҳам киражак; кучоқ очиб кучоқлашга тайёр, деб бўлмайди албатта. Чунки бу ғирт бемаънилик! Тушун ахир! Лекин улардан доим маслаҳат, кўмак, ҳатто пул ҳам олишинг мумкин эди... Бундан ортиқ ҳам дўстлик бўлиши мумкинми? Вақти

келиб уйланасан, ҳамма мартабаларинг ҳали олдинда. Фақат бирор машғулот билан машғул бўлсанг бас. Ўшандагина омад кулиб боқади. Бошқалар каби йўл тутсанг, бахтинг кулиб, мақсадингга эришасан. Жўн бир одам ўзини фавқулодда буюк сиймо деб билиши кулгили-да! Нимадан куюнасан бунча?

– Мен сизни айбламайман, амакижон, аксинча, истагингизни кадрлаб, бағоят миннатдорчилик билдира оламан. Лекин истагим ушалмаган бўлса нима қилишим керак? Мендан хафа бўлманг. Энг ёмони шуки, биз бир-биримизни тушунмаганмиз. Сизга, иккинчи бир одамга, яна кимгадир маъқул нарса менга ёкмайди...

– Менга, иккинчи, учинчи одамга маъқул эмиш!.. Бунақа эмас-да, азизим! Нима, ёлғиз менгина сенга ўргатганимдай ўйлаб, яшайманми?.. Товарагингга бок, кишлоқдагиларни эмас, у ерда мен айтганларим рўй беришига кўп замонлар бор, балки сен *оломон* деб атаган замонавий, маърифатли, идрокли ва ҳаракатчан оммани кўздан кечир. Бу омма нима исташи, нимага интилишини ўрган. Ўшандагина мен ўргатгандай кўра оласан. Сендан талаб қилган нарсаларимнинг барини ўзим ўйлаб чиқармаганман.

– Ким ўйлаб чиқарган? – сўради Лизавета Александровна.

– Аср.

– Сенинг асринг ўйлаб чиқараётган ҳамма нарсага албатта рия қилиш керакми? – сўрашда давом этди аёл, – ўша нарсаларнинг бари муқаддас, бари ҳақиқатми?

– Бари ҳақиқат! – жавоб қайтарди Пётр Иванович.

– Ана холос! Демак, ҳис қилишдан кўра кўпроқ фикрлаш керак экан-да? Қалбга эрк бермаслик, туйғу жунбишини босиш лозим демокчимисан? Самимий изҳори дилга берилмаслик ва ишонмаслик керакми?

– Ҳа, – деди Пётр Иванович.

– Қандай қилиб? Ҳамма жойда бир усулга рия этиш, одамларга кам инонмоқ, жами нарсаларни омонат билиб, ўз-ўзинг билангина бўлиш лозим экан-да?

– Шундай.

– Ҳаётда муҳаббат асосий нарса эмаслиги, сеvimли кишингдан кўра ишингни ортик ёктириш, ҳеч кимнинг садоқатига кафолат йўқлиги, муҳаббат, пировардида, совиш, хиёнат ёки кўникма билан тугашига ишониш муқаддас бўладими? Дўстлик кўникмами? Шуларнинг бари ҳақиқатми?

– Бу доимо ҳақиқат бўлиб келган, – жавоб қайтарди Пётр Иванович, – лекин илгарилари ишонишни хоҳлашмаган, эндиликда бўлса бу ҳаммага маълум ҳақиқатдир.

– Ҳамма нарсаса кўз-қулоқ бўлиш, хомчўт қилмоқ ва ўйлаб кўрмоқ, эс-хушни йўқотишу орзуга, алдов натижасидагина мойиллик сабабли бахтли бўлмоққа йўл қўймаслик ҳам муқаддасми?..

– Окилона бўлгани учун ҳам муқаддасдир, – деди Пётр Иванович.

– Қалбингга яқин кимса... масалан, хотинингга нисбатан ҳам ақл билан иш тутиш ҳақиқатми?..

– Белим ҳеч қачон бунчалик оғримаганди... вой! – жавоб қайтарди курсида букчайиб ўтирган Пётр Иванович.

– Ҳо! Бел эмиш! Ажойиб аср-э! Нима ҳам дердик.

– Жудаям ажойиб, жонгинам; инжиқликдан ҳеч нарса чиқмайди, ҳамма ерда ақл, сабаб, тажриба, тадрижийлик ва бинобарин муваффақият мавжуд; ҳамма камолот ва эзгулик сари интилади.

– Гапларингизда эҳтимол ҳақиқат бордир, амакижон, – деди Александр, – лекин бу менга таскин беролмайди. Сизнинг назариянги билан мен ҳамма нарсани биламан, борликка сизнинг нигоҳингиз билан қарайман. Сизнинг мактабингизда сабоқ олдим. Шунга қарамай, яшашимнинг қизиғи йўқ, машаққатли, оғир... Нега бундайикин?

– Шунинг учунки, янги тартибга кўникмагансан. Ёлғиз сен бундай эмассан: бошқа колоқлар ҳам бор тагин, уларнинг ҳаммалари *жафокаш*. Баайни ночорлар, хўш, нима қилиш керак? Бир ховуч одамларни деб бутун бир оммадан орқада қолиб бўлмайди-ку. Мени айблаётган барча айбларингга жавобан, – деди Пётр Иванович ўйлаб туриб, – ёлғиз ва асосий важим бор: бу ерга келганингда иккаламизнинг ўртамиздаги беш дақиқалик суҳбатдан сўнг орқангга қайтиб кетишингни маслаҳат берганим ёдингдами? Сен қулоқ солмадинг. Ҳозир нега энди менга ёпишяпсан? Бу ердаги тартибга кўника олмаслигингни олдиндан айтувдим, сен бўлсанг, менинг раҳнамолигимга ишониб, маслаҳат сўрадинг... Ҳозирги тафаккур муваффақиятлари, инсоният интилишлари... асрнинг амалий йўналиши ҳақида оғиз кўпиртирдинг; мана энди оқибати! Сени эрталабдан-кечгача папалаб ўтиролмасдим-ку, менга зарур келганмиди? Тун бўйи рўмолча билан оғзингни пашшадан кўриқлолмас, сени чўқинтира олмасдим. Мен сенга бор гапни айтдим, чунки шуни илтимос қилгандинг. Оқибати нима билан тугаганлигига менинг

дахлим йўқ. Сен ёш бола ҳам, гўл ҳам эмассан, ўзингнинг ҳам калланг бор... Бу ерда бирор ишнинг бошини тутиш ўрнига, дам киз хиёнатидан оқ урдинг, дам дўстингдан айрилганинг вазидан обидийда қилдинг, дам қалб пучлигию, дам ҳиссиёт мўллигидан изтироб чекдинг. Қани, айт, шу ҳам ҳаёт бўлдики? Турган-битгани азоб-ку! Ҳозирги ёшларга бир қара: нақадар шоввоз улар! Ақлий меҳнат, ғайратда нечоғли жавлон уришяпти, кўҳна лахжангларда аталмиш анави чуқур *ташвиш*, *изтиробларми*... жин урсин, тагин нима балоларни қанчалар эпчил ва осон бартараф этишаётир!

– Шунчалик осон ҳал қиласан-қўясан-а! – деди Лизавета Александровна, – наҳотки Александрга раҳминг келмаётган бўлса?

– Йўқ. Мабодо унинг бели оғриётганда раҳмим келарди. Бел оғриги уйдирма ҳам, орзу ҳам, шеърият ҳам эмас, балки нақ чекилаётган азобнинг ўзгинаси... Уҳ, вой-ей!

– Жилла курса ўргатинг, амакижон, ҳозир нима қилишим керак? Сиздай доно одам менга нима маслаҳат берасиз?

– Нима қилиш керакми? Нима бўларди... кишлоққа жўнаш керак, вассалом.

– Қишлоққа! – такрорлади Лизавета Александровна, – ақлинг жойидами ўзи, Пётр Иванович? У ерда нима билан шуғулланади шўринг курғур?

– Қишлоққа! – такрорлади Александр ҳам ва келинойиси иккалалари Пётр Ивановичга тикилишди.

– Ҳа, кишлоққа: уйда онанг билан дийдор кўришиб, уни тинчитасан. Осойишта ҳаётни хоҳлаяпсан-ку ўзинг, бу ерда ҳамма нарсаси оромингни бузаяпти. Қишлоқдаги кўл ёқасида холанг билан суҳбат қуришдан бўлак осойишталикни ҳеч қаердан тополмайсан... Тўғриси, йўлга туш! Ким билсин тагин? Эҳтимол сен анави... Вой-ей!

Пётр Иванович белини чангаллади.

Икки ҳафталардан сўнг Александр истеъфога чиқди-да, амакиси ва келинойиси билан хайр-хўшлашишга келди. Келинойи билан Александрнинг диллари вайрон, сукут сақлашарди. Лизавета Александровнанинг кўзларида ёш томчилари илиниб турарди. Пётр Иванович гап очди.

– На мансабга эришилди, на омад юришди! – деди у бош чайқаб, – эсизгина-я, келиб овора бўлиш! Адуевлар авлодини иснодга қўйдинг-е!

– Бас кил, Пётр Иванович, – деди Лизавета Александровна, – жонга тегиб кетдинг мансаб-пансабинг билан.

– Ўзинг ўйла ахир, жонгинам, саккиз йил мобайнида ҳеч нарсага эришилмаса-я!

– Хайр, амакижон, – деди Александр. – Неки қилган бўлсангиз ҳаммаси, ҳаммаси учун раҳмат...

– Арзимаиди! Хайр, Александр! Йўлингга пул керак эмасми?

– Йўк, раҳмат, ўзимда бор.

– Қизиқ, ҳеч пул олмайсан-а! Жуда жаҳлимни чиқаряпсан. Майли, омон бўл, омон бўл.

– Жиянинг билан хайрлашаётганингдан ҳеч ҳам ачинмаяпсанми? – гап қўшди Лизавета Александровна.

– Ҳм-м! – гудранди Пётр Иванович, – мен... ўрганиб қолгандим унга. Сенинг амакинг, дўстинг борлиги ёдингда бўлсин, эшитяпсанми? Бирор хизмат, юмушми ёки лаънати металл зарур бўлиб қолса, хайиқмай мурожаат қилавер менга: истаган кўмагингга тайёрман.

– Ғамни енгиллаштирувчи илиқ, ишончли дўстлик зарур бўлса... – деди Лизавета Александровна.

– Дил изҳорида ҳам, – қўшиб қўйди Пётр Иванович.

–...шуни унутмангки, – давом эттирди Лизавета Александровна, – сизнинг келинойингиз, дўстингиз бор.

– Оббо, бундайлар кишлоқда ҳам қаҳат эмас, жонгинам, топилади. Гулларми, муҳаббатми, дил изҳорими, ҳатто келинойи ҳам бор.

Александрнинг кўнгли бузилганди; чурк этолмасди. У амакиси билан хайрлаша туриб, саккиз йил олдингига қараганда астойдил бўлмаса-да, кулоч ёза бошлади. Пётр Иванович жиянини кучокламай, унинг иккала қўлинигина тутиб, саккиз йил аввалгидан кўра қаттиқроқ қисиб қўйди. Лизавета Александровна дув-дув кўзёш тўкарди.

– Уф! Худога шукр, елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди! – деди Пётр Иванович Александр жўнаб кетгач, – худди бел оғриғим босилгандай бўлди-я!

– У сенга нима ёмонлик қилди? – сўради кўз ёши аралаш Лизавета Александровна.

– Нима ёмонлик дейсанми? Ғирт азоб бўлди-ку, фабрикадагилардан ҳам баттар. Улар номаъкулчилик қилишса, савалайсан; Александрни нима қила оласан?

Лизавета Александровна кун бўйи йиғлади. Пётр Иванович тушлик овқат сўрагани, унга стол тузалмагани, хоним бўлмасига кириб олиб, ошпазларни киритмаганини айтишди.

– Ҳаммасига айбдор Александр! Тоза даҳмаза бўлди-да у, ўзиям!

Пётр Иванович ғудранди-ғудранди-да, кейин инглиз клубида овқатланишга жўнади.

Эрталаб барвақт шаҳардан бир-бир жилган дилижонда Александр Фёдорич билан Евсей ўтириб кетишарди.

Карета деразасидан бошини чиқариб олган Александр зўр бериб ўзини хафадай кўрсатишга ҳаракат қиларди. Ниҳоят, у фикран ўз-ўзига гапиришга ўтди.

Улар куаферлар, тиш докторларининг устахонаси, модалар уйи, тўралар палатаси ёнидан ўтиб боришарди. «Алвидо, – дерди Александр бошини чайқатган кўйи, сийрак сочларини тутамлаб, – алвидо, сунъий соч, ясама тиш, сохта сийналар, думалоқ шляпалар, тавозелар, қалбаки туйғулар, телба-тескари олағовурлар шахри! Алвидо, теран, қудратли, нозик ва илиқ туйғулар дафн этилган шохона сағаналар. Мен бу ерда саккиз йил ичи замонавий ҳаёт билан юзма-юз, аммо табиатга тескари турдим, табиат эса мендан юз ўгирди: куч-қувватдан қолиб, йигирма тўққиз ёшимда кексайиб ўтирибман, ваҳоланки, шундай вақтлар бўлгандики...

Алвидо, алвидо, шаҳар,
О, мен бу ерларда қанча дард чекдим,
Бу ерларда севдим, кўмдим юрагим¹.»

Шундан сўнг у Пушкиннинг «Мудроқ мўйқаламли жоҳил мусаввир» шеъри ва ҳоказоларни ўқигач, нам кўзларини артиб, ўзини фойтун ичкарисига тортди.

VI

Ажойиб тонг эди. Грачи қишлоғидаги китобхонга маълум қўл энгил тебранишдан майин жимирлайди. Сувда дам олмос, дам зумрад янглиғ ярк-юрк аксланаётган қуёш нуридан беихтиёр кўз камашади. Салқи қайинларнинг бутوقлари қўлда чўмиляпти, қир-қоқларнинг қиёқзор баъзи жойларидаги сузаётган сербар япроқлар панасида сарғиш йирик чечаклар яширинган. Гоҳо қуёш юзини

¹ А.С. Пушкиннинг «Евгений Онегин»идан (I-боб, I банд).

юпка булут пардаси бекитади; ўшанда куёш гўё Грачидан юз ўгиргандай бўлади. Кўл ҳам, ўрмон, кишлок ҳам бари-бари бир зумда хира тортади. Фақат олис-олисларгина нурафшон тураверади. Булут чекингач, кўл яна ёришиб кетади, далалар бамисоли зарга чулғанади.

Анна Павловна соат бешдан бери равонда ўтирарди. Уни бу ерга нима чорлаган; куёш чиқишими, мусаффо ҳавою ёки сўфитўрғайлар навосими? Йўқ! Анна Павловна ўрмонларни кесиб ўтган йўлдан кўз узмаяпти. Аграфена келиб калит сўради. Унга киё ҳам боқмаган, икки кўзи йўлда Анна Павловна калитни берар экан, ҳатто калит нимага керак бўлиб қолганлигини ҳам сўрамади. Ошпаз пайдо бўлганда, бека унга ҳам лоакал нигоҳ ташламай, анча-мунча юмушлар буюрди. Эрта учун ўн кишилиқ дастурхон тузалди.

Анна Павловна яна ёлғиз қолди. Тўсатдан унинг кўзлари чакнаб кетди, – бутун юраги-ю, танаси нигоҳига жам бўлди. Йўлда нимадир қорайиб кўринди. Кимдир уловда келяпти, аммо шошилмаяпти имиллаб силжияпти. Оҳ! Тепаликдан тушиб келаётган арава экан-ку, Анна Павловна ковоқларини уйди.

– Қоранг ўчгур арава-ку! – ғудранди бека, – йўқ, четлаб ўтса бўлмайди; ҳаммалари шу ёқдан юрганлари юрган.

Анна Павловна норози киёфада тагин креслога чўкиб, атрофидаги нарсаларга аҳамият бермай, тагин бетоқатлик билан ўрмон томон кўз тикди. Атроф эса эътибор берса бергудай бўлиб, манзара буткул ўзгара бошлаган, жазирама куёш нури қизитган тушки ҳаво дим, нафас олишга оғирлик қилаётганди. Ана, офтоб юзи ҳам тўсилди. Борлиқ хиралашди. Ўрмон ҳам, олис кишлоклар ҳам, кўкатлар ҳам – бари қандайдир лоқайд, ёқимсиз тусга кирди.

Анна Павловна кўзини очиб, кўкка боқди. Ё худо! Ғарбдан байни тирик махлукка ўхшаш қоп-қора, четлари куймамис рангида бесўнақай қандайдир нарса худди баҳайбат қанотлари билан тева-рак-атрофни қоплагундай бўлиб, кишлок ва ўрмон сари жадал силжирди. Табиатни ҳасрат чулғаб олди. Сигирлар бошини эгди: отлар думларини силкитиб, бурун катаклари кенгайганича ёлларини титрата-титрата пишқирди. Туёклар тўзитган чанг юқори кўтарилмай, худди қум каби ғилдираклар остига сочилди. Булут дағдаға билан босиб келарди. Кўп ўтмай, олисларда элас-элас момақалди-роқ гумбурлади.

Фавкулодда нимадир рўй берадигандай ҳаммаёқ сукутга чўмди. Офтобда шўх-шўх елиб, чуғурлаган кушлар қаёққа ғойиб бўлдийкин? Кўкатларда турли оҳанг билан виз-виз қилаётган ҳашаротлар қани? Ҳаммаси яширинган, тинганди: жонсиз нарсалар ҳам чамаси нохушлик сезганди. Чайқалиб, шохлари бир-бирига урилаётган дарахтлар тек қотди. Онда-сондагина учлари ёнга эгилаётган бу дарахтлар шивирлаб, гўё бир-бирларини яқинлашаётган хатардан огоҳлантирардилар. Булут уфкни қоплашга улгуриб, қандайдир ўтиб бўлмас кўрғошин гумбазини ҳосил қилганди. Қишлоқдаги ҳамма вақт ғаниматда уй-уйларига кириб олиш пайдан бўларди. Умумий, тантанавор сукут дақиқалари кирди. Ниҳоят, ўрмондан илк даракчи каби салқин эпкин эсиб, йўловчи юзига муздек шабада пуркади, сўнгра япроқларни шилдирадиди, йўл-йўлакай ҳужра эшигини ёпиб, кўчада чанг кўтардию буталар орасида тинди. Кетма-кет эсган кучли шамол йўл ёқалаб аста чанг булутини олға суриб кетди, кейин қишлоққа ёпирилган шамол девордаги бир-иккита чирик тахтани кўпорди, похол томни кўтариб, обкашда сув кўтариб кетаётган деҳқон аёлнинг юбкасини оёқларга чирмади-да, хўрозу макиёнларнинг думини тўзитганча кўча бўйлаб қувлай бошлади.

Шамол тинди. Тагин сукунат чўкди. Қимирлаган жон зоти борки, апил-тапил ўзини панага ура бошлади. Фақат бефаросат кўйгина ҳеч нарсани сезмай, кўча ўртасида қаккайганча бепарво кавшаниб умум талвасасидан таажжубда, тўғрисиға қарарди. Шунингдек, пату хашак чўпигина йўлда чирпираб шамол кетидан эргашарди.

Икки, уч йирик ёмғир томчиси томгач, баногоҳ яшин чақнади. Супадаги чол ўрнидан туриб, невараларини ошиқич ичкарига бошлади. Кампир чўқиниб олиб, шартта дераза тавақаларини ёпди.

Одамлар ғовур-ғувурини босиб гумбурлаган момақалдирок ҳавода тантанавор, салобат билан таралди. Кўрқиб кетганидан бойловини узган от арқон-парқони билан далада елиб борар, деҳқон уни ушлашга беҳуда овора бўларди. Кучайгандан-кучаяётган ёмғир томларни савалар, деразаларни каттиқ чертарди. Ҳадик билан ташқари чўзилган, оппоқ қўллар парваришталаб гулларни равонга қўйди.

Илк момақалдирок гумбурлашидаёқ Анна Павловна чўқиниб, равондан ичкарига кириб олди.

– Йўқ, бугун кутмаганим маъкулга ўхшайди, – деди у хўрсиниб, – момақалдиروقда бирор ерга қўнгандир хойнахой, кеч ҳам бўлиб қолди.

Тўсатдан ғилдираклар овози эшитилди: аммо дарахтзор тарафдан эмас, улов тараклаши бошқа ёқдан келарди. Қандайдир арава ховлига кириб келди. Адуеванинг юраги тўхтаб қолгандай бўлди.

«Нега буёқдан келди? – ўйларди бека, – эҳтимол билдирмай кириб келмоқчи бўлдимикин? Ҳа, йўқ, катта йўл бу тарафда эмас-ку».

Анна Павловна нима деб ўйлашни билмасди, бироқ қўп ўтмай ҳаммаси тушунарли бўлди, бир дақиқа ўтар-ўтмас Антон Иванич кириб келди. Унинг сочлари кумушдай оқарган, ўзи семириб кетганди; бекорчилик ва мечкайликдан бақбақалари салкиган, эғнида ўша-ўша сюртук; ўша-ўша кенг панталон.

– Сизни росаям кутдим-а, Антон Иванич, – гап бошлади Анна Павловна, – охири келмасангиз керак деб ўйлаб, умидимни узиб қўйгандим.

– Алҳазар, алҳазар, нотўғри ўйлабсиз! Ҳаммани қўйиб, сизни-кига келмасам-а, пошшагинам! Ҳар кимникигаям боравермайману... аммо сизникига келмай бўладими? Кечикишим ноиложликдан. Кейинги пайтларда биттагина от қўшиб юрибман.

– Нега энди? – паришонлик билан сўради Анна Павловна дераза томонга яқинлашиб.

– Нега бўларди, пошшагинам, чўқинтирилгандан бери Павел Савичнинг чавқари майиб. Жин ургур кучер арик устига омборнинг эски эшигини қўйган экан... камбағалликни қаранг. Янги тахта топилмаганмиш! Эшикнинг, ким билсин, михими ёки илмоғигами қоқилган от мункиб кетиб, сал бўлса менинг бўйним ҳам синай деди... Минг лаънат! Ўшанда майиб бўлувди чавқар... Хўп қурум-соқлар бор-да! Бундайларнинг уйини кўрсангиз, кўзингизга ишонмайсиз, пошшагинам, баъзи ғарибхоналар ҳам бунчалик ночор эмас. Москвада, Кузнецкий мостда ҳар йили ўн минг сўмга бўлса ҳам қўприк тахталарини янгилашади-я!

Антон Иваничнинг гапларини паришон тинглаётган Анна Павловна у сўзлашдан тўхтагач, бош ирғаб қўйди.

– Сашенькадан хат олувдим, Антон Иванич! Йигирманчиларда бориб қоларман, деб ёзибди, суюнганимдан ҳалиям ўзимга келолмаяпман.

– Эшитдим, пошшагинам: Прощка айтувди, олдинига нима деяётганини ҳам тушунмадим: келиб бўлган деб ўйлабман, хурсанд бўлганимдан жикка терга ботибман.

– Тан-жонингиз соғ бўлсин, Антон Иванич, бизларни яхши кўрасиз-да.

– Яхши кўрганда қандок! Ахир Александр Фёдорични кўлимда кўтариб катта қилганман; у кишини ўз ўғлимдай кўраман.

– Раҳмат сизга, Антон Иванич, асло кам бўлманг! Мен кечадан бери мижжа қоқолмаяпман: бошқаларни ҳам ухлатмаяпман. Бемаҳалда келиб қолиши мумкин, ухлаб ётган бўлсак уят-да ахир! Кечани қўшсак, уч кундан бери дарахтзорга неча бор пиёда бориб келдим, бугун ҳам бормокчийдим, кексалик курсин, курбим етмади. Туни билан уйқусизликдан азобланиб чиқдим. Ўтира қолинг, Антон Иванич. Жикка тер бўлиб кетибди-ку ҳаммаёғингиз; жиндак ичиб, нонушта қилиб ола қоласизми? Тушликни кечроқ қилсак керак, кадрли меҳмоннинг келишини кутамиз.

– Қорним тўкроқ. Тўғрисини айтсам, нонушта қилиб олгандим.

– Қаерда улгура колдингиз?

– Йўл-йўлакай Марья Карповнаникига кириб ўтувдим. Йўл устида-да, ўзимдан ҳам кўпроқ отни ўйлаганим учун тўхтадим. Ҳозирги иссиқда, ўн икки чақирим йўл босиш ҳазилми! Ўша ерда тотингандим. Яхшиямки ўтир, деб кистаганларига қарамай йўлга тушганим, йўқса, момақалдироқ баҳона кечгача қолиб кетардим.

– Хўш, аҳволи қалай Марья Карповнанинг?

– Худога шукур, дуруст! Салом деб юборди.

– Саломат бўлсин; кизи Софья Михайловначи, эри қалай унинг?

– Ёмон эмас, пошшагинам, олтинчи фарзандни кутишяпти. Икки ҳафталардан кейин туғилиши мумкин эмиш чақалоқнинг. Ўша кунлари келишимни тайинлашди. Ўзлари жудаям қашшоқлашиб кетишибди. Чақалоқ зарурмидийкин ҳозир? Йўқ, сираям зарур эмасди!..

– Кўйсангиз-чи!

– Худо ҳаққи! Уйлари қулай-қулай деб турибди, полларининг тахтаси ўйноқлаб ётибди, томларидан чакка ўтаркан. Тузатишга маблағлари йўқ шекилли; дастурхонга суюқ овқат, сузмали кулча билан қўй гўштидан келтириб қўйишди, холос! Шу аҳволларига азза-базза меҳмонга чақиришганини қаранг!

– Сашенькамни куёв қилмоқчи бўлганига ўласизми алвасти-нинг!

– Шундай лочин йигитни-я, ҳай, ҳай, пошшагинам! Жуда кўргим келяпти Александрни; суксурдай бўлиб кетгандир ўзиям! Кўнглим бир нарсани сезгандай бўляпти, Анна Павловна: бирор княжна ёки графиняни никоҳига олиб, сизнинг розилигингизни олиш, тўйга таклиф этиш учун келмаётганмикин?

– Қўйинг-е, Антон Иванович! – деди. Анна Павловна хурсандликдан талтайиб.

– Айтдим-қўйдим-да!

– Айланай сиздан, худо умрингизни берсин!.. Ҳа-я! Эсим курсин, сизга бир гап айтмоқчийдим, ёдимдан кўтарилибди. Тилим учида айланаяптию, эслолмаяпман, ҳа, алоҳа эсладим шекилли. Аввал нонушта қилиб оласизми ёки ҳозир айтаверайми?

– Менга барибир, пошшагинам. Нонушта устида бўлса ҳам майли. Оғзим таомда... қулоғим сизда бўлади.

– Унда бундай, – Анна Павловна нонушта келтирилиб, Антон Иванович стол ёнига ўтиргач, гапини бошлади. – Туш кўрсам...

– Нима, ўзингиз ҳеч нарса емайсизми? – сўраб қолди шу пайт Антон Иванович.

– Йўғ-е! Ҳозир кўнглимга овқат сиғармиди? Ҳеч нарса ўтмайди томоғимдан, боя бир чашка чойим ҳам чала қолди. Хўш, туш кўрсам, қаердадир ўтирганмишман. Қаршимда бўлса патнис кўтарган Аграфена турибди. Унга: «Ҳа, Аграфена, нега патнисинг бўш?» – деганмишман. Аграфена индамасмишу, нуқул эшик томонга қарармиш. «Ҳой, қаранглар! – ўйлармишман ўзимча тушимда, – нега у эшикка тикилиб қолди?» Шундан кейин ўзим ҳам қарай бошладим... Қарасам, тўсатдан Сашенька шундай хафа бўлиб кириб келармишда, ёнимга яқинлашармиш, худди ўнгимда гапираётгандай: «Хайр, онажон, мен олисга, анави ёққа, – у кўл томонни кўрсатармиш, – кетяпман, бошка келмайман», дермиш. – «Қаёққа кетяпсан, отагинам?» – сўрармишман юрак-бағрим эзилиб. Сашенька индамаётганга ўхшар, менга ғалати, ачиниб қарармиш. «Қаёқлардан келиб қолдинг, қароғим? – сўрагандай бўлармишман тағин. Меҳрибонгинам хўрсиниб, яна кўл томонни кўрсатармиш. «Ўпкондан, – дермиш эшитилар-эшитилмас, – сув алвастилари ўпконида келаяпман». Аъзойи баданим титраб, уйғониб кетдим. Ёстиғим кўз ёшидан жикқа ҳўл бўлиб кетибди. Ўнгимда ҳам ўзимга келолмай

қолдим. Тўшакка ўтириб олиб, хўнг-хўнг йиғладим. Турган заҳотим Қозоннинг модари маъбуди рўпарасидаги шамчиروқларни ёқдим. Шафқатли соҳибаи паноҳимизнинг ўзи бало-офатлардан асрасин ўғилгинамни. Худо ҳақки, кўнглим қаттиқ ғаш! Тушимнинг таъбири нимакин! Ишқилиб, Сашенькамга бирор қор-қол бўлмаса бўлди, момақалдируқни айтмайсизми тагин...

– Тушда йиғлаганингиз яхши, пошшагинам, хосияти бор! – деди Антон Иванович тухумни тақсимчага уриб синдираркан, – ўғлингиз эртага албатта келади.

– Мен нонуштадан кейин Сашенькани кутиб олиш учун ўрмонга борсақмикин деб ўйлаётгандим. Бир илож қилиб етиб олармидик. Бирпасда ҳаммаёқ лой бўлиб кетганини қаранг.

– Йўқ, у бугун келмайди, кўнглим сезиб турибди.

Шу пайт ногаҳон шамол олисдан кўнғироқчалар овозини олиб келди, лекин бу овоз дарровданоқ тиниб қолди. Анна Павловна нафасини ичига ютди.

– Оҳ! – деди бека чуқур хўрсиниб, – назаримда худди... – Бирдан кўнғироқ овози яна эшитилди.

– Вой худойим-ей! Кўнғироқчалар овозими? – деди Анна Павловна шартта равонга йўналиб.

– Йўқ, – жавоб қайтарди Антон Иванович, – эшитганингиз яқин-атрофда ўтаб юрган той бўйнидаги кўнғироқчанинг овози: келаётиб кўргандим тойни. Ҳатто уни хайдадим ҳам, йўкса, сулизорга кириб кетаётувди. Тойни нега арқонлаб қўймадингиз?

Ногаҳон кўнғироқча нақ равон остида жиринглаётгандай, овози тобора зўрая бошлади.

– Вой, ана, ана! Худди айтганимдай шу ёққа келяпти-ку! Бу ўша, ўшанинг ўзи! – кичқириб юборди Анна Павловна. – Вой, вой! Югуринг, Антон Иванович! Ҳой, ким бор? Аграфена қаерда? Ҳеч ким йўғ-а! Вой ўлмасам, худди бегона уйга келаётгандай-а!

Бека бутунлай ўзини йўқотиб қўйди. Кўнғироқча бўлса, нақ уй ичида жаранглаётгандай эди.

Антон Иванович стол ёнидан сапчиб турди.

– У! Худди ўзи! – кичқирди у, – хув ана, Евсей, ўриндикда ўтирибди. Санамингиз, нон-туз қани? Тезроқ олиб келсангиз-чи! Остонага нима кўтариб чиқаман? Нон-тузсиз ҳам бўларканми? Иrimi ахир... Шу ҳам иш бўлди-ю! Ҳеч ким ўйламабди-я! Ўзин-

гизга нима бўлди, Анна Павловна, нега кутиб олишга чиқмасдан турибсиз? Югура қолсангиз-чи тезроқ!..

– Иложим йўқ! – дея олди базўр бека, – оёқларимни кимир-латолмаяпман.

Шундан сўнг Анна Павловна креслога чўкди. Антон Иванович столдаги нон бўлагини тақсимчага солиб, туздонни қўйди-да, ташқарига интилди.

– Сираям тайёргарлик кўрилмабди-я! – ғудранди у.

Аммо туйқус рўпарадаги остонадан учта хизматкор билан ик-кита киз отилиб киришди.

– Келяпти! Келяпти! Келди! – кичкиришарди улар худди қароқчи босгандай рангларида ранг йўқ, капалаклари учиб.

Улар билан изма-из Александр ҳам остона ҳатлади.

– Сашенька! Отагинам!.. – хитоб қилди Анна Павловна ва баногоҳ тўхтаб, Александрга ҳайратангиз қаради.

– Сашенька қани? – сўради она.

– Бу менман-ку, ойижон! – жавоб қайтарди ўғил онасининг қўлларини ўпиб.

– Ўзингмисан?

Она ўғлига диққат билан тикилди.

– Ўзингмисан, ростдан ўзингсанми, отагинам? – дея Анна Павловна Александрни қаттиқ кучди. Кейин тағин ўғлига тикилди.

– Нима бўлди сенга? Бетобмисан? – сўради у ташвишланиб, ўғлини кучоғидан чиқармай.

– Соппа-соғман, ойижон.

– Соппа-соғ эмиш! Ранг-рўйингни кўряпсанми ўзи? Шу аҳволда жўнатганмидим сени?

Она ўғлини бағрига босган қўйи ўкириб йиғлаб юборди. У фарзандининг боши, юз-кўзларидан ўпди.

– Сочинг қани? Сочларинг шойига ўхшарди-я! – зорланди она кўз ёши аралаш, – кўзларинг ёнарди. Юзларинг чертса қон томарди. Тикмачоқдай эдинг-а! Хуснингга, менинг бахтимга қўплар ҳасад қилишарди. Амакинг қаёққа қаради? Тағин ўз кўлим билан ишониб топширгандим-а кўлига сени, хазинамни авайлолмабди-да! Ўзим ўргилай сендан!..

Кампир кўз ёши қила-қила ўғлини ялаб-юлқарди. «Тушдаги кўз ёши хосиятдан эмас экан-да!» – дея ўйларди Антон Иванович.

– Нега азадор аёлдай мотам тутяпсиз, пошшагинам? – шивирлади у, – бекор қияпсиз, гуноҳ бўлади.

– Салом, Александр Фёдорич! – деди Антон Иванич, – худойим яна дийдор кўришишни насиб этди.

Йигит унга индамайгина қўл узатди. Антон Иванич аравадаги юкларнинг ҳаммаси туширилган-йўқмилигини билиш учун уйдан чиқди. Кейин хонадон аҳлини тўра билан кўришишга чорлади. Аммо хонадондагилар аллақачон гурра дахлиз ва айвонга чиқиб бўлишганди. Антон Иванич уларни бир сафга тизди-да, ким қандай саломлашишини тайинлади. Биров тўра билан ўпишиб кўришса, иккинчи бирови унинг кифти, учинчи одам этагинигина тавоф қилиши керак эди. Қандай сўзлар айтилиши ҳам ўргатилди. Бир болақайни Антон Иванич умуман кувиб юбораркан: «Бор, олдин башарангни ювиб, бурнингни артиб ол», – деди.

Белига камар боғлаб олган, ҳаммаёғи чанг-чунг Евсей хизматкору чўрилар билан кўриша бошлади. Уни чор-атрофдан куршаб олишганди. Евсей Петербург совға-саломларини тарқатишга киришди: кимга кумуш узук, кимга жез тамакидон берди. Аграфенага кўзи тушгач, турган жойида тош қотганича индамай, савдойиларча хайрат билан қараб қолди. Унга ёнлама, ер остидан боқаётган аёл беихтиёр шартта ўзгариб, хандон отиб кулиб юборди, кейин йиғламоқчи бўлди-ю, аммо тўсатдан тескари ўгирилиб олди-да, қовогини уйди.

– Нега оғзингга сув солиб олдинг? Қоққан қозикқа ўхшаб туришини қаранглар, – деди ниҳоят Аграфена.

Аммо Евсей чурк этолмасди. У ўша-ўша савдойи табассум билан аёлга яқинлашди. Аграфена зўрға кучоқлашга йўл берди.

– Алвасти етаклаб келди шекилли, – деди аёл жазманига дамбадам ўгринча киё боқиб, аммо унинг кўзларида, жилмайишида камоли қувонч акс этарди. – Эҳтимол у ерда тўрам иккалангларни петербурглик... – анавилар бошингларни айлантириб қўйгандир? Оббо, мўйлов қўйганини-чи!

Евсей чўнтагидан олган қоғоз қутичани аёлга узатди. Қутичада жез исирғалар бор эди. Кейин у қопдан шол рўмол ўраб солинган пакетни чиқарди.

Аграфена ҳар иккала совғани очиб ҳам қарамай, чаққон жавонга жойлаб қўйди.

– Совгаларингизни кўрсатинг, Аграфена Ивановна, – илтимос қилишди хонадондагилардан айримлари.

– Нимасини кўрасизлар? Совға кўрмаганмисизлар? Нари борларинг-е! Мунча ёпишдиларинг? – жеркиди уларни Аграфена.

– Мана тагин! – деди Евсей бошқа пакетни узата туриб.

– Қани, кўрайлик, кўрсатинг! – дея чувиллашди атрофдагилар.

Аграфена пакетни силталаб тортганди, ундан бир неча даста ўйналган, аммо деярли янги қарталар сочилиб тушди.

– Олиб келган нарсасини-чи! – деди Аграфена, – мени карта ўйнашдан бўлак иши йўқ, деб ўйлаган бўлсанг керак-да, а? Вой, хомкалла-ей! Чучварани хом санабсан, сен билан ўйнаб бўпман!

Шундан сўнг у қарталарни ҳам яшириб қўйди. Бир соатдан кейин Евсей яна стол билан печка оралиғидаги эски жойида ўтирарди.

– Худога шукур-ей! Осоишталик ҳам бор экан-ку! – деди у оёқларини дам тортиб, дам узатар экан, – бу ердаги иш ҳам ишми! Бизда, Петербургда яшаш нақ дўзах азоби! Тамадди қилиб олишга бирор нарса борми, Аграфена Ивановна? Охирги бекатдан кейин туз ҳам тотганимиз йўқ.

– Ҳалиям ташламабсан-да ўша эски одатингни? Ма! Еявер захринга. Сизларни овқатлантиришмаганлар ҳам шекилли.

Александр хоналарни айланиб чиқди, сўнгра ҳар бир бута, ҳар бир курси ёнида тўхтай-тўхтай боғни кеза бошлади. Ёнидаги она ўғлининг рангсиз юзига қараб хўрсинар, аммо йиғлашга журъат этолмасди. Уни Антон Иванич гуноҳ бўлади, деб кўрқитиб қўйганди. Анна Павловна Александрдан шаҳарда кечган ҳаётини сўраб-суриштирар, аммо ўғлининг озиб кетгани, рангсизлиги, сочи тўкилгани сабабини сира билолмасди. Она ўғлига овқатланиб олгин, деганди, лекин у рад қилиб, йўлда чарчагани, ухламоқчилигини билдирди.

Анна Павловна ўрин яхшилаб солинганми йўқлигини кўздан кечирди, юмшоққина жой солмагани учун хизматкор аёлни қарғаб, бошқатдан ўзи ўрин солдиртиргач, то Александр ухламагунча ўғлининг ёнидан жилмади. Сўнгра оёқ учида ташқарига чиқди-да, хизматкорлар гапирмасликлари, қаттиқ нафас олмасликлари ва этиксиз юришларини огоҳлантирди. Кейин ҳузурига Евсейни чақиртирди. Евсей билан бирга Аграфена ҳам келди. Евсей беканинг қаршисида ер баравар таъзим бажо келтириб, қўлини тавоф қилди.

– Сашенькага нима бўлди-а? – сўради Анна Павловна дағдага билан. – Қандай қилиб бу ахволга тушиб қолди?

Евсей чурқ этмади.

– Нега индамайсан? – деди Аграфена, – эшитдингми, бекам сендан гап сўраяптилар?

– Нечук бунча озиб кетди? – тергашни давом эттирди Анна Павловна, – сочларига нима бўлди?

– Қайдам, бекам, – жавоб қайтарди Евсей. – Тўрамнинг ўзлари биладилар!

– Қайдам эмиш! Кўзинг қаёқда эди? – Евсей нима дейишни билмай жим тураверди.

– Хўп одамига ишонибсиз-да, бекам! – гап қўшди Аграфена Евсейга меҳр билан боқиб, – садқаи одам кет-е! Нима қилиб юрдинг у ерда? Айт бекамга! Роса кўрарингни кўрасан ҳали!

– Бекор юрганим йўқ, бекам! – кўрқа-писа тилга кирди Евсей дам бекага, дам Аграфенага нигоҳ ташлаб, – ҳалол, сидқидилдан хизмат қилдим, Архипичдан ҳам сўрашингиз мумкин агар...

– Топган баҳонасини қаранглар! – тутакди Аграфена. – Унинг гапига кулоқ солманг, бекам! Бир ертўлага қамаб қўйинг, ўшанда ақли жойига келади!

– Майли, розиман, кўзларим окиб тушсин агар хўжаларим хоҳишига бўйсунмасам, – деди Евсей, – турган жойимда тил тортмай ўлай агар! Девордаги санам ҳаққи...

– Гап бўлса бўлди барингга! – деди Анна Павловна, – иш деганда думларингни тутқазмайсанлар! Тўрангга яхши қараганинг кўриниб турибди. Касал бўлишигача йўл қўйиб берибсан болагинаминг! Қараган эмиш! Ҳап сеними, шошмай тур ҳали...

– Нега қарамай, бекам? Саккиз йил бадалида тўрамнинг кийимларидан биттагина кўйлақлари йўқолди холос, меники бўлса, кийилганлари ҳам бус-бутун.

– Кўйлақ қаерда йўқолди? – сўради ғазаб билан Анна Павловна.

– Кирчи аёлникида. Ўшанда Александр Фёдоричга тўловини олинг дедим, тўрам кулоқ солмадилар.

– Қаранглар-а, ярамас аёлни, – фиғони ошди Анна Павловнанинг, – асл кўйлақ бўлгани учун қайтармай қўя қолган-да!

– Қарамай бўларканми! – гапини улаб кетди Евсей. – Қанийди ҳаммаям мендек хизмат қилса. Гоҳо, тўрам ўриндан турмасларидан нонвойхонага югурардим...

- Қанака нон ерди?
- Оппоқ, яхшигинасини.
- Оппоқлигини биламан, ёғлими?
- Бунчаям тўнка бўлмасанг, – деди Аграфена, – гапини ҳам эплаб гапиролмайди-я, тагин Петербургда яшаганмиш!
- Йўқ, йўғ-а! – жавоб қайтарди Евсей, – ёғсиз.
- Ёғсиз нон! Ҳа, яшшамагур! Жувонмарг! Муттахам! – ўшқирди юзига қон тепган Анна Павловна. – Ҳали унга ёғли нон келтиришга ҳам фаҳминг етмадими? Яна қарадим дейди-я!
- Ўзлари буюрмасдилар-да, бекам...
- Буюрмасдилар эмиш! Болагинамга барибир, олдига нима қўйсанг еяверади. Шунга ҳам ақлинг етмадими? Нима, бу ерда фақат ёғли нон ейиши эсингдан чиқдими? Ёғсиз нон келтирганини қаранглар! Эҳтимол пулни бошқа нарсага ишлатгандирсан? Шошмай тур ҳали! Хўп, яна нима? Гапир...
- Чой ичгандан кейин тўрам хизматга кетардилар, – довдираб давом этди Евсей, – мен бўлсам, этик мойлашга тушардим, анча вақт баъзи этикларни уч қайтадан мойлардим. Кечқурун тўрам ечганларидан кейин, тагин мойлардим этикларини. Ҳеч ҳам анқаймаганман-да, бекам. Бошқа бирорта тўранинг бунақа ялтиллаган этигини кўрмасдим. Учта малайи бор Пётр Ивановичнинг ҳам этиги тўрамникидай эмасди.
- Нега унда Сашенька бу аҳволга тушди? – сўради пича юмшаб Анна Павловна.
- Эҳтимол ёзганларидан бўлса керак, бекам.
- Кўп ёзармиди?
- Ҳа, кўп, ҳар кўни.
- Нима ёзарди? Бирор хужжатларми?
- Эҳтимол хужжатлардир.
- Чалғитсанг бўлмасмиди уни?
- Чалғитиб кўрганман, бекам. «Ўтираверманг, Александр Фёдорич, сайрга чиқинг, ҳаво ажойиб, кўп тўралар сайр қилиб юришибди. Ҳадеб ёзаверасизми? Букри бўлиб қолманг тагин, волидангиз куядилар-а...» дердим.
- У-чи?
- «Бор, дедим сенга, йўқол кўзимдан аҳмоқ!» – дердилар.
- Ростдан ҳам аҳмоқсан! – шанғиллади Аграфена.

Евсей суюкчисига бир қараб қўйиб, яна бекага бокиб тураверди.
– Амакиси-чи, нахотки амакиси тақиқламаган бўлса ёзишни? – сўради Анна Павловна.

– Қаёқда дейсиз, бекам! У киши келардилар-да, агар тўрам бекор ўтирган бўлсалар, қойишга тушардилар. «Нега бекор ўтирибсан? Бу ер сенга қишлоқ эмас, ёнбошлаб ётмай, бирор иш бажариш керак. Нукул хаёл сурганинг сурган!» Гоҳо ҳақорат ҳам қилардилар...

– Нима деб ҳақорат қиларди?

– «Қишлоқи...» деб... кейин чунонам дакки бера бошлардилар-ки... раҳмларим келиб кетарди тўрамга.

– Илоё фарзандгинага зор бўлиб ўтсин! – деди Анна Павловна тупуриб қўйиб, – олдин ўзинг зурёд кўр, кейин дакки беравер-майсанми ўшаларга! Ёзишни тақиқлаш ўрнига, у... Э, олампадох парвардигор! – хитоб қилди бека, – ўз қариндошингки ҳайвондан баттар бўлса, сенга ким қайишиши мумкин бу дунёда? Ит ҳам кучукваччаларини авайлаб эҳтиётласа-ю, амаки ўз жигарини хўрласа-я! Сен девона ўша амакиси тўрангга ўшқирмай, уни ўз ҳолига қўйишини ҳам айтолмагансан. У ўзининг газанда хотинига ўдағайласа бўлмасмиди! Ҳақоратлайдиган одамани топганиничи. «Ишла, ишла!» эмиш. Ўзинг қўшмозор бўлмайсанми ўша ишинг билан! Худойим ўзинг кечиргайсан, у асти ит экан. Малайини топибди ишлатгани!

Шундан сўнг орага сукунат чўкди.

– Сашенька бунчалар озиб кетганига кўп бўлдимиз? – сўради ниҳоят бека.

– Уч йилча бўлди, – жавоб қайтарди Евсей, – Александр Фёдорич қаттиқ сиқилиб, камтомоқ бўлиб қолдилар, бирданига озгандан-озиб, чўплари чиқиб кетаверди.

– Нимадан сиқилди?

– Худо билади, бекам. Петр Иванович шу тўғрида нимадир девдилар ҳам. Мен кулоқ солдиму, сира тушунолмадим.

– Нималарни гапирди?

Евсей бир дақиқача чамаси ниманидир эсламоқчи бўлиб, оғиз жуфтлади.

– Нимадир дегандилар, ҳаҳ, анави...

Анна Павловна билан Аграфена Евсейга қараб, тоқатсизланиб жавоб кутишарди.

– Хўш, нимаиди? – сабрсизланди Анна Павловна.

– Бўла қолсанг-чи, меров, гапир ахир, – қўшимча қилди Аграфена, – бекам кутиб қолдилар.

– Ум... эдими-ей, умид... сиз... – дея олди охири Евсей.. Анна Павловна ҳанг-манг бўлиб, Аграфенага қаради, Аграфена Евсейга юзланди, Евсей уларнинг иккалаларига бокди, ҳаммалари жим эдилар.

– Нима? – сўради Анна Павловна.

– Умид... умидсиз, худди шундай, топдим! – катъий жавоб қайтарди Евсей.

– Бу қандай бало бўлди тагин? Худо урди-ку! Бирор дард-пардми? – сўради Анна Павловна капалаги учиб.

– Ёмон йўлга юриб кетиш эмасмикин, бекам? – шоша-пиша гап қўшди Аграфена.

Рангида ранг қолмаган Анна Павловна тупуриб юборди..

– Тилгинангга куйдирги чиксин! – деди у кейин. – Черковга қатнадими Сашенька?

Евсей хиёл товсалланди.

– Қатнамадилар деёлмайман, бекам... – ямланиб жавоб қайтарди у, – сирасини айтсам, қатнамадилар ҳисоб... у ерда марҳаматли тўралар кам қатнашади черковга...

– Э, ҳамма гап буёқда экан-ку! – деди хўрсинганча чўкинган Анна Павловна. – Худога илтижо қилганларим етарли бўлмаган. Тушим тўғри экан: болагинам нақ бўйинтуруқдан қутулиб чикувди-ей!

Шу пайт Антон Иванич яқинлашиб қолди.

– Таом совияпти, Анна Павловна, – деди у, – Александр Фёдорични уйғотилса бўлмасмикин?

– Йўқ, йўқ, асло! – жавоб қайтарди Анна Павловна, – уйғотманглар, деганди. «Ўзинглар овқатланаверинглар, иштаҳам йўқроқ, уйкуга тўйиб олишим керак, кечкурун овқатлана қоламан», – деганди. Агар мен кампирдан жаҳлингиз чикмаса, бундай қила қоламиз ҳозир. Сашенька ухлаётганида бориб, шамчирок ёқаман-да, ибодат қиламан. Ҳеч нарса егим йўқ. Бемалол ўзингиз овқатланаверинг.

– Майли, пошшагинам, майли, бош устига, менга ишонишингиз мумкин.

– Маъзур тутасиз-да энди, – давом этди Анна Павловна, – оиламиз дўсти, бизга ҳурматингиз катта: Евсейни чақиринг-да, нега

Сашенька хаёлчан бўлиб қолгани, озиб кетгани, нега сочи тўкилгани сабабини аниқланг. Эркаксиз, сизга осонроқ бўлади...

Хафа қилишмаганмикин уни бегона ерда. Ярамас одамлар йўқ дейсизми... ҳаммасини аниқланг.

– Хўп бўлади, пошшагинам, хўп бўлади. Ҳамма сир-асрорни қавлаштириб топаман. Овқатланаётганимда Евсейни юборинг, айтганингизни бажарганим бўлсин!

– Салом, Евсей! – деди Антон Иванич стол ёнига ўтираркан, салфеткани бўйинбоғ остига кистириб, – ахволлар қалай?

– Салом, афандим. Ахволимми? Ёмонроқ. Қаранг, шу ерга ҳам етиб келибсиз.

Антон Иванич тупуриб қўйди.

– Кўзинг тегмасин, биродар; нима, гуноҳга ботмоқчимисан? – қўшиб қўйди у ва қарам шўрва ичишга киришди.

– Хўш, қалай яшадинглар у ерда?

– Бир нави, унча яхши деб бўлмайди.

– Таомлар дуруст бўлгандир-а? Нима тамадди қилиб юрдинг?

– Нима дейсизми? Дўкончадан қайнатма илик билан совуқ пирог олинарди, вассалом!

– Нега энди дўкончадан олинаркан? Уйда пиширилса бўлмас-миди бирор овқат?

– Йўқ. У ерда бўйдок тўралар таом пиширишмайди.

– Ёпирай! – деди Антон Иванич қошиқни қўйиб.

– Худди шундай: тўрамга ҳам трактирдан таом келтирардим.

– Шу ҳам ҳаёт бўлди-ю! А! Озмай бўларканми бу ахволда! Ма, ол, ич бун!

– Ташаккур, афандим! Сизнинг соғлиғингиз учун!

Шундан сўнг орага жимлик чўкди. Антон Иванич овқатланишни давом эттирди.

– У ерда бодринг неча пул? – сўради кейин ўз тарелкасига бодринг солиб.

– Ўнтаси қирқ тийин.

– Йўғ-е.

– Ўлай агар, алдаб нима қилдим, афандим; Москвадан тузланган бодринг ҳам келтириб турилади.

– Уни қаранглар-а! Таажжуб! Озади-да бунақада одам!

– Манавиндай бодрингларни тушингизда ҳам кўрмайсиз уёқда! – давом этди Евсей бодринглардан бирини кўрсатиб. – Майда, сарик

чақага қиммат, бу ерда ундай бодрингларга ит ҳам қарамайди. Петербургда бўлса, тўралар кўзларига суртиб ейишади! Камдан-кам уйда нон ёпилади, афандим. Қишга қарам ғамлаш, тузлама қилиш, кўзқорин ивитиш одати йўқ.

Антон Иванович бош чайқади-ю, аммо ҳеч нарса демади. Чунки оғзи тўла овқат эди.

– Нега бундай? – сўради у ниҳоят қавшанаркан.

– Чунки ҳаммаси дўкончада бор. Дўкончада йўғини қолбаса-хонада, у ерда топилмаганини қандолатхонадан сотиб олиш мумкин. Қандолатхонада ҳам бўлмаса, французлар дўконидан истаган нарсани топасиз!

Орага сукунат чўкди.

– Чўчка қанча туради? – сўради Антон Иванович тарелкасига салкам яримта чўчка боласининг гўштидан сола туриб.

– Билолмадим, харид қилмаганмиз; анча қиммат, икки сўмча шекилли...

– Бай-бай-бай! Озмай бўларканми бунақада! Жудаям қиммат-е!

– Бойвачча тўралар ҳам кам таом ейишади; айниқса хизматчилар.

Яна жим бўлишди.

– Хўш, қандай яшадинглар, ёмондир-а? – сўради Антон Иванович.

– Ёмон деб аста айтасиз! Бу ердаги қвасни қаранг, қандай ажойиб, уёқда пивони ҳам оғизга олиб бўлмайди. Қвас ичсангиз, кун бўйи қорнингиз қулдирагани-қулдираган! Аммо у ернинг этик мойига етадигани ҳеч жойда йўқ! Ҳидини айтмайсизми, нақ егинг келиб кетади у этик мойни!

– Йўғ-е!

– Ўлай агар.

Яна сукунат.

– Хўш, тагин нима?

– Ҳеч нима.

– Ёмон овқатланармидинглар?

– Ҳа. Александр Фёдорич шунчаки, номигагина тотинардилар холос: овқатланишдан бутунлай чиқиб кетдилар; таом устида атиги бир бурдагина нон истеъмол қилардилар.

– Озмай бўпсан бунақада! – деди Антон Иванович. – Нима, емиш қиммат бўлгани учун шундай қилармиди?

– Ҳа қимматлиги учун, ҳам у ерда ҳар куни тўйиб овқатланиш одати йўқ. Тўралар худди ўғринчадай тамадди қилишади. Кунига

бир марта. Ўшанда ҳам улгуришса соат бешда, гоҳо олтида овкатланадилар. Кўпинча йўл-йўлакай тотиниб кўя қолишади. Таом ейиш зарур ҳисобланмайди. Бутун эътибор иш бажаришга қаратилган, энг охиридагина овкатга қарайдилар.

– Шу ҳам ҳаёт бўлди-ю! – деди Антон Иванич. – Озмай кўрчи бунақада! Ўлиб қолмаганларингга ҳайронман-е тагин ҳам! Умрбод ахвол шундайми!

– Йўғ-а: байрам кунлари тўралар тўпланиб олишиб, шундай ҳам даҳага кирадиларки, асти кўяверасиз! Бирор немис трактирига бориб, юз сўмлаб чиқимдор бўлишади. Ичишларини кўрсангиз эди-я, худо кўрсатмасин ундай ичишни! Гоҳо Пётр Иваничникида меҳмондорчилик бўлиб қолгучийди: стол ёнига соат олтида ўтирганларича азонги тўртлардагина тарқалишарди.

Антон Иваничнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

– Ёпирай! – деди у, – азонгача овқатланаверишадими!

– Ҳа-да!

– Бир кўриб қўйиш керак экан; биздан бошқача-ку! Хўш, нималар ейишади?

– Асти кўяверасиз, афандим! Таом дейиш ҳам қийин емишларини: немислар алланимабало тайёрлашади. Оғизга олсанг, кўнгил айнайди. Қалампирлари ҳам бошқачарок: қайлага шишадан қандайдир четнинг нарсасидан куйилади... Бир куни Пётр Иваничнинг ошпази тўралар таомидан берганди, уч кунгача ўқчиб юрдим. Қарасам, таомга зайтун қўшилган экан, ўзимизнинг зайтун бўлса керак-да, деб ўйладим. Оғзимга олсам, балиқча экан: кўнглим ағдарилиб, тупуриб ташладим, иккинчи зайтун ҳам балиқча бўлиб чиқди; хуллас, ҳаммаси шундай эди... минг лаънат таом-паомларига!..

– Нима, атайлаб қўшишадими ўшани овқатга!

– Худо билади! Сўрасам, йигитлар қулишди-да, умрбод еб келганмиз буни, дейишди. Энди овқатланиш тартиблари қандай денг? Олдиниға пирог билан яхшилаб иссиқ таом тортилади. Пирог ҳам номигагина пирог: узукдай-узукдай; оғзингизга бир йўла олтитасини солсангиз ҳам бўлади; энди чайнай бошлашингиз заҳотиёқ эриб йўқ бўлади-қўяди... Иссиқ таом кетидан бирор ширинлик, кейин мол гўшти, кейин музлатилган емиш, кейин аллақандай гиёҳ, кейин яна тагин қайноқ овқат... нақ кўнгил айниб кетади!

– Печъ ҳам ёкмасмидинглар? Озмай бўпсан бунақада! – деди Антон Иванович стол ёнидан тураётиб.

«Минг қатла шукур, парвардигор, – деди у кейин чукур хўрсиниб, – само неъматлари... ана холос! Тилим курсин, фано неъматларини насиб эттирганингга шукур. Паноҳингда асра мен бандангни.»

– Столдаги таомларни йиғиштириб қўйинглар: хўжалар ҳозир тамадди қилишмоқчи эмас. Кечликка бошқа чўчка боласидан пишинглар... ёки курка борми? Александр Фёдорич куркани яхши кўради. Очиқиб туриши ҳам мумкин. Ҳозир менга йўлакда юмшоқ похол солиб жой қилиб беринглар: бир-икки соат мизғиб олай; чой пайти уйғотарсизлар. Александр Фёдорич сал қимирлагудек бўлса, анави... Мени туртиб қўярсизлар.

Антон Иванович уйқудан тургач, Анна Павловнанинг хузурига келди.

– Хўш, нима гап, Антон Иванович? – сўради бека.

– Тинчлик, пошшагинам, нон-тузингиз учун раҳмат... жудаям ширин ухлаб қолибман: похол юмшоқкина, хушбўй экан.

– Арзимаёди, Антон Иванович. Хўш, Евсей нималар деяпти? Суриштирдингизми?

– Суриштирганда қандок! Сўрамаган нарсам қолмади! Хавотирланманг: ҳаммаси жойида. Аниқласам, у ерда овқатларининг мазаси йўқ экан.

– Овқатлари-я?

– Ҳа, тасаввур қилинг: бодрингнинг ўнтаси қирқ тийин турармиш: чўчка боласи икки сўм, емишлари аксари ширинлик бўлган. Чалакурсоқ яшашибди. Озмай бўладими одам бунақада! Ташвишланманг, пошшагинам, ўзимиз семиртириб юборамиз ҳали Александр Фёдорични. Кўпроқ қайин ароғидан тайёрлаттиринг. Ўлчамини ўзим айтаман. Прокофий Астафьевичдан ўргангандим: эрталаб ва кечкурун бир ёки икки қадокдан ичиринг. Тушликдан олдин ичирсангиз ҳам яхши; муқаддас сувдан аралаштириб бериш ҳам мумкин... борми сизда?

– Бор, бор; ўзингиз келтириб бергандингиз.

– Ҳа-я, дарҳақиқат ўзим келтириб бергандим-ку. Овқат серёғроқ, бўлсин. Мен кечликка чўчка боласими ёки курка ковуришларини тайинлаб қўйдим.

– Катта раҳмат, Антон Иванович.

– Арзимаиди, пошшагинам! Яна ёвгон қайлалди жўжа ҳам буюрилсамикин?

– Буюрарман...

– Нега энди сиз буюришингиз керак? Мен-чи, мен нима қилиб ўтирибман? Ўзим тайёрлаттира қоламан... Агар рухсат берсангиз.

– Тайёрлаттиринг, ёрдамлаша қолинг, отагинам. – Антон Иванич кетди, бека бўлса ўйга чўмди.

У аёл, она сифатида Александрнинг хаёлчан бўлишига таом асосий сабабчи эмаслигини ҳис қиларди. Анна Павловна неча марта талмовсираб, пайқамагандай шамалар қилиб кўрди. Аммо Александр бу шамаларни тушунмас, миқ этмасди. Шу алфозда икки-уч ҳафта ўтди. Чўчка боласи, жўжа ва куркаларнинг анча-мунчаси Антон Иваничнинг жигилдонига жой бўлди, Александр эса ҳамон хаёлчан, озгин, сочлари ҳам кўпаяй демасди.

Шундан сўнг Анна Павловна ўғли билан очикчасига гаплашишга қарор қилди.

– Менга қара, Сашенька, отагинам, – деди бир куни бека, – бу ерга келганингга бир ойча бўлиб қолди, аммо лоақал бирор марта ҳам жилмайганингни кўрганим йўқ. Кайфиятинг бузук, нукул ерга қарайсан. Ёки уйингга ҳеч нарса ёкмаяптими сенга? Мусофирлик маъқулга ўхшайди. Соғиняпсанми ё ўша бегона шаҳарни? Сенга қараб, юрагим ёрилгудай бўляпти. Нима бўлди сенга ўзи? Қани, айт-чи, нима етишмаяпти? Сендан ҳеч нарсани аямайман. Бирортаси хафа қилган бўлса, адабини бериб қўяман ўша одамнинг ҳам.

– Ташвишланманг, ойижон, – деди Александр, – шунчаки ўзим, ҳечқиси йўқ! Ёшим улғайиб, ақлим қуйилди, шунинг учун хаёлчанман...

– Озганинг-чи, сочинг тўкилиб кетгани-чи?

– Сабабини айтолмайман... саккиз йил мобайнидаги ҳамма кечмишларимни баён этиб бўлмайди... эҳтимол саломатлигим ёмонлашгандир пича...

– Қаеринг оғрияпти?

– Манави ерим ҳам, манави ерим ҳам, – деди Александр боши билан кўкрагини кўрсатиб.

Анна Павловна ўғлининг бошини ушлаб кўрди.

– Иссиғинг йўқ-ку, – деди у кейин. – Нега оғрийди? Бошингга қараб ўқ узишганми?

– Йўқ... шунчаки...

– Сашенька! Иван Андреичга одам юборамиз.

– Ким у Иван Андреич?

– Янги табиб, келганига икки йилча бўлди. Қўли жудаям енгил. Ҳеч қандай дори буюрмайди, ўзи аллақандай донатор майда дорилар тайёрлайди, шифобахш. Анави Фомамизнинг қорни оғриб колувди, уч кеча-кундуз додлаб ётди. Табиб ўша дорисидан уч донасини берганди, оғриқ ариди-қўйди! Даволан, лочингинам!

– Йўқ, ойижон, табибнинг менга ёрдами тегмайди. Вақти келиб, тузалиб кетаман ўзим.

– Нега қовоғинг очилмайди бўлмаса? Қандай бало ёпишди ўзи сенга?

– Ҳа, энди, шунчаки...

– Нима қилгинг келяпти?

– Ўзим ҳам билмайман, нуқул юрагим сиқилади.

– Вой худойим-ей! – деди Анна Павловна. – Емишдан шикоятим йўқ, деяпсан, барча шарт-шароит бор, унвонинг ҳам яхши... тагин нима керак? Шундаям юрагинг сиқилса-я! Сашенька, – деди она бир оз сукутдан сўнг секин, – эҳтимол... уйланарсан-а?

– Қўйсангиз-чи! Йўқ, уйланмайман.

– Бир қизни кўз остимга олиб қўйганман, нақ қўғирчоқдай: икки юзи қип-қизил, нозиккина, оқи оқ, қизили қизилга ажралиб турибди. Мўрчамиён, самбитдай, шаҳарда, пансионда ўқиган. Етмиш беш нафар қаролу чўриси, йигирма беш минг сўм пули бор. Сепи Москвадан келтирилган, насли ҳам тоза... Нима дединг? А, Сашенька? Ойиси билан дастурхон устида бир марта гаплашгандим, хазиллашиб сўз очсам, оғзи қулоғига етиб кетди суюнганидан...

– Уйланмайман, – такрорлади Александр.

– Нега энди, сираямми?

– Сираям.

– Вой ўлмасам! Бу қанақаси, а? Ҳамма одамга ўхшаб яшаса-ю, бу сўққабаш бўлиб ўтмоқчи-я! Менинг ҳам орзу-ҳавасим бор! Невара боққим келади. Ҳа, ҳа, уйлан ўшанга: яхши кўриб қоласан...

– Яхши кўрмайман, ойижон, яхши кўриб бўлганман.

– Нечук яхши кўриб бўларкансан, уйланмасдан-а? Ким эди у севганинг?

– Бир қиз.

– Нега уйланмадинг?

– У менга бевафолик қилди.

– Нега бевафолик қиларкан? Уйланмагансан шекилли у қизга? Александр жавоб қайтармади.

– Яхши қизлар экан у ерингдагилар: тўйдан олдин кўнгил кўйганлари-чи! Хиёнат қилганмиш! Вой яшшамагур-ей! Бошига бахт куши келиб кўнибди-ю, қадрига етмаганини қаранглар ношукурнинг. Агар ўша қизни ҳозир кўрсам, башарасига тупурардим. Амакинг қаерга қаради? Сендан дуруст одам топганини кўрсам эди-я бир ўша қиз... Нима, дунёда бошқа қиз йўқми? Бўлак бирортасини ёктириб қоларсан.

– Бўлак марта ҳам севиб кўрдим.

– Кимни?

– Бева аёлни?

– Хўп, нега уйланмадинг унга?

– Унга мен ўзим хиёнат қилдим.

Анна Павловна Александрга қарар экан, нима дейишни ҳам билмай қолди.

– Хиёнат қилдим!.. – такрорлади у ҳам. – Бирор суюқоёқ бўлса керак-да! – давом этди кейин. – Худонинг ўзи кечирсину, ундайлар шайтон бўлишади. Тўйдан олдин, черков расм-русмисиз яхши кўришади, бевафолик қилишади... Нималар бўляпти ўзи одамларга! Қиёмат-қойим яқинлашган шекилли!.. Хўп, айта қолсангчи, балки кўнглинг бирор нарсани тусаётгандир? Овқат оғзингга ёқмаяптими ё? Шаҳардан ошпаз чакиртираман унда...

– Йўқ, ташаккур, овқат жудаям яхши.

– Борди-ю, ёлғиз зерикаётгандирсан! Қўшниларни чакиртирай.

– Йўқ, йўқ. Овора бўлманг, ойижон! Бу ер осойишта, кўнглимдагидай, ўтиб кетади ҳаммаси... томоша қилмаган жойларим бор ҳали.

Анна Павловна аниқлаган бор-йўқ гап шу бўлди холос.

«Йўқ, – ўйларди у, – албатта тоат-ибодат зарур». Она биргалашиб яқин қишлоқда ибодат қилиб келишни таклиф этди. Аммо ўғли икки сафар ухлаб қолиб, бека уни уйғотишга журъат қилолмади. Ниҳоят Анна Павловна Александрни тунги ибодатга чакирди. Ўғил: «Ҳа-я, дарвоқе», – деди-да, улар йўлга тушишди. Она черковга кириб, клироснинг ёнгинасига бориб турди. Александр останада қолди.

Ботиб бораётган офтобнинг қийра нурлари дам заррин бутларда ўйноқлар, дам авлиёларнинг ғира-шира ва баджаҳл юзларини

ёритганча лип-лип қилиб, заиф шамлар милтирашини босиб кетарди. Черков қарийб бўм-бўш, деҳқонлар далада меҳнат қилишарди; фақат кираверишдаги бурчақда оқ рўмол ўраган бир неча кампирларгина сикилишиб туришарди холос. Яна бошқа бировлар ёноқларини қўлларига мотамсаро суяганларича тош зина этагида ўтиришар, ким билсин, улар тавба қилибми ёки рўзғор ташвишидами, ўқтин-ўқтин қаттиқ ва чуқур хўрсиниб қўярдилар. Бошқалари эса тиз чўкиб, сажда қилган кўйи узоқ-узоқ ибодатдан бош кўтаришмасди.

Чўян панжара орасидан дераза сари отилиб кираётган муздек шабада гоҳ меҳробдаги матони тебратса, гоҳ руҳонийнинг оппоқ соч-соқолини ўйноқлар ёки китоб саҳифаларини варақлаб, шамни ўчириб қўярди. Бўм-бўш черковнинг тош тўшамасида руҳоний билан дьяконнинг қаттиқ-қаттиқ қадам товушлари янграб, ичкарига ҳазинлик билан таралди. Юқоридаги гумбазда зағчалар жарангли чағиллар, деразадан-деразага сакраётган чумчуқлар чирқилларкан, уларнинг қанотлари патир-путури билан кўнғироқлар бонги баъзан. ибодат овозини босиб кетарди...

«То одам боласи вужудида қайноқ ҳаёт жўш ураркан, – ўйлай бошлади Александр, – то истак ва эҳтирослар ҳаракатда экан, инсон тўйғу билан банд, у дин элтажак таскинбахш, муҳим ҳамда тантанавор мушоҳададан кочади... Куч-қуввати сўниб, тугагач, йиллар залвари умидларини чилпарчин этгачгина ўша мушоҳададан тасалли излай бошлайди.»

Таниш нарсаларни кўрган сайин Александрнинг дилида аста-секин ўтмиш хотиралари жонлана бошлади. У Петербург сафаригача бўлган болалик ва ўсмирлик кезларини фикран кезиб чикди. Болалигида онаси айтган дуоларни кетма-кет такрорлагани, волидаси бандалар арвоҳини кўриқламиш, доимо инс-жинслар билан олишувчи малойикни туш кўрган пайтларни эслади. Онаси юлдузларни кўрсатар экан, бу дунёни кузатиб, бандаларнинг хайрли ва хайрсиз ишларини ўлчовчи илоҳий фаришталар кўзи, деганди. Ўша фаришталар охир-окибатда хайрсиз ишларнинг хайрлиларидан кўплигини кўриб нақадар кўзёш тўкишлари, эзгу ишлар ёвуз ишлардан устунлигини кўрганларида қанчалар қувонишларини айтганди. Яна тағин онаси олис мовий уфқни кўрсатиб, бу Сион деганди... Александр хотиралардан ўзига келиб, чуқур хўрсинди.

«Эҳ! Қанийди ҳозир ҳам ўша пайтлардагидай ишнолсам! – деб қўйди ичида Александр. – Болаликдаги эътиқодим барҳам еди, хўш, нима янгилик, ишончга эришдим?.. Ҳеч нарсага эришганим йўк: гумон, гап-сўз, назариялар... ҳақиқатдан янада узоқлашдим... Бундай ихтилоф, донолик нечун?.. Ё алҳазар!.. Эътиқодки дилни илитмаса, бахтли бўлиш мумкин бўлмаса керак! Бахтлиманми ўзи мен?»

Тунги ибодат тугади. Александр уйга олдингидан ҳам тундрок кайфиятда қайтди. Анна Павловна не қиларини билмай қолди. Бир куни Сашенька одатдагидан илгарироқ уйғониб, боши тепасида шитирлаган овозни эшитди. У бундай қараб, тепасида қандайдир кампир шивирлаб турганини кўрди. Кампир шу заҳотиёқ ғойиб бўлаётиб, уни пайқаб қолишганини сездди. Александр ёстиғи тагидан аллақандай гиёҳ топиб олди. Унинг бўйнида тумор осиглиқ эди.

– Бу нимаси? – сўради Александр онасидан. – Хонамга кирган кампир ким?

Анна Павловна довдираб қолди.

– Уми... Никитишна...

– Қанақа Никитишна?

– У, билсанг, дугонам... жаҳлинг чикмайдими айтсам?

– Оббо, нега энди? Айтаверинг.

– Никитишна... айтишларича, кўпларга ёрдамлашаркан... Сувга, ухлаётган одамга куф-суф қилса, жами дард фориг бўлармиш.

Бурноғи йили бева Сидориханинг мўркониға аждаҳо кирганакан... – гапга аралашди Аграфена.

Буни эшитган Анна Павловна тупуриб қўйди.

– Никитишна аждаҳо билан келишгандан кейин, ўша аждаҳо безовта қилмай қўйибди, – дея гапини охирига етказди Аграфена.

– Хўш, кейин Сидорихага нима бўлибди? – сўради Александр.

– Нима бўларди, нимжон коп-қора чакалоқ тукқанди, учинчи куниёқ нобуд бўлибди!

Александр, чамаси, қишлоққа келгандан бери илк бор кулиб юборди.

– Бу гапни каёқдан топа қолдинглар? – сўради Александр.

– Антон Иванич айтди, – жавоб қайтарди Анна Павловна.

– Хўп ақлли одамни топибсизлар-да!

– Ажабми! Вой Сашенька, нега бундай дейсан? Гуноҳ эмасми? Антон Иванич-а! Қандай тилинг борди бунга? Антон Иванич хожатбарор одам, у оиламиз дўсти!

– Ойижон, манг, манави туморни бўйниларига осиб юрсинлар мухтарам отахонимиз.

Шу-шу бўлди-ю, Александр ичкарига қамалиб олиш одатини чикарди.

Орадан икки-уч ой ўтди. Ёлғизгина осойишта яшаш, уйдаги моддий таъминот таъсирида Александр аста-секин ўзини ўнглаб ола бошлади. У энди Петербургда беҳуда истаган бекорчилик, ташвишсиз ҳаёт ва умуман, руҳий хотиржамликка эришганди. У ёқда ғоялар, санъатдан қочиб, тўрт девор ичида қарахт уйкуга кетишни хоҳлар, аммо ҳасад азоби ва ночор истак мудом унга тинчлик бермасди. Фан ва санъатдаги ҳар бир янгилик, ҳар бир янги машҳур номни эшитган Александр ўзига-ўзи: «Нега мен эришмадим бунга, нега шуҳрат қозонган мен эмас?» – дея савол берарди. У ерда ҳар бир қадамида Александр ўзидан устун одамларни учратарди... тез-тез ўқинар, заиф томонларини кўзгуда кўргандай бўларди... У ерда жиянининг фикрлаш тарзи, танбаллиги ва мутлақо асоссиз шуҳратпарастлигини таъқиб этувчи изчил амакиси бор эди; у ерда нозик нафосат ҳамда анчагина истеъдоддилар мавжуд эдиким, ўша истеъдоддилар орасида Александр деярли йўқ бўлиб кетарди. Ниҳоят у ерда ҳаётни маълум шарт-шароит измига солиш ҳаракатида бўлишар, туйғу, эҳтирос ва орзулар бебошлигига йўл қўймай, ҳаётнинг қоронғи, сирли томонларини аниқлаш орқали ҳаёл жозибасига чек қўйиб, яшашнинг қандайдир ёқимсиз, биқик бир қолипдаги оғир шаклини яратишга интилишарди...

Бу ерда эса нақадар эркинлик! Александр энг яхши, ҳаммадан доно! Бу ерлардан бир неча чақиримда ҳам у ҳаммага намуна. Шунингдек, бу ерда доим табиат билан бақамтисан, дилинг тинчгина ором топади. Ирмоқлар гурунгию япроқлар шивирлаши, салқин ҳаво ҳамда табиат осойишталигиёқ ўй сурдиради, хиссиёт қўзғатади. Боғда, далада, уйда ҳам Александр болалик, ўсмирлик хотираларига бериларди. Анна Павловна гоҳо ёнгинасида ўтириб, ўғлининг фикрларини укаётгандай бўларди. Онаизор Александрга қимматли ўтмиш икир-чикирларини эслашда қўмаклашар ёки ўғли умуман унутган воқеалар хусусида сўзлаб берарди.

– Анави арғувонларни даданг ўтказганди, – дерди Анна Павловна боғни кўрсатиб. – Мен ўшанда сенга иккиқат эдим. Равонда ўтириб олиб, дадангга тикилиб ўтирардим. У меҳнат қила-қила менга нигоҳ ташлар, ҳаммаёғидан тер қуйиларди. «Ҳа, шу ерда-

мисан? – дерди даданг, – ишим юришаётганининг сабаби буёқда экан-да!» У тагин ишига берилиб кетарди. Анави ўтлоқда болалар билан ўйнаб юрардинг. Жудаям жаҳлдор эдинг. Сал бирор нарса ёкмаса сўкинганинг сўкинганди. Бир куни Агашка – ҳозир у Кузьманинг уйи орқасида яшаяпти, тўсиқдан учинчи дераза ўшаники – сени туртиб юборган эканми, йиқилиб, оғзи-бурнинг қонаб кетувди. Бояқиш қизни дадаси савалашга тушганда, уни базўр ажратиб олганман.

Александр мазкур хотиралар устига бошқасини эслади. «Хув анави, дарахт остидаги скамейкада Софья билан бирга ўтирган-дим, – эслади у, – жудаям бахтли эдим. Хув анави ерда, икки туп сирень буталари орасида илк бор Софьядан бўса олгандим...» Ўша манзара Александрнинг кўз ўнгида худди ҳозиргидай гавдаланди. У шу каби хотираларни эслаб, жилмайган кўйи равонда узоқ-узоқ ўтираркан, куёш чиқишини кутиб олар ёки ботишини кузатар, кушлар навоси, кўлнинг чайқалиши ва кўринмаётган ҳашаротлар чириллашини тингларди.

«Эх, қандай яхши-я бу ерда! – дерди ажиб хотиралар таъсиридаги Александр, – одамлар, чоп-чоплар, ҳаёт икир-чикирлари билан ўралишишиб яшашаётган чумоли инидан олисдаман... Уёқдагилар:

...қафасда, билмас нахорнинг

Муздай шабадасин ҳам навбаҳорнинг,
Чаман далаларнинг тотмас ҳидини¹.

У ерда яшаб ҳорийсан, бу ердаги оддийгина, содда, ақл ишлатилмайдиган шароитда қанчалар руҳан дам олиш мумкин! Қалбинг янгиланади, эркин нафас оласан, миянг изтиробли ўй суриш, тинимсиз оғир мулоҳазалардан холи. Ҳамма нарса кўнгилдагидай. Бош котириш йўқ. Ташвишсиз, машъум фикрлар таъқиб этмайди, қалб ва миянг азоб тортмай, дарахтзордан шудгорга, шудгордан тепаликка нигоҳ ташлайсан, кейин ўша тепалик тубсиз мовий осмон билан бирлашиб кетади.»

Александр баъзида ҳовли билан қишлоқ кўчасига қараган дераза ёнига борарди. Бу ердан теньерона² серташвиш, оилавий ҳаёт

¹ А. С. Пушкиннинг «Лўлилар» достонидан. (Т. Фаттоҳ таржимаси.)

² Т е н ь е р (1610–1690) – фламанд рассоми, маиший рангтасвир намояндаларидан бири.

мужассам ўзгача манзара кўринарди. Ин ёнидаги Барбос иссиқдан тумшуғини панжалари устига қўйганча чўзилиб ётибди. Ўнтача товук югургилашиб, қақалаб тонгни қаршиламоқда. Хўрозлар уришяпти. Кўчада далага пода ҳайдаб кетишаётир. Подадан орқада қолган бир сигир кўча ўртасида чор-атрофга аланглай-аланглай гоҳ-гоҳ зерикиб маъраб қўяди. Кифтларига хаскаш ва ўроқ ташлаб олган мужиклар билан аёллар ишга кетишмоқда. Шамол уларнинг узук-юлук сўзларини дераза сари учириб келарди. Нарироқда деҳқон араваси кўприкдан тарақа-туруқ килиб ўтди. Кетидан пичан ғарам имиллаб ўрмаламоқда. Қаттик, малла сочили болалар қўйлақларини кўтарганча қўлмак кечиб юришибди. Мазкур манзарани кузатаётган Александр *бўзарган осмон, синиқ ёғоч девор, эшикча, ифлос ҳовуз ва халқ рақсининг* нафосатини англай бошлади. У тор, олифта фракини кенг-мўл уй жомакори билан алмаштирди. Ушбу осойишта ҳаётининг ҳар бир кўриниши, ҳар бир тонгу оқшом, тамаддиғу ҳордиқ таассуротида она меҳрининг зийрак нигоҳи бор эди.

Онаизор Александрнинг тўлишиб, ёноклари яна кирмизи тус олгани, кўзлари хотиржам чакнаётганидан терисига сиғмай қувонарди. «Лекин сочи ўсмаётгани ёмон бўляпти-да, қандай сочи бор эди»¹, – деб қўярди у ичида.

Александр теварак-атрофни тез-тез кезадиган бўлиб қолганди. Бир куни у ўрмондан кўзиқорин тергани кетишаётган жувону кизларни учратиб қолиб, уларга қўшилди-да, кун бўйи ўшалар орасида юрди. Уйга қайта туриб, Маша деган қизни эпчил ва чакқонлигини мактади-ю, Маша *тўранинг дастёри* сифатида Адуевлар хонадонига олинди. Александр гоҳо дала ишларини кузатишга борар экан, журнал учун ёзиб, таржима қилган воқеа-ҳодисаларини тажрибада билди... «У ерда кўпинча ёлғончилик қилар эканмиз...» – дея ўйидан ўтказиб, бош чайқаб қўйди-да, кўрганларига теранроқ ва синчковроқ муносабатда бўла бошлади.

Ёғингарчилик бўлган кунлардан бирида Александр иш билан машғул бўлиш ниятида ёзишга киришиб, бу меҳнати дебочаси ўзига маъқул бўлди. Изоҳ учун қандайдир китоб керак бўлиб, Петербургга ёзиб юборганди, ўша китобни жўнатишди. У ижодга жиддий киришиб кетди. Яна бир китобни сўраттирди. Анна Павловна ўғлининг *бағри эзилмаслиги* учун уни ёзмасликка ундаш-

¹ Қаранг: А. С. Пушкин. «Евгений Онегин» («Онегин саёҳати»).

ларидан фойда бўлмади: ўғил онанинг гапларини эшитишни ҳам хоҳламасди. Бека Антон Ивановични чакиртирди. Александр унинг насихатларини ҳам писанд қилмай, ҳамон ёзаверди. Орадан уч-тўрт ой ўтса ҳам Александр озиш ўрнига баттар семираётганини кўргач, Анна Павловна хотиржам бўлди.

Шу зайлда орадан бир ярим йил ўтди. Ҳаммаси яхши кетаётганди, аммо Александр шу муддат охирида тагин хаёлчан бўлиб қолди. У ҳеч нарсани истамас, бор истакларининг ҳам бажарилиши амримаҳол бўлиб, оила доирасидан чиқмасди. Александрни ҳеч нарса: ғамхўрлик ҳам, гумон ҳам ташвишлантормас, диққат бўларди холос! Уйдаги биқик шарт-шароит аста-секин унинг жонига тега бошлади; онанинг гирдикапалаклиги метёридан ошган, Антон Иванович бўлса кўнгил айнитарди. Меҳнат бўғзига келган, табиат ҳам мафтун этмай қўйганди.

Александр дераза ёнида жимгина ўтирган қўйи дадаси ўтқизган арғувонларга лоқайд боқар, қўл шивирини нохуш тингларди. У ҳозирги беҳудлиги боисини излар экан, туйкус, ҳаммасига қўм-саш сабаб бўлаётганини пайқаб қолди – Петербургни соғинаётган-микин?! Александр босиб ўтган кечмишига ачина бошлади. Ҳамон унинг томирларидаги кон жўшар, юраги қаттиқ уриб, бор вужуди билан фаолият кўрсатишга ошиқарди... Тагин жумбоқ пайдо бўлди. Э, худойим! Александр ўзи топган кашфидан йиғлаб юбораёзди. У ҳозирги диққатбозлик ўтиб кетиб, қишлоққа кўникиш ниятида эди, аммо бўлмади. Александр бу ерда яшаган сари баттар юраги сиқилар, тагин ўша таниш гирдобли ҳаёт соғинтирарди.

Унинг учун кечмиши эъзозли бўлиб қолган, ўтмишидан рози эди. Нафрат, нохуш нигоҳ, бадқовоқлик, одамовиликни ёлғизлик, мулоҳазакорлик юмшатди. Кечмиш унинг назарида ёрқин, хиёнаткор Наденька эса қарийб нурдай покиза гавдалана бошлади. «Нималар қиялман ўзи бу ерда? – ўйларди надомат билан Александр, – нимани деб ҳасрат чекялман? Нечун истеъдодим сўняпти? Нечук у ерга бориб, ўзимни кўрсатмаялман? Ҳозир анча ақлим кириб қолган. Амакимнинг нимаси мендан яхши? Наҳотки ўзимга-ўзим йўл тополмасам? Хўш, ҳозиргача ноўрин уриниб келгандирман, нима қилибди шу билан? Энди ҳушёр тортдим-ку, айти вақти келди, ҳа, келди! Аммо кетишим ойимни қаттиқ ранжитади! Шунга карамай, албатта жўнашим зарур. Бу ерда йўқ бўлиб кетишим керак эмас-ку! У ерда кимлардир турмушда юзага чиқишяпти... Манса-

бим, омадим-чи?... Биргина мен қолиб кетяпман... Хўш, нега? Нима сабабдан ахир?» Александр ичи ёниб, ойисига кетмоқчилигини айтолмасди.

Бироқ Анна Павловна кўп ўтмай ўғлининг мушкулини осон қилди: у вафот этди.

Пировардида Александр Петербургдаги амакиси билан келин-ойисига тубандаги мактубларни жўнатди.

Келинойисига:

«Петербургдан жўнашим арафасида сиз, ma tante, мени кўзларингизда ёш билан хотирамга нақшланиб қолган қимматли сўзларни айтиб кузатгандингиз. Мана ўша сўзларингиз: «Агар бирор вақт илиқ дўстлик, самимий дўстлик зарур бўлса, сиз учун ҳамиша дилим тўрида ўрин топилади». Мазкур сўзлар моҳиятини эндигина тушуниб етяпман. Бениҳоя олижаноблик билан мени самимий тушунишингиз мен учун тинчлик, осойишталик, тасалли, хотиржамлик, эҳтимолки, умрбод бахт гаровидир. Мана ойижонимнинг вафот этганларига ҳам уч ой бўлди. Ортиқ бирор сўз қўшмайман. Мактубларимдан волидам мен учун ким бўлганини биласиз, бу жудолик менга қанчалар оғир эканлигини тушунасиз... Энди бу ерни умрбод тарк этмоқчиман. Бироқ танҳо дарбадар сизнинг ҳузурингиздан бўлак қайга ҳам боришим мумкин?.. Бир оғиз калимангиз кифоя: ҳузурингизга борсам, бир ярим йил муқаддамги оқибатни кўраманми? Хотиранингиздан қўтарилганимча йўқманми? Мени бир неча бор балолардан сақлаб қолган ўзингизсиз: янги, оғир жароҳатимни дўст сифатида даволашдек мушкул вазифага розилик бера оласизми? Бутун умидим сизда ва қудратли ҳамроҳим – фаолиятимда деб биламан.

Таажжубланыспиз, тўғрими? Мендан бу сўзларни эшитиш, менга бегона оҳангдаги босиқ мазкур сатрларни ўқиш ғалати, а? Ажабланманг, қайтиб боришимдан ҳам кўркманг. Ҳузурингизга довдир, хомхаёл, ландавур қишлоқи эмас, балки Петербургдаги кўп қатори, мен ҳам аллақачон ўшандай бўлишим лозим бўлган бир одам қайтиб боради. Бу хусусда айниқса амакижонимни огоҳлантириб қўйинг. Ўтмишимга нигоҳ ташласам, нокулай аҳволга тушаман, ўзим ва бошқалар учун хижолат чекам. Бироқ бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Мана энди, ўттиз ёшдагина кўзим очилиб турибди! Петербургда ўтаган машаққатли мактабим, қишлоқдаги мулоҳазаларим қисматимни тўлиқ ёритди. Амакижонимнинг сабоқлари ва

Ўз тажрибамдан анча узоқлашгач, осойишталикда ҳаммасини аниқ-таниқ идрок этдим. Юқоридагилар мени аллақачон бошқа йўлга бошлаши мумкинлиги, ночор ва ақлсизлик билан аниқ мақсаддан чалғиганимни тушуниб турибман. Ҳозир хотиржамман: ич-этимни еб, азобланмаяпман, бироқ бу билан мақтанмайман. Эҳтимол ҳозирги хотиржамлигим ўткинчи худбинлик натижаси ҳам бўлиши мумкиндир, ҳарқалай, кўп ўтмай ҳаётга қарашим ўзгариб, мусаффо хотиржамлик манбаини кашф этгунимга қадар равшанлашса керак. Ҳозир, ҳайҳот! – ёшлик тугаб, ақл ишлатадиган, ҳар қандай ҳаяжонни текшириб, таҳлил этувчи, онгим ошаётган пайтимда афсус чекмай иложим йўқ.

Гарчи, эҳтимол одамлар ва ҳаёт ҳақидаги фикрим хиёл ўзгарган бўлса-да, аммо кўп умидларим, истакларим пучга чиққан, уларни қайтаришнинг иложи йўқ. Бинобарин, энди кўп нарсаларда, кўп одамларни билишда янглишиш, алданишим мумкин эмас. Шунинг ўзиёқ бир томондан таскин беради! Энди келажакка тиник нигоҳ билан қарайман: энг оғири орқада қолган, ташвишларим хатарсиз, чунки бундан буёғига хавотирларим кам; асосийлари босиб ўтилган, миннатдорман улардан. Ўзимни жабрдийда сезганим, қисматим, ҳаётимни лаънатлаганимни эслашга ҳам уяламан. Лаънатлаганман-а! Эси йўқ болалик, нақадар нонкўрлик қилган эканман! Азоб чекиш дилни поклаши, у одамнинг ўзига-ўзи, бошқаларга ҳам нафи тегадиган қилиб қўйишини, юксалтиришини жуда кеч тушундим... Ҳозир шунга аминманки, азоб кўрмаган одам ҳаётга бутунлай муносиб бўлолмайди: азобнинг муҳим шарт-шароитлари кўп, эҳтимол, биз уларни бартараф қилишга қодир ҳам бўлмасак керак. Ушбу ташвиш-азобларни менимча, бамисоли тангрининг қўли дейиш мумкин. Қайсиким, мазкур қўл инсонни доимий вазифа – сохта умидлар, мушкул тўсиқларга қарши тўхтовсиз курашда олға интилиш, қисматдаги мақсадга эришиш сари ундаб туради. Ҳа, ҳаёт учун худди шундай кураш ва ташвиш қанчалар зарур эканлигига энди аминман. Ҳаёт буларсиз ҳаёт эмас, турғунлик, у ғафлатнинг ўзи бўларди... Кураш тўхтаган жойда, қарабсанки, ҳаёт ҳам тўхтайди, инсон нима биландир машғул бўлди, севди, роҳатланди, ташвиш чекди, ўз юмушини бажарди, демак, у яшади!

Қандай фикр юритишимни кўриб қўйинг; мен зулматни тарк этдим, ҳозирги яшаган умрим ҳаёт сабоғи тайёрлаган рostaкам йўлга аллақандай оғир ҳозирликкина эканлигига амин бўлдим.

Дилимдаги қандайдир овоз менга бундан буёнги йўлинг енгил, осойишта, мазмунли кечади, деяпти... Қоронғи манзиллар ёришди, мушкул жумбоқлар ўз-ўзидан ечилди. Ҳаёт энди ёвуз эмас, фахрли туюляпти. Тез кунларда тагин: ҳаёт ажойиб дейман! Аммо айтганда ҳам энди ўткинчи роҳатдан сархуш йигит сифатида эмас, балки ҳаётнинг роҳат-азобларини онгли идрок этган етук киши қиёфасида айтаман. Бундан буёғига ўлим ҳам даҳшат солувчи гурзи эмас, балки ажойиб ҳаёт якунидир. Эндиликда дилим хотиржамлик билан йўғрилган. Болаларча надомат чекиш, беҳуда жириллашлар, искабтопар филга нафрат сочгани каби ҳаёт ва одамлардан болаларча калакаомуз ғазабланишларимни худди кўрмагандек бўлиб кетганман.

Бир пайтлар одамлардан юз ўгирган эдим, энди улар билан дўстлашиб олдим. Йўл-йўлакай айтиб ўтай, бу ердаги одамлар ҳам худди Петербургдагиларга ўхшаш, фақат кўполрок, дағалрок, кулгилироқлар холос. Лекин бу ердагилардан жаҳлим чиқмайди, у ердагилардан эса умуман жаҳлим чиқмаслиги турган гап. Шундай бўлишига бир мисол келтирай. Бизникига бир афандирок Антон Иванич деган одам ташриф буюриб туради. Гўё ғамимга шерик бўлишга келгандай туюлади у. Эртасига кўшнилари тўйида уларнинг хурсандчиликларини табриклашга йўл олади, сўнгра яна кимникигадир доя аёлга кўмаклашиш учун отланади. Аммо на кулфат, на хурсандчилик жойларда бўлиши унинг кунига тўрт қайтадан овқатланишига халақит бермайди. Назаримда унинг учун барибир: кимдир қазо қилганми, туғилганми ёки уйланганми фарқи йўқ. Шундай бўлса-да, Антон Иваничдан нафратланмайман, жаҳлим чиқмайди... Парвойимга келтирмайман, ҳайдаб ҳам чиқармайман... У олижаноб одам, тўғри эмасми, *ma tante*? Ўз-ўзини мактовдан иборат ушбу жумлаларга нима дейсиз?»

Амакисига:

«Севимли, олижаноб амакижон, айти вақтда жаноби олийлари!

Таҳсинга лойиқ мансаб эгаси бўлганингизни эшитиб, бағоят бошим осмонга етди. Аллақачоноқ омад қучгансиз! Ҳақиқий статс-маслаҳатчи, маҳкама директорисиз-а! Жўнаб кетаётганимда, сиз жаноби олийлари берган ваъдангизни эслатишга жазм этмоқчиман: «Хизмат, иш важдан ёки пул сабабли кўмак зарур бўлса менга мурожаат қил», – дегандингиз. Мана ҳозир ҳам хизмат, ҳам иш важдан кўмакка муҳтожман. Пул ҳам зарур бўлади, албатта. Бе-

чора қишлоқингиз тураржой ва иш сўрашга журъат этипти. Илтимосим қандай қабул қилингай? Бир пайтлари Заезжалов иши юзасидан сўраган кўмаги бошига тушган кун тушмасмикин менинг ҳам бошимга?... Мактубларингиздан бирида шафқатсизларча сўраганингиз ижод хусусига келсак... ўзим ҳам ҳозир хижолат чекаётган ўша бир пайтлардаги тентакликни эслаш гуноҳ эмасмикин?.. Эҳ, амакижон, эҳ, жаноби олийлари! Ким ёш, ким озми-кўпми тентак бўлмаган дейсиз? Ким ҳеч қачон амалга ошмаяжак бирор эзгу ниятга интилмаган? Мана, менинг ўнг томонимда бир қўшним бор. У ўзини қаҳрамон, худо олдида мислсиз омилкор ҳисоблаб юрган... жасоратлари билан бутун дунёни лол қолдириш ниятида бўлган... оқибати шу бўлдики, ўша қўшним прапорщикликда истеъфога чиқиб, ҳозир картошка, шолғом экиш билан банд. Бошқа, чап томонимдаги қўшним ўзича бутун жаҳон, Россияни ўзгартиришни орзу қилган, аслида эса палатада маълум вақт қоғоз қоралагандан сўнг бу ерга қайтиб келди, ҳозиргача бузилган деворини тузатолмаяпти. Менга парвардигор истеъдод ато қилган деб ўйлаб, дунё кўзи олдида янги, ҳали мисли кўрилмаган сирларни очмоқчи бўлдим. Ҳолбуки, очажак янгилигимнинг ҳеч бир сирли томони йўқ, ўзим эса пайғамбар эмас эканман. Биз бандалар шундайин кулгилимиз ўзи. Бироқ, қани айтинг-чи, ким уялмай-нетмай ёшликдаги меъёрдан ортиқ олижаноб, қизгин орзуларни лаънатлаб ҳақоратлашга журъат эта олади? Ким маълум даврда самарасиз истак билан яшамаган; ким ўзини шавкатли жасорат, тантанавор қўшиқ, шов-шувли дoston қаҳрамони ўрнига қўймаган? Ким хаёлан афсонавор, марди майдон замонлар сари парвоз қилмаган? Ким мукамаллик ва гўзаллик путурига ачиниб кўзёш тўкмаган? Мабодо шундай кимса топилса, майли, у менга тош отсин, асло ҳавас қилмайман ундай одамга. Ёшликдаги орзуларимдан уяладиган жойим йўқ, аксинча, ҳурматим катта. Зеро, ўша орзуларим қалб поклиги гарови, эзгуликка мойил олижаноб қалб аломатидир.

Биламан, мазкур далилларим сизни қаноатлантирмайди: сизга ижобий, амалий далил зарур. Марҳамат, мана ўша далил: айтинг-чи, агар ёшлар ўзларидаги илк мойилликларни махв этиб, орзуларига эрк ва имкон бермай, қучларини синамаган кўйи кўрсатилган йўналиш бўйича мутеъна боришса, истеъдод қандай сезиларди-ю, қандай сайқалланарди? Ниҳоят ёшлик серташвиш, жунбишли, гоҳо довдиру тентакнамо бўлиши, ҳар қандай орзу ҳозир мендаги каби

вакти келиб сўниши табиатнинг умумий қонуни эмасми? Наҳотки сиз ҳам ёшлигингизда шундай гуноҳларга йўл қўймаган бўлсангиз? Эсланг бир, хотирангизни титкилаб кўринг. Хотиржам, ҳеч қачон ҳайратланмайдиган қиёфангиз билан бош чайқаб: йўқ, йўл қўймаганман, деяётганингизни шу ердан ҳам кўриб турибман. Сизни, чунончи, лоақал севги борасида фош этишимга рухсат берсангиз... тонасизми? Тонманг; далил қўлимда... эсланг, воқеани рўй берган жойда текшира олдим. Севги саргузаштларингиз саҳнаси рўпарамгинада турибди, бу – қўл. Унда хануз гулсафсарлар ўсади. Ўша гулдан бирини яхшигина қуритиб, ширин хотиралар суришингиз учун сиз жаноби олийларига жўнатиш шарафига муяссарман. Умуман, севгини, айникса, менинг севгимни таҳқирлашингизга қарши даҳшатли қурол бор, у ҳам бўлса – ҳужжат... Қовоғингизни уяяпсизми? Ҳужжат бўлгандаям шундай ҳужжатки! Рангингиз оқариб кетдими? Мен бу қимматли кўҳна ҳужжатни холамнинг янаям кўҳна қалбидан ўғирлаб, сизга қарши ҳамда ўзимни ҳимоя қилажак бокий далил сифатида опкетяпман. Саросималанаверинг, амакижон! Бунинг устига, севгингиз тарихини муфассал биламан. Холам ҳар куни эрталабки чой, кечки таом, ухлашга ётиш олди-дан марокли исбот билан сўзлаб беради, мен мазкур қимматли далилларни алоҳида эсдаликларга қўшаман. Ушбу эсдаликларни бир йилдирки, бу ерда машғул бўлаётганим қишлоқ хўжалиги борасидаги ишларим билан қўшган ҳолда шахсан ўзингизга топширишни унутмайман. Холамнинг айтишича, унга нисбатан *сезгиларингиз* барқарор экан. Холамни шунга ишонтиришни бурчим деб биламан. Сиз жаноби олийларидан илтимосим борасида мақбул жавоб олгач, ҳузурингизга боришни жазм этаман. Ёнимда маймунжон қоқиси, асал қаби совға-саломлар ва (жараён тугамасиданоқ вафот этган Заезжаловнинг илтимосномасини олволиш ниятим йўқ) қўшнилари заруратлари юзасидан ёзиб беришни ваъда қилишаётган бир неча мактублар ҳам бўлади».



ХОТИМА

Александр Петербургга иккинчи марта келишидан тўрт йилча ўтгач, мазкур романда қатнашувчи асосий шахсларнинг тақдирлари қуйидагича кечди.

Бир куни эрталаб Пётр Иванович ўз бўлмасида у ёқдан-бу ёққа юрарди. Ҳозирги Пётр Иванович олдинги тетик, барваста ва келишган, нигоҳи ҳамиша бир хилда хотиржам, боши мағрур, тик ҳамда самбитқомат Пётр Иванович эмасди. Ёш ўтишими ёки шароит таъсириданми, у худди чўкиб қолганга ўхшарди. Юриш-туриши у қадар тетик эмас, нигоҳлари унча қатъий ва беписанд бокмасди. Чакка сочларига анчагина оқ тушганди. Пётр Иванович умрининг эллик йилини нишонлаб бўлганди чамаси. Пича мункайиброқ одимлайди. Айниқса, шуниси ажабланарлики, биз ҳозиргача билган бу шавқсиз ва вазмин одамнинг чехрасида ғамхўрликдан кўра кўпроқ қарийб ҳасрат ифодаси сезиларди. Тўғри, гоҳо Пётр Ивановични шундай кайфиятда ҳам кўриш мумкин эди.

У гўё ҳайратланаётганга ўхшарди. Икки қадамча одимлаган Пётр Иванович тўсатдан хона ўртасида тўхтар ёки тез-тез юриб, у бурчакдан-бу бурчакка бориб келарди. Чамаси, у одатдан ташқари ҳаёл оғушида эди.

Стол яқинидаги креслода ўрта бўй, тўла, бўйнига хоч осган, фракнинг бари тугмалари қадалган, бир оёғини иккинчиси устига чалмаштирган одам ўтирарди. Унинг қўлида фақат тилла тутқичли катта ҳасса етишмасди холоским, китобхон бундай ҳасса орқали роман ва қиссалардаги докторни дарҳол танигувчи эди. Эҳтимол, доктор мазкур таёққа ўрганиб қолган бўлиб, бекорчиликда пиёда сайр этар ёки беморлар ёнида соатлаб ўтирган қўйи уларга таскин бераркан, кўпинча икки-уч шахс: шифокор, амалиётчи файласуф, хонадон дўсти ва ҳоказолар ўрнини ўтарди шекилли. Лекин бу дориломон, кенг-мўл яшалувчи, кам касалга чалинадиган док-

тор заруратдан кўра кўпроқ зийнат боисидангина керак жойларга ярашиқлидир. Пётр Ивановичнинг доктори эса петербурглик доктор эди. У гарчи беморларга дори-дармон буюрса-да, яёв юриш нималигини билмасди. Бу зот қандайдир кенгаш аъзоси, аллақандай жамиятга котиб, ҳам бир неча давлат идораларининг профессору ва врач, ҳам камбағаллар шифокори, ҳам барча маслаҳатхоналарнинг қанда қилмайдиган одами эди. Тажрибаси ҳам катта. Ҳатто чап қўлидаги қўлқопни ечмас, агар томир ушлаб кўриш зарур бўлмаса, ўнг қўлқопини ҳам ечмасди. У ҳеч қачон фраки тугмаларини бўшатмас ва деярли ўтирмасди. Тоқатсизланаётган доктор бир неча бор дам чап оёғини ўнг оёғи устига, дам ўнг оёғини чап оёғи устига қўйиб кўрди. У аллақачон йўлга тушиши зарур бўлса-да, бироқ Пётр Иванович миқ этмасди. Ниҳоят Пётр Иванович:

– Нима қилай, доктор? – дея сўради тўсатдан унинг қаршисида тўхтаб.

– Киссингенга жўнаш зарур, – жавоб қайтарди доктор, – ягона иложи шу. Хуружингиз бот-бот тақорланяпти...

– Оббо! Нукул мен тўғримда қайғурасиз-а! – гапни бўлди Пётр Иванович, – мен хотиним тўғрисида айтяпман. Ёшим элликдан ошган, хотиним эса айни очилган пайти, унинг яшаши керак. Ҳалитдан саломатлиги ёмонлаша бошласа...

– Ҳеч ҳам ёмонлашмаган-да! – эътироз билдирди доктор. – Мен келгусидаги хавотирни айтяпман холос, ҳозир бўлса ҳеч нарса йўқ... Фақат айтмоқчийдимки, аёлингизнинг саломатлиги... ёки саломатлиги эмас, шунчаки... нимадир иллоти бор...

– Барибир эмасми? Сиз юзаки огоҳлантирдингизу унутиб юбордингиз. Мен бўлсам, ўшандан бери хотинимни кузатаман, кун сайин янги, нохуш ўзгариш сезаётирман. Уч ойдирки, ҳаловатим йўқ. Нега буни олдин пайқамаганимга ҳайронман! Вазифам билан ишим вақтимни ҳам олади, саломатлигимга ҳам путур етказди... у мана энди хотинимдан ҳам ажратади шекилли.

Шундан кейин Пётр Иванович тагин хонада у ёқдан-бу ёққа бориб-кела бошлади.

– Бугун хотинимдан саломатлигини суриштирдингизми? – сўради у ниҳоят юришни бас қилиб.

– Ҳа, бироқ аёлингизнинг шикояти йўқ. Мен олдинига физиологик сабаб гумон қилгандим, фарзанд кўрмаган-да... аммо, янглишганман шекилли! Эҳтимол руҳиятигина сабабчи бўлса керак...

– Унда яна ҳам яхши! – деб кўйди Пётр Иванович.

– Балки ҳеч қандай дарди ҳам йўқдир. Хавотирли бирор аломат сезилмаяпти! Шунақа... Бу ерда, иқлими ботқоқ жойда кўп вақт яшаб қолгансизлар жудаям. Жанубга кўчиб ўтиб, ҳаво алмаштиринглар, янги жойларни кўринглар, бу фойдадан холи эмас. Ёзни Киссингенда ўтказмоқ даркор, шифобахш сувлар бор. Кузда Италия, қишда Париж маъқул: ишонтириб айтаманки, ўшанда зарданинг қайнаши, асабнинг бузилишидан... фориг бўлади-қўяди!..

Пётр Иванович суҳбатдошининг гапига деярли кулоқ солмасди.

– Сабаби руҳият! – деди у ярим овозда бош чайқаб.

– Яъни, биласизми, нега руҳият дейишимга сабаб шуки, – давом этди доктор, – сизни билмадим-ку, аммо бошқа одам бўлса, бирор ташвиш... ёки ташвиш эмас... балки маънос истаклар... гоҳо эҳтиёж, етишмовчилик деганларидай... эътиборингизни шунга тортмоқчи эдимки...

– Эҳтиёж, хоҳиш! – гапни бўлди Пётр Иванович, – хотинимнинг барча хоҳишлари олдиндан сезилади, унинг диди, табиатини биламан. Эҳтиёжи эса... ҳм! Уйимизни, қандай яшаётганимизни кўраётгандирсиз?..

– Яхши уй, ажойиб уй, – деди доктор, – ғаройиб ошпаз ва қандай сигирлар! Анави Лондонда яшовчи ошнангиз... мусаллас жўнатмай кўйдими? Негадир бу йил уйингизда кўринмаяпти...

– Тақдир қанчалар маккор-а, доктор! Хотинимга бундан ортиқ яна қандай эҳтиёткор муомала қилишим мумкин? – қизишди ғайриодатий оҳангда Пётр Иванович, – ҳар бир қадамимни ўлчаб босдим шекилли чоғи... фалокат нақ оёқ остидан чиқиб ўтирибди-да, яна қачон денг? Омадим юришиб, шундай мартабага эришганимда... А, лаббай?

У қўл силтаб қўйиб, яна у ёқ-бу ёққа юра бошлади.

– Нега бунча безовта бўляпсиз? – деди доктор, – мутлақо хавотирланадиган жойи йўқ. Олдинги гапимни яна такрорлайман, аёлингиз соппа-соғ. Хатарли белгилар сезилмайди. Камқонлик, пича дармонсизлик... – тамом-вассалом!

– Ҳаммаси бекорчиликдан! – деди Пётр Иванович.

– Аёлингизнинг дарди ўткинчи дард, – давом этди доктор. – Нима, ёлғиз у шундайми? Бу ерлик бўлмаган бари одамларга бир қаранг. Қай аҳволда улар? Кетинглар бу ердан, кетинглар. Кетишнинг иложи бўлмаса, кўнглини ёзинг, бир жойда олиб ўтирманг,

парвариш қилиб, сайрга олиб чиқиб турунг. Жисман ва рухан турғунлик бўлмасин. Аёлингиз жисман ва рухан жой алмаштиришга мухтож. Йўкса, эртами-кечми ўпкаси дардга чалиниши турган гап ёки...

– Омон бўлинг, доктор! Мен ҳузурига бора қолай, – деди Пётр Иванович ва илдам одимлаб хотинининг бўлмаси томонга йўналди. Сўнгра остонада тўхтаб, пардаларни сурди-да, хотинига бесаранжом нигоҳ ташлади.

Лизавета Александровна... Доктор бу аёлда қандай алоҳида жиҳатни пайқаган экан? Лизавета Александровнани биринчи бор кўрган ҳар қандай одам бу жувонни Петербургдаги кўп аёллардан бири сирасига қўшарди-қўярди. Чехраси рангпарлиги тўғри: нигоҳи жилосиз, блузкаси ясси кифтлари билан силлиқ кўксига бемалол ва бир текис тушиб туради; юриш-туриши илдам эмас, қарийб ҳафсаласиз... Наҳотки қирмизи юз, кўзлар чақноқлиги ва ўт-оловлик бизнинг соҳибжамолларимизнинг айрича белгилари бўлса? Қоматнинг гўзаллиги бўлса... Шидий ҳам, Пракситель ҳам бу ерда ҳайкал йўнишга Венераларга мос одамни топишолмасди.

Йўқ, шимол соҳибжамолларидан ялтироқ ҳусн изламаслик керак: улар ҳайкал эмаслар, уларга юнон аёлларининг латофати абадийлаштирилган каби антик қад-қомат насиб этмаган; ундай қад-қоматлар яратишнинг манбаи топилмайди. Бежирим-бекусур гавда тузилишининг ўзи йўқ... Кўзлардан ҳароратли туйғуларнинг нур оқими қуйилмайди; ним очик лабларда жануб аёлининг қайноқ дудоғи янглиғ ишва-таманноли табассум жилваланганини кўрмайсиз. Бизнинг аёллар қисматига ўзга, олий гўзаллик битилган. Ҳайкалтарош мазкур аёллар қиёфасидаги ушбу фикр жилосини, бу эрк ва эҳтирос кураши, тилда ифодалаб бўлмайдиган ҳаракатининг нозик қочиримлар, сохта баёвлик, ғазабу ҳиммат, пинҳона қувончу изтиробларини... минг пора қалбдан отилмиш барча оний ёлқинлар ўйинини илғаб олишдан ожиз...

Булар омади бир гап-ку, аммо Лизавета Александровнани илк бор кўрган одам уни сира дардчил демасди. Фақат уни олдиндан билган, бокира чехраси, сержило нигоҳларини, ушбу жило таъсирида жувоннинг кўзларининг тусини аниқлаш қийин бўлиб, кўзлари ажиб чайқалувчи нур билан чулғаниб турарди – эслай оладиган, тўлиқ кифтлари, хушбичим сийнасини унутмаган кимса ҳозир Лизавета Александровнага аччиқ надомат билан қарарди-да, агар

у одам аёлга бегона бўлмаса қаттиқ афсус чекарди, худди шундай Пётр Иванич ҳам шундай кайфиятга тушганига қарамай, буни эътироф этишга юраги дов бермаётганди.

Пётр Иванич шарпасизгина бўлмага кириб, хотинининг ёнига ўтирди.

– Нималар қиялпсан? – сўради у.

– Чиким дафтарини кўздан кечирияман, – жавоб қайтарди аёл. – Буни қара, Пётр Иванич, ўтган ойда зиёфатга бир ярим минг сўмга яқин пул сарфланибди, жудаям хайронман!

Пётр Иванич лом-мим демай, хотинининг қўлидаги дафтарни олиб, столга қўйди.

– Менга қара, – гап бошлади кейин у, – доктор касалим бу ерда оғирлашиши мумкинлигини айтяпти, хориждаги сувларда даволашнишни маслаҳат берди. Сен нима дейсан?

– Нима ҳам дердим? Мендан кўра докторнинг гапи муҳимроқ бўлса керак. Маслаҳат берган экан, бориш зарур, вассалом.

– Сен-чи? Сен ҳам борасанми?

– Қайдам.

– Ёки шу ерда қолганинг маъқулми?

– Майли, қола қоламан.

– Қайси бири маъқул сенга? – сўради Пётр Иванич пича тоқатсизланиб.

– Сен нима десанг, ўша-да, ихтиёринг, – жавоб қайтарди аёл маъюс лоқайдлик билан, – бор десанг бораман, борма десанг шу ерда қолавераман...

– Бу ерда қолишинг мумкин эмас, – давом этди Пётр Иванич, – доктор сенинг соғлигингни ҳам у қадар яхши демаяпти... иқлим таъсиридан эмиш.

– Нега бундай дейди? – хайрон бўлди Лизавета Александровна, – мен соппа-соғман, шикоятим йўқ.

– Узоқ сафар ҳам толиқтириб қўйиши мумкин сени, – яна гап қўшди Пётр Иванич, – мен хориждалигимда Москвадаги холанг-никида яшаб тура коласанми ё?

– Майли, бўлмаса, Москвага кета қоламан.

– Ёки иккаламиз ёзни Қримда ўтказасакмикин?

– Қрим ҳам яхши.

Тоқати тугаган Пётр Иванич дивандан турди-да, ўз бўлмасида юргандай у ёқдан-бу ёққа юриб, ниҳоят хотини қаршисида тўхтади.

- Қаерда бўлсанг ҳам сенга барибирми?
- Барибир, – жавоб қайтарди Лизавета Александровна.
- Нега энди?

Аёл бу саволга ҳеч нима демай, яна столдаги чиқим дафтарини кўлига олди.

– Ўзинг биласан тагин, Пётр Иванович. Харажатларни камай-тиришимиз керак. Битта зиёфатда бир минг беш юз сўм сарфланса-я...

Пётр Иванович хотинининг кўлидаги дафтарни олиб, стол остига улоқтирди.

– Бу сени нега қизиқтириб қолди? – сўради кейин, – ёки пулга ачинапсанми?

– Нечун қизиқмай? Сенинг хотинингман-ку ахир! Ўзинг-ку ўргатган мени... энди бўлса, қизиқма деяпсан... Мен ўз ишимни *бажаряпман!*

– Менга қара, Лиза! – деди бир муддат жим тургандан сўнг. Пётр Иванович, – ўз феълингни ўзгартирмоқчи, ўзингни ўзинг енгмоқчи бўляпсан... яхши эмас бу. Мен сени ҳеч қачон мажбур қилмаганман. Ўзингни манави матоҳга (у дафтарга ишора қилиб қўйди) қизикаётгандай кўрсатмоқчи бўляпсан: кийналиб нима қиласан, тамоми эркинг ўзингда...

– Вой худойим-ей! Эркинг нима кераги бор менга? – деди Лизавета Александровна, – бошимга ураманми уни? Шу вақтгача, мени, ўзингни ажабтовур, оқилона идора қилиб келдинг, мустақиллик нималигини эсимдан ҳам чиқариб юборганман. Бундан буёғига ҳам шу зайлда давом этавер. Керак эмас менга ўша эрк.

Иккалалари жим қолишди.

– Анчадан бери, – тилга кирди тагин Пётр Иванович, – сендан ҳеч қандай илтимос, бирор истак, инжикликни сезмай қўйдим, Лиза.

– Менга ҳеч нарсa керак эмас.

– Бирортаям алохида... айтолмай юрган истагинг йўқми? – сўради Пётр Иванович ийиган қиёфада хотинига тикилиб.

Аёл гапириши, гапирмаслигини ҳам билмай иккиланиб қолди. Пётр Иванович буни дарҳол пайқади.

– Айт, худо ҳаққи, айтавер! – давом этди у, – сенинг истагинг менинг истагим, хозироқ бажарганим бўлсин.

– Хўп, яхши, – деди аёл, – ҳамонки мен учун бажармоқчи экансан... унда... жума зиёфатларига барҳам бер... чарчадим ўша зиёфатлардан...

Пётр Иванович ўйланиб қолди.

– Бунингсиз ҳам кафасда яшаяпсан, – деди у пича сукутдан сўнг, – жума кунлари таниш-билишларимиз келмай қўйишса, баттар зик бўласан. Майли, ихтиёринг тагин. Шуни хоҳлар экансан, бу истагинг бажо этилади. Хўш, нима билан машғул бўласан унда?

– Ҳисоб-китоб ишларингни бера қол менга... ўшалар билан шуғулланаман... – деди аёл ва стол остидаги чиқим дафтарига қўл чўзди.

Бу гап Пётр Ивановичга кесатикдай қаттиқ тегди.

– Лиза!.. – деди у гинали оҳангда.

Чиқим дафтари стол остидалигича қолаверди.

– Мен бўлсам, биз мутлақо узиб қўйган баъзи танишувларни қайта тикласанг керак, деб ўйлабман. Шу мақсадда зора чалғиб, ўзинг сайрларга отланишинг учун базм бермоқчийдим...

– Вой, йўқ, йўғ-а! – деди Лизавета Александровна капалаги учиб, – худо ҳақки, керак эмас! Қанақасига... базм-а!

– Нега бунча кўрқиб кетдинг? Ҳали базмларда қатнашиш ёшидан ўтганингча йўқ. Ҳали рақс тушишинг мумкин...

– Йўқ, Пётр Иванович, илтимос, қўй бу ниятингни! – шошиб қолди аёл, – упа-элик, ясан-тусан, меҳмон кутиш, сайрлардан худо сақласин!

– Умрбод блузка кийиб ўтмоқчисан шекилли-а?

– Ҳа, агар рухсат этсанг, сираям ечмасдим блузкамни. Ясаниш нима ҳожат? Ҳам пул кетади, ҳам ортикча беҳуда оворагарчилик.

– Биласанми нима? – деди бирдан Пётр Иванович, – айтишларича, бу йил қишда биз томонларга Рубини таклиф этилганмиш; итальян операмиз бўлади. Биз учун ложа ажратишларини илтимос қилдим, нима дейсан бунга?

Аёл индамади.

– Лиза!

– Бекор қилибсан... – деди Лизавета Александровна ийманиб, – бу ҳам тинкамни қуритса керак... чарчаб қоламан...

Пётр Иванович бошини ҳам қилган қўйи каминга яқинлашаркан, унга тирсақларини тиради-да, қандайдир... нима дейиш мумкин? Ҳасрат биланми, йўқ, ҳасрат билан эмас, хавотирли, бесаранжом ва ҳадикли қиёфада хотинига қаради.

– Лиза, нега сен... – дея оғиз жуфтлаган Пётр Иванович чайнализ қолди. У «лоқайдсан» сўзини айтишга ботина олмаганди.

Пётр Иванович Лизавета Александровнага узоқ жим қараб турди. Аёлнинг сўниқ жилосиз кўзлари, жонсиз ва қарахт юзида, беҳафсала сумбатию суст ҳаракатларида у ўша сўрашдан қўрққан лоқайдликнинг сабабини уқди. Пётр Иванович доктор унга ўз хавотирини ишора қилгандаёқ қандай қилиб жавоб олишини сезганди. Шундан сўнг Пётр Иванович ҳушёр тортиб, турмушлари манфаатига путур етказиш эҳтимоли бор барча чалғишлардан хотинини мунтазам муҳофаза этиш билан бирга айни пайтда рафикаси эрсизликда кўриши мумкин бўлган чала-яримгина қувончга нисбатан таҳсинга сазовор шароитни, эрининг иш тутиши оқибатида уйи фасоҳатдан холи, худди мустаҳкам истехкомга айлангани, лекин шунингдек, ҳар қадамида барча табиий туйғулар тўсиқ ва пойлоқчига дуч келишининг ўз танасида ўйлаб кўришига имкон бермаганини фаҳмлай бошлади...

Пётр Ивановичнинг хотинига муомаласидаги мунтазамлик ва расмийчилик унинг хоҳиши ҳамда иродасидан ташқари совуқ ва нозик мустабидлик даражасигача етди, тагин бу мустабидлик нима устидан денг? Аёл қалби устидан! Шу йўлда у хотинидан бойлик, зеб-зийнат, ўзича бахт воситаси, шарт-шароити деб билган нарсасидан ҳеч нима аямади, бу даҳшатли хатодир, янаям даҳшатлилиги шуки, Пётр Иванович бу ишни ақли етмаганлиги, қалбни тушунишда галварс бўлгани учун эмас – у қалбни тушунарди, – балки эҳтиётсизлиги, худбинлиги оқибатида қилди! У рафикаси хизмат қилмаслиги, қарта ўйнамаслиги, саводи йўқлиги, аёл зоти бой дастурхон ва асл винонинг қадрига етмаслигини унутиб қўйди-да, тагин хотинини тўкин ҳаёт кечирришга мажбур этди.

Пётр Иванович сахий одам эди, хотинини яхши кўриши боисидангина эмас, адолат юзасидан ҳам балони даф этиш учун у ҳеч нарсани аямасди; лекин буни қандай даф этиш керак? Доктор Лизанинг соғлигидан хавотирдалигини айтганидан бери Петр Иванович бир неча тунни бедор ўтказди. У хотинининг кўнглини ҳозирги ҳаётига кўниктириш, мадорсизлигининг олдини олиш йўллари ахтарди. Ҳозир ҳам камин ёнида тураркан, худди шу ҳақда ўйларди. Хаёлига эҳтимол Лиза хатарли дард илаштиргану уни сийқа ва беҳуда ҳаёт адо қиялпти шекилли, деган фикр келди...

Пётр Ивановичнинг пешонасини совуқ тер қоплади. У турли-туман тадбирларни ўйлаб, унинг оғушида қоларкан, энг тўғри чора топиш учун ақлдан кўра дил сўзлари кўпроқ иш беришини сезар-

ди. Лекин ўша дил сўзларини у қаердан олсин? Пётр Иваничнинг ичидаги аллақандай овоз хотининг оёқлари остига йиқил, уни меҳр билан оғушингга ол-да, эҳтиросли овозда фақат сен учунгина яшаганман, барча меҳнатларим, югуриб-елишим, мансабу талашиб-тортишишларим сен туфайли, мунтазам иш тутишим фақат қалбингни муттасил, астойдил ром этишга интилишим натижасидир, деган қабилда маслаҳат берарди. У шу сўзлар мурдага жон киргазгандай бўлиши, баногоҳ хотини соғлом, бахтиёрликдан яшнаб, шифобахш сувларга жўнаш ҳолати ҳам қолмаслигини тушунарди.

Аммо гапириш билан исботлаш – бошқа-бошқа нарсалардир. Айтган гапни исботлаш учун росткам эҳтиросга эга бўлиш керак. Бироқ Пётр Иванич дил тубини титкилаб эҳтироснинг лоақал юқини ҳам топа олмади. У фақат хотини ўзига зарурлигини сезарди холос, бу тўғри, лекин хотини ҳаётнинг бошқа заруратлари қатори, одат юзасидангина зарур. Пётр Иванич муғамбирлик қилиши, жазман қиёфасига кириб, эллик ёшида нечоғли кулгили бўлмасин, қўққис эҳтиросли сўзлар айтишга рози эди; аммо йўқ эҳтирос билан аёлни алдаб бўлармикин? Кейинчалик ушбу сохталикни дил талаби сўнажак сарҳадгача зиммада ортмоқлаб боришдек қаҳрамонлик, маҳорат топилармикин? Лиза бир неча йил муқаддам берилса, оби кавсардек фойда қилмиш ўша сўзлар ҳозир дори сифатида тақдим этилаётганини билгач, нафсонияти таҳқирланиши уни узил-кесил адойи тамом қилмасмикин? Йўқ, Пётр Иванич кеч ташлаяжак бу қадамини ўзича очиқ-равшан чамалаб кўргач, режасини бажаришга журъат қилолмади. У эҳтимол шунга ўхшаш, лекин бошқачароқ, ҳозир зарур ва имкони бўлган йўлни тутишни режалади. Пётр Иваничнинг миясида уч ойдирки бир фикр куртак отган эдиким, бу авваллари бемаъни туюлган бўларди. Ҳозир эса бошқа гап! У мазкур фикрни сўнгги чора сифатида эҳтиётларди. Ўша сўнгги чора вақти келиб, Пётр Иванич ўз режасини амалга оширишга қарор қилди.

«Агар бунинг ёрдами тегмаса, – деган фикр кечди ҳаёлидан, унда тамом! Пешонада бори-да!» Пётр Иванич дадил одимлаб, хотини ёнига боргач, унинг қўлидан тутди.

– Хизмат жойимда қандай мавқедалигимни биласанми, Лиза, – деди у. – Министрликда энг омилкор хизматчилардан ҳисобланаман. Шу йили тайний советникликка тавсия этиламан, бунга эри-

шишим ҳам турган гап. Мансабим шу билан тугайди деб ўйлама, яна олға босишим мумкин... босардим ҳам...

Лизавета Александровна гапнинг даромадига тушунолмай, эрига хайратомуз боқди.

– Қобилиятлигинингга ҳеч қачон шубҳаланмаганман, – деди у. – Ярим йўлда тўхтаб қолмай, охиригача боришингга имоним комил...

– Йўқ, бормайман, яқин кунларда истеъфога чиқаман.

– Истеъфога? – сўради хайрон бўлиб қаддини ростларкан Лизавета.

– Ҳа.

– Нима учун?

– Буёғини эшит. Шерикларим билан ҳисоб-китоб қилганимни биласан, энди завод ёлғиз ўзимники. Бу завод менга ҳеч қандай оворагарчиликсиз қирқ минг сўмгача фойда беряпти, худди очилдастурхонга ўхшайди.

– Биламан. Хўш, нима қилибди?

– Сотаман уни.

– Қўйсанг-чи, Пётр Иванович! Нима бўлди сенга?! – сўради хайрати оша бошлаган Лизавета Александровна капалаги учган қиёфада эрига қараб, – нима ҳожати бор? Эсим оғиб қоляпти, тушунмаяпман...

– Наҳотки тушунмаётган бўлсанг?

– Йўқ!.. – деди ҳанг-манг Лизавета Александровна.

– Қанчалар зерикаётганинг, нечоғлик саломатлигинг иқлимдан... қарамай, мансабим, заводимни кўзим киймасдан сени бу ердан олис-олисларга олиб кетмаётганимга тушунмаяпсанми? Сенга қолган умримни бағишламаганимгами?.. Лиза! Наҳотки мени фидойиликка қодир ҳисобламаган бўлсанг?.. – қўшиб қўйди у таънаомуз.

– Мени деб-а! – хитоб қилди аранг ўзига келиб Лизавета Александровна, – йўқ, Пётр Иванович! – астойдил давом этди у қаттиқ ҳаяжонланиб, – худо ҳақки, ҳеч қандай фидойилик керак эмас менга! Қабул қилмайман бу фидойиликни, эшитяпсанми? Асло қабул қилмайман! Мен туфайли меҳнат қилмай қўйсанг, ўзингни кўрсатмасанг, бойимай қўйсанг-а! Худо сакласин! Бундай фидойиликка арзимамайман! Афв этасан, сени тушуниш, олий мақсадларинг, олижаноб меҳнатингни қадрлаш учун майдалик, бўлмағурлик қилдим... Сенга бундай аёл керакмасди...

– Олижанобликни қаранглар-а! – деди Пётр Иванич кифтларини қисиб. – Менинг ниятим қатъий, Лиза!

– Э худо, э худо, нималар қилиб қўйдим? Йўлингга тўсик бўлдим: сенга халақит беряпман... Пешонам курсин! – қўшиб қўйди Лизавета деярли умидсиз. – Агар бандаси хоҳламаса, яшамаслиги керак... наҳотки парвардигорнинг раҳми келиб, жонимни ола қолмаса? Сенга халақит бериш...

– Мени деб шундай фидойилик қилиш оғир, деб ўйлашинг беҳуда. Пуч яшаш жонимга тегиб кетди! Нафас ростлаб, хотиржам тортмоқчиман. Сен билан холи хотиржам бўлмасам, қаерда хотиржам бўламан?... Италияга жўнаймиз.

– Пётр Иванич! – деди аёл йиғлагудай бўлиб, – сен ажойиб, олиҳимматсан... биламан, мурувватли айёрликка қодирсан... аммо, балки фидойилик бефойдадир, эҳтимол энди... кечдир, сен бўлса ишларингни ташлаб...

– Менга раҳм қил, Лиза, бундай фикрга борма, – эътироз билдирди Пётр Иванич, – йўкса, торс ёрилиб кетаман-а... Такрор айтаман: ақл билангина яшаш ниятим йўқ, ҳали туйғуларим сўнмаган.

Лизавета Александровна эрига диққат билан ишонинқирамай тикилди.

– Шу гапинг... юракданми? – сўради у жим тургандан сўнг, – хотиржам бўлиш учун жўнаб кетяпсан-а, ёлғиз мени деб эмас-а?

– Йўқ, ўзим учун ҳам.

– Агар мени деб бўлса, мен сира, сираям...

– Йўқ, йўқ! Соғлигим ёмон, чарчаганман... нафас ростлашим керак...

Аёл эрига қўл узатди. Пётр Иванич Лизаветани эҳтиросли ўпди.

– Демак, Италияга жўнаймиз-а? – сўради у.

– Майли, жўнаймиз, – жавоб қайтарди аёл ихлоссиз.

Пётр Иваничнинг елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди. «Нимадир бўлади-ёв!»– деган фикр кечди унинг хаёлидан.

Улар бир-бирларига не дейишни билмай узоқ ўтиришди. Агар шу қўйи икковлон ўтираверишса, сукунатни ким биринчи бузиши номаълум эди. Баногоҳ ён хонада ошиғич қадам товушлари эшитилиб, Александр пайдо бўлди.

У қанчалар ўзгариб кетган эди! Жудаям тўлишиб, сочлари ўсибди, икки юзи қип-қизил! Семиз қорни билан бўйнида осиглик ордена пурвиқор кўриняпти! Кўзлари шодон порламоқда. Алек-

сандр келинойисининг қўлини алоҳида эхтирос билан тавоф қилиб, амакисининг қўлини қисди...

– Қаёқлардан сўраймиз? – суриштирди Пётр Иванич.

– Ўзингиз топинг, – жавоб қайтарди Александр маъноли кулиб.

– Бугун қандайдир бошқача кўринасан, – деди Пётр Иванич жиянига саволомуз қараб.

– Қасам ичаманки, қаёқдан келаётганимни тополмайсиз! – деди Александр.

– Ўн йилми, ўн икки йил муқаддам бир куни, ёдимда, хузуримга худди шундай отилиб киргандинг, – деди Пётр Иванич, – нима-мни-дир синдирувдинг... ўшанда севиб қолганингни дарҳол тушунгандим, ҳозир бўлса... наҳотки яна севиб қолган бўлсанг? Йўқ, мумкин эмас, энди анча ақлинг кириб қолган, ундай...

У хотинига қараб, бирдан жим бўлиб қолди.

– Тополмаяпсизми? – сўради Александр.

Пётр Иванич жиянига қараганча ҳамон ўйларди.

– Ёки... уйланяпсанми, а? – деди у кейин бўшашиброқ.

– Топдингиз! – тантанавор хитоб қилди Александр, – табрик-ланг мени.

– Ростданми? Кимга? – сўрашди амаки билан келинойи.

– Александр Степаничнинг қизига!

– Йўғ-е? Ахир у бойвучча қиз-ку, – деди Пётр Иванич. – Отаси-чи... рози бўлдимиз?

– Ҳозир ўшаларниқидан келяпман. Нега рози бўлмас экан отаси? Аксинча, у кўзида ёш билан тинглади қулчилигимни: мени кучоқлади-да, энди хотиржам ўлсам ҳам бўлади, деди; қизининг бахтини кимга топшираётганини билармиш... «Амакижонинглар изидан бораверинглар!» – деди.

– Шундай дедими? Ана кўрдингми, шунда ҳам амакингсиз иш битмабди!

– Қиз нима деди? – сўради Лизавета Александровна.

– Ҳа... у... бу қизларни ўзингиз биласиз-ку, – жавоб қайтарди Александр. – Ҳеч нарса демади, фақат қизариб кетди холос. Қўлидан тутгандим, бармоқлари кафтимда худди фортепиано чалаётгандай ўйноқлади... титради ҳам шекилли.

– Ҳеч нарса демаганмиш! – ёзғирди Лизавета Александровна. – Наҳотки қизнинг қўлини сўрашдан олдин у билан гаплашиш сизга оғирлик қилган бўлса? Ёки барибирми? Нега уйланяпсиз ўзи?

– Негангиз нимаси? Саланглаб юравермаслигим керак-ку ахир! Сўққабошлик жонимга тегиб кетди, кўним билиш, та tante, туп кўйиб, уй-жой орттирмоқ, бурч ўташ пайти келди... Қиз бўлса яхшигина, бадавлат... Нега уйланишимни, мана, амакижоним тушунтириб берадилар, жудаям асосли гапирадилар у киши...

Пётр Иванович жиянига хотинидан яширинча менга илова қилма, деган маънода қўл силтаб қўйди-да, жим бўлди, бироқ Александр буни пайқамади.

– Балки сиз қизга ёқмасиз, – деди Лизавета Александровна, – эҳтимол у сизни севмас, нима дейсиз бунга?

– Нима ҳам дердим, амакижон? Сиз мендан кўра дурустроқ гапирасиз... Мана, ўзингизнинг сўзларингизни мисол қилиб келтира қоламан, – давом этди Александр, амакиси ўтирган жойида типирчилаб, ҳозирги гапни чалғитмоқ учун қаттиқ йўталаётганини пайқамай, – севиб уйлансанг, муҳаббатинг ўтиб кетиб, кўникма билан яшай бошлайсан. Севиб уйланмасанг ҳам худди шунга эришасан-да, хотинингга кўникиб кетасан. Севги ўз йўлига, уйланиш ўз йўлига, булар ҳам доим ҳам бир-бирига мос келавермайди, энг маъқули булар мос келмагани... дердингиз... Тўғрими, амакижон? Шундай таълим берардингиз-ку...

Александр Пётр Ивановичга боқаркан, амакиси унга еб юборгудай қараётганини кўриб, дарров шаштидан тушди. Кейин оғзи очилганича ханг-манг бўлиб келинойиси, сўнг тагин амакисига қаради-да, жим бўлди. Лизавета Александровна хаёлчанлик билан бош чайқаб қўйди.

– Хўп, демак, уйланмоқчимисан? – сўради Пётр Иванович. – Дуруст, худо ёрлақасин! Сенга қолса, йигирма уч ёшингда уйланмоқчийдинг.

– Ёшлик-да, амакижон, ёшлик!

– Ҳа, баракалла.

Александр ўйга чўмиб, кейин жилмайди.

– Нега куляпсан? – сўради Пётр Иванович.

– Шунчаки миямга бир фикр келиб қолди...

– Қандай фикр?

– Севиб қолганимда... – жавоб қайтарди Александр ўйланиб, – уйланишга имкон бўлмаганди.

– Энди уйланыпсану, муҳаббат йўқ, – қўшиб қўйди Пётр Иванович. Сўнг иккалалари кулиб юборишди.

– Бундан хулоса шуки, амакижон, кўникиш асосий гап деганингизда ҳақ экансиз...

Пётр Иванович тагин жиянига ёвқараш қилди. Александр буни нимага йўйишини билмай жим бўлди.

– Ўттиз беш ёшингда уйланыпсан, – деди Пётр Иванович, – дуруст. Ёдингда бўлса бир пайтлар жининг кўзиб, қичқирганча тенгсиз никоҳ, бадавлат қиз қурбон сифатида кекса, жудаям хунук, тепакал одам оғушига ташланади, деб жиғибийрон бўлгандинг. Қани, бошингни кўрсат-чи.

– Ёшлик-да, амакижон, ёшлик! Нодонлик қилганман, – жавоб қайтарди Александр қўли билан сочини сийпалаб.

– Нодонликимиш, – давом этди Пётр Иванович, – унутмаган бўлсанг, анави, исми нимаиди... Наташагами, ошиқу бекарорлигинг эсингдадир? «Ашаддий рашк, туйғу тўлқини, беҳиштона роҳат...» қани энди булар?..

– Оббо, амакижон, бўлди-да! – деди Александр қизариб.

– «Улкан эхтирос, кўзёшлар» қаёққа кетди?..

– Амакижон!

– Нима? «Самимий изҳор», сафсар гуллар узиш йўқ-да энди! «Сўққабошлик жонга тегди»...

– О, амакижон, бунақада ёлғиз менгина севмаганим, девонавор рашк қилмаганиму, йиғламаганимни исботлашим мумкин... узр, марҳамат, қўлимда ёзма ҳужжат бор-а...

Александр чўнтагидан ҳамён олиб, ундаги қоғозларни анча узоқ қовлаштиргач, қандайдир эски, деярли титилиб кетган сарғиш қоғоз чикарди.

– Мана, ma tante, – деди у, – амакижоним ҳар доим ҳам мулоҳазакор, ҳазилкаш ва бегуноҳ бўлавермаганларининг далили. Бу киши ҳам дил изҳори қилганлар, уни яна тагин махсус сиёҳда норасмий қоғозга ёзиб берганлар. Мен бу увада қоғозни амакимни фош этиш учун тўрт йилдирки, ёнимда олиб юрибман. Уни унутиб ҳам юборгандим, аммо ўзинглар эслатиб қўйдинглар.

– Бу қанақаси? Ҳеч нарсага тушунмаяпман, – деди Пётр Иванович илвиروق қоғозга қараб.

– Мана, кўриб қўйинг.

Александр қоғозни амакисининг кўзларига яқинлаштирди. Пётр Ивановичнинг юзи тўсатдан гезариб кетди.

– Буёкка бер, бер, Александр! – кичкирди амаки апил-тапил ва қоғозни юлқиб олмоқчи бўлди. Бироқ Александр қўлини шартта олиб қочди. Лизавета Александровна уларга қизиксиниб қаради.

– Йўқ, амакижон, бермайман, – кўнмади Александр, – то ҳозир, келинойим хузурида бир пайтлар мен, ҳамма қатори... севганингизни тан олмагунингизча овора бўласиз... Ёки қўлимдаги хужжат сиз учун умрбод таъна сифатида келинойимнинг қўлига топширилади.

– Ҳой нодон! – кичкирди Пётр Иванович, – нима қилмоқчисан мени?

– Тан олмайсизми?

– Хўп, бўпти, севганман. Бер энди.

– Йўқ, айтинг, девоналарча рашк қилганмисиз?

– Ҳа, рашк қилганман... – деди афтини буриштириб Пётр Иванович.

– Йиғлаганмисиз?

– Йўқ, йиғламаганман.

– Ёлғон! Холамдан ўз қулоғим билан эшитдим. Тан олинг.

– Тилим бормаяпти, Александр. Лекин ҳозир йиғлаб юборишим мумкин.

– Ma tante! Манави хужжатни кўриб қўйинг.

– Беринг-чи, нима ўзи бу? – сўради Лизавета Александровна қўл чўзиб.

– Йиғлаганман, йиғлаганман! Бер! – жон ҳолатда ўкирди Пётр Иванович.

– Қўл соҳилида-а?

– Ҳа, қўл соҳилида.

– Сафсаргул ҳам терганмисиз?

– Терганман. Бўлди-да энди! Бер!

– Йўқ, ҳаммаси эмас ҳали бу. Менинг нодонликларимни унутиб, юзимга солавермасликка онт ичинг.

– Онт ичаман.

Александр қоғозни узатганди, Пётр Иванович уни юлқиб олди-да, гугурт чақиб, шу заҳоти қўлидаги далилни ёқиб юборди.

– Алоҳа айтасизларми, нима эди ўзи у? – сўради Лизавета Александровна.

– Йўқ, азизам, киёматда ҳам айтмайман, – жавоб қайтарди Пётр Иванович. – Нахотки мен ёзган бўлсам буни? Бўлиши мумкин эмас...

– Сиз ёзгансиз, амакижон! – гапни бўлди Александр. – Нима ёзилганини ҳам айтиб беришим мумкин. Ёддан биламан. «Фариштам, бебаҳойим...»

– Александр! Умрбод аразлашиб қоламиз-а! – жаҳл аралаш ўшқирди Пётр Иванич.

– Жиноят қилгандай қизаришяпти-я! Тагин нима важдан, – деди Лизавета Александровна, – илк, нозик севги важдан.

Аёл кифт қисиб, амаки-жиянлардан тескари ўгирилди.

– У севгида шунақаям... нодонлик кўпки, – деди Пётр Иванич майин, эшитилар-эшитилмас овозда, – мана сен билан мен ҳеч қачон изҳори дил, гул, ойдинда сайр қилмаганмиз... шунга қарамай, севасан-ку мени...

– Ҳа, мен жудаям... кўникиб қолганман сенга, – паришон жавоб қайтарди Лизавета Александровна.

Пётр Иванич ўйчан қиёфада чакка соколларини силай бошлади.

– Нима, амакижон, – сўради Александр шивирлаб, – аҳвол шундайлигича қолаверадими?

Пётр Иванич жиянига «жим бўл» дегандай кўз қисиб қўйди.

– Пётр Иваничнинг бундай қилиши ва ўйлаши узрли, – деди Лизавета Александровна, – у аллақачондан бери шундай, ўйлашимча, ҳеч ким амакингизни бошқача тасаввур ҳам этолмайди. Аммо сиздан ҳозиргидай ўзгаришни кутмагандим, Александр...

Аёл хўрсинди.

– Нега хўрсиндингиз, ma tante? – сўради Александр.

– Аввалги Александр тўғрисида, – жавоб қайтарди Лизавета.

– Наҳотки мени ўн йил олдингидай қолишимни хоҳласангиз, ma tante? – оғринди Александр. – Амакижоним тўғри айтдилар, бу нодон хаёлпарастлик...

Пётр Иваничнинг жаҳли чиқа бошлаганди, Александр жим бўлди.

– Йўқ, ўн йил олдингидай эмас, – жавоб қайтарди Лизавета Александровна, – тўрт йил илгаригидай бўлишингизни хоҳлайман. Қишлоқдан менга қандай мактуб ёзганингиз ёдингиздами? Қандай ажойиб эдингиз-а уёқда?

– Мен ҳам у ерда хаёлпараст бўлган бўлсам керак, – деди Александр.

– Йўқ, хаёлпараст эмасдингиз. У ерда ҳаётни тушуниб, маънисига етгандингиз. Ажойиб, олижаноб, ақлли эдингиз... Нега ўшан-

дайлигингизча қолмадингиз? Амалда эмас, тилда, қоғоздагина ўшандай бўлишингизга нима ҳожат бор эди? Ажойиблигингиз булут остидан мўралаган офтобда бир сония милт этдию сўнди...

– Ҳозир энди мени... нодон ва... яхши одам эмассан демоқчисиз-да...

– Худо сақласин! Сираям-да! Ҳозир оқил ва яхшисиз... бошқача, мен ўйлагандай эмас...

– Иложим қанча, ma tante? – деди қаттиқ хўрсиниб Александр.
– Замон шундай. Замон билан баробар одимлаяпман. Замондан орқада қолиб бўлмайди-ку! Амакижонимга суянаман, унинг сўзларини келтира қолай...

– Александр! – ғазабланди Пётр Иванич, – бир фурсат бўлмамга кир, сенга айтадиган гапим бор.

Улар бўлмага киришди.

– Нега бугун нукул мени рўқач қилаверяпсан? – деди Пётр Иванич. – Хотинимнинг аҳволини кўряпсанми ўзи?

– Нима бўлди? – сўради хавотирланиб Александр.

– Ҳеч нарсани сезмаяпсанми? Унда билиб қўй: хизматим, ишларимни ташлаб, келинойинг билан Италияга жўнаяпман.

– Йўғ-е, амакижон! – хитоб қилди хайратда Александр, – ахир бу йил сиз тайний советникликка...

– Кўрмайсанми, насиб этмаган экан...

Пётр Иванич хонада уч марта у ёқдан-бу ёққа бориб келди.

– Йўк, – деди у кейин, – мансаб поғонам охирига етди! Бўлар иш бўлди, қисматим мартабали бўлишимга йўл қўймаяпти... майли! – қўл силтаб қўйди Пётр Иванич.

– Яхшиси, сен тўғрингда гаплаша қоламиз, – деди у сўнгра, – менинг изимдан кетяпсан шекилли чоғи...

– Яхши-да, амакижон! – гап қўшди Александр.

– Ҳа! – давом этди Пётр Иванич, – ўттиздан сал ошганингда коллеж маслаҳатчиси, яхшигина давлат маоши, ўзгалар меҳнати орқасида мўмай пул ишлайсан, яна тағин ўз вақтида бадавлат кизга уйланишинг... Ҳа, Адуевлар билиб иш тутишади! Қуйиб қўйган ўзимсан, фақат белинг оғримайди холос...

– Гоҳо санчиб қўяди... – деди Александр белини сийпалаб.

– Ҳаммаси яхши, белдан ташқари албатта, – давом этди Пётр Иванич, – тўғриси, бу ерга келганингда сендан бирор нарса чиқишига кўзим етмаганиди. Миянг пуч хаёллар билан тўла эди,

осмони фалакда парвоз килиб юардинг... хайрият, ҳаммаси ўтиб кетди, шунисига шукур! Маслаҳатим шуки, ҳамма нарсда менинг изимдан бор, фақат...

– Нима фақат, амакижон?

– Хўш... бўлғуси хотининг борасида... бир-икки оғиз маслаҳат бермоқчиман...

– Қандай маслаҳат. Қани, айтинг.

– Ҳа, йўк! – давом этди Пётр Иванович сукутдан сўнг, – ишни бузиб қўймай деб қўрқаман. Ўз билганингча иш тутавер, нима демоқчилигимни сездинг шекилли... Яхшиси, уйланишинг тўғрисида гаплашайлик. Айтишларича, қайлиғингнинг икки юз минг сўм сепи бор экан, шундайми?

– Ҳа, дадаси икки юз беради, ойисидан юз қолган.

– Ие, уч юз-ку! – қичқириб юборди капалаги учаёзиб Пётр Иванович.

– Ҳа, дадаси бугун беш юз жоннинг барини йилига саккиз минг тўлаш шарти билан тамоман бизнинг ихтиёримизга ҳавола қилди. Бирга яшар эканмиз.

Пётр Иванович ғайриодатий чакқонлик билан креслодан сакраб турди.

– Тўхта, тўхта! – деди у, – қулоғимни битириб юбординг, нотўғри эшитмадимми? Такрорла, қанча?

– Беш юз жон ва уч юз минг сўм... – такрорлади Александр.

– Сен... ҳазиллашмаяпсанми?

– Ҳазил нимаси, амакижон!

– Мулки ҳам... алдамаётганмикин? – сўради Пётр Иванович турган еридан қимирламай.

– Йўк.

Амаки қўлларини кўксига чалиштирган қўйи бир неча дақиқа жиянига эҳтиром билан қараб қолди.

– Ҳам мартаба, ҳам толе! – деди у кейин қарийб ичида жияни билан фахрланар экан. – Толе бўлгандаям қандай толе! Баногоҳ-а! тамом, бас!.. Александр! – мағрур, тантанавор қўшиб қўйди Пётр Иванович, – сен менинг жигаримсан, Адуевсан! Бўпти, буёғига кучоқла мени!

Улар кучоқлашишди.

– Биринчи марта кучоқлашяпмиз-а, амакижон! – деди Александр.

– Охиргиси ҳам! – жавоб қайтарди Пётр Иванич, – фавкулодда ҳодиса. Хўш, энди ҳам лаънати темир керак эмасми сенга? Лоақал бир марта сўра ахир!

– Оҳ! Керак, амакижон. Жудаям муҳтожман. Қанийди ўн, ўн беш минг сўм берсангиз...

– Ноилож, умримда биринчи марта бераман! – хитоб қилди Пётр Иванич.

– Охиргиси ҳам, амакижон. Бу фавкулодда ҳодиса! – деди Александр.





МУНДАРИЖА

Моҳир романнавис	3
Биринчи қисм	9
Иккинчи қисм.....	167
Хотима	330

Рус адабиёти дурдоналари

Адабий-бадий нашр

Иван Александрович Гончаров

ЗАМОНА ЗАЙЛИ

Икки қисмдан иборат роман

Нашр учун масъул *М. Бўронов*

Нашрга тайёрловчи *Ш. Шоабдурахимова*

Таржимон *Х. Эргашев*

Мухаррир *Ш. Шоабдурахимова*

Рассом *Р. Зуфаров*

Бадий муҳаррир *Б. Зуфаров*

Техник муҳаррир *Т. Харитонова*

Кичик муҳаррир *М. Салимова*

Мусаххих *Г. Паттахова*

Компьютерда саҳифаловчи *Ф. Ҳасанова*

Нашриёт лицензияси АИ №158, 14.08.2009. Босишга 2020 йил 23 январда
рухсат этилди. Бичими 60×90^{1/16}. Офсет қоғози. «Times New Roman»
гарнитурасида офсет усулида босилди. Шартли босма табоғи 22,0.
Нашр табоғи 20,62. Адади 5000 нусха.
Буюртма № 19-742.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг
«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz

Гончаров, Иван Александрович

Г 69

Замона зайли [Матн]: роман / И.А. Гончаров. Хайрулла
Эргашев таржимаси. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2020.
– 352 б.

ISBN 978-9943-25-940-9

УЎК 821.161.1-31

КБК 84(2Рус)



И. А. Гончаров

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-25-940-9

